

Ч. Жумаев, Н. Сафаров

# ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

Термиз Давлат Университети

Чори ЖУМАЕВ, Нормурод САФАРОВ

**“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ”  
ФАНИДАН  
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

*Ушбу ўқув қўлланма барча йўналишидаги бакалаврлар, магистрлар ва  
иқтисодиёт билан қизиқувчи кенг китобхонлар учун мўлжалланган*

TerDU ARM  
№389012

Тошкент  
«Тафаккур» нашриёти  
2009 йил

“Иқтисодиёт назарияси” фанидан ёзилган ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Термиз давлат университети томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастури асосида тайёрланган. Ўқув қўлланма олий ўқув юр்தларининг иқтисодиёт йўналишидаги талабаларига ва иқтисодиётни ўрганувчилар учун мўлжалланган бўлиб, ундан академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари фойдаланишлари мумкин.

*Термиз давлат университети илмий кенгаши  
томонидан нашрга тавсия этилган*

**Тақризчилар:**

*Иқтисод фанлари доктори  
Ҳамроев Одил Ҳамзаевич*

*Иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Рўзиев Ойбек Абдумўминович*

*Иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Гадайшаев Маҳмуд Абдураҳмонович*

**Илмий муҳаррир:**

*Иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Исанқулов Ишқўлат Турахонович*



## КИРИШ

Жамият тараққиёти тўхтовсиз давом этадиган, ўзгариб борадиган жараёнлар. Шунга кўра янгиланаётган ҳар бир тизим ўзига хос тартибда яшаш тарзига эгадир. Инсонлар ва инсоният шунга мувофиқ равишда ўз фаолиятини давом эттиради.

Республикада мустақиллик галабаси жамият учун иқтисодий – ижтимоий, маънавий янгилашни имкониятларининг ҳақ – ҳуқуқларини берди. Ҳар бир мустақил, эркин бўлган жамият ўз йўлини, ўз келажақ ривожини ўзи танлайди ва яратади. Ўзбекистонда очиқ, эркин бозор иқтисодиётига асосланган жамият, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўли бош мақсад қилиб олинди.

Ҳар бир давлат тўла қонли мустақилликка эга бўлиш учун жамиятнинг бошқарилишида намоён бўладиган ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ҳуқуқларини ўзгаларнинг аралашмаслигини ўз қонун – қоидалари, ўрнатилган тартиби асосида олиб борилади. Президентимиз И.А.Каримов – “Истиқлол мафкураси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради” – деб ёзган<sup>1</sup>.

Мустақилликка эришилган даврнинг дастлабки кунларидан бошлаб Республикада ўз тараққиётларига эришиш, жамиятни тинч, фаровон бошқариш дастур ва қоидалари, тамойиллари белгиланилди. Бунда дунёдаги кўпгина мустақил бўлган давлатларнинг иш юритиш, урф – одатларимизга, турмуш тарзимизга мувофиқ келадиган ҳаётий ўхшашлик томонларини эътиборга олганимиз ҳолда, ривожланишнинг ўзига хос услублари танлаб олинди. Шунга кўра жамиятни бошқаришда дастак бўла оладиган, турмуш тарзимизни ифода этадиган қонунлар ишлаб чиқиш тизимлари барпо этилди. Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида республикада олиб борилаётган ижтимоий бошқарув белгиланган мақсад сари мамлакатимизнинг ҳам ички, ҳам ташқи фаолиятида кўплаб ривожланишни юзага келтирмоқда.

Жамият бошқарувида кадрлар салоҳияти, уларнинг етук билимдон бўлишлиги муҳимдир. Бунинг учун иқтидорли ёшларни тарбиялаб етказиш жамият учун, унинг эртанги ҳаёти учун беқиёс аҳамиятга эга.

Айниқса иқтисодий билимларни, тушунчаларни ёшларга мактаб ёшиданоқ ўқитишнинг келажақ самараси бор. Ўзбекистонда юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш давлат назоратидадир. Республикадаги умум таълим мактабларида, гимназия, лицей ва касб

<sup>1</sup> Каримов И. А. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” Т. “Ўзбекистон” – 2001 й. 6-бет

– ҳунар қоллежларида иқтисодий билим асослари, иқтисодиёт назарияси, маркетинг, менежмент, тадбиркорлик каби фанларни чуқур ўргатиш бунинг асосидир. Бунга хос, албатта ўқув адабиётлари, ўқитувчилар тайёрланган бўлишлиги талаб этилади.

Амалий фаолиятларда олиб борилаётган ислоҳотларимиз мақсадга мувофиқ иқтисодиётда бозор тизимини мукамал шакллантиришни солиқ, молия пул – кредит сиёсатини янада такомиллаштиришни долзарб заруриятларни ҳал этмоқда.

Табиат ва жамият қонун – қоидаларини ўрганишнинг ўзи ажойиб бир хусусиятга эга. Чунки инсоният тафаккурини асрлар бўйи бош кўтариб келаётган нарса, бу авваламбор овқатланиш, кийиниш, бошпанага эга бўлиш каби эҳтиёжлардир. Инсоният ҳаёти мураккаб, кўп қиррали ва гоят чигалдир. Шунга кўра кишилар ўртасида ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими юзага келди, муайян турмуш тарзи, даволаш, оила, ахлоқнинг аниқ кўринишлари шаклланди.

Ҳозир иқтисодиётимизда бозор муносабатлари чуқурлашган сари юзага келаётган ўзгаришлар янгича бошқариш услубларини яратишни талаб этмоқда. Айниқса иқтисодчи кадрлар кенг фикрланган, мулоҳаза қилинган ҳулосаларга эга бўлмоғи, ўз ишини пухта эгаллаган мутахассис бўлмоғи зарур. Республика иқтисодиёти янгича муносабатларга ўтиш босқичида турган шароитда, бозор иқтисодиёти олдинги тизимдан ҳар томонлама фарқ қилади. Бу ҳўжаликни бошқариш усуллари, ҳаёт тарзи, ўз ахлоқ талаблари, эркин меҳнат бозори ва бошқа кўринишларда намоёндыр. “Иқтисод” – бу инсон яратган барча неъматларни, табиатдаги барча бойликларни, инсоннинг меҳнатини тежаб – тергаб ишлатишдыр. Бу инсоннинг тирикчилигини ўтказишига қаратилган ҳўжалик фаолиятидыр. Бу фаолият авваламбор ишлаб чиқариш жараёнидан бошланади. Давомида эса ушбу яратилган маҳсулотларни тақсимлаш, айирбошлаш ва ниҳоят истеъмол қилиш лозим бўлади. Инсоннинг тирикчилик негизида ўзига хос қонун – қоидалар мавжуд.

Инсон эса буларни билишга, ўзгартиришга, унга амал қилишга узлуксиз равишда интилади. Куръони Карим, Ҳадиси Шарифда, буюк алломалар асарларида иқтисодиёт қонун қоидаларига оид фикр – насиҳатлар айтылган.

Мазкур қўлланма ўқувчиларга бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётда амал қиладиган қонуниятларни, бозор механизмининг назарий ва амалий асосларини билишни тақозо этади. Шу йўналишда ресурсларнинг танқислиги шароитида эҳтиёжларни қондириш зарурлиги ва унинг ечими иқтисодий вазифалар ҳисобланади. Иқтисодий қонун категорияларини иқтисодиёт назарияси ўргатади. Иқтисодий иш билан шуғулланадиган кишилар учун ҳам иқтисодий назарияни билиш зарур. Ҳар бир киши таклифчими, талабчими барибир ўз иқтисодий фаолияти сирларини билиши фойдалидыр. Улар пул топадилар, уни сарфлайдилар,

оиласи тирикчилигини ўтказди. Шунинг учун ҳам иқтисодий муносабатлардан барчаси манфаатдордирлар.

“Иқтисодиёт назарияси” биринчидан кишилар иқтисодиётининг сир – асрорларини ўргатади, жумладан иқтисодий саводини чиқаришга, уларнинг билим савиясини оширишга тушунча беради, қолаверса иқтисодиётга оид амалий қоидаларни айрим кишилар, оилалар, фирмалар ва давлат хизматчилари эътиборига етказди. Барча инсонлар фаровон турмуш кечиришга интиладилар. Шунинг учун ҳам инсон иқтисодиётда узлуксиз дуч келадиган мураккаб талабларга бардошлик билан чидашга ва ўз мақсадини амалга оширишга кўрашади. Ўзбекистонда ҳозирги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб кенг омманинг иқтисодий саводини чиқариш юзасидан махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилган. давлат дастурининг бажарилиши қаттиқ назоратга олинган. Дастурга асосан Ўзбекистонда айниқса ёшларнинг иқтисодий саводхонлигини бола боғча ёшиданоқ ошириб борилиши эътиборга олинган. Мазкур қўлланмада ўқув юртларида таълим олаётган талабалар, иқтисодиётни ўрганувчилар учун иқтисодий билимларни ҳам назарий, ҳам амалий билиб олиши учун у қулай, оддий жумлалар ва ҳаётий мисоллар билан ёзилган. Қўлланма юзасидан билдириладиган фикр мулоҳазалар инobatга олинади.

# **I. БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ**

## **I. БОБ. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ НРЕДМЕТИ ВА УНИ БИЛИШ УСЛУБИ**

Ушбу бобни ўрганишда қуйидаги иқтисодий тушунчаларга эътибор қилиш зарур. Иқтисод, иқтисодиёт илмий тушунчалари унинг бош масаласи ва иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланишининг илмий асослари. Иқтисодиёт назарияси фанининг ҳаётий моҳияти ва унинг вазифалари, иқтисодий қонунлар, категориялар уларнинг фани, ҳаётни ўрганишдаги ўрни. Иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг услублари. Қадимги Шарқ ва Ғарб халқларида иқтисодий ғояларнинг вужудга келиши. Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш муаммоларини билишда иқтисодиёт назарияси фанининг аҳамияти.

### **1.1. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши.**

Иқтисодиёт фанининг юзага келишида қадимги Шарқ мамлакатлари иқтисодчи олимларининг сарфлаган меҳнатлари, изланган илмий хулосаларининг ўрни муҳимдир. Қадимги Ҳинд “Ману қонунлари”да ижтимоий меҳнат тақсими, ҳукмронлик ва бўйсунуш муносабатларининг қайд этилганлиги аниқланган. Шунингдек иқтисодиётга оид тарихдан маълум, машҳур олимлари Аристотел, Платон, Ксенофонт асарларида, қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё олимларининг ижодий фаолиятларида иқтисодиётнинг инсон тирикчилиги билан ажралмас тушунча эканлиги ҳақида фикрлар ва илмий хулосалар бўлган.

Иқтисодиётнинг фан сифатида юзага келишининг манбаида Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек асарларида, шунингдек Куръони Каримда, Ҳадисларда, Қобусномада баён этилган илмий хулосалар улуши бор.

“Ризқ – рўз”, “тежаб – тергаб”, “бойликнинг манбаида меҳнат”, “еб – ич, лекин исроф қилма” каби кишиларни меҳнат қилишига ундаган ва шу туфайлигина мол – мулкка эга бўлишлик мумкинлигини айтиб ўтилган.

Илмий тадқиқотлар, таҳлиллар, заруриятлар инсон ҳаёти билан бир йўналишда ўсиб, ривожланиб борган. Бу ҳолат инсонларнинг турли хил эҳтиёжларини қондириш учун янги – янги имкониятларни аниқлаш, ундан фойдаланишни тақозо этади. Лекин ҳаётда бу энгил масала эмас. Шунга кўра эҳтиёжга эътиборан, мос таъминотни яратиш зарурлиги дунё олимларининг эътиборида бўлди.

Қадимги Грецияда иқтисодий қарашлар янада ривож топди. Масалан қадимги грек мутафаккирларидан Ксенофонт (эқ. 430-354), Платон (эқ. 427-347), Аристотел (эқ. 384-322) ларнинг қарашларини ҳозирги иқтисодий фаннинг бошланғич назарияси сифатида тан олиш мумкин. Уларнинг асарларида қайд этилган иқтисодий тушунчалар ҳозирги иқтисодиётда ҳам мавжуд. Улар фойдалилик тўғрисидаги тушунчани ҳужалик неъматларининг қиммати асоси сифатида, шунингдек ҳужалик неъматларини тўғри айирбошлаш, эквивалентларини айирбошлаш каби илмий – иқтисодий тушунчаларни билишганлар. “Иқтисод” тушунчаси дастлаб Аристотел томонидан таърифланган. У грекча сўз бўлиб “Ойкос” – уй ҳужалиги ва “номос” – таълимот, қонун сўзлари мазмунидадир.

Вақт ўтиши билан бу айнан ёзилган мазмунлар ўзгариб борди. Масалан “Иқтисодиёт” сўзи грекча “Ойкономия” сўзидан – уй ҳужалигини юритиш санъати тушунчасида анланмоқда. Шунга кўра жаҳон иқтисодиёти, Ўзбекистон иқтисодиёти, ёки мазкур туман, шаҳар иқтисодиёти мазмунида ишлатилмоқда. Саноат, қишлоқ ҳужалиги, транспорт, алоқа каби тармоқлар иқтисодиёти ҳам мавжуд. Иқтисодий жараёнларни бошқаришда ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол жараёнларида юзага келадиган, кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг мавжудлиги илгаридан маълум. Бу муносабатлар ҳам иқтисодий тизимни ташкил этади.

Иқтисодий назария фан сифатида XVI – XVII асрларда юзага келди. Унинг тарихида кўплаб оқимдаги, турли хил тушунчадаги илмий қарашлар мавжуд. Меркантилистлар таълимотининг моҳияти бойлик келиб чиқишининг манбаига қаратилган. Улар бойликнинг манбаини муомаладан деб тушунишган. Чунки меркантилистлар савдо фаолиятини ниҳоят хурмат қилишган ва уларнинг гоёси шунга кўпроқ қаратилган. Уларнинг вақили Томас Манн (1571 – 1641), Антуан Манкретъен де Ваттевиль (1575 - 1621), Давид Юм (1711 – 1776)лар бўлаган. Сиёсий иқтисод фанига ўтишда Уильям Петти (1623 – 1686) нинг таълимоти анча мазмунли бўлган. “Солиқлар ва йиғинлар тўғрисидаги трактат” (1662), “Донишмандларга сўз” (1665), “Сиёсий арифметика” (1676), “Пул тўғрисидаги баъзи нарсалар” (1682) асарлари бир мунча ижобий ўринга эга бўлган.

Уильям Петти биринчилардан бўлиб “меҳнат бойликнинг атамаси ва актив принципи, ер эса унинг онасидир” деган.

Фаннинг ривожланишида физиократлар меҳнати ҳам эътиборлидир. Улар йирик ер эгалари манфаатларини ҳимоя қилишган. Физиократ Фрасуа Кенэ (1694 - 1774) ер эгаси оиласида тугилган. У врач ва ҳуқуқшунослик таълимотини олган. Людовик XV нинг саройида шифокор бўлган. 52 ёшида сиёсий иқтисодга оид “Иқтисодий жадваллар” (1758) асарини ёзган. Франсуа Кенэ бойлик муомалада яратилади деган таълимотга ишонмайди. Бойликнинг манбаи сифатида қишлоқ ҳужалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг истеъмол қилинганидан кўпроқ бўлишлигини, ҳамда деҳқончиликда меҳнатни англайди. Лекин бойликнинг манбаи фақат деҳқончиликда эмаслигини англамайди.



иқтисодий назариясининг бир бутун фан сифатида тан олинишида кўплаб иқтисодчи олимлар хизмати бор. А. Смит (1723 – 1790) ва Д. Рикардо (1772-1823), Симон де Симонде (1773-1842), Сен – Симон (1760-1825), Шарл Фурье (1772-1837), Роберт Оуен (1771-1858), Фаробий, Ибн Сино, Беруний, А. Навоий, А. Темур, Абдурахмон Жомий (1414-1492), Захриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530), Мирзо Бедил (1644-1721), Маҳтум Қули (1733-1782).

А. Смит “Бойликнинг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш тўғрисида”ги асарида иқтисодий давлатнинг чегарали аралашуви ва ниҳоят бозорда талаб ва таклифга боғлиқ ҳолда юзага келадиган эркин нархларасосида бозорни тартибга солиш мумкинлигини таълимот қилади. Қийматнинг меҳнат назариясига асос солади, даромадлар тўғрисидаги таълимотни яратади, солиққа тортиш принципларини ишлаб чиқади.

Д. Рикардо А. Смит гоъларини давом эттирди. У 1793-1812 йилларда тижорат билан шуғулланди. Йирик бойлик эгаси сифатида у илмий ишлаб чиқариш билан шуғулланди. “Сиёсий иқтисод ва солиққа тортишнинг бошланғич асослари” (1809-1817) асарида дифференциал рента механизмини очади, даромаднинг асосида меҳнат борлигини, фойда эса ишчининг ҳақ тўланмаган меҳнати нагижаси эканлигини, иш ҳақи ва фойда ўртасидаги тескари пропорционал боғлиқликлар борлигини аниқлайди.

Симон де Симонде “Сиёсий иқтисодда янги масалалар” (1819) асарида тақсимот муносабатларини ёзади. У капиталистик жамият иқтисодий механизмини танқид қилади.

Сен-Симо, Шарль Фурье ҳам келажак жамиятини қуриш ҳақида ўз фикрларини билдиради. Марказий Осиё олимлари ҳам иқтисодий таълимотлар тўғрисида кўплаб илмий фикрлар билдирган. Масалан Фаробий – инсоннинг эҳтиёжларини жамият шаклланишининг асоси деб, тушунган. Абу Али Ибн Сино (980-1037) эса даромад ва харажатлар фақатгина оила даражасида эмас, балким у давлат миқёсидаги иқтисодий масаладир – деб тушунган.

Абу Райхон Беруний (973-1048) йирик энциклопедик олим, у биринчи бўлиб пулнинг келиб чиқишини тадқиқ қилади. Шунингдек пулнинг келиб чиқиши сабабларини меҳнат маҳсулини айирбошлаш эҳтиёжларининг юзга келганлиги билан боғлади. Ушбу таълимотга қўшимча XI – асрда кўзга қўринган олим Юсуф Хос Ҳожиб “Бахт келтирувчи билимлар” китобида (1069) пулнинг функцияларига аниқ таъриф беради.

Шарқда иқтисодий фикрларнинг ривожланишида Амир Темур (1336-1405), А. Навоий (1441-1501), М. Бобур (1483-1530), М. Бедил (1644-1721), Маҳтум Қули (1733-1782) каби таълимотлар ҳам тарихда ўз кучига, қадр – қимматига эга бўлган.

Иқтисодий назарияси фанининг ривожланиш тарихида ҳозирги иқтисодий қарашларнинг ҳам ўзига хос йўналишлари мавжуд. Булар асосан XIX аср охири XX бошларида шаклланганларидир.

Иқтисодий таълимотлар такомиллашиб боргани сайин илмий ҳулосалар, тадқиқотлар ҳам ўзига хос йўналишларда олиб борилади. Шунга кура ҳозирги замон иқтисодий фикрлар ҳам ўз йўналишларига эга. Улар, янги классик, кейнсча, институционал – социологик тушунчалардир.

Иқтисодий таълимотларни танқидий ўрганиш натижасида XX аср охирларига келиб янги классик йўналиш юзага келди. Бу маржинализм инглизча - “чегаравий” назарияси кўринишида шаклланди. Бунда Австрия мактаби иқтисодчилари Карл Менген (1840 - 1921), Фридрих Фон Визер (1851 -1926), Эйген фон Бем – Баверк (1851 – 1914) ва инглиз иқтисодчиси Уилям Стенли Джевоне (1835 – 1882)лар фаолият кўрсатди.

Янги – классик иқтисодий фикрлар XX асрнинг 30 йилларигача ҳукмронлик қилиб келди. Чунки янги классик таълимотлар жамиятнинг барча ижтимоий – иқтисодий муаммоларини ҳал қила олмаслигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам унинг ўрнига кейнсчилик барпо топди. Бунинг мазмуни шундаким ,70 – 80 йилларда давлатнинг иқтисодга аралашуви кучайиб борди, оқибатда бу ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсиқ бўла бошлади. Натижада яна янги – классик таълимот ўз долзарблигида қолди. Бу ўзгаришни Ғарб иқтисодий адабиётида “янги классик экономикс” номи билан атади.

Карл Маркс (1818 - 1883) классик сиёсий иқтисод ютуқларига асосланиб марксизм деб аталган янги назарий концепцияни ишлаб чиқди. У асосий асари “Капитал”ни ёзиш учун 40 йил вақт сарфлади, лекин асар тугатилмай қолди. К. Маркснинг илмий меҳнати – бу қўйматнинг классик назариясини ва қўшимча қўймат назариясини янгича ишлаб чиқишидир.

К. Маркс таълимотига турлича қарашлар пайдо бўлди. Масалан Америка иқтисодчиси В. Леонтъевнинг айтишича “Капитал”да фойда, иш ҳақи, капиталистик корхона тўғрисида кенг мазмунда иқтисодий таълимот берилган. Буни билиш учун “Капитал”нинг уч томини мукамал ўрганиш лозим.

Ҳудди шунингдек М. Блауг “Ретроспективадаги иқтисодий қараш” асарида ёзган эдики, Маркс қайта – қайта баҳоланди, қайта – қайта кўриб чиқилди, рад этилди, минглаб марта кўмилди, аммо уни интеллектуал ўтмишга жўнатишга интилганларида, у ҳар сафар қаршилик кўрсатди. У яхшими ёки ёмон, лекин унинг ғоялари биз фикрлайдиган тасаввурлар дунёсининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

К. Маркснинг ўзи капиталистик мамлакатларда сиёсий иқтисод мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилади, деб ҳисобланган ва ўзининг синфий йўналиши вариантыни ишчилар синфи манфаатига хизмат қилдиришга интилган эди. К. Маркс “Капитал” (1867) асари орқали жаҳонда энг буюк иқтисодчига айланди.

1870 йилдан сўнг Ғарб иқтисодий фанида микроиқтисодиётнинг янгича кўриниши – бозор таҳлили ишлаб чиқилди. Бу бутун жаҳонда “экономикс” тушунчаси билан юритилди, бу йўналишнинг йирик вақили Кембридж

университети профессори А. Маршаллдор. Унга АҚШда Ж. К. Кларк, Австрияда Э. Бен Баверк ва бошқаларни кўшиш мумкин.

У. А. Маршалл “Сиёсий иқтисод” ва “экономикс” бир хил эмас, лекин сиёсий иқтисод бор ва экономикс бор, деб тушунади. Унинг фикрича иқтисодиёт бозор, талаб ва таклиф қонуни орқали бошқарилади. Шунга иқтисодиётга давлатнинг аралашувиغا эҳтиёж йўқ. Шунга кўра бу фандан “Сиёсий” сўзини чиқариш керак, деб тушунади.

Лекин Ж. М. Кейнс тараққиётда давлатнинг ўрни бўлишлигини ифода этади. Шу туфайли у сиёсий иқтисод предмети қайта киритди. Шу сабабдан кўра П. Самуэльсон “Сиёсий иқтисод” фани номи сақланиб қолиши лозим деб ҳисоблайди. Бу сиёсий иқтисод ва экономиксдир.

## 1.2. Фаннинг предмети, моҳияти, вазифалари.

Иқтисодиёт назариясининг предмети – бу кишиларнинг чекланган иқтисодий ресурслар шароитида муқобил хўжалик юритиш асосида ўз эҳтиёжини қондиришга қаратилган ҳатти – ҳаракатлари, буларни белгиловчи иқтисодий шарт – шароитлар ҳисобланади.

Иқтисодиёт назариясининг предмети ҳақида турлича фикрлар ҳам мавжуд. Айрим иқтисодчилар иқтисодиёт назариясини чекланган ресурслар шароитида иқтисодий фаолиятнинг танлаб олиниши билан боғлиқ фан деб қарайдилар.

АҚШ олими, нобель мукофоти лаурети П. Самуэльсон шундай ёзади. Иқтисодиёт назарияси – бу айирбошлаш, пуллик битимлар билан боғлиқ иқтисодий фаолият турлари ҳақидаги фан. Иқтисодиёт назарияси бу ҳар хил товарларни ишлаб чиқариш мақсадида кишилар томонидан ноёб ва чекланган унумли ресурслардан, масалан, ер, ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарлар, меҳнат, машиналар, техникавий битимлардан фойдаланиши тўғрисидаги фан.

Иқтисодиёт назарияси – умуиқтисодий фанлар туркумига кирувчи назарий фан. У иқтисодиёт қонун – қоидаларини ва ривожланиш принципларини ўрганади. Бу фан хориж мамлакатларида “Экономикс”, “Экономика” деб аталади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Экономикс” номи билан юритилади. Бу фанни билиш учун аввалам бор, ушбу фан нимани ўргатишини англаш лозим.

Мазкур фан XVII асрда пайдо бўлди. Шунгача фан номи полийэкономия деб айтилган (хўжалик яратиш ҳақидаги фан). Ўша кезларда фан предмети товар айирбошлаш, яъни савдо – сотиқ деб қарашган. XVIII асрга келиб, фан предметига ишлаб чиқариш, хусусан деҳқончилик киритилган. XIX аср бошларида фан бойликни ўрганади деган хулоса қилинган. XIX аср иккинчи ярмида марксизм таълимотида полит экономия – синфий иқтисодий муносабатлар ҳақидаги фан сифатида баҳоланган. Марксизмга муқобил назария сифатида маржинализм вақиллари полит экономия

товарлар нафлилигини ва уни одамлар қандай қабул қилишлигини ўргатувчи фан тушунчасида тан олишган.

Маржинализм оқимининг йирик намоёндаси А. Маршалл “Политэкономия ёки иқтисодий фани кишилиқ жамиятининг нормал ҳаётий фаолиятини тадқиқ этади. У индивидуал ва ижтимоий ҳатти – ҳаракатларнинг шундай соҳасини ўрганганики, бу фаровонликнинг молдий асосини яратиш билан чамбарчас боғланган” – деб ёзган. (А. Маршалл “Принципқ экономической науки”. Москва – 1993г. стр. 5)

А. Маршалл фикрича ушбу фан инсоннинг ҳатти – ҳаракатларини ўрганади. А. Маршалл ғояси ҳозир ҳам тан олинган.

Инсоннинг ҳатти – ҳаракатларида ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши тушунчаси мавжуд. Шунга кўра фан предмети тушунчасида ишлаб чиқариш муносабатлари таърифланган. Ишлаб чиқариш муносабатлари – бу ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатлардир.

Иқтисодий назарияси таркибида алоҳида иқтисодий субъектларнинг ҳатти – ҳаракатлари ва бутун миллий иқтисодий тизим ҳатти – ҳаракати ва унинг амал қилиши бор.

Иқтисодий назариясининг моҳияти ва вазифалари бутун инсон ҳаёти, фазилятлари, янаш тарзи билан чамбарчас боғлангандир. Жамиятимиз ҳаётида иқтисодий билимларнинг аҳамияти ва ўрни узлуксиз ўсиб бормоқда. Айниқса ёш Ўзбекистон Республикасида таълимга бўлган эътибор бирорта давлатда шунчалиқ нуфузли эмас. Қабул қилинган “Қадрлар тайёрлаш миллий дастур”, “таълим тўғрисида”ги қонунлар мактаб ислоҳоти, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, малака ошириш, қайта тайёрлаш, иккинчи мутахассислик, масофадан ўқиш ва барчаси жамиятимиз равнақи учун меҳнат қиладиган миллий бойлигимиздир. Бу қонун, тадбирларнинг барқарорлашини ҳукумат назоратидадир. Белгиланган тадбирларда бола боғчасидан тортиб, то тўла олий маълумотгача иқтисодий саводхонлик ўқини бўлишлиги қабул қилинган. Шунингдек бу дастурларда ҳар бир фуқаро мустақил равишда иқтисодий билим олиши учун дарсликлар, қўлланмалар, кўргазма воситалари, машқ – масала тўпламлари, топишмоқ ўйинларини катта тиражларда нашр этиш кўзда тутилган.

Иқтисодий назариясининг моҳияти, бу ҳар бир инсоннинг, жамиятнинг, инсониятнинг фаровон яшашлигини таъминлашда зарур бўладиган иқтисодий муносабатларнинг соғлом, самарали, унумли бўлишлигининг ҳаётий мазмун ва тушунчаларини бера олаётганидир. Иқтисодий назарияси кўплаб фанлар билан боғланган ҳолда мавжуд. Фан бошқа фанлардан лозим бўлган хулоса ва тушунчалар олади. Фан аниқ иқтисодий фанларнинг назарий асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у бошқа иқтисодий фанларга услубий, назарий йўналиш беради. Уларнинг барчаси учун. умумий илмий тушунчаларни, қонун – қоидаларни,

иқтисодиётнинг турли тармоқлари, соҳалари, томонлари ўртасидаги алоқадорликнинг ва узаро таъсирини ўрганади, аниқлаб беради.

Иқтисодиёт назарияси фанининг уз йўналишига хос турли вазифалари бор. Масалан, билиш вазифаси. Бунда назария билиш орқали иқтисодий ҳодисаларни ўрганади, уларни нима юзага чиқаришлигини ва улар нимага олиб келишлигини англаб олади. Кишиларга иқтисодиётнинг сирларини билишга, билим даражасини оширишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга назарий билим беради. Уларни иқтисодиётда маълум қонун — қоидалар борлигидан огоҳ қилади ҳамда бу қонун — қоидаларга итоат этиш зарурлигини тушунтиради.

Иқтисодиёт назарияси бошқа иқтисодий фанлар учун назарий асослик вазифасини бажаради. Бунда фан умумназарий, яъни иқтисодиётга хос бўлган қонун — қоидаларни ўрганади. Шу туфайли у молия назарияси, пул назарияси, статистик назария, бухгалтерия назарияси каби фанлардан фарқ қилади. Иқтисодиёт назарияси умумий фандир. Шунга кўра иқтисодиёт назарияси асосланган назарий қонун — қоидаларга бошқа иқтисодий фанлар таянади. Масалан, назарияда асослаб берилган талаб категориясининг талқинига микроиқтисод, макроиқтисод, маркетинг, фирма иқтисоди, менежмент каби фанлар таянади. Иқтисодиёт назарияси бошқа фанлар ҳам эришган хулоса ва натижаларга таяниб иш кўради, ўз категориялари ва қонунларига янгилик киритади, илмий хулосалар чиқаради. Шунинг учун ҳам иқтисодиёт назарияси ўзи фан сифатидаги ривожланишида бошқа иқтисодий фанлар ютуғига таянади.

Иқтисодиёт назарияси амалиёт учун илмий база бўлиб хизмат қилади, унга умумий тарздаги тавсиялар беради. Иқтисодиёт назарияси бирон бир фирма, корхона ёки хонадон ҳўжалигининг иш фаолиятини қандай ташкил этишни тавсия қилмайди. Лекин фан берадиган тавсиялар умум иқтисодий тавсифга эга қонун — қоидаларга қандай амал қилишга алоқадор.

Фан берадиган тавсиялар умумжамият тараққиётига асос бўлади, иқтисодий сиёсатни такомиллаштиради. Оқибатда, бу давлатнинг, фирмаларнинг, хонадонларнинг, халқаро иқтисодий уюшмалар ва ташкилотларнинг фаолияти ривожига йўл — йўриқ бўлади. Фан берган назария ҳаётда амалиёт билан иқтисодий сиёсат орқали боғланади. Шунинг учун ҳам амалиётнинг ютуқлари назариянинг қанчалик реал белгиланганлигидан боғлиқ бўлади.

Иқтисодиёт назариясининг такомиллашиб боришида юзага келаётган янги — янги ғояларнинг ҳам ўрни аҳамиятлидир.


Иқтисодиёт назариясининг моҳияти, бу иқтисодиётнинг сир — асорларини очади. Натижада ундан хабардор ҳар бир киши иқтисодиёт қоидаларига амал қилишнинг нафлиликни англайди.

Иқтисодиёт назариясининг вазифасида иқтисодиётнинг доимий ва бош муаммоси бор. Бу эҳтиёжларнинг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидадир. Яратиладиган товарлар ва хизматларнинг,

ресурсларнинг ҳаракати бўйича иқтисодиёт ўз фазаларига эга. Улардан дастлабкиси, бу ишлаб чиқариш. Бу фазада барча товарлар ва хизматлар яратилади. Шу товар ва хизматлар мавжудлигидан тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнлари бор, улар табиий ҳолда фаолият кўрсатади. Уларнинг қандай ҳаракатда бўлишлигини инсониятнинг яшаш тарзи тақозо этади. Ҳар қандай фаза ҳам инсон манфаатдорлиги йўналишида хизмат қилади. Ван мана шу фазаларда қатнашадиган субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрганиб уни ҳаётга такомиллаштириб боради. Иккинчи фаза бу тақсимот жараёни. Бу жараёнда ишлаб чиқариш воситалари, капитал ва ишчи кучи, товар ва хизматларнинг алоҳида турлари, ишлаб чиқарувчи тармоқлар, соҳалар, ҳудудлар, корхоналар ўртасида тақсимланади. Худди шунингдек яратилган даромадлар ҳам тақсимланади. Тақсимланадиган қийматлар ҳажми қанчалик кўп бўлса тақсимланган улуш ҳам шунга мос бўлади. Ишлаб чиқаришнинг юксалиш ҳаракати тақсимотнинг тўғри, адолатлилигидан боғлиқ бўлади.

Иқтисодиёт фазаларида айирбошлаш жараёни ҳам бор, бу жараёнда меҳнат тақсимоти йўл – йўриқлари мавжуд. Турли хил эҳтиёжларни қондириш учун кишига кўплаб турдаги товар ва хизматлар зарур. Бирор бир инсон, мамлакат ўзига керак товар ва хизматларнинг барча турини ўзи ишлаб чиқара олмайди. Шунга кўра у ўзгалар меҳнати эвазига тайёрланган товар ва хизматлардан фойдаланиш манфаатдорлигига муҳтож бўлади. Бу муҳтожлик товар ва хизматларнинг пулга айирбошланиш жараёнини юзага келтиради. Натижада турли хил йўналишдаги ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар ўртасида иқтисодий алоқа содир бўлади.

Иқтисодиётдаги истеъмол жараёни эса, бу товар ва хизматларнинг кишилар, гуруҳлар томонидан истеъмол қилинишидир. Истеъмолнинг ишлаб чиқариши ва шахсий кўриниши мавжуд. Унинг ишлаб чиқариш кўринишида ишлаб чиқариш воситалари, масалан капитал ва ишчи кучидан фойдаланилиб унумли истеъмол юзага келади. Шахсий истеъмол жараёнида истеъмол буюмларидан фойдаланилиб янгини ишлаб чиқариш зарурияти пайдо бўлади. Шунга кўра товар, ресурс ва хизматлар ҳаракати тўхтовсиз давом этади.



### 1.3. Иқтисодий қонунлар ва категориялар.

Иқтисодиёт назарияси ўз фаолиятини, яъни ижтимоий тараққиётининг истиқболларини аниқлашни, илмий башоратлар қилишга қаратилган васифасини иқтисодий қонунлар ва категориялар орқали ифода этади. Иқтисодий қонунлар — бу узлуксиз такрорланиб турувчи иқтисодий ҳодисалар ва иқтисодий жараёнларнинг ички моҳиятидир.

Иқтисодий қонунлар кишилар иродасига боғлиқ эмас. У объективдир. Шунинг учун ҳам кишилар истайдими — истамайдими жамият тараққиётида иқтисодий қонунлар амал қилаверади. Қонунлар маълум иқтисодий жараён ва айрим ҳодисаларнинг муқаррарлигини билдиради.

Иқтисодий қонунларнинг жиҳатларига эътибор бериш лозим. Масалан, сифат жиҳати. Бунда қонунлар нимани тақозо этиши, яъни улар мунтазам такрорланиб турувчи қандай иқтисодий ҳодисалар ўртасида боғлиқликни ифода этиши ўрганилади, унинг миқдор жиҳати ҳам бор. Бу жиҳатида иқтисодий қонунни ифода этувчи миқдорий кўрсаткичлар таҳлил этилади. Шу туфайли қонунларнинг амал қилиниши миқдорий ўлчамни аниқланади.

Иқтисодиёт таркиби бир — бири билан боғланган ҳолда мавжуд бўлади. Шунга кўра назарияда иқтисодий қонунлар ҳам биргаликда ўрганилади, хулоса чиқарилади. Агар талаб, таклиф ва меъёрий нафлилик қонунлари биргаликда таҳлил қилинмаса бозорнинг қандай мувозанатда эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш имкони бўлмайди. Қонунларнинг миқдорий жиҳатдан қаралиши, бу ҳаётий ва зарурдир. Бундай қараш хўжалик фаолиятини уларга биноан ташкил этиш учун зарур. Бу бўлаётган ўзгаришларга мослаштириш демакдир.

Жамият ривожланишига хизмат қиладиган иқтисодий қонунлар тизими мавжуд. Ушбу тизим ўзига хос гуруҳлардан ва турлардан ташкил топган.

Иқтисодий қонунларнинг қуйидагича турлари бор. Улардан: 1. Умумий иқтисодий қонунлар, 2. Специфик, яъни ўзига хос иқтисодий қонулар, 3. Алоҳида, яъни махсус иқтисодий қонунлар. Учинчи қонун бир қанча тизимларда амал қиладиган қонундир.

Умумиқтисодий қонунлар — иқтисодий фаолият мавжудлигидан буён, қайси тизимлигидан фарқлироқ, фаолият кўрсатадиган қонунлардир. Бир мисол, вақтни тежаш қонуни. Инсон қандай миллатга мансуб, қандай тизимда яшаганлигидан қатъий назар у ҳаётга интилиши, унумли меҳнат сарфлаши билан ўзининг ҳаётий фаровонлиги учун интилади. Шунинг учун ҳам инсон вақтдан самарали фойдаланиш тадбирида иш юритади.

Умумийиқтисодий қонунлар ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиёти жараёнларини ифода этади.

Иқтисодий қонунларнинг яна бир тури бу ўзига хос (Специфик) қонулардир. Бу турдаги қонунларнинг ўзига хослиги шундаким, бу хўжаликларнинг аниқ, тарихий шакли тараққиёти билан боғланган қонунлардир. Ҳар бир тўзумнинг ўз иқтисодий жараёнларини ифодаловчи

қонунлардир. У қулдорлик тўзуми, феодаллик тўзуми ва хоказо бўлиши мумкин.

Иқтисодий қонунларнинг яна бир тури – бу алоҳида, махсус иқтисодий қонунлар. Қонунларнинг маҳсуслиги, бу тарихий тизимларга эга бўлган, унда ушбу қонунларнинг сақланиб қолишлигига шароит борлиги билан белгиланади. Масалан, қиймат қонуни қайси тизимда товар ишлаб чиқариш бўлса, ўша ерда қиймат қонуни бўлади.

Жамият тараққиёти ҳам ижтимоий қонунлар мавжудлигига таянади. Иқтисодий қонунлар ҳаётда қанчалик эътиборда фаолият кўрсатса, фаровонлик ҳам шунга хос ўсиб боради.

“Бозор иқтисодиётига ўтиш, – деб такидлайди И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида, – объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар” сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма – босқич амалга оширилиши керак”<sup>2</sup>.

Иқтисодиётда тўсатдан юз берадиган турли хил хатарлар учраб туради. Шундай вазиятда ҳам иқтисодий қонунлардан фойдаланиш чора – тадбирларидан, унумли, мақсадга мувофиқ иш кўриш фойдаланиши натижа беради. Мавҳум ҳолда кўрилган иш, бу таваккалчиликни англатади.

Иқтисодиёт назарияси фанининг ривож топишида, унинг умуман мавжудлигида иқтисодий категориялар муҳимдир. Иқтисодиёт назарияси содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни ва уларнинг ўзгаришларини фақат иқтисодий категориялар ёрдамида тушунтиради. Ушбу категорияларни таҳлил қилади, изоҳлайди, иқтисодий жараённи ўрганади. Иқтисодий категориялар – булар иқтисодни ўрганишда қўлланадиган назарий тушунчалардир. Улар орқали реал иқтисодий воқелик фанда илмий ифодаланади. Иқтисодиёт назариясида категориялар 2 гуруҳга бўлинади. Шулардан биринчиси умуиқтисодий категориялар, иккинчиси айрим ижтимоий

– иқтисодий тизимга хос категориялар.

Умуиқтисодий категориялар булар иқтисодий тараққиётнинг барча босқичларига хос категориялардир. Инсон тирик экан унинг истеъмолга бўлган эҳтиёжи сўнмайди, аксинча инсоният тараққиёти ўсиб борган сайин эҳтиёжнинг янги – янги кўринишлари пайдо бўлаверади. Шундай экан эҳтиёжни иқтисодиётдан ажратган ҳолда тушиниш имкони йўқ. Шунингдек, меҳнат категорияси таҳлил қилинса, бунда меҳнатсиз тирикчиликни умуман тасаввур қилиб бўлмаслиги англанади. Категорияларни давом эттириб, бунга ишлаб чиқариш, маҳсулот, иш кучи, иқтисодий ресурс, истеъмол, жамғариш каби тушунчаларни кўрсатиш мумкин. Санаб ўтилган иқтисодий категориялар ҳар қандай

<sup>2</sup> Каримов И.А. “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” Т. “Ўзбекистон”- 1995 й.



Иқтисодиёт назариясида иқтисодиётни технологик ўзгаришларни эътиборга олиб ўрганиш ҳам бор. Умуман технологик усуллар билан техникавий фанлар шуғулланади, чунки технологиянинг ўзи иқтисодиёт назарияси фани предмети эмас, лекин технология иқтисодиётнинг моддий асосидир. Технологияда рўй берадиган ўзгаришлар иқтисодиётда кўплаб ўзгаришларни келтириб чиқаради. Иқтисодиёт назарияси буни ҳисобга олади.

Иқтисодиёт назарияси предметини ўрганиш икки bosқичда ҳал этилади. Биринчиси кўзатиш, иккинчиси эса гипотезалар, яъни бошқа маълумотларин ўрганган ҳолда синаб кўрилади, улар тасдиқланса, қабул қилинади. Натижада шунга асосланиб назарий қонун —қоидалар таърифланади.

Аниқланган натижа, яъни назарий хулоса билан амалиёт солиштирилганда реал иқтисодий ҳаёт назарий қонидани тасдиқлаб турса, ўтказилган назоратлар тўғри деб ҳисобланади. Агар ҳодиса қисман тасдиқланса ёки тасдиқланмаса, чиқарилган хулосани такрорий кўриб чиқиш лозим бўлади. Қайта ўрганилиб янгича хулосага келинади. Натижа кутилаётгандай бўлмаса чиқарилган фикрлардан воз кечилади. Иқтисодиёт назарияси ўз хулосаларини лабораторияларда текшириб кўра олмайди. Чунки жамиятда иқтисодий беқарорлик бўлади, унинг сабаби ишлаб чиқариш даражасининг пасайиб бораётганлиги каби иқтисодий масалалар ҳақида фикр юритилганда ишсизлик, инфляция каби бошқа иқтисодий беқарорликнинг пайдо бўлишига таъсир этувчи омиллар устидан лаборатория тажрибасини ўтказиб ҳам бўлмайди. Шундай ҳолатда улар кўзатилади, маълумотлар такрорий мукаммал ўрганилади. Тўпланган матереаллар асосида якуний хулоса қилинади, назария берилади.

Иқтисодиёт назариясида иқтисодий ҳодисаларни англаш учун абстракциялаш усулидан қўлланилади. Бунинг мазмуни шундаким, бу бошқа усуллардан фарқлироқ бунда тахмин усули қўлланилади. Бунда маълум шарт — шароит бўлганда нима юз бериши тахмин қилинади. Фикримизни оддий бир мисолда ифода этсак. Нархнинг талабга таъсирини билиш учун талабга таъсир этувчи бошқа омиллар ўзгармай турибди деб тахмин қилиниб, нарх ва талабнинг ўзгаришига нималар сабаб бўлаётганлиги ўрганилади. Худди шунингдек технологиянинг меҳнат унумдорлигига таъсири қандай бўлиши мумкин. Бунинг сабабини аниқлаш шароитида нарх -наво, ишчилар малакаси, ишлаб чиқаришнинг табиий шароити, товарларнинг сотилиб туриши ва бошқалар ўзгармаган деб тахмин қилинади. Технология билан меҳнат унумдорлигида қандай ўзгариш бўлаётганлиги ўрганилади. Абстракциялаш — бу иқтисодиётнинг назария моделини яратиш демакдир. Лекин модел реал иқтисодий воқеликни акс эттирганидагина илмий бўлади. Жумладан содда ва мураккаб иқтисодий моделлар мавжуд. Содда моделдан иқтисодиётнинг асосий иштирокчилари ўртасидаги алоқалар ўрганилади, хулоса қилинади. Бу алоқалар бир — бирига

товар ва хизматлар етказиб берадилар. Шунга мос равишда улар ўртасида пулнинг олди — бердиси ҳақида хулоса чиқарилади. Мураккаб моделлар гузилганда кўпчилик субъектлар ўртасида ва кўп турдги иқтисодий алоқалар олиниб, улар математик ҳисоб — китоблар асосида кўриб чиқилади, бунда алоқаларнинг миқдорий таҳлили ўтказилади.

Назарияда позитив ва норматив, индуктив ва дедуктив, миқдорий ва сифат усулида таҳлиллар ўтказилади. Позитив усул — бу иқтисодий воқеликни назарий жиҳатдан илмий таҳлил қилади. Норматив усулда эса ушбу иқтисодий воқеликнинг амалда қандай бўлишига таҳлил қилинади.

Назарияда индуктив усул қўлланилганда ҳодисаларни кўзатишдан уларни умумлаштиришга ўтилади ва хулоса чиқарилади. Шаклланган назарий хулосалар асосида иқтисодиётдаги айрим ҳодисалар таҳлил этилиши — бу дедуктив усул билан бажарилади.

Назарияда миқдорий таҳлил билан олинган маълумотлар назарий хулоса чиқариш учун зарур бўлади. Масалан, бандлик ошяпти дегани ишсизликнинг камайиб бораётганлигини, инфляция даражаси пасайди деган таҳлил пул муомаласи барқарорлашиб бораёпти деган хулосаларни беради.

Назарияда сифатли таҳлил усули ҳам бор. Бу усул назарий хулосалар чиқаришга ва қонун — қоидаларни илмий таърифлашга хизмат қилади, у миқдорий таҳлилга таяниб иш қўради.

Бу усуллар ёрдамида иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг мазмунини, улардаги ўзгаришларни, келиб чиқиш сабаб — оқибатларини билиш имкони яратилади. Назарий таҳлилда қўлланиладиган усуллар ҳар бири алоҳида қўлланилмайди, улар ўзаро боғлиқ ҳолда фаолиятда қатнашади.

### Асосий таянч тушунчалар

**Иқтисодиёт** — грекча “oikonomia” сўзидан олинган бўлиб, чекланган иқтисодий ресурслардан фойдаланиб, зарур воситаларни ишлаб чиқариш фаолиятлар бирлигини таъминловчи иқтисодий тизимдир.

**Иқтисодий инсон** — бу жамиятнинг иқтисодий фаолиятидир.

**Иқтисодий муносабатлар объекти** — ишлаб чиқаришда керак бўлган ресурслар, табиий бойликлар, яратилган товар ва хизматлар, пул маблағлари, умумий бойлик.

**Иқтисодий муносабатлар субъекти** — иқтисодий муносабатларда қатнашувчилар.

**Иқтисодий механизм** — бу иқтисодий воситалар бўлиб, кишиларни рағбатлантиришда ва иқтисодиётни тартиблаб туришда қўлланилади.

**Иқтисодий ресурслар** — мамлакат ихтиёрида мавжуд бўлган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчига етказиб бериш ва

истеъмомл жараёнида қўлланиши мумкин булган воситалар, заҳирилар, имкониятлардир.

**Иқтисодий қонунлар** – иқтисодий жараёнларнинг турли асосий томонлари ўртасидаги муҳим такрорланиб ва юзага келиб турадиган узвий, иқтисодий заруриятни тақозо этувчи, сабаб – оқибатни билдирувчи ўзаро боғланишдир.

**Иқтисодий категориялар** – иқтисодни ўрганишда қўлланиладиган назарий тушунчалар бўлиб, улар реал иқтисодий воқеликнинг илмий ифода этилишидир.

**Илмий абстракция** – иқтисодий жараёнларни илмий билишда қўлланиладиган услублардан бири.

**Таъқиқот методологияси** – фан предметини ўрганишга қандай илмий тамойиллар асосида ёндашилишидир.

**Таҳлил услублари** – кўзатиш, гипотезалар бошқа маълумотларни урганган ҳолда синаб кўрилади, тасдиқланса улар асосида назарий қонун – қоидалар таърифланади.

**Фан вазифалари** – билиш, назарий асос бўлиб, илмий база бўлиб хизмат қилишдир

**Фан предмети** – кишиларнинг чекланган иқтисодий ресурслар шароитида муқобил ҳўжалик юритиш асосида ўз эҳтиёжини қондиришга қаратилган ҳатти – ҳаракатлари, буларни белгиловчи иқтисодий шарт – шароилар ҳисобланади.

## II. БОБ. ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ЭҲТИЁЖЛАР

### Ишлаб чиқариш — иқтисодиётда бош бўғин.

Мазкур бобда ижтимоий — иқтисодий эҳтиёжлар, иқтисодий эҳтиёж тушунчасининг моҳияти, ишлаб чиқариш, эҳтиёж билан яшлаб чиқаришнинг боғлиқлиги, иқтисодий эҳтиёжларни туркумлаш, ресурслар чекланган шароитда чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммолари, ресурсларнинг чекланиш тушунчаси, иқтисодиётнинг мазмуни ва турлари, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий асослари йўналишидаги илмий, амалий тушунча ва хулосалар билан танишилади.

Бобда ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий асослари, турлари, унумдорлиги, самарадорлиги, кенгайиб боришлиги, унинг умумий ва хулосавий натижалари, ишлаб чиқаришнинг такрорланиб таркиби кенгайиб боришлиги тўғрисида назарий хулосалар берилган.

### 2.1. Эҳтиёжлар ва уни қондириш воситалари.

Инсон тириклик даврида қўлаб эҳтиёжларга эга бўлади. Шунга қўра ижтимоий — иқтисодий эҳтиёжлар бу кишиларнинг яшаши, жумладан меҳнат қилиши, маълум мавқега эга бўлиши, дам олиши, барча заруриятлар билан таъминланиши зарурлигидир. Бунинг учун истеъмолбоп маҳсулотлар, хизматлар яратмоғи керак. Инсон эркин фаолият юритмоғи, ўзи ва жамиятга билан яшамоғи учун шунга мос шарт — шароитлар, ҳақ — ҳуқуқлар барпо этилади.

Миллий мустақилликка эришиш ва миллий иқтисодиётни шакллантириш шароитида эҳтиёжлар фақат тирикчиликни юзага келтирувчи имкониятлар бўлиб қолмасдан, балким у ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолиятида камол топиши ҳамда ички имкониятларини намоён этишининг табиий зарурияти ва воситаси бўлиб қолади. Демак иқтисодиёт кишиларнинг ўз ҳаётий эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолиятгина бўлиб қолмай, у сиёсий, ижтимоий, маданий ва маънавий фаолиятдан ўзининг асосий бўлиши билан, бошқа фаолият учун шарт — шароит яратиб бериши билан ажралиб туради.

Иқтисодиёт ривожланган шароитда кишилар фаровон яшайдилар, ёки аксинча бўлади. Қаерда иқтисодиёт қоқоқ бўлса уша ерда кишилар ночор ҳаёт кечирадилар.

Эҳтиёжлар хилма — хил бўлади. Булардан моддий маҳсулотга бўлган эҳтиёж. Бунда озиқ — овқат, кийим — кечак, турар жой, уй асбоб — анжомлари, транспорт, алоқа воситалар ва бошқаларга бўлган эҳтиёжларидир. Бундан ташқари турли хизматларга бўлган эҳтиёж. Масалан таълимга, тиббий ёрдамга, жисмоний тарбия ва спортга, дам олишга,

саёҳат ва маданий — маърифий хизматларга бўлган эҳтиёжлардир. Йўналишига қараб булар ижтимоий эҳтиёжлардир.

Эҳтиёжлар бирламчи ва иккиламчи бўлади. Энг зарур эҳтиёж бу моддий эҳтиёждир. Иккиламчи эҳтиёжлар эса номоддий эҳтиёжлардир. Эҳтиёжлар ўзаро фарқланади. Уларнинг фарқи кишилар бир хил бўлмаганидан келиб чиқади. Эҳтиёжлар кишиларнинг ёшига, жинсига, миллатига, динига, билим ва истиқомат қилишига, касби — корига, оилавий аҳволига қараб фарқланади. Эркак билан аёлнинг, ёш билан қарининг, талаба билан ишчининг, олим билан деҳқоннинг, шаҳарлик билан қишлоқликнинг эҳтиёжлари бир хил эмас. Эҳтиёжлар уларнинг кимга таалуқли бўлиши билан ҳам фарқланади. Улар 4 турга ажратилади: 1) индивидуал, 2) гуруҳий, 3) ҳудудий, 4) умумжамият. Индивидуал — бу яққа эҳтиёж, яъни айрим кишининг, хонадоннинг эҳтиёжи. Гуруҳий эса айрим гуруҳларга, жамоаларга бирлашган кишиларнинг эҳтиёжи. Ҳудудий эҳтиёж — бу айрим ҳудудларда истиқомат қилувчи кишиларнинг биргаликдаги эҳтиёжи ва ниҳоят кишиларнинг жамият миқёсидаги ҳамма учун умумий бўлган умумжамият эҳтиёжи. Бу эҳтиёжлар турлича бўлганлигидан уларнинг миқдори ва таркиби бир хил эмас.

Эҳтиёжлар орасида иқтисодий эҳтиёжлар энг зарурийлардан ҳисобланади.

Иқтисодий эҳтиёжлар ишлаб чиқариш билан инсоннинг қониқмаган талаби ўртасидаги ўзаро бир — бирига таъсирига фаол иштирок этади. Эҳтиёжларни қондиришда ишлаб чиқариш бир қанча томонлари билан таъсир кўрсатади. Биринчидан, ишлаб чиқариш аниқ товарлар ишлаб чиқаради. Янги товарларни истеъмол қилиш учун яна янги товарларни ишлаб чиқармоқ зарур, масалан, янги олинган автомашинага гараж ҳам керак, запас қисмлар ҳам керак ва ҳоказолар, бу биринчидан. Иккинчидан эса фан — техника, ҳаёт тараққиёти, умуман тарихда учратмаган товарларнинг юзага келишини таъминлайди. Масалан, видеомагнитофон ишлаб чиқариш учун сотиб олишга эҳтиёж туғдиради. Учинчидан эҳтиёж аниқ ҳаёт фаолияти учун шарт — шароит яратади, шунингдек талаблар сон ва сифат жиҳатидан тез ўзгариб туради. У доимо янги — янги эҳтиёжларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Эҳтиёжлар доимо ҳужалик фаолиятининг қуйи босқичидан янада юқори босқичига ўтишига таъсир кўрсатади.

Эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонунининг амал қилиши жамиятнинг ижтимоий — иқтисодий тараққиётини юзага келтиради. Бу қонун ишлаб чиқариш ва маданият ўсиб бориши билан кишилар талаб эҳтиёжи ўсиб ва такомиллашиб боришининг объектив зарурлигини ифода этади.

Демак, эҳтиёжлар тўхтовсиз янгиланиб, мазмунан бойиб боради. Аҳоли кўпайиб борган сайин эҳтиёжлар ҳам кўпайиб, ҳам турланиб боради. Уларнинг йўналишлари ўзгариб туради. Эҳтиёжлар миқдори кўпаяди, мутлақо янги эҳтиёжлар пайдо бўлади, турли эҳтиёжларнинг нисбати

ўзгаради, эҳтиёжларнинг ўрин алмашуву юз беради. XXI аср экологик тоза, техникавий мураккаб бўлган, илм талаб, маҳсулотларга ва ахборот хизматларига, таълим хизматларига бўлаган эҳтиёжларнинг устуворлиги билан алоҳида ажралади.

Жамиятнинг ривожланиши билан моддий неъматлар кўпаяди, эҳтиёжлари ҳам ўсиб боради. Ишлаб чиқарилаётган моддий неъматларга фақатгина шахсий эҳтиёжлар ошмасдан, балким уларга қорхона, фирма, давлатлар эҳтиёжи ҳам ортиб боради. Эҳтиёжларнинг ривожланиши ва ингиланиши жамият тараққиётига боғлиқ ҳолда юзага келади. Вақтлар бўлганким ишлаб чиқариш энг содда кўринишда бўлган ва шунга кўра ўзига хос эҳтиёжлар бўлмаган. Ҳозир ишлаб чиқаришда компьютер, қўл телефони, телевизор каби янги маҳсулотлар бўлганлиги туфайли энди уларга эҳтиёжлар бор. Бу ҳолат ҳозир илмий – техника ривожига асосланганлигини ифода этади. Шунингдек аҳоли сонининг ўсиши ҳам, унинг таркиби ва малакали ишлар билан бандлиги ҳам эҳтиёжнинг ўсишига, ингиланиб боришига таъсир қилади. Масалан, аҳоли сони ўсишида нисбатан ёшларнинг босимлиги бор. Ишлаб чиқариш ва хизматлар жараёнида бу ҳолатни эътиборга олиб эҳтиёжнинг ўсиши ва янгилинишига кўра иш тутмоқ лозим бўлади. Аҳоли истеъмоли чекланган жамиятда эҳтиёжларнинг юксалиши кузатилмайди.

Эҳтиёжларни қондиришнинг энг йирик имконияти бу ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Шунга кўра ишлаб чиқариш воситаларини меҳнат предметларини, қолаверса ишчи кучи ҳажми ва сифатини ўстириб, ингилаб бориш зарур бўлади. Бусиз мақсад сари ўсиш бўлмайди. Ҳар бир жамият ўз ижтимоий – иқтисодий эҳтиёжларини эътиборга олгани ҳолда ўз имкониятларидан фойдаланади, ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Ишчи кучи малакасини ошириб боради. Жамият зарурий маҳсулотларини биринчи гада имкониятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқаради. Жамият нима ишлаб чиқариш зарур, қандай ишлаб чиқариш лозим, ким учун ишлаб чиқариш ва қанча ишлаб чиқариш лозимлигини ўз ички ва ташқи ресурслари ҳажмига қараб ташкил этади. Жамият барча эҳтиёжни ўзида қондириш имконига эга эмас. Жумладан кам ривожланган мамлакатларда камбағаллик асоратларининг таъсири бор. Миллий бойлиги асосан ишчи кучини боқишга сарфланади. Келажакда ялпи ишлаб чиқариш ўсиши учун камроқ озиқ – овқат ва кийим – кечак ишлаб чиқаришдаги иш кучининг бир қисмини бинолар, машиналар ва асбоб – ускуналар учун қўшимча капитал ишлаб чиқаришга сарфлашни тақазо этади. Демак товар ва хизматлардан нима ишлаб чиқариш ва уни қанча миқдорда ишлаб чиқаришни белгилаб олиш ҳар бир жамиятнинг ички имкониятларида ҳал этилади.

## 2.2. Иқтисодий фаолият ва унинг турлари.

Эҳтиёжлар турли – туман бўлганидан уларни қондириш учун ҳам шунга хос ишлаб чиқариш имкониятлари бўлиши зарур. Қандай талбир, амалий фаолият қўрилмасин, барибир иқтисодий фаолиятга тегишли жараёни ҳаракатга келтирмоқ керак. Умуман иқтисодий фаолият – бу инсон тирикчилигини таъминлаш усуллари ва воситалари мажмуидир. У кишиларнинг ўз ҳаётий эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолиятдир. Кишиларнинг ҳужалик фаолияти ўта мураккаб ва чалкаш турли – туман ҳодисалар ва жараёнлар йиғиндисидан иборат бўлиб, унда иқтисодий назария таълими мавжуд. Бу жараён инсоннинг ҳаёт кечириши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишдан иборатдир. Яна бир изма – из жараён бу тақсимот. Тақсимот жараёнида ҳар бир ҳужалик юритувчи субъект маҳсулот ишлаб чиқаришда иштираётганлиги учун унга тегишли улушни аниқлашдир. Айирбошлаш жараёни моддий неъматлар ва хизматларни бир субъектдан бошқасига ўтказиш жараёнидир. Бунда неъматлар ижтимоий айирбошланади. Шу йўналишида ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги ижтимоий алоқалар шаклланади. Ниҳоят истеъмол жараёни – бу маълум эҳтиёжларни қондириш мақсадида ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланишдир. Босқичларнинг барчаси бир – бирига боғлиқ ва алоқадорликда мавжуддир. Улар узлуксиз давом этадиган, кенгайиб, ривожланиб бордиган жараёнлардир. Кишилар имконияти, ҳаётий интилишлари тўхтовсиз янгиланиб боришга қодир. Шу туфайли кўрсатилган тўртала жараён ҳам тараққийётда бўлади, кишилар ҳам фаровонлигини таъминлаб боради.

Меҳнат яратган неъматлар иқтисодий неъматлардир. Лекин табиатдан, яъни меҳнатсиз неъматлар ҳам бор. Улар сув, ҳаво, қуёш нуридан иборат. Меҳнатсиз мавжуд бўлган неъматлар меҳнат жараёнининг ҳаракатида мақсадли натижалари энг зарур имкониятларни яратиб беради. Кишининг мавжудлигида ҳам ушбу меҳнатсиз неъматлар бош имкониятдир. Иқтисодий фаолият босқичларининг ҳар бирида ҳам ўзига хос иқтисодий муносабатлар бўлиши, бу муносабатларнинг умумий мақсадга йўналтирилиши ижтимоий сиёсатнинг тўғри юритилаётганлигидан боғлиқ бўлади. Шунга кўра мавжуд иқтисодий сиёсат ҳар бир босқичда бўладиган иқтисодий муносабатларга бир хил заруриятда бўлади. Бу ҳол жамият иқтисодий – сиёсий ўсишида бош омилдир.

Кишилар ўз эҳтиёжларини қондириб боргандагина сиёсатга эргашади ва ундан рози бўлади. Ўз меҳнатига бўлган муносабатларини соғломлаштиради.

Айниқса ҳозир маҳсулотлар ва хизматларнинг минглаб турлари бор. Бу ҳар қуни, ҳар нафасда кўпайиб бораёпти. Буни ҳаёт тақозо этади.

Иқтисодий фаолият – бу сиёсий, ижтимоий, маданий ва маънавий фаолиятларнинг мазмунини ташкил этади. Шунга кўра иқтисодий фаолият

бошқа фаолиятлар учун моддий шарт – шароитлар яратиб бериши билан ажралиб туради. Иқтисодий фаолият ҳаёт кечирishiни қафолатлайди. Кишиларнинг фаровон ёки қашшоқ яшашларининг негизида иқтисодий фаолиятнинг тарққиёт даражаси бор.

Маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг асоси, унинг бош масаласидир, иқтисодий фаолият эса мана шу жараёндан бошланади. Иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос турлари бор. Булар моддий ишлаб чиқариш, номоддий ишлаб чиқаришлар озиқ – овқат, кийим кечак, турар жой ва бошқаларни ишлаб чиқариш, шунингдек ушбу жараёнларни ҳал этмоқ учун юк ташиш, йул хизмати кўрсатиш, ишлаб чиқариш ахборотларини узатиш жараёнлари моддий ишлаб чиқаришдир. Бу жараёнга саноат, транспорт, алоқа, қурилиш, қишлоқ хўжалиги кабилар кирази. Номоддий ишлаб чиқариш эса аҳоли учун зарур хизматларни бажарадиган лекин моддий шаклга эга бўлмаган фаолиятдир. Шунга кўра тиббиёт, маданий – маиший, спорт, жисмоний маданият хизматларини кўрсатиш соҳаларидир.

Ҳозирги иқтисодиёт – бу миллий хўжаликлардир. Миллий хўжалик таркибида бир қанча тармоқлар мавжуд. Масалан, саноат тармоги, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, транспорт ва хўжалик фаолиятининг кўпгина соҳаларидан иборат корхоналарни ўз ичига олади. Улар янги неъматлар ва хизматлар яратадилар. Улар истеъмол буюмларини, ишлаб чиқариш воситаларини яратадилар. Истеъмол буюмлари билан ишлаб чиқариш воситалари ўзаро бир - бирдан боғлиқ ҳолда юзага келади. Масалан, озиқ – овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун албатта ишлаб чиқариш воситаларининг иштироки зарур, ёки ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш учун ҳом - ашёлар керак. Шу тариқа боғланиш, боғлиқлик юзага келади.

Иқтисодий фаолиятнинг натижалари кишилар ҳаёт кечирishi даражасини белгилаб беради. Шунингдек ҳар бир мамлакат хўжалигининг ривожланганлиги даражасини мамлакатда биринчи турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларига қараб, унинг ҳажмига қараб, турли – туманлиги ва сифатига қараб, ҳамда аҳолининг улар билан таъминланганлигига қараб хулоса қилинади. Иқтисодий наазария - бу жараёнлар тўғрисида назария чиқарганда тасодикий ҳодисалар оқибати билан эмас, балким иқтисодий, амалий рақамлар йиғиндиси ва хулосаси билан иш кўради. Ижтимоий ҳаёт ривожланишининг даражасини аниқлашда натурал ва қиймат кўрсаткичларини солиштириб хулоса қилинади.

Иқтисодий фаолият иқтисодий тизим эҳтиёжлари асосида ўзгариб боради. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида иқтисодий фаолиятнинг асосий кўрсаткичларидан бири тадбиркорлик фаолиятидир. Тадбиркорлик фаолияти, бу иқтисодий ресурсларни, яъни ишлаб чиқариш воситаларини, ишчи кучини, табиий ресурсларни ўзаро боғлаб иш юритиш фаолиятидир. Тадбиркорлик – бу барча мавжуд имкониятлардан фаойдаланишда



ташкilotчи, янгиликка интилувчи, ташаббускор, иқтисодий ва бошқа хавфдан, жавобгарликдан қўрқмайдиган фаолиятдир.

Иқтисодий фаолиятда яратилган неъматлар иқтисодий неъматлардир. Бу неъматлар индивидуал, ижтимоий кўринишларда мавжуд бўлади. Индивидуал неъматлар — бу айрим кишилар, ёки хонадонларнинг эҳтиёжига хизмат қиладиган неъматлардир. Ижтимоий неъматлар эса кишиларнинг биргаликдаги эҳтиёжини қондирадиган неъматлардир. Масалан, тинч яшашга бўлган эҳтиёж. Бу шу жамиятда яшаётганларнинг барчаси учун зарурдир. Экологик тозаликни таъминлаш, кишилар соғлигини турли хил ялпи заҳарланишдан сақлаш, таълим-тарбия жараёнларини оммавий тарзда яхшилаш каби қатор эҳтиёжлар ижтимоидир. Шунга кўра ижтимоий эҳтиёжларни қондириш иқтисодий фаолиятнинг негиздаги жараёндир.

Иқтисодий фаолият таркибида бизнеслик фаолияти мавжуд. Бизнеслик бу барча хўжалик юригувчиларнинг иш фаолиятларини бир бутунга бириктирувчи тизимдир. Бундай бирлаштиришни фанда интеграция тушунчасида ҳам ишлатилади.

Бизнеслик фаолият айниқса бозор иқтисодиёти шароитида яққол иқтисодий моҳият касб этмоқда. Чунки бозор иқтисодиётининг ҳар бир субъекти, яъни ҳар бир шахс ўзининг шахсий манфаатдорлиги билан шуғулланади ва шу билан бирга жамиятда бизнес ўзларининг иқтисодий ташаббускорлигини, ишбилармонлигини намоён этади. Улар меҳнатда удабуронлигини очиқ намоён этабдилади. Тадбиркорларга зарар келтирмаслик, аксинча хизмат қилувчи механизмларни ишлаб чиқади. Бу йўналишда истеъмол ва меҳнат бизнесликлари йўналишида ҳаракат боради. Истеъмол йўналиши уй хўжалиги тушунчасида, меҳнат йўналиши эса ёлланма меҳнат битимларида. Бизнес ҳажмига қараб майда, ўта майда, ўрта ва йирик кўринишда бўлади. Бизнеслик айниқса саноат, савдо, таълим, аграр хўжалик фаолиятида фаолроқ намоён бўлади. Капиталнинг байналминаллашуви даражасига боғлиқ ҳолда миллий ва халқаро бизнесликда тушинилади. Халқаро бизнеслик трансмиллий корпорация фаолияти ифодасидадир. Бундан ташқари бизнес ташкилий шакллариининг ривожланишида оддий кооперация, мануфактура, фабрика, акциядорлик жамияти, халқаро фирмалар, тула ўртоқлик, ишонч буйича ўртоқлик, кооперативлар, аралаш жамият ва бошқа кўринишида бўлиши мумкин.

Иқтисодиёт фаолияти таркибида тижоратчилик ҳам бор. Тижоратчилик асосан савдо фойдасини олишга қаратилган фаолиятдир. Аниқроғи билан айтилганда тижоратчилик маҳсулотни сотиш ва фойда олиш буйича муомала соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятинининг бир қисмидир. Тижоратчилик фаолиятини кенгроқ изоҳлаш зарурияти бўлса — бу ҳар қандай бизнеснинг таркибий қисми сифатидаги савдо битимларининг юзага келиши ҳамдир.

Ижтимоий – иқтисодий фаолиятларнинг яна бир янги кўриниши – бу лизинг фаолияти. Бу ишлаб чиқариш воситаларини сотиш учун ижара ва кредитнинг ўзига хос қўшилишини англатади. Бунда ишлаб чиқарувчи фирмадан ўзининг миқозларига бўлган талабларини сотиб олиш йўли билан маҳсулот сотиш бўйича савдо битимларининг бажарилишини тезлаштирувчи тижорат фаолияти. Иқтисодий фаолиятда фақатгина ишлаб чиқарувчанлик, яъни яратувчанлик эмас, балким ишлаб чиқаришни бошқариш ҳам аҳамиятлидир. Бу ўринда менежмент фаолияти эътиборлидир. Менежмент инглизча сўз бўлиб, у бошқарув мазмунини англатади. Иқтисодий фаолият қанчалик мақсадга мувофиқ, самарали бўлса, у шунчалик кенг тарққий этади. Менежмент, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида инсоний муносабатларни бошқариш, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзаро алоқалари тўғрисидаги фан ҳам бўлиб ҳисобланади. Назарий билим билан бойитилган, амалий тажрибага эга бўлган бошқарув иқтисодий фаолиятнинг самарасини яратиб беради.

### **2.3. Ишлаб чиқариш, унумдорлик ва самарадорлик.**

Ишлаб чиқариш – бу кишиларнинг истеъмоли учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Ишлаб чиқариш ҳар қандай иқтисодийётнинг асосини ташкил этади. Бунинг бош сабаби шундаким инсон тирикчилигининг бош имконияти ишлаб чиқариш жараёни орқали юзага келади. Ишлаб чиқариш жараёнисиз кишилик ҳаётини тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди. Жамият тараққиётида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни узлуксиз ва кенгайтирилган ҳолатда давом эттириш кўплаб муаммоларнинг счимида ҳал этилади. Ишлаб чиқариш бўлиши учун ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатга келмоғи зарур. Омили эса – бу ишлаб чиқаришга нимаики хизмат қилса шулар бўлади. Шунга кўра ишлаб чиқариш амалиётида қўлланаётган барча ресурслар ишлаб чиқариш омилларидир. Ишлаб чиқаришда, яъни ҳаётий неъматлар яратишда иштирок этаётган ресурслар ишлаб чиқариш омиллари бўла олмайди. Шу ўринда айтиш мумкин ишлатилмай ётган техника, асбоб – ускуналар, чириб бораётган ҳом ашёлар, бекорга оқиб бораётган сув, ишламаётган кишининг меҳнат қобилияти, умуман ҳаёт имконияти, яъни ресурсидир, лекин улар моддий неъматлар яратишда иштирок этмаётганлигидан уларни ишлаб чиқариш омиллари деб бўлмайди. Хулоса шундаким, ресурслар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этсагина у ишлаб чиқариш омили бўла олади.

Ишлаб чиқаришнинг аниқ ва йирик омиллари мавжуд. Булардан айниқса, табиат, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобилияти ва ниҳоят ахборотдир.

Ҳозир фанда ишлаб чиқаришнинг 3 та омили тан олинган. Улар шахсий инсоний омил, моддий омил ва ахборот – информацион омиллардир.

Шахсий инсоний омил – бу меҳнатга лаёқатли аҳоли. Унинг жисмоний ва ақлий қобилияти, билим ва савияси, малака ва маҳоратидир. Бу барчада ҳам бир хил, яъни юқори даражали бўлавермайди. Бу омил инсоний қобилият бўлгани сабабли, инсон шахси билан биргаликда, ундан ажралмаган ҳолда мавжуддир. Ишчи кучи – бу инсоннинг меҳнат қилишга қаратилган жисмоний ва ақлий қобилиятидир. Шу қобилиятдан фойдаланиш жараёнида меҳнат юз беради. Натижада ўзлари яратган воситалар билан табиатдаги буюмларни ўзгартирадilar ва ўз эҳтиёжларига мослаштирадilar. Иш кучини фақат жисмоний куч билан чеклаб бўлмайди. Иш кучи эгалари билим, малака, маҳорат ва иш тажрибасини ҳам соҳиблари бўладilar. Ўз меҳнатини, ақл идрокини ўзи бошқара олгандагина улар ишлаб чиқаришидаги маҳсулот яратувчи ва хизматларни кўрсатувчи куч бўла олади. Жамиятда ишга яроқли ишчилар сони – бу миқдоран ўлчамидир. Уларнинг сифат жиҳати эса – бу ишловчиларнинг малака – маҳорати, билими, тажрибасидан иборат. Иқтисодий устунлик, бой – бақувватлилик мана шу икки ўлчамдан боғлиқдир. Инсондан ҳеч ажратиб бўлмайдиган бойлик – бу унинг иш кучидир. Бу унинг жисмида мужассамлашган қобилиятдир. Бу қобилият орғиб, янги – янги қийматлар яратади. Шунга кўра уни инсон капитали деб аташади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар таркибида ишчи кучи ҳал қилувчи кучдир. Ишчи кучи меҳнат воситаларини ҳам, меҳнат предметларини ҳам яратади, ўзгартиради. Энг янги технология асосида ишлаб чиқарилган меҳнат воситалари ёки меҳнат предметлари ҳам сифатсиз ишчи кучи тасирида унумли натижада ишлай олмайди. Шунга кўра ҳам инсон – жамиятнинг олий ишлаб чиқарувчисидир.

Ишлаб чиқариш жараёнида яна бир омил – бу моддий – ашёвий омил. Бу омилга унинг учун зарур бўлган барча меҳнат воситалари ва моддий шаклдаги ашёлардир. Меҳнат воситалари таркибига ишлаб чиқариш жараёнининг табиий шарт – шароитлари киради. Бунга ҳўжалик мақсадида ишлатиладиган сувлар ва техника, янгидан яратилган шарт – шароитлар, меҳнат воситалари киради. Бунга ер, сув, бинолар, ўрмонлар, қазилма бойлиқлар, йўл, каналлар ва бошқалар киради.

Табиат қанчалик бой бўлмасин барибир бу бойликни меҳнатсиз ишлаб чиқаришга жалб этиб бўлмайди. Жамият бойлиги, унинг иқтисодий ўсиши, фаровонлиги, барчаси меҳнатнинг сифатидан, самарасидан боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш омиллари сифатида яна бир омил – бу ахборот омили. Бу омил олдинги икки омилдан фарқлироқ, у моддий ёки жисмоний куч шаклига эга эмас. Бу омил ўз номи билан ахборотлар тарзида бўлади. Олинаётган ахборотларга қараб кейинги иш режалари белгиланади. Нима иш қилиш керак, қанча ишлаб чиқариш керак, қачон, қандай каби заруриятлар ахборотга қараб ўз ечимини топади. Ахборот ижтимоий –

иқтисодий, демографик, табиий – техникавий ва сиёсий ҳарактерга эга бўлади ва шунга қараб ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бозорда нарх ошиши эҳтимоли бўлса ишлаб чиқариш кучайтирилади ёки аксинча. Мана шу хабарлар ахборот орқали олинади. Ишлаб чиқариш омиллариининг ҳар учаласи ҳам ўзаро боғлиқ ҳолатда мавжуд бўлади. Улардан биронтаси нормал ишламаса қолганларининг иш фаолиятига путур етказди. Натижада ишлаб чиқариш издан чиқа бошлайди.

Миллий ишлаб чиқариш, индустрeал аграр хизмат (сервис) секторларидан ташкил топган. Биринчи, индустрeал секторига саноат, қурилиш, транспорт – алоқа киради. Аграр секторига эса қишлоқ ҳўжалиги мажмуаси киради. Аҳолига, корхона, ташкилот муассасаларга хизмат курсатиш хизмат сектори фаолиятидадир. Улар ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият курсатади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш воситалари зарур. Бу эса биринчи сектор фаолиятида тайёрланади. Ҳудди шунингдек саноат сектори учун ҳам -ашё ва турли хил хизматлар зарурдир.

Ҳозирги иқтисодий фаолият даврида хизмат секторининг ўрни, аҳамияти ўсиб бормоқда. Унинг хизмати барча тармоқлар учун заруриятга айланмоқда.

Ишлаб чиқариш яратилган маҳсулот ва хизматларнинг қандай бўлишига қараб натурал ва товар ишлаб чиқаришга бўлинади. Натурал ишлаб чиқаришда меҳнат маҳсули ишлаб чиқарувчининг ўз истеъмоли учун сарфланади, маҳсулоти сотилмайди, яъни пулга айирбошланмайди.

Товар ишлаб чиқариш эса, бу маҳсулот ва хизматларни бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришдир. Демак, натурал ишлаб чиқариш билан маҳсулотнинг ўзгалар эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилиши, яъни товар ишлаб чиқаришнинг фарқи ҳам маҳсулотни қандай мақсад учун ишлаб чиқарганидадир.

Ишлаб чиқариш икки бўлинмага бўлинади.

1. Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш.

2. Истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш.

Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш, унинг иккинчи бўлими, яъни истеъмол буюмларининг ишлаб чиқаришида асос бўлади. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилаётганда меҳнат воситаларининг иштироки муҳимдир. Меҳнат воситалари эса биринчи бўлинманинг маҳсулидир. Кишиларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини илмий, ахборот, транспорт ва бошқа хизматлар орқали қондирилади. Хизматларнинг ҳажми ва сифати мамлакат иқтисодий тараққиётининг ва аҳоли турмуш даражасининг муҳим курсаткичларидандир. Шунга кўра ишлаб чиқариш ва шахсий хизматлар – ижтимоий маҳсулотнинг таркибий қисми, уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат, бу унумли, яъни ижтимоий фойдали меҳнатнинг бир қисми бўлиб юзага келган.

Демак, моддий ресурсларни ишлаб чиқаришда истеъмол этиладиган барча воситалар моддий ресурсларни ишлаб чиқариш бўлади. Кишилар

эхтиёжини қондирувчи ва уларнинг турмушини фаровон қилувчи неъматларнинг яратилиши эса истеъмол буюмларни ишлаб чиқариш фаолиятига киради.

Ижтимоий меҳнат тақсимотига асосланган ҳар қандай ишлаб чиқариш ижтимоий ишлаб чиқаришдан, унинг натижаси ижтимоий маҳсулотдан ёки миллий маҳсулотдан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш натижасида миллий маҳсулот ҳажмининг, сифатининг ўсиб бориши меҳнат унумдорлигидан ва самарадорлигидан боғлиқ бўлади. Чунки меҳнат унумдорлигида меҳнат сарфи минимум бўлгани ҳолда, маҳсулотнинг максимум бўлишлиги таъминланади. Масалан, меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқарувчи вақт бирлигида, яъни бир соатда, ёки бир иш кунда, ёки бир йилда қанча сифатли маҳсулот яратгани ҳамда ишлаб чиқариш учун қанча вақт сарфлангани билан ўлчанади. Шуни эътиборга олиш лозимки, меҳнат ҳар хил бўлгани учун унинг натижасини кетган вақт билан ўлчаш қийин. Масалан, бир тонна кўмир, пахта, буғдой турлича маҳсулот бўлганлигидан уларни ишлаб чиқариш учун кетган вақтни таққослаб бўлмайди. Уларнинг унумдорлигини аниқлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотни пул-қиймат шаклида ҳисоблаб аниқланади ва ҳулоса чиқарилади. Буни қуйидаги мисол ёрдамида ойдинлаштириш мумкин. Бир тонна пахта 1000 сўм (шартли олинган рақамлар), бир тонна кўмир 2000 сўм, бир тонна буғдой 30000 сўм туради деб фараз қилайлик. Ушбу нархларга асосланиб яратилган маҳсулотларнинг пулдаги ҳажмини аниқлаб, уни ишловчилар сонига тақсимаб меҳнат унумдорлиги аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги турлича даражада аниқланади. Масалан, иш ўрнидаги меҳнат унумдорлиги. Бу даражасида алоҳида ишловчи вақт бирлигида ўз иш жойида қандай миқдорда маҳсулот яратгани ёки қанчалик хизмат кўрсатганини билдиради.

Иккинчидан, корхона даражасидаги унумдорлик. Бунда жамоада ишловчи бир киши вақт бирлигида ўртача қанча маҳсулот ёки хизмат яратганлигини англатади. Шунингдек, сектор соҳасидаги ва миллий иқтисодиёт даражасидаги унумдорликлар. Сектор соҳасидаги унумдорликда битта ишловчи муаян вақтда қанча ишлаб чиқарганини билдиради. Миллий иқтисодиёт даражасидаги унумдорликда эса мамлакат миқёсидаги битта ишловчи ўртача қанча маҳсулот ва хизматлар яратганини билдиради.

Меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, шунчалик вақтнинг қадри ошади, чунки вақт бирлигида шунчалик кўп маҳсулотлар ва хизматлар яратиш ва шу туфайли кўпроқ пул топиш мумкин. Ҳаётда тажриба шуки, қаерда унумдорлик юқори бўлса, шу ерда турмуш даражаси ҳам юқори бўлади.

Иқтисодиёт назариясида ҳар доим муаммо бўлиб келаётган жараёнлардан биттаси бу ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг назарий йўналишларини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга узатишдир.

Ҳозирги барча кишиларнинг, жамиятнинг фаровонликка интилиши кучайган бир даврда самарадорликка эришиш айниқса долзарбдир. Самарадорлик ресурс сарфлари билан ишлаб чиқаришдан олинган натижанинг таққосланишини билдиради. Бошқача айтилганда, нима сарфлаб нимага эришилганини кўрсатади. Шунга кўра, самарадорлик ишлаб чиқаришнинг пировард натижасига қараб белгиланади. Самарадорликнинг туб ижтимоий моҳияти тизим ўзгарганда у ҳам ўзгаради. Чунки самарадорлик мазкур шароитга иқтисодий – ижтимоий йўналишларга мувофиқ юзага келади. Масалан, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилгандир. Шунга кўра, ҳар бир бозор субъекти фойда олиш учун фаолият юритади. Самарадорликни  $S$  деб, яратилган маҳсулотлар ва хизматлар қийматини  $Mg$  деб, ресурслар сарфини  $Rs$  деб белгиласак, унда самарадорликни аниқлаш учун

$$S = \frac{Mg}{Rs} \quad \text{шаклидан фойдаланилади.}$$

Самарадорликнинг илмий назарияси тўғрисида турлича фикрлар мавжуд. Айримлари ишлаб чиқариш самарадорлигининг бош меъзони фойда, бошқа бировлари эса ялпи миллий маҳсулот, соф маҳсулот, яна бошқалари миллий даромад, қўшимча маҳсулот каби тушунчаларини ҳимоя қилишади. Уларнинг ҳар бири ҳам ўз фикрини ҳимоя қилиш учун ўзига хос асосга эга. Лекин бу фикрларнинг таҳлилида шундай хулоса қилиш мумкинки, бу хулоса ишлаб чиқариш жараёни мазмунига, яъни пировард натижасига анча ҳам назарий, ҳам амалий яқиндир. Демак самарадорликнинг бош кўрсаткичи бу олинган фойданинг харажатларга нисбати билан ўлчанади. Чунки бу хулосада ишлаб чиқаришнинг фойдалилик, яъни рентабеллик даражаси аниқланади. Ишлаб чиқаришдан мақсад ҳам фойда олиш даражасини кўпайтириш.

Самарадорликни аниқлаш бўйича бир мисол келтирамиз. Агар  $Mg = 10$  млрд,  $Rs = 5$  млрд бўлса,  $S = 10/5 = 2,0$  бўлади. Демак, сарф бирлигига икки бирлик маҳсулот олинган. Агар у  $1,5$  бўлса самарадорлик пасайган, агар  $S = 2,2$  бўлса у ортган бўлади. Самарадорликни бошқача ҳисобласа ҳам бўлади.

$S = 5/10 = 0,5$  бўлса, демак бир бирлик маҳсулот олиш учун  $0,5$  бирлик ресурс сарфланган.

Шу мисолнинг давомида, агар  $S = 0,6$  бўлса, самарадорлик пасайган, агар  $S = 0,4$  бўлса самарадорлик ўсган ҳисобланади. Кўриб чиқилган мисоллардан хулоса қилиш мумкинки, кам сарфлаб кўп ҳажмда маҳсулот ва хизматлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Самарадорлик бирон бир асосга суянади. Унинг манбаи ва энг аниқ асоси бу меҳнат унумдорлигидир. Шунга кўра жамиятнинг ижтимоий бошқарувидан ишлаб чиқаришда етарли шарт – шароитлар яратмоқ, кадрлар сифатини ошириш, меҳнат воситалари, предметларини ҳозирги талабга мос олиб бориш, ахборот технологиясидан унумли фойдаланиш

каби вазифалар бор. Айниқса илмий — техника тарққиёти, ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш, ихтисослаштириш, кооперациялаш, иқтисодийнинг таркибий қисмларини ўзгартириш, ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, уларнинг фаолиятини ошириш, табиий меҳнат ресурсларидан тежаб — тергаб фойдаланиш, янги, арзон, сифатли ҳомашё ва энергия турларини, экинларнинг янги ҳосилдорлик навларини, чорва молларининг маҳсулдор зотларини топиш каби кўпгаб энг зарур вазифалар ҳал этилиши самарадорликнинг усишини таъминлайди. Шунингдек ишлаб чиқаришда ишгирок етадиган кишиларнинг билим савиясини, малакасини ошириш, етук ишчи ва мутахассислар тайёрлашни ҳал этиб бориш ҳам энг бош масалалардан ҳисобланади.

#### **2.4. Такрор ишлаб чиқариш ва унинг иқтисодий моҳияти.**

Узлуксиз такрорланиб ва тикланиб турадиган ишлаб чиқариш жараёни такрор ишлаб чиқаришдир. Ижтимоий ишлаб чиқариш доимо ҳаракатда бўлади. Унинг натижасида ривожланиш тоз беради. Уни амалга ошириш учун ишлаб чиқаришнинг барча омиллари мавжуд бўлишлиги зарур. Булардан энг ҳал қилувчи омил — бу иш кучидир. Ишчилар маълум миқдорда меҳнат қилгач, бундан кейинги меҳнат вазифаларини бажариш учун иш кучини тиклаши лозим. Эҳтиёжлар чексиз бўлгани ҳолда узлуксиз ишлаб чиқариш жараёни ҳам бўлиши талаб этилади. Ишлаб чиқаришда узлукли ҳолатга йўл қўйиб бўлмайди. Иқтисодий усишнинг мазмуни такрор ишлаб чиқариш бор.

Такрор ишлаб чиқариш деганда иш кучини, ишлаб чиқариш воситаларини ва табиий ресурсларни такрорий, яъни узлуксизлик билан ишлаб чиқаришдир. Иш кучи, ишлаб чиқариш воситалари, табиий ресурслар билан ишлаб чиқариш кучлари дейилади. Шунга кўра ишлаб чиқаришнинг ижтимоий — иқтисодий шакли сифатида кишилар ўртасида ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам такрор ишлаб чиқарилади.

Такрор ишлаб чиқаришнинг учта тури бор. Булар — оддий, кенгайтирилган ва торайган такрор ишлаб чиқариш. Оддий такрор ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот ва унинг сифати ўзгармай қолади. Ишлаб чиқариш омиллари ҳам ўзгармай қолади. Яратилган барча маҳсулотлар шахсий истеъмолга сарфланади. Истеъмолни олдинги даражада ишлаб туриши учун янгидан яратилган маҳсулотнинг олдингидан кўпроқ қисмини истеъмолга сарфлаб юборишни талаб этади.

Кенгайган такрор ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш ҳажми доимо ортиб боради. Маҳсулот сифати яхшиланади. Ишлаб чиқариш омиллари ҳам кенгайган масштабда такрорланади. Буни ҳал этмоқ учун кўп миқдорда сифатли ресурслар керак. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори навбатдаги ҳар бир ишлаб чиқариш қатламида кўпайиб, сифати яхшиланиб бориши таъминланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш бўлиши

учун ҳар бир циклнинг бошида қўшимча сифатлироқ ресурслар зарур бўлади. Шунга эришиш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш бўлиши учун манба ҳисобланади. Шу жараёнда қўшимча маҳсулот хизмат қилади, унинг барчасини шахсий истеъмолга сарф этмай, маълум қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаш керак бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш учун интенсификация ва экстенсив усуллардан фойдаланади. Демак, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш бу ишлаб чиқаришни унинг ҳажми ортаган ҳолда такрорланиши, яъни янгиланиб туриши. Эски маҳсулотлар ўрнига янгилари келади.

Жон бошига истеъмолнинг ортиши, маҳсулот ва хизматлар миқдорининг ортиши кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг натижасидир. Масалан: ишлаб чиқариш ҳажми бу йил 100 млрд бирлик бўлса, келгуси йили кенгайтириш туфайли 110 млрд бўлади. Агар аҳоли сони ўзгармаса бу жон бошига истеъмолни олдинги 800 минг ўрнига 850 мингга еткази, жон бошига жамғаришни 20 мингдан 22 минг бирликка еткази. Натижада эҳтиёжнинг қондирилиши келажакда ортади.

Ижтимоий маҳсулот қиймат ва натурал форма жиҳатидан бир – биридан фарқланади. Ижтимоий маҳсулот таркиби қиймат жиҳатидан қоплаш фондидан ва истеъмол фондидан иборат бўлади. Оддий такрор ишлаб чиқаришда миллий даромаднинг барчаси истеъмол фондига кетади. Кенгайган такрор ишлаб чиқаришда эса соф маҳсулотнинг ҳаммаси шахсий истеъмолга кетиши мумкин эмас. Унинг бир қисми жамғарилади, жамғарма фондидан ташкил этади.

Жамғарилган фонд ишлаб чиқариш омилларини кўпайтиришга сарфланади.

Ишлаб чиқаришни кенгайтиришда яратилган маҳсулотларнинг ресурслардан иборат қисми жамғарилади. Бу дегани сарфланган ресурслар ўрнини қоплашдан ортиб қолиши ва қайтадан ишлаб чиқаришни кенгайтиришда фойдаланиши имкони бўлади. Ҳаёт тарққиёти ривожланиб бораверади, маҳсулот ва хизматларнинг хилма – хиллиги ҳам ортиб боради. Улар қанчалик янгиланиб боргани сари, яъна янгиларини ишлаб чиқаришга эҳтиёж туғилади. Бунда ҳам ишчи кучи, меҳнат воситалари, ҳом-ашёлар ўсиб боради. Ишлаб чиқариш жамият талаби асосида фаолият кўрсатишни давом эттиради. Ишлаб чиқариш жараёнининг такрорланишида меҳнат, айниқса янги меҳнат зарурдир. Меҳнат – бу инсоннинг бирон – бир мақсадга қаратилган онгли фаолияти бўлиб, унинг ёрдамида у табиатни ўзгартиради ва уни ўз эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиради, бирон – бир натижага эришишни кўзлайди. Меҳнат неъматлар яратиш ва хизматлар кўрсатишга йўналтирилган ақлий ва жисмоний фаолият орқали намоён бўлади. Ҳар бир меҳнат сарфловчининг маълумоти, касбий тайёргарлиги, тажрибаси ва соғлигига боғлиқ бўлган қобилиятлари йиғиндиси унинг ишлаб чиқаришда асосий куч бўлишлигини яратади. Бу ҳол инсон капитали тарзида намоёндр. Инсон капиталига



сарфланадиган инвестициялар ҳозирги вақтда жамият учун энг самарали ва тез ўзини қоплайдиган бўлиб ҳисобланади. Шулар жумласидан тадбиркорлик, бизнесменлик, тижоратчилик фаолиятидир.

Такрор ишлаб чиқаришда экология таъсири ҳам бор. У айниқса муҳим касб этмоқда. Чунки ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштирилишига ижобий ёрдам кўрсатиши мумкин. Экология тоза ҳолатда инсонлар соғлиги, ўсимликларнинг нормал ўсиши, далада бажариладиган иш жараёнларининг кўнгилдагидек бўлишлиги таъминланади. Акс ҳолда, яъни экология тозаллиги бўлмаса, меҳнат сарфланган маҳсулот ва хизматларнинг кўплаб миқдори нобуд бўлиши, меҳнат воситаларининг, ҳам-ашёларнинг фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолиши юз беради. Бу миллий иқтисодиётга кўпми, озми зарба бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мувозанати бузилади. Уни тиклаш учун қўшимча маблағлар сарфлаш керак бўлади.

Кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг юзага келиши, бу ҳозирги иқтисодиётнинг тараққиёти белгисидир. Бу бирон шахс ташаббуси билан эмас, балким ижтимоий ривожланишнинг ифодасидир. Уни қўйилаги рақамлар орқали билиш мумкин бўлади. Ер юзида 1996 йилда ишлаб чиқилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий ҳажми 36,5 триллион долларни ташкил этгани ҳолда, бу рақам 2002 йилга келиб 46,9 триллион долларга етган. Демак, унинг ўсиши ҳар йилига 1,8 триллионга ўсган. Шунга кўра аҳолининг жон бошига маҳсулот ва хизматлар истеъмоли ҳам ошган. Келтирилган рақамлардан барча мамлакатларда ишлаб чиқариш бўйича катта ўсиш бўлган деб баҳолаб бўлмайди. Мамлакатлар бор иқтисодий жиҳатдан ўсишга эмас, аксинча камайиб бораётганлиги кўрсатилмоқда. Мамлакат иқтисодиёти даражасининг ўсиб ёки пасайиб бораётганлиги унинг аҳолиси жон бошига амалда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматлар миқдори билан ҳулоса қилинади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида торайган ишлаб чиқариш тушунчаси ҳам мавжуд. Такрор ишлаб чиқаришнинг бундай кўриниши ишлаб чиқариш ҳажми олдиндиган қисқариб боришидир. Торайган такрор ишлаб чиқариш чуқурроқ бўлиши учун бир амалий мисол келтирамиз. Масалан, оддий такрор ишлаб чиқариш жараёнида 100 млрд бирлик маҳсулот яратилган деб фараз қилинса, ишлаб чиқариш торайиб кетганда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 90 млрд долларга тенг деб ҳулоса қилинади. Келтирилган икки рақам мазкур малакатда аҳоли истеъмолининг ҳам қисқарганлигини ифода этади.

Торайган такрорий ишлаб чиқариш ҳеч қачон олдиндан режалаштирилмайди. Иқтисодиётга бериладиган бундай зарба аксарият ҳолатларда табиий ва сунъий юзага келади. Булар урушлар, зилзилалар, қурғоқчилик, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кўзларига мос келмаслиги каби сабаблар орқали пайдо бўлади.

Берилган табиий ва сунъий зарбаларнинг ўрни тезда тузатилади., ишлаб чиқариш яна уз маромига қайтади. Ўзбекистонда ўтмишдаги мерос қолган танглик туфайли 1991 – 1994 йилларда ишлаб чиқариш даражаси пасайиб борди. 1995 йилдан эътиборан бу ҳолат ўзгариб, Республика иқтисодиёти ўсабошлади. Республикада 1996 йилдан кенгайтирилган ишлаб чиқариш фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакат миллий иқтисодиёти таркибида ишлаб чиқаришнинг энг йирик соҳалари саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо, тайёрлов идоралари, моддий техник таъминот, коммунал ва уй жой хужаликлари, турли хил хизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқалардир. Қайси бир тармокни кўпроқ ўстириш, янгидан ташкил қилиш ёки тугатиш микдори, сифати эътиборли ҳолдир.

Табиий ресурсларни ҳамда одам яшайдиган муҳитни такрор ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисмидир. У шу ўринда барқарор узок муддатли иқтисодий ўсишнинг дастлабки шарти ҳамдир. Табиат шунчалик бой бўлмасин, лекин ҳар бир нарсанинг ҳам чеки бор. Ҳозирги вақтда ҳам, келгусида ҳам ишлаб чиқаришни узлуксиз тиклаб бориш учун табиий ресурсларни доимий равишда такрор ишлаб чиқариш, тупроқ унумдорлигини, сув ва ҳаво ҳавзаларини тоза сақлаш зарур. Такрор ҳосил қилиб бўлмайдиган ресурслардан, масалан нефть, газ, металл, руда ва бошқалардан тежамкорлик билан фойдаланиш, фан – техника тараққиёти асосида улар ўрнига бошқа энергия ва ҳом – ашё материалларини ишлатиш айниқса муҳимдир. Ишлаб чиқариш усулининг тарихий имкониятлари тугаб қолганда ва уни янги жадал ишлаб чиқариш усули билан алмаштириш зарурияти туғилганда, эски ишлаб чиқариш муносабатлари чекланган, сўниб борувчи тарзда такрор ишлаб чиқариши мумкин. Бир ишлаб чиқариш усулидан бошқасига ўтаётганда, бутун ишлаб чиқариш муносабатлари тизими тубдан янгиланади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида ижтимоий маҳсулотларнинг таркибий қисмлари уларнинг вазифалари, роли ва амалада фойдаланилишига мувофиқ ҳолда турли иқтисодий шаклларга киради.

Ҳар қандай ишлаб чиқаришда ҳам чегара, яъни меъёр бор. Ишлаб чиқариш чегараси, бу маҳсулотларни қанча ишлаб чиқариш кераклиги билан белгиланади. Лекин белгиланган миқдор мавжуд имкониятлардан боғлиқдир. Шунинг учун чексиз даражада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳаётий мазмуни бўлмайди. Ишлаб чиқариш имкониятларининг чегараланиши эҳтиёжга ва уни қондириш воситаларига қараб муайян вақтда қанча ишлаб чиқариш мумкинлигини билдиради. Ишлаб чиқариш чегарасини эҳтиёжнинг катта – кичиклиги, бунга ресурсларнинг етарли бўлиши ёки етишмаслигини аниқлайди. Эҳтиёж чексиз ўсиб боради, лекин ресурсларнинг чегараси бор, у чекланган. Уни кўпайтириш катта машаққатлар, янги технологиялар, муносиб ишлаб чиқарувчи кучлар зарур.

Ишлаб чиқаришга жалб қилинган ресурслар ҳаракат жараёнида ишлаб чиқариш омилларига айланади. Ишлаб чиқариш чегараси, ҳажми омилларнинг миқдори ва сифатига боғлиқ бўлади. Буни ишлаб чиқариш функцияси ифода этади. Бу функция мавжуд шароитда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши, ёки камайишини, унинг самарадорлик даражасининг таъминланишини билдиради. Ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотнинг меҳнат ва капитал сифими бўлади. Меҳнат сифими маҳсулотнинг қандай меҳнат сарфи билан яратилганлигини англатади. Капитал сифими эса қандай капитал сифими билан олинанишини англатади. Маҳсулот ишлаб чиқарилаётганда ҳар бир маҳсулот учун сарфларнинг чегараси бор. Умумий сарфларнинг қанча миқдориде меҳнат сарфи ёки қанча миқдорда капитал сарфи иштирокидан қатъий назар иш маҳсулот ишлаб чиқарилиши учун зарур бўлган сарфлар чегарасигача етказилади. Меҳнат ва капитал ўзаро бир — бирининг ўрнини босувчи омиллардир. Демак, бир ҳолатда меҳнатни кўпайтириш маҳсулот чиқаришни оширса, бошқа ҳолатда буни капитални кўпайтириш орқали таъминлайди. Лекин қўшимча капитал киритишнинг ҳам чегараси бор. Сабаби шундаким киритилган қўшимча капитал маълум даражада меҳнат билан таъминланиши зарур.

#### Асосий таянч тушунчалар

**Эҳтиёж** — инсоннинг яшashi ва камол топиши учун керакли ҳаётий воситаларга бўлган зарурияти.

**Ишлаб чиқариш** — кишиларнинг мақсадни кўзлаб амалга ошириладиган фаолияти. У истеъмол учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган жараёндир.

**Ижтимоий ишлаб чиқариш** — бу ўзаро боғлиқликда ва доимий алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқаришларнинг бирлигидан иборатдир.

**Ишлаб чиқаришнинг умумий самараси** — бу ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан унга сарфланган ресурс харажатлари ўртасидаги нисбат.

**Ишчи кучи** — бу инсоннинг меҳнат қилишига бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятлар йиғиндиси.

**Ишлаб чиқариш функцияси** — бу ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самаралари ўртасидаги боғлиқликни билдиради.

**Меҳнат унумдорлиги** — бу меҳнат сарфи минимум бўлгани ҳолда, маҳсулотнинг максимум бўлишини билдиради.

**Ишлаб чиқариш чегараси** — ишлаб чиқариш имкониятларининг чегараланиши эҳтиёжга ва уни қондириш воситаларига қараб муайян вақтда қанча ишлаб чиқариш мумкинлигини билдиради.

**Такрор ишлаб чиқариш** — бу ишлаб чиқаришнинг янгиланиши, қайтарилиб туришидир.

**Қўшимча маҳсулот** — ишчи ва хизматчиларнинг қўшимча иш вақтида яратган маҳсулоти бўлиб, соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ошиқча қисмидир.

**Зарурий маҳсулот** — ишчи ва хизматчиларнинг қўшимча иш вақтида яратилган ва ишчи кучини меъёрий ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш зарур булган маҳсулот.

**Қўшилган маҳсулот** — сунгги қўшилган омил, яъни капитал ёки ишчи кучи эвазига ўсган маҳсулот.

**Тадбиркорлик қобилияти** — инсонда булган ташаббускорлик, ташкилотчилик, новаторлик, иқтисодий хавфдан, жавобгарликдан чучимаслик.

**Бизнес** — инглизча сўз — даромад келтирадиган фаолият.

### III. БОБ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ВА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Мазкур бобда қуйидаги йўналишдаги назарий билимлар билан танишиш тавсия қилинади.

Ижтимоий — иқтисодий тизимлар тушунчаси. Ижтимоий тараққиёт босқичларини билишга формацион, технологик ва маданийлашиш даражаси жиҳатидан ёндашув. Ижтимоий ишлаб чиқариш усули ва ижтимоий — иқтисодий формация. Ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари. Мулкчилик муносабатлари ва иқтисодий тизимларнинг ички ўзаро боғлиқлиги. Мулкчилик муносабаларининг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти. Мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш. Мулкчиликнинг ҳуқуқий жиҳатлари. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг ўрни, турлари. давлат, жамоа, хусусий, шахсий мулклар. Уларнинг турли хил бўлиши сабаблари. Аралаш мулк. Иқтисодиётни ислоҳ қилишда мулкчиликнинг ўрни. Мулкни миллийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш йўллари.

#### 3.1 Ижтимоий — иқтисодий тизим, белгилари ва турлари.

Хўжалик фаолияти жараёнида кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар маълум тизим сифатида доим амал қилади. Иқтисодиёт назарияси фани жамият тараққиётининг турли босқичларда ноёб ресурслардан фойдаланган ҳолда моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда кишилар ва гуруҳлар фаолияти тўғрисидаги фандир.

Ҳозрг иқтисодий назария иқтисодиётнинг асосий белгиларини аниқлашда иқтисодий тизим тушунчасидан фойдаланади. Иқтисодий тизим — бу чекланган (ноёб) ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари ва усулларини излаб топиш мақсадида хўжалик механизми, иқтисодиётни ташкил этиш шаклидир.

Кишиларнинг иқтисодий фаолияти жамиятда кечачи. Бу жамиятда эса ўзига хос ички тузилиши бор, унда ижтимоий — иқтисодий тизим алоҳида ўрин тутади.

Ижтимоий — иқтисодий тизим — бу иқтисодиёт тараққиётининг умумий шарт — шароитидир.

Ижтимоий — иқтисодий тизим мулкчилик, пул тизими, ишчи ташкилотлари, ҳоқимият бошқаруви, корпорациялар, солиқлар, пул, даромад, касаба уюшмаси, режалаштириш, фойдани ишлаб чиқариш каби иқтисодий институтлар ёрдамида амал қилади. Иқтисодий тизим барча тизимлар учун асосан бир хил булган иқтисодий институтлар комплекси сифатида талқин қилинади.

Тизимлар баҳоланганда турли ҳулосалар чиқарилади. Чунки баҳолашда турли назарий оқимлар унинг бош меъзонига ҳар хил қарашади. Масалан,

қайси бирлари бош мезон сифатида ижтимоий — синфий фарқларни олса, яна бошқалари эса технология даражасини ёки тиркчилик неъматларини яратиш усулларини, яна бири бошқаришнинг турлича бўлишини асос қилиб олади. Кўпчилик назарияларда тизим белгиларига яхлитликда қараш зарурлиги қўллаб қувватланган. Тизимлар боҳоланиши илмий назария йўли билан белгиланганда, у ерда моддий, ижтимоий — иқтисодий ва ғойвий шароитлар бирлиги эътиборга олинади. Шундай иш тутилганида нимани ва қандай усуллар билан ишлаб чиқарилиши аниқ бўлади. Моддий шарт — шароит белгилари бу яратилган маҳсулот ва хизматларнинг қандай бўлишлиги, яъни уларнинг натурал маҳсулоти ёки товар маҳсулоти бўлишлиги уларнинг таркибий тузилишининг қандайлиги, моддий шаклдаги ёки номоддий хизмат шаклида бўлишдан иборатдир. Хужалик фаолияти жараёнида кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар бу муносабатлар объектлари ва субъектларини, улар ўртасидаги алоқаларининг турли шаклларини ўз ичига олувчи маълум тизим сифатида доим амал қилади. Иқтисодий тизим — бу моддий ва номоддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмол қилувчилар ўртасидаги алоқаларни маҳсус тарзда тартибга солиб турувчи тизимдир. Бу демак иқтисодий тизимда хўжалик фаолияти у ёки бу тарзда ташкил қилинган ва тартибга солинган бўлади. Тизимни бошқаришда турли хил усуллар бўлиши мумкин. Масалан: мажбур қилиш ва юқоридан буйруқ бериш билан боғлиқ бўлган марказдан бошқаришдир. Бунда армия орқали фойдаланиш усули. Яна бир кўриниши — бу индивидларнинг кўнгилли, эркин ҳамкорлиги, ёки тасодифий юқоридан бошқарилмайдиган тартибдир. Ўзгаришга асосан нарх даражасининг ўзгариши сабаб бўлади. Ресурслар ва меҳнат натижаларига нархларнинг ошиши ёки пасайиши хўжалик юритувчиларга қайси йўналиш бўйича ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатади.

Иқтисодий тизимнинг муҳим томонлари мавжуд. Булардан ишлаб чиқарувчи кучлар. Бу биринчидан табиий, бунда табиий ресурслар, инсон имкониятлари ва бошқалар. Иккинчидан ижтимоий — бу ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат тақсимоти ва ҳоказолар. Энг умувий бунда фан, таълим, маданият ва бошқалар.

Ҳар қандай иқтисодий тизимда ишлаб чиқарувчи кучларга ишлаб чиқариш муносабатлари мос келишлиги зарур. Ишлаб чиқариш муносабатлари — ижтимоий — иқтисодий, ташкилий — иқтисодий ва техник иқтисодий йўналишларда тушунмоқ керак. Ишлаб чиқариш муносабатларининг биринчи йўналишида ижтимоий — иқтисодий, яъни мулкий муносабатлар, кейинги йўналишда ташкилий — иқтисодий, бунда тажриба алмашиш, маркетинг, менежмент ва бошқалар. Учунчи йўналиш — бу техник — иқтисодий.

Ижтимоий тизимлар фаолиятида ресурслар — булар меҳнат, табиий, иқтисодий, ишлаб чиқариш имкониятлари чекланган ресурслар ичидан танлаш ва бошқалар. Ижтимоий меҳнат тақсимотида эса — маҳсулот тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш ихтисослашуви натижалар — моддий — ашёвий маҳсулот, хизматлар, меҳнат жараёни ва унинг томонлари, бунда

меҳнат, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари, самарадорлик, натижалар ва харажатлар нисбати.

Иқтисодий тизимнинг самарали амал қилишининг асосий муаммоси танлашдир.

Инсоният тараққиёти босқичлари ва ҳар бир босқичга хос бўлган иқтисодий тизимларни ўрганиш, иқтисодий жараёниларни, уларни ўзгарувчан эканлигини билишда муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий тарққиёт босқичларини билиш, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий усулларини ва уларнинг таркибий қисмларини ўрганиш, ижтимоий — иқтисодий тизимларни билишга имкон беради. Тараққиёт босқичларини билишда турли хил ёндашувлар бор. Бундай ёндашувлар таркибида даражаси жиҳатидан, ижтимоий — иқтисодий шакллар ўзгариши бўйича ёндашувлар жиҳатидан таҳлиллар ўтказиш лозим бўлади.

Тизимларни классификация қилишда маълум сон критериялари асос қилиб олинган бўлади. Бунда иқтисодиётда давлатнинг роли, режалаштиришнинг ривожланиши даражаси, бозор муносабатларининг роли шу йўналишда таҳлил этилади. Ушбу йўналишларга асосланиб кўпчилик иқтисодчилар жаҳон иқтисодини уч типдаги иқтисодий тизимга ажратиб тушунадилар.

Улар, аралаш иқтисодиёт, демократик социализм, комунизм тушунчаларидир. Аралаш иқтисодиётдаги иқтисодий тизимга АҚШ, Япония, Греция давлатлари киритилган. Бу тизимда хусусий тадбиркорлик ҳукмронлик қилади. Унинг мазмуни шундаким бу ерда ишлаб чиқариш воситалари давлат мулкига нисбатан хусусий мулкдорлар қўлида тўпланган бўлади.

Демократик социализмдаги иқтисодий тизим давлатларига Англия, Швеция, Норвегия, Дания, Австралия, Янги Зеландия каби Европа қитаси давлатлари киради. Бу ерда иқтисодиётда давлат мулки юқори ўрин эгаллайди. Чунки давлат муҳим иқтисодий масалаларни қабул қилиш каби мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Комунизм иқтисодий тизимда давлат мулки тўла ҳукмрон мулк ҳисобланади. Энг муҳим иқтисодий масалаларни қабул қилишда давлат ҳар томонлама жавобгар бўлади. Бундай тизимга Хитой, Шимолий Корея, Вьетнам, Куба каби давлатлар киради.

Ғарб иқтисодий назарияси иқтисодий тизимлар классификацияси мезони сифатида ишлаб чиқарувчи кучларда юз берадиган ўзгаришларни асос қилиб оладилар. Шунга кўра фан — техника инқилоби шароитида қўйидаги иқтисодий тизимлар мавжуд бўлади. Улар, индустриал жамият, постиндустриал жамият, супериндустриал жамият ва бошқалар. Ғарб иқтисодий назарияси ресурсларни тақсимлаш бўйича иқтисодий тизимга эга. Улар қўйидагилар, истеъмол жамияти, мўл — кўлчилик жамияти, умумий фаровонлик жамияти, истеъмол суверентети жамияти, юксак даражадаги оммавий истеъмол асри жамияти, сифатли ҳаётни излаш босқичи жамияти.

Бу тизимларнинг барчаси учун бош хўжалик муаммоси — бу ресурсларни тақсимлаш муаммосидир. Бу муаммоларни ҳал қилиш усуллари турлича. Шунга кўра иқтисодий тизимларнинг ҳар хил бўлиши юзага келган.

Тизимлар белгиларини аниқлашда ишлаб чиқариш шахсий инсоний омилнинг сифатли тавсифлари ҳам аҳмиётга эга. Яна бир томони шундаким тизимлар қандай иш кучининг қўлланиши билан ҳам ажралиб туради. Қайси бир ерда хат — саводсиз, ҳеч бир малака талаб қилмайдиган кишиларнинг иш кучи ишлатилса бошқа ерда дастлабки хат — саводни эгаллаган, касбий маҳорат ва тажрибага эга иш кучи қўлланилади. Шунингдек яна бир бошқасида билим даражаси ғоят юқори, замонавий фан — техника ютққларини қўллашга қодир, ўз касбини тезда ўзгартира оладиган ва ҳаракатчан ҳодим меҳнати ишлатилади.

Барча тизимларда ҳам меҳнат тақсимооти асосий кўрсаткичлар сифатида муҳим ўринга эга. Унинг муҳимлиги шундай аҳамиятлики, биринчидан у иқтисослашади, иккинчидан эса меҳнат турлари бир — бири билан боғланиб, бир — бирини тўлдирди. Шунинг учун ҳам маҳсулот жамиятдаги ўзаъро боғланган меҳнат турларининг натижаси бўлиб ҳисобланади. Ҳамма тизимларда меҳнат турлари ўрни алмашади, натижада кишилар бир меҳнатдан бошқа меҳнатга ўтадилар, ўз касбини ўзгартирадилар. Турли тизимларда, уларни ташкил этувчи унсурларнинг ўзаъро боғланиши ҳар — хил юз беради. Натижада шундай боғланишлар орасида омилларнинг бирикиш усули асосий ўрин тутди. Шу жиҳатдан тизимлар ўзаъро фарқланади. Тизимлар тафсилотида ижтимоий — иқтисодий муносабатларнинг мазмуни ҳам, муҳим мезон ролини ўйнайди. Буни энг аввал мулкчилик белгилаб беради.

Ижтимоий — иқтисодий тизим турлари мавжуд. Ҳар қандай иқтисодий фаолият ҳам муайян тизимлар доирасида кечади. Уларнинг ҳар бирининг албатта ўз хусусиятлари бўлади. Масалан, анъанавий тизим. Бу тизим инсон иқтисодиётидаги дастлабки тизим. Унинг аломатлари узоқ сақланилди, ҳатто ҳозир ҳам учраб туради. Бу тизим энг узоқ давр давом этган тизимдир.

Анъанавий иқтисодиёт — бу ўта заиф ишлаб чиқариш омилларига таянган кам унумли натурал ишлаб чиқаришга, анъаналар шаклига кирган ижтимоий — иқтисодий муносабатларга асосланган иқтисодиётдир. Бу тизимда ишлаб чиқариш фаолияти табиатдан тартибсиз, ваҳшиёна фойдаланишга асосланган. Ишлаб чиқаришда қўл меҳнати устувор ҳисобланади. Табиат имкониятларидан оддий усулда фойдаланилади. Анъанавий тизим дастлаб жамоат мулкига, кейин шахсий — хусусий мулкка таянади. Жамоат мулки қон — қариндошликка асосланади. Шунингдек у ягона ҳудудда яшовчи кишиларнинг умумий мулки ҳисобланади. Анъанавий тизим — натурал ишлаб чиқаришга хос бўлади.

Ижтимоий тизимда бозор тизими ҳам мавжуд. Бу анъанавий тизимнинг ўрнига қолувчи иқтисодий тизим.

Бозор иқтисодиёти — бу мукамал ишлаб чиқариш омилларига эга бўлган, товар — пул муносабатларига асосланган, аниқ ижтимоий мулжали



бор, бозор ахборотига асосан ва пул воситасида бошқарилиб турадиган иқтисодиётдир. Бозор тизими турли хил мулкчиликка асосланади. Бозор иқтисодиётида маҳсулотлар товар шаклига эга бўлади. Пул иқтисодий алоқаларнинг ягона, эквивалентлик воситасига айланади. Эркин иқтисодий танлов қоидаси юзага келади. Субъектлар ўз манфаатини қўлаб фаолият юритади. Бозор билан ҳисоблашмасдан туриб ҳеч ким хоҳлаган ишини қила олмайди. Ишлаб чиқарувчи ҳам, истеъмолчи ҳам нима қилиш кераклигини бозордан ўрганади. Нарх — наво эркин ташкил топади. Иқтисодий рақобат кучаяди, у бозор иқтисодиётини ҳаракатга солувчи кучга айланади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти монополияга қарши куч ҳам ҳисобланади.

Бозор тизимида бой бўлиш тақиқланмайди. Ижтимоий тизим таркибида тоталитар — режали иқтисодиёт ҳам мавжуд. Бу давлатлаштирилган, ижтимоий мулкка таянган, марказдан туриб режалаштиришга ва бошқаришнинг маъмурий — буйруқбозлик усуллари асосланган иқтисодиётдир. Бу тизимда нархлар қатий бўлади, иқтисоди режали ва ёпиқ бўлади. Товар камёблиги мавжуд, бир текис тақсимлаш қоидаси амал қиладиган тизимдир.

### 3.2 Ижтимоий — иқтисодий тизимларнинг ўрин алмашуви.

Ижтимоий тараққиёт босқичларини билишга тарихий — формацион ёндашувда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий усуллари ва уларнинг таркибий қисмларини таҳлил қилишга эътибор берилган. Ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш иқтисодий муносабатларининг бирлигидан иборат. Ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омиллари бор. Бу ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари биргаликда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ташкил қилади. Бу имконият ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар билан табиат ўртасидаги боғланишни амалга оширувчи шахсий ва техник буюмлашган элементлар тизимидан иборат. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожланиш даражаси ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим мезони ва умумий кўрсаткичидир. Кишилар ишлаб чиқариш жараёнида фақат табиат ашёлари ва бошқа моддий ашёлар билан эмас, балки бир — бири билан ҳам ўзаро муносабатларда бўлади. Оқибатда улар ишлаб чиқариш муносабатларига киришадилар. Бунда ишлаб чиқаришда таркиб топадиган ташкилий — иқтисодий ва ижтимоий — иқтисодий муносабатлар бир — биридан фарқ қилади. Ташкилий — иқтисодий муносабатлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жараёнида вужудга келади. Бу муносабатлар кишилар ўртасидаги алоқаларни ифода этади.

Ишлаб чиқариш ҳар доим муайян ижтимоий шаклга эга бўлади. Ана шу ижтимоий шакл, ижтимоий — иқтисодий муносабатларни вужудга келтиради. Уларнинг моҳияти ва асосини ишлаб чиқариш воситаларига, мулкчилик муносабатлари ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш усули билан жамият устқурмаси ижтимоий — иқтисодий формацияни ташкил этади. Бу тушунчада икки ҳолат мавжуд.

Биринчидан ишлаб чиқариш муносабатлари мустақил, алоҳида тизимни ташкил қилмайди. У ишлаб чиқарувчи кучлар билан ҳам, устқурма билан ҳам ҳар доим узаро таъсирда бўлади. Иккинчидан эса, турли формацияларда ўзига хос ишлаб чиқариш муносабатлари амал қилади. Бу ҳар бир формацияга мос келувчи ишлаб чиқариш усулини белгилаб беради. Ишлаб чиқариш усуллариининг алмашилишининг классик намунаси Европада намойиш қилинган. Европа ҳудудида бир – бири билан, алмашилиб, ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодал ва капиталистик муносабатлар изчил таркиб топган.

Жамият тараққиёти босқичларига технологик ёндашув ҳам маълум бир оқим ҳисобланади. Уларнинг фикрича ишлаб чиқаришнинг турли технологик усуллариини таҳлил этиш, машиналашган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихига мурожаат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар. Ижтимоий – иқтисодий тизимларнинг урин алмашувида бозор ислоҳотларининг таъсирчанлик ўрни бор. Бозор ислоҳотларининг асосий йўналишларини мулк, ташқи иқтисодий фаолият, аграр нарх, молия – кредит, ижтимоий ислоҳотлар ташкил этади.

Уларнинг биргаликда ўтказилиши режалди тизимдан бозор муносабатларига ўтишни таъминлайди. Ўтиш вақти қисқа давр ичида бўлиб ўтади. Бозор ислоҳотлари йўлига кирган мамлакатларнинг бир қисми 10 йил деганда бозор иқтисодиёти қарор топган мамлакатлар мақомига эга бўлдилар.

Дунёда аҳолининг кўпайиши ва улар эҳтиёж даражасининг ортиши қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришга хос бўлган чекланган имкониятлар билан кескин зиддият туғдиради. Бу зиддият фақат XVIII асрнинг 60 йилларида Англияда бошланган ва XIX асрнинг 50-60 йилларида Фарбий Европа ва АҚШда тугалланган саноат ўзгариши билан ҳал этилади. Саноат инқилоби натижасида қўл меҳнати машиналар билан кенг масштабда алмаштирилади. Ишлаб чиқаришнинг индустриал босқичининг хусусиятлари бор. Бу айниқса қуйдаги йўналишларда ўз ифодасини топган. Иқтисодиётнинг иккинчи соҳаси бўлган машинали саноат ишлаб чиқариш. Машиналашган саноат ишлаб чиқариши бошқа соҳаларнинг, масалан, қишлоқ хўжалигининг, қурилишнинг, транспортнинг тубдан ўзгаришини юзага келтиради. Шунингдек меҳнаткшларнинг асосий қисми хўжаликнинг индустриал тармоқлари ходимлари ҳисобланади. Масалан, XIX асрнинг 40 йилларидаёқ Буюк Британияда аҳолининг ... қисми фабрика, завод ишчилари бўлган. Бу йўналишда жамиятда меҳнат тақсимотини ривожланиши ниҳоятда тезлашади. Ҳозир ҳам саноатда бир нечалаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари бор. Шаҳарларда аҳолининг ... қисми яшамоқда, бу ҳолат янада кенгайиб борапти. Ишлаб чиқариш имкониятларининг ва хўжалик кўп тармоқли тизимнинг қудратли ўсиб бориши аҳолининг маданий эҳтиёжларини кенг даражада қондириш муаммоси ечимида қўл келмоқда.

Иқтисодиётнинг индустриал босқичи иккинчи демографик портлаш билан боғлиқ. Жаҳон аҳолиси 1650-1974 йилларда, яъни 324 йиллар орасида

7 марта ўсган. 1650 йилларда бутун дунё аҳолиси 650 млн киши ҳисобида бўлган. 2006 йилга келиб бу рақам 6 млрд 870 млн кишидан ортиқ бўлган. Агар унинг дастлабки босқичида аҳолининг 2 марта ўсиши учун 200 йил, кейинги босқичда 100 йил керак бўлган бўлса, аҳолининг кейинги 2 марта ўсиши учун 50 йил етарли бўлган. Ҳатто иккинчи жаҳон урушининг (1938-1945 йиллар) салбий таъсирларига қарамасдан.

Вақт ўтгани сайин эҳтиёжлар билан ишлаб чиқаришнинг нисбатлари кенгаймоқда. Бу ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг шаклан ўзгариб боришига имкон яратади. Тизимлар алмашилиб боради. Саноати тараққий этган мамлакатларда табиий хом -ашиёларга эҳтиёжлар тобора кўпроқ сезила бошлайди, бундай зиддиятларнинг ечими учун 40-50 йиллаб давр зарур бўлади. Шундай жараёнлар ҳужалик тараққиётининг янги даврини очиб беради.

Иқтисодиётни юзага келтирувчи куч бўлиши учун барча манфаатлар уйғунлашуви зарур ва уйғунлашади. Осойишталик ва ўзаро мувофиқ ҳаракатлар иқтисодиётнинг ривожланишига имкон яратади. Тизим нормал ривожланиши учун статик ва динамик мувозанатлар ўзаро мувофиқлашуви керак. Мувозанат бор жойда жадал иқтисодий ўсиш бўлиши мумкин. Бунда иқтисодий манфаатдорлик муҳим ўрин эгаллайди. Турли тизимларга баҳо берилганда, мазкур тизим аҳоли фаравонлиги учун нима бера олганлиги билан фарқланади.

Халқ фаравонлигининг ўсиш даражаси, ҳозирги тараққиёт босқичи даврида турли тизимларнинг самарадорлиги унинг оқибати билан белгиланади. Фаравонликни ошира билиш ёки аксинча заифлаштириб бориш тизимнинг яшовчанлиги ёки унинг бошқаси билан алмаштириш зарурлигини билдиради. Режали тизим даврида халқ фаравонлигини замонавий талаб даражасида ошира билмади, бошқа замондош тизимларга нисбатан халққа фаравонлик беришда ўз афзаллигини кўрсата олмади. Оқибатда бу тизим инқирозга юз тутди, барбод бўлди. Айни бир вақтда бозор иқтисодиётига ўтиш мазкур тизим шароитида юксак фаровонликка эришиш имконини барпо қилади. Бундай имконият бозор тизими шароитида яратиш қулай кечади. Бу тизимда пул бўлмаган босқич ўрнига пул пайдо бўлган. Пул айирбошлашда иштирок этадиган эквивалентдир. Жамият мулки кўп босқичдан ҳусусий мулк устувор босқичга ўтилади. Шунингдек бир тизим ичида янги тизим белгилари шаклланади. Бозор тизими тарихан икки даврни ўз ичига олади. Жумладан асов ёки ёввойи бозор иқтисодиёти босқичи, иккинчидан цивилизациялашган бозор иқтисодиёти.

Режали тизим ҳам кўп босқичли бўлган. Дастлаб режали иқтисодиётга ўтиш даври, сўнгра қарор топган режали иқтисодиёт ва ниҳоят инқирозга юз туган режали тизим давлари бўлган. Тизимлар ривожда уларнинг ўрин алмасуви ҳам юз беради. Бир тизимнинг ривожланиш имкониятлари тугаллангач бошқа янги тизимга ўтилади. Шу тариқа анъанавий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтилади. Унинг классик йули мустамлакачиликдан озод бўлган мамлакатлар йули тоталитар режали тизимдан бозор иқтисодиётига ўтиш йули мавжуддир.

Ижтимоий — иқтисодий тизимларнинг ўрин алмашувиغا меҳнат тақсимоти ва кооперациянинг таъсири бор. Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ташкил этилишида, ташкилий иқтисодий муносабатлар тизимида ҳам ўз ифодасини топган.

Ижтимоий — иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражаси иқтисодий тараққиётнинг яна бир ифодаси ва кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Меҳнат тақсимоти, унинг ижтимоий ҳаракат усуллари, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, ихтисослаштирилиши ва кооперацияси ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси яққол белгилайди ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади.

Меҳнат тақсимоти даражаси қанча юқори бўлса ишлаб чиқаришнинг айрим бўгинлари ҳаракатлари бирлаштириш ва мувофиқлаштиришга шунча кўп муҳтож бўлади. Шунга кўра ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, самарали амал қилувчи тизимини шакллантиришнинг зарур усули сифатида меҳнатни кооперациялаш меҳнат тақсимотини қонуниятли равишда тўлдиради. Буларнинг барчаси ташкилий иқтисодий муносабатлар тизимиин бойитади ва мураккаблаштиради. Меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва унинг ихтисослашувининг ўсиши ҳамда уларнинг меҳнат кооперацияси билан тўлдирилиши ишлаб чиқаришнинг умумлашув жараёни кучайтирилганлигини ифода этади.

Демак, иқтисодий тараққиёт мезонларида инсон ўрни бор. Бу ишлаб чиқаришнинг пировард мақсадини ифода этади. Жамият бор — бу ишлаб чиқариш тараққиёти натижасидир. Иш вақтини тежаш бор — бу ишлаб чиқарувчи кучлар даражасининг бирлашган ифодасидир. Шунингдек меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти ва кооперацияси даражаси бор. Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси эса бу ижтимоий тараққиётнинг мезони бўлади.

Ҳаёт тараққиётида ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигини ижтимоий тараққиётнинг инсонпарварлик мақсадлари билан узвий уйғунлаштира оладиган ижтимоий — иқтисодий тизимга мансубдир.

Иқтисодий тараққиётнинг манбалари ва ҳаракатлантирувчи кучлари бор. Улар қуйидаги ҳолатларда ифода этилади. Булар ишлаб чиқариш билан истеъмолчининг зиддиятлари, базис билан устқурманинг зиддиятлари, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг зиддиятлари. Булар мусобақа, меҳнатдаги беллашув, иқтисодий манфаатдорлик, ижтимоий, сиёсий, мафқуравий омиллари таъсирида иқтисодий тараққиётни барпо этади. Пировард натижида ижтимоий — иқтисодий тизимлар таркиби ўзгариб боради ва ниҳоят мавжуд тизим янгиси билан алмашади. Бу жараёнда, айниқса иқтисодий манфаатдорликнинг ҳал қилувчи ўрни ва таъсири бор.

Иқтисодий манфаатлар — одамларнинг иқтисодий фаолиятининг илҳомбахш омиллари бўлиб, буларни одамларнинг мулкий муносабатлар ва ижтимоий меҳнат тақсимоти тизимида тутган ўрни, уларга хос эҳтиёжлар тақозо этади.

### 3.3 Мулкчилик, унинг иқтисодий мазмуни.

Мулк ва мулкчилик муносабатлари тўғрисида зарурий тушунчаларга эга бўлмоқ учун мулкчилик фаолиятини ифода этувчи мазмунларга эътиборни қаратайлик. Мулкчилик муносабатлари – бу мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш, undan фойдаланиш ва ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлардир. Мулкчилик жамиятдаги ҳам ҳуқуқий ҳам иқтисодий муносабатлар мазмунини ифодалайди. Мулкчиликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мазмуни ўзаро боғлиқ. Улар бир – бирини тақозо қилади. Шунинг учун ҳам мулкчилик бир вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий категория ҳисобланади.

Мулкчилик хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари орқали иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилади. Мулкчиликнинг ҳуқуқий жиҳати унинг иқтисодий томонига нисбатан фақат бўйсинувчи рол уйнамайди. Мулкчилик ишлаб чиқариш воситаларига маълум ҳуқуқий эгалик қилмасдан, ҳеч ким ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошира олмайди. Шунингдек ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдалана олмайди. Шу сабабли мулкчиликнинг ҳуқуқий меъёрлари яъни мулкка эгалик қилиши, уни тасарруф этиш ва ниҳоят мулкдан фойдаланиш иқтисодий муносабатларнинг аниқлаштирилган кўриниши ҳисобланади. Ҳуқуқий меъёрлар айнан мулкчилик муносабатларини муҳофаза қилиш зарурияти билан боғлиқ ҳолда вужудга, яна бир бошқа томони товар ишлаб чиқариш шароитида мулкчилик муносабатларини ривожлантиришда ғоят муҳим рол уйнайди. Мулкка эгалик қилиш, бу мулкдорлик ҳуқуқи унинг эгаси қўлида сақланиб туришини билдиради. Яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклини ифода этади. Айрим ҳолларда мулкка эгалик қилиш унинг эгаси ихтиёрида сақланган ҳолда, undan амалда фойдаланиш эса бошқалар қўлида бўлади. Масалан, мулкни ижарага бериш жараёни. Шунингдек мулкни тасарруф этиш эса – бу мол – мулк тақдирининг мустақил мулкни олган шахс қўлида ҳал этилишидир. Бу имконият унинг эгасига мулкни сотиш, мерос қолдириш, ҳимоя қилиш, ижарага бериш, ҳуллас мулк тақдирини мустақил ҳал этиш ҳуқуқини беради. Мулкчилик муносабатларида мулкдан фойдаланиш иқтисодий манфаатдорлик тўғрисида юзага келади.

Мулкдан фойдаланиш – бу мол – мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилишидир. Унинг ижтимоий ҳаётда қўлланишидир. Бундай фаолият ушбу мулк орқали даромад олиш, шахсий эҳтиёжни қондиришдир. Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни унинг ажралмас уч жиҳати, яъни мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва undan фойдаланиш жараёнларидан боғлиқдир деган тушунчада бўлсақда, лекин бу муносабатлар хусусияти нафақат алоҳида мулк шаклларида, балки битта мулк шакли даражасида ҳам фикрлаш мумкин.

Тизимлар тафсилотида ижтимоий – иқтисодий муносабатларнинг мазмуни ҳам муҳимдир. Бунинг муҳимлигини мулкчилик муносабатлари

белгилаб беради. Мулкчилик муносабатлари – жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлар йигиндисидир. Мулкчилик аввалам бор – бу инсон билан бойлик, яъни буюм ёки бошқа нарсалар ўртасидаги муносабат. Қолаверса, мулкчилик – бу бойлик хусусида кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатдир. Шунга кўра кишилар мулкни ўзлариники қилиб олгандагина, уни ўзлаштириши ва ундан қандай фойдалана олишига имкон яратилади. Бирон киши бошқа бировлар мулкнинг тақдирига аралаша олмайди. Демак бошқалар бойлиги ҳисобида барҳаёт бўла олмайди. Мулк ўзиники бўлса у шунга таяниб иш юритади, бировларга қарам бўлмайди. Мулксиз киши ўзгалар мулкни ижарага олиб фаолият юргизиши мумкин, мулкдорга ёлланиб ишлаши мумкин, хуллас бировнинг қўлига қараб кун кечириши мумкин бўлади.

Мулкчиликнинг иккала томони ҳам, ўзаро боғлиқликда фаолият кўрсатади. Булар, биринчидан мулк объекти, иккинчидан эса мулк субъектидир. Мулк объекти – бу нималар мулк объекти бўлиши мумкинлигини, мулк субъекти эса – бу кимларнинг мулк соҳиблари бўлиши мумкинлигини белгилайди. Бунда бош масала, ресурслар кимларники бўлса, уларни ишлатишда натижа ҳам шуларники бўлади. Буларни эътиборга олгани ҳолда – натижа ҳам, ўзлаштириш турлича кўринишда бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш ресурсларини ўзлаштириш. Бунда моддий ресурслар ишлаб чиқариш соҳибининг мулкига айлангандан сўнг ўзлаштирилади. Шунга кўра ишлаб чиқаришдаги ўзлаштириш бирламчи. Бунинг сабаби, бу жараёнда ишлаб чиқаришнинг омиллари бирикади. Мана шу омилларнинг ўзлаштирилишига қараб, меҳнат натижаларига нисбатан мулк шаклланади. Иккинчи томони шундаким, ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш эса яратилган маҳсулот ва хизматлар кимнинг мулкига айланишини билдиради. Ресурслар кимнинг мулки бўлса, натижа ҳам шуники. Иқтисодий тизим баҳоланганда ҳам бунини инобатга олади, лекин бунда мулк кимники бўлишининг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун мулкнинг қандай усулда иқтисодий жиҳатдан амалга оширилиши, яъни мулкдан қандай йўллар билан даромад топилишини ҳам эътиборга олиш зарур. Бунда иқтисодий мазмун шундаким мулк, манфаат, мақсад барчаси ўзаро боғлиқ ҳолда лозим бўлган воситалардан фойдаланиб эришилади. Тизимларнинг бир-биридан фарқланиши уларда қайси мулк устуворлиги билан аниқланган. Тарихдан жамоат мулки, хусусий мулк ва давлат мулки мавжуд бўлган. Мулкларнинг турли хилда айтилиши ҳам асослидир. Уларнинг ҳар бирининг ички тузилиши ҳар хил ҳамда улар ҳар хил усулда иқтисодий жиҳатдан амалга ошган. Уларнинг фарқ қилиши нимлардан боғлиқлигига мисол келтирамиз. Агар ер хусусий мулк бўлса, унинг эгаси бундан оладиган даромадни уни ижарага беришидан, сотишдан ёки ўзи ишлов беришидан олади. Ерга ишлов бериш ўз меҳнати ҳисобидан, эркин ёлланган ўзга меҳнати ҳисобидан ёки зўрлаб ишлатилган кишилар меҳнати ҳисобидан бўлади.

Тарихан тарқоқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ягона ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни бўлиб қўшилиладиган реал умумлаштирилган

ишлаб чиқаришнинг юқори даражаси ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигини жорий этишнинг объектив асоси бўлиб барпо этилади. Хусусий мулкнинг ижтимоий мулк билан алмашилиши оқибат натижадир. Мана шу жараён ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклини ўрнатишга қодирдир.

Ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулклигининг қарор топиши ишлаб чиқаришнинг ашёвий омиллари энди қандайдир ёт бир нарса сифатида ходимга қарама-қарши турмаслигини англатади. Ходим билан ишлаб чиқариш воситалари ўртасида энди ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштиришни якка эгаллаб оладиган бирон — бир ижтимоий гуруҳ йуқ. Бунда ҳар бир киши ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бўлади. Улардан фақат биргаликдагина фойданиш мумкин. Демак, ҳар бир киши фақат бошқалар билан уюшган ҳолда уларнинг эгасига айанади. Бу меҳнат натижаларига нисбатан ҳам шу маънода амал қилади. Улар бирон-бир уюшмага, яъни ҳаммага ва ҳар бир кишига қарашли бўлади.

Мулкчилик муносабатлари муаммоси асрлар буйи мавжуд. Шу тариқада куплаб иқтисодчилар ўртасида ўзига хос фикр, хулосалар бор. Демак, мулкчилик - бу жамият тарихий ривожланиши, биринчи навбатда кишилар хужалик ҳаётининг маҳсулидир. Мулкчилик ижтимоий ишлаб чиқаришда индивидларнинг объектив ҳолатини улар ўртасидаги синфий фарқларни ва синфий муносабатларни ҳарактерлайди. Шунинг учун ҳам мулкчилик тўғрисидаги масала доимо у ёки бу синфнинг ҳаётий масаласи бўлиб қолган.

Қадимги юнон файласуфлари Афлотун ва Аристотелдан тортиб то инглиз иқтисодчилари А. Смит ва Д. Рикардогача мулкчиликни кишиларнинг буюмларга бўлган муносабати, яъни нарсалар, моддий неъматларга эгалик сифатида қараб келганлар.

XX-XXI асрлар даврида ҳам мулкчиликни одамларнинг нарса, буюмларга бўлган муносабати деб қараш ҳоллари учрайди. Чунки мулкчилик доимо буюмлар, моддий бойликлар, нарсалар билан боғланган. Бу нарса буюмлар мулкчилик объекти бўлиб хизмат қилган. Бу ерда нарсалар кишилар меҳнатининг маҳсулидири, буюмлар эса мулкчиликнинг ашёвий мазмунини ташкил қилади.

Мулкчилик ижтимоий муносабатлар тизимида боғлиқ бўлгани ҳолда тарихий яъни ўткинчи ҳолдир. Мулкчилик аниқ шаклда мавжуд бўлади. Тарихда мулкчиликнинг 3 хил шакли бўлган. Булар, жамоа, хусусий, ижтимоий шакиллари. Мулкчилик жамиятнинг иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлари йиғиндиси бўлиб ҳисобланади. Мулкчиликнинг иқтисодий фаолияти эса ишлаб чиқариш муносабатлари орқали ёки хужаликнинг, тadbиркорлик фаолиятининг у ёки бу шакли орқали амалга ошади.

Турли тизимларда қуйдаги мулк шакиллари амал қилади.

1. Хусусий мулк — бу айрим соҳибларга тегишли мулкдир. Унинг икки кўриниши мавжуд. Шулардан биринчиси бу шахсий (индивидуал), иккинчиси хусусий мулк. Индивидуал мулк, бу айрим шахсга тегишли мулк. У фақат унинг ўзига даромад келтиради. 2. Жамоа мулки. Бу мулк жамоага бирлашган кишиларнинг умумий мулки. Бу мулк қавм — қариндошлар,

бир ерда истиқомат қилувчи кишилар ва маълум мақсад йўлида кўнгили тарзда бирлашган кишилар мулки. Бу мулкдан даромад топишининг сосий шарти жамоа фаолиятида қатнашиш ҳисобланади. 3. Давлат мулки. Бу давлатга қарашли ресурслар ва яратилган маҳсулотларнинг умумий бойликнинг давлат томонидан ўзлаштирилишини билдиради. Давлат мулки давлат пайдо бўлиши билан барпо этилади. Аммо унинг мақсади ва миқдоси ўзгариб туради. У хусусий ва жамоа мулкидан ўсиб чиқади. Бу дегани шуки, хусусий ва жамоа мулкининг бир қисми давлат мулкига ўтади. Айтилган мулк шакллари барча тизимларга хос бўлади. Лекин улар турли қорилмаларда мавжуддир. Бунда мулк шакллариининг нисбатан улардан қайси бирининг устуворлиги билан тавсифланади.

Тизимни тавсифловчи иқтисодий муносабатлар мулкчилик билан чекланмайди. Лекин улар ҳўжалик алоқаларининг ҳарактери билан, меҳнат манфаатдорлигининг қандайлиги билан ажралиб туради. Уларнинг натижасида иқтисодий механизм мавжуддир. Иқтисодий механизм — бу иқтисодий ривожланишни таъминловчи барча воситларнинг мажмуасидир. Бу мажмуа бошқаришда қўлланилади. Ижтимоий — иқтисодий жараёнлар таркибига аралаш мулк ҳам фаолият кўрсатади. Бу мулкчиликка тарихий яшаб ўтган кишиларнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилиги, кооперативлар, ширкатлар ва ҳўжалик жамоалари мулки, қатнашувчиларнинг пул ва бошқа мулк бадаллари ҳисобидан ташкил топадиган корхоналар ва бирлашмалар мулки киради.

Мулк шаклларини бир-бирдан тамоман ажратиш мумкин эмас. Бир ишлаб чиқариш усулидан иккинчисига ўтишда ҳам мулкни у ёки бу шакли вақтинча фаолият кўрсатиши зарур бўлади. Ўзлаштиришнинг биронта соф шаклини, масалан, ё хусусий ёки ижтимоий кўринишини биронта мамлакатда яққа ҳолда кўриш мумкин эмас. Ҳозирги шароитда ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси ва ҳарактерига қараб тасарруф қилишнинг ва мулкчиликнинг турли-туман шакллари бир-бирига қўшилиб кетганлигини кузатиш мумкин. Акционер мулккий йирик ижтимоий ишлаб чиқаришга мос бўлган, анча ривожланган мулк шаклидир. У ўзининг пайдо бўлиши ва амал қилиши жиҳатидан мулкнинг ижтимоий шаклига хос. Шу билан бирга у индивидуал мулк сифатида ҳам амал қилади. Шунга кўра ҳам акционер мулки анча афзал мулкдир.

Демак мулкчилик йўналишида адабиётларда таъриф берилган мулклар асосан куйдагилардир: 1. Умумий. Бўлинмас мулк — бу давлат мулки. Агар бу мулк давлат тасарруфидан чиқарилса, у ҳолда бу мулк давлат мулки ҳисобланмайди. 2. Жамоа мулки. Ушбу жамоада фаолият кўрсатаётган, кўрсатган шахслар мулки. Бу мулк уларнинг меҳнатлари эвазида яратилган мулк. 3. Хусусий ва шахсий, аралаш мулклар.

### 3.4. Давлат мулкни хусусийлаштириш ва тасарруфдан чиқариш.

Ўзбекистонда мустақиллик эришилгандан кейин илгариги иттифоқ таъминотига, муштумзўрлик тизимига, марказдан бошқарувга ҳожат



қолмади. Энди Республиканинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, умуман барча яшаш фаолияти тақдири давлатнинг ички вазифаларига таяниб ишлаб чиқаришни тақозо этади. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатлари йўли танланди. Шунга кўра мулкий муносабатлар тараққиётида давлат мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш зарурияти барпо бўлди. Бунинг яна бир асосий сабаби шундаким, жамиятда мулкий монополиядан мулкий эркинликка ўтилганлиги, демак хусусийлаштириш - бу давлат мулкнинг бошқа мулкларга айланишидир. Хусусийлаштириш жараёнида давлат мулки бошқа, яъни нодавлат мулкларни ривожлантиришда фаолият кўрсатади. Бу ҳолатни мулкий муносабатларга хос нарса эркин мулкдан монопол мулкка (бунда давлат мулки ҳам ҳисобда) ва қайталан монопол мулкдан эркин мулкка ўтишидир. Мулкнинг хусусийлаштирилиши жараёни илгаридан ҳам мавжуд бўлган. Бизда бу мустақиллик туфайли намоён бўлди. Ўтмишда ер, сув, ўрмон бойликлари, бино, иношоот ва бошқалар давлат мулкидан чиқарилиб, айрим шахсларга - уларнинг давлат олдидаги алоҳида хизматлари учун, хусусий мулк сифатида бериш бўлган. Бу давлат мулкнинг фақат хусусий мулкка айланишидан иборат бўлган ва бу айрим мамлакатлардагина юз берган. Ҳозирги хусусийлаштириш эса умуминсоний, умумдунё ҳодисаси бўлиб, монополлашган бозор иқтисодиётидан эркин бозор иқтисодига ўтиш билан боғлиқ. Бу ҳодисанинг ўз моддий асоси бор. Илгари ишлаб чиқариш фақат катта миқёсда тўпланган ҳолда ривожлана олган, чунки техника - технология шуни талаб қилган. Эндиликда ишлаб чиқаришнинг катта қисми озчилик қўлида тўпланиши шарт эмас. Улар кичик фирмалар мулки бўлсада самарали натижага эришиш имкони бор. Буни асоси шундаким, катта хусусий маблағ бўлмасида, уни қарз олиб ҳатто асбоб - ускунани ижарага олиб тадбиркорлик қилиш мумкин бўлади. Майда тарқоқ ишлаб чиқариш рақобатга шароит ҳозирлаб, иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Шу сабабли ҳам мулкнинг давлат ихтиёрида бўлишига зарурият камайди. Хусусийлаштириш ҳамма давлатларда юз бермоқда. Ҳатто бозор иқтисодиётига тўлиқ ўтган мамлакатларда ҳам бу жараён мавжуд.

Давлат мулкни хусусийлаштиришнинг бир қатор йўллари бор.

1. Давлат корхоналарини акционерлар жамиятига айлантириб, унинг мол - мулки ҳисобидан чиқарган акцияларини халққа сотиш. Бунда ким акция сотиб олса, у мулкдорга айланади.

2. Ижарага олинган давлат корхонасини ижарачилари жамоси томонидан ўзи ишлаб топган пулга ёки қарзга сотиб олиб, уни жамоа мулкига айлантириш. Бунда янги мулкдорлар халқ эмас фақат корхона жамоси бўлади.

3. Давлат мулкни қийматига қараб чиқарилган сертификатлар ёки ваучерларга биноан фуқароларга бепул бериш. Бунда мулк халқ ўртасида тарқатилади. Кимда ваучер ва сертификат бўлса, у корхона акциясини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Давлат мулкни фақат танилган, ишнинг кўзини биладиган, маъсулиятни ўз зиммасига олабиладиган тадбиркорларга, бошқарувчиларга сотиш маъқул бўлади.

5. Давлат мулкни хорижий қарзни узиш эвазига чет эл фирмалари ва фуқароларига бериш ва шу туфайли миллий мулк ҳисобидан хорижий мулк ўсиб чиқишини таъминлаш эътиборга олинган бўлади.

6. Давлат мол – мулкни аукционларда, қимомши савдоси орқали сотиш турли хил тартиб – қоидали бузишликни олдини олган бўлади. Бу жараёнда ҳамма ҳам мулк эгасига айланмайди.

Хусусийлаштириш усуллари таъминлаш ундан қутилган мақсадга боғли. Агар ишбилармонликни рағбатлантириб мулкий маъсулиятни кучайтириш назарда тутилса, хусусийлаштириш сараланган озчилик ўртасида ўтказилади. Мулкчиликда ижтимоий адолатни таъминлаб, ҳамма учун тенг имконият яратиш шарт бўлса, хусусийлаштириш бутун халқ ўртасида ўтказилади. Масалан, Ўзбекистонда хусусийлаштириш корхона жамоси учун устуворлик бериш йўсинида бошланди. Бунда корхона мол – мулки унинг жамоасига берилади. Чунки хусусийлаштириш орқали жамоа мулкни ўстиришдир. давлатда ижтимоий иқтисодийни ўстириш учун хусусийлаштиришда омманинг иштироки таъминланади.

Хусусийлаштиришнинг бош мақсади мулкий маъсулиятни ишга солиш орқали иқтисодий самарадорликни таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат.

Ҳозирги давр ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодийни тартибга солишда давлат аралашуви зарур. Бусиз иқтисодийнинг ривожланиши имкони йўқ. Шунга кўра мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, унинг умумхалқ ихтиёрига беришда давлатнинг ўрни бор. Давлат тасарруфидан қорхонилган мулк фаолияти тақдирда, энди бунда давлат таъсири йўқ – деб тушунмасилик лозим. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш умумхалқ характери олиган.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш буйича яна бир фикр мулоҳаза бу: 1. Ўзлаштириш жараёни давлат тасарруфидан чиқариш. Бу ҳар бир ходим ва меҳнат жамоасини ўзлаштиришда тенг ҳуқуқли деб тан олишдан иборат. 2. Хўжалик юритишнинг ҳар хил шакллари яратиш, корхоналарнинг барча шаклларига қонун доирасида эркин, хўжалик фаолиятида тенг ҳуқуқ бериш. 3. Янги ташкилий тузилишларни шакллантириш, тадбиркорлар фаолиятининг янги шакллари ташкил этиш. Янги шаклларга концернлар, консорциум, ассоциациялар ва бошқалар иштирокида. Демак, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш монополизмни қартираф этиш, рақобатчилик ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган. Бозор иқтисодийга ўтишда бу марказий муаммо ҳисобланади.

Хусусийлаштиришнинг ўзига хос объеклари мавжуд. Буларга йирик саноат, майда ва ўрта даражадаги саноат ва савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар, уй – жой, савдо, уй – жой қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқалар қиради. Мулкчилик субъектларига эса, хусусий шахслар, хусусийлаштирилган корхона ҳодимлари, меҳнат жамоалари, банклар, акционер жамиятлар ва бошқаларни киритиш мумкин. давлат тасарруфидан чиқариш ва

хусусийлаштириш миллий, иқтисодий ва тарихий шарт – шароитлар ҳисобига олинган ҳолда ўтказилиши мумкин. Ўзбекистон мустақил бўлгач, Республика Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда мустақил равишда иқтисодий ислохотлар ўтказиш учун ҳуқуқий асослар яратилди. Маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда хусусийлаштиришнинг чинаккам миллий моделини амалга ошириш имкони яратилди. У ҳаётга тадбиқ қилинди.

Ўзбекистонда давлат мулк монополизмини тугатиш ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш мақсадида аввало чек воситасида хусусийлаштиришдан воз кечилди. И. А. Каримов - “Энг аввало чет эллик экспертлар зўр бериб қабул қилдиришга уринган чек воситасида хусусийлаштириш ғоясидан воз кечдик.”<sup>4</sup> Ижтимоий адолат принципи таъминланишига ургу бериб, бу ғояни жозибалор қилиб кўрсатиш йўлидаги барча интилишларга қарамай, у биз учун бир қанча сабабларга кўра маъқул бўлмади. Бу биринчидан, бир неча авлодлар меҳнати билан яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятига республикада яшайдиган ҳар бир кишининг қўйган ҳақиқий улушини ҳолисона боҳолаб бўлмайди. Иккинчидан, чекларни бепул тақсимлаш ва шундан кейин уларга корхоналарнинг акцияларини сотиб олиш мулкдорлар гуруҳини вужудга келтирмайди, балки, аксинча бойлигимизни қадрсизлантиради. Текин нарсанинг қадри ҳам бўлмайди. Учинчидан, чек бозори самарали ишлаши учун қимматли қўғозлар билан муомала қилишда юксак маданиятга эга бўлиш, тегишлича тузумлар, қазолат тизимлари мавжуд бўлиши лозим. Аҳолининг кўпчилиги қисми қимматли қўғозлар билан муомала қилиш кўникмасига эга эмас. Шу туфайли чек воситасида хусусийлаштиришни жорий этиш ижтимоий вазиятнинг кескинлашувига, муқаррар суратда олиб келган бўлур эди.”

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг яна бир хусусияти – бу хусусийлаштиришга дастурий ёндашувни таъминлаш ва уни босқичма – босқич амалга оширувдан иборат. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунда мулкчилик шаклларини ўзлаштириш соҳасидаги тадбирлар Республика ҳамда ҳудудий миқёсда босқичма – босқич ишлаб чиқариладиган ва тасдиқланадиган махсус дастурлар асосида амалга оширилиш қатъий белгиланган. Хусусийлаштириш Республикада изчил, мунтазам олиб борилмоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича давлат дастури қабул қилинган ва амалда ижро этилмоқда.

Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш босқичлари 1992 – 2005 йилларга мўлжалланган бўлиб, бу уч босқичда амалга оширилиш мўлжалланган эди. Шундан биринчи босқич 1992 – 1993 йилларда савдо маиший хизмат кўрсатиш соҳалари, кичик маҳаллий саноатдан иборат хусусийлаштиришлардир. Иккинчи босқич эса 1994 – 1995 йилларга мўлжалланган. Бунда энгил, озиқ – овқат, фармацевтика саноати, тайёрлов тармоқлар, қурилиш, транспорт, алоқа, шунингдек индустрия тармоқлари объектларидан иборат ёппасига хусусийлаштириш амалга

<sup>4</sup> Каримов И. А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т... “Ўзбекистон”-1995 й

оширилди. Учинчи босқич эса 1996 йилдан 2005 йилгача мулжалланган бўлиб, у 2005 йилгача якунланмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон иқтисодийётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 24 январдаги Фармони бажариш юзасидан ва хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг устав жамғармаларида давлатнинг улушини энг кўп даражада қисқаритириш, объектларнинг инвестиция жалб этувчанлигини ошириш, шунингдек хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “2003 – 2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида” қарор қабул қилинди. Бу эса хусусийлаштиришнинг янги босқичи бошланганлигидир.

### **Асосий таянч тушунчалар**

**Ишлаб чиқариш усули** – бу ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари бирлиги ҳамда ўзаро таъсири.

**Ишлаб чиқарувчи кучлар** – ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омилилари, яъни ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари бирлиги.

**Ижтимоий – иқтисодий муносабатлар** – бу кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатдир.

**Технологик усул** – меҳнат воситалари, матереаллар, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик усули дейилади.

**Мулкчилик муносабатлари** – бу мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ўзлаштириш жараёнида юзага келадиган муносабатдир.

**Мулкка эгалик қилиш** – мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туришини билдиради ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклини ифодалайди.

**Мулкни тасарруф этиш** – бу мол – мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш.

**Мулкдан фойдаланиш** – бу мол – мулкнинг иқтисодий фаолиятида ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланиши.

**Хусусийлаштириш** – мулкка эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шаҳасларга ўтиши.

**Мулк объектлари** – бу мулкка айланган бойликнинг барча турлари.

**Мулк субъектлари** – бу мулк объектларини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулккий муносабатлар иштирокчилари.

**Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш** – бу давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллариининг вужудга келтирилиши.

## **II. БЎЛИМ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ҚОНУНЛАРИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ**

### **IV БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ**

Бобнинг асосий мазмунида қуйдаги йўналишдаги тушунчалар мавжуд.

Натурал ва товар ишлаб чиқариш ижтимоий ҳужаликнинг шакллари сифатида. Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиши сабаблари “Неъмат”, “товар”, “хизмат” тушунчалари. Товар ва унинг хусусиятлари. Товарнинг нафлиги ва айирбошлаш қиймати. Товар ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатнинг икки ёқлама ҳарактери. Товар қийматининг миқдори. Товар ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатни ҳисоблаш. Индивидуал ва ижтимоий—зарурий меҳнат сарфлари. Меҳнат унумдорлиги ва интенсивлигининг товар қиймати миқдорига таъсири. Қиймат ва нарх. Товар ва хизматлар қийматини тушунишнинг муқобиллиги. Кейинги қушилган товар нафлиги назарияси.

Қиймат қонуни, унинг вазифалари ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги аҳамияти.

Пул, унинг келиб чиқиш сабаблари, вазифалари. Пул айирбошлашнинг ривожланиш маҳсули эканлиги, пулнинг ўзига хос хусусиятлари ва асосий вазифалари. Қиймат улчови, муомала воситаси, жамғариш воситаси, ҳозирги замон пулнинг табиати ва мазмуни. Ўзбекистонда миллий пул — сўмнинг муомалага киритилиши ва унинг моҳияти. Дунё мамлакатларининг валюталари, уларнинг турланиш сабаблари.

#### **4.1. Товар ҳўжалигининг вужудга келиш сабаблари. Пул, унинг келиб чиқиши, вазифалари.**

Товар муносабатларининг вужудга келишида қандай ижтимоий - иқтисодий асослар бўлган. Ушбу мавзунинг ёритишда шунга эътиборни қаратиш лозим бўлади. Товар муносабатларининг вужудга келишида, дастлаб ижтимоий меҳнат тақсимоти асосдир. Чунки бу жараёнда ишлаб чиқарувчилар у ёки бу аниқ маҳсулотни тайёрлашга, хизматнинг аниқ турини кўрсатишга ихтисослашади. Иккинчидан бу ишлаб чиқарувчилар мулкий муносабатлари туфайли иқтисодий жиҳатдан бир-бирдан муайян тарзда алоҳидалашиб қолади. Бу ҳолатда улар ўз меҳнат натижаларини ўзлари тасаруф қиладилар. Айтиб ўтилган иш икки ҳолат туфайли товар ишлаб чиқариш зарурияти юзага келади. Меҳнат маҳсули товарга яъни бозорга айирбошлаш учун, сотиш учун тайёрланадиган маҳсулотга айланади. Ўз ўрнида ишлаб чиқарувчи эса товар ишлаб чиқарувчига айланади.

Товар ишлаб чиқарувчилар икки ёқлама мавқеи зиддиятига эга. Бу биринчи томондан унинг меҳнати ижтимоий ҳарактерга эга бўлиб, бу унинг товарига муҳтож бўлган шахслар тимсолида жамият учун зарур бўлади.

Иккинчи томондан эса унинг меҳнати алоҳида меҳнат ҳисобланади. Чунки бу меҳнат унинг ўз ҳисобидан бажариледи ва унинг истаги номаълум истеъмолчига мўлжалланади. Товар ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатнинг ижтимоий моҳияти у бозорда ҳаридор топган ва сотилган тақридагина тасдиқланади. Демак, товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати айна вақтда ҳам ижтимоий ҳам алоҳидалашган меҳнатдир. Товар ишлаб чиқарувчининг мана шу иккиёқлама меҳнати, яъни меҳнатнинг ижтимоий характери билан унинг алоҳидалашуви ўртасидаги зиддият товар ишлаб чиқаришнинг алоҳида зиддияти ҳисобланади. Бу зиддият бозорда ҳар бир товарнинг айирбошланишида, унинг истеъмол зарурлигида намоён бўлади. Шунингдек, у умуман ижтимоий ҳўжалик товар тузумининг зиддияти сифатида доим тақрор бўлиб туради.

Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи жами ижтимоий меҳнат таркибига кириш энг мураккаб ва ҳаётий муҳим муаммодир. Чунки товар ишлаб чиқарувчи муваффақиятсизликка учраган тақдирда у ўз маҳсулотини сота олмайди. Бунинг оқибатида у ўз фаолиятида зарар кўради. Бундан ҳам кучлироғи у хонавайрон бўлиши мумкин. Муаммонинг яна бир томони борки, бу ижтимоий эҳтиёжлар тизими ҳамиша бир текисда, бир хил фаолиятда эмас. У узлуксиз ўзгариб борадиган жараёндир. Шунга кўра ҳам ишлаб чиқариш таркиби, ҳам жами ижтимоий меҳнат таркиби узлуксиз янгиланиб боришни тақозо этади. Бундай муаммоларнинг кутилиши ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарининг сотилмай қолиши хавфининг олдини олиш зарурлигини билишга мажбур қилади.

Ишлаб чиқарувчини зўр бериб меҳнат қилишга, изланишга таваккал иш юритишга мажбур этадиган товар пул муносабатларининг кучли томонлари ҳам, уларнинг зиддиятли, чекланган пировардида тарихан ўтгинчи характери ҳам шунда намоён бўлади.

Мавзунинг ўрганишда товар — пул муносабатларини таҳлил қилиш лозим. Товар - пул муносабатлари — бу бозор иқтисодиёти моҳиятини англатувчи муносабатлар мажмуидир. Бунда товар ишлаб чиқариш, товарни айрибошлаш ва пул муомаласига хос муносабатларнинг бирлигидир.

Товар ишлаб чиқариш инсон пайдо бўлган даврдан бошлангани йўқ. Кишилик жамияти ривожланишида товар ишлаб чиқаришдан олдин натурал ишлаб чиқариш мавжуд бўлган. Ишлаб чиқаришнинг бундай кўриниши иптидоий жамоа тузумида мавжуд бўлган, у ҳозир ҳам учраб туради. Натурал ҳўжаликлар маҳсулотни бошқалар истеъмоли учун эмас, балки ўзининг эҳтиёжи учун ишлаб чиқаради. Бундай жараёнлар айрим деҳқон ҳўжаликлариди, жамоа корхоналари фаолиятларида мавжуд бўлиши мумкин.

Натурал ишлаб чиқаришда иқтисодиётни ташкил этишнинг асосий муаммолари жуда содда ҳолатда ҳал этилган. Масалан, улар нима яратиш кераклиги, қандай, қанча, ким учун маҳсулот ишлаб чиқариш зарурлигини ҳўжалик ходимлари фақат ҳўжалик ичидаги истеъмолни ҳисобга олган ҳолда аниқлаганлар. Шунга кўра натурал ишлаб чиқариш алоҳидалашган ҳўжаликлардан иборат бўлган. Бу ҳолат натурал ишлаб чиқаришнинг

чегараланганлигини ифода этади. Натижада иқтисодий жараёнларни бир доирага қатъий ушланганлигини, шунингдек ташқи алоқаларга йўл очишга имкон бўлмаганлигини ифода этади. Натурал ҳўжаликда хом - ашёни топишдан тортиб, маҳсулотни тайёр ҳолга келтиришгача бўлган ишларни алоҳида алоҳида ҳўжаликларнинг ўзи бажарган. Натурал ишлаб чиқариш фаолиятида ишлаб чиқариш қўл меҳнатига асосланган. Бу жараён натурал ҳўжаликка бир қанча асрлар давомида универсал қўл меҳнати хос бўлганлигини кўрсатади. Ўз вақтида натурал ҳўжаликда истеъмол ҳажми билан ишлаб чиқариш ҳажми бирмунча мувофиқ келган. Бу эса ўз навбатида уларни бир-бири билан боғлаш муаммосини осонлаштирган, чунки натурал ҳўжаликка ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида иқтисодий алоқалар хос бўлган. Бу хусусият ишлаб чиқариш тақсимоти ва истеъмолнинг кетма - кетлигидан юзага келган.

Ишлаб чиқаришнинг натурал шакли ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзаро ҳослигида. Бунда ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади ниҳоятда чегараланган ҳамда ҳажми катта бўлмаган ва таркиби жиҳатдан деярли бир хил бўлган эҳтиёжларни қондиришга бўйсиндирилган. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиб бориши натижасида натурал ишлаб чиқаришга нисбатан ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсишига мукамалроқ ишлаб чиқариш воситаларини қўллашга шароит яратадиган товар ҳўжалиги вужудга келган. Товар ишлаб чиқариш бирмунча асосий белгиларга эга бўлади. Булардан : 1. Ижтимоий меҳнат тақсимотига асосланиш. Бунда товар ҳўжалиги шароитида ишлаб чиқариш турли-туман ҳўжалик бирликларидан иборат бўлади. Уларнинг ҳар бири маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ихтисослашади. Бунда саноат қишлоқ ҳўжалигидан ажралиб чиқади ва ўз навбатида озиқ - овқат, тўқимачилик, металлургия тармоқларига бўлиниб кетади. 2. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик жорий бўлади. Товар ҳўжалиги шароитида ишлаб чиқариш воситалари хусусий мулк бўлгани туфайли меҳнат маҳсулоти ҳам ишлаб чиқариш воситаларининг эгасига қарашли бўлади. 3. Товарлар айирбошлаш ишлаб чиқарувчилар ўртасида иқтисодий алоқалар шакли ҳисобланади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти шароитида ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи маълум маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Унинг ишлаб чиқарган маҳсулоти ўзгалар истеъмолига мўлжалланади. 4. Товар ҳўжалигида кўр-кўрона ҳарактер ҳам мавжуд. Бунда хусусий мулкчилик иқтисодиётни кўпгина бир-бирдан ажралган мустақил корхоналарга бўлиб юборали ва шубҳасиз ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг кўр-кўрона (стихияли) кўринишига олиб келади. Ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулкчилигига асосланган жамиятларда оддий ва капиталистик товар ишлаб чиқариш юзага келади. Бунда мустақил майда ишлаб чиқарувчилар - булар ҳўнармандлар, деҳқонлар томонидан ишлаб чиқариш оддий товар ишлаб чиқарувчилардир.

Пировард натижада оддий товар ишлаб чиқаришнинг кўр-кўрона ўсиб бориши кенгайтирилган, яъни бозор эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқаришни юзага келтиради. Товарларнинг қиймати аста секин пул билан

ўлчанадиган бўлади. Бу жараён нарх шаклини олади. У ривожланган сайин ҳимояланган бозор иқтисодиётига ўсиб ўтади. Пул қадимдан маълум. Унинг келиб чиқиши ва моҳиятини биринчилардан бўлиб К. Маркс очиб берди. Пулнинг пайдо бўлишида қандай асослар юзага келган, бу тўғрисида фикр юритамиз. Бир товарнинг қиймати бошқа товарга айирбошланганда аниқ бўлади. Шунини айтиш лозимки бу тушунчада пулнинг ҳам товар каби қиймати ва исстеъмол қиймати борлиги назарга олинган. Демак, бир товар ўз қийматини бошқа товарга нисбатан ифода этади. Иккинчи товар эса ўлчам (эквивалент) ролини бажаради, яъни қийматнинг ўлчам шаклини бажаради. Ижтимоий ҳаёт тараққиётида кишиларнинг турли хил эҳтиёжлари ҳам ўсиб боради. Бундай шароитда барча товарни бир-бирига айирбошлаш кўплаб қийинчиликларни юзага келтирган. Шундай ўлчамни қабул қилиш лозимки, у барча эҳтиёжларни айирбошлаш ҳуқуқига эга бўлсин. Мана шу зарурият пулнинг куртагини пайдо қилган. Тарихда турли хил маҳсулотлар бошқаларига айирбошлаш ўлчами сифатида бўлган. Меҳнат тақсимооти чуқурлашиб, кўпроқ барқарор бўлиб бориши ва аниқ меҳнатнинг купдан-куп турларини қамраб олиши билан тобора кўп миқдордаги маҳсулотлар айирбошлашга жалб этила бошланди. Унинг хулосасида бир товар бошқа кўплаб товарларга айирбошланади.

Пул айирбошлашнинг энг қўлай воситаси бўлганлиги сабабли пул умумий (эквивалент) ўлчам сифатида қабул қилинган. Пулнинг ўзига хос яъни бажарадиган иш жараёнларидан келиб чиқиб белгиланадиган вазибалари бор. Улардан, биринчи — бу қиймат ўлчови. Товарлар сотилишида унинг дастлабки ўлчови, яъни у неча пул туришлиги эътиборда бўлади. Ҳар бир маҳсулот ишлаб чиқарилганида унинг бир ҳажми, масалан бир донаси, ёки бир центнери, ёки бир килограми каби ўлчами ишлаб чиқарувчига қанча қийматга тушганлиги аниқланади. Бунда сарфланган харажатлар йиғиндиси эвазига қанча миқдорда маҳсулот олинганлиги ва ниҳоят олинган маҳсулотнинг бир ўлчами учун қанча сарф қилинганлиги аниқланади. Натижада маҳсулот таннархи маълум бўлади. Демак, бу тушунчага эга бўлиш учун пул категория сифатида мазмун беради. Пул товарлар миқдорини таққослаб беради. Товарлар қийматининг пулда ифодаланиши товарнинг нархидир.

Пулнинг иккинчи вазифаси — бу муомала воситаси. Товар — пул муомаласи жараёнида пул нақд бўлиши керак. Чунки нақд пул бўлгандагина товар олди — сотди жараёнидан ўтади. Товар сотилгандагина маҳсулот товарлик, пул эса айирбошлаш хусусятларини намоён қилади. Товар — пул, пул — товар ҳаракатлари бозор мавжудлигида муҳим ўринга эга. Пул турли хил хизматларга ҳам алмашинади. Кўрсатилган хизматнинг нархи (бахоси) хизмат учун тўланган пул ҳажми билан ўлчанади.

Пул жамғариш воситаси ҳамдир. Бу жараёнда пул ҳаракатда бўлмайди. Жамғариш кейинги кутилаётган эҳтиёжларни қондириш мақсадида яратилган дароматдан ажратилган қийматдир. Қанча жамгарма қилинганлигини англаш учун ҳам пул тушунчасини ишлатишимиз керак.



Жамғарилган миқдорларнинг қанчаси қайси мақсадлар учун сарфланганлигини англашимиз учун ҳам яна пул тушунчасига қайтамыз.

Пул вазифаларининг турлари иқтисодиёт тарихида бешта, тўртта ва ниҳоят учта тушунчаларда бўлган. Масалан XX аср охирларида ҳам иқтисодчи олимлар пулнинг бешта вазифаси бор деб тушунар эдилар.

Улар, қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғариш воситаси, тулов воситаси ва жаҳон пули. Бу тушунчалар такомиллашиб бориб, пулнинг тўртта вазифаси бор деган хулосада бўлишди. Бундан олдингисидан фарқлироқ жаҳон пули вазифаси тан олинмади. Ҳозирги иқтисодий таълим пулнинг учта вазифасини ифода этмоқда. Булар қиймат ўлчови, муомала воситаси ва жамғариш воситаларидир.

Ҳар бир давлатнинг ўз миллий пули бўлади. Пул бирлиги валюта деб юритилади. Ўзбекистонда ўз валютасини, сўмни 1994 йил июл ойида айланмага қўйилди. Валютамыз Ўзбекистоннинг мустақилликдаги белгиларидан бири бўлди. Валютага тўлиқ ўтишнинг ўз даври бўлди. Бу 1993 йил ноябр ойидан 1994 йил июл ойигача ўтган вақтда сўм ўрнига сўм - купон жорий этилди. Сўм - купон то сўмга ўтишгача миллий пул бирлиги воситаси бўлди.

Ўзбекистонда миллий валютамызнинг қадрсизланишига йўл қўймаслик тадбирларини кўриш асосий иқтисодий-молиявий вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

#### 4.2. Товар ва унинг хусусиятлари.

Товарнинг мазмунини тушуниш, унинг хусусиятларини билиш иқтисодий тараққиётни ўрганишда муҳим аҳамиятlidir. Шу туфайлигина товар - пул муносабатларини билиш мумкин.

Товар — бу нима? Товар бор, маҳсулот бор, улар нима билан фарқланади. Товар уч белгига эга, у кишиларнинг бирон бир эҳтиёжини қондиради. Бу унинг истеъмол қийматидир. Иккинчидан товар қийматга эга. Чунки уни ишлаб чиқариш учун сарфлар бўлган ва сотилиш жараёнида унинг қиймати пул билан ўлчанади. Учунчидан эса айирбошланади. Маҳсулотда товар хусусиятларининг биринчи ва иккинчи кўринишлари мавжуд бўлиб, лекин у айирбошланмайди. Масалан, оилада етиштирилган маҳсулот бозорда сотилиши ва ўз истеъмоли учун оилада истеъмол қилиниши мумкин. Шундан бозорда сотилган қисми айирбошланади ва товарлик хусусиятига эга бўлади. Оилада истеъмол қилинган қисми эса айирбошланмайди, у маҳсулот бўлиб қолади. Демак, товар — бу бирон бир нафлиликка ва қийматга эга бўлган, айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотдир. Бунда нафлилик кишиларнинг бирон бир эҳтиёжини қондириш хусусиятидир.

Товарнинг икки хил хусусияти бор. Булар истеъмол қиймати ва қиймати.

Кишилар товарни сотиб олишда дастлаб ушбу товар унинг маълум бир, аниқ эҳтиёжини қондира оладими ёки йўқми. Мана шу ҳаёл сотиб олувчининг фикридан ўтади. Агар ушбу товар ҳаридор учун зарур деб

топилса ҳаридор шундан сўнг унинг нархи билан қизиқади. Товарнинг эҳтиёжни қондириши унинг истеъмол қиймати бўлиб ҳисобланади.

Товар ҳаридорга қандай нарх ўлчамида сотилса, бу кўрсаткич товарнинг қиймати, яъни меҳнатнинг шу товарни ишлаб чиқариш учун сарфланган пулдаги ўлчамидир.

Товарнинг қиймати ва истеъмол қийматининг булишлигини яратишда сарфланган меҳнатнинг икки ёқлама кўриниши борлигидандир.

Меҳнат нима? Меҳнат инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти. Кишилар меҳнат орқали табиатдаги предметларни ўзгартиради, уни ўз эҳтиёжига мослаштиради. Шунга кўра ҳам меҳнат кишилиқ жамияти ҳаётининг асосий шарти. Шу туфайлигина инсониятнинг яшashi учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади. Меҳнат жараёнида кишилар меҳнат қуроллари масалан, асбоб – ускуна, машина ва бошқа воситалар ишлаб чиқаради, таъсир этади.

Ишлаб чиқариш жараёнида қайта ишланадиган меҳнат предмети ўз шаклини ўзгартириб ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол предметларидан иборат меҳнат маҳсулига айланади. Меҳнат маҳсулидан турли мақсадларда фойдаланилади. Истеъмолда икки кўриниш мавжуд. Биринчиси ишлаб чиқариш истеъмоли. Бунга машина, металл, ёқилги каби эҳтиёжларни тайёрлаш зарур. Иккинчиси шахсий истеъмол. Бунга озиқ- овқат маҳсулотлари, кийим кечак, пояфзал ва бошқа эҳтиёжларни ишлаб чиқариш зарур.

Меҳнат маҳсулотлари турли шаклда қўлланилади. Масалан, галладан хом ашё сифатида, шунингдек чорвада ем ўрнида, деҳқончиликда уруғлик мақсадида фойдаланилади.

Истеъмол учун тайёр бўлган меҳнат маҳсули яна ишлаб чиқаришга фойдаланиши умумкин. Бу ҳолда у хом ашё сифатида ҳаракатланади. Масалан, узумни вино ишлаб чиқариш учун ҳам ишлатиш мумкин.

Товарнинг қиймати ва истеъмол қиймати бор. Чунки товарни яратган меҳнатнинг икки ёқлама хусусияти бўлганлиги сабабидан. Булар биринчидан, аниқ меҳнат. Буни адабиётларда конкрет меҳнат деб ёзишади. Ана шу аниқ меҳнат товарнинг истеъмол қийматини яратади. Иккинчидан, меҳнатнинг мавҳум кўриниши эса товарнинг қийматини яратади.

Аниқ меҳнат бу мутахассис меҳнати, бу тажрибали меҳнат. Бу кишилар эҳтиёжини сеза биладиган ва шунга кўра ишлаб чиқариш олиб борадиган меҳнат. Бирон бир товар ишлб чиқарилганда ёки маҳсулот етиштирилганда ёки хизмат кўрсатганда шу уринишлар кимнингдир истеъмоли учун зарур бўладими, ёки йўқми, буни олдиндан башорат қила билиш товарларнинг сотилиб кетишини енгиллаштиради.

Кишилар товар ҳарид қилишганда дастлаб шу товарнинг қанчалик зарурлигини хаёлдан ўтказadi. Шундан сўнг уни сотиб олиш зарурлигини ҳис этгач, товарни сотиб олиш ҳаракатида булади ва ниҳоят уни амалга оширади.

Аниқ меҳнат узлуксиз ўзгариб боради. Товар ишлаб чиқарилишида, хизматлар кўрсатилишида янги ўсиб турадиган эҳтиёжлар бунга сабаб булади.

Шунга кўра аниқ меҳнат субъектлари ўз малака кўникмаларини тўхтовсиз ошириб борадилар. Айниқса бозор шароитида товар ишлаб чиқариш жараёни, хизматларнинг инфратузилмаларини ташкил этишнинг сифат кўрсаткичлари рақобатда баҳслашувдан ўтади.

Ҳар бир ишлаб чиқарувчи корхоналар, хизмат кўрсатувчи муассасалар, хусусий мулк эгалари ишлаб чиқариш натижасининг сифатини таъминлаш учун тинимсиз изланади, урганади, рақобатда қатнашади. Товар ва хизматлар пулга айирбошлангандагина, унинг кимгадир зарурлиги намоён бўлади. Аниқ меҳнат, меҳнатнинг сифатини юзага келтиради. Шунга кўра яратилган буюмнинг истеъмол қиймати унинг кишилар учун фойдали, нафлигадир. Истеъмол қиймат шахсий истеъмол буюм сифатида бевосита ёки ишлаб чиқариш воситалари сифатида билвосита кишиларнинг бирон бир эҳтиёжини қондиради.

Меҳнатнинг иккинчи бир хусусияти унинг мавҳумлигадир. Мавҳум (абстракт) меҳнат товар ишлаб чиқаришдан сарфланган меҳнатлар йиғиндисидир. У товарнинг қийматини яратади.

Товар ўзига хос нафлиликка эга. Бу нафлик, яъни бу истеъмол қиймат уни яратувчининг ўз эҳтиёжлари учун эмас, балким у айирбошланиш орқали ўзгалар эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун товар ишлаб чиқариш барчанинг, ижтимоий заруриятининг эҳтиёжини қондиришдаги истеъмол қийматдир. Товарларда истеъмол қийматнинг мавжудлиги бўлганлигидан у айирбошланади ва қийматни намоён қилади. Товарларнинг алмашув қиймати унинг маълум миқдордаги нарх билан айирбошланганида юзага келади. Буюмлар ҳар доим ҳам товар булавермайди. Буюмлар товар бўлиши учун сотишга мўлжалланган, меҳнат сарфи эвазига яратилган, бирон — бир эҳтиёж учун зарур бўлган хусуусиятларга эга бўлмоғи лозим.

Кишилар эҳтиёжини қондиришда қатнашадиган кўплаб буюмлар меҳнатсиз табиат инъоми билан мавжуддир. Масалан, булоқ сувлари, ёввойи дарахтлар меваси ва ҳоказолар. Бундай буюмларда истеъмол қиймати бўлсада лекин уларда қиймат бўлмайди. Уларнинг яратилишида инсон меҳнати қатнашгани йўқ.

Аниқ меҳнат ҳам, мавҳум меҳнат бир —биридан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Унинг натижасида аниқ истеъмол қийматларининг хусусиятлари келиб чиқади. Товарларнинг ўлчовли бўлишлиги шундаким, бунда буларнинг барчаси инсон меҳнати билан яратилади. Товар ишлаб чиқаришда инсоннинг кучи, ақли, иродаси, билимдонлиги иштирок этади. Шунга кўра товар кимнингдир ёки қайси бир корхона, жамиятнинг эҳтиёжи учун хизмат қилади, истеъмол бўлади.

Товар икки томонининг истеъмол қиймати ва қийматининг ўзаро бирлигидан иборат бўлади. Товар қийматининг миқдори, ижтимоий зарурий вақти билан ўлчанади. Ижтимоий зарурий ишлаб чиқариш вақти эса мавжуд ижтимоий меъёрий ишлаб чиқариш шароитида ва муайян жамиятдаги меҳнат малакси ҳамда жадаллашуви даражаси ўртача бўлган шароитда бирон —бир товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш вақтидир. Товар қийматининг миқдорини ҳисоблашда меҳнатнинг оддий


ва мураккаб, малакали ва малакасиз, ақлий ёки юқори жисмоний турлари ҳисобга олинади. Товарнинг иккки хил хусусиятга эга бўлишligининг сабаби шундаким, бунада товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати табиатининг иккки томонламалигидадир. Булар айтиб ўтилганидек, бу муайян турдаги аниқ меҳнат ва ижтимоий меҳнатдир. Демак, товарнинг истеъмол қийматининг аниқ турини яратишга қаратилган меҳнат - аниқ ёки конкрет меҳнат. Иккинчи томондан, меҳнат - аниқ шаклидан фарқлироқ инсоннинг умуман сарфланган ишчи кучидан жами ижтимоий меҳнатнинг бир қисмидир. Ана шу меҳнат товарнинг қийматини яратади. Бу меҳнат абстракт (мавҳум) меҳнатдир.

Товар ишлаб чиқарувчи бирор буюмни ишлаб чиқараётганида унинг ижтимоий ҳарактерини сезмайди. Бироқ ушбу буюмни бозорда сотиш учун олиб чиқарганидаёқ унда гавдаланган ижтимоий ҳарактер аниқ бўлади.

Бу ҳолатда товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати жамият учун зарур ёки зарур эмаслиги, жамият томонидан тан олинishiлиги ёки олинмаслиги аниқ бўлади. Агар харидор томонидан ушбу товар сотиб олинмаса, бу хусусий меҳнат ижтимоий меҳнатнинг бир қисми сифатида тан олинмайди ва у жамият учун кераксиздир.

Воситаларнинг хусусий мулклиги шароитида айрим товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати бевосита унинг хусусий иши бўлиши билан бирга у ижтимоий ҳарактерга ҳам эга бўлади ва бу меҳнатнинг ижтимоий ҳарактери айирбошлaш жараёнидагина кўринади. Шунини эътиборга олиш лозимки, товар ишлаб чиқариш шароитида меҳнатнинг ижтимоий ҳарактери яширин бўлади. Меҳнат фақат айирбошлaш соҳасида, яъни ўзи амалга ошиб бўлганидан кейин ўзининг ижтимоий ҳарактерини намоён этади. Демак, мавҳум (абстракт) меҳнат, яъни қиймат яратувчи меҳнат - бу меҳнатнинг фақат товар ишлаб чиқаришга хос бўлган ва алоҳидалашган товар ишлаб чиқарувчилар муносабатини ифодалайдиган ўзига хос ижтимоий шаклидир. Бу ҳолида ижтимоий меҳнатнинг моддийлашувига, яъни қийматига ҳам баб - баробар тегишлидир. Чунки қиймат товарнинг табиий хоссаси эмас. Қиймат - бу товарнинг ижтимоий хоссасидир. Қиймат меҳнатга асосланган. Меҳнатда эса одамлар бир - бирлари учун меҳнат қилишларини билдирувчи ижтимоий меҳнат мавжуд. Шу жараён сабабидан улар бир - бирлари билан ишлаб чиқариш муносабатларига киришадилар. Шунга кўра ҳам қийматни одамлар ўртасидаги муносабат деб тушуниш тўғри бўлади. Қиймат ўзининг ижтимоий ҳарактерини фақат меҳнат маҳсулларини айирбошлaш орқали кўрсатади. Бу ўз ўрнида товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати ҳарактерини такрорлайди.

Баён этилган фикрларга асосланиб, товарнинг иккки хил хоссаси борлиги, товарда гавдаланган меҳнатнинг иккки хил хусусиятга эга эканлигидан деган хулосага олиб келади. Буни қуйидаги тасвирда ҳам кўриш мумкин.



### 4.3. Қиймат тўғрисидаги турли назариялар таҳлили.

Қиймат ижтимоий меҳнат билан яратилади. Демак, қиймат ҳар қандай ёки шунчаки меҳнат билан яратилмайди. Меҳнатнинг эса табиий ўлчови — бу вақти билан белгиланади.

Иқтисодиёт назарияси фани мавжуд бўлган иқтисодий қонунларни ўраганиди, таҳлил қилади, таклиф ва хулосалар чиқаради.

Иқтисодий қонунлар таркибида қиймат қонуни ҳам бор. Қиймат қонуни — бу товар ишлаб чиқариш шароитида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни, шунингдек ижтимоий меҳнатни тақсимлаш ва рағбатлантиришни тартибга солувчи объектив қонун сифатида мавжуддир. Шунга кўра товар ишлаб чиқариш ҳамда айирбошлаш жараёнлари уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Бу қийматнинг миқдори ижтимоий зарур меҳнат сарфлари билан ўлчанади.

Иқтисодиёт назарияси фанида товар қийматининг негизи тушунчасида икки хил қараш, яъни йўналиш мавжуд. Улар биринчидан, қийматнинг меҳнат назарияси, иккинчидан эса қўшилган миқдор нафлилиги назарияси.

Кўпгина иқтисодчи олимлар қийматнинг меҳнат назариясини ҳимоя қилганлар.

Бу ғояни ҳимоя қилувчи олимлар товарларни айирбошлаш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади деган тушунчада бўлганлар. Улар бундай хулосага келишида қийматнинг миқдори ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан ўлчанишига асосланган. Меҳнат сарфлари деганда ижтимоий зарурий иш вақтини эътиборга олишган. Керагидан ортиқча сарфланган меҳнат қиймат яратишда қатнашмайди. Чунки қийматнинг меҳнат назариясига кўра ижтимоий зарур ишлаб чиқариш вақти ўзига хос ижтимоий меҳнат меъёрий кўринишида намоён бўлади. Бундай меъёр бозорда аниқланади. Бозордаги ҳолат ҳар қандай ишлаб чиқарувчини ўз ишига ҳисоб билан, маъсулият билан ёндашишига мажбур қилади. Чунки ҳар бир ишлаб чиқарувчининг иш фаолияти негизида моддий манфаатдорлик, меҳнатнинг рағбатлантирилиши заруриятлари мавжуддир.

Қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорлари товар ишлаб чиқариш шароитида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида муносабатлар ижтимоий меҳнатни тақсимлашни ва уни рағбатлантиришни тартибга солувчи имконият деб хулоса қилишган. Тартибга солиш эса объектив қиймат қонунининг мавжудлигидандир.

Товар ишлаб чиқарувчиларни уларнинг индивидуал меҳнат сарфлари билан ижтимоий зарур меҳнат сарфлари ўртасидаги нисбатга боғлиқ ҳолда табақалаштиришда қиймат қонунининг ўрни ҳақида унинг тарафдорлари илмий таҳлил берганлар. Бу жараённинг яна шундай илмий хулосалари борки, улар биринчидан, сарфларни камайтиришни рағбатлантиради ва иккинчидан эса меҳнатнинг ишлаб чиқариш соҳалари бўйича тақсимланишини тартибга солади.

Товарнинг сотилишида, яъни унинг бозорда аниқланган нархи даражаси асосида ҳам қиймат бор. Товар нархи белгиланаётганда уни ишлаб чиқариш учун сарфланган қийматлар ҳажми ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, товар ишлаб чиқаришда маҳсулотга сарфланган қиймат шунчалик камайиб боради. Товарни сотиб олувчилар уни ишлаб чиқаришда қанчалик сарф бўлганлигини таҳлил қилишмайди. Шунга кўра унумдорлик билан фаолият курсатувчи ишлаб чиқариш нисбатан юқори фойла олади. Улар товарларни ижтимоий зарур сарфларга тенг нархларда сота оладилар.

Бозорда нарх ўз ҳолатида, яъни талаб ва таклифнинг нисбатида ўзгариб туради. Бу эса рақобат кураши натижасидандир. Бунда қиймат қонунининг тартибга солиб турувчи механизми ўрни бор. Товар нархлари ижтимоий қийматдан четга чиқиб туради. Бунда нарх қийматдан гоҳ юқори ва гоҳ тенг ёки паст бўлиши ҳам эҳтимоли бор. Қийматдан нарх юқори бўлса ишлаб чиқарувчи ютади, ҳаридор учун иқтисодий зарар келтирилади. Агар нарх қийматдан паст бўлса, ишлаб чиқарувчи ютқизади, унинг ишлаб чиқариш фаолияти аста-секин тўхтайтиди.

Демак, талаб билан таклиф тенг бўлса, нарх билан қиймат тенг бўлади. Талаб таклифдан юқори бўлса нарх қийматдан юқори бўлади. Шунингдек, талаб таклифдан кичик бўлса нарх қийматдан паст бўлади.

Товарлар нархи билан унинг қиймати ўртасида фарқнинг мавжудлиги товар ишлаб чиқарувчилардан боғлиқ эмас. Бу фарқлар бозор мувозанатидан, яъни талаб ва таклиф даражасидан, аниқроғи қиймат қонуни талабларидан келиб чиқади.

Товар қийматининг миқдори ижтимоий зарурий иш вақтининг ўзгариши билан ўзгаради. Ижтимоий зарур ишлаб чиқариш вақти кўплаб омиллар таъсирида бўлади. Масалан меҳнат унумдорлигини қараб чиқайлик. 8 соат давомида 10 дона товар ишлаб чиқарилган. Шу имкониятда, яъни шароитда шу корхонада, шунча вақт давомида 15 дона товар ишлаб чиқарилган ҳолатда унинг шу натижасига хулоса қилинади, демак ушбу корхонада илгаригига нисбатан 1,5 марта юқори натижа олинган.

Демак бу корхонада меҳнат унумдорлиги бир ярим мартага ошган. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, маълум товар бирлигини ишлаб чиқариш учун шунча кам вақт сарфланади ва товарлар қиймати шунча камаяди.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши билан меҳнат интенсивлиги ҳам ортиб боради. Меҳнат интенсивлиги маълум вақт бирлиги ичида кўпроқ меҳнат қилишни билдиради. Масалан, меҳнат интенсивлиги икки марта ортган бўлса, 1 соат ичида киши икки марта ошқроқ меҳнат қилади. Киши икки марта кўпроқ ишлаб чиқариш кучи сарф қилди деган маънони билдиради. Хулоса шундаки, меҳнат интенсивлиги ортиши билан, маълум бир вақт бирлигида товарнинг қиймати ҳам ортади.

Товар ишлаб чиқариш жараёнида турли малакали кишилар қатнашади. Уларнинг баъзилари учун маҳсус тайёргарликдан ўтиши шарт эмас. Шундай ишлар борки уни бажарувчи албатта маҳсус маълумотга, малакага эга бўлмоғи зарур. Ҳеч қандай тайёргарлиги бўлмаганлар меҳнати оддий меҳнат бўлиб ҳисобланади. Маҳсус тайргарликни талаб қиладиган меҳнат, мураккаб ёки малакали меҳнат дейилади. Малакали меҳнат оддий меҳнатга

нисбатан кўпроқ меҳнат яратади. Товар айирбошлаш жараёнида эса ҳар қандай мураккаб меҳнат маҳсули ҳам оддий меҳнат маҳсулига таққосланади ва айирбошланади. Айирбошлаш жараёнида у оддий меҳнатми ёки мураккаб меҳнатми улар тенглаштирилади.

Товар ишлаб чиқариш шароитида барча товарлар пулга тенглаштирилади. Товарни пулга тенглаштириш орқали уларнинг қиймати аниқланади. Пул барча товарнинг қийматини ифода этади. Пул ўз тарихида кўплаб босқичлардан ўтган ва ниҳоят у умумий эквивалент сифатида тан олиниб хулоса қилинган.

Баён этилган фикрлар қийматнинг меҳнат назарияси тушунчасида қиймат қонунига асосланган ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солувчи бозор механизмида мужассамлашган.

Қиймат назариясидаги иккинчи йўналиш — бу қўшилган миқдор нафлилиги назариясидир. Қиймат фақат бозорда алмашув қиймат кўринишида узининг ифодаланиш шаклини олади. Қиймат ишлаб чиқаришда яратилади, бозорда эса у намоён бўлади. Демак, меҳнат сарфларининг ижтимоий зарурий даражаси фақат бозорда, яъни айирбошлашда юзага чиқади.

Қийматнинг ишлаб чиқаришда яратилиб, унинг бозорда намоён бўлиш жараёни назариячилар уртасида икки хил хулосани келтириб чиқарган. Масалан, агар товар бозорда сотиб олинса бу кимдир товар ишлаб чиқаришига кетадиган сарфларни ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари сифатида нархлашидан эмас, балким, мазкур товар ҳаридор учун фойдали, яъни бирон бир эҳтиёжини қондира оладиган самарага эга бўлиши сабабидан рўй беради.

Кишилар товарларни қанча қийматга эга бўлгандигидан эмас, балким ушбу товарнинг қанчалик эҳтиёжни қондираолиши сабабидан, яъни нафлилик даражасидан боғлиқ ҳолда ҳарид қилишади. Товарни ишлаб чиқаришда сарфланган меҳнат ҳам унинг ҳосилидан кишилар қанчалик наф ола билиши мақсад қилиб қўйилади.

Меҳнат сарфларининг ижтимоий зарурилиги ким томонидан ёки нима билан аниқланиши масаланинг ечимига аниқлик бағишлайди. Бундай жумбоқларнинг ечимини бозор фаолиятдан излаш ҳам мумкин. Унинг жавоби тўлиқ бўлишлиги учун бошқа яна бир тушунча ва хулосаларга эътибор берайлик.

Қўшилган миқдор нафлилиги назариясини ҳимоя қилувчилар хулосасига кўра фақат товарнинг нафлилигига, ижтимоий зарурий деб номланадиган тавсиф бериш мумкин.

Қийматнинг меҳнат назарияси билан қўшилган миқдор нафлилиги назариясининг бир — бирига тўғри келмаслиги турли хил истеъмол қийматларини ёки нафлиликларини ҳисобга олиш муаммоси билан боғлиқ. Қиймат назарияси йўналишида содир бўлган икки хил тушунчада қўшилган миқдор нафлилиги назарияси тарафдорлари товарнинг қийматини ва шунга кўра унинг нархини аниқлашда унинг икки томонига ва сотувчилар билан ҳаридорлар манфаати тўқнашган жойга эътиборни қаратишлари лозим

эди. Товардаги қиймат ва истеъмол қиймат мавжуд бўлади, чунки уни яратган меҳнатнинг икки томони бор. Улар абстракт ва аниқ меҳнатлардир.

### Асосий таянч тушунчалар

**Аниқ меҳнат** — муайян аниқ шаклда сарфланиб истеъмол қийматларининг аниқ кўринишини вужудга келтиришга қаратилган меҳнат.

**Абстракт (мавҳум) меҳнат** — аниқ шаклидан қатъий назар умуман инсон ишчи кучининг сарфланиши, ижтимоий меҳнатнинг бир қисми.

**Меҳнат унумдорлиги** — маълум вақт давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган вақт билан аниқланадиган кўрсаткич.

**Меҳнат интенсивлиги** — вақт бирлигида меҳнатнинг сарфланиш тезлиги ёки жадаллиги.

**Натурал ишлаб чиқариш** — меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириш, ички хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланган фаолият.

**Товар ишлаб чиқариш** — товарлар ўзининг истеъмоли учун эмас, балки бозорда сотиш, айирбошлаш учун ва бошқаларнинг истеъмолини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш фаолияти.

**Товар** — кишининг эҳтиёжини қондира олиш, қийматга эга бўлиш ва айирбошлаш хусусиятларига эга бўлган меҳнат маҳсули.

**Нафтлилик** — товарларнинг кишилар истеъмолини қондириш лаёқати.

**Алмашув қиймати** — бу бирор турдаги истеъмол қийматининг бошқа турдаги истеъмол қийматига айирбош қилинадиган миқдорий нисбати.

**Қиймат** — ишлаб чиқарувчининг товарда гавдаланган ва унда моддийлашган ижтимоий меҳнати.

**Қўшилган қиймат** — яратилган товарга қўйилган қўшимча қиймат.



## V. БОБ. БОЗОР ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ, МАЗМУНИ, БЕЛГИЛАРИ, АМАЛ ҚИЛИШИ

Мазкур бобда “Бозор иқтисодиёти” тушунчаси ва асосий белгилари ҳақида бозор тизимининг умумий ўлчови ҳақида, бозорнинг мазмуни ва унинг тузилиши ҳамда амал қилиши ҳақида фикр юритилади. Бозор иқтисодиётининг товар муносабатлари ривожининг маҳсули сифатида тарихийлиги. Бозор иқтисодиёти тизимли тушунча эканлиги. Бозор муносабатларининг моҳияти ва унинг субъектлари. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари. Бозор тизимининг ўз – ўзини тартибга солувчи механизми. Бозор иқтисодиётининг тизимлараро унинг умумий томонлари ва фарқлари. Бозор механизми амал қилишининг умумий меъёри, ресурслари, маҳсулотлар ва даромадлар доиравий айланиши. Бозор иқтисодиёти шароитида доимий муаммоларни ҳал қилиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш усуллари. Ишлаб чиқариш имкониятлари. Бозор иқтисодиётининг чекланганлиги ва зиддиятлари. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Бозорнинг мазмуни ва унинг тузилиши. Бозор турлари ва уларнинг иқтисодий йўналиши. Бозор – рақобатчилик хусусиятида.

### 5.1. Бозор ва унинг найдо бўлиш сабаблари. Бозор иқтисодиётининг устун ва заиф жиҳатлари.

Бозор – бу ҳаридорлар билан сотувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, уларни бир – бирига боғлайдиган механизмидир.

Тирикчилик зарурияти бор, кишилар ўртасидаги олди – берди, сотти – сотиб олди жараёнлари тўхтатилмайди, аксинча у ривожланиб боради, янги – янги имкониятлар юзага келади. Бунинг сабаби шундаким одамлар ўз фаровонлиги йўлида, эҳтиёжларини қондириш йўлида тинимсиз изланади, ишлаб чиқаришнинг серунунм даражаларига эришишни пайдо қиладилар. Шунга кўра иқтисодиётда нимани ишлаб чиқариш зарур, қанча ишлаб чиқариш керак ва ким учун ишлаб чиқариш лозим деган қадимий муаммолар мавжуддир. Бундай тараққиёт ва фаровонлик учун уни яратмоқ зарур. Унинг янги – янги технологияларини, услубларини, шарт – шароитларини яратмоқ керак бўлади.

Иқтисодий барқарорлик бозор имкониятларидан намоён бўлади. Шу сабабли бозор тизими қонун – қоидаларини ўрганиш, энг аввало бозорнинг ўзи нималигини ўрганиш, кейин унинг турларини билиш лозим.

Ишлаб чиқарилаётган, яратилаётган барча маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар истеъмолчиларга тўғридан – тўғри етиб бормади. Бундай имкониятларни истеъмолчи фақат бозор жараёни орқали олади. манфаатдор бўлади. Бозор истеъмолни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари билан боғлайди. Чунки бирон – бир нарса, товар,

хизмат айирбошлашсиз ҳал этилмайди. Улар айирбошланганида бозор жараёни пайдо бўлади, улар пулга сотиб олинади.

Ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи товар ва хизматлари билан бозорга сотувчи сифатида қатнашади. Харидор эса ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб бозорда олувчи сифатида иштирок этади. Сотувчилар – булар товар ишлаб чиқарувчилар, фирмалар, фермер хўжаликлари, якка тарарзда ишлаб чиқарувчи кишилардир. Харидорлар эса жамики истеъмолчилар, яъни хонадонлар, ресурсларни олиб ишлатувчи фирмалар, давлат идоралари ва якка тартибда ишлаб чиқарувчилардир. Аҳоли харидор сифатида гавдаланганида бозордан истеъмол буюмлари ва хизматларни сотиб олади. Фирмалар, якка тартибда ишловчилар эса харидор сифатида асбоб, ускуна, машиналар, ёқилги, электр энергия, хом ашё ва иш кучини сотиб оладилар. Демак, фирмалар, ишлаб чиқарувчилар ўз фаолиятида ҳам сотувчи ва ҳам харидор ҳаракатларини бажаради. Харидор ва сотувчи бозорда товарларни пул воситасида айирбошлайди. Шу тариқа олди – сотди муносабатлари пайдо бўлади. Бир товар пулга айирбошланади, шу пулга қайтариб бошқа товар сотиб олинади.

Демак, товар пулга айирбошланганда Т – П бўлади, пул товарга айирбошланганда эса П – Т бўлади. Бозор муносабатларида ҳам товарлар ва ҳам пул ишлатилади.



Бозор инсоннинг эзгу ниятларини амалга оширади. Шунга кўра у яшовчан ва истиқболлидир. Кишилар ўз марфаатлари учун тиним билмай ҳаракат қилишади. Бозор иқтисодиёти ҳар бир кишининг шахсий манфаатини ўзгалар манфаати билан боғлай олади. Кишиларнинг ўзига наф келтирувчи иши бошқаларга ҳам наф келтиради. Ҳар бир ишлаб чиқарувчининг мақсади ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиб ўз манфаатларини қондириш, лекин ушбу жараёни бажариши орқали ўзгаларнинг эҳтиёжини қондиради. Ишлаб чиқарувчи товарни бозорбоп қилиб, яъни сифатли қилиб ишлаб чиқаргандагина унинг товари ўзгалар мулкига айланади, яъни харидор уни сотиб олади. Ишлаб чиқарувчи ўзгалар манфаатини мўлжаллаб иш юритмаса, у ҳолда унинг ўзининг иши ҳам юришмайди. Якка шахс ўзларича танҳо яшайолмагани каби, унинг фойдали фаолиятлари ҳам якка кўринишда ҳеч нарса эмас.

Адам Смитнинг шу йўналиш бўйича айган сўзи бор, унда “бир ит бошқа ит билан онгли равишда ўзаро суяк айирбошлаганини ҳали ҳеч ким кўрмаган” – деган.

Айирбошлаш инсонга хос ҳаракат. Айирбошлашга бўлган мойилликни ва айирбошлашни бозор иқтисодиётигина тулиқ юзага чиқаради.

Бозор иқтисодиётида кишилар иқтисодий фаолиятини танлаб оладилар. Бундай эркинлик ақат бозор иқтисодиёти шароитидагина мавжуд. Бирон – бир иш бўйича шугулланадиган шахслар ўзаро рақибга айланади. Уларнинг ҳар бири мана шу шароитда ўз кучи имконияти ақд – гидрокини синовдан

утказади. Қайси бири эҳтиёжбоп товар ишлаб чиқарса, хизмат курсатса харидор ўшаники бўлади. Шу тариқа ўрта гойибона кўраш, интилиш юзага келади. Аждодларимиздан бизгача сақланиб келаётган ривоят бор. Унда “эплаган икки, эпламаган тепки” деган мазмун бор.

Бозор иқтисодиёти адолатпарварликни юзага чиқаради. Кишиларнинг барча ҳаракат фаолиятлари бозорда синовдан ўтади. Бу ҳолатларнинг исботи сифатида айтиш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инсон ўзи ишлаб топганига суяниб яшайди. Шунингдек, бозордаги нархларни бирон – бир шахс белгилаолмайди, уни фақат бозор мувозанати, яъни талаб ва таклифнинг нисбатларигина белгилайди. Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақининг иш натижасига қараб тўланиши мавжуд бўлади. Солиқларнинг даромадга нисбатан ўзгариб бориши, кам даромаддан солиқ олинмаслиги, табиатга келтирилган зарарнинг қопланиши ҳамда инсофсизликка йўл бермаслик адолатлилик кўринишларидандир.

Бозор жараёнида биргина меҳнат воситалари ва меҳнат предметларигина эмас балким, ишчи кучи олди – сотди бўлади. Шунга кўра ҳам бозор бунинг барчасини ўзаро боғлайдиган имкониятга айланади. Бозорда моддий неъматлар ишлаб чиқарилмайди, бойлик ҳам яратилмайди. Бозорда олди – сотди ҳоллари орқали жамият эҳтиёжининг таъминлаб туришлиги юзага келади.

Бозорнинг пайдо бўлишигача натурал ишлаб чиқаришнинг иқтисодий асосини қишлоқ хўжалиги, бунда бош йўналиш деҳқончилик ва уй саноати ташкил этган. Уй саноати шахсий истеъмол учун деҳқон хўжалигида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат бўлган. Бу маҳсулотлар шу хўжаликнинг ўзидаги хом ашёдан тайёрланган. Уй саноати ибтидоий жамоа тўзуми, кўпчилик халқларда деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари шаклланган босқичда юзага келган. Уй саноати асосан терини қайта ишлаш, ёғочдан буюм ишлаб чиқариш, арқон, сават, тўрлар тўқиш сопол буюмларни ишлаб чиқариш каби маҳсулотлардан иборат бўлган. Феодализм ривожланиш босқичида уй саноати аста – секин ҳунармандчиликка ўсиб ўтган. Бу уй саноати бутунлай йўқ қилинди дегани эмас. Ҳатто ривожланаётган мамлакатлар фаолиятида уй саноати ҳамон сақланиб қолинган.

Кишилар тарихида натурал хўжалик шакли ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичи сифатида гавдаланган. Чунки бу жараён энг қадимда ҳам ибтидоий жамоа тўзуми шаклланиши даврида вужудга келган.

Ана шу даврдаёқ кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти бошланган. Дастлаб улар деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланишган. Ўз даврида натурал хўжалик ишлаб чиқаришнинг устун ўрнига эга бўлган. Бу ҳолат қадимги шарқ мамлакатларида ҳам мавжуд бўлган. Қулдорлик ҳукм бўлган мамлакатларда натурал ишлаб чиқариш билан бирга товар ишлаб чиқариш ҳам фаолият курсатган.

Бозор механизми – бу бозорнинг асосий элементи ва уни ифода этувчи тушунчалардир. Масалан: талаб, нарх, рақобат ва иқтисодий қонуларнинг ўзаро алоқадорлиги, ўзаро таъсиридир. Бу тушунчалар хўжалик

юритишнинг бозор тизимида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўзларининг иқтисодий фаолиятларида амал қиладиган бозорнинг муҳим томонлари бўлиб ҳисобланади. Бу бозорнинг пайдо бўлишида, унинг кенгайиб боришида ўзаги ва муҳим томонидир.

Бозор механизмининг амал қилиши — бу инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришига бўлган табиий интилишига асосланади.

Бозор механизми — бозор иқтисодиётининг амал қилишини тартибга солишда ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришда қўлланиладиган дастак ва воситалар тўпламидир. Бозорнинг объекти ва субъекти ҳамда инфратузилмаси бор. Унинг объекти — бу бозорга, айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолиятнинг натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштирилган молиявий активдир. Бозор субъекти эса — бозорнинг, айирбошлаш муносабатларининг қатнашчиларидир. Бозор инфратузилмаси эса — бу айирбошлаш муносабатларига хизмат қилувчи муассасавий тузилмадир.

Демак, бозор тушунчаси бозор иқтисодиётининг марказий категорияси. У иқтисодиёт назариясида ҳам, ҳужалик юритиш амалиётида ҳам, барча мамлакатлар тажрибасида ҳам қўлланиладиган, илмий — амалий тушунча бўлиб қолади. Умуман кўпчилик фикри билан изоҳланганда бозор — бу товарлар сотиладиган ва ҳарид қилинадиган жараён деб билинади. Агар бозор мазмунига тарихан ёндошса бозорнинг кенг томонларини англаб олиш мумкин бўлади. Чунки бозорнинг мазмуни давр ўтиши билан ўзгариб боради. Бозор тушунчаси товар айирбошлашнинг келиб чиқиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у ибтидоий жамоа тузумининг охирларида келиб чиққан ва дастлаб товар алмашув, товар айирбошлаш жойи ёки майдони мазмунини англатган. Дастлаб икки ва бир қанча қабилалар ўртасида товар алмашуви жараёнлари содир этилган. Вақт ўтиши билан айирбошлашга кўплаб эҳтиёжлар содир бўла бошлаган. Бу вазият товарлар айирбошланиши учун махсус жой белгиланишига зарурият туғдирган. Шундан эътиборан бозор, бозор жойи эълон этилган. Товарлар товарларга айирбошланган. Бу жараён тараққий этиб товарлар товарларга айирбошланиши кунлик эҳтиёжларни таъминлашга имкони бўлмайдиган ҳолатгача ўсган. Шу тариқа айирбошланишда пулнинг иштироки юзага келган. Натижада Т — П — Т, товар-пул-товар жараёни пайдо бўлган. Шу тўғрисида пул — пул ва пул — товар жараёни бир вақтда содир бўлмаслиги мумкин бўлган.

Давр ўтиши билан товар айирбошлануви мамлакатлараро бўлишлигини тақозо қила бошлади. Бу бир мамлакатда ишлаб чиқарилган товарни бошқа мамлакатда истеъмол қилиниши демакдир. Бу жараён меҳнат тақсимоги тушунчасига асос солади. Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви дунё аҳолисининг товар билан таъминланувига енгиллик яратиб беради. Бунда қайси бир мамлакатда унинг имкониятидан ва табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда маълум бир йўналишдаги товарларни ишлаб чиқариш самарали, унумли кечса, шу мамлакат мазкур товарни ишлаб чиқаришни ривожлантиради ва маълум қисмини экспорт (инглизча

– четга чиқараман) қилади. Бундай товарларни сотиб олувчилар учун ҳам ўзи ишлаб чиқаришига кўра сотиб олгани арзонга тушади. Шу тариқа меҳнат тақсимоти юзага келади ва у ривожланиб боради.

Оддий ҳолатдаги товарни товарга айирбошлаш жараёни оқибатда халқаро бозорни юзага келтиради.

Олди – сотди жараёнида янги ўзига хос муҳим товар – бу ишчи кучининг пайдо бўлиши билан бозор умумий тус олди. Унинг мазмуни янада кенгайди. Эндиликда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларгина эмас, балки ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи ҳам бозор жараёни орқали ўтиб ишлаб чиқаришга жалб этила борадиган уларнинг бир – бирига ўзаро таъсири тўғридан-тўғри бўлмай, балки билвосита бозор орқали содир бўладиган бўлди.

Пировард натижада, айниқса ҳозирги даврда бозор ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг кўп қиррали мураккаб алоқаларини, уларнинг ўзаро бир – бирига булаган таъсирини боғлайдиган бугин ва жамият тараққиётида модда алмашинувини таъминлайдиган жараён сифатида шаклланади ва фаолият кўрсатмоқда.

## **5.2. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари.**

Бозор иқтисодиёти бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун – қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир. Бозор иқтисодиёти иқтисодий фаолиятда эркинликка ҳўжалик юритишда оқилоналик тамойилларига асосланган демократик иқтисодиётдир. Бозор иқтисодиёти тўлиқ эркинлик фаолиятига асосланган. Бу эркинликни мулкчилик шакли таъминлайди. Бозор иқтисодиётида хусусий мулк, жамоалар мулки ва давлат мулки бўлади. Лекин бу мулкларнинг қайси бири ҳўкмрон мулк бўлади деган тушунча йўқ. Чунки уларнинг ҳеч бири ҳам ҳўкимлик қила олмайди. Мулклар барчаси тенг ҳўлатдадир. Уларнинг ҳар бири ҳам ривожланиб бораверади. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг асосини хусусий мулк ташкил қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик юритишнинг шаклларида қайси бирини танлаш, ўз мол – мулкни қандай ишлатиш ҳам ўз ихтиёрига боғлиқ жараёндир.

Бозор иқтисодиёти иқтисодий яқка ҳўкмронликни тан олмайди. Чунки бозор шароитида иқтисодий алоқаларда ҳеч бир чекланиш йўқ. Бу жараёнда кўпчилик фаол қатнашади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай фаолият эркин амалга ошади. Шундай бўлгани ҳўлда пировард натижада бу фаолиятлар бозорда ўзаро боғланади. Бунга ҳар бир кишининг ўз манфаати йўлида қилган интилишлари сабаб бўлади. Масалан, сотувчи имкони борича қиммат сотсам деб ҳаракат қилади, харидор эса имкони борича арзонга олсам дейди. Талбиркор ҳар бир ҳаракати натижасини фойда олишга қаратади. Ишчи эса кўпроқ иш ҳақи олишга интилади. Ҳар бир субъектнинг мақсади

узининг манфаати йулида бўлишлиги улар орасида рақобат муҳитини яратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатчилик сақланиб қолгани ҳолда субъектлар уртасида ҳамкорлик ҳолати ҳам мавжуд бўлади, бунга сабаб уларнинг ҳар бири ҳам шу ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдор бўлишади. Рақобатчилик ишини билиб олиб борадиганларга хуш келади, ишини эплай олмайдиганларни четга чиқариб қўяди.

Бозор иқтисодиётида субъектларнинг фойда олиш учун тинимсиз курашларидан ташқари маънавий манфаатдорликлари мавжуд. Ҳар бир мулк эгаси моддий туқ, бой — бақувват бўлиши билан бирга, у ҳаётда хотиржам яшашни, обрў — эътиборга эга бўлишни, ҳаётда узининг муносиб ўрнини топишни истайди ва бунга эришишга ҳаракат қилади.

Инсоннинг ҳар бир фойдали ҳаракати моддий рағбатлантирилса, у бундай меҳнати натижасидан ҳаётга, ишга бўлган муносабатини янада оширади. Бозор иқтисодиётида бозор механизми иқтисодий рағбатлантириш механизмидир.

Бозор иқтисодиётининг яна бир белгиси бу эркин нархларнинг мавжудлигидадир. Бу имконият ҳам ишлаб чиқарувчини, ҳам ҳаридорни бозорга қараб фаолият юритишга бошқаради. Буни тан олмаган субъект ўз фаолиятида анча зарар куради, оқибатда унинг бу фаолияти нобуд бўлади. Бозор иқтисодиёти ҳам ишлаб чиқарувчига, ҳам ҳаридорга ўзида бўлган маблағлардан, ресурслардан ниҳоят оқилона фойдалана билишни талаб қилади.

Ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар бир сўм катта ҳажмда қўшимча даромад келтириши таъминлансагина унинг фойда олиш фаолияти унумли бўлади. Шунингдек ҳар бир ҳаридор нима сотиб олиш зарур, қанча олиш лозим каби тежаб — терган бажариладиган заруриятларни эплай олсагина иқтисодий ҳолатини анча соғлом олиб боради. Бозор иқтисодиёти шароитида ниҳоят оғир тақчиллик бўлмаслиги лозим. Ҳар бир олдиндан кейинги натижасини кўра — билган, тахмин қила билган фаолият хору — зор бўлмаслиги керак. Шунга кўра ҳар бир киши қўлидан келган ишлаб чиқариш билан шуғулланиши мақсадга мувофиқдир, акс ҳолда у ўз сарфлаган меҳнатидан ҳеч нарса ола олмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида камбағаллар бўлмаслиги лозим. Лекин кишилар уртасида айниқса уртаҳол, туқ, бой инсонлар уртасида тенгсизликлар бўлади. Ҳар бир киши қўлидан келган ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, ишлаганига қараб даромад кўриши адолатли ҳисобланади. Инсонлар уртасида содир бўладиган тенгсизликнинг сабаби ҳам шунда. Ҳар ким меҳнатига, яратганига яраша яшайди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган шароитда энг кам иш ҳақи, яъни даромад чегарасини давлат белгилаб қўяди. Лекин даромаднинг юқори чегараси белгиланмайди. Шунга кўра ҳам кишилар қанча даромад топишса шунча манфаатдорлик олади. Бой табақадаги инсонлар ўзидан даромади паст бўлган инсонларга ибрат бўлади. Паст даромадли инсонлар ҳам купроқ даромад топиш йўларини излайди, ҳаракат қилади. Кишилар қанчалик

унумли ишласалар авваллабор ўзлари учун, шу сабабли жамият учун нафли иш қилган бўладилар. Бу интилиши орқали у ишнинг сирларини урганани, тadbirkor бўлади. Ўз ўрнида бошқаларга ибрат курсатади. Қанчалик бойлик топса уни шунчалик ошқора истеъмол қилади. Чунки топилган бойлик ҳалол меҳнат билан, ошқора имконияти билан топилган мулкдир.

Бозор механизми ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи куч сифатида хизмат қилади. Жамиятнинг нақадар бой бўлиши ҳар бир оила, ҳар бир кишининг нақадар бой ва фаровон яшашига боғлиқ бўлади. Оиланинг, умуман жамиятнинг истиқболли бўлишида шу жамиятда яшовчи кишиларнинг ўз ниятларини амалга ошира билишидан боғлиқ. Ҳар бир инсон ўз манфаатини бошқалар манфаати билан боғлай олишидан боғлиқдир. Ўзгалар манфаатини бозор орқали ҳисобга олмаган киши ўз манфаатига эриша олмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумжаҳон воқеасига айланиши ХХ асрнинг муҳим белгисидир. Бозор иқтисодиётига ўтишда қатор муаммолар бор. Масалан, жамиятда тинчликни таъминлаш бош масала. Тинчлик бор жойда барча ишларни бажариш имкониятлари юзага келади. Навбатдаги омил — бу ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз ўстириб бориш талаб этилади. Ҳар бир дақиқада ҳаёт ўсиб бораётган шароитда кишилар эҳтиёжининг ҳам ҳажми ҳам нафлилиги, яъни сифати ўсиб боради. Буни эътиборга олмаслик, тараққиётнинг зарурлигини таъминламасликдир. Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ўсиб бориши — бу миллий иқтисодиётнинг фаровонлигини оширади. Кишилар турмуши бақувват бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш — бу тежамли хўжаликни яратишни тақозо этади. Бу барча ресурслардан унумли фойдалана билишликни ифода этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш барчанинг фаровонлигини таъминлашдир. Чунки бу шароит, бу имконият барча учун берилган. Бозор иқтисодиётига ўтиш бу ҳалол ва самарали меҳнатнинг қадрига етишдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш — бу умуминсоний, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга тadbirkor этишдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатаётган жамият ҳар тарафлама бой — бадавлат бўлиб бораверади. Чунки бундай шароитда меҳнатга ҳеч қандай тўсиқ йўқ, аксинча бу шароитдан меҳнат илҳомланади, меҳнатнинг сифатини, самарасини, унумини ошириб бораверади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг яна қатор белгилари бор. Улардан бозор иқтисодиётига қандай мазмундаги иқтисодиётдан ўтилиши мумкинлига ҳақида, яна бири эса бозор иқтисодиётига қандай таҳдидда ўтиш имкони бор. Буларнинг ҳар бирининг ўз йўллари, услублари мавжуд. Ёзилган фикрлардан келиб чиқиб бозор иқтисодиётига ўтишнинг уч йўли ҳақида айтиш лозим. Булардан биринчиси — бу классик йўл. Бу йўл билан бозор иқтисодиётига ўтадиган мамлакатлар ниҳоят иқтисодий — ижтимоий ривожланган бўлишлари зарур. Бундай шароитда бозор иқтисодиётига ўтиш ниҳоят узоқ даврни талаб қилади. Масалан, натурал хўжаликдан ҳозирги

тараққий этган давргача кўплаб асрлар ўтган. Бу даврнинг энг юксалган вақталари XX аср ургаларидан то аср охиригача бўлган масофалардир.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг яна бир йўли — бу мустамаккачилик асоратидан озод бўлган ёш мамлакатлар йўли. Бу йўлнинг ўзига хос томонлари мавжуд. Масалан, ғоят қолоқ оилавий деҳқон хўжалигидан машиналашган ва экспортга ишловчи хўжаликка ўтиши мумкин. Бунда иқтисодиётнинг бошқалар учун шарт бўлган йўлларида сакраб ўтган ҳолда бозор хўжалигининг юксак шакллари пайло қилиш жараёни бор. Шунингдек бу йўлда бозор иқтисодиётига ўтиш кўп ҳолларда ўз кучига эмас, балким ривожланган мамлакатлар ёрдамига ҳамда тажрибасига суянади. Юқорида айтилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳар иккала йўли ҳам умумийликка эга. Бунда бозор иқтисодиётига ўтиш хусусий мулк ва хўжалик юритишнинг хусусий усуллари эвазига юз беради. Бозор иқтисодиётига ўтишда яна бир ўзига хос йўл бор. Бу йўлни Ўзбекистон ижтимоий фаолияти мисолида ҳам тушунса бўлади. Ўзбекистон 1991 йил сентябр ойигача собиқ иттифоқ таркибида эди. Республика ўз мустақил даврини асосан 1991 йил 1 сентябрдан бошлади. Шу давргача Республиканинг барча йўналишидаги ҳаёт йўли бу марказдан бериладиган, назорат қилинадиган сиёсат асосида бошқарилган. Иттифоқ даврида бошқариш давлатлаштирилган, яъни давлат бошқарилган фаолият бўлган. Шунга кўра иқтисод ҳам режа назоратида бўлган. Ҳар бир ҳудуд, ҳар бир ўлка, вилоят, туман қандай фаолият юритишмасин унинг барчаси марказ режаси асосида ҳал этилган.

Республикада мустақилликка эришилгач ижтимоий ҳаёт ўз эркида, озод иқтисодий сиёсатга эга бўлди. Ниҳоят Республикада бозор иқтисодиёти йўли танланди. Бозор иқтисодиёти йўли билан режали бошқарувнинг бир — бирига ухшашлик жиҳатлари йўқ, яъни уларда умумийлик бўлишини ҳаёт тақозо этмайди. Режали хўжаликдан бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш мумкин. Чунки кишилар қандай тизим бўлишлигидан фарқлироқ ўз ижтимоий фаровонлигини оширади. Ўз меҳнатидан манфаатдор бўлишда имкон берадиган тизимни, бошқарувни қўллаб — қувватлайдилар. Модомики Ўзбекистонда шундай иқтисодий йўналишга утилган экан, бу йўналиш ривожланган тараққиётга олиб боради. Тараққиёт ўзича қўлга киритилмайди. Уни яратиш услублари мавжуд. Ўзбекистонда шундай услублардан бири — бу зарур бўлган ижтимоий тармоқлар фаолиятини ислоҳ қилишдир. Ўзбекистонда таълим, қишлоқ ҳаёти, даволаш, маънавий, сиёсий, ижтимоий, шаҳарлар фаолияти, бошқарув ва бошқа тармоқлар ҳам ислоҳотлар назоратида олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида ислоҳотлар ўз ифодасини бермоқда. Аҳоли бозор иқтисодиётининг эркин мевасидан манфаатдор бўлмоқда. Мавжуд бўлган йўллардан мана шу учинчи йўл ҳозирча энг сўнгги йўл сифатида узоқ муддатли тараққиётни барпо этишлиги кутилган йўл.

Бозор иқтисодиётининг барқарор бўлишлигида ислоҳотлар етакчи имкониятлар яратади. Бозор ислоҳотлари бозор иқтисодиётини яратишга қаратилган ижтимоий — иқтисодий тадбирдир. Бу давлат назоратида халқ



иштирокида амалга оширилади. Бозор ислохотлари иқтисодийнинг барча соҳаларида ўтказилди. Мақсад жамиятда мавжуд тармоқларнинг ҳаммаси ҳам янгирақ ўсишга, ривожланишга мансуб. Чунки аҳоли турмуши фаолиятида уларнинг барчаси ҳам баробар зарурдир. Масалан, саноат ишлаб чиқаришини тубдан янгилаш саноатга ресурс, ҳом - ашё берадиган тармоқлар ривожидан боғлиқ. Шунга кўра қишлоқ хўжалиги, алоқа, транспорт, савдо ва бошқа йўналишдаги фаолиятларни ҳам ўзгартириш зарур. Шунингдек, агар қишлоқ хўжалигини ислохотлаштириб бошқа қишлоқ хўжалигига алоқадор тармоқларга эътибор берилмаса, у ҳолда қишлоқ хўжалигига техника, ресурс, ҳом - ашё бераётган тармоқлар оқсайди ва бирининг қийинчилиги туфайли иккинчиси тараққий этмайди.

Ислохотлар ўтказилиши бу ижтимоий - сиёсий зарурият. Бунда дастлаб мулк ва мулкчилик муросабатларини астойдил такомиллаштириш керак. Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш ва уни тасарруф этиш сиёсати мулкка бўлган манфаатдорликни ошириди. Мавжуд мулкдорлардан самарали фойдаланиш имконини яратади. Мулк эгаси ундан энг юқори имкониятлар даражасида фойдаланишга интилади. Чунки у мулкдан тўлиқ манфаат олади. Шунингдек молия кредит тармоқларини бошқаришни ислох қилиш ҳам муҳим ўринга эга. Тижорат банкларининг ҳар бир тармоқ учун алоҳида фаолият кўрсатиши, кредит жараёнининг турли даражаларда ташкил этилганлиги, солиқлар тизимининг такомиллаштирилганлиги ва бошқа тадбирлар молия тизимида ўтказилаётган ислохотлардир.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти таркибида аграр тармоқ иқтисодиёти асосий ўринлардан ҳисобланади. Ҳозир Республикада "Қишлоқ ислохоти" давом этмоқда. Шунга кўра қишлоқ хўжалиги рентабеллиги оширилиши, қишлоқда яшаётган аҳоли турмуш маданиятини кўтариш, уларга зарур бўладиган барча эҳтиёжларни яшаб турган жойларида муҳайё қилишни яратиб бериш "Қишлоқ ислохоти" дастурига киритилган.

Республика тадбирида ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам ислохотлаштириш мўлжалланган. Бунга кўра чет эл инвестицияларидан унумли фойдаланиш, экспортни кучайтириш, импортдан ақл - идрок билан фойдаланиш, соф экспорт ҳажмини ўстириш, қўшма корхоналардан самарали фойдаланиш каби дастурлар мавжуд. Мамлакатда қабул қилинган ижтимоий ислохотлар, жумладан кадрлар тайёрлаш миллий дастур, соғлиқни сақлаш, таълим тўғрисидаги қонун, ишчи - хизматчиларнинг малакавий кўникмасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, ногирон ва иқтисодий муҳтожларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш каби кўплаб ислохотлар ишлаб турибди.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси - бу унинг аралаш иқтисодиёт эканлигидадир. Бу ҳар хил мулк шакллари мавжуд бўлишлигини тақозо этади. Шунга кўра хўжаликни юритишнинг ҳам турлилигидадир.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос афзалликлари ва зиддиятлари бор. Унинг афзаллиги шундан иборатки - бу биринчидан ресурсларни тақсимлаш жараёни энг қулай ва аниқ кечади. Чунки рақобатли бозор тизими ресурсларни жамиятга энг зарур бўлган товарлар ва хизматлар

ишлаб чиқаришга бошқарилади. Ресурслар ишлаб чиқарилганда шахсий манфаатлар эҳтиёжи мукаммал эътиборга олинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида шахсий эркинлик устувор бўлди. Бозор иқтисодиётининг яна бир афзаллиги бунда ҳар бир шахс, корхона, фирма ва уюшмалар тинимсиз ҳаракатда ва изланишда бўлади.

Бозор тизимининг афзаллиги Тайланд, Тайван, Жанубий Корея, Сингапур каби Осиё мамлакатларида намоиш этилди. Бу мамлакатлар иқтисодиёти нисбатан анча устига эришилди.

Бозор иқтисодиётининг зиддиятли томонлари ҳам бор. Бу айниқса рақобатнинг кучсизланишига йўл қўйиши билан белгиланади. Рақобатнинг умуман йўқ булиши учун бундай ҳолатларни рағбатлантириши ҳам мумкин.

Рақобатнинг пасайишида монополь ҳукмронликнинг ҳам таъсири бор. Фирмаларнинг қушилиб кетиши, турли хил ҳуфёна келишувларнинг пайдо булиши рақобатни пасайтиради. Рақобат пасайган вазиятда товар ишлаб чиқариш нафлилиги пасаяди. Оқибатда эҳтиёжга боп товарлар миқдори ва сифати муаммо бўлиб қолади. Рақобатнинг пасайишига техника тараққиёти ҳам таъсир қилади. Бу зиддиятлар оқибатда истеъмолчининг эркинлигига ҳам зарарли бўлади.

### 5.3 Бозор турлари ва унинг таркибий тuzилиши.

Бозор иқтисодиёти имкониятлари бозорнинг мураккаблашиб боришига йўл беради. Бунда эркинлик, мустақил фаолиятлилик каби фазилатлар буни тақозо этади. Бозорнинг турларини таҳлил қилиш учун унинг ҳар бирининг ўзига хос кўрсаткичларидан фойдаланмоқ керак. Қайси бири қатта ҳажмда, қайси бири ҳом ашё билан, қайси бири бошқа ресурслар билан фаолият кўрсатади. Булар бозорнинг етуклик даражасини кўрсатади. Бозорлар бор фақат шу вилоят ёки туман аҳолисига хизмат қилади. Бозорлар бор мамлакатларга хизмат қилади. Шунга кўра бозорларни ўзига хос хусусиятларига қараб уларнинг турлари ҳақида фикр юритиш лозим бўлади.

1. Бозорнинг етуклик даражаси асосида унинг уч хил турини айтиш мумкин. Масалан, ривожланмаган бозор. Бу турдаги бозорга энди ривожланаётган, яъни шаклланаётган бозорлар киради. Бундай бозорларда товарга товар айирбошланади. Бундай турдаги бозорлар энг тарихий бозорлардан бўлиб, у даврда ҳали пул айирбошлаш эквивалентлигини одмаган бўлган. Дунёда ҳозир мавжуд бўлган 222 мамлакатларнинг айримларида пул инқирозга учраб, ишончини йўқотган ҳолатлар учраб туради. Шундай мамлакатларда товарга товар айирбошлаш жараёнлари содир бўлади.

Бозорнинг яна бир тури – бу эркин бозор. Бозорнинг бу турида товар ва хизматларнинг ҳар бир тури бўйича жуда кўп ишлаб чиқарувчилар ва шунга хос турли истеъмолчилар фаолият кўрсатади. Бунда сотувчилар ва сотиб олувчилар ўртасида эркин айирбошлаш жараёнлари фаолият кўрсатади. Ишлаб чиқарувчилар ўртасида ва шунга хос истеъмолчилар

Ўртасида рақобатчилик мавжуд бўлади. Бундай бозорда нарх талаб ва таклиф нисбатига асосан ишлайди, яъни шаклланади. Иқтисодийётда аҳоли ва ишлаб чиқарувчилар кескин табақаланади.

Бозорнинг ривожланган тури ҳам мавжуд. Бундай тури айниқса ҳозирги даврда тараққий этган. Бу турдаги бозорга ҳам, бозор ҳам давлат иштирокчисидир. Шу туфайли бундай бозорлар анча тартиблиштирилади ва бошқарилади. Бозорга алоқадор бўлган корхоналар, муассасалар, биржалар ва бошқа олди – сотди жараёнига хизмат қилувчи соҳалар ривожланган бўлади.

2. Бозорлар ҳудудий жиҳатдан ҳам ўзаъро фарқ қилади. Булар маҳаллий, миллий, ҳудудий бозорларга бўлинади. Масалан, ҳудудий бозор деганида мазкур ҳудудга хизмат қилувчи бозорлар эътиборда бўлади. Булар Марказий Осиё бозори, Осиё бозори, Ғарбий Европа бозори ва бошқалар. Миллий бозорлар – булар Ўзбекистон бозори, Россия бозори, Анлия бозори ва бошқалар. Маҳаллий бозорлар деганда – булар Тошкент бозори, Термиз бозори, Лондон бозори, Пекин бозори ва бошқалар киради. Ниҳоят жаҳон бозори.

3. Мазкур бозорда Сотиладиган ва сотиб олинadиган товар ҳам хизматларга қараб бозор турлари мавжуд. Масалан, истъмол товарлари ва хизматлари бозори. Шунингдек, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи бозори, валюта бозори, фонд биржалари бозори, илмий техника кашфиётлари бозори, ишланмалар бозори ва бошқалар. Товарлар ва хизматлар бозори – бу озиқ – овқат товарлари бозоридир. Бунда озиқ – овқатдан бўлак маиший, коммунал, транспорт хизматлари бозори, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш муассасалари бозори ҳам киради.

4. Бозорлар турларидан яна бир тури – бу муомалага чиқадиган субъектларнинг ҳусусиятига кўра бозорлар. Бунда асосан бозор субъектлари булар савдо фаолияти билан шуғулланувчилар. Бунда чакана бозор, улгуржи бозор мавжуд. Чакана бозорда аҳоли бирон бир товарни нақд пул тўлаб сотиб олади. Нақд пул тўлаб бирон бир хизматдан фойдаланади. Бозорда сотиб олинган товар учун пул тўланганда чакана товар бозори бўлади. Агар ушбу товарларни маълум бир масофага олиб бориш хизматини бажариш ҳам чакана хизмат бозоридир. Чунки ҳаридор ҳам товар сотиб олганида, ҳам хизматдан фойдаланганида нақд пул тўланган бўлади. Демак чакана бозорда сотиб олувчилар булар асосан аҳолилар ҳисобланади. Мазкур бозорнинг иккинчи кўриниши бу улгуржи бозор. Улгуржи бозорда давлат томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш жараёни амалга оширилади. давлат фермерлардан, шахсий кишилардан, давлат хўжаликларидан турли хил маҳсулотлар сотиб олади. Савдода ҳам кўтара сотилган товар учун корхона ташкилотлар бир – бирларига банкдаги ҳисоб рақами бўйича ҳисоблашади яъни тўловни ҳал этади.

Давлат савдосини давлат, кооператив савдони матбуот жамиятлари, деҳқон бозори савдосини эса алоҳида фуқаролар, жамоа ва фермер хўжаликлари ташкил этадилар.

Товар ва хизматлар бозори энг тараққий этган ва зарурий бозордир. Чунки бу бозорда ҳам давлат, ҳам аҳоли, ҳам корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатади. Улар ўз эҳтиёжларини, заруриятларини асосан шу бозорда ҳал этади.

5. Интеллектуал товарлар бозорлари. Илмий ғоялар техникавий янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари, ахборотлар сотилади ва сотиб олинади. Бу бозор таркибида илмий — техникавий ишланмаларни сотиб олиш муҳимдир. Янгиликларни топшиш, бозорда сотиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича тайин фирмалар фаолият кўрсатади.

6. Ишлаб чиқариш воситалари бозори. Бундай бозорларда ишлаб чиқарилган ресурслар яъни воситалар маълум миқдорда сарфланган меҳнат эвазига юзага келганлари олди — сотди қилинади. Бу маҳсулот ва товарларга машина, асбоб — ускуна, ҳом ашё, ёқилғи, матереаллар ва бошқалар кирази. Бозордан товар сотиб олинганда бу маҳсулотлар шахсий истеъмол учун, шунингдек ишлаб чиқаришда истеъмол қилиш учун ишлаб чиқарилади.

7. Бозорлар тури ҳаёт заруриятига кўра ўзгариб ва янгиси пайдо бўлиб туради. Масалан: ишчи кучи бозори, инвестиция бозори, валюта ва пул бозори, молия бозори ва ҳоказо.

Ишчи кучи бозорида ҳар бир индивидуал шахс ишловчи ва ёлловчи ўртасидаги шартнома асосида ўз иш кучини ўзининг танлови, истаги ва имкониятига қараб ва бозор баҳосида эркин сотиш ҳуқуқини ўз ичига олади. Ишчи кучи бозорининг аниқ намоён бўлиш шаклларида энг муҳими — бу меҳнат биржасидир. Меҳнат биржаси — ишчилар ва тадбиркорлар ўртасидаги ишчи кучини олди — сотди битимини тузишда воситачиликни амалга оширувчи ва ишсизларни рўйхатга олувчи муассасадир.

Инвестиция бозори. Бу бозорда пул айирбошлови жараёни бўлади. Бозорда капитал маблағлар бозор муносабатлари объекти бўлиб ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бозорида акция, облигация, чеклар, вексел, аккредитив ва бошқа пул мажбуриятлари олди — сотдиси амалга ошади.

Валюта ва пул бозори. Бу бозор масалан Ўзбекистонда ҳали ўзининг кенг тараққиётига эга эмас. Валюта ва пул бозори Ўзбекистонда расмий равишда бўлмаган, бўлса ҳам яширин ҳусусиятда фаолият кўрсатган. Бу бозор ташқи иқтисодий муносабатларда ниҳоятда чекланган миқдорда валюта бозори шаклида амал қилган. Мазкур бозорнинг Ўзбекистон учун моҳияти шундаки ўзбек сўмига чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш имконига эга бўлди. Миллий валюта жаҳон курси, давлат ва аукцион курс бўйича алмаштиришда иштирок этади.

Инновация бозори. Инновация сўзининг мазмуни янги ғоялар, янги таклифлар мазмунидадир. Бу бозорда янги кашфиётлар, рационализаторлик таклифлари жараёнлари фаолияти бозори намоён бўлади.

Ўзбекистонда илгари бундай бозор, очиқ кўринишда яъни кенг ҳажмда намоён бўлмаган. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан инновация ҳам товар сифатида бозор баҳосида сотилиши лозим бўлади. Яратилган янги кашфиётнинг сотилиши – бу фан техника тараққиётининг кенгайиб, ўсиб, оммавийлашиб боришининг сабабига айланади. Бозорлар турининг ва ҳажмининг ортиб бориши – бу тараққий этган бозор инфратузилмасини тақозо этади. Инфратузилма – бу фанда XX аср 40 йилларида пайдо бўлди. Бунинг мазмунида Фарбда XX асрнинг 40 йилларида моддий ишлаб чиқаришнинг нормал амал қилиши учун хизмат қилувчи тармоқлар уюшмаси тушунилган. Инфратузилма лотин сўзидан олинган бўлиб, бу куйи, паст тузилиш, жойланиш демакдир.

Инфратузилма фаолиятлари ижтимоий тараққиётда кўплаб йўналишларнинг ривожланишида муҳим ўринга эга. Унинг фаолияти бозорларнинг кенгайиб боришига, янги турларнинг юзага келишига таъсири бор.

Молия бозори. Молия бозорининг фаолияти ниҳоят катта. Шундай бўлсада бу бозорда олди – сотди объекти битта. Бу ҳам бўлса пул ва пулга тенглаштирилган қоғозлар ҳисобланади. Улар турли хил шаклларда мавжуд. Молия бозорининг мазмунида иккиёқлама кўриниш бор. Масалан, биринчиси қарз мажбуриятлари. Бунда истеъмолни қондирадиган пул тушинилади. Иккинчиси эса капитал, яъни мулк бозори. Мулк бозорида қўйилган пулдан даромад олиш ҳуқуқи сотилади ва сотиб олинади. Бу бозорда маблағлар капитал сифатида ишга солиниб, фойда келтиради. Мулк бозорида ссуда капитали бозори ва қимматли қоғозлар бозори бор. Ссуда капитали бозори – бу пул шаклидаги капиталнинг фоиз тўлаш тартиби билан қарзга берилишидир. Бу бозорда давлат ва банк мажбуриятлари асосида қисқа муддати мажбуриятлар мавжуддир.

Бозорнинг иккинчи кўриниши қимматли қоғозлар бозори. Бу бозорда акция, облигация, вексел, чек, депозит ва бошқалари олди – сотди бўлади. Буларнинг ҳаракат фаолиятлари давлат назоратидадир. Бундай бозорлар фонд биржалардан, аукционлардан ва банклардан иборатдир. Қимматли қоғозлар бозори биринчи бозор ва иккинчи бозорга бўлинади. Биринчи бозорда янгидан чиқарилган нусхадаги қоғозлар сотилади ва сотиб олинади. Иккинчисида эса бозорда олдин чиқарилган қимматли қоғозлар ҳаракати бўлади. Иккинчи бозорни ҳосила бозори деб ҳам аташади. Иккинчи яъни икқиламчи бозор иқтисодиёт учун ниҳоят юқори аҳамиятга эгадир. Бу бозор хўжалик субъектлари ўртасида молиявий воситаларнинг эркин ҳаракатларини таъминлайди.

Бозорлар тузилишида биржанинг ўрни, айниқса ҳозирги иқтисодий тараққиётда сезиларлидир. Биржа – бу тижорат бозори ёки муассасидир.

Бунда намуна асосида оммавий товарларнинг мунтазам савдо — сотиқ ишларини кузатиш мумкин.

Биржалар турли хил фаолиятлар билан шуғулланади. Шундан товар биржаси, фонд биржаси, меҳнат биржаси мавжуд. Фонд биржасида қиммат баҳоли қоғозлар ва чет эл валюталарининг олди — сотди жараёнлари мавжуд. Меҳнат биржасида эса ишчи кучи эгаси билан уни ёлловчи корхона ўртасидаги муносабатлар қарор топади. Умуман биржалар қайси кўринишда бўлмасин, уларнинг ҳаракат объектларида товар, акция ва валюта курслари мавжуд. Уларда қай томон чайқовчиликни юқори уддаласа шу томон биржадаги баҳолар белгиланишида устун келиши мумкин.

Биржада қатнашувчилар ўзаро айирбошланиш тўғрисида бир шартномага келишади. Лекин сотиб олинган ёки сотилган қийматларни жойларигача олиб бориб бериш биринчи шартнома вазифасига киритилмайди. Булар ҳақида иккала томаон қайта шартнома тузишлари мумкин. Умуман кейинги ҳаракатларнинг қандай амалга оширилиши ҳақида ҳаридор ва сотувчи аралашishi шарт эмас. Бу ишлар билан ўртада хизмат қиладиган брокерлар (даллоллар) бор, улар шуғулланади.

Бозорлар шаклланишида акционерлар, савдо уйлари хизматлари ҳам аҳамиятлидир. Савдо уйлари — бу савдо муассасининг маҳсус турларидан биридир. Шунингдек супермаркетлар, яъни ҳаридорларнинг ўз — ўзига хизмат кўрсатишга асосланган кенг тармоқли савдо корхонаси. Бозорлар тури таркибида давлатлараро бозори ва жаҳон бозори эътиборга олинадиган айирбошлаш майдонидир.

Давлатлараро бозор — бу икки ва унда ортиқ мамлакатларнинг ўзаро бозори. Бу бозорда қўлаб мамлакатлардан фирмалар, давлат идоралари қатнашади. Бу бозорда товарни истеъмол этувчи хонадонлар қатнашмайди. Давлатлараро бозорда асосан чегарадош мамлакатлар қатнашиб, улар ўз товар ва хизматларини айирбошлайдилар. Ҳатто уларга импорт бўлиб келган товарларни ҳам ўзаро айирбошлайди. Шунга кўра бу давлатлар чегараси анча ўзаро қулайликларга эга бўлади.

Бутун дунё мамлакатлари ўртасида бўладиган савдо — сотиқ жараёни — жаҳон бозори номи билан юритилади. Бу бозорда айниқса иқтисоди тараққий этган мамлакатлар иштирок этадилар. Улар товар сотиш билан бирга ўзларидаги техника технологиянинг қанчалик ўсганлигини намоён қиладилар.

Жаҳон бозори ўзининг учта имконияти билан бошқа бозорлардан фарқ қилади булар биринчидан бундай бозорларда барча товарлар эмас, балким энг камёб товарлар сотилади. Масалан газ, кўмир, ёғоч, металл, нефть ва ҳоказо. Иккинчидан бозорда аҳоли ҳаридор сифатида қатнашмайди. Учинчидан эса бу бозорда товарлар улгуржи сотилади. Жаҳон бозорининг кўлами бутун мамлакатлар томонидан бозорга келтирилган ва сотиб олинган ҳажм билан ўлчанади.

#### 5.4. Бозор қўлами

Бозор қўлами — бу бозорнинг катта кичиклиги, яъни унинг қанча жойга хизмат қилишлиги тушунилади. Бозор қўламида, шу бозорда қанчалик ҳажмда олди — сотди жараёнлари бажарилишига қараб, унинг ҳажми тўғрисида фикр ва хулоса айтилади. Бозор қўлами ушбу бозорда мавжуд бўлган товарлар миқдори билан, уларнинг нархи даражаси билан ва ушбу бозорда неча марта олди — сотди қилиниши билан белгиланади. Ҳар бир мамлакат бозорининг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти муҳим. Буни англаган давлат бозорлар фаолиятини такомиллаштириш чораларини белгилайди. Бозорлар қўлами қанчалик кенг бўлса шунчалик олди — сотди жараёни кенг бўлади. Оқибатда бу жараёнлар мамлакат ишлаб чиқаришининг кенгайиб ва мураккаблашиб боришини ташкил этади. Шароит яратилган жойда товар ўз вақтида сотилади, ҳаридорлар таъминоти яхшиланади, ишлаб чиқариш учун маблағлар айланмаси кўпаяди. Масалан, мамлакатда 1 млн дона товар яратилган бўлиб, унинг ўртача нархи 100 бирликка тенг деб билсак жами товарлар нархининг суммаси 100 млн бирликни бозорда сотадилар. Бозор қўлами товар айланмаси ҳажми билан ўлчанади. Бозорлар қўламини аниқлашда хулоса барча бозорларга бир хил бўлмайди. Бозор қўламини аниқлашда ҳар бир бозорнинг ўзига хос кўрсаткич ва имкониятлари билан таҳлил қилинади. Масалан, итсеъмол бозорининг қўламини аниқлаш зарур бўлганда ушбу бозорда фаолият кўрсатаётган озиқ — овқатлар, кийим — кечаклар ва турли хизматлар бозорининг ҳажми таққосланиб хулоса қилинади. Бунга бир мисол келтирамиз. 2005 йилда Ўзбекистондаги чакана савдо айланмаси 53000 млрд сўмни ташкил этган бўлди. Бозор қўламининг кенгайиб бориши унинг умуман юксалиб, ортиб боришини ифода этади.

Бозор фаолиятида олди — сотди жараёнидан ўтган маҳсулот товарлилик хусусиятга эга бўлади. Шунга кўра маҳсулотнинг қандай қисми сотилганлигига қараб товарлик даражаси аниқланади. Бозор ҳажмининг катта — кичиклиги мана шу товарлилик товарлик даражаси билан ўлчанади. Бозорга сотиш учун чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажми бозорнинг қўламини белгиламайди. Бозор қўлами унда сотиладиган товарлар миқдори ва бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори, сотиш учун бозорга келтирилган маҳсулотлар миқдори ва умуман уларнинг барчасининг ўзаъро боғлиқлиги ҳолатлари таҳлили билан белгиланади. Бундан шундай хулоса чиқадики, демак бозор қўлами ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг миқдорига ва уларнинг товарлилик даражасига тўғри нисбатда бўлишлугидир. Ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи маҳсулот ишлаб чиқарганда ва хизмат кўрсатганда ўзгалар эҳтиёжини режага олади ва ўзининг манфаатдорлигини бирчи галда мақсад қилиб белгилайди. Шунга кўра улар қанчалик бозор учун кўпроқ ишлаб чиқарса

бозор шунча кенгайиб, яъни унинг қўлами ошиб боради. Шунинг учун жами маҳсулот бозор маҳсулотидан ортиқ бўлади.

Иқтисодий фаровонлиги ўсиб борган сайин ишлаб чиқарувчи шунчалик бозорда сотиш учун мўлжалланган маҳсулот ҳажмини ошириб боришга интилади. Шунинг учун ҳам бозор қўлами ишлаб чиқариш ҳолатига қараб ўзгариб боради. Унинг қанчалик ўзгараётганлигини аниқлаш учун бозорда маълум вақт давомида товар айланмаси ҳажмини кўзатмоқ лозим. Товарлар айланмаининг реал ҳажми ўзгармас ёки базавий йилдаги нархлар воситасида аниқланади. Бунда инфляция таъсиридан ҳоли этилган нархларда ҳисобланади. Буни аниқлашда жорий нархларда ҳисобланган товар айланмаси суммаси нархнинг ўзгариш индексига бўлинади. Масалан, жорий нархдаги чакана савдо айланмаси 696 млрд пул бирлигига тенг, жорий йилдаги нарх 1,2 мартага ўсди. Мана шу ўсиш ҳисоблаётган вақт учун нарх индекси бўлади. Келтирилган мисол бўйича реал савдо айланмаси  $696/1,2 = 580$  млрд бўлади. Мана шу бозорнинг реал ҳажми бўлади бу аниқлик бозорнинг кенгайгани ёки торайганини билиш мумкин.

Бозор қўлами ва иштирокчилари жиҳатидан маҳаллий, ҳудудий, миллий, давлатлараро ва жаҳон бозорларига ажратилади. Бозор турлари ҳақида олдинги бандда ҳам айтиб ўтилган бўлсада, ушбу бандда уларнинг баъзи – бир қўламига қўшимча тушунчалар келтирилган.

Маҳаллий бозор. Бундай бозорнинг субъектлари шу ернинг халқи, харидори ва сотувчисидир. Шунинг учун маҳаллий бозорларда асосан маҳаллий товарлар олди – сотди қилинади.

Шунга қўра ҳар бир туман, шаҳар бозорларида ўша ерда яшаб фаолият кўрсатадиган савдо шаҳобчалари, буюм бозорлари, деҳқон бозорлари киради. Унинг иштирокчилари туман аҳли бўлиб, булар истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчи фирмалар, савдо фирмалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда хонадонлар яъни томорқа соҳибларидан иборатдир.

Ҳудудий бозор. Бундай бозорлар тақибда маҳаллий бозорлар фаолияти ҳам бўлади. Булар бир неча чегарадош ҳудудлар доирасидаги бозор бўлиб, унинг субъекти яъни иштирокчилари ҳудуддаги товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳисобланади. Ҳудудий бозорда сотиладиган маҳсулотлари ва хизматлар турли ҳудудларда яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳисобланади. Бу бозорга бошқа ҳудудлардан ҳам товарлар келтирилади. Шунга қўра ҳудудий бозор қўлами маҳаллий бозор қўламидан йирик бўлади, унинг иштирокчилари ҳам нисбатан кўпдир. Ҳудудий бозорлар, масалан Ўрта Осиё бозори, Фарғона бозори, Европа бозори ва бошқалар.

Миллий бозор. Бу бозорга мазкур мамлакатдаги барча бозорлар йигиндиси иштирок этади. Ҳар бир давлатнинг, Республиканинг ўзининг бозори. Бу бозор миллий чегара доирасидаги бозордир. Бу бозор мамлакатнинг ички бозори, миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисмидир. Шунга қўра миллий бозор иштирокчилари муайян мамлакатдаги барча товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва улар ўртасида турган



воситачилардан иборат. Миллий бозорлардаги товарларнинг асосий қисми мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган, қисман чет элдан киритилган маҳсулотлардир. Мамлакат ичкарасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ва сифати ушбу бозорга келтириладиган чет эл маҳсулотларидан паст даражада бўлса бундай бозор қарам бозор бўлиб қолади.

Миллий бозорда мамлакат пули ҳарид учун ягона тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади. Миллий бозор очиқ бозордир. Шунга кўра бу бозорда фаолият юритиш эркин ҳал этилади. Миллий бозор давлат ҳимоясида бўлади. Давлатлараро бозор. Бундай бозорда кўплаб мамлакатлар фирмалари, давлат идоралари иштирок этиши мумкин. Бу бозорлар асосан чегарадан давлатлар иштирокида ташкил этилади. Бунда яқка харидорлар, яъни аҳоли харидор сифатида қатнашмайди. Давлатлараро бозорга яқин бўлган томонлар ҳудудларида савдо – сотиқ авж олдирилади. Шунга кўра мазкур бозорда, бозорда қатнашаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар олди – сотди қилинади. Шунингдек бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар ҳам сотилиши ва сотиб олиниши мумкин бўлади.

Жаҳон бозори. Жаҳон бозорида ҳар қандай давлат ҳам иштирок этиши мумкин. Ҳар – бир давлат дунё миқёсидаги давлатлар билан бозор жараёнини бажариши мумкин. Жаҳон бозори бошқа кўринишдаги масалан, миллий, маҳаллий, ҳудудий бозорлардан фарқ қилади. Жаҳон бозорида барча товарлар эмас балким ўзига хос камёб бўлган яъни ҳар қандай давлатда ҳам етарли даражада ишлаб чиқариш имкони бўлмайдиган товарлар олди – сотди қилинади. Буларга нефть, газ, кўмир, ёғоч, металл, пахта, дон, жун ва бошқалар. Ўзбекистонда ёғоч ишлаб чиқариш, чой етиштириш, техника товарлари тайёрлаш бир мунча мураккабдир. Шунинг учун ҳам ушбу товарларни жаҳон бозори орқали сотиб олинади. Бошқа давлатларда, масалан Россия давлатида пахта ишлаб чиқарилмайди. Шунга кўра Россия пахтани жаҳон бозорида сотиб олади ва ҳоказолар.

Жаҳон бозорининг бошқа бозорлардан фарқи, бу бозорда истеъмолчиларнинг ўзи, яъни аҳоли харидор сифатида қатнашмайди. Бу жараёнларни фирмалар бажаради. Бу бозорда товарлар фақат кўтарасига сотилади. Халқ фаровонлиги учун бозор кўламининг мазмунли яъни сифатли ва арзон бўлишлиги лозим.

### Асосий таянч тушунчалар

**Бозор** – бу харидорлар билан барча сотувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, уларни бир – бирига боғлайдиган механизм.

**Бозор афзаллиги** – бу чекланган ресурслар шароитида эҳтиёжларни кам меҳнат сарфлаган ҳолда ва тўлароқ қондириш имкони.

**Бозор инфратузилмаси** – бозор алоқаларини ўрнатишда иштирок этувчи, яъни сотувчилар ва харидорларга хизмат кўрсатувчи институтлардир, яъни фирма ва турли муассасалардир.

**Бозор иқтисодиёти** — бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун — қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

**Бозор механизми** — бу бозор иқтисодиётининг амал қилишини тартибга солишда ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришда қўлланиладиган дастак ва воситалар яъни мурувватлар тўпламидир.

**Бозор объекти** — бозорга, айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолиятнинг натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлардир.

**Бозор субъекти** — бозорнинг айирбошлаш муносабатларининг қатнашчиларидир.

**Бозор қўлами** — бу бозорнинг катта кичиклиги бўлиб, олди — сотдининг ҳажми билан улчанадиган имкониятдир.

**Маҳаллий бозор** — бу кичик ҳудуддаги бозор.

**Ҳудудий бозор** — бу бир неча чегарадош ҳудудлар доирасидаги бозор.

**Миллий бозор** — бу муайян мамлакатнинг миллий чегараси доирасидаги яъни мамлакатнинг ички бозори.

**Давлатлараро бозор** — бу икки ва ундан кўп мамлакатларнинг ўзаро бозори.

**Жаҳон бозори** — бу дунё мамлакатлари ўртасида савдо — сотиқ муносабатлари буладиган бозор.

## **VI-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ**

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли ушбу бобда Ўзбекистонда нима учун бозор иқтисодиётига ўтиш зарурлиги танланди, унинг ўзига хос қандай муаммо ва хусусиятлари мавжуд, бу иқтисодиётга ўтиш учун дастлаб қандай ижтимоий-иқтисодий, қолаверса ижтимоий-сиёсий тадбирларни амалга ошириш кераклиги ҳақида тушунча ва фикрлар берилади. Ўтиш даври илмий назарияси, бозор ислоҳотлари таърифланади. Ўтиш давридаги принциплар (лотинча-негизлар), иқтисодиётда давлат ва нодавлат соҳалари тизими кўп укладли ҳарактери, иқтисодий эркинлик иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги бозор муносабатлари, режали алоқаларнинг чекланганлиги, бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий нусхалари (моделлари), бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек моделининг хусусиятлари каби ҳарактерли мазмунлар ҳақида гап боради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг (стратегияси) йўллари ва унга қандай ўтиш услублари ҳақида, бунда иқтисодий ислоҳотларнинг қўл келишлиги, миллий мустақилликни таъминлаш ва бозор муносабатларига ўрни буйича қўйилган вазифаларнинг бир йўлда ҳал қилиниши, ислоҳотлар босқичлари ва унинг вазифалари, мулкчиликнинг янги шакллари, мулкдорлар синфининг пайдо булиши, ўтиш давридаги иқтисодий сиёсатнинг беш тамойиллари, иқтисодиётда давлат ўрни ва нодавлат муассаса ташкилотлар ўрни, давлат буюртмаси, эркин ишлаб чиқариш, рақобат учун шарт-шароитларнинг яратилиши, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий сиёсатнинг юзага келиши, Республикада бозор иқтисодиёти инфратузилмаларининг яратилиши тўғрисида хулосалар берилади. Ўзбекистон иқтисодиётида барқарорликнинг юзага келишлигини ҳамда уларнинг таркибий ўзгаришларини таъминлаш, молия-кредит сиёсатини такомиллаштириш, сўмнинг қадрини ошириш, инвестиция муаммоларидан ҳоли бўлиш, шунингдек аҳолининг табақаланишуви, бой, камбағал, ўрта ҳол кўринишларининг намоён бўлишлиги, ижтимоий сиёсатнинг амал қилишлиги, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек моделини рўёбга чиқишлиги ҳақида тушунчалар берилади.

### **6.1. Хўжалик юритиш тизимида бозор иқтисодиётининг аҳамияти.**

Бозор тизимининг иқтисодий мақсади, бозор жараёнларида иштирок этувчи субъектларнинг, аҳолининг ўз меҳнати меvasидан манфаатдор бўлишлигини, эркин фаолият юрита билишлиги, оқибатда тинч фаровон ҳаёт тарзини юзага келтира билишлигидан иборат. Бозор иқтисодиёти бозор ва бозор муносабатларининг ривожланиши асосида вужудга келади. Тирикчиликнинг бирдан-бир воситаси инсонларнинг, юридик

шахсларнинг эҳтиёжларини қондира билишдан иборат. Жамиятда мана шу имкониятлар яратилса, у ерда фаравонлик пайдо бўлади. Бунинг энг муҳим манбаси — бу товар ишлаб чиқариш ва уни такомиллаштириб боришдир. Товар ишлаб чиқариш ва товар муомаласи ривожлана бориб, охир-оқибатда у бозор иқтисодиётига ўсиб ўтади, буни ҳаёт, масалан, Ўзбекистон мисолида тасдиқлади. XX аср воқелигидан биртаси мана шу тизимнинг ўзгариши бўлди.

Бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг иқтисодий мақсади ҳам шахсий манфаатдорликнинг устунлигини ифода этишидадир. Шунга кура шахсий манфаатдорлик ижтимоий ва жамоа манфаатидан юқоридир. Кишилар шахсий манфаатларини эътиборга олиб унумли меҳнат қилишга интиладилар, лекин шу ҳаракатлари эъзизга жамоа ва ижтимоий манфаатлар кўлами учун ҳам анча фойдали натижалар яратиб берадилар. Ўзлари яратган имкониятлардан ҳаёт давомида ўзлари ҳам қайта манфаат курадилар. Инсон тирик экан унинг тараққиёт учун курашувчи кучи баққувватлашиб боради. Дунёнинг мавжудлигини билиш, бунда инсоннинг ўрни асосий эканлигини тушуниш — бу фақат инсон учун хос. Инсон барча мавжудодлар орасида уларни онгли тушуна оладиган, бошқарадиган, ўзгартириб борадиган биологик жараёндир. Бундай ҳулосалар жаҳондаги кўплаб мамлакатлар аҳолисининг яшаш шарт-шароитларида юзага келганлиги исботланган. Шундай мамлакатлардан АҚШ, Англия, Франция, Германия, Италия, Япония, Канада, Жанубий Корея, Тайланд, Сингапур, Тайван ва бошқа мамлакатларни мисол келтириш мумкин. Бу мамлакатлар аҳолиси ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган турмуш даражасига эриша олдилар. Бозор иқтисодиёти шароитида яшаб келаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий даражалари яна кўплаб энди тараққиёт йўлида курашиб келаётган мамлакатлар учун ҳам ибрат бўлмоқда. Буни англаган, имконини ярата олган ҳар-бир мамлакат бозор иқтисодиётига ўтиш чораларини белгилайди. Дунёдаги айрим мамлакатларда, масалан Хитой Халқ Республикасида, Болгария Республикасида ҳамон коммунистик сиёсат иқтисодиётни бошқариб турибди. Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан, уларнинг тараққиёт йўларидан келиб чиқилса бугунми, эртами давлат бошқарувида турган тизимларнинг ўзгариши, уларнинг халқ манфаатларига кўпроқ эътибор берилиши йўналиши голиб бўлади. Чунки жамиятнинг мавжудлиги, унинг баққувватлилиги билан мустаҳкамдир. Иқтисоди баққувват мамлакатнинг халки, унинг куч-қудрати ҳам баққувват бўлади.

Бозор иқтисодиёти дастлаб асов иқтисодиёт сифатида юзага келади. У секин-аста мукамаллашиб инсонпарвар иқтисодиётга айланади, унинг бошланиши якка мулк устуворлиги белгисида намён бўлади, яъни мулк озчилик бойлар кўлида тўпланади. Иқтисодиёт ўз тараққиёт йўлида бир текис ўсиб бора олмайди. Иқтисодиёт тартибсиз равишда турли хил дарзалар таъсирида ўзининг ривожланиш йўлига тушади. Мамлакат иқтисодиёти фаолиятида кучли мувоффақиятсизликлар бўлиши эҳтимоли бор. Бундай ҳолатларда жонлантириш, яна изига қайтариш яъни тараққиёт сари

ўстириб бориш ҳаракатлари узликсиз давом этади. Қатор-қатор инқирозлар, инфляциялар бўлиши мумкин. Бундай салбий жараёнлар фақатгина бошқаришдаги хатолар эвазига эмас балким табиий таъсирлар, бошқа мамлакатлардаги нотинчлик ҳолатлари туфайли бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиётида йирик мулк эгалари, яъни бойлар бўлишлиги инкор этилмайди. Шу тариқа камбағаллар ҳам мавжуд бўлади, ҳатто жамият ҳолатига нисбатан ута қашшоқлар ҳам бўлади. Бундай иқтисодий тенгсизлик турли кўринишда низоларнинг, тўқнашувларнинг келиб чиқишига сабабчидир. Жамиятда иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик такрорланиб туради.

Бозор иқтисодиётида фаолият курсатаётган мамлакатлар тажрибаси бўйича бозор иқтисодиётига ўтишнинг учта йўли мавжудлиги хулоса қилинган. Бундай йўлларни унинг модели ҳам деб фикр юрийтилади. Бундан биринчи йўли - бу Ғарбий Европа мамлакатлари ва жаҳондаги бошқа ривожланган мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли. Бу йўлда бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш, узоқ давом этган тараққиёт йўли билан аралаш иқтисодиёт шакиллантирилади. Иккинчи йўли мустамлакачиликдан мерос қолган, анъанавий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш йўли. Бу йўлда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг энг оддий ва қолақ-феодал муносабатлари кўринишларига эга бўлган анъанавий иқтисодиёти бор йўналишидир.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг яна бир яъни учинчи кўриниши тоталитар иқтисодий тизим, яъни ривожланган социализмдан эркин бозор иқтисодиётига ўтиш йўли. Бу йўлда собиқ социалистик мамлакатларнинг якка ҳокимликка асосланган тартибидан, маъмурий буйруқбозлик бошқарув ва марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштирилишдан бозор муносабатларига яъни демократияга асосланган жамиятга ўтиш йўлидир.

Бозор иқтисодиёти шароитига тезлик билан, яъни бир тизимдан яна бирига ўтиш шошилинч ҳал этилмайди. Янги тизимнинг талаблари асосида унга хос вазиятлар, кўникишлар, имкониятлар яратилмоғи лозим бўлади. Тажрибалар ифода этадики, бозор тизимига аста-секинлик билан ўтилади. Бунинг иқтисодий мазмуни-янги тизимни қуриш зарур, уни тушуниш зарур. Бунинг учун эса вақт керак, уни яратмоқ керак. Бозор субъектлари бунга мослашмоғи лозим. Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтиш бозор иқтисодиёти вужудга келтириляётган ва амал қилиб турган мамлакатларнинг миллий хусусиятлари ва анъаналари билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётининг маълум андозалари уларни амалга оширувчи муайян мамлакатга мансублигига қараб Германия, Жанубий Корея, Туркия, Аргентина, Польша ва бошқалар андозалари деб аталади. Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос андозалари бор. Немис ва Швед андозалари мазмунида ижтимоий йўналиш ниҳоят кучли қўйилган. Америка андозасида эркин муносабатлар айниқса баланд Япон ва Француз андозаларида ҳўжалик фаолиятини ташкил қилишда давлатнинг иштироки юқоридир.

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида ҳам ижтимоий низолар, ижтимоий-иқтисодий беқарорликнинг тез-тез такрорланиб туришлиги мавжуд. Бозор иқтисодиёти шароитида аралаш иқтисодиёт мукаммал техника ва юксак технологияга асосланади. Бундай шароитда қўл меҳнати ўрнини ҳам техника эгаллайди, гоёт серунум машиналар ишлайди. Натижада ресурслар тежалани, моддий таъминот юқори бўлади. Бундай шароитда янги техникаларни бошқара биладиган янги инсон, яъни замонавий техника-технологияни биладиган илмли иш юритувчилар зарур бўлади. Малакали меҳнат ниҳоят камёбга айланади. Малакали меҳнатнинг қадри ошиб боради, иқтисодий тараққиёт тақдири шундай меҳнатлар билан боғланиб қолади. Шу боисдан малакали меҳнатни танлаш, уларга юқори даражада меҳнат ҳақи бериш шароити юзага келади. Демак иш кучини тайёрлаш замон муаммосига айланади. Масалан, XX аср охирида АҚШда бир нафар ёшни уқитиб, касб бериб, вояга етказиш харажати учун (18-20 ёшгача) 400 000 доллар сарфланган.

Демак, бозор тизимининг дастлабки босқичида оддий иш кучи билан ҳам иш жараёни бажарилиб борган бўлса, энди аралаш иқтисодиётида иккита малакали иш кучи зарур. Шунинг учун бундай иш кучи ниҳоят ноёбга айланади. Аҳоли даромадларининг 60-80 фоизини иш ҳақи ташкил этади.

Ҳозирги бозор тизимида ҳар бир ҳўжалик ҳар бир объект ўз эгасига, ўз ҳимоячисига эга. Ҳар бир мулк эгаси ушбу мулк фаолияти билан мунтазам шуғулланади, шунда ўз манфаатлари йўлида барака топади, мулкчиликка бўлган муносабатларнинг мураккабланиши юзага келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд тadbиркорлар, ишчи - хонадонлар, давлат, ҳўжалик барчаси бозор иқтисодиёти субъекти ҳисобланади. Кўпчилик чет эл иқтисодчи олимлар ҳўжалик юритишнинг ҳозирги бозор тизими иқтисодий мақсадлари асосан қуйидагилардан иборат деб тушунади.

1. Иқтисодий ўсиш. 2. Иқтисодий самарадорлик. 3. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўла бандлиги. 4. Нархнинг муқобил даражаси. 5. Иқтисодий эркинлик. 6. Даромадларни адолатли тақсимлаш. 7. Иқтисодий таъминланганлик. 8. Савдо баланси.

Иқтисодий ўсишда ишлаб чиқарилаётган моддий ньёматларнинг жон бошига тақсимлангандаги натижасининг йилдан-йилга ортиб боришини таъминлаш, аҳоли фаровонлигига эришиш.

Иқтисодий самарадорлик - бу бор ресурслардан унумли фойдаланишни юзага келтириш. Иш сифат ва ҳажмини кўтариш юқори натижа олиш.

Аҳоли меҳнатга лаёқатли бўлгандан сўнг унинг иш билан таъминланиши - бу иқтисодий ўсишни таъминлашга олиб келади. Буни ташкил қила олмаслик тўқчиликка путур етказиши.

Нархнинг муқобил даражасини сақлай олмаслик иқтисоднинг издан чиқишига олиб келади, инфляция пайдо бўлади, муҳтожлик ошиб боради.

Иқтисодий фаолият юритувчи шахс мутлақо эркин фаолият юритмоғи лозим. У ўзгалар топшириғи, манфаати билан унумли натижага эриша олмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида барчага баробар иқтисодий тақсимот бўлмайди. Ҳар ким меҳнатига яраша олади. Лекин жамиятда ўта қашшоқликка ҳам йўл қўйилмайди. У давлат сиёсатида ҳимоя қилинади. Киши меҳнатга яроқсиз ҳолида ҳам моддий таъминотда бўлиши лозим. Буни давлат сиёсати эътиборга олади.

Савдо баланси тартиби бузилмагандагина халқаро экспорт, импорт жараёни давом этади.

## **6.2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари.**

Бозор иқтисодиётига ўтувчи ҳар қандай мамлакат унинг қонун қондаларига иттиат қилмоғи ва зарурий талбирларни амалга оширмоғи керак. Иқтисодий мустақилликка бозор механизми орқали эришилади. Айрим мамлакатларда бу тартиб оз мунча бўлсада ўзгаргани ҳолатида ҳам иқтисодий мустақилликни юзага келтириши мумкинлиги исбот этилмоқда. Масалан, Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти ўзига хос йўллар билан шакллланмоқда. Бундай йўл мамлакатнинг миллий хусусиятларини эътиборга олади. Шунга кўра Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли мавжуд.

Ўзбекистоннинг миллий хусусиятлари қуйидагича:

1. Ўзбекистон иқтисодиёти кам ривожланган, лекин унинг ишончли салоҳияти бор.

2. Ўзбекистонда табиий ва меҳнат ресурслари анча баққувват. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига олганда унинг умумий ер майдони тараққиёт манбаи учун етарлидир. Аҳолиси асосан ўтроқ халқдан ташкил топган.

3. Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўсиш даражаси анча жадал. Шунга кўра меҳнат ресурслари тез ортиб боради.

4. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги тармогининг ўрни баланд. Аҳолисининг 60% дан ортиқроқ қисми қишлоқ шароитида истиқомат қилади.

5. Ўзбекистонда шарқона иқтисодий кўникмалар, ота-боболардан мерос қолган хўжалик юритиш усуллари бор.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг муносиб йўлини танлашда юқорида айтилган миллий хусусиятлар асос қилиб олинди. Бу йўлни танлашда жаҳон мамлакатларининг ўтиш тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда, миллий урф-одатлар, миллий яшаш тарзлари ҳамда иқтисодий кучнинг ҳолатлари асос қилинди. Ўзбекистон танлаган йўл бирон-бир инқилобий ҳолатларга асосланмайди. Бу йўл тинчлик, хотиржамлик шароитида, халқни ижтимоий ҳимоя қилиш орқали аста-секин, босқичма-босқич ўтиладиган йўлдир.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов - «бизнинг қатъий нуқтайи назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамийки фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда, ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир» - деган илмий

хулосани билдирган. «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг узига хос йўли». Т... «Ўзбекистон»-1992.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилишга Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта тамойил асос қилиб олинган.

Улардан биринчиси — бу иқтисодиётни мафкурадан ҳоли қилиш, унинг устуңлигини таъминлашдир. Бу иқтисодиётнинг ўз қонун-қоидаларига биноан ривожланишини, аввал иқтисодиётни ўнглаш, сўнгра эса бошқа ижтимоий муаммолар ечимига ўтиш зарурлигини аңглатади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг иккинчи тамойили — бу ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлишлиги белгиланган. Бу тамойил бозор иқтисодиётига ўтиш тартибсиз равишда, ўзи буларчилик асосида эмас, балки давлат раҳбарлигида амалга ошадиган ислоҳотлар орқали юз беришлигини билдиради.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишдаги учинчи тамойил — бу бутун янгилаш ва тараққийт жараёни қонунларига асосланмоғи, қонунларнинг устиворлиги таъминланмоғи лозим. Бу тамойил бозор иқтисодиётига ўтиш тартибли равишда, ҳамманинг давлат кенг жамоатчилики иштирокида ишлаб чиққан қонунларига сўзсиз риоя этиши орқали боришини билдиради.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишдаги тўртинчи тамойил. Бу тамойил бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Бу иқтисодиётга кучли таъсир эта оладиган, халқнинг ижтимоий ҳимоясини, унинг фаоллигини таъминлайдиган, адолатни юзага чиқорадиган ижтимоий сиёсатга амал қилишни билдиради.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишдаги бешинчи тамойил. Бу — бозор иқтисодиётини босқичма-босқич қарор топтиришдир. Бу тамойил чуқур иқтисодий ислоҳотларни шўшилмасдан собит қадамлик билан амалга оширишни билдиради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишда санаб ўтилган тамойилларнинг ҳар бири ўзига хос чуқур мазмун ва моҳиятга эга. Бу тамойиллар шундай номланиши тўсатдан бўлмаган, уларнинг ҳар бири умумий мазмунда Республика ижтимоий салоҳиятининг кўтарилишини таъминлашга мазмун беради. Айниқса бешинчи тамойил яъни бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилиши ҳақида фикр юритилгани алоҳида эътиборлидир. Бунинг муҳимлиги шундаким, бу биринчидан бозор муносабатларига тегишли ҳуқуқий негизларни яратишни таъминлаш талаб этилади. Иккинчидан бозорнинг инфрагузилмасини яратишни таъминлаш, учинчидан одамларда янги тизим яъни бозор кўникмаларини ҳосил қилиш, тўртинчидан янги шароитларда ишлай оладиган янги сифатга эга бўлган кадрларни тайёрлаш зарур. Юқорида санаб ўтилган заруриятларни яратиш учун вақт керак, булар йиллаб, ўн йиллаб вақт оралигида юзага келадиган имкониятлардир. Айниқса инсонлар тафаккурини ўзгатириш, янги тизимга мувофиқлаштириш ўта мураккаб жараёндир.



Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишдаги вазифалар фақатгина иқтисодий йўналишдаги муаммоларнинг ечими билан чекланмайди. Иқтисодий заруриятлар билан бир маромда ижтимоий, сиёсий, маънавий тараққиётлар ҳам ривожланиб бориши талаб этилади. Чунки мамлакатнинг умумий ўсиши унинг барча тармоқлари ўсишига боғлиқ бўлади. Бирон йўналиш ёки тармоқ ривож оқсаса унинг салбий таъсири бошқа, яъни мазкур тармоқ билан муносабатда бўладиган тармоқ ва бўлимларга зарарли таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш учун эски, мавжуд тизим аста-секинлик билан ислоҳ қилиниб борилади. Шунга кўра эски тизимга хос бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари, эски ҳуқуқий қонунлар бекор қилиб борилади. Унинг ўрнига бозор муносабатларига мос янги юридик қонунлар туркуми яратилиб боради. Буни Ўзбекистон фаолиятида кўриш мумкин. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш сиёсати эълон қилиниши яъни қабул қилиниши билан Ўзбекистонда Олий кенгаш парламенти икки палатада таркиб топтирилди. Шундан қўйи палата — қонунчилик палатаси фаолият кўрсатмоқда. Бу палата фаолиятида иттифоқ даврида мавжуд бўлган, ҳозир ҳаётда ўз таъсирини йўқотган қонунлар бекор қилиниб, бозор иқтисодиёти тизими шарт-шароитларини тақозо этувчи янги қонунлар ишлаб чиқилиб, ҳаётда қўллаш учун қабул қилинмоқда.

Бозор ислохотларини ўтказишдан олдин ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда бозор иқтисодиётининг назарий андозалари, назарий қонун-қомуслари ишлаб чиқилади. Бу бозор муносабатларининг амал қилинишига асос бўлади. Бундай ислохотлар бир қанча йўналишда бўлади, булар туғрисида кейинги бўлимда батафсил тушунча берилади. Ислохотлар, масалан мулкий муносабатлар соҳасида аграр ислохотлар, молия- кредит тизими соҳасидаги ислохотлар, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги ва ижтимоий соҳалар, кадрлар тайёрлаш, даволаш, таълим йўналиши ва х.к.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишда давлатнинг айниқса ўрни бор. Ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат муҳим рол ўйнайди.

Бозор муносабатларига дастлаб қадам қўйган мамлакатлар учун бозор иқтисодиётига ўтиш уч босқичда режалаштирилади. Булардан биринчи босқич — бу иқтисодиётни барқарорлаштириш, иккинчи босқич — бу бозор инфратузилмасини яратиш, учинчи босқич — бу бозор муносабатларига ўтиш демакдир. Ўзбекистонда мана шу босқичлар номоён бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда давлатнинг вазифаси иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун ниҳоятда зарур бўлган ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни ҳам таъминлашдан иборат.

Ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ҳўжалик фаолиятини бошқаришда давлатнинг ўрни тобора ўзгариб боради. Давлат, унинг ҳокимият тузилмалари ҳўжалик фаолиятига бевосита аралашмайди. Давлат иқтисодий воситалар ва рағбатлантиришлар ёрдамида иқтисодиётни

бевосита бошқариш, умуммиллий муаммоларни ҳал этиш билан шугулланади.

### 6.3. Бозор иқтисодиётига ўтишдаги ислоҳотлар.

Ҳар бир тизимнинг ўзига хос ўлчами, мавжуд бўлишидаги тартиби, бошқариш қонун қоидалари бўлади. Шунга кўра бозор иқтисодиётининг ҳам ўзига мос шарт-шароитлари яратилмоғи керак. Иттифоқ давридаги бошқарув услублари энди бозор иқтисодиётини бошқаришга зид бўлиб қолади. Барча тармоқларда, соҳаларда, хўжаликларда эски тартиб ўзгариши зарур. Айниқса мулкчилик йўналишида кишиларнинг эркин фаолият кўрсата олишида, ўз-ўзини бошқариш йўналишида кафолат берадиган ҳуқуқ ва имкониятлар бўлишлиги тақозо этилади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш режалаштирилганда жамиятни бошқариш, ижтимоий турмушнинг фаровон бўлишлиги каби қатор ҳаётий вазифаларни ҳал этиш кўндаланг муаммо бўлди. Мазкур муаммоларнинг ечимини ҳал этишнинг бирдан-бир усулларида бири бу ижтимоий ислоҳотлар ўтказилиши белгилаб олинди.

Ислоҳот араб сўзидан олинган бўлиб, бу яхшилаш, тузатиш мазмунини англатади. Демак янгиланадиган йўналишни тубдан ўзгартириш, қайтадан, янгидан ташкил қилишдир.

Ислоҳот сўзининг лотинча мазмуни бу реформа демакдир. Реформа — ўзгартираман, ислоҳ қиламан тушунчасини англатади.

Ислоҳот — мавжуд ижтимоий тузум асосларини бекор қилмаган ҳолда ушбу жамият ҳаётининг бирон-бир томонини ўзгариш, қайта ташкил этишдир. Умуман олганда ҳар қандай ўзгаришни ислоҳот дейиш мумкин бўлади. Лекин илмий йўналишда сиёсий тушунча беришда ислоҳот — бу сиёсий назарияда илгор, зарурий ҳарактерга эга бўлган ўзгаришларни ислоҳот деб тан олинади ва уни ўтказиш давлат назоратига олинади.

Ислоҳотлар биринчидан аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган бўлса, иккинчидан ислоҳотлар мамлакат куч-қудратини мустаҳкамлайди. Мамлакатнинг ҳар тарафлама қудратли, ишончли давлат сифатида номоён бўлишига асос бўлади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш меъёри қандай бўлишигидан қатъий назар, барибир бозор тизими иқтисодий ислоҳотлар бўлишлигини тақозо этади. Шундай мақсадда, шароитда ўтказилаётган ислоҳотлар бозор ислоҳотлари дейилади.

Бозор ислоҳотлари бозор иқтисодиётини яратишга қаратилган, давлат томонидан, лекин халқ иштирокида амалга ошириладиган иқтисодий чоратadbирлар тизимидир.

Бозор ислоҳотлари иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида ўтказилади. Бир соҳада бозор муносабатлари юзага келиб, бошқа соҳасида эскичасига қолаверса жамиятда тараққиёт муносиб ўсмайди.

Ислоҳотларни Ўзбекистон мисолида олсак олдинги бўлимда ҳам белгилаб ўтилган эди, мулкчиликни ислоҳ қилиш. Бунда режали хўжаликдан

бозор ҳўжалигига ўтишда давлат мулки ҳукумронлигида хилма-хил мулк эгалари томон борилади. Мулк давлат тасарруфидан чиқарилади ва хусусийлаштирилади. Бу жараён хусусийлаштириш жараёни дейилади. Демак, хусусийлаштириш мулкни давлатлаштиришдан чиқариб, давлат мулкни бошқа мулк шакилларига, жумладан, хусусий мулкга айлантиришдир.

Хусусийлаштиришда биринчидан давлат мулкни аҳолига доимий мулк сифатида беришдир. Бу жараён ким ошди савдоси шаклида, ёки битимларга биноан берилади. Иккинчидан давлат мулкни аҳоли ўртасида бепул тарқатиш, имтиёзли нархларда сотиш йўли билан, учинчидан давлат корхоналарини уларнинг жамоасига мулк қилиб бериш, сотиш йўли билан, тўртинчидан давлат мулкни аҳолининг пулдор, ишбилармон қатламларига сотиш йўли билан ҳал этилади.

Хусусийлаштириш бешинчидан давлат мулкни чет эл фирмалари ва фуқароларига улардан олинган қарз эвазига бериш мумкин. Ниҳоят олтинчидан давлат мулкни акционерлаш, яъни давлат корхонасининг акциядорлик жамиятларига айлантириш орқали.

Давлат мулкни хусусийлаштиришда давлатнинг белгилаб олинган мақсадига биноан иш кўрилади. Юқорида санаб ўтилган усулларнинг барчаси бир вақтда бир жараён учун қўлланилмайди. Уларнинг қайси бири мақсадга хос бўлса, уша туридан фойдаланилади.

Ислоҳот барча мулкларнинг ҳам тенг ва дахлсизлигини тامينлайди. Ислоҳотлар йўналишидан яна бири бу аграр ислоҳотдир.

Аграр ислоҳот Ўзбекистонда «Қишлоқ» ислоҳоти деб аталган сиёсатдир! Ислоҳотлар орасида бу йўналишдаги ислоҳот энг ўзоқ муддатга мўлжалланган. Қишлоқ шароитида яшовчи ҳар-бир киши ўз заруриятлари юзасидан шаҳарларга ёки бошқа ҳудудларга изланиб юрмаслигини таъминлаш режалаштирилган. Шунга кўра у ерда яшаётган халқ ўз қишлоғи ёки ҳўжалиги ҳудудида таъминот бозорига, турли хил товар ва хизматлар дўконига эга бўлмоғи керак. Шаҳар шароитидан кам бўлмаган шароитларга эга бўлмоғи лозим.

Аграр ислоҳотларда ерга мулкчилик шаклини ўзгартириш, ҳўжаликни юритиш усулларини бозор талабларига мослаштириш, уларнинг бош бўғини давлат ёки жамоа ҳўжалиги ўрнига яқка фермер, деҳқон ҳўжалиги ташкил этишдан иборат. Фермер ёки деҳқон ҳўжалиги қанчалик эркин ва рақобат асосида ривожлансагина у бозор талабига жавоб бера олади.

Ислоҳотларнинг яна бир муҳим йўналиши бу молия-кредит соҳасидадир. Бу йўналишдаги ислоҳотлар бозор талабига мос молия кредит фаолиятини юзага келтиришни ташкил этади. Молия кредит соҳаси ислоҳотлари биринчидан янгича солиқ тизимини яратди. Иккинчидан ўз-ўзини молиялаштиришга ўтилади. Учунчидан молия бозори яратилади. Тўртинчидан пул тизими ўзгаради, керак бўлса миллий пул тизими киритилади. Бешинчидан тижорат банклари, майда кредит ташкилотлари, суғурта компаниялари очилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишда ташқи иқтисодий алоқалар йўналишида ҳам ислоҳот зарур бўлади. Бундай ислоҳотларнинг мазмуни ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштиришга қаратилади. Ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти натижасида, биринчидан экспорт-импортни, хорижий капитални кириб келиши рағбатлантирилади. Иккинчидан четдан қарз олиш тартибини белгилловчи қоралар амалга оширилади. Учинчидан миллий пулни бошқа мамлакат пул бирлигига айирбошлаш жорий этилади. Хуллас ташқи иқтисодий алоқалар барқарорлашиб боради, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик мустаҳкамлашади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат аҳолисининг таъминоти ва уларга хизмат кўрсатиш жараёнлари анча яхшиланиши зарур. Шунга кўра ижтимоий ислоҳотлар ҳам ўтказилади. Ижтимоий ислоҳотнинг асосий йўналиши биринчидан яратилган даромадларнинг аҳоли ўртасида тақсимланишини тартибга олиш бўлади. Иккинчидан аҳолининг муҳтож қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш давлат сиёсати даражасида олиб борилади. Учинчидан ишсизларга нафақа тўлаш уларни ишга жойлаштириш каби зарурий тадбирлар ўтказилади.

Бозор иқтисодиётига хос ислоҳотларнинг қайси бири энг зарур қайси бири устун каби хулосалар чиқариш ва шунга кўра иш юригиш ҳар бир мамлакатнинг ички сиёсатидан, имкониятидан боғлиқдир. Лекин ҳаётий шундай қонунлар борки бозор иқтисодиётига ўтиш учун барча мамлакатларда эски иқтисодий тизимни бозор тизимига кучирадиган ислоҳотлар амалга оширилади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишда мавжуд бўладиган ислоҳотлар тўғрисида Республика Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодиёт ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида батафсил баён қилиб берилган.

Республикада иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичи нархларни тўлиқ эркинлаштириш билан тугади.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш бу асосий мақсадимизнинг бир қисми бўлса, аслида инсонга муносиб яшаш ва фаолият кўрсатиш шароитларини юзага чиқариш марказий мақсаддир. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бутун даври давомида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар кўриш бош мақсаддир.

Демак, Ўзбекистонда ислоҳотларнинг барча йўналишлари мавжуд иқтисодиёт тизимнинг изчиллик билан бозор иқтисодиётига ўсиб ўтишига қаратилди. Бу ислоҳотлар Ўзбекистоннинг мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, уни иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва халқаро миқёсда обрў-эътиборли мамлакатга айлантиришга хизмат қилади. Ислоҳотлар кишилар, давлат корхона ва муассасаларнинг такомиллашувида амалий имкониятдир.

#### 6.4. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва вазифалари.

Дунё мамлакатларидан қайси бири бозор иқтисодиётининг мамлакат иқтисоди учун, аҳоли фаровонлиги учун энг қулай, энг эркин шароит эканлигини англаб етганлари ва ўз ҳуқуқлари ўзлари ихтиёрида бўлганлари, албатта мана шу иқтисодиётга ўтиш талбирларини кўради. Шунга кўра кўплаб мамлакатлар анча даврдан буён бозор иқтисодиёти муносабатларида фаолият юритмоқда. Айримлари яқинда ўтган. Мамлакатлар энди ўтиш ҳаракатидадирлар.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш аста-секин, босқичма-босқич даврларга мўлжалланган.

Бозор муносабатларига ўтишда иқтисодий фаолият эркинлиги кўплаб қулайликларни юзага келтиради. Бу йўлда оддий товар хужалигидан бошлаб секин бозор иқтисодиётига ўтиш имкони бўлади. Бу ўзоқ давом этадиган йўл. Бу йўлда бозор муносабатлари шаклланишига хос ҳамма босқичлардан ўтилади. Уларнинг бирортасини ҳам четлаб бўлмайди. Бу йўл бозор иқтисодиётининг ўзига хос синфий шакилланиш жараёнидир. Бу йўл бошқалар учун андоза бўлиши мумкин, намуна бўлиши мумкин. Чунки унинг қонун-қоидалари ҳаётда синаб кўрилган.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг мустамлакачиликдан меросга қолган, анъанавий иқтисодиётдан ўтиш йўли. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг яна бир йўли — бу марказдан бошқариш иқтисодий тизимдан эркин бозор тизимига ўтишдир.

Ўзбекистон иқтисодиётида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш асосан уч босқичдан иборат режалаштирилган. Булардан биринчисида иқтисодиётни барқарорлаштиришни таъминлаш вазифаси белгиланган. Иккинчи босқичда бозорнинг инфратузилишини яратиш белгиланган. Учинчиси эса бозор муносабатларига тўлиқ ўтишни таъминлаш.

Биринчи босқичда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, яъни уни таъминловчи юридик қонунлар тизимини яратиш керак. Иккинчи босқичда бозор инфратаркибини юзага келтиришни бозорга хос алоқаларни ўрнатиш зарур. Булар айниқса бозорга хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот ва муассасалардир. Учинчи босқичда давлат мулкни тасарруф этиш уни хусусийлаштириш вазифалари ҳал этилади. Бу босқичда хужаликни юритиш усуларини ҳам янгилаш белгиланган. Бунинг шундай ўзгаришини бозор иқтисодиёти тақозо этади. Натижда давлат мулки, жамоа ва хонадон мулкига айланади. Бозор иқтисодиётида нархни ҳам эркинлаштириш вазифаси мавжуд.

Ўзбекистонда бу босқичлар бир-бири билан туташган ҳолда боради. Оқибатда янги босқичли тараққиёт юзага келади. Бу тараққиётнинг дастлабки кўриниши бу давлатлашган ва эркин бозор хужалигининг қоришмасидан иборат ўткинчи иқтисодий тизим юзага келади. Режалаштириш сақланган ҳолда корхоналар ва хужаликлар жумладан давлат корхоналари ҳам бозор алоқаларига киришадилар. Бу босқичдаги бозор муносабатлари маълум даражада якка ҳукмронликка эга бўлади.

Бунинг сабаби, давлат корхоналари танҳо маҳсулот яратувчи, яъни сотувчи ва ягона харидор сифатида бозорга чиқади. Бу йўналишда монополлашмаган нодавлат корхоналари ҳам бозор муносабатларининг иштирокчисига айланади. Шунга кўра бу бозорда ҳам режалашган ва ҳам эркин бозор иқтисодиёти булакчалари ҳосил бўлади. Иқтисодиёт икки бўлимда тус олади.

Бозор иқтисодиётининг иккинчи босқичида иқтисодиёт тўла-тўкис эркинлаштирилади. Бу хулоса мулкни хусусийлаштириш жараёни тугагандан сўнг юз беради. Шу асосида бозорда давлат корхоналарининг мулкдори деярли пасаяди, мавқеси эса тугайди. Бу жараёнлар оқибатида монополлашган бозордан эркин бозорга, рақобатга таянган иқтисодиётга ўтилади. Бу ҳолатлар секин-аста юз беради. Агар бозорга ўтишда шошилинч иш қурилса, унинг оқибати кўплаб зарарли натижалар бериши мумкин бўлади. Демак, бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча талаб, қонун-қоидаларини яратиб борилмаса, унинг оқибатида иқтисодиёт издан чиқиши, бозорда нарх даражасининг кўтарилиб кетиши юзага келади, сиёсий вазият танг бўлиб қолиши мумкин. Мисол тариқасида иттифоқ тарқалиб кетгандан сўнг Россия Федератив Республикасида шундай иқтисодий танглик юзага кела бошлади.

Россияда мустақиллик эълон қилинган, нарх-навога эркинлик берилди. Лекин Россия иқтисодиётида нархнинг эркинлаштирилишидан олдин ўтказиладиган айрим иқтисодий тадбирларни ҳал этиш эътиборга олинмади. Улардан биринчиси нарх эркин бўлган, унга манба учун мулк, яъни давлат мулкни хусусийлаштирилиши лозим эди. Иккинчидан эса корхоналарнинг яқка ҳуқуқонлиқ мавқеи сақлаб қолинди. Қарда рақобат ишламас экан у ерда бозор иқтисодиётига хос жараён бўлмайди, аксинча яқка эгачилик давом этади. Бундай шароитда корхоналар ўз манфаати йўлида ҳатто маҳсулот, товар, хизмат нархларини кўтариб юборишади. Бозорда нархнинг ошиши аввалам бор харидор яъни умум истеъмолчилар учун оғир вазиятга юзага келтиради. Оқибатда иқтисодий тушқунлик ғоят чуқурлашиб боради. Шунга кўра қимматчилик, қийинчилик давом этади, халқнинг асосий қатламлари қашшоқлашиб боради. Аҳоли норозилиги кучайиб, сиёсий вазият танг бўлиб қолади. Бундай ҳолат бозор иқтисодиётига ўтишнинг албатта номоён бўлишлиги шарт бўлган босқичлари борлигини англатади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида қатор иқтисодий вазифаларни ҳал этиш талаб этилади.

1. Истеъмолчи яъни харидорлар давлатнинг бошқарув сиёсатидан рози бўлиб ҳаёт кечирिशларини таъминлаш зарур. Бунинг учун ишлаб чиқариш истеъмолчилар эҳтиёжи асосида иш юритиши, ўз фаолиятларини шунга мослаб такомиллаштириш керак бўлади. Истеъмолчи билан ишлаб чиқариш жараёни узликсиз боғланмоғи лозим. Чунки товар ҳаракати ишлаб чиқаришдан бошланиб истеъмол билан тугалланади. Бу ҳаракатнинг мувофақияти бозордан, яъни талаб ва таклиф мувозанатидан боғлиқ бўлади. Бозор шароитида истеъмолчи эҳтиёжи товарнинг пулга айирбошланган ҳолатидан баҳоланади. Товар билан пул айирбошланиши бозор қурилишини ифода этади.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш талабларини яратмоқ учун ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз давом эттиришни таъминлаш керак. Бозорда ишлаб чиқарувчи ўз товарларини сотиш билан у ҳам сарфлаган харажатлар суммасини ҳам тегишли миқдорда фойда олишни ҳал этиши зарур бўлади. Ишлаб чиқарувчи бозорда товарларини сотиб пулига яна у харидор сифатида зарурий ресурслар сотиб олади. Шу туфайли ишлаб чиқаришни узлуксиз давом этказади.

3. Бозор иқтисодиётини тартибга олувчи восита сифатида номоён бўлади. Бу вазифанинг ҳал этилишида нархнинг эркинлаштирилгани асос бўлади. Бозорни бошқаришда нарх даражасининг пасайиб кетишлигига ҳам йўл қўймаслик тадбирлари кўрилиши лозим. Нархнинг нисбатан пасайиб бориши ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келади. Нарх пасайса у ердан ресурслар чиқиб кетади. Қасрда нарх баланд бўлса ўша ерда ресурслар бўлади. Бозор иқтисодиёти вазифаларини белгилашга бозор талабининг ўзгариб туришлиги ёрдам кўрсатади. Шунга кўра нимани, қанча, қачон, ким учун ишлаб чиқариш зарурлиги аниқланади. Шунга қараб ресурслар тақсимланади. Бу иқтисодиётни тартиблашда бозорнинг ўрнини белгилайди.

4. Бозор турли мамлакатлар, миллатлар, элатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни ўрнатишга хизмат қилиши лозим. Бозор муносабатлари халқаро иқтисодий ҳамкорликни боғлаб туриши керак бўлади. Буни таъминлаш иқтисодий вазифалардан ҳисобланади. Бозорни бошқаришда ишлаб чиқаришнинг давлатлараро аниқ иқтисослашувини, халқаро миқёсдаги талаб эҳтиёжни мўлжалга олиб иш кўришликни тақозо этади.

Демак, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишда ечимини ҳал этиш вазифалар асосан қуйидагилар:

1. Давлат мулкани хусусийлаштиришни охирига етказиш.
2. Ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш.
3. Миллий валюта — сўмни яна ҳам мустаҳкамлаш.
4. Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш.
5. Соф экспорт ҳажмини ўстириб бориш.

### Асосий таянч тушунчалар

**Бож иттифоқи**—ягона ташқи савдо таърифлари ўрнатилиши.  
**Бозор ислоҳоти**—бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш.  
**Бозор конъюктураси**—бозордаги муайян ҳолат.  
**Бозор механизми**—бозорни тартибга солишда қўлланиладиган восита.  
**Бозор регулятори**—ишлаб чиқаришни бозор орқали мувофиқлаштириш.  
**Бозор иқтисодиёти**—ишлаб чиқаришни айирбошлаш ва пул муомаласи қонун қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.

**Биржа**—немисча сўз, ҳамён, бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли.

**Ўтиш даври**-бир иқтисодий тизимдан бошқасига, мавжуд иқтисодий муносабатлардан бутунлай бошқа, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш тақозо қилинадиган давр.

**Иқтисодий уклад-турли** мулкчиликка асосланган ҳўжалик юртишнинг шакллари ва турлари.

**Иқтисодиётни эркинлаштириш**-нима ва қанча ишлаб чиқаришни, қаерга, қандай нархда сотишни тadbиркорнинг ўзи белгилаши учун имкон бериш.

**Иқтисодиётни барқарорлаштириш**-танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш.

**Бозор инфратузилмаси**-бозор алоқаларини ўрнатишда иштрок этувчи, яъни сотувчилар ва ҳаридорларга хизмат кўрсатувчи муассасалардир.

**Бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари:** 1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги. 2. Давлатнинг бош ислохотчилик ўрни. 3. Кучли қонунлар ишлаб чиқариш ва унинг ижросини таъминлаш. 4. Ижтимоий сиёсатни амалга ошириб бориш. 5. Бозор иқтисодиёти пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга ошириб бориш.



## VII. БОБ. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ.

Ушбу бобда қуйидаги иқтисодий тушунчалар мазмун-моҳияти тўғрисида изоҳлар, ҳулоса, фикрлар илмий таҳлиллар юритилади. Талаб тушунчаси. Талабнинг мавжудлигида қандай иқтисодий заруриятлар бор. Талаб қонуни ва унинг якка шахс хоҳиши билан ўзгармаслиги. Бозор ва талаб. Талаб миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Масалан, нарх, истеъмолчи диди, истеъмолчи пул даромади, нарх ўзгаришининг, даромадларнинг ўзгариши кутилаётганлиги. Ҳаридорлар сонининг талаб ҳажмига таъсири, якка талаб бозор талаби.

Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни ва унинг юзага келишидаги иқтисодий таъсирлар. Таклиф ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаъро боғлиқлиги. Таклифнинг эгилувчанлиги. Таклиф миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Масалан, бозор нархлари, ишлаб чиқариш ҳажми, ресурслар нархи солиқлар даражаси, ишлаб чиқарувчилар сони, ресурслар унумдорлиги, бошқа товарлар нархининг ўзгариб бориши, инфляциянинг кутилиши, ишлаб чиқаришда табиий ва амалий шароитлар.

Талаб ва таклифнинг нарх ва даромад ҳамда бошқа омиллар буйича ўзгарувчанлиги.

Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклифнинг хусусиятлари, талаб ва таклифнинг мос келишлиги. Бозор мувозанати. Хусусий ва умумий мувозанатлик. Бозор мувозанати ва иқтисодиётнинг барқарорлиги. Ўзбекистонда бозор мувозанатини таъминлаш, истеъмолчи кайфиятининг бозорга таъсири. Нафликни ошириш тартиб-қоидалари. Нарх ва даромадлар ўзгаришининг истеъмолчи танловига таъсири.

### 7.1. Талаб ва талаб қонуни.

Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар иккала жараёнида яъни хоҳ у натурал ишлаб чиқариш бўлсин, хоҳ у товар ишлаб чиқариш бўлсин яратилган маҳсулотлар инсоннинг у ёки бу эҳтиёжига мўлжалланган бўлади. Маҳсулот сотилса у товар сифатида айирбошлаш муомаласидан ўтади. Товар муомаласи ва шунга мувофиқ бозорда ҳамма вақт “сотувчи-харидор” жуфт муносабати мавжуд бўлиб, у муомалага хос ўзгарган шаклда ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги ички алоқаларни ва зиддиятларни юзага келтиради. Бу айирбошлаш соҳасида талаб билан таклиф ўртасидаги зиддият сифатида юзага чиқади.

Айрим товарлар ва уларнинг гуруҳлари буйича ҳам, бутун товар массаси буйича ҳам талаб билан таклифнинг муайян нисбатида бозор конъюктураси ўз ифодасини топади. Талаб-бу бозорга чиққан эҳтиёж, лекин талаб-бу шунчаки эҳтиёж эмас, балки тўловга қобил пул билан таъминланган эҳтиёждир. Агар киши дўконда ўзига ёқадиган зарур товарни ёқтирса ва олмоқчи бўлса, лекин унда товарни сотиб олиш учун пули бўлмаса, бу ҳолатда унинг эҳтиёжини талаб деб бўлмайди. Бозорга сотиш учун

чиқарилган товарларнинг барчаси ҳам чаққон сотилиб кетавермайди. Айримлари узоқ муддат сотилмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳолатнинг ўзига хос сабаби бор. Сабаби шундаким барча товарларга ҳам бирхил талаб бўлмайди. Айримлари тезгина сотилади, айримлари секин сотилади ва бошқалар. Чунки ҳар бир товарнинг талаби турлича бўлади. Товарларнинг узоқ вақт сотилмай қолиши молиявий фаолиятга, бозор фаолиятига жиддий таъсир қилади. Бозорга чиққан харидорга товарларни мажбурий сотиш имкони йўқ. Шунга кўра товарлар ишлаб чиқарилганда ниҳоят сифатли, харидоргир бўлишлиги лозим.

Товарларнинг сотилиши учун талабда, яъни харидорда икки имконият бўлиши лозим. Булардан биринчиси ушбу товарга уни сотиб олувчида эҳтиёж бўлмоғи, иккинчидан сотиб олмоқчи бўлган товар қийматини қопловга тенг пули бўлмоғи шарт. Масалан, автомашина харидор дидига ёқсада, уни сотиб олишга пули булмаса унинг хоҳиши рўёбга чиқмайди, унинг эҳтиёжи автомашина бозорида талабни ҳосил этмайди. Бозорда истеъмолчилар гуруҳи, ёки айрим шахс, ёки бутун жамият аъзолари харид қилиб олиши амалда мумкин бўлган товарлар ҳажми талаб қилинган товар миқдори дейилади. Истеъмолчилар сотиб олишни хоҳлаётган товарлар ҳажми билан улар тамонидан реал сотиб олинган товарлар миқдорини фарқлаш керак бўлади. Сабаби улар мос тушмаслиги ҳам мумкин. Кўп ҳолатларда харидорлар реал харид қилиб олиши мумкин бўлганига қараганда, баъзи-бир товарларни кўпроқ олишни хоҳлайдилар. Бундай хоҳиш уларнинг шу товарларни сотиб олиш учун зарур пулга эга бўлишларини талаб қилади. Пулсиз талаб бўлмайди. Аждодларимиздан “Туя бир пул, қани пул” деган мақол қолган. Бунинг мазмуни шундаким туя арзон бўлганда ҳам пул булмаса туяни сотиб олаолмайди. Туя қиммат бўлган вақтда уни сотиб олган. Сабаби энди харидорда пул бўлган. Талаб эҳтиёждан фарқ қилади. Талаб мустақил иқтисодий тоифа (илмий тушунча)дир. Эҳтиёжнинг фақат пул билан таъминланган қисми талабга айланали.

Эҳтиёж → Пул миқдори → Нарх → Талаб

Талаблар ҳар хил бўлади. Бир хил товар ёки хизматларга бўлган талабнинг икки тури фарқ қилади. Улар биринчидан якка талаб. Ҳар бир истеъмолчининг яъни алоҳида шахс, оила, корхона, фирманинг товарнинг шу турига бўлган талаби якка талаб дейилади. Иккинчи тури – бу бозор талаби, бозор талаби эса бир қанча истеъмолчиларнинг шу турдаги товар ёки хизматга бўлган талаблари йиғиндиси бозор талаби дейилади.

Якка талаб ҳам, бозор талаби ҳам миқдор жиҳатидан аниқланади. Талаб миқдорининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Айниқса нарх ўзгаришининг таъсири сезиларлидир. Нарх билан сотиб олинган товарлар миқдори ўртасидаги тескари боғлиқ талаб қонун дейилади. Масалан, бир кг ун нархи 150 сўм бўлганда 10 кг ун сотиб олишга талаб бўлган. Агар уннинг нархи 140 сўм бўлса, унда 13 кг, 130 сўм бўлса, унда

17 кг ҳоказо қурилишида харид қилиш мумкин бўлади. Бундан шундай хулосаки товарга нархнинг қанчалик пасайиб бориши сотиб олинishi мумкин бўлган ун миқдорининг ортиб боришига олиб келади, ёки аксинча нарх ўсиб борган сайин сотиб олинадиган миқдор пасайиб боради.

Талаб қонуни бозордаги талаб товарларнинг нархиға нисбатан тескари мутаносибликда ўзгаришини билдиради. Ҳар бир шахс ёки оламнинг ўзига хос талаби мавжуд. Талаб кишиларнинг жисмоний ҳолати, ёши, жинси, қаерда ва ким бўлиб ишлаши, унинг диди таъби, қўлидати пул миқдори, нарх-наво даражасига боғлиқ бўлади. Албатта, масалан ёш билан кекса кишининг талаби бир хил эмас. Шунингдек ўқувчи билан олимнинг, ишчи билан деҳқоннинг, артис билан шифокорнинг соғлом билан беморнинг, бой билан камбағалнинг талаби бир хил бўлмайди.

Айрим товарлардан қониқиш — бу якка қониқишдир. Лекин товарларни истеъмол этишда умумий қониқиш ҳам бор. Бундай қурилиши бозор ҳолатидан боғлиқ бўлади. Товарларни сотиб олишда аввалом бор нафлик бор. Нафлик умумий ва меъерий бўлади. Умумий нафлик товар гуриҳига дахилдор ва кишилар талабини тез ўзгартиради. Умуман олганда товарлар хилма — хил бўлганда нафлик пасайишига мойил бўлади. Шу тариқа меъерий нафлик юзага келади.

Меъерий нафлик — бу қўшимча равишда харид этилган товарлар келтириладиган нафликка айтилади. Меъерий нафлик чегараланган. Талабнинг тўйилишига қараб дастлаб кучли бўлган меъерий нафлик аста-секин пасайиб боради. Шубҳасиз бир жуфт оёқ кийим харид қилганда харидор учун унинг нафи гоят юқори аммо биринчи жуфт оёқ кийим олинганда унинг нафи паст бўлади. Сабаби энди харидор яланг оёқ эмас, энди унинг кундалик киядиган пойабзали бор. Харидор учун қўшимча нафлик олдингисидан паст бўлади ва бу талабга таъсир этади.

Нарх арзонлашганда талаб ортади. Сабаби илгари муайян товарни сотиб олишга қурби етмаганлар уни харид этиш имконига эга бўладилар. Энди харидор имкони мавжуд. Айни вақтда шу товарни олдин олганлар ҳам энди уни кўпроқ сотиб олади. Нархнинг пасайиши бир товарга бўлган талабни бошқасига яъни уринбосар товарига кўчиради. Нархи ўзгармаган товар арзонлашган товарга нисбатан қиммат бўлади. Шунга кўра харидор арзон товарни хуш кўриб, уни кўпроқ харид қилади. Масалан, мол гўшти нархи пасайсада, қўй гўшти нархи ўзгармай қолса шубҳасиз мол гўштига талаб ошади. Бу қўй гўшти бўлган умумий талабга таъсир қилади.

Демак, нарх ошганда талаб қисқаради. Харидорлар бундай шароитда бу товарни камроқ харид қиладилар ёки умуман харид қилмасликлари мумкин бўлади.

Талаб қонуни талаб билан нарх уртасида миқдорий боғлиқлик борлигидан далолат беради. Бу боғланиш мутлоқ эмас. Чунки талабга нархдан ташқари бошқа омиллар ҳам таъсир этади. Масалан, нарх талабни қисқартирса бошқа омиллар уни ошириши мумкин, ёки аксинча.

Товарнинг харидор учун қанча туриши фақат унинг бозор нархи билан эмас, балки товарни топиш ва истеъмол этиш харажатлари билан ҳам

белгиланади. Харидорнинг талаби устунликка эга. Нимани қанча ва қай нарх билан харид этишни харидорнинг ўзи ҳал қилади. Бу вазият корхоналарнинг харидорга керакли товарларни ишлаб чиқаришига мажбур этади.

Талаб ўзгарувчи миқдордир. Талабнинг миқдори ўзгаради, унинг ҳажми ўзгаради. Талаб ҳарактери ҳам ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришларни бир-биридан фарқ қилмоқ керак. Масалан, сотилаётган товарнинг нархи ўзгарса, талаб миқдори ҳам ўзгаради. Бу қоида талаб қонунида ҳам таъриф этилган. Агар товар ишлаб чиқаришга тасир этадиган илгари бўлган омиллар ўзгарса, у ҳолда талабнинг ҳарактери ҳам ўзгаради.

Бозорда бир томондан ишлаб чиқарувчилар, яъни таклифчилар, иккинчи томондан эса истеъмолчилар, яъни харидорлар ҳаракат қиладилар ва улар ўртасида айирбошлаш жараёнлари бўлиб ўтади. Истеъмолчилар ҳаракати талабни тақоза этади. Улар ниманидир истаб бозорга келишган. Шу туфайли бозор субъектлари ўртасида муносиб муносабатлар содир этилади. Талабнинг асосида эҳтиёж бор. Лекин ҳар қандай эҳтиёж талаб бўла олмайди. Талаб реал бўлмоғи учун товарни сотиб олишга етарли пул миқдори бўлмоғи керак.

Истеъмолчининг сотиб олишни хоҳлаётган товарлар ҳажми билан харидорлар томонидан реал сотиб олинган товар миқдори бир-биридан фарқланади. Чунки улар ўзаро мос тушмаслиги ҳам мумкин. Кўп ҳолларда харидорлар реал харид қилиб олишлиги мумкин бўлганлигига қараганда баъзи — бир товарларни катта миқдорда хоҳлайдилар. Бундай хоҳишлар уларнинг шу товарларни сотиб олиши учун зарур пул миқдорига эга эканлигини яъни унинг хоҳиши шунчаки хаёл бўлмасдан, балки амалий имкониятга эга эканлигини кўрсатади.

Талабнинг ўзгариши, унга таъсир қилаоладиган омилларнинг турлихиллигидадир. Ўзгаришнинг негизида талаб ва товар нархининг ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Чунки барча омиллар орасида нарх ва харид қобилияти талабнинг тез ўзгаришига олиб келади. Талаб билан нархлар ўртасидаги ўзаро таъсирини ҳарқандай товар бозорида кузатиш мумкин.

Одатда кишилар мавжуд товарларни унинг нархи юқори бўлган шароитда камроқ харид қилишади. Истеъмолчилар учун нарх харидни амалга оширишга халақит қилувчи тўсиқ бўлиб ҳисобланади. Бу тўсиқ қанчалик юқори ва мустақкам бўлса харидорлар кам миқдорда товар харид қиладилар. Аксинча нарх тўсиғи қанчалик кам бўлса, харидорлар шунчалик кўп миқдорда товар харид қиладилар. Бошқача фикр билан бу ҳолатни ифода этганда юқори нарх истеъмолчиларда харид қилиш истагини пасайтиради, яъни синдиради. Паст нарх эса харидорнинг кўпроқ харид қилишига имкон беради. Ҳар доим маҳсулот харид қилувчи, ҳар бир шахс маҳсулотнинг кейинги бирлигидан камроқ қониқиш наф ёки лаззат олади. Истеъмолчиларнинг хулқ — атвори улар эҳтиёжларининг қандай қондирилишига, у ёки бу товарнинг қандай наф келтиришига боғлиқ бўлади.

Маҳсулот нархининг пасайиши истеъмолчи пул даромадининг реал харид қобилитини оширади. Шу туфайли у маҳсулотни олдингига қараганда

купроқ ҳажмда харид қилади, юқорироқ нарх аксинча ҳолатга олиб келади. Юқори нарх шароитида қиммат товарлар ўрнига нархи анча паст товарлар сотиб олишга талаб юзага келади. Бунда нархи арзон бўлгани билан, лекин товарнинг сифати харидорни ўзига торга олиши зарур. Нафдлиги кам товарларни сотиб олиб, ундан деярли наф ололмаса яъни истеъмол боб бўлмаса бундай ҳолатда харидор учун у ёки бу товарнинг харид қилиниши юзага келмайди. Харидор учун дастлаб ушбу товарнинг қанчалик зарури борлиги бош масаладир. Товардаги истеъмол қиймат харидорга боб бўлсагина харидор уни сотиб олишни ташкил этади.

Истеъмолчилар талабига мос ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўзига хос муаммоларга эга. Тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган нисбатан харидорғир товарларни харид қилиш ҳар доим ҳам имкони йўқ. Буни ташкил этиш вазифа бўлиб қолади.

## 7.2. Таклиф ва таклиф қонуни.

Бозор иқтисодиёти жараёнини талаб ва таклифсиз тассавур қилиш имкони йўқ. Шунга кўра талабнинг ҳарши томонида таклиф бўлади. Таклиф – бу ишлаб чиқувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва муайян пайтда бозорга чиқарилган ёки келтириши мумкин бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдоридир.

Таклиф ишлаб чиқариш билан белгиланади. Бу дегани таклиф ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, товарлар, хизматларга тенг йиғинди дегани эмас. Маҳсулотлар кўплаб етиштирилади, лекин ушбу етиштирилган жами маҳсулотлар ҳам сотишга қўйилмайди. Шу тариқа ишлаб чиқариш билан таклиф ўртасида фарқ юзага келади. Сотишга олиб чиқилгани ва тайёрланган қисми таклифни ифода этади. Ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармагани ҳолда, нархнинг ўзгариши таклифнинг миқдорини ўзгартиради. Бундан шундай хулоса чиқадики, талаб билан таклифнинг бараварлиги ҳамма вақт ҳам ишлаб чиқариш билан эҳтиёжининг бараварлигини англавермайди.

Талаб билан таклифнинг иқтисодий қонунларига мос бўлган нисбати бу уларнинг мувозанати ҳисобланади. Бу дегани товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг ҳажми ва тузулиши билан уларни таклиф этиш ҳажми ва тузулиши ўртасидаги мувофиқликдир. Шунга кўра бозорда мувозанатлик юзага келади.

Демак, ишлаб чиқарувчилар бозорда сотишга мўлжалланган товар ҳажми таклиф қилинган товарлар миқдори дейилади. Товарлар таклифининг ҳажми сотишга чиқарилган товарлар суммаси билан белгиланади. Товарлар ва хизматлар таклифи ишлаб чиқариш миқёси ва унинг таркибига боғлиқ бўлади. Шундай ҳам бўладики товарлар таклифи яратилган маҳсулотлар миқдорига тенг бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки товарларни таклиф қилиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари бир хил бўлмаслиги мумкин бўлади. Шунга кўра яратилган маҳсулотнинг фақат бозорга чиқариладиган қисми товар маҳсулоти дейилади, унинг бозорга чиқарилмайдиган қисми

товарни юзага келтирмайди. Бозорга чиқарилган барча товарлар ҳам тўлиқ таклиф бўлмайди, лекин асосан улар сотилиши ва сотишга яроқли бўлишлиги шарт. Сотишга яроқсиз бўлган маҳсулотлар бекорга бозор майдонини банд қилиб туради-холос.

Товарлар таклифи маҳсулотнинг товарлик даражасига, шунингдек ушбу маҳсулотни бозорга етказиб беришга ҳам боғлиқ бўлади. Таклиф қилинган товарлар миқдорига бир қанча омиллар тасир қилади. Масалан, товар нархи, ресурслар нархи, ишлабчиқариш технологияси, солиқлар, бошқа товарлар нархи, нарх даражасининг ўзгариши эҳтимоли, товарни ишлаб чиқарувчилар сонинг ўзгариши ва бошқа омиллардир. Бу омиллар ҳақида кейинги бўлимда батафсил фикр юритилади. Товар таклифни асосан нималар белгилайди, бу тўғрисида бош таъсир кўрсатувчи-бу нарх ҳисобланади.

Таклиф ҳам талаб каби ҳам хусусий ва ҳам умумий хусусиятларга эга. Бозорда сабзи нархи ўзгарганда айрим сотувчи иш юритиш ҳам ўзгаради. Масалан, бир кг сабзи нархи 100 сўм бўлганда, у бир кг сабзи таклиф этади. Бир киллограми 200 сўм бўлса, у 200 кг таклиф этади, бир киллограми 500 сўм бўлса, бир тонна сабзини бозорга таклиф қилади. Демак, бозорда маҳсулот нархи қанчалик ошса таклиф ҳам ошади. Ишлаб чиқарувчига маҳсулотнинг бозордаги нархи ошиб бориши кўпроқ фойда келтиради. Лекин доим ҳам шундай бўлавермайди. Чунки бу ҳолат харидор учун, яъни бозордаги истеъмолчилар учун маъқул эмас. Таклиф талаб билан бир мувозанатликка келгандагина у маҳсулотини сота олади, таклиф юзага келади. Масаланинг яна бир тамони шундаким, таклифни кенгайтириш харажатларини ҳам кўпайтирилади. Қўшимча товарларни сотишдан тушган тушум уларни ишлаб чиқариш ва бозорга келтириш харажатларини қопламайдиган бўлса, нарх ошишга қарамай, таклиф ошмайди. Яна бир томони агар нарх пасайган ҳолда ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари янада кўпроқ камайса, унда товарни таклиф қилиш кўпайиши мумкин бўлади. Айрим бир тадбиркор фаолиятига тўғри келадиган таклиф қонуни жами бизнесменлар фаолиятига нисбатан ҳам ўз кучини сақлаб қолади. Шунга қўра жами таклиф асосан хусусий таклифларга оид омилларнинг амал қилишига итоат қилади. Масалан, 1кг гўшт нархи 6 минг сўм бўлсада сотувчилар сотиш учун 1 тонна гўштни бозорга келтиради. Агар 1кг гўшт нархи 8 минг сўм бўлса 1 тонна 400 кг гўштни сотишга келтиради. Демак, товар нархига боғлиқ ҳолда таклиф миқдори ўзгариб боради.

Таклифнинг ҳажми товарларнинг миқдорига ва ҳар бир товар нархига боғлиқ. Таклиф ҳам талаб каби икки хил бўлади. Улардан бири-бу якка таклиф, бундай таклиф айрим ишлаб чиқарувчиларнинг маълум бир товарни таклиф этишларида намаён бўлади. Иккинчиси — бу умумий ёки жами таклиф, барча ишлаб чиқарувчиларнинг муайян турдаги таклифлари. Бунда ўхшаш товарларни ҳам таклиф этишлари тақазо қилинади. Масалан, пиёзни Қодировлар хўжалиги томонидан таклиф қилиниши —бу якка

таклиф. Агар пиёзни бозорга 100 ҳужалик томонидан сотишга келтирилса бу жами таклиф ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришда ниҳоят кўп турда товарлар келтирилади. Буларнинг бари эҳтиёж боблигига қараб гуруҳларга бўлинади. Масалан, истеъмоладан товарлар ва хизматлар, пул капиталидан иборат товарлар, ишкучи-мехнатдан иборат товарлар, ишлаб чиқаришда истеъмоладан этишга мўлжалланган товарлар, булар асбоб-ускуна, машина станок, бино, иншоот ва бошқалар, шунингдек ресурс товарлар-хом ашё, ёқилги, ҳархил материаллар киради. Умуман, товарларни санаш ёки рўйхатга олиш муаммодир. Шундай товарлар борки улар узоқ ва қисқа муддатларда фойдаланишга мўлжалланган. Масалан, телевизор, мебель, музлатгич, автомобиль ва бошқалар- булар узоқ муддатга мўлжалланган товарлардир. Қисқа муддатга мўлжалланган товарлар эса, булар озиқ-овқат, санитария, касметика буюмлари, дори дармонлардан иборатдир. Истеъмолга ҳар-хил хизматлар ҳам киради. Булардан ташқари бозорда ахборот, патентлар, илмий ғоялар, китоблар, санъат хизматлари ҳам таклиф этилади.

Таклиф, талабга қараб ўзгариб туради. Бу таклиф қонунининг мазмунини ифода этади. Таклиф қонуни таклифнинг миқдори нархга нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаришни ифодалайди. Агар нарх талабга тескари таъсир этса, таклифга эса нарх рағбатлантирувчи ёки унинг фаолиятини тўхтатиб қўйувчи тарзда таъсир этади. Масалан, нарх даражаси қанчалик ўсиб борса, таклиф миқдори ҳам шунчалик ошиб боради. Аксинча нарх даражаси пасайиб борган сайин таклифнинг бозордаги ҳажми пасайиб боради, ҳатто унинг фаолияти тўхтаб қолиши мумкин.

Таклиф қонуни фақат нархнинг таклифга таъсирини изоҳлайди. У таклифга бошқа омиллар таъсирини назарда тутмайди.

Таклиф қонуни нарх билан товар таклифи ўртасидаги алоқдорликни кўрсатади. Бундай хусусияти таклифнинг ўзгарувчанлигини ифода этади. Шунга кўра, нарх ўзгаришига нисбатан таклифнинг ўзгариш даражаси таклиф эластиклиги (ўгарувчанлиги) дейилади. Таклифнинг ўзгариши кўплаб томонларга боғлиқ бўлади. Масалан, таклиф ўзгарувчанлиги коэффицентини ҳисоблаш учун таклиф ва нарх ўзгаришлари таққосланади. Агар таклифнинг ўзгариш даражаси нархнинг ўзгариш даражасидан юқори бўлса, таъсир эластик бўлади. Масалан, товар нархи 10 фоиз ошгани холда таклиф 15 фоиз ошса, эластик таклиф пайдо бўлади. Таклифнинг эластиклиги маълум нарх доирасида юз беради. Буни бир мисолда кўрсак, фикримиз ойдинлашади. Айтайлик 1 кг узум нархи 100 сўм бўлганда унинг таклифи 100 кр бўлади. Демак нархи 100 сўмлик вақтида узумдан 100 кг маҳсулот бозорга сотиш учун олиб чиқилади. Агар узумнинг нархи 150 сўм бўлса у холда таклиф миқдори ошади ва ниҳоят узумдан 180 кг сотишга бозор таклифи мувофиқлашади.

Бозорда таклиф ҳар доим ҳам нархдан устун даражада ўсавермайди. Агар таклифнинг ўзгариши нархнинг ўзгариши даражасидан паст бўлса, таклиф ноэластик бўлади. Масалан, бозорда дарслик китобнинг нархи 500 сўм бўлганда 10.000 дона китоб таклиф этилди, жами таклиф миқдори 5 млн

сўмни ташкил этади, китобга талаб ошиб унинг нархи 700 сўм бўлса, яни нархи 40 фоизга ошса китоблар таклифи яна оширилади, масалан минг дона китобни сотишга чиқарилади. Натижада жами таклиф 7млн 700 сўмни ташкил этади.

Мутлоқ эластик ва ноэластик таклифлар ҳам бор. Мутлоқ эластик таклиф нархнинг муайян даражасида чекланмаган миқдорларда товарлар таклиф этилишида кўринади. Бу ҳолат ўзгариб туриши ҳам эҳтимоли бор. Масалан, дон захиралари кўп бўлгани ҳолда дондан ута юқори ҳосил олинди. Шундай шароитда нархнинг ошиб боришига жавобан йил давомида дон чексиз таклиф этилади ва у дон бутунлай тамом бўлгунча давом этади. Таклифнинг эластик бўлиши шундан дарак берадики сотувчилар нарх ўзгаришларига жавобан товарларни кўпайтириш ёки қисқартиришлари керак бўлади.

### 7.3. Талаб ва таклиф ўзгариши, уларга таъсир этувчи омиллар.

Талаб ва таклифнинг ўзгариб туриши бу табиий ҳолатдир. Кишилар фаолияти, турли хил табиий ўзгаришлар узликсиз рўй бериб туради. Айниқса инсон фазилати бу жараёндан ҳоли бўлолмайди. Талаб ва таклифга таъсир этадиган, унинг ўзгариб туришини, юзага келтирадиган омиллар анчагина. Талаб-бу кишилар эҳтиёжига қаратилган зарурият. Инсонга нон ҳам керак, чой ҳам керак, кийим ҳам керак, уй жой ҳам керак, хуллас тирикчиликнинг ўсиб бориши билан кўплаб моддий ва маънавий таъминотлар керак. Мана шу йўналишда талаб қанчалик кучлироқ, зиддиятлироқ намоён бўлса таклиф шунчалик тинимсиз ва унумли ҳаракатда бўлади. Талаб даражаси қанчалик пасайиб, секин бўлса, таклиф ҳам шунга кўра секинлашиб боради.

Ҳозирги давирда инсонлар бутун дунё мамлакатларида яшаб турган одамлар ҳаётдан хабардордирлар. Қайси бир мамлакатда иқтисодий танглик бўлса. Қайси бир мамлакатда бу ҳолатнинг тескараси, иқтисодий тангликда яшаётган халқлар иқтисодий барқарор мамлакатлар халқлари ҳаётига, унинг фаровонлигига ҳавас ва интилиш билан қарайди. Иқтисодий танг мамлакатлар тирикчилик даражасини кўтариш учун йул қидирадилар, тadbирлар кўрадилар. Мана шу иқтисодий фарқ талабнинг таклифдан устунлигини ифода этади.

Аждодларимиздан бизга айтилиб келаётган бир ривоят бор. “Бола йиғламаса, она сут бермайди”. Демак, талабнинг ҳаракат даражаси ва мазмуни таклифнинг қай шаклда, ҳажмда фаолият юритишини белгилаб беради. Ҳаёт тарзидан ибрат олинса инсон талаби тўлиқ хал этилганини эслаш муаммо. Айрим товарлар бўйича талаб ва таклиф мувозанатлиги вақти-вақти билан юзага келиши мумкин, лекин бозор талаби ва таклифининг мувозанатлиги 50-60 йилда такрорланиш эҳтимоли бор.

Талабнинг таклифдан олдин кетиши натижасида энг аввал нарх ўсади, инфляция даражаси ортиб боради, мамлакатда иқтисодий танглик, сиёсий нотинчлик бошланади. Талаб ва таклифни, иқтисодий таъминотини



кишилар яъни бозор субъектларини, умуман иқтисодий муносабатларни узаро нормал ҳолатида сақлаб туришлик — бунинг барчаси нарх даражаси билан ўлчанади. Бу ҳолатни тушунмоқ учун талаб ва таклиф қонунларига бўйин эгишни, яъни унга итоат қилишни таъминлаш зарур. Нарх даражасининг ўсиши турли хил сабаблардан юзага келади.

Талаб билан таклифнинг узаро нисбат бузилишининг оқибатлари фақат нарх ўсишидангина иборат бўлиб қолмайди. Таклифнинг талабдан мунтазам суратда узилиб қолиши натижасида, бозорнинг тўзилиб келити кунлик товар айланмаси даражасини бузади. Оқибатда ишлаб чиқарувчи мавқеи ўса бошлайди. Ҳар қандай нарх даражасида ҳам, бари бир истмол учун зарурий товарлар бўлишлиги лозим. Танглик шароитида ҳам маҳсулотни янгилаш, ҳам фан-техника тараққиёти ўсуви, товарлар ва хизматларнинг сифатини яхшилаш жиддий секинлашиб боради. Оқибатда молиянинг иш юритиш фаолиятида ўзига хос бузилишлар рўй беради. Бу ҳолатлар иқтисодий омилларнинг, ҳамда иқтисодий манфаатларликнинг пасайишига олиб келади. Бу ишлаб чиқаришни ва бозорни издан чиқаради. Бундай совуқ ҳолатлар бўлишлигига йўл қўймаслик учун бозорни унинг қонунларига мувофиқ бошқаришни ўрганиш ва уни амалда қўллай билишни ташкил этмоқ талаб қилинади. Талаб ҳам, таклиф ҳам ўз фаолиятида кўплаб омиллар таъсирида юз беради. Уларнинг ҳар бирига ўзига хос муносабатда бўлишликни таъминлайди. У ёки бу омилнинг таъсирида талаб билан таклифнинг ўзгариш даражаси уларнинг мосланувчангини кўрсатади. Масалан, нарх даражаси ўсиши билан товарга бўлган талаб камаяди ёки аксинча.

Талаб миқдори билан таклиф миқдори ўртасидаги нисбат бир-бирига тенг бўлган ҳолат бозор мувозанати дейилади. Бозор мувозанати вужудга келган ҳолатда шаклланган нарх бозор нархи дейилади. Шунга кўра бундай нархларни мувозанатлашган нарх ҳам дейилади. Бозор мувозанати ва мувозанатли нарх ҳар доим мавжуд бўлиб турмайди. Уларга таъсир қилувчи кўплаб омиллар мувозанатликнинг бузилишига сабаб бўлади.

Инсонлар иқтисодиёти даврида ушбу мувозанатликка ҳар қанча интизмасин уни доимий сақлаб қолаолмайди. Сабаби талаб, таклиф, шароит имкониятлар ўртасидаги муносабатлар ўзгарувчангидир. Буни ҳаёт тақазо этади.

Бозорга хос белги ердаги талабнинг ўзгарувчан бўлишидир. Шунга кўра талабнинг қанчалик даражада ўзгариши, унга таъсир қилувчи омиллар кучидан боғлиқ бўлади. Булар қуйдагилардир:

1. Товарларнинг белгиланган нарх даражасидан ва унинг ўзгариб боришидан боғлиқ. Товарлар нархи пасайса, ушбу товарга талаб ортиб боради. Масалан, харидор 1кг пиёзни 300 сўмдан, олмоқчи бўлиб бозорга 1200 сўм билан боради ва у ўз режасида ушбу пулга 4 кг пиёз сотиб олиш ниятида борган. Бозорда 1кг пиёз нархи 200 сўм булгани холда харидор 1200 сўм пулига энди 4кг эмас, балки 6 кг сотиб олади. Бу ҳолатдан харидор кайфияти ва унинг иқтисодий таъминоти анча ўсади.

Бозорда нарх харидор кутгандан ортиқча бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда харидор имкони бўйича сарфлайман деган товар миқдори кутилганидан кам бўлади. У бозордан 6 кг пиёз сотиб олишни режалаб 1 кг пиёз учун 200 сўмдан ҳисоблаб 1200 сўм билан бозорга борди, лекин пиёзнинг нархи 1 киллограми 300 сўмдан бўлганлиги сабабли харидор олиб борган пулига 6 кг эмас, балким, 4 кг сотиб олди ҳолос.

2. Даромадлар миқдорининг ўзгариши талабнинг ўзгаришига таъсир курсатади. Харидор бозордан қанча миқдорда товар сотиб олишда унинг даромадлари миқдори реал имкониятдир. Масалан, даромад ўзгариб яъни илгаргисига нисбат ошса, лекин нарх ўзгармаса, у албатта харид миқдорини ошириш имкониятига эга бўлади. Ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Даромаднинг таъсири бўйича товарлар икки гуруҳга ажралади. Улардан биринчиси, одатдаги товарлар бўлиб буларга талаб даромад камайган шароитда ҳам ортиб боради. Бошқа қимматроқ товарлар хариди камайганидан уларга талаб ортади. Масалан, ўз машинасида юрган одам даромади камайганда унинг харажатларини кўтара олмай қолади. Оқибатда у автобусда юрабoshiлайди. Бунинг натижасида автобусга талаб ортиб боради.

Оилада даромади анча бақувват, бўлганда ҳар ойи уйга 6 кг гўшт харид қилар эди. Даромад 20% га қисқарганда ҳар ойи уйга 4,5 кг гўшт сотиб оладиган бўлди.

Даромаднинг талабга таъсирининг иккинчи томони шуки, бунда талаб даромадга қараб ўзгариб боради. Нарх ўзгармаган, ҳатто у ошган шароитда ҳам бу товарларга талаб ошади, чунки уларни сотиб олиш имкони мавжуд. Бундай товарларни ҳар ким ҳам сотиб ололмайди. Бундай товарлар харидор обрусини, кўнглини кўтаради. Масалан, жинси шим, қўл телефони, автомашина ва бошқалар.

3. Бозор шароитида талабга ўринбосар товарлар нархи ҳам таъсир қилади. Бир товар нархи ошса, унга талаб қисқариб, бу нарх ўрнини босувчи бошқи товарга талаб ошади. Бундай ҳолатда бир хил эҳтиёжни қондирувчи товарларга хос бўлади. Масалан, кийим овқат ўрнини босаолмайди. Шундай экан кийим нархининг ўзгариши овқатга бўлган талабни узгартираолмайди. Лекин гўшт нархи ошса тухумга талаб ортади. Шундай қилиб бир товар нархининг ўсиши бошқа товарга талабни оширади. Ана шундай товарларга бир-бирини тўлдирувчи товарлар дейилади. Қисқаси нарх билан талаб бир бирига қарши ҳаракатланади.

4. Бозор иқтисодиёти шароитида талабга харидорлар сони ҳам таъсир курсатади. Харидорнинг сони кўп бўлса бозорда талаб ошади ёки аксинча. Харидорлар сонинг кўп бўлишлиги айрим мамлакатлар учун муҳим, масалан, Хитой, Хиндистон, Индонезия ва бошқалар. Аҳолиси кам мамлакатларда талабга аҳоли сонидан кўра, унинг ёнидаги пули кўпиноқ таъсир этади.

5. Бозор иқтисодиётида талаб ўзгаришига харидорларнинг диди ҳам таъсир этади. Ҳар бир харидорнинг ўзига ҳас диди бор, уларнинг диди айнан, бир хил бўлмайди. Чунки инсонлар психологияси, яшаш шароити, ирқи, генитикаси ҳар хилдир. Шунга қайси харидор нимани хуш кўриши ўздан

боғлиқ. Унга бирон-бир товарни мажбурий сотиб бўлмайди. Ишлаб чиқарувчилар бозордаги аҳоли урф-одатларни, яшаш тарзи-тартибларини, аҳоли дидини, қисқаси бозор маркетингини ўрганиб фаолия юритса яхши бўлади.

6. Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар ўзгариши ва харидорлар сонинг ўзгариши эҳтимоли талабнинг ўзгаришига таъсир қилади. Харидор доимо нарх билан даромаднинг ўзгаришига ҳам бефарқ бўлаолмайди. Даромад ўсиши юзага келса, талабнинг ўсиши ҳам юзага келади. Харидор даромади паст бўлганда сотиб ололмаган товарларни, даромади ошганда албатта харид қилади ва унинг талаби ортади. Оилада ёзда қишга нисбатан сабзавотларга, меваларга талаб ортади. Бунга реал имконият яратилади. Чунки ёзда бу товарлар нархи қишга нисбатан арзон бўлади.

Талабнинг ўсаётган ёки барқарор қондирилган, қондирилиши кечиктирилган, шунингдек нормал ва ваҳима кўринишида бўлиши мумкин. Буларнинг турли даражада бўлишлиги, мазкур шароитда ишлаб чиқаришнинг реал ҳолатидан боғлиқдир. Кечиктирилган талаб носоғлом иқтисодиёт белгисидир. Корхона, ташкилот, аҳоли ўртасида турли хил бозорга таъсир этувчи муносабатларни пайдо қилади, нарх оша бошлайди. Одамлар ўртасида шов-шув гаплар, ваҳималар товар нархининг ошиб боришига таъсир кўрсатади. Буларни ҳулоса қилиб. Бозор иқтисодига қонуний таризда ўсиб бораётган нормал талаб мувофиқ келишини билмоқ лозим.

Талаб сингари таклифга ҳам таъсир этадиган омиллар бор.

1. Таклифга ресурслар нархининг ўзгариши таъсир қилади. Ишлаб чиқариш харажатлари ва таклиф ўртасида боғлиқлик мавжуд. Ўз-ўзидан маълумки ресурслар нархлари пасайса таклиф ортади, чунки мўлжалдаги пулга кўпроқ ҳажмда ресурс сотиб олиниб, кўпроқ товар ишлаб чиқаришга имкон яратилади. Аксинча ресурслар нархининг ошиши таклифнинг пасайишига олиб келади.

2. Таклифга ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Технологияларнинг такомиллашуви маҳсулот бирлигини анча самарали ишлаб чиқаришга имкон беради. Ресурслар нархининг камайиши, ишлаб чиқариш харажатлари камайишига, таклифнинг кўпайишига олиб келади.

3. Таклифнинг ўзгаришига молиявий жараёнлар ҳам таъсир кўрсатади. Кўпчилик солиқлар ишлаб чиқариш харажалари таркибига киради. Шу сабабли солиқларнинг ошиши ишлаб-чиқариш харажатларини оширади ва таклифни пасайтиради.

4. Таклифнинг ўзгаришига бошқа товарлар нархининг ҳам таъсири бор. Масалан, қўй гўшти нархининг пасайиши, мол гўшти таклифининг ортишига олиб келади, ёки аксинча бўлиши мумкин ва ҳоказалар.

5. Таклифнинг ўзгаришига нарх ўзгаришининг эҳтимоли бор — деган хабар ҳам таъсир қилади. Агар нархнинг ўсиши кутилаётган бўлса, таклиф пасайиб нарх ўсганда у ҳам ўсади. Аксинча нарх пасайиши эҳтимоли бўлса таклиф кучайиб боради. Нарх пасайиши билан таклиф ҳам пасаяди. Чунки

ишлаб чиқарилган товарларни мавжуд юқори нархлар вақтида сотиш таклиф учун фойдалидир.

6. Таклифнинг ўзгаришига ишлаб чиқарувчилар, яъни сотувчилар сонинг ўзгариши ҳам таъсир қилади. Аниққи, товар ишлаб чиқарувчилар сони қанчалик кўп бўлса, таклиф қилинадиган маҳсулот миқдори ҳам шунчалик кўп бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг хусусияти, табиий ресурсларнинг мавжуд даражаси ҳам таклифга таъсир қилади.

#### 7.4. Бозор мувозанати.

Ўтган қисмларда ифода этилганидек, бозор ҳўжалигида товарлар асосан пулга айирбошланади, яъни нархига мос товар харидорга сотилади. Нарх қандай механизмлар таъсирида ташкил топишини ўрганиш лозим. Харидор ўзида мавжуд бўлган пул миқдори эвазига имкони борича кўпроқ миқдорда товар сотиб олишга интилади. Бунинг амалга ошишида товарлар нархи муҳим кўрсаткичдир. Шунингдек иккинчи томондан эса сотувчи ўз товарларини имкони қадар юқори нархда сотишга интилади. Ҳар иккала томон ҳам, сотувчи ҳам, харидор ҳам ўз иқтисодий манфаатига эътиборли фаолият кўрсатади. Бу ҳолат ўз ўрнида харидор яъни талаб нархи ва сотувчи яъни таклиф нархи мавжудлигини англади.

Бозорда талаб ва таклиф нархи ҳам эмас таклиф нархи ҳам эмас, балки талаб ва таклифнинг келишилган нархи товарнинг пулга айир бошлаши жараёнини юзага келтиради. Бу харидор билан сотувчи ўртасидаги битимга боғлиқ. Бозорда нархнинг ўзгариши содир бўлиб туради. Бу харидорнинг ёки сотувчининг хоҳиши билан эмас, балки бозорга чиқарилган таварлар турининг, нафлилик даражасининг умуман янги кўринишда бўлишligининг ўзгаришидандир. Янги талаблар асосида ишлаб чиқарилган тавар нисбатан юқори нархда харидорга таклиф этилади. Унинг сотиб олиш талабнинг имконият даражасидан боғлиқ бўлади. Масалан, гўштнинг баланд нархи таклифнинг кўпайишини рағбатлантиради. Лекин гўшт нархи ошган сайин унга талаб пасайиб боради. Оқибатда таклифчи гўшт нархини пасайтиришга мажбур бўлади. Шу туфайли ҳам таклиф ўзлари мўлжаллаган даромадларни ололмайдилар. Натижада таклифнинг кескин қисқариши ёки умуман фаолиятини тўхтатиб қўйишига олиб келади.

Нархнинг пасайишитаклифнинг қисқаришига, аксинча талабнинг кенгайишига сабаб бўлади. Масалан, агар нарх 2 сўмга пасайса, истеъмолчи 1500 кг сотиб олади. Лекин бундай ҳолат таклифни қаноатлантирмайди. Шундай қилиб нарх юқори бўлса таклиф талабдан юқори бўлади ёки аксинча. Оқибатда нарх ҳажмининг ошиши юзага келади. Чунки кишилар эҳтиёжи, талаби бозорда вазият қандай бўлишдан қатъий назар, у узликсиз балким ўсиб борувчи жараёндир. Бу тирикчилик, бу ҳаётга интилиш, бу фаровонликни исташ ҳаракатларидир. Буни ҳеч қачон инкор этиш мумкин эмас.

Бозордаги бундай нотенглик ҳолат, то сотувчилар сотишга тайёр товар миқдори, харидорлар сотиб олишга тайёр товар миқдорига тенглашгунча давом этаверади. Бу талаб билан таклифнинг тенглашувидир. Бундай ҳолатда, яъни талаб ва таклиф тенглашганида талаб нархи билан таклиф нархи тенглашади, талаб ва таклиф ҳажми эса кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам. Бозорда бундай ҳолатнинг юзага келишини, биринчидан бу бозор мувозанати деб, иккинчидан эса буни, сотиладиган ва сотиб олинадиган товарлар ҳажми мувозанати деб, учинчидан мувозанатга эришиладиган нарх эса, мувозанат нархи деб аталади. Буни бозор нархи деб аташ ҳам хато эмас. Уни мувозанатлашган нарх ҳам дейиши мумкин.

Бозор мувозанати ва мувозанатлашган нарх ҳар доим ҳам мавжуд бўлиб турмайди. Мувозанатликка таъсир қиладиган кўплаб омиллар унинг бузилишига олиб келади. Бу иқтисодиётда мувозанатликка бўлган интилишга салбий тўсиқлик қилади.

Бозорда мувозанатлик барқарор ва беқарор бўлиши мумкин. Бунинг юзага келишида талаб, таклиф, нарх, яъни мана шу учаласининг биронтаси мувозанатликдан четга чиқиши бошқаларнинг бунга жавобан ўзгаришига сабабчи бўлади.

Демак, бозор муносибати — бу бозорнинг шундай ҳолати, агар унга бирор ташқи куч таъсир қилмаса, у ўзининг бир хил ҳолатини сақлайди, яъни талаб билан таклиф ҳажми тенглашади. Ана шу ҳолатда мавжуд бўлган нарх даражаси ҳам сотувчига, ҳам харидорга маъқул бўлади. Демак, талаб ва таклиф қонунига кўра, агар бозор мувозанат ҳолатида бўлса унинг субъектлари товар нархини ёки товар миқдорини ўзгартиришга журат этмайди.

Бозорда турғун, яъни барқарор ва нобарқарор мувозанатликни бир-биридан фарқлаш зарур бўлади. Агар четга сотиш дастлабки ҳолатга қайтиб келиш билан боғлиқ бўлса мувозанатлик барқарор бўлади. Агар унинг акси бўлса бу ҳолат нобарқарорлик бўлади.

Барқарор мувозанатда харидор билан сотувчилар хулқ-атвори таҳлил қилиб ўрганилган. Бунда турли хил қарашлар бўлаган. Булардан айримларига талаб кўп бўлса, харидорлар сотиб олишни кўпайтиради, шу туфайли товар нархи ошади-деган. Бундай шароитда бозор барқарорлашади ҳамда нарх ўсади, ортиқча талаб қисқаради. Шунингдек агар талаб таклифдан кам бўлса сотувчилар товар нархини пасайтиришга интилади. Натижада таклифдаги ошиқчалик йўқолади. Бунда нобарқарор мувозанатлик юзага келади-деган хулосада бўлишган.

Бозор мувозанатлиги йўналишида иқтисодчиларнинг яна бирлари, агар харидор маълум товар миқдорига тулашга тайёр бўлган нарх сотувчи учун маъқул бўлган нархдан юқори бўлса, ишлаб чиқариш кенгайди ва аксинча яъни сотувчи сотаётган товари нархи, харидор белгиланган нархдан паст бўлса ишлаб чиқариш қисқариб боради-деган хулосани айтишган.

Бозор нархининг ўзгариши турли хил оқибатларни юзага келтиради. Булардан биринчиси, бу вақт ўтиши билан бозор нархининг мувозанат нархдан четланиши камайиб боради. Иккинчиси, бозор нархи мувозанат нархдан узоқлашиб, учинчидан эса бозор нархи мувозанат нарх атрофида тебраниб туради ва бозор мувозанатига ҳеч қачон эришиб бўлмайди.

Баъзи вақтларда бозор нархи давлат томонидан ўрнатилади. Бунда айрим маҳсулотларга энг юқори нарх белгиланади. Бундай ҳолатда маҳсулот танқислиги юзага келади товар танқислигини давлат ўз захирасидан товарларни бозорга чиқариш йўли билан очади. Бу орқали талаб ва таклифни тенглаштиради. Айрим зарурияти бўлганда давлат маҳсулотга энг кам нарх даражасини белгилайди. Кам нархнинг ўрнатилиши бозорда ортиқча маҳсулотнинг вужудта келишига олиб келади.

Шунингдек давлат солиқлар орқали ҳам бозорга таъсир кўрсатади. Давлат маъмурий қарорлар, юридик қонунлар, норматив ҳужжатлар орқали ҳам бозорда нарх шаклланишига таъсир кўрсатади.

Товар ҳўжалиги кўп сонли ишлаб чиқариш омиллари ва натижалари бозорнинг ўзаъро боғлиқ тизимидан иборат. Шунга кўра мазкур тизим мувозанатдами ёки йўқми эканлигини турли товарлар нархларнинг нисбати ўзгариши ёки ўзгармаслиги билан белгиланади. Бунга шартли равишда мисол келтирилганда, у қуйидагича тушунчаларни англатади. Масалан, 1000 сўмга 2 кг нон, 3 кг қатиқ, 0,5 кг олма сотиб олиш имкони бор деб фараз қилайлик. Агар бир ой ўтгач 1000 сўмга сотиб олиш мумкун бўлган товарлар миқдори, яъни 2 кг нон, 3 кг қатиқ, 0,5 кг олма сақланган бўлса унда нархларнинг нисбати ўзгармаган деб англанади. Бир мунча вақт давомида барча товарлар нархларининг нисбати ўзгармаса, бу ўша даврда бозорлар тизимини умумий мувозанат ҳолатида деган тушунчани англатади. Агар барча нархлар бир хил муносабатликда оширилса, бу уларнинг мутлоқ ҳажмларини ўзгартиради. Лекин тизимни илгариги мувозанатдан олиб чиқмайди. Бордию, турли товарлар нархларининг нисбати ўзгарса, ўзаро боғлиқ бозорлар жами мувозанатсизлик ҳолатида бўлади.

Бозорнинг ишлаши ва ривожланишига талаб, таклиф, нархлар ва бошқа миқдорий кўрсаткичларнинг ўзгариши орқали намоён бўладиган шарт-шароитларнинг жами бозор конъюктураси деб аталади. Конъюктура бу бозорнинг умумий ҳолати, нарх-наво, таъминот ҳолати ҳақидаги тушунча.

Бозор кўрсаткичи биртагина кўрсаткич эмас, балки у бозорнинг бутун ҳолатига таъсир этувчи кўрсаткичлар йиғиндисидир. Бозорда мувозанатлик нархни тушуниш учун вақт омили катта аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли бозордаги бир зумлик, қисқа даврли ва узоқ даврли мувозанатли ҳолати бор. Буни англаш ва шунга кўра иш юритиш лозим. Бир зумлик мувозанат учун тақдим қилинадиган товарнинг ўзгармас ёки доимий миқдори хос. Бу ишлаб чиқаришнинг бозор вазиятига тез, бирданига мослашаолмаслиги билан боғлиқдир. Қисқа даврли мувозанатликни, ишлаб чиқариш ва

таклифни вақтинчалик амалқилувчи омиллардан фойдаланиш асосида қўпайтириш имконияти таъқозо қилади.

Бундай вақтинчалик омилларга иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунлари ишлаш, иш алмашувини (сменаси) қўпайтиришлар киради. Узоқ даврли мувозанатлик ўзгариши узоқ муддатли даврдаги омиллардан фойдаланишни таъқозо қилади. Бунда ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, янгилаш ва қўшимча қувватларни вужудга келтириш билан боғлиқ инвестициялар ҳақида гап боради. Бу даврда янги корхоналарнинг пайдо бўлиши мумкин.

Бозор мувозанатини шакиллантириш борасида мамлакатимизда тинимсиз илмий амалий ишлар қилинмоқда. Ишлаб чиқариш унумдорли ва самарадорлигини узлуксиз ошириш вазифа бўлиб қолмоқда.

### Асосий таянч тушунчалар.

**Талаб**—бу туловга қодир эҳтиёж бўлиб, харидорларнинг маълум миқдорда ва турдаги товарни маълум нарх билан ва маълум вақт давомида сотиб олишдир.

**Якка талаб**—бу айрим харидорларнинг ўзига хос махсус талаби бўлиб, ўзгалар талабини такрорламайди.

**Бозор талаби** — бу жами харидорларнинг муайян товарни сотиб олишга бўлган талаби, бу талаб якка талблар йиғиндисидан ташкил топади.

**Талаб қонуни**— ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи манфаатини фойда топиши билан бозорни тўлдириб фаровонликни таъминлашни уйғунлаштирад. Бозордаги талаб таварларнинг нархига нисбатан тесқари муносибликда ўзгаришни билдиради.

**Талабнинг эластиклиги** — нархнинг ўзгаришига нисбатан талабнинг ўзгариш даражаси .

**Талаб нархи** —бозорда харидор билдирадиган нарх.

**Таклиф** —бу ишлаб чиқарувчи маълум вақтда ишлаб чиқаришга қодир бўлган, нархнинг ҳар бир даражасида бозорга сотишга чиқарадиган таварлар миқдоридир.

**Таклиф қонуни** —бу таклифнинг миқдори нархга нисбатан тўғри муносибликда ўзгаришини ифодалайди.

**Таклиф нархи** —бозорда сотувчи мўлжаллаган нарх .

**Таклиф эластиклиги** —бу нарх ўзгаришига нисбатан таклифнинг ўзгариш даражаси.

**Товарлар таклифи** —бу муайян вақтда бозорга чиқарилган ва келтирилиши мумкин бўлган ҳамда маълум бир нарх қўйиб сотиладиган жами таварлардир.

**Товарнинг нафлиги** —бу уни истеъмол этишда харидор оладиган қониқиш.

**Умумий нафлик** —бу маълум товарлар тўпламини истеъмол этиш, қониқишдир.

**Меъёрий нафлик** —бу қўшимча равишда харид этилган товарлар келтирадиган нафликка айтилади.

**Мувозанат нарх** —бу сотувчи ва харидорнинг савдолашуви натижасида ҳар икки томонга маъқул деб топилган нарх.

**Даромад самараси** —бу даромаднинг харид қобилиятига таъсири.

**Нарх** —бу бозор ихтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлигининг пуллаг ифодасидир.

**Товар** —бу нафликка, қийматга эга, айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулидир.



## VIII БОБ. РАҚОБАТ ВА НАРХ, УЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ

Ушбу бобда қуйидаги иқтисодий, назарий тушунчалар тўғрисида хулоса ва фикрлар юритилади.

Рақобат нима, унинг қандай иқтисодий аҳамияти бор. Рақобатнинг объектив асослари. Рақобат ва монополия назарияси. Тармоқларарёро ва тармоқ ичидаги рақобат. Бир тармоқ ичидаги рақобат турлари, булар - соф ва монополистик рақобат. Монопсония, монополия нима. Давлат мулкчилигида юқори монополиянинг сабаблари ва хусусиятлари, унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Рақобат курашидаги соҳалар. Булар илмий-техникавий, саноат, ишлаб чиқариш, савдо-тижорат. Рақобатлашиш усуллари, булар нарх ёрдамида ва нархсиз рақобат. Ҳалол ёки маданийлашган ва фирром, яъни номаданий рақобат. Давлатнинг монополияга қарши тадбирлари. Ривожланган мамлакатларнинг монополияга қарши қонунчилиги. Ўзбекистон Республикасининг "Товарлар бозорида рақобат ва монополистик фаолиятини чеклаш тўғрисида"ги қонуни ва уни қўллаш.

Нарх ва унинг объектив асослари. Нарх, меҳнат, капитал сарфларининг ифодаси сифатида. Нарх талаб ва таклиф рақобат кучларининг ўзаро таъсири натижаси. Нархнинг турлари ва вазифалари.

Нарх ташкил топишининг бозор механизми. Бозорнинг турли нуқсонларида нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмининг аниқланиши. Мувозанатли нархлар. Ўз-ўзини, бозорни тартибга солишнинг шарт-шароити. Нархнинг давлат томонидан тартибга солиниши. Ўзбекистонда давлатнинг нарх сиёсати.

### 8.1. Рақобат механизми ва унинг моҳияти.

Рақобат ва унинг мазмуни илмий қандай изоҳларга эга. Бозор иқтисодиёти шароитида бозор субъектлари ниҳоят турли хилдир. Субъектлар булар таклифчилар, яъни сотувчи ишлаб чиқарувчилар, талабчилар, яъни харидорлар. Буларга яқка шахслар, хонадонлар, фирмалар, муассасалар, ташкилотлар, давлат ва бошқа бозор жараёнида фаолият кўрсатувчилар. Улар ниҳоят кўпчиликни ташкил этади. Шундай шароитда сотувчилар ўртасида, харидорлар ўртасида ресурс билан таъминловчилар ўртасида, бошқарув жараёнларида қатнашаётган барчалари ўртасида ҳар ким ўз манфаати томон интилиш намоён бўлади. Натижада ўзаро кураш, ўзаро ганимлиқ фазилатлари юзага келади. Бундай тортишувлар, бахslashувлар ўзаро, муштлашувлар орқали эмас, балки барчаси барабар бўлган бозор жараёнида ҳалол ҳаракат қилишликни, фақат билим ва укув билан иш юритишлики, бозор сирларини мукамал ўрганишликни тақазо этади. Бундай жараён фанда рақобат тушунчасида қабул қилинган.

Рақобат — бу бозор иқтисодиёти иштирокчиларининг ўз манфаатларини юзага чиқариш учун бир-бир билан кураши, уларнинг ўзаро бирлашувидир. Шунга кўра рақобат-бу бозор иқтисодиётининг туб белгиларидан биридир. Рақобат айниқса бозор шароитида муҳим аҳамият касб этади. Бусиз тараққиёт, ҳаёт ўзгариши бўлмайди. Бозор субъектларининг ҳар-бирининг озми-кўпми ўз мулки бор. Мулклар қандай кўринишда ва хусусиятда бўлмасин уларнинг барчаси бозор фаолиятидаги тутган ўрни бир хил. Уларнинг ҳаммаси талаб ва таклифга нарх мувозанатлигига, бозор мувозанатлиги қонун-қоидаларига риоя қилинади. Рақобат юритишда манфаатлар якка ва корпоратив, яъни гуруҳий кўринишда бўлади. Бозор иқтисодиёти учун якка яъни индивидуал манфаат биринчи эътибордадир. Шундай бўлсада якка манфаат юзага чиқиши учун гуруҳий манфаатни тан олиш унинг муносабатларига шерик бўлиш ҳаётий жараёндр.

Кишилар яшамоғи йўлида белгилаб олган мақсад уларни амалга ошириш учун мана шу иқтисодий манфаатлар уларга асос бўлади. Шулар туфайли ҳир-хил ўзаро рақобатга киришади. Ҳар бир корхона ўз фойдасини ошириш учун интилганда у билан муносабат кўрсатадиган, унинг-қаршисида турадиган рақиб зарур. Бу дегани барчаларига бир-бирларига қарши деган тушунча эмас. Рақобат манфаатлар тўқнашган жойда юз беради. Рақобатсиз бозор — бу “бефарқ, манфаатсиз” жараёнга ўхшайди. Рақобат ўз қонун қоидаларига, тартиб усулларига эга.

Рақобат қонуни — бу бозор тизимининг иқтисодий қонуни бўлиб, унга кўра иқтисодиёт субъектларининг ўз мақсадлари йўлидаги ўзаро кураши бўлиши аниқ. Бу кураш бозорга хос усулларда олиб борилади ва субъектларни иқтисодий жиҳатдан сайланиб олишни юзага келтиради.

Рақобат қонуни — бу ҳаётда ўз ўрнини топган қонун, у объект эв қонундир. Бу қонун бирон-бир қатнашувчининг тарафида масус ҳаракат қилмайди. У барчага ҳалол рақобатлашувни тақазо этади. Бу тартибга риоя этмаганлар унда қатнаша олмайди.

Рақобатнинг мазмун моҳиятини тушиниб олиш унинг қонун-қоидаларини мукамал ўрганишдан бошланади. Рақобатга қатнашувчи кичик бирон англашувдан эътиборсиз бўлса, унинг субъект манфаатига йирик ҳажмда иқтисодий зарар келтириш мумкин. Товар ҳўжалигини юритишда, буни билиш ва унга итоат қилиш ниҳоят зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов - “Рақобат бўлмаса бозор иқтисодиётини борпо этиб бўлмайди. Рақобат — бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир”-деган.<sup>5</sup> Бу муҳим моҳиятга эга бўлган. Бозорнинг бутун фаолиятини ифода этган тушунчадир.

Ишлаб чиқарувчиларнинг фаолият кўрсатувчи тадбиркор ва мулк эгаси сифатида эркин ва мустақил бўлиши рақобатнинг иқтисодий асосини ташкил этади. Рақобатнинг мавжудлигини товар-пули муносабаларитининг маълум даражада ривожланган бозор тизимида амал қилишда кўриш мумкин. Демак, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Каримов И. А. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” Т...”Ўзбекистон” - 1999 й

Ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган харажатларнинг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Фойда орқасидан қувиш натижасида товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозор учун, арзон хом ашиё, энергия ва арзон ишчи кучи манбалари учун улар орасида кураш бўлади. Истеъмолчилар сарфлаган ҳар бир сўм харажати эвазига кўпроқ нафликка эга бўлиш учун курашдилар. Уларнинг ҳар-бири арзон ва сифатли товар ва хизматларга эга бўлишга ҳаракат қилади. Ишлаб чиқарувчининг фаолият кўрсатувчи тадбиркор ва мулк эгаси сифатида эркин ва мустақил бўлиши рақобатнинг иқтисодий асосини ташкил этади. Чунки ҳар бир мулк эгасининг ўз манфаати бор.

Рақобат мавжуд бўлишнинг яна бир шarti — бу товар-пул муносабатларининг маълум даражада ривожланган бозор-тизимда амал қилишидир. Рақобат барчанинг иши. Барча яхши яшашни истади. Тўқинчилик, фаровонлик яратилишини истади. Шунга кўра, фирма билан фирма харидор билан харидор таклифчи билан таклифчи баҳслашади, курашади. Масалан, ишчи билан унинг раҳбари, сотувчи билан харидор ва ҳоказолар. Тирик табиатда яшаш учун кураш деган қоида бор. Иқтисодиётда ҳам шундай. Иқтисодиётдаги қоидаларни ижтимоий дарвинизм тамойили деб атайдилар. Иқтисодиётда ҳам яшовчанлар ютиб чиқса, заифлар маълум бўлади.

Бозорда фирмалар ресурсларни арзон олиш ва таварларни қимматроқ сотишга интиладилар, фойдани кўпроқ олиш учун курашадилар. Шунингдек, ишчи хизматчилар эса кўпроқ даражада иш ҳақи олайлик деб интилади. Харидор товарни арзон олмоқчи бўлса, сотувчи эса қимматроқ сотсам дейди. Ишчи ва хизматчилар яхшироқ яъни моддий унумлироқ вазифага жойлашиш учун рақобатлашади. Рақобатчиликнинг қаерда, қандай кўринишда, ким билан бўлишидан қатъий назар унинг барчаси ўз фаровонлиги, манфаати учун курашади. Инсон фазилатига бундай ҳаракат хосдир.

Рақобат майдони-бу бозордир. Рақобат курашида энгиб чиқиш ёки мағлуб бўлиш шарт-шароити ишлаб чиқаришда ҳозирланади. Тайёрланган маҳсулотга харидор борми, йўқми-бу ҳам ўзига хос муааммога эга.

Рақобат-бу умумий ижтимоий категория. У ижтимоий жараёнлар қатнашчилари ўртасидаги кураш. Бу кураш яхшироқ яшаш шароити учун бўладиган курашдир. Кишиларнинг иқтисодий фаолияти бошқа фаолиятларнинг асосини ташкил қилгани учун кишилик жамияти ҳаётда иқтисодий соҳадаги рақобат муҳим рол ўйнайди. Иқтисодий соҳадаги рақобат ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектлари, яъни ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, тадбиркорлар, ёлланма ишчилар ва бошқалар ўртасида қулайроқ ишлаб чиқариш шароитига эга бўлиш, унумлироқ технология, иш жойи, яхши бозор, умуман юқори даромад олиш имконияти учун олиб бориладиган курашдан иборатдир.

Иқтисодиёт соҳасидаги рақобат кўп қиррали ҳодиса бўлиб, яхши даромад кўриш, ўз қобилиятини тўлароқ ишга солиш, ўзи манғул ишни ривожлантириш, ўз соҳасида обрў-этиборга эга бўлиш учун курашишни билдиради.

Рақобатчиликнинг энг илдиз отган, кенг майдонга эга соҳаси — бу тадбиркорликдир. Шунга қўра тадбиркорликни капиталнинг ички табиати деб тушунишадилар. Рақобат асосан, бозор фаолиятига хос жараён. У барча ишлаб чиқариш жараёнларида бўлмайди. Масалан, натурал ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарувчилар маҳсулотни ўз эҳтиёжлари ҳажмида тайёрлайдилар ва шундай истеъмол қилишади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорга олиб чиқилмаса ва у ўз истеъмолига мўлжалланган бўлса. Ушбу маҳсулотнинг тақдири фақат уни ишлаб чиқарган мулк эгасидан боғлиқдир. Бу маҳсулотнинг истеъмол қилинишида фойда ортириш умидлари йўқ ва ўз ўрнида бунда рақобат ҳам бўлмайди. Натурал ҳужалик ўзини-ўзи таъминловчи ҳужалиқдир. Бу ҳужалик бозор аълоқаларига киришмайди. Бу ҳужаликда яхши ҳаридор топиш, ёки ресурсларни қўлай шарт билан сотиб олиш каби бозорга алоқадор бўлган жараёнлар билан шуғуланмайди. Қаерда бозор иқтисодиётининг пайдо бўлиш элементлари юзага кела бошласа, ўша ерда рақобат жараёнлари бошланади. Чунки бозор тушунчасида, бозор хусусиятида беллашув, курашув, излашув каби тадбиркорга хос фаолият бор. Бозор ривожланиб, катталаниб борган сайин у ерда рақобатчилик ҳам шунга хос равишда ўсади.

Бозор рақобати тарихдан 4 босқичдан ўтади. Дастлабки босқичда натурал ҳужаликдан бозор иқтисодиётининг дастлабки даврларига ўтган. Бу даврда рақобат майда товар ишлаб чиқарувчилар орасида бўлган. Бу даврдаги ўтган рақобатлар, маҳаллий бозорлар, доирасида бўлган. Шунингдек, бир турдаги товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида бўлган. Рақобатда тажриба тўплаш, меҳнатда маҳорат кўрсатиш каби фазилатлар-бу рақобатда голиб ҳисобланган.

Иқтисодий тараққиёт ривожланиб борган сайин рақобатнинг янги босқичи юзага келади. Бу капиталистик эркин рақобат босқичи деб ҳисобланган. Бу босқич товар ҳужалигининг оммавий тус олиши билан ажралиб турган. Демак, майда товар ишлаб чиқариш ўрнига йирик машиналар тизимига ва ёлланган меҳнатга таянган товар ишлаб чиқаришнинг келиши билан ифодаланади. Бундай шароитда рақобат эркин курашга айланади, уни чеклаб бўлмайди. Бу кураш вақт ўтиши билан маҳаллий бозор доирасидан чиқиб, миллий бозор миқёсида пайдо бўлади. Бу шароитда рақобат янада жиддий ва шиддатли бўлади. Бунда рақобатлан голиб чиқиш учун янги техникани жорий этиш талаб қилинади. Бу унинг ҳажмига, ҳолатига, субъектларига хос жараёндир. Бунда меҳнат унумдорлигининг ўсиши, янги товарлар ишлаб чиқарилиши тақозо этилади.

Рақобатнинг монопол ва эркин босқичлари ҳам мавжуд. Монопол рақобат — бу якка ҳокимликка интилувчи йирик корхоналарнинг курашидир. Рақобатда энгиб чиқиш ниҳоят мураккаб кечади. Бунда ҳам янги техника, ҳам янги товарлар, бозорни эгаллаб олиш, сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиш кенг йирик талаблар бўлади. Монопол рақобат фаолият кўрсатиб турган даврда ҳам эркин рақобат бутунлай йўқ бўлмайди.

Рақобатнинг эркин босқичи — бу аралаш иқтисодиётга хосдир. Бу босқичда рақобатчилар кўпчиликни ташкил этади. Улар йирик корхоналар

ўртача, майда ва ўрта майда корхоналардан иборатдир. Бу босқичда рақобат доираси кенгайиб, улар хизмат кўрсатиш бўйича ҳам беллашадилар. Булар молия бозорига, саёҳат тармоғига, спортга, ҳарбий бизнесга ва бошқа йўналишларга тикилади. Рақобатлашув байналминаллашиб, халқаро бозор доирасида ҳам юз беради.

## 8.2. Рақобат шакллари, турлари ва усуллари.

Ижтимоий жамият ривожланиб бориши билан рақобатчиликнинг турлари ва шакллари ҳам турли хил бўлиб, унга мослашиб боради. Эркин рақобат даврида, тармоқ ичидаги рақобат, тармоқлараро рақобат, мукаммал ёки соф рақобат, номукаммал рақобат, мустақил ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат, ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат, миллий бозордаги рақобат, жаҳон бозорига рақобат, харидорлар ўртасидаги рақобат, соғувчи билан харидор ўртасидаги рақобат, минтақалар ўртасидаги рақобат, минтақалараро рақобатлар кураши мавжуд. Тармоқлар ичидаги рақобатлар ўз ўрнида турли шаклларда бири-биридан ажралиб туради. Масалан, эркин рақобат, монополистик рақобат, монополия рақобати ва олигополия рақобатлари. Бу рақобат номлари халқаро мазмунда ёзилган. Монополия сўзи юнонча бўлиб, моно-бу танҳо, полия-сотаман мазмундадир. Олигополия — бу монополия гуриҳида фаолият кўрсатади. Булар нархсиз рақобат олиб борадиган оз сонли йирик корхона ва фирмаларнинг бозорда ёки бирон-бир хўжалик соҳасидаги ҳукумронлиги.

Рақобат турлари. Бунда авваломбор тармоқ ичидаги рақобат. Улар барчаси бир хил товар ишлаб чиқарадилар, лекин улар ишлаб чиқаришнинг ва сотишнинг қулай шароитлари учун, яхши фойда олиш учун ўзаро курашадилар. Улар бир турдаги товар ишлаб чиқарсаларда уларни харажатлари, умуман маҳсулот тан нархи турлича бўлади. Чунки ҳар бир корхонанинг жиҳозлар билан, умуман ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлиги турлича. Шунингдек ишлаб чиқарувчиларнинг илмий-амалий салоҳиятлари турлича бўлади. Бу ҳолат ишлаб чиқариш унумдорлигига ва самарадорлигига албатта таъсир кўрсатади. Масалан, бир тармоқнинг бир корхонаси Тошкент шаҳрида жойлашгани холда иш тармоқининг яна бир корхонаси Темизда фалоят кўрсатади. Уларнинг иш натижалари ҳам ҳажим бўйича, ҳам сифат бўйича фарқ қилади. Кархонанинг янги ишлаб чиқариш воситаларидан ва ундан фойдаланишдан унинг натижаси боглиқ бўлади. Шундай бўлсада қиймат қонуни мазмунига асосан бир қанча якка қийматлар ижтимоий, яъни бозор қийматига келтирилиб хулоса қилинади.

Тармоқ корхоналари учун тоифага бўлиниши мумкин. Биринчиси, “яхши” бу тармоқ бўйича ўртачадан юқорироқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичларига эга корхона. Иккинчиси, “ўртача”—бу тармоқда ўртача даражада бўлган корхона. Учинчиси, “ёмон”—бу маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича энг паст даражада бўлган корхона. Буларнинг ўзаро фарқ

қилишнинг сабаби шундаким, ишлаб чиқариш даражаси кўпгина омишлардан боғлиқ бўлади. Улар ишни тўғри ташкил қила билишдан, табиий ва амалий шароитнинг даражасидан, уқув-билишдан ва бошқалардан. Масалан, фан техникани тариқий эттириб ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, иш унимини ошириш мумкин. Шунингдек ишчи ходимлар малакасини ошириб бориш, иш услубини такомиллаштириш ҳам фойдалидир. Учунчидан ҳар бир ишчи кўпроқ даромад олиш учун ишга бўлган муносабатини яхшилашга ҳаракат қилади. Туртинчидан, ички рақобат имкони барича мавжуд ресурслардан интилиб изланиб фойдаланиш кайфиятини яратади. Тармоқлараро рақобат. Буни тармоқлар мисолида ўрганиш мумкин. Масалан, саноат тармоғи, қишлоқ хўжалиғи ва қурулиш. Ҳар бир тармоқ капитали узлуксиз фойда келтириши лозим. Рақобатнинг моҳиятида мана шу зарурият ҳам бор. Шунинг учун капитал соҳиблари уларни фойдалироқ соҳаларга жойлаштиришга ҳаракат қиладилар. Улар учун нимани бозор кўтарса шунини ишлаб чиқаради. Шунга кура ҳам тармоқлараро рақобатнинг асосий йўналиши ўзида мавжуд бўлган ва ишлаб чиқаришга сарфлаш имкони бўлган капитални қандай мақсадга харажат қилиш лозимлигидадир. Сарфланган капитал деярли катта миқдорда фойда келтириши зарур. Юқори фойда учун кураш тадбиркорларни уз капиталини фойда кам тармоқдан фойда кўп тармоққа кучиришга мажбур қилади. Оқибатда капитал кўпроқ сарфланган тармоқда тақлиф ортиб боради.

Тармоқ фойда олиш даражасини ошириши учун ишлаб чиқараётган маҳсулотлар туруни яъни бозоргир маҳсулотларини кўпайтиради.

Рақобатлашувчи корхона, фирмалар ўзларига керак бўладиган хом ашёларни ўзлари ишлаб чиқарадилар. Бу ўз ўрнида ресурслар нархининг пасайишига олиб келади. Масалан, машинасозлик фирмаси ўзини металл, керакли деталлар билан таъминлайди. Шунингдек автомобил фирмаси ўзини автошиналар, электр асбоблари билан таъминлайди. Рақобат моддий ва меҳнат ресурсини тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаб уларни керакли соҳаларга ўтишини таъминлайди. Бу билан ишлаб чиқариш таркиби янгиланади, иқтисодий ўсиш юз беради. Эркин рақобат шароитида товарларнинг капитал ва иши кучининг эркин ҳаракати йўлидаги тўсиқлар олиб ташланади ва ягона умум миллий, яъни жаҳон бозори шаклланади. Эркин бозор шароитида рақобат хўжаликка рақобат берувчи бош дастакка айланади.

Монополистик корхона —бу у ёки бу тармоқда ёхуд у ёки бу бозорда ўзининг иқтисодий қудрати туфайли нархлар ўрнатилиши имкониятига эга бўлган корхоналар, ёки уларнинг бирлашмаси тушунилади. Монополиялар рақобатни чекласаларда, уни йўқата олмайдилар. Монополия рақобатнинг йўналишини ўзгартириши мумкин.

Иқтисодий курашда мукамал ва номукамал рақобатлар ҳам бор. Рақобат, унда иштирок этувчиларнинг сони, мавқеи иқтисодиётга таъсири, кураш усулларга қараб турланади. Бозор иқтисодиёти шароитида асосан икки хил рақобат мавжуд. Булардан биринчиси - бу мукамал рақобат.

Мукаммал рақобат, эркин бозордаги кўпчиликдан иборат сотувчилар ва харидорларнинг ҳар бири чекланмаган ҳолда бозор қонун-қоидаларига биноан ва ҳар-хил усул билан олиб борадиган рақобатдир. Унинг уч белгиси бор. Биринчиси рақобатлашувчилар кўпчилик бўлади. Буларнинг таварларни танлаб олишига имкон беради. Иккинчидан рақобатлашувчилар бир турдаги товарни бозорга таклиф этадилар, ҳаридор учун курашадилар. Учунчидан рақобатда қатнашиш ихтиёрийдир.

Демак, рақобатли иқтисодиёт муайян ресурслар шароитида улардан максимал миқдорда товар ва хизматлар ишлаб чиқарилишини таъминлашга мойил бўлади. Агар рақобатчи фирманинг олган доромати унинг ўзгарувчан харажатларини қоплашга етмай қолса у ўз фаолиятини вақтинча тўхталади. Нархлар кўтарилиб даромад харажатдан ошгунча фирма буни кутади ёки ишлаб чиқаришни қисқартиради.

Монополиялар мавжудлиги туфайли бозор шароитида номукаммал рақобат ҳам мавжуд бўлади. Номукаммал рақобат – бу монополиялар бозорида озчиликдан иборат сотувчилар ва харидорларнинг чекланган тарзда ва хилма-хил усуллар билан юз берадиган рақобатидир. Монополия бозори бу эркин бозор эмас. Чунки озчиликни ташкил қилувчи йирик фирмалар товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг асосий қисмини ўз қўлида тушлаб олиб, бозорда эгалик қилади. Номукаммал рақобат таркибида монополистик, олигополия, соф монополия ва моносония рақобатлари бор.

Монополистик рақобатда кўп сонли, лекин унча йирик бўлмаган ўхшаш товарларни таклиф қиладиган фирмалар рақобатлашади. Монополистик бозор очиқ бўлади. Унга бошқаларни кириб бориши осон. Монопол рақобатли бозорда эса, бир-биридан фарқланувчи товарлирни таклиф этилади. Бу бозорга кириш ва чиқиш эркинлигидир.

Монопол рақобатда янги сифатлироқ маҳсулотни чиқариш курашининг асосий усули ҳисобланади. Монопол рақобатда савдо марказлари воситасида ҳам узаро кураш бўлади.

Олигополия шароитдаги рақобатда озчилик, лекин гоёт йирик фирмалар қатнашади. Ишлаб чиқариш ва сотиш уларнинг ўз қўлида сақланади. Улар сотадиган товарлар асосан стандарт товарлардир. Масалан, мебель, автомобил, телевизор, магнитофон, музлаткич ва шу қабиладир.

Соф монополия шароитидаги рақобат ишлаб чиқарувчилар ўртасида бўлмайди. Улар ресурс харидорлари бўлганда фаолият кўрсатади. Соф монополия – бу ишлаб чиқариш ва товарлар таклифини ягона яъни ҳеч бир рақиби йўқ компания қўлида бўлишини билдиради. Бунда ишлаб чиқариш тармоғи битта компаниядан иборат бўлади. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ниҳоят ноёб бўлиб унинг яқин ўринбосарлари бўлмайди. Соф монополия бор тармоққа бошқа фирмаларнинг кириш йўли тўсиб ташланган.

Рақобат курашнинг икки усули ҳақида. Улар бир-биридан фарқлироқ нарх воситаси ва нархсиз рақобат олиб боарди. Нарх воситасида рақобатлашувида курашнинг асосий усули ишлаб чиқарувчиларнинг ўз

товарлари нархларини бошқа шундай ишлаб чиқарилган товарлар нархларидан пасайтиришни юзага келтиради. Шунга кўра бундай жарёнларни “нархалар жанги” деб айтишадилар. Нархни пасайтиришдан асосий мақсад рақибини майдондан сиқиб чиқаришга қаратилгандир. Бу усулдан фойдаланишда ишлабчиқаришга янги техника — технологиялар келтирилади. Ишчи ходимлар малакаси оширилади, қайта ўқилади. Натижада булар меҳнати анча серунум бўлади, маҳсулотлар тан нархи паст бўлади, яъни сарфланган харажатлар камаяди. Лекин товар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб боради. Ана шундай ҳолатда бозорда маълум даврга нархни пасайтиргани билан ҳам фойда олиш таъминланади. Илгари юқори нархда 100 дона сотилган бўлса, энди паст нархда 200 дона сотилади, пулнинг айланиши ортиб боради. Шунинг эвазига ҳам фойда олиш даражаси деярли пасаямайди.

Рақобатлашишда демпинг усули ҳам бор. Бунда ишлаб чиқарувчилар товарларни бошқа мамлакатларга экспорт қилганда ўзларининг ички бозоридagi нарх даражасидан, айрим ҳолларда маҳсулот таннархи даражасидан ҳам паст нархга сотадилар. Мақсад ички бозорда нархларнинг барқарорлигига эришиш ҳамда ортиқча маҳсулотни экспорт қилиш. Оқибатда улар янги бозорга кириб олади, ўзларининг иқтисодий мавқесини мустаҳкамлайди.

Рақобат курашининг иккинчи усули бу нархсиз рақобатдир. Бунда рақобат курашининг асосий омили-бу нарх эмас, балким маҳсулот сифатидир. Рақобатнинг гирром усуллари ҳам бор. Бунда рақобатнинг кейинги фаолияти учун мўлжалланган режаларни ўғирлаб иш кўриш, турли хил тўсиқлар яратишдир.

### **8.3. Бозор иқтисодиёти шароитида монополия ва антимонопол сиёсат.**

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг энг зарурий қуролларидан бири-бу рақобатчилик. Рақобат бор жойда тараққиёт бор. Айниқса иқтисодий ривожланишда бу муҳимдир. Шунга кўра жамиятнинг барча йўналишидаги фаолиятнинг барқарор тараққиёти зарур. Рақобат иқтисодиётни ҳаракатга келтириб унинг ривожланишини таъминлайди. Бу мақсадларга эришмоқ учун рақобатчилик муҳитини яратмоқ зарур.

Рақобатчилик муҳити-бу рақобат узлуксиз ва чекланмаган ҳолда бориши учун керакли шарт-шароитнинг мавжудлигини таъминлаш лозим. Бундай муҳит рақобатли бозорга хос бўлади. Рақобатчилик муҳитини биринчидан хусусий мулк эгасига, иккинчидан, иқтисодий танлов эркинлиги, учинчидан нархларнинг эркин шаклланишидан ва ниҳоят тўртинчидан иқтисодий беллашув усуллариининг эркин танлаб олиш имкониятининг борлигидан. Рақобатчиликнинг муҳити — бу эркин иқтисодий шароитнинг бўлишини тақазо этади. Масалан, Ўзбекистонда шундай шароит яратилмоқда.



“Иқтисодиётни эркинлаштириш-деган эди, Президентимиз И.А.Каримов-ҳақиқий рақобат муҳитини яратиш билан узвий боғлиқ”.<sup>6</sup> Рақобат муҳитига жиддийлик хос бўлади. Бу биринчидан иқтисодий эркинликни билдирса, иккинчидан эса, эркинлик объектив таризда монополлашувни юзага келтиради. Монополлашув рақобатнинг душманидир. Шу туфайли мукамал рақобатдан номукамал рақобат келиб чиқади. Иқтисодиётда монополлашув баҳси бор. Бу рақобатни қисади, чеклаб кетади. Шунга кўра бундай носоглом вазиятда давлат аралашуви юзага келади. Давлат аралашувида икки хил тадбир қўлланилади. Биринчиси бу рақобатлашувчи фирмалар сафининг кенгайишига шароит яратади. Давлат томонидан бозорга турли хил фирмаларнинг кириб келишига имкон яратади, бу биринчидан. Иккинчидан эса барча фирмаларнинг иқтисодий мустақиллигини қонун йўли билан кафолатлайди.

Давлат тадбирининг иккинчи кўриниши-бу антимонопол сиёсат юргизишидир. Антимонопол монополияга қарши сиёсат демак. Сиёсатнинг олиб борилишида, биринчидан давлат янги фирмаларни очади ва ёпади, иккинчидан уларни рўйхатга олишни арзонлаштиради, учинчидан уларни порахўрликдан ҳимоя қилади ва тўртинчидан ҳамма рақобатчилар учун бир хил даражада солиқ белгилайди. Шунингдек, давлат барчасига бир хил ишлаш тартибини жорий этади, савдо-сотиқ шаҳобчаларини бир-бирига яқинида жойлаштиради. Масалан, Италияда рақобатга шароит яратиш учун бир хил турдош ёки ўриндош товар сотувчи дўконлар бир-биридан 400 метрдан ошиқ бўлмаган ерда жойлаштирилади. Сабаби ҳаридорларнинг дўконларга келишлари бўйича сотувчилар ўртасида рақобат бўлишлиги учун. Давлат ўз корхоналарини хусусийлаштириш орқали рақобатчилар сафини кенгайтиради.

Давлатнинг антимонопол сиёсати-бу биринчидан янги монополияларнинг ҳосил бўлиши олдини олишга қаратилган, иккинчидан мавжуд монополияларни жиловлаб туришга қаратилади. Давлатнинг монополиянинг янгидан юзага келишига йўл бермаслик учун йирик компанияларнинг бирлашиб кетишига рухсат берилмайди.

Ўзбекистонда давлат корхоналари хусусий мулк сифатида сотилади. Улар акционерлар жамятларига айлантирилади. Янгидан хусусий корхоналар очишига рухсат берилади, фермер хўжаликлари ташкил этилади.

Ўзбекистондаги антимонопол сиёсат ўтмишдан меросга қолган монополия мавқеидаги корхоналар фаолиятини тартиблашга қаратилади. Буни амалга оширишни давлатнинг антимонопол комитети амалга оширади. Комитет монопол корхоналар рўйхатини жорий этади. Комитет бу монопол корхоналарга нарх чегарасини белгилаб беради. Корхоналар монопол нарх ҳисобидан олган устама фойдасини давлатга ўтказиб беради. Мавжуд бўлиб турган монопол корхоналар фаолияти устидан давлат назорати ўрнатилади.

Иқтисодиётда монополлашув кучайиб бориши билан рақобат чекланади. Шунинг учун ҳам давлат рақобатни ҳимоя қилади, тегишли тадбирлар

<sup>6</sup> Каримов И.А. Каримов И. А. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т... “Ўзбекистон” 1999 й.

қабул қилинади. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш Президентимиз И.А.Каримовнинг иккинчи чақирिқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида аниқ ифода этилган эди. Унинг мазмуни шундаки-иқтисодиётни эркинлаштириш, бу хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишни аниқлади.

Иқтисодий зарурият туфайли Ўзбекистонда “Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида” қонун қабул қилинди. Қонун 1992 йил, августда кучга киритилди. Қонун асосида қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар ҳаётга тadbиқ этилди.

Қонуннинг мазмунида биринчидан бозорда атайлаб тақчиллик ҳосил қилиш, иккинчидан нархларни монополаштириш, учунчидан рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўсиқлик қилиш, тўртинчидан рақобатнинг фирром усулларни қўллаш ман этилади. Қонунга биноан ким ноурин ҳаракат қилса, у рақибига етказган зарарни қоплаши шарт. Шунингдек у жарима тўлаши, фирромлик билан олган фойдадан маҳрум этилиши белгиланган.

Ўзбекистонда монополия фаолияти кўрсатувчи фирмалар, корхоналарга мазкур қонунга асосан уларнинг бозордаги иш қўлами яъни чораси белгилаб қўйилган. Масалан, бозорда бир хил товарлардан агар 100 тонна таклиф қилинса, озиқ-овқат бўлса, шундан монопол корхона ўша бозорда, ўша товарлардан 20 тонна сотиш ҳуқуқига эга. Демак умумий таклифнинг 20 фоизига эга. Маҳсулот, товар саноат ишлаб чиқаришига эга бўлса, у холда бозорда шу таварга бўлган умумий таклифнинг 35 фоизигача миқдоридан монопол фирма сотиши мумкин.

Белгиланган қонунларга риоя қилинмаса, унда биринчидан монопол мавқеидаги корхоналар маҳсулотларига нархларнинг энг юқори даражасини ёки рентабилликнинг чегарасини белгилаб қўяди. Бу рўйхатга кирган монопол корхоналарнинг бозордаги мавқеини тартибга солишда давлатнинг қабул қилган усуллари ижроси бўлади. Шунингдек ўз мавқеини суистеъмол қилган монополистик бирлашмаларни бўлиб ташлаш ёки майдалаштириш. Бу усуллар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 июлдаги, 366 сонли қарори билан тасдиқланган. Мазкур усуллар “Объектларнинг хўжалик юритувчи жамиятлар ва ширкатлар таркибидан чиқиш тартиби тўғрисидаги низом” асосида амалга оширилмоқда. Республикада, биргина 1994-1996 йиллар давомида монопол мавқеидаги акциядорлар жамиятлари, ижара ва бошқа жамоа корхоналар таркибидан 14972 объект чиқариб, мустақил корхоналарга айлантирилди. Биргина 2000 йилда хусусийлаштирилган объектлар ҳисобидан 154 очик турдаги акционерлик жамиятлари ташкил топди.<sup>7</sup>

Табиий монополияларни давлат йўли билан тартибга солиш улар маҳсулотларига нархлар ва тарифлар даражасини, шунингдек таклиф этиладиган товарлар ва хизматлар турига доир асосий кўрсаткичларни

<sup>7</sup> Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари, 2001 йил.

белгилашни ўз ичига олади. Мақсад Республикада рақобатчилик муҳитини барпо этиш. Бунинг учун, амалга оширилаётган барча ишларни бозор иқтисодиётини таркиб топтиришга бошлаш зарур.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор бўлишини юзага келтиришда энг зарур ва энг асосий кўрсаткич бу нарх сиёсатидир. Нарх гуё иқтисод эшигини очиб берувчи калитдир. Демак, нахларни эркинлаштириш билан иқтисодий ислохатларнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлган ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг бажарилиб боришлигини таъминлашдир.

#### **8.4. Нарх, унинг мазмуни, турлари ва вазифалари.**

Товар қийматининг миқдори ижтимоий зарур меҳнат сарфлари билан белгиланади. Нарх асосида товарнинг қиймати ётади. Ижтимоий зарур сарфларнинг индивидуал сарфларидан асосий фарқи меҳнат унумдорлигидаги фарқлар билан бўлиқ. Бу ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий ва шахсий омиллариининг сифатида намоён бўлади. Ижтимоий зарурий сарфлар ишлаб чақариладиган маҳсулотларнинг бутун массасига нисбатан унинг ижтимоий нафлиликни ҳисобга олган ҳолда ташкил топади. Ижтимоий нафлилик жамиятининг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжга боғлиқдир. Эҳтиёж кам бўлса, маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари кам бўлган, оз сонли энг яхши корхоналарда тўпланиши мумкин. Аксинча ижтимоий эҳтиёжнинг анча кенгайиши, одатда маҳсулот ишлаб чиқаришга чиқимлари анча юқори бўлган ўртача ва ҳатто ёмонроқ даражадаги корхоналарни ҳам жалб этишни талаб қилади. Демак, ижтимоий зарур меҳнат сарфлари ҳам яхши, ҳам ўрта ва ҳатто ёмон шароитларда ишлайдиган бир гуруҳ корхоналар томонидан белгиланиши мумкин.

Ижтимоий зарур меҳнат сарфлари тушунчасининг мураккаблашуви турли тармоқлар маҳсулоти бир-бирига боғлиқлиги ва бир-бирининг ўрнини боса олиши билан боғлангандир. Масалан, кўмир қисман табиий газ ва мазут билан алмаштириш мумкин бўлади. Шунга кўра кўмир қазиб чиқиш учун тармоқ бўйича қилинадиган ўртача сарфларни ижтимоий зарур сарфлар дейиш нотўғридир.

Ижтимоий зарур сарфларни тўлиқ аниқлаш учун муайян эҳтиёжни қондирадиган маҳсулотларнинг бутун массасини олиш лозим бўлади.

Бозорда тавар ва хизмат ҳарид қилинганда бунга қанча пул тулаш кераклигини нарх орқали аниқлаш мумкин бўлади. Нарх арзон бўлса пул камроқ, нарх қimmat бўлса пул кўпроқ тулаш бўлади. Демак, нарх бозорда олди-сотди алоқаларини белгилаб беради.

Нарх бозор алоқаларининг асосий иқтисодий воситаси бўлиб товар ва хизмат бирлигини сотиб олиш учун туланадиган пул миқдорини билдиради. Товар сотилганда маҳсулотлик хусусиятини товарлилик хусусиятига алмаштиради. У сотилмаса товар бўлмайди. Маҳсулотни харидор товар сифатида сотиб олади, яъни пулни товарга айирбошлайди. Харидорнинг пули бўлмаса бу жараёни амалга ошира олмайди. Харидор қанча ҳажмда

товар сотиб олишини, унинг пул имконияти, товар нархининг миқдори белгилайди. Товарнинг қандай нархда сотиб олинишлиги сотувчи билан харидор ўртасида бўладиган келишув муносабатига боғлиқ. Уларнинг ҳар бирининг ҳам мўлжалланган нархи бор. Товарни улар мўлжалидаги нарх билан сотиш мумкин эмас. Чунки бир товар учун икки ҳажмида нарх мавжуд. Шунга кўра товарни бозор нархида, яъни сотувчи билан харидорнинг келишган нархида сотиш мумкин бўлади.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос, фаолият юритувчи нархлари бор. Бу нархлар бир-бири билан боғланган ҳолда ишлайди. Лекин унинг ҳар — бирининг ўз йўналиши бор. Нархнинг шаклланиш жараёни анча мураккаб, унинг иштирокчилари анчагина, уларнинг тури кўп. Нарх мезони бор. Мезон-бу нархларнинг шакилланиш механизми, унинг амал қилиш соҳалари ва миқёси, уни қўллашдан қутилган мақсадлардир. Нархлар эркин ва монополашган шаклларда мавжуд. Нархлар амал қилиш жиҳатидан улгуржи ва чакана нархларга бўлинади. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналаридан истеъмолга чиқарилаётганда кўтара ёки улгуржи нархларда ҳисоб қилинади. Товарлар тўғридан-тўғри харидор ихтиёрига ўтишда, яъни сотиб олинаётганда, чакана нарх билан ҳисоб қилинади.

Улгуржи нарх ишлаб чиқарувчилар томонидан катта миқдордаги товарларни бир йўла кўтарасига харид этувчига сотилган пайтда қўлланиладиган нархдир. Улгуржи нарх ишлаб чиқарувчи сарфлаган харажатларни қоплаши ва маълум миқдорда фойда олишни таъминлаши лозим. Акс ҳолда зарари ҳисобидан ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириш мумкин эмас. Ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотларини корхона омборидан тўғри яққа харидорларга сотаолмайди. Шунга кўра ишлаб чиқарувчи маҳсулотларини кўтара сотади.

Улгуржи нарх билан сотиб олинган товар учун нақд ва нақдсиз ҳисоб қилиш мумкин. Кўтара товарларни бирин-бир банкда ҳисоб счётлари бор. Харидор сотиб олса товарлар қийматини банк орқали, яъни харидор банкдан, сотувчи банкка ўтказиб бериш йўли билан ҳисобни тенглаштиради. Улгуржи нархлар товар биржаларида, савдо уйларида, улгуржи бозорларда сотувчи билан харидор ўртасида амалга оширилади. Улгуржи нарх шартнома нарх шаклида ҳам бўлади. Кантракт (шартнома) нарх икки томоннинг розилиги билан, барча бандлар келишилган ҳолда тузилади ва унга қаттиқ амал қилинади.

Нархнинг яна бир кўриниши-бу чакана нарх дейилади. Чакана нарх — бу товарлар бевосита истеъмолчиларга сотилаётганда қўлланиладиган нарх. Чакана нархга улгуржи нарх, савдо қилувчи фирманинг харажатлари ва оладиган фойдаси қиради. Чунки товарни сотувчи зарар кўрмаслиги лозим, акс ҳолда унинг фаолияти давом этмайди. Чакана нарх бу бозор нархи, бу талаб ва таклифнинг келишган мувозанат нархидир. Чакана нархларнинг турли кўринишлари бор. Масалан, махсус арзонлаштирилган нарх, ёки стандарт нарх. Махсус арзонлаштирилган чакана нархлар билан товарлар иқтисодий муҳтожларга, ҳайр-эҳсон қойдасига биноан сотилади. Бозорда ўзгарувчан ва стандарт нархлар қўлланилади. Стандарт нархлар-бу маълум

давр оралигида ўзгармай турадиган нархлардир. Шундай товарлар борки ҳаридор уларнинг нархи ўзгармаслигини хоҳлайдилар. Масалан, каммунал хизмати, транспорт хизмати нархи ва ҳоказолар. Бундай шароитда нарх қатъий қолган ҳолда харажатларнинг ўсган қисми тежамкорлик орқали қопланади, истеъмолга қулайлик яратиш билан боғлиқ харажатлар камайтирилади. Масалан, конфет нархи ўзгармай қолганда ҳам, уни одий қоғозга ўраш, арзон пакетга жойлаш қадоқлашни содда қилиш йўли тугилади.

Савдода ўзгарувчан нархлар ҳам бор. Ўзгарувчан нархлар шароитга қараб тез-тез ўзгариб туради. Бунда нархга таъсир этувчи омиллар хусусан харажатлардаги, ўзгаришлар, рақобат шароити, талабдаги силжишлар ҳисобга олинади. Ўзгарувчи нархлар таркибида мавсумий нархлар ҳам мавжуд. Товарлар мавсум бошланишида қиммат, мавсум охирида арзон бўлиши мумкин. Масалан, мевалар, сабзавотлар қишда анча қиммат нархда, ёзда эса нисбатан анча арзон нархда сотилади. Давлат назоратида сотиладиган айрим товарларга прејскурант нархи қўйилади. Бу нархлар сотувчи учун мўлжалланган нарх. Бунда товарларнинг ҳақиқий нархи прејскурант нархидан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Чунки прејскурант нарх ижтимоий вазиятга қараб, заруриятга хос ҳолда белгиланади.

Монопол бозорда яширин нархлар ҳам бўлади. Бундай нархлар сир тугилади. Яширин нарх, умуман ман этилган ҳисоблансада, лекин рақобатда қўлланилади.

Давлат аралашувида дотацияланган нарх ҳам бор. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бюджетдан ҳисоб қилинадиган нарх. Бу нарх маълум мақсад йўлида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида арзонлаштирилган нархдир. Нархлар ҳар бир минтақада, ҳудудда, миллий ва халқаро миқёсидаги нархлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўзига хос тамойиллари, мамлакатдаги вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархларни аста секинлик билан ва бочқичма-босқич эркинлаштириш йўли танланди. Нархларни эркинлаштиришнинг дастлабки босқичи 1992 йилнинг бошларида бошланди. Бунда кең доирадаги ишлаб чиқариш, техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг эркин нархлари ва тарифларига ўтилди. Аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида озиқ-овқат ва саноат товарлари нархлари давлат назоратида чегараланиб қўйилди.

Нархларни эркинлаштиришнинг навбатдаги босқичи 1993 йилда амалга оширилди. Бунда келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилди. Нархларни эркинлаштиришнинг навбатдаги босқичи 1994 йил октябрда бошланди. Бунда халқ истеъмол моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди. Транспорт, коммунал хизматлари таърифлари нархлари оширилди. Республикада нархларни ислоҳ қилиш ўша даврга келиб тугади.

Иқтисодий жараёнда нархнинг бажариладиган вазифалари бор. 1. Бозор мувозанатини таъминлади. 2. Ҳисоб-китоб, Улчов вазифасини бажаради. Бунда товар ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар, ундан кўрган фойда ёки зарар, бажарилган ишлар ҳажми каби аниқликлар нарх орқали

булади. 3. Иқтисодий тартибловчи вазифа. Нарх бозор иқтисодиётининг асосий воситасидир. Товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётининг моддий асоси бўлиб, бозор билан алоқада, нарх орқали юз беради. 4. Рақобат воситаси сифатида нарх бозор шароитида фирмалар, корхоналар ўртасида иқтисодий рақобатларга асос булади. Улар ўз рақобатини енгиш учун ўз товарларининг нархини қулай томонга ўзгартириб туради. 5. Нарх ижтимоий ҳимоя вазифасини бажаради. Аҳолининг камбағал ва ночор тоифалари учун товарлар нархи арзонлаштирилиб сотилади.

### Асосий таянч тушунчалар.

**Рақобат** - бу бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафликка эга бўлиш учун курашни англатади.

**Рақобат шакллари** - рақобатчилик муҳитининг етуклик даражаси билан фарқланиб, соф монополистик, монополия ва олигополия шаклларидан иборат.

**Тармоқ ичидаги рақобат** - бу бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатдир.

**Тармоқлараро рақобат** - бу товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўз маблағларини энг фойдали ишлаб чиқариш соҳасига жойлаштириш учун курашдан иборат.

**Мукамал рақобат** - бу маҳсулот сотувчилар ва харидорларнинг кўпчилигини ифода этувчи бозорга ҳеч қандай тўсиқсиз қатнашиш имкони яратилган шароитдаги рақобат.

**Номукамал рақобат** - бунда харидор ва сотувчи нархлар даражасига мустақил таъсир эта оладиган рақобат.

**Соф монопол рақобат** - товарларни битта ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқаради. Бозорда ўзига хос вазият яратади.

**Монопол рақобат** - бу кўпчилик фирмалар табақалашган маҳсулотлар сотади. Бозорга кириш эркин.

**Монополия** - бу бозор вазияти, битта харидорга кўпчилик сотувчилар қарши боради.

**Нарх** - бу товар ва хизматчилар бирлигига тўланадиган ва оладиган пул миқдори.

**Ўлгуржи нарх** - бу ишлаб чиқарувчилар томонидан товарлар катта ҳажмда бир йўла, кутарасига сотилганда қўлланиладиган нарх.

**Чакана нарх** - бу товарлар бевосита истеъмолчиларга сотиладиган нарх.

**Дотациялашган нарх** - давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нарх.

**Демпинг нарх** - бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларини сиқиб чиқариш учун фойдаланиб, бозорга кириб олиш нархи.

**Нуфузли нарх** - юқори даромад олувчилар ҳарид нархи.

**Эркин нарх** - талаб ва таклиф таъсирида шаклландиган нарх.

**Шартномавий нарх** - ўзаъро келишувда қатъий белгиланган нарх.

**Нарх дианазони** - бу нархлар оралигидаги фарқларнинг пулидаги ифодаси.

## IX. БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Мазкур бобда тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва асосий белгилари ҳақида амалий, назарий тушунчалар фикр этилади. Шунингдек бизнес тадбиркорликнинг шакли сифатида, тадбиркорликнинг классик ва инновацион нусхалари, тадбиркорлик фаолиятининг шакллари яъни шахсий, шерикчилик, асосидаги жамоа ва давлат тадбиркорлиги туғрисидаги илмий-амалий мулоҳазалар. Ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий соҳалардаги тадбиркорликлар фаолияти тушунчалари.

Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, яъни шахсий эгалик, шерикчилик, корпорация, майда, ўрта, йирик бизнесни уйғунлаштириш, корхоналар фаолияти, ва уларнинг иқтисодий мувозанати, акционерлик жамияти ва акционерлик капиталини ташкил қилиш ва унинг фаолиятининг асосий тамойиллари, тартиб-қоидалари. Акция ва унинг турлари. Акция курси. Облигациялар. Ўзбекистонда иқтисодий илоҳотларнинг ҳозирги босқичида корхоналарни акционерлаштириш.

Бобда менежмент ҳақида, яъни корхоналарни бошқариш, шунингдек маркетинг, унинг зарурлиги, вазифаси, аҳамияти ва қоидалари ҳақида фикр боради.

Тадбиркорлик капиталининг моҳияти ва доиравий айланишининг босқичлари. Тадбиркорлик капиталининг вазифалари, пул, унумли капитал ва товар. Капиталнинг айланиши асосий ва айланма капитал. Капиталнинг айланиш тезлиги. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш, жисмоний, маънавий ва иқтисодий эскириш. Жадаллашган амортизация. Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, самарадорлик.

### 9.1. Тадбиркорлик ва унинг иқтисодий мазмуни.

Инсон фаравонлиги унинг тинимсиз ҳаракатлари билангина юзага келмайди, балким баракали, унумли, уқувли меҳнатлари бўлиши зарур. Аждодларимиздан-керакали тошни керак бўлмай турганда олиб қўй-дейилган ривоят бор. Шунингдек «эплаган икки ййиди» дейишади.

Оила, жамият тараққиёти-бу кишилар тафакқурининг, билимининг интилиш ва изланишининг тараққиётидир. Бозор иқтисодиёти шароитида айниқса тадбиркор бўлиш, бизнесменликнинг барча турларидан манфаатдор бўлиш мақсадга мувофиқдир. Бизнеслик-бу бирор фаолият юзасидан булган муносабат, аниқроғи ишбилармонларнинг иқтисодий муносабагидир. Бизнес билан шуғулланувчиларни ишбилармонлар ёки бизнесменлар деб юритадилар. Бизнесмен сўзи инглиз сўзи бўлиб, бизнес-бу иш, мен эса билармондир. Бизнес кенг маънода-бу қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолият. Бизнеснинг асосий тармоғи-бу тадбиркорликдир. Шунга кўра тадбиркорлик бизнеси бу маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш орқали даромад топишни кўзловчи фаолият. Бу жараёнлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тижорат иши

билан шуғулланиш, тижоратда воситачилик қилиш каби хизматларни ўз ичига олади. Бизнесга бозор орқали талаб-эҳтиёжни қондирувчи фаолият ҳам қиради. Бизнес субъектларининг ҳар бирининг аниқ манфаати мавжуд. Мана шу манфаатдорлик уларни ўзаро иқтисодий муносабатларда бўлишлигини тақоза этади.

Товар ишлаб чиқариш фақат бозор учун мўлжалланган моддий маҳсулотларни яратиш билан чекланмай, турли номоддий шаклга эга бўлган хизматларни кўрсатишни ҳам ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш эса тадбиркорлик фаолияти орқали юз беради.

Тадбиркорлик бозор иқтисодиётига хос булган махсус иқтисодий фаолият бўлиб, бу ишлаб чиқаришни ресурслар билан таъминлаш, уларни самарали ишлатилишини ташкил этиш йўли билан товар ва хизматларни яратиш, уларни бозорга етказиб бериш ва фойда олишга қаратилган.

Тадбиркорлик киши меҳнат фаолиятининг бир тури, ўта мураккаб, хатарли ва ғоят маъсулиятли туридир. Тадбиркорлик қобилияти-бу ишлаб чиқариш омилларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик ёлланма меҳнатдан фарқ қилади. Шунингдек у товар ва хизматларни яратиш билан шуғулланмайди. Тадбиркорлик ишлаб чиқаришнинг моддий ва инсоний омилларини бирикишини ташкил этиш, унинг яхши натижа беришини таъминлайди.

Тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг категорияси ҳисобланади, чунки бу бозор қонун-қоидаларига асосланган фаолиятдир. Иқтисодий категорияларда масалан, ишбилармонлик, тежамкорлик ҳам бор. Булар умумиқтисодий категория ҳисобланади. Бу категориялар чекланган ресурслардан яхши фойдаланиб чексиз эҳтиёжларни қондириш учун хизмат қилади. Тадбиркорлик эса бозор иқтисодиётига хос усулдир. Тадбиркорликнинг ўз тамоиллари, қоидалари, воситалари бор.

Тадбиркорлик бизнеснинг бир тури деб тушунилса ҳам бўлади, лекин тадбиркорлик бу тўғридан-тўғри бизнеслик эмас. Бизнеслик бу яратувчанлик эмас, балким, у кенг маънода пулдан-пул чиқарувчи жараёндир. Тадбиркорлик эса яратувчилик белгиларига эга. Тадбиркорлик яратувчиликни, биронта ишга капитал сарфлаб, ресурсларни самарали ишлатиб, товар ва хизматларни яратади.

Тадбиркорлик фаолиятини юритмоқ учун унинг ўзига хос шарт-шароитларини муҳайё қилиш зарур бўлади. Биринчидан тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлиги ва нисбатан бир-биридан ажралганлиги, иккинчидан бозор маконининг мавжудлиги ва учинчидан ривожланган товар-пул муносабатларининг бўлишлиги талаб этилади.

Тадбиркор бўлиш учун биринчидан у мулк соҳиби бўлиши керак. Унинг ўз мулки бўлиши шарт. Тадбиркор ресурслар ёки маҳсулотлар этаси бўлиши керак. Улар ўз мулкига таяниб ёки ўзгалар мулкни ижарага олиб ишлайди. Иккинчидан эса, тадбиркор фойда олишга интилади. Тадбиркорнинг бойишдан иборат иқтисодий манфаати бор. Бунга эришмоқ учун фойда олишни юзага келтиради. Учунчидан, тадбиркор учун иқтисодий эркинлик зарур. Тадбиркор бозорда нима билан қатнашишини ўзи хал этмоғи лозим.



Қанча, қандай маҳсулот ишлаб чиқаради, қачон ишлаб чиқаради, бу каби аниқликлар билан тадбиркорнинг ўзи хулоса қилсагина, у ўз фаолиятини мустақил бошқара олади. Тадбиркор ўз маҳсулотини бозорда қандай нархларда, мавсумига қараб, сота олиши мумкинлигини фарқ қила билиши лозим. Тадбиркор қайси банклар билан, қандай шериклар билан иш юритиши унга маъқул бўлишлигини белгилайди. Хуллас ҳар қандай иқтисодий фаолиятни ҳеч бир тазйиқсиз, ўз билганича амалга ошириши керак. Туртинчидан, тадбиркор иқтисодий маъсулиятни англамоғи ва унга итоат қилмоғи зарур. Тадбиркор маъсулиятни ўз зиммасига олиб, ўз фойда-зарарига ўзи жавобгар. Бешинчидан, иқтисодий таввакалчилик ҳам тадбиркорга омад келтиради. Бундай журъат этиш ҳам ҳар доим кутилганидай бўлавермайди. Тадбиркор иқтисодий хавф-хатарни зиммасига олади, бирданига зарар кўриб қолишидан қўрқмайди. Олтинчидан, тадбиркор қонун-қоидаларга итоат қилишга мажбур. Тадбиркор сайи-ҳаракатининг ўз қоидалари бор, уларга итоат қилиши ҳам қарз ҳам фарз. Еттинчидан, тадбиркор рақобат курашида қатнашади. Рақобатсиз унинг фаолияти олдинга силжимамайди. Тадбиркор ҳар доим бошқалар билан рақобат курашида, беллашувда бўлади. Саккизинчидан, ҳар бир тадбиркорнинг ўз ички сири бор. Бусиз у ўз ишининг янгилан-янги кўринишларини рўёбга чиқара олмайди. Тадбиркор янги товарлар яратмоғи, янги технологиялардан фойдаланмоғи, янги ҳаридорлар топмоғи, янгича нарх белгилаш имконини яратмоғи лозим. Тадбиркор янги шартномаларга суяниб иш юритмоғи керак бўлади. Бундай ўзгаришларни реклама тарзида эълон қилиб кейин унинг бажарилишига киришмоқ хато бўлади. Шунга кўра тадбиркор ўз сирларини ўзида сақлаб уни рўёбга чиқарганда бозорга аниқлик берилса, ишда барақа бўлади. Ниҳоят, тўққизинчидан тадбиркор ҳалоллик билан иш юритиши шарт. Тадбиркорлик ҳалол йўл билан пул топишга асосланиши зарур. Тадбиркорга қаллоблик, фирромлик ва алдамчилик зарар келтиради. Ҳаридорлар, ҳамкорлар, умуман бозор ҳалоллик билан иш кўрмаган фаолиятни ёқтирмайди, бундай иш юритишнинг йўли қисқа бўлади.

Тадбиркор эркин фаолият юритишида яшаб турган мамлакатининг манфаатига, халқининг манфаатига ва ўз урнида ўзининг манфаатига зид ҳаракат қилиши мумкин эмас. Бундай ноўрин ҳаракатлар давлат қонунлари билан чекланган. Масалан, Ўзбекистон қонунларига кўра товар ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларнинг товар сифатига бўлган талабини кендириши, товар сифатини кафолатлаши шарт бўлади. Давлат бу қонунлар ижросини назорат қилади.

Тадбиркор унингдан нуфузга эга бўлмоғи лозим. Нуфуз халқ орасида, тадбиркорлик доирасида обрў эътиборли бўлишини билдиради. Тадбиркор ўз шаънини авайлаши, фирма номини эъозлаши, унга доғ тушурмаслиги, яхши ном чиқариши шарт. Унбиринчидан, тадбиркорликда ўз-ўзини бошқариш тартиби бор. давлат фирма ишига аралашмайди. Давлат иқтисодий сиёсат олиб бориши билан тадбиркорларга кўмаклашади. Давлат қонунлар орқали тадбиркорликка шароит яратиб беради. Ўзбекистонда давлат

тадбиркорликни қўллаб қувватлайди, тадбиркорлик мулкнинг дахлсизлигини таъминлайди.

Тадбиркорлик ноёб қобилият талаб қилувчи фаолият. Тадбиркор сабр-тоқат қилабилиши, рақобатбардошлик юрита билиши, ахлоқий қоидаларга эга бўлиши шарт.

Тадбиркорликнинг тарихи узоқ. Биз уни ҳозир тадбиркор деб атаймиз. Тадбиркор тушунчаси XVIII асрда пайдо бўлган. Уша вақтларда бундай фаолиятни «Мулкдор» деб аташган. Вақт ўтиши билан хўжалик ҳаётида қатнашувчи капиталнинг мулкдор капиталидан ажралиб чиқиши натижасида «Тадбиркорлик» тушунчаси «Мулкдор» тушунчасига тўғри келмай қолди. Ҳозир ҳам бизнинг иқтисодий тушунчамизда тадбиркорлик билан мулкдорликнинг ўзаро тафовутини англаймиз. Тадбиркорлик, ҳозир юридик ва жисмоний шахслар томонидан мулккий маъсулият остида, мавжуд қонунлар доирасида, фойда олиш мақсадида, тахлика билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир. Демак унинг фаолияти фойда олишга қаратилган.

Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун мулк эгаси бўлишлик шарт эмас. Тадбиркорлик фаолиятини юритмоқчи шахс зарур воситаларни ижарага олиши, ссуда олиши ҳисобига иш юритиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган мулк ва бошқа бойликлар тадбиркорлик фаолиятисиз ўзини иқтисодий жиҳатдан тўла номоён қила олмайди ва шубҳасиз товар ишлаб чиқарувчиларга етарлича даромад келтирмайди. Тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос вазифаларида номоён бўлган. Масалан, биринчидан тадбиркор фойда олиш мақсадида товар ишлаб чиқаришнинг ягона жараёнида ер, сув, капитал ва меҳнат ресурсларини бирлаштириш ташаббусини олади. Шу билан бирга тадбиркор бир вақтда ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун, бошқа ресурсларни бир жойда уйғунлаштирувчи ташаббускор ҳисобланади. Тадбиркор иккинчидан бизнесни юритиш, фойдани кўпайтириш бўйича асосий қарорлар қабул қилади. Бундай қарорлар корхона фаолиятининг мақсадини аниқлаб беради. Тадбиркор учинчидан юқори фойда орқасидан қувиб янги маҳсулотлар, янги ишлаб чиқариш технологияси ёки ҳатто бизнесни ташкил қилишнинг янги шакилларини тижорат асосида жорий қилишга ҳаракат қилувчи ташаббускор шахс ҳисобланади. Хулоса қилинганда, тадбиркорлик фаолияти-бу тахликага борувчи фаолиятдир.

Тадбиркорлик фаолияти ўзига хос аниқликни, молиявий фаолиятининг оқибати нима билан яқунланишини сезган холда иш юритишни тақоза этади. Тадбиркор иш бошлашида яъни хўжаликни юритишида дастлаб унинг бирон-бир турини танлаши лозим. Танланган йўналиш ишлаб чиқаришга мослаштирилиб, ишни ташкил қилиши манбаларини юзага келтиради ва имкониятларини чамалаб кўради. Давомида унинг фаолияти бўйича ишлаб чиқаришга маҳсулотларини сотишга тегишли ҳуқуқ олмоғи лозим бўлади. Шундай имкониятларни тайёрласагина, у эркин фаолият бошлайди.

Тадбиркорлик турли мамлакатларда мазмуни ва унинг ташкилий жиҳатлари бўйича бир хил кўринсада, моҳиятан бир-биридан деярли фарқ қилади. Масалан, АҚШ да тадбиркорликнинг классик усули юритилади, Олмонияда ижтимоий йўналиштирилган бўлса, Японияда эса корпоратив кўринишли турлари мавжуд. Тадбиркорликнинг турли-туманлигига қарамасдан у ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятда социализмдан мерос бўлиб қолган боқимандалик кайфиятини йўқотади. Иқтисодий ташаббус, мулкка эгаллик ҳиссини шакиллантириш ва ривожлантиришда устувор аҳамиятга эга бўлади. Тадбиркорлик кишиларни иқтисодий эркинликка ўргатади. Ўз-ўзини бошқариш тажрибаларидан ҳаётий сабоқ беради.

Ўзбекистонда тадбиркорлик мустақкам ҳуқуқий асосга эга. Тадбиркорлик тўғрисида қонун ва уни қўллаб-қувватлаш борасида норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳозир улар амалда самарали ишламоқда. Ушбу ҳужжатларда тадбиркорларга ўз мол-мулкдан фўйдаланиш эркинлиги, маҳсулотларни тақсимлаш мустақиллиги, ҳуқуқий тенглик, ихтиёрий ишга жойлаш, чекланмаган ҳажмда даромад олиш имкони кафолатланади. Ушбу қонунларнинг мазмуни Ўзбекистонда тадбиркорликнинг бир маромда боришига имкон бермоқда. Республикада етарли молиявий манбаларга эга бўлишлик, умумий тижорат қонунчилигининг мавжудлиги, тадбиркорлик муҳитининг яратилганлиги унинг ривожланиб боришига имкон беради.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг ривожланиш манбаи, мавжуд бўлган, яъни фаолият кўрсатаётган барча тадбиркорлар, бизнесменлар, тижоратчилар, ишбилармонлар ҳаракати билан боғланган холда амалга ошмоқда.

## 9.2. Тадбиркорликда мақсадга эришиш йўли.

Тадбиркорлик мавҳум фаолият эмас, балким у фирмалар фаолиятида ифода этиладиган мақсадли йўналишдир. Фирма эса бозор учун корхонадир. Фирма муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга ихтисослашади, бозорга қараб иш юритади, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фирмаларнинг мустақиллиги бир қадар чекланган бўлади. Фирмалар ва ҳўжаликлар биринчидан, эркин бозор учун ишласалар, иккинчидан давлат буюртмасига биноан ишлайдилар. Улар маҳсулотни давлатга ҳарид нархи асосида сотадилар. Шунга кўра ҳам улар ярим мустақилдирлар. Фирмалар йирик, ўрта ва кичик корхоналарга бўлинади. Масалан, Ўзбекистонда корxonанинг ишчилар сони саноат ва қурилишда-50 кишигача, бошқа ишлаб чиқаришда 25-кишигача, Фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, чакана савдода-5 кишигача бўлган корхоналар кичик корхоналар дейилади.

Тадбиркорлик гоят мураккаб ва маъсул фаолият бўлганидан унинг ҳар-хил турлари мавжуд. Тадбиркорлик гуруҳларга ажратилганда мулкий томонидан, қонунийлик, фаолият тури каби мезонлар асос қилиб олинади. Мулкий жиҳатдан хусусий, жамоавий-гуруҳий ва давлат тадбиркорлигига ажратилади. Ўзлаштириш тартибини мулкий ҳуқуқ белгилайди. Бу кимнинг

мулкдор бўлиши, мулкдан фойдаланиш қоидалари, мулкни давлат томонидан кафолатлаш кабиларни белгилаб қўяди. Ўзбекистондаги мулк Республика Конституцияси ва мулкчилик тўғрисидаги қонунга биноан бошқарилади. Тадбиркорлар мулккий муносабатнинг субъекти, яъни иштрокчиси бўладилар. Улар мулк қилиб ўзлаштирадиган нарсалар ер, бино, иншоат, асбоб-усқуналар, машина-механизмлар, яратилган товарлар, илмий ғоялар, лойихалар, товар белгилари ва бошқалар. Мулкни эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш лозим. Бу мулккий муносабатлар бўлади. Тадбиркор мулкдан фойдаланишда икки ёқлама имкониятдан манфаатдор бўладилар. Булар биринчидан ўз мулкига таяниб иш юритадилар, иккинчи томонидан эса улар ўзгалар мулкни ижарага олиб ҳам фаолият юритадилар. Иккинчи ҳолатда улар мулкка вақтинчалик эгалик қиладилар ва мулкдан фойдаланадилар, аммо уни тасарруф этиб ҳўжайинлик қила олмайдилар. Мулк кимники бўлса ҳам товарнинг эгаси, уни яратган тадбиркор ҳисобланади. Тадбиркор ўз мулкдан мафаатдор бўлсагина у иш жараёнини давом эддиради. Тадбиркор ўз мулкни ишлатиб фойда олади, ўз мулкни қимматига сотиб даромад кўради, ўз мулкига таяниб меҳнат қилади, шу йўл орқали пул топади, ўз мулкни меросга қолдиради ёки ҳайр-эҳсон йўлида ҳадя қилади. Мулкни қандай ишлатишни унинг эгаси яъни тадбиркор ҳал этади. Тадбиркор ўз мулкдан наф кўргани учун мулккий маъсулиятни, яъни мулкни оқилона ишлатиш жавобгарлигини ўз зиммасига олади.

Мулкчилик шакллари бўйича давлат ва ҳусусий корхоналар бор. Давлат корхоналарида ишлаб чиқариш ташкилотчилари ва таъсисчилари бўлади. Улар давлат ҳисобидаги ходимлардир. Иқтисодийнинг ҳусусий бизнесега жалб қилинмаган соҳаларини давлат тадбиркорлик фаолияти ўз ичига қамраб олади. Бунинг сабаби, биринчидан дастлабки капитал сарфлари жуда кўп бўлиши ёки инвестициянинг ўзини узоқ муддатда қоплаши мумкин, иккинчидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ижтимоий аҳамиятлиги ва бошқалар. Давлат бундай ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олади. Давлат жамият эҳтиёжларини янада тулароқ самарали қондиришни таъминлашга, Фан-техника тараққиётининг янада самарали турларини излашга ҳаракат қилади. Давлат корхоналари ҳусусий ҳўжаликлар билан бир хил шароитда бўлмайди. Улар ҳўжалик фаолиятида, нархни шакллантиришга мустақил эмас. Улар кўпчилик ҳолда ўз маҳсулотларини таннарх ҳажмида ишлатишга мажбур бўладилар. Шунга кўра давлат корхоналари самарадорлиги юқори бўлмайди. Лекин давлат фирмалари қаттиқ рақобатга учрамайди. Давлат уларни қўллаб-қувватлайди, уларнинг зарарларини қоплайди. Шундай ҳолатлар мавжудлиги сабабли, иқтисодийнинг давлат секторини асосиз кўпайтириш иқтисодий ўсиш суръатининг пасайишига олиб келади. Шундай ҳолат Англия, Бирма, Миср, Араб Республикаси, Ҳиндистон каби давлатларда содир этилди.

Ҳусусий тармоқда фаолият иқтисодий ва ижтимоий ҳолатга қараб ўзгариб туради. Шу туфайли бу секторда иқтисодий ўсишнинг пасайиб боришлиги асосан кузатилмайди.

Ривожланган мамлакатларда жуда кўп миқдорда ҳар-хил корхоналар масалан, оддий дўкондан, сартарошхонадан тортиб, то йирик компанияларгача мавжуд ва эркин фаолият кўрсатади.

Майда яъни кичик корхоналар бозор ҳолатига тез мослашиб боради. Масалан, АҚШ да 17 млн шундай корхоналар ишлаб турибди. Уларнинг 70 фоиздан ортиқроғи якка корхоналардир, яъни хусусий мулкчиликка асосланган корхоналардир. Умумийдан 10 фоизи икки ва ундан кўп шахсларга тегишлидир. Қолган 20 фоизи акционерларга тегишли.

АҚШ иқтисодиётида акционер корхоналар босимлик қилади. Жумладан ишлаб бериш саноатида барча маҳсулотларнинг 90 фоизини улар яратиб беради. Мамлакатдаги 500 энг йирик корпорациялар ялпи миллий маҳсулотнинг 40 фоиздан кўпроғини ишлаб чиқаради.

Тадбиркорликнинг жаҳон амалиётида синалган турлари мавжуд. Улардан хусусий тадбиркорлик, жамоа тадбиркорлиги, оилавий тадбиркорлик, давлат тадбиркорлиги, аралаш яъни қўшма тадбиркорликлардир.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корхоналар эркинлик даражасига қараб уч тоифага бўлинди. Улардан биринчиси—бу давлат буюртмаси сақланган корхоналар, иккинчиси ҳам буюртма ва ҳам бозорга ишловчи корхоналар ва ниҳоят учинчиси эса—бу фақат бозорга ишловчи корхоналардир. Корхоналар қайси турга мансуб бўлмасинлар, улар мустақил иқтисодий субъект ҳисобланади. Улар бозор орқали доимо ўзаро иқтисодий муносабатда бўладилар. Ривожланган мамлакатларда ўртача фирмалар кўп сонли эмас ва ҳозирги пайтда улар камайиб бориш хусусиятига эга бўлмоқда. Бозор иқтисодиётида ўртача фирмаларнинг ўрни бир хил эмас. Биринчидан ўртача фирмалар йирик бизнес учун анчагина рақобат кучига эга. Иккинчидан, ўртача фирмаларнинг ўзи монополияшиш хусусиятига эга. Учунчидан, ўртача фирмалар капиталларнинг янада бирлашувининг манбаидир. Қўшиб олишнинг асосий қисми ўрта корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Йирик фирмаларни одатда монополия тушунчаси билан тенглаштирадилар. Лекин амалда бу аниқроқ тушунча эмас. Биринчидан бу тушунча фирма фаолияти масштаби родини кўрсатади. Иккинчидан, бозор иқтисодиётида рақобат, бозорнинг кенгайиши ва усиши, Фан-техника тараққиёти туфайли мутлоқ монополиянинг бўлиши мумкин эмас. Шу боисдан йирик фирмалар фаолиятида фақат монополияларда бўладиган камчиликларни излаш тўғри эмас. Амалда эса бозор иқтисодиётида йирик фирмалар икки томонлама ҳолатда бўладилар. Бир томондан, улар монополиялаштиришга интиладилар. Иккинчи томондан, йирик фирмалар доимо рақобат шароитида фаолият кўрсатади. Бундай ҳолат уларнинг кучайишига ҳалақат беради ва маҳсулот сифати тўғрисида гамхўрлик қилишга мажбур қилади.

Йирик тадбиркорликнинг афзал томонлари бор. Бу биринчидан кўп миқдорда товар ишлаб чиқариш имконини юзага келтиради. Иккинчидан, йирик фирмалар Фан-техника тараққиёти йўлбошчилари ҳисобланади. Учунчидан, йирик фирмалар аҳволининг мустаҳкамлиги ва доимий мўътадиллиги билан ҳарактерланади. Туртинчидан, фақат йирик фирмалар

ишлаб чиқариш масштабида тежаш йирик миқёсда иш билан бандликни таъминлаш орқали ижтимоий меҳнатни анча тежаш имконига эга.

Нотижорат тадбиркорлик ҳам бўлади. Тадбиркорликнинг бу кўринишида бойиш маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ эмас. Нотижорат тадбиркорлик бу хайрия ва маданий-маърифий ташкилотлар фаолиятига хос.

Хужалик мустақиллигига эга бўлмаган корхоналар бюджет корхоналарига кириди. Улар давлатнинг маъмурий-бошқариш тизимига кириди. Улар олган фойдадан солиқ тўламайди. Барча даромад ва харажатлар бюджет орқали ўтади. Давлат ишлаб чиқариш корхоналари. Бу корхоналарнинг анча кенг тарқалган ташкилий, ҳуқуқий шаклидир. Улар ҳам мол-мулкка эга бўлади. Аралаш компаниялар. Улар ҳиссадорлик жамиятлари ва мажбуриятлари чекланган шаклида ташкил қилиниб, акциялари давлатга ва ҳусусий омонатчиларга тааллуқли бўлади. Аралаш компаниялар ҳиссадорлик жамиятлар тўғрисидаги қонун асосида иш юритади ва юридик шахс ҳисобланади. Улар хужалик фаолиятида ҳусусий фирмалар билан баробар тижорат асосида қатнашади. Ҳамма вақт корхона жамоа тадбиркорлигини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Кооператив тадбиркорлик-бу жамоа тадбиркорлигининг алоҳида шакли бўлиб, у жамоа мулкига асосланади. Аъзолар эса унинг фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этади. Бу тадбиркорликда ишловчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита қўшилиши юзага келади. Шунингдек кооперация аъзоларининг ишлаб чиқариш воситаларидан кенг фойдалана олиши бўлади. Уларнинг иқтисодий жиҳатдан тенг ҳуқуқлиги намён бўлади. Жамоанинг ўз-ўзини бошқаришни амалга ошириши, жамоа ва шахсий манфаатларнинг уйғунлиги юзага келади.

Ҳусусий тадбиркорлик алоҳида шахс ёки корхона томонидан ҳусусий ташаббус асосида ташкил қилинади. Тадбиркорликнинг бу шаклида мулк ва ишлаб чиқариш натижалари ҳусусий шахсларга тегишли бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёлланма меҳнатга асосланади.

Шахсий тадбиркорлик шахсий мулкка асосланади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ўзи ёки оила аъзолари меҳнати асосида амалга оширилади.

Мажбурияти чекланган фирмаларнинг энг кенг тарқалган шакли бу акционер жамиятлари ёки корпорациялардир. Булар акциядорларнинг уюшмаси бўлиб, унинг аъзолари бизнес иши йўлида жамиятга бирлашадилар. Жамиятга қўйилган капиталга қараб махсус қимматбаҳо қоғоз яъни акция чиқарадилар. Очиқ жамият пайдо бўлганда унинг акцияси барча хоҳловчиларга сотилади.

### **9.3. Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракат шакллари.**

Ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолияти шунга мувофиқ маблағ бўлишлигини тақоза этади. Фирма ишлаб туриши учун унинг капитали бўлиши керак. Моддий ва меҳнат ресурсларини жалб этмай туриб ҳеч бир тадбиркорлик бўлиши мумкин эмас. Ишлаб чиқаришга керак бўлган

ресурсларни бозордан топиш мумкин, бунинг учун пул керак. Шу сабабли тадбиркорликка пул қўйиш керак. Фирма ишини ташкил этиш ва юргизиш туриш учун зарур бўлган ва фойда топишни мўлжаллаган маблағи унинг капитали бўлади. Бу восита ва маблағлар фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёни учун зарур бўлади.

Тадбиркор ихтиёридаги барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағлари биргаликда тадбиркорлик капитали деб аталади. Фирма ташкил этиш чоғида унга қўйилган пул устав (Низом) капитали деб юритилади. Бу пул топилган даромадни капиталга айлантириш натижасида кўпайиб боради ва фирманинг умумий капитали ҳосил бўлади. Капитал дастлаб пул шаклида бўлади. Шу сабабли у номинал капитал ҳисобланади. Бу пулга ресурслар сотиб олиб, ишлаб чиқариш амалда юргизилиб фойда топилганда реал капитал юзага келади. Якка хусусий корхоналардаги капитал айрим мулкдорларга тегишли бўлса, ширкат фирмаларидаги капитал шерикларига тегишли бўлади. Бунда шериклар пулини бир ерга жамлаб ва фирмага қўйиб гуруҳий капитал ҳосил этишади. Бу капитал айрим мулкдорларнинг улиши шаклида бўлсада, амал қилиши жиҳатидан корпоратив капитал бўлади. Акционер жамият шаклидаги корхоналарнинг капитали манна шундай корпоратив тавсифга эга. Тадбиркорлик капитали ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида доимо ҳаракатда бўлади ва бу ҳаракат жараёнида бир қатор босқичларни босиб ўтади.

Пул капиталнинг иқтисодий фаолият омилларига сарфланиши, уларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши, ишлаб чиқарилган товарларнинг сотилиши ва маблағларнинг дастлабки шаклига қайтиши каби босқичларни ўз ичига олган ҳаракати унинг доиравий айланишини ташкил қилади. Капиталнинг уч босқичи бор. Биринчи босқичда пул товарга айланади. Тадбиркор пули билан бозорга боради, зарур булган воситалар, хом-ашёлар, ишчи кучи сотиб олади. Буни  $P \rightarrow T$ -ив шаклида ифода этиш мумкин.

Бозордан сотиб олинган ишлаб чиқариш кучлари олиб келиниб тадбиркор корхонасида ишлаб чиқариш жараёни ташкил этилади. Яна шу вақтдан бошлаб капиталнинг иккинчи босқичи бошланади. Бунда сотиб келтирилган имкониятлар эвазидан янги маҳсулот тайёрланади. Бу босқич ишлаб чиқариш босқичи дейилади. Мана шу босқичда янги қиймат яратилади. Янги қийматнинг ҳажми ҳам бозордан сотиб олинган ҳажм қийматини ва ҳам қўшимча қиймат яратмоғи лозим бўлади. Ишлаб чиқарилган товарлар сотилганда ана шу икала қийматини ҳам қоплаши мўлжалланган. Иккинчи босқич-бу баракали, тараққиётни ҳал этувчи босқич деб ҳисобланади. Мазкур жараён натижасида пул шаклидаги маблағлар унумли капитал шаклига айланади ва улар ишлаб чиқариш жараёнининг ҳал қилувчи омилдир. Иккинчи босқичда ҳосил қилинган товарлар қиймати ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучига сарфланган қийматдан ортиқ бўлади. Бу фикрни шаклда куйдагича ёзиш мумкин.

$$T \begin{array}{l} \rightarrow \text{Ив} \\ \rightarrow \text{Ик} \end{array} \quad \text{— Ич... Т'}$$

Тадбиркорлик капиталнинг учинчи босқичи муомала босқичи дейилади. Иккинчи босқичда ишлаб чиқарилган товарлар учинчи босқичда корхона омборидан бозорга сотиш учун олиб борилади. Бунда умумий яратилган қийматни  $T'$ -десак, у бозорда сотиш жараёнида пулга айирбошланади. Шунга кўра бу босқич  $T'/P'$  шаклида ифода этилади. Демак тадбиркор қўлидаги  $T'/P'$  — пул яна пулга айланади. Бу пул учта босқични босиб ўтиб дастлабки ҳажмига нисбатан анча кўпаяди. Унинг шаклидаги ифодаси  $P - P'$  бўлади, яъни  $P' = P - P'$  демакдир.

Ҳар бир босқичда капитал муайян ҳаракат шаклига киради. Капитал пул шаклининг ҳаракати иқтисодий фаолият учун зарур шарт-шароитлар, яратишдан иборат. Бунга пулни ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи сотиб олишга аванслаш орқали эришилади. Капитал унумли шаклининг ҳаракати товарлар ишлаб чиқариш ва ҳуди ўша жараёнда қийматнинг ўсишига эришишни таъминлаш вазифасига қаратилади. Капитал товар шаклининг ҳаракати орқали ишлаб чиқарилган товарлар қийматининг нарх шаклида рўбга чиқиши содир бўлади ва ўсган қийматнинг пулга айланиши билан тадбиркорнинг фойда олиш мақсади таъминланади.

Ишлаб чиқариш узлуксиз давом этиши учун тадбиркорлик капитали ўзининг бир шаклидан бошқа бир шаклига айланиб туриши ва айни пайтда ҳар учала шаклда ҳам мавжуд бўлмоғи лозим. Тадбиркорлик капиталининг ҳар учала шакли бир вақтда ўз доиравий айланишига эга бўлади. Масалан, пул капитали пулдан бошланиб пул-биргача ( $P - P'$ ) айланади. Унумли капиталда ( $T$ ) товарнинг ишлаб чиқаришга жалб қилинишидан бошлаб унинг яна товар бўлиб юзага келишлиги ( $T - T'$ ). Тадбиркорлик капиталининг товар шаклидаги доиравий айланиши, товардан яна товарга айланишида дастлабки қийматнинг ўзидан ортиқ қийматга эга бўлган қиймат яратилиши билан яқунланади.

Капитал ўзининг келиб чиқиши ва ўсиш манбасидан қатъий назар икки қисмга бўлинади. Улар асосий ва айланма капиталлардир.

Асосий капитал бу шундай капиталки унда мужассамлашган бозор қиймати яратилган товар ва хизматлар нархига бир йўла эмас, балким кичик қисмларга бўлинган ҳолда ва узоқ вақт давомида кўчади, ҳамда шу даврда эгасига қайтиб келади. Асосий капитални хўжалик амалиётида асосий воситалар деб юритилади ва бухгалтерияда ҳисобга олинади. Асосий капиталга бино, иншоат, асбоб-ускуна, турли машиналар ва жиҳозларга сарфланган пул бўлиб уларнинг ресурс сифатидаги хусусиятларини ўзида мужассам этади. Асосий капиталнинг ўзига хос белгилари бор. Масалан, биринчидан асосий капитал бир нечта товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва уларни сотишни ўз ичига олади. Агар корхона йилига икки марта тайёр маҳсулот чиқарсада, корхона биниси 40 йил хизмат қилади деб ҳисобланса, йилига икки мартадан ишлаб чиқариш даври қайтарилса, ушбу бинода 40 йил давомида 80 марта ишлаб чиқариш даври ёки мавсуми бўлиб ўтади. Демак бино учун ажратилган харажатлар ушбу даврда сарфланади. Асосий капитал меҳнат воситалари сифатида ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашади ва ўз қийматини янги қийматга аста секин ўтказиб



беради. Юқорида келтирилган мисол бўйича белгиланган харажат пуллар-шу 40 йил ичида ўз қийматини унда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ўтказилади. Асосий капитал белгиланган муддатни ўтаб бўлгач у янгидан тикланиши ёки унинг ўрнига замонавий восита сотиб олинishi мумкин. Бу мақсадлар учун сарфланадиган сўмни корхона ҳисобини юритиш тартиб қондасига кўра, асосий воситанинг олинган даврдан буён ажратилиб борилган-амортизация ажратмаси йигиндиси ҳисобида ҳал этилади.

Асосий капитал қиймати тайёр товар ва хизматлар нархига қисмларга бўлиниб кўчади. Мана шу қисм амалиётда амортизация ажратмаси деб юритилади. Масалан, станок- 5 млн сўм турса ва 5 йил хизмат қилса, бунда амортизация ажратмаси бир йил учун 1 млн сўм бўлади, ва шу тариқа ҳисобланади.

Асосий капитал гавдаланган воситалар узоқ вақт хизмат қилиб ҳар йили ўз қийматини товар ва хизматлар нархига қисман ўтказиб борганидан, уларнинг қайтадан тикланиши эскириб бўлганидан сўнг ва узоқ вақт ўтгач юз беради. Мана шундагина асосий капиталга айланган пул ўз эгасига қайтиб келади. Демак асосий капитал секин айланади, яъни унинг пул шаклида сарфланиб, сўнгра яна пулга айланиб қайтиб келиш даври узун бўлади. Масалан, асосий капитал қўйилган бино 50 йил хизмат қилади. Унга сарфланган пул 50 йилдан сўнг қайтиб келади.

Асосий капитал гавдаланган воситаларнинг моддий шакли яратилган товарда акс этмайди. Масалан, тайёр костюмни олсак, унинг қандай газламадан тикилганлигини кўз билан кўриш мумкин, лекин унинг қандай асосий воситалар ёрдамида тикилганлигини билиб бўлмайди.

Капиталнинг яна бир қисми-бу айланма капиталдир. Айланма капитал шундай капиталки, унинг бозор қиймати яратилган товар ва хизматларга тўлалигича ва бир йўла ўтказилади. Айланма капитал, меҳнат предметлари кўринишида гавдаланиб, у ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади ва ўз қийматини янги қийматга бирданига ўтказиб беради.

Ишлаб чиқариш жараёни учун фақатгина асосий капитал, яъни машина, асбоб-ускуналарнинг бўлишлиги кифоя эмас, балким шу воситалар таъсирида товар ишлаб чиқариш учун хом ашёлар ҳам зарурдир. Демак ишлаб чиқариш бўлиши учун хом ашё, ёқилғи, электроэнергия, бутловчи қисмлар, уларни қайта ишлаб ёки йигиб маҳсулот яратувчи иш кучи ҳам талаб қилинади. Буларга сарфланган пул эса айланма капитални ҳосил қилади.

Айланма капитал моддий жиҳатдан қисқа вақтда ишлатилиб тугалланиладиган воситалардан иборат бўлади. Масалан, газлама яратиш учун сотиб олинган калава ип у газлама тўқиб бўлингач тугайди. Станок эса тугамайди, хизматини давом этдираверади. Айланма капитал ўз қийматини тайёрланган қийматга бирданига ўтказиб беради. Айланма капитал гавдаланган хом-ашёлар қиймати, моддий шакли яратилган маҳсулотда ўз ифодасини топади.

Айланма капитал ўз қийматини маҳсулотларга бир йўла ўтказиб берганидан унинг айланиши тез бўлади. Асосий капитал бир марта айланган

холда айланма капитал кўп марта айланади. Айланма капитал ишлаб чиқаришнинг инсоний омили бўлган иш кучида ҳам ифодаланади.

Асосий ва айланма капиталнинг нисбати турли ресурслар нархининг ўзгаришига ҳам боғлиқ бўлади. Асосий ва айланма капитал нисбатида қанчалик ўзгариш бўлмасин, барибир уларнинг ҳар иккаласи ҳам фирма фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

#### 9.4. Тадбиркорлик даромади ва рентабеллик.

Фойда билан ялпи даромад ҳажми меҳнат жамоасининг куч-гайратлари билан эришиладиган самаранинг қанчалик катталигини курсатади. Бу самарадорлик ўз ўрнида маълум омилар таъсирида юзага келади. Бунда биринчидан маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш, иккинчидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини кўтариш, учинчидан ресурслардан яхшироқ фойдаланишни ташкил этиш. Мана шу кўрсаткичларни кенгроқ англаб олиш тадбиркорлик даромадининг ошиб борилишидаги усуллارни яхшироқ билиб олишни таъминлайди.

Дастлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида. Ҳар қандай маҳсулотнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган нархи фойда олишни тақоза этади. Маҳсулот қанча кўп ишлаб чиқарилса ва сотилса, фойда ҳажми шунча ортиб боради, иш ҳақи ҳам ўсади.

Маҳсулотнинг сифатини ошириш зарурлиги янада муҳим. Сифати юқорироқ бўлган маҳсулотнинг нархи ҳам бир мунча юқорироқ бўлади. Олий сифат даражасига эга бўлган, дунёдаги энг яхши намуналарга мос келадиган маҳсулотга махсус нархга қилинадиган устамалардан ҳам фойдаланиши мумкин. Натижада маҳсулотнинг сифат белгиларини яхшилаш корхона оладиган ялпи даромад ва фойданинг ўсишига олиб келади. Корхона маҳсулот сифатини оширишдан олинадиган самарадан фойдаланиш имконига эга бўлмаса, ёки бундан манфаатдор бўлмаса, ҳўжалик механизмининг мукамал эмаслигидан дарак беради. Даромаднинг ўсиб боришида ресурслардан фойдаланишни яхшилашнинг аҳамиятли ўрни бор. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига хом-ашё, ёқилғи, энергетика ресурслари сарфини камайтириш, ишлаб чиқариш харажатларининг қисқаришига ва фойданинг ўсишига олиб боради. Асосий фондлардан, шунингдек ер ва сув ресурсларидан унумтироқ, тежамлироқ фойдаланилган ҳолда юқори натижаларга эришиш ресурслар учун бюджетга тўланадиган тўловни камайтиради. Ишловчилар сони қисқариши туфайли, биринчидан иш ҳақи фонди нисбатан ўсади ва иккинчидан меҳнат ресурслари учун тўловнинг қисқариши ҳисобига қолдиқ фойданинг миқдори кўпаяди.

Корхона ишининг самарадорлик даражасига баҳо бериш учун унинг эришган натижаси сарфлар ёки ишлатилган ресурслар миқдори билан таққосланади. Фойдани сарфлар билан таққослаш рентабеллик нормасини аниқлатади. Рентабеллик-бу немисча сўз бўлиб фойдали, даромадли мазмунидаги тушунчадир. Корхона фирмаларнинг фойдалилик даражасини

кўрсатувчи иқтисодий тушунчадир. Рентабеллик фоиз ҳисобида ифодаланади. Ишлаб чиқариш рентабеллиги маълум давр, масалан, ой, квартал, яъни уч ойлик давр, ярим йиллик давр, тўққиз ойлик давр ва ниҳоят йиллик даврлар оралигида аниқланиб боради. Бунда қўлга киритилган фойда миқдорининг шу вақтда фойдаланилган йиллик асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланма воситалари қиймати йиғиндисига ёки маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш харажатларининг таннархга нисбатан сифатида ҳисобланади. Маҳсулот рентабеллиги айрим маҳсулот турининг даромаддорлиги, фойдалилигини акс этдиради ва маҳсулот сотишдан олинган фойданинг унинг тўла таннархига нисбати билан ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги ва маҳсулот рентабеллиги бор. Ишлаб чиқариш рентабеллиги унинг нақадар фойда беришини кўрсатади. Рентабеллик даражаси фойда нормаси бўлиб, икки усулда аниқланиши мумкин. Биринчидан, фойда миқдори ишлаб чиқаришга қўйилган капиталга асосий фондлар ва айланма маблағларнинг ўртача йиллик миқдорига бўлинади ва фоизларда ифодаланади. Масалан, фирма 100 млн сўм капитал қўйиб 16 млн сўм фойда кўрса, рентабеллик даражаси 16 фоиз бўлади.

$$R = \frac{F}{K} * 100 = \frac{16}{100} * 100 = 16\%$$

Бу олинган фойда фирма сарфлаган капиталнинг неча фоизига тенг деган маънони билдиради. Рентабеллик даражасини ҳисоблашнинг иккинчи усули-бу фойда миқдори жорий харажатлар миқдори билан таққосланади. Агар фирманинг ишлаб чиқариш учун қилган жорий сарфи 50 млн сўм бўла туриб, 20 млн сўм фойда кўрса, рентабеллик қўйидагича ҳисобланади. Бунда фирма 1 сўмлик сарф ҳисобига 40 тийин топган бўлади.

$$R = \frac{F}{V} * 100 = \frac{20}{50} * 100 = 40\%$$

Фойдани ошириш учун нимани ишлаб чиқариш энг юқори рентабеллик берса, фирма шунини ишлаб чиқаради. Шунга кўра ҳам айрим маҳсулот рентабеллиги алоҳида аниқланади. Бунинг учун ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатнинг мазкур маҳсулот келтирган фойда даражасига солиштириб ҳулоса қилинади. Рентабеллик қаерда пул кўп фойда келтирса, унинг шу ерга қўйилишини билдиради. Лекин пул эгаси, оз бўлсада кафолатланган даромад топмоқчи бўлса, пулини рентабеллиги паст, аммо беҳавотир фойда берувчи соҳага ёки тезда кўп даромад топмоқчи бўлса, рентабеллиги юқори бўлган, лекин хатарли соҳага қўйиши мумкин бўлади.

Тадбиркорлик учун фойданинг мутлоқ ҳажми ҳам муҳим. Фойда массаси рентабеллик даражасига, қўйилган пул миқдорига ва капиталнинг айланишига боғлиқ. Агар рентабеллик қанчалик юқори бўлса ва қўйилган пул қанчалик кўп бўлса, фойда массаси шунчалик кўп бўлади, фойда массаси бир сўм пул келтирган фойда билан қўйилган жами пул миқдорига қараб ўзгариб туради. Лекин шу бир сўм пул келтирадиган фойда

капиталнинг айланиш тезлигига ҳам боғлиқ. Капитал айланиши қанчалик тез бўлса, рентабеллик ўзгармаган тақдирда ҳам олинган фойда миқдори кўп бўлади. Агар рентабеллик фирма пулининг нақадар самарали ишлашини кўрсатса, фойда массаси унинг иқтисодий кудратини ифодалайди. Фойда эса уни топишда ким қандай ҳисса қўшганига қараб тақсимланиб, ўзалштирилади. Бу ишда пул эгалари ўз капитали, ишчилар меҳнати, тadbиркорлар ишбилармонлиги билан қатнашадилар. Шунга кўра ҳам улар фойдани бўлиб оладилар.

Корхона ҳисобидаги моддий ресурслар пул билан ҳисобланганда, уни ишлаб чиқариш фондлари деб атайди. Ресурслар бозорда ҳарид этилиб, ишлаб чиқаришга кириб келади. Бунда ресурслар ишлатилиб, товар ва хизматлар яратилиб бозорга чиқарилади. Уларни сотишдан тушган пулга яна ресурслар олиниб, доиравий ҳаракат қайтадан бошланади. Корхонадаги ресурслар қийматининг ҳаракати капитал доиравий айланиши шаклида юз беради.

Харажатлар моддийлашган ва жонли меҳнат сарфини билдиради. Бу товарларнинг корхонага қанча қийматга тушганлигини билдиради. Мана шу харажатлар миқдори икки нарсадан боғлиқ бўлади. Биринчидан, ресурсларнинг ҳарид этиш нархига боғлиқ. Нарх эса бу ресурслар учун сарфланган, аммо бозор тан олган меҳнатдир. Иккинчидан ресурсларни тежаб, нес нобуд қилмай ишлатилишига, яъни кам ресурс сарфлаб, кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот олишга. Демак, харажатлар моддий ва меҳнат сарфидан иборат. Моддий сарфлар бозор нархида ҳарид этилган машина-механизмлар, асбоб-ускуналар, бино-иншоотларнинг, шунингдек энергия хом ашё, ёқилги ва матереаллар сарфидан иборат бўлиб, муайян нархларда ҳисоб-китоб қилинади.

Меҳнат сарфларига бу иш ҳақи, мукофотлар, ижтимоий суғурта ажратмалари, тadbиркорни қониқтирадиган нормал фойдадан иборат. Харажатлар турли-туман бўлади. Улардан бири зиммага тушган харажатлар; зиммага тушган харажатлар ёки иқтисодий харажат ишлаб чиқариш учун танланган ресурсларни энг қулай ишлатган шароитдаги қийматидир. Бунда фирма ресурсни ўзгалар ишлатишига йўл бермай, ўзига жалб этиш учун эгасига туланган пулдир.

Фирма яратган товарлар ва хизматларни сотишдан тушган пул унинг кирими бўлиб, кетган харажатларни қоплайди ва фойда олиш имконини беради. Жамиятдаги фойда табиатдан яратилган қўшимча маҳсулотнинг унга пул шаклида теккан қисмидир. Фойда нормал ва иқтисодий кўринишда бўлади. Нормал фойда- бу харажатлар таркибида бўлиб, у тadbиркорлик қобилияти учун берилган ҳақдан иборат. Иқтисодий фойда эса, у харажатларга кирмайди. Бу нормал фойдадан ортиқча бўлиб, мазмунига яраша соф фойда деб аталади. Фирма олган даромади суммаси миқдоридан йиллик сарфланган харажатлар миқдори чегирилиб ташланса, қолган қисми иқтисодий фойдани ташкил этади.

Соф фойда — бу капитал ва ишбилармонлик қобилиятини ишга солиб, ақл-идрок билан иш юритиб, хатарли ишга таваккал деб қўл урганлиги учун тегадиган мукофотдир.

Даромад — Харажат = Фойда.

### Асосий таянч тушунчалар.

**Тадбиркорлик фаолияти** - фойда олиш мақсадида таваккалчилик билан ҳамда мулкий жавобгарлик асосида ва амалдаги қонунлар доирасида ўз ташаббуси билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир.

**Давлат тадбиркорлиги** — бу товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича давлат корхоналарининг тижорат ва нотижорат асосидаги фаолияти.

**Кичик бизнес** — бу тадбиркорлик фаолияти шаклларида бири. Кичик бизнесда капитал фақат биринчи даражали соҳаларга сарфланади, иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Саноат ва қурилиш соҳасида янги ташкил этилган ва амал қилаётган корхоналар киради.

**Жамоа тадбиркорлиги** - бу тадбиркорликнинг алоҳида шакли бўлиб, жамоа мулкига асосланади ва жамоа аъзоларининг унинг фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этишини тақоза қилади.

**Хусусий тадбиркорлик** — бу алоҳида шахс ёки корхона томонидан хусусий ташаббус асосида ташкил қилинади. Тадбиркорликнинг бу шаклида мулк ва ишлаб чиқариш натижалари хусусий шахсларга тегишли бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, ёлланма меҳнатга асосланади.

**Шахсий тадбиркорлик** — бу шахсий мулкка асосланган ишлаб чиқаришни ташкил қилиб, у ўзи ёки оила аъзолари меҳнатига таянади.

**Тадбиркорлик капитали** — тадбиркорлар ихтиёрида бўлиб, ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағларидир.

**Асосий капитал** - ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор доиравий айланишлар давомида қатнашиб, ўзининг қийматини тайёрланаётган маҳсулотга аста-секин ўтказиб боради ва ашёвий-буюм шаклини ўзгартирмайди.

**Айланма капитал** - бу унумли капиталнинг бир доиравий айланиш давомидаги ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ истеъмол қилинадиган ўз қийматини яратилган маҳсулотга тўлиқ ўтказадиган ва ашёвий-буюм шаклини ҳам йўқотадиган қисми.

**Амортизация нормаси** - бу амортизация ажратмалари йиллик суммасининг асосий капитал қийматига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Даромад** - корхонада, хужаликда яратиладиган маблағ.

**Рентабеллик** — немисча-бу фойдалилик даражаси.

**Фойда** — бу сотилган маҳсулот ва хизматларнинг қиймати билан таннархи айирмаси.

**Харажат** — бу товар ва хизматларни яратиш, сотиш билан боғлиқ сарфлар.

**Соф фойда** - ялпи тушумдан харажатлар чиқарилган қисми.

## Х БОБ. КОРХОНА ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ

Мазкур бобда корхона фаолияти, ишлаб чиқариш жараёни тушунчалари. Харажат нима, унинг таркиби қандай тузилиши мумкин. Қисқа ва узоқ муддатли ишлаб чиқариш харажатлари. Доимий, ўзгарувчан харажатлар. Ўртача ва умумий харажатлар. Ички ва ташқи харажатлар. Узоқ даврда ишлаб чиқариш харажатлари. Кейинги қўшилган харажатлар тушунчаси. Тижорат харажатлари ва унинг қопланиш манбалари. Корхонанинг пул тушумлари ва фойдаси. Корхоналар фойдасини ошириш. Фойда нормаси ва массаси. Фойданинг камайиб бориш қонуни. Фойдага таъсир кўрсатувчи омиллар. Меъёридаги фойда, иқтисодий фойда, омад фойдаси. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиши. Зарар кўрувчи корхоналар. Зарар кўришнинг чегаралари. Корхоналарнинг банкрот бўлиши (синиши). Корхоналарни санация (давлат томонидан тиклаш) қилиш зарурлиги.

### 10.1. Корхона харажатлари ва уни тежаш йўллари.

Корхона — бу мустақил ҳўжалик юритувчи субъект, маҳсулот ишлаб чиқариш, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва фойда олиш мақсадида ҳаракат қилиб иш бажариш, хизматлар кўрсатиш учун ташкил этилган жараёндир. Корхоналар, хусусий, давлат, акционер мулк, жамоат ташкилотлари мулки, шунингдек аралаш мулк каби турларга бўлинади. Ҳар бир корхонанинг ўз низоми, фондлари, ҳуқуқи, имкониятлар бўлади. Корхона низомида корхонанинг ҳўжалик мақсадлари, йўналиши, вазифалари, фаолият доираси, бошқариш ва назорат органлари, мулкани шакллантириш тартиби, фойда олиш ва уни тақсимлаш, қайта ташкил этиш шартлари батафсил баён этилган. Низом корхона фаолиятини юритишдаги асосий ҳўжжат ҳисобланади. Низом корхонани таъсис этувчи муассаса томонидан тасдиқланади ва унинг бажарилиши назорат қилинади. Корхона акцияси корхонанинг фақат ўз меҳнат жамоаси доирасида тарқатилган ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар, турли жамиятлар, банклар, шунингдек кооператив корхона ва ташкилотларга сотилиши мумкин бўлган акциялардир. Акция — бу француз тилидан олинган бўлиб, фармойиш, рухсатнома, фаолият каби маъноларга эга. Акционер жамият чиқарган қимматбаҳо қоғоз. Акция эгасининг шу жамият маблағига қўшган ҳиссасини ва шунга мувофиқ топилган фойданинг бир қисмини дивиденд тариқасида олишини, уни бошқариб туришда қатнаша олишини тасдиқлайди. Дивиденд — бу лотинча сўз бўлиб, тасдиқланадиган мазмундадир. Акционер жамият фойдасининг акция эгасига тегадиган, яъни унинг даромадига айланган қисми.

Корхона фондлари — бу ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш ва ходимларни иқтисодий рағбатлантириш учун фойдаланиладиган моддий бойликлар ҳамда пул маблағлари йигиндисиدير.

Жамият иқтисодий кучининг юксалиб боришида корxonанинг муносиб яратувчанлик ўрни бор. Жамият иқтисоди узлуксиз талабларга асосланган. Шунга кўра бу талабларга хос ишлаб чиқариш бўлишлиги тақозо этилади. Жамият иқтисодиётининг энг зарур қисми бу корхонадир. Корхонада қиймат қайта-қайта яъни такрор ишлаб чиқилад. Ҳар қандай тизим ва ҳар қандай йўналиш бўлмасин унинг барчасида корхона фаолияти ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жарёнлари билан ифода этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги корхона, у қандай бўлишидан қатъи назар, асосий товар ишлаб чиқарувчи корхонадир. Тадбиркорлик корхонадан бошланади. Корхона нима билан шуғулланмасин, қандай мулкка оид бўлмасин, барибир бозор учун ишлайди, унга товар ва хизматлар етказиб беради.

Корхона тирикчилиги бозор билан. Шунга кўра бозорга ҳам сотувчи ҳам олувчи сифатида қатнашади. Корхона таклифчи сифатида ўз товарларини бозорда сотади, ҳаридор сифатида эса ишлаб чиқаришга зарур бўлган маҳсулот ва ресурсларни сотиб олади. Шу сабабдан ҳам корхона бозор билан мунтазам алоқада бўлади. Корхона бошқалардан боғлиқ бўлмаган ҳолда алоҳида фаолият юритади. Корхона эркин ва мустақил имкониятга эга эканлиги унинг фаолиятининг кенгайиб боришига имкон беради. Корхона хўжалик юритувчи субъект сифатида иқтисодий мустақилликка эга. Нимани, қанча, қачон, қандай усуллар билан ишлаб чиқариш, уни кимга, қаерда, қачон, қанча сотиш масалаларини корxonанинг ўзи ҳал қилади. Айтилган муаммоларни ечишда корхона бозорга қараб иш тутади. У бозордаги ресурслар нархи, ўзининг товарлари нархи, қилган харажатлари миқдори, оладиган фойдаси даражаси, барча — барчасини чамалаб, ҳисоблаб фаолият юритади. Нарх — наво ва харажатлар миқдори корхонага энг камида ўртача фойда келтирсагина у ишлайди. Бозордаги рақобат корxonани иқтисодий шароитга тез мослашиб боришига йўналтиради. Жумладан товарларни янгилаш, сифатини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, янги технология билан шуғулланиш, реклама сиёсатини фаол олиб бориш каби заруриятлар билан шуғулланишликни тақозо этади.

Иттифоқ даврида корхонада ўз фаолияти юзасидан эркинлик йўқ эди. Унда нима режалаштирилган бўлса, нимани топшириқ берса, унинг фаолияти шунга итоат қилишга қаратилган эди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити бундан тубдан фарқ қилади. Корxonалар мустақил бўлсада, мазкур жамият қонун — қоидаларига бўйинсинади. Унинг фаолияти давлат назоратида бўлади. Бунда корхона ишига ҳар қандай қонун бузарларнинг суқилиб, ҳалақит қилишига йўл қўйилмайди.


Ўтиш даврида эркинлик даражасига қараб уч тоифа корхона пайдо бўлади. Биринчиси давлат буюртмаси сақланган корхона. Иккинчиси, ҳам буюртма ва ҳам бозорга ишловчи корхона. Учунчиси эса фақат бозорга ишловчи корхонадир. Корxonанинг учинчи тури бутунлай мустақил ҳисобланади. Эркин иқтисодиётда корхона ресурслари бозор талабига биноан тақсимланади, аммо улар мустақил фаолият юритади.

Корхоналарнинг мулкый мақоми ва ҳужалик юритиш услуби ҳар хил бўлади. Бунда фирма ва корхоналар турличадир. Уларнинг ҳусусий фирмалари, маъсулияти чекланган жамоа фирмалар, маъсулияти чекланмаган фирмалар, яъни ширкатлар, давлат корхоналари — фирмалари, аралаш корхоналар, корхоналар бирлашмаси, фирмалар шаҳобчаси ва бошқалардир. Ўзбекистонда фермер ҳужалиги, феҳқон ҳужалиги ва ширкатлар ҳужалиги фаолияти, айниқса қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишда иқтисодий мазмунда зарур бўлади.

2004 йилдан эътиборан ширкатлар ҳужалиги фаолияти тўхтатилди. Улар ҳам фермерлик фаолиятига бириктирилди. Бунинг иқтисодий сабаблари шундаким, ширкат ҳужалигида унумли ва самарали ишлаб чиқариш ташкил қилиш бошқаларига нисбатан анча иқтисодий паст натижалар бера бошлади. Масалан, фермер ҳужалиги ҳам, ширкат ҳужалиги ҳам бир ҳудудда, бир хил об — ҳавода ишлаб чиқариш юритиб, натижа бир — биридан тубдан фарқ қила бошлади. Чунки фермер ҳужалиги яқка шахс манфаатдорлигида, ширкат эса жамоа манфаатдорлигида иш юритдилар. Бунда мулкка бўлган эгачилик ишлаб чиқаришдан бўладиган манфаатдорлик тубдан фарқ қилади. Шунга кўра ширкат ҳужалигида ишлаб келганлар фермер ҳужалиги таркибида ўз фаолиятларини давом эттироқдалар.

Товарларни сотиш нархлари асосан корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи шароитлар билан белгиланса, ишлаб чиқариш сарф—харажатлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва тайёр товарларни сотиш жараёнларини ташкил қилиш самарадорлиги даражасига боғлиқ. Лекин ҳар қандай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун маълум сарф харажатлар талаб қилинади.

Ишлаб чиқариш сарф—харажатлари деганда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлар тушунилади. Ишлаб чиқариш сарф—харажатлари таркибига ҳомашё, асосий ва ёрдамчи матереаллар, ёнилги ва энергия учун қилинган харажатлар, асосий капитал амортизацияси, иш ҳақи ва ижтимоий сугуртага ажратмалар, фоиз тўловлари ва бошқа харажатлар киради. Ишлаб чиқаришга қилинган барча сарф—харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот таннархини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш харажатлари, бу бевосита ишлаб чиқариш харажатларига ва муомала харажатларига бўлинади.





Ишлаб чиқариш харажатлари деганда маҳсулотни бевосита ишлаб чиқариш учун қилинадиган барча сарфлар тушунилади. Товар бирлигининг қийматида ишлаб чиқариш харажатлари фақат унинг бир қисмини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш харажатлари товар қийматидан кам миқдорда бўлади. Муомала харажатлари тушунчаси товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, шу товарларни ишлаб чиқаришдан олиб, истеъмолчига етказилгунича кетадиган сарфларга айтилади. Улар икки гуруҳда бўлади. Булар қўшича муомала харажатлари ва соф муомала харажатиدير. Товарни ўраш, қадоқлаш, сарфлаш, транспортга ортиш, ташиш ва сақлаш харажатлари қўшимча муомала харажатлари ҳисобланади. Муомала харажатларининг бу турлари ишлаб чиқариш харажатларига яқин туриб, товар қийматига киради ва унинг қийматини оширади. Харажатлар товарлар сотилгандан кейин олинган пул тушуми суммасидан қопланади.

Соф муомала харажатлари — бу сотувчи иш ҳақидан, маркетинг харажатларидан, реклама ва бошқа харажатлардан ташкил топади. Соф муомала харажатлари товар қийматини оширмайди ва ишлаб чиқариш жараёнида яратилган товарни сотгандан кейин олинган фойда ҳисобидан қопланади. Ҳозирги замон сарф — харажатлар ғояси бўйича корхона ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар ўз ресурслари ёки жалб қилинган ресурслар бўлиши мумкин. Шунга кўра харажатлар ички ёки ташқи харажатларга бўлинади. Ташқи харажатлар корхона ўзи учун зарур ресурс ва хизматларга тўловларни амалга ошириши натижасида вужудга келадиган харажатлар. Булар иш ҳақи, ҳом ашё ва материаллар учун тўлов, кредит учун фоиз тўлови, ижарага олинган ер ва хизматлар ва бошқалар.

Корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиши билан боғлиқ харажатлар ички харажатлар дейилади. Масалан, бино — иншоот амортизацияси, ижара ҳақи, меъёрдаги фойда, қарз пул маблағлари ва унинг учун фоизлар.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқлик даражасига қараб доимий ва ўзгарувчи харажатларга бўлинади. Ўзгарувчи харажатлар деб ишлаб чиқариладиган товар миқдорининг ошишига ёки камайишига бевосита таъсир қиладиган харажатларга айтилади. Масалан, ҳом ашё, материал, ёнилғи, транспорт хизмати ва ишчилар иш ҳақи ва бошқалардир.

Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмайди. Масалан, корхона тўлов мажбуриятлари, солиқлар, амортизация ажратмалари, ижара ҳақи, кўриқлаш хизмати харажатлари, бошқарув ходимлари маоши ва ҳоказолар.

## 10.2. Корхона харажатлари ҳажмига таъсир этувчи омиллар.

Корхона харажатлари таркибида ишлаб чиқарувчи кучлардан фойдаланишда сарфланадиган қийматлар мавжуд. Масалан, иш ҳақи учун тўладнадиган сарфлар шунга киради. Шунингдек ҳом ашё сотиб олиш учун, ёнилғи ва энергия сарфлари ва бошқалар. Мана шу харажатларнинг ўзгариши ишлаб чиқариш харажатларининг умумий миқдорига ўз таъсирини

кўрсатади. Бу харажатларнинг таъсири товар ишлаб чиқариш харажати тез ўзгартиради. Масалан, иш ҳақи ўзгариши билан унинг маҳсулот таннарихининг ўсишига олиб келади. Нон ишлаб чиқаришда унинг нархи, ёки бугдой нархи кўтарилса, нон нархи ҳам ўсади ва бошқалар. Шундай ресурслар борки унинг ўзгариши харажат ўзгаришига тез таъсир қилмайди. Масалан, оғир саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш қувватлари анча узоқ вақт ораллигида маҳсулот миқдори ўзгаришига таъсир қилиши мумкин. Демак, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишга вақт омили, яъни харажат қилгандан пировард натижа олингунча ўтган давр сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли вақт омилидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларини қисқа ва узоқ муддатли даврда алоҳида таҳлил қилинади.

Корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш учун қисқа даврда фақат ўзининг ўзгарувчи харажатлари миқдорини ўзгартириши мумкин. Бу қисқа муддатли харажатлардир. Ишлаб чиқариш қувватлари, яъни ишлаб чиқариш иншоотлари майдони, машина ва ускуналар миқдори доимий бўлиб қолади, ҳамда бу давр фақат улардан фойдаланиш даражасини ўзгартириш учун етарли бўлиши мумкин. Аниқроғи қисқа давр ораллигида корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ўзгаришсиз қолади. Фақат ишлаб чиқариш ҳажми жонли меҳнат, ҳом ашё ва бошқа ресурслар миқдорини кўпайтириш орқали ўзгартириш мумкин. Бу йўлга ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолатини кўтариш орқали эришилади.

Узоқ муддатли давр — бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ва бутун банд бўлган ресурслари миқдорини ўзгартириш учун етарли бўлган даврдир. Ишлаб чиқариш қувватларининг ўзгаришини тақозо қиладиган давр давомийлиги айрим тармоқ ва корхоналарда турлича бўлиши мумкин. Масалан, енгил саноат тармоғида кийим — кечак ишлаб чиқарадиган кичкина фирма, бир нечта қўшимча тикув машинаси ўрнатиш билан ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини қисқа вақтда ошириш мумкин бўлади. Оғир саноат тармоғида янги қувватларни ишга уттириш учун бир неча йил талаб қилинади. Қисқа муддатли вақт давомида корхона ўзининг доимий қувватларига ўзгарувчи ресурслар миқдорини қўшиб бориш йўли билан ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартиради.

Маълум даврдан бошлаб корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларига ўзгарувчи ресурслар бирлигининг кетма — кет қўшиб бориш, ҳар бир кейинги ўзгарувчи ресурс бирлиги қийматига камайиб борувчи қўшимча маҳсулот беради. Бунда корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари — бу капитал ёки ер мисолида бўлиши мумкин. Ўзгарувчи ресурслар бирлиги эса жонли меҳнат, яъни ишчи кучи фаолияти эътиборга олинган.

Агар асосий капиталга хизмат кўрсатувчи ишчилар сони кўпайиб борса, ишлаб чиқаришга кўпроқ ишчини жалб қилиб бориш билан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши тобора секинлик асосида рўй беради. Масалан, фараз қилайлик, фермер фойдаланадиган ернинг доимий миқдорига эга бўлиб, унда дон етиштиради. Ер майдони 20 га. Агар фермер экинига қайта ишлов бермаса, бир гектар ердан 40 центнер ҳосил олади деб ҳисоб қилайлик. Агар экинга қўшимча бир марта ишлов берилса, у энди бир

гектаридан 40 центнер ўрнига 50 центнер ҳосил олиши муқарра. Иккинчи ишлов бериш ҳосилни 57 центнерга, учинчи ишлов бериш ҳосилни 61 центнерга, тўртинчи ишлов бериш ҳосилни 63 центнергача оширади. Агар экинга ишлов бериш давом эттирилса, унинг натижаси деярли сезилмайди. Чунки ҳар бир имкониятнинг ҳам меъёрий чегараси бор. Бу самаранинг камайиб боришлиги қонунига асосланади. Бу қонунга асосан ишлаб чиқаришга қўшимча жалб қилинган ишчи кучининг ҳар бири бир хил билимга, лаёқатга, малакага, ҳаракат тезлигига эга деб англанади. Амалиётда ҳар бир ишчи ўзига хос имкониятларга эга ҳолос. Келтирилган мисолдан ҳулоса шундаким, кейинги жалб қилинган ишчи кам малакага эга бўлгани учун эмас, балким капитал фондларининг мавжуд миқдорига нисбатан кўп миқдорда ишчиларни банд қилиш сабабидан камайиб боради.

Корхонанинг умумий харажатлари миқдори қулай иқтисодий муҳитдан ҳам боғлиқ бўлади. Бундай шароитда ишлаб чиқариш қувватларининг узлуксиз кенгайиб бориши юзага келади. Бу жараённинг бошланиш даврида маълум бир вақтгача ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши ўртача умумий харажатларнинг пасайиши билан бирга боради. Оқибатда эса, кўпроқ ва аста—секин яна кўпроқ қувватларни ишга тушириш ўртача умумий харажатларнинг ўсишига олиб келади. Бундай ўзгаришлар сабабини самаранинг камайиб бориш қонунидан излаш бенаतिжа бўлади. Чунки бу қонуннинг амал қилиш шарт — шароити ишлаб чиқаришда фойдаланадиган ресурслардан биттаси миқдорининг ўзгармаслиги ҳисобланади. Узоқ муддатли даврда барча ресурслар миқдори ўзгаради.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бориши билан бир қатор омиллар ишлаб чиқариш ўртача харажатларининг пасайишига таъсир кўрсата бошлайди. Бу кўрсаткич ўз ўрнида ишлаб чиқариш миқёсининг ижобий самарасидир. Таъсир этувчи омилларга, масалан, меҳнатнинг ихтисослашувини айтиш мумкин. Шунингдек бошқарув ходимларининг ҳам ихтисослашуви, капиталдан самарали фойдаланиш жараёни, ҳамда иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ташкил этганлиги. Корхона ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бориши билан қўлланиладиган меҳнатнинг ихтисослашуви даражасини ошириш имконияти ортиб боради. Ишлаб чиқариш жараёнида беш ёки олтита ўзгартириш киритиш ўрнига, энди ҳар бир ишчи битта ягона вазифани олади. Битта вазифани бажариш имкониятини ошириш эса ишчининг меҳнат унумдорлигини ўстиради. Бу ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига олиб келади. Ишлаб чиқариш миқёсининг кенгайиб бориши чуқур ихтисослашув туфайли бошқариш бўйича мутахассислар меҳнатидан анча яхши фойдаланиш имкониятини беради. Бу охир оқибатда самарадорликнинг ошиши ва маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига олиб келадиган ҳолдир.

Харажатларнинг камайиб бориши фойда миқдорининг ўсиб боришини тақозо этади. Лекин сарфланган ҳар бир миқдор эвазига нормал қўшимча миқдор қиймат яратилиши зарур. Бу ўз ўрнида ишлаб чиқаришни бошқариш лаёқатидан боғлиқдир.

### 10.3. Корхона фаолияти ва уни бошқаришни такомиллаштириш.

Корхонанинг rischi — бу бирдан бир юқори фойда олиш, яъни ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллигини оширишга қаратилган. Риск — бу мақсадга эришиш йулидир. Шунга кўра корхонада мулк сифатида мавжуд бўлган барча қийматлар ва имкониятлар шу мақсадни ҳал этишга қаратилади. Мақсадга эришиш учун ҳар бир корхона тинимсиз изланади, қўшимча харажатлар сарфлайди, барча тадбирлар қабул қилади. Лекин уларнинг барчасининг ҳам харажатлари ҳар доим ҳам серунум, самарали натижалар бермайди. Юқори фойда олиш учун фақат мулк эгаси бўлиб қолишнинг ўзи кифоя эмас. Мавжуд бўлган барча имкониятлардан қандай фойдалана билиш ҳам мақсад сари унумли натижалар, бўлишлигини тақозо этади. Бунда бошқариш ва яна самарали бошқариш зарур. Ҳаёт узлуксиз ўзгариб, ўсибборгани каби, корхона фаолияти ҳам янгилашиб бориши, ишлаб чиқаришнинг серунум усуллари қўлланиб боришлиги эҳтиёжлар талабига хос жараён бўлади. Шунингдек бошқаришнинг янги — янги усулларини тадбиқ этиш, яъни бошқаришни такомиллаштириб бориш зарурдир. Бу муаммонинг ечимида кадрлар салоҳиятини ўстириш асосий омилдир. Кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малака билимларини янгилаб бориш лозим. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда мутахассисликнинг янги — янги касбларини кашфиёт этиш ва ёшларни дастлабки фаолиятдан мақсадга мувофиқ ўқитиш ҳам ниҳоят муҳимдир. Демак, рискни фирма қандай бошқара олиши — бу ҳал этувчи жараён дир. Рискни бошқаришнинг уч хили бор. Биринчиси — бу рискка мойилликнинг булмаслиги ёки рискни хоҳламаслик. Бунда корхона юқори даромад олиш ўрнига уртачароқ бўлсада, лекин барқарор, яъни узлуксиз ва ўсиб борувчи даромад олишни хоҳлаши мумкин бўлади. Чунки айрим корхоналар фойдани ўстириб бориши билан бирга корхона фаолиятини сақлаб қолишни, яъни уни ҳар қандай хатарлардан эҳтиёт қилиш ҳаракатида бўлишади. Фирма рискка бормаганда, у қўшича фойдадан воз кечади. Одатда майда фирмалар рискни тан олишмайди. Чунки улар рискка дуч келиш бор — йўғидан ажралиб банкрот бўлишга олиб келишдан қўрқади.

Мақсадга эришишнинг иккинчи хили — бу рискка бефарқ бўлиш. Бундай ҳолатда фирма учун рискнинг бор ёки йўқлиги ҳеч нарса эмас кайфиятда ўз фаолиятини давом эттиради. Топган фойдасидан қаноатланиб ишлайдилар. Рискка юз тутиб кўпроқ фойда олишлик, ёки аксинча энг паст фойда олишлик жараёнлари билан машғул бўлмайди, бозор берган даромад билан яшайди. Корхона маргинал, яъни қўшимча фойдага бефарқ бўлади.

Мақсадга эришининг учинчи хили — бу рискка бориш. Бунда фирма мавжуд бўлган янги технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этади. Унинг бош режасида фойданинг даражасини орттириб боришдир. Шунга кўра корхона кам миқдорда фойда олинадиган ишлаб эмас, аксинча кўп миқдорлаб олинадиган фойда изидан қувади. Унинг бу ҳаракати узлуксиз давом этади. Бугун кечагидан, ертага бугунгидан ортиқроқ фойда олиш

ташвиши кучайиб боради. Кўп ҳолларда у таваккалга иш юритади, қалтис ҳаракатлар қилишдан қайтмайди. Амалда, у тез вақтда ниҳоят катта ҳажмда фойда топиши ва тез зарар билан ишини якунлаши мумкин бўлади. Демак рискка бориш фойдани максимал кўтаришнинг йўлидир. Бу йўлдан қурқоқлар юра олмайди.

Иқтисодда риск мукофоти тушунчаси мавжуд. Риск мукофоти – бу рискка борган чоғда кутиладиган фойда билан рискка бормаган пайтда олинадиган фойда ўртасидаги фарқдир. Масалан, фирма кир ювиш машинасини риск билан чиқарганда 10 млн. доллар фойда қолади. Агар у рискка бормай кондиционер чиқаришда давом этса, 8 млн. доллар фойда кўрган бўлар эди. Бизнинг мисолимизда риск мукофоти 2 млн. долларни ташкил этмоқда.

Фойдани ўта кўпайтириш ташвишининг ҳар қалай хавфлилиги корхонанинг рискни камайтиришига олиб келади. Бунинг учун у қуйидаги йўлларни қўллайди. Биринчидан корхона ишлаб чиқаришни диверсификациялаш керак. Диверсификациялаш – бу лотинча сўздан олинган бўлиб ўзгартириш сўзи мазмунидадир. Бундай йўлда корхона маблағи бир – бирига боғлиқ бўлмаган турли соҳаларга жойлаштирилади. Бу ҳолатда унинг бир жойидан зарар кўрилса иккинчи жойдан олган фойда орқали уни қоплаштиради.

Корхонанинг иккинчи йўли тадбиркорлик фаолитини суғурталаш. Бунда фирма эҳтимоли бор йўқотишни суғурталайди. Масалан, фермер қурғоқчилик юз берганда 2 млн. доллар йўқотади. Қурғоқчиликни эгиборга олиб, у бўлгуси ҳосилни суғурталайди. Агар қурғоқчилик бўлса, суғурта компанияси йўқотилган ҳосил қийматининг бир қисмини тўлайди. Йўқотиш қисман қопланганидан фермер rischi камайди.

Корхонанинг учинчи йўли – бу шерикчилик капиталини ҳосил этиш. Бу йўлда ширкат фирмалари ташкил этилади. Унинг капитали бир қанча шерикларники бўлади. Топилгани ҳам йўқотилгани ҳам ўзаро тақсимланади. Масалан, чинни заводи қуриш учун 5 млрд. сўм керак. Бу пулни 5 нафар шерик биргаликда қўяди. Кутиладиган йўқотиш 5 млн. сўм. Шерикчилик бўлганидан йўқотилаётган 5 млн. , мана шу 5 нафар шериклар тўловида ҳисоб қилинади. Демак шерикчилик капитали рискнинг тақсимланишига ва уни ҳар бир шерикка тушадиган юкини энгиллаштиришига олиб келади. Корхонанинг яна бир, тўртинчи йўли – ахборотни тўплаш ва ундан самарали фойдаланишга қаратилган. Корхона рискнинг олдини олиш ёки уни камайтириш учун ички ва ташқи бозордаги аҳволни ўрганиши зарур. Бунда бозорда нарх даражаси, унинг ўзгариши эҳтимоли, товарлар сотилишининг силжиши, рақобатчиларнинг кайфияти ва ҳаракатлари тўғрисида, шерикларнинг аҳволи тўғрисида, давлат сиёсатида кутилаётган ўзгаришлар ва бошқа ахборотлардан хабардор бўлишлик зарур.

Фирма оладиган ахборот қанчалик хилма – хил, кўп манбали бўлса, шунчалик ишни режалаштириш, ташкил этиш энгил ва даромадли бўлади. Корхона ахборотни асосан интернет хизматидан олади ва шунга хос ўз фаолиятини бошқаради.

Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор усулига ўтилиши корхонанинг иқтисодий тизимдаги тутган ўрни ва ролини тубдан ўзгартиради. Янги иқтисодий муносабатлар шароитида корхона ишлаб турган тартиб — қоида асосида қабул қилинган қарорларни бажаради. Корхона объект сифатида фаолият бошлагани ҳолда ҳужаликдаги тенг ҳуқуқий субъектга айланади. Шунга кўра ижтимоий — иқтисодий ривожланиш, умуман ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг амалга ошиши алоҳида корхоналарнинг фаолиятдан боғлиқ бўлиб қолади. “Иқтисодий алоҳидалик”, “Иқтисодий мустақиллик” ва “оператив ҳўжалик мустақиллиги” тушунчалари корхонага нисбатан ишлатилганида бир хил мазмунда бўлади. Бу тушунчалар ўзаро боғлиқ бўлсада, улар ижтимоий муносабатларнинг турли даражаларини акс эттиради. Масалан, иқтисодий алоҳидалик мулкчилик муносабатига кўра юзага келиб, турли корхоналарда ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчиликнинг чегараланишига ва ишлаб чиқариш натижаларига асосланган. Иқтисодий алоҳидалик тўла мустақилликни ифода этади.

Оператив — ҳўжалик мустақиллиги эса — бу ҳуқуқий муносабатлар тушунчасидир. Бу қонунларда ифода этилган мустақилликдир. У корхонада юридик шахс хусусиятларига эга бўлган ишлаб чиқаришдир.

Корхонанинг ўз низоми, даромадлар ва харажатлар баланси, банкда ўз ҳисоби, шартномалар тузиш ҳуқуқи бўлганда у эркин фаолият кўрсатади.

“Корхоналар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунида корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳўжалик фаолиятининг асосий қоидалари белиглаб берилган. Қонунда, корхоналарнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар ҳўжалик юритишда тенг ҳуқуқчилиги таъкидлаб кўрсатилган. Давлат мулкни тарқатиш жараёни иқтисодиётимиз учун корхоналарнинг пайдо бўлишлигини тақозо этади. Масалан, ижара, акционерлик, оилавий, қўшма, концерн каби корхоналар юзага келади. Ижара корхонаси — бу мол—мулкни шартнома асосида маълум тўлов эвазига, маълум муддатга фойдаланиш учун ёллаш орқали ташкил этилган корхона шаклидир. Акционерлик корхона эса турли корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблағларини шерикчилик асосида бирлаштирадиган жамият. Қўшма корхона — бу чет элликлар иштирокида ўзаро манфаатдорлик асосида қуриб ишга туширилган корхонадир. Концерн шаклидаги корхона кўп тармоқли уюшмадан иборат. Концерн сўзи — бу инглизча сўз бўлиб, у йирик кўп тармоқли уюшмадир.

Ҳар бир корхона ўз фаолиятини бошқарганда ўзидаги шароит ва имкониятларга суянади ва уни такомиллаштириб боради.

#### **10.4. Корхона фойдаси ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.**

Фойда — бу ишбилармонлик қобилиятини ишга солиб, хатарли ишга қўл ургани учун талбиркорларга тегадиган мукофотдир. Талбиркор ҳар қандай иш фаолиятида ҳам фойда олиш ниятида, мақсадида ҳаракат қилади. Харажат сарфлаш фойда олишга қаратилган моддий чиқимдир. Фойданинг

ҳам икки тури бор. Биринчидан у меъёрий яни нормал фойда. Бу фойда тадбиркорлик фаолияти учун олинган ҳақ ҳисобланади. Шу туфайли у харажатлар таркибига кирилади. Товарлар энг паст нарҳда, ҳатто таннарх ҳажмидаги нарҳда сотилганида ҳам тадбиркор меъёрий фойдани олади. Бу унинг меҳнатига бериладиган мукофотдир. Бу фойда ишлаб чиқариш харажатлари таркибига бўлиб, у меҳнат ҳақини ташкил этади. Меҳнат ҳақи биринчидан, меъёраги фойда сифатида тадбиркорга тега, иккинчидан, иш ҳақи бўлиб ёлланиб ишловчиларга тегади. Буларнинг ҳар иккаласи сарф бўладиган харажатларга киритилади. Шу сабабли товарлар харажатга тенг нарҳда сотилганда ҳам тадбиркор фойда олади. Меъёраги фойда ҳеч бўлмаганда юқори малакали ишчи ёки мутахассис иш ҳақи даражасида бўлиши керак. Агар бу имконият ҳам бўлмаса тадбиркорлик фаолияти давом этмайди.

Фойданинг яна бир кўриниши — бу иқтисодий фойда дейилади. Бу даромаднинг харажатлардан ортиб қолган қисмига тенг бўлади. Иқтисодий фойдани капитал яратади. Шунга кўра бу фойда капитал эгаларига тегишлидир. Якка ва улўшчи пулдорлар капитал эгаларидир. Якка пулдор келтирилладиган фойдани ўзи олади. Чунки буни яратиш учун унинг пули ишлаган. Агар унинг фирмасидаги капиталнинг бир қисми қарзга олинган бўлса, иқтисодий фойданинг ҳам бир қисмини фойза шаклида қарз берувчига тўлайди. Бордию фирма капитали корпоратив ҳарактерда бўлса, иқтисодий фойда кўпчиликдан иборат капитал соҳиблари, акционерларга тегади. Корпоратив — бу лотинча сўз бўлиб, унинг мазмуни бирлашма тушунчасини англатади. Корхона фаолиятида омад фойдаси ҳам мавжуд. Омад фойдаси — бу иқтисодий фойданинг бир кўриниши бўлсада лекин унинг икки хил хусусияти бор. Булар биринчидан омад фойдаси фирмага боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келади. Шунингдек у бозор нархларининг кўтилмаган ҳолатида пайдо бўлади. Омад фойдаси бозорда нарх даражаси пасайиши билан у ҳам пасаяди ва йўқ бўлади. Омад фойдасининг тайинлиги йўқ. У уткинчи фойдадир. Масалан, 2004 — 2005 йилларда нефт нархининг кўтилмаган ҳолда ортиши нефтни экспорт қилувчи компанияларга омад фойдасини келтирди. Ўша омад фойдаси Россия, Қозоқистон давлатларига насиб этди.

Иккинчидан омад фойдасини ҳамма фирмалар ололмайди, уни омади чопанларгина олади. Нефт нархининг ошишидан олинган фойда, фақат ўз эгаларига, яъни нефт компанияларига теккан. Омад фойдасининг қўлга киритилиши бетайин бўлганлигидан кўпчилик корхоналар уни кўтмайди, балким иқтисодий фойда олишга ҳаракат қиладилар. Иқтисодий фойдани аниқлаш учун ялпи даромаддан ялпи харажатни чегириб ташлайди. Даромад ҳам харажатларни қоплайди, ҳам фойда келтиради. Шунга кўра фойданинг даражаси ҳам даромаддан ҳам харажатдан боғлиқ.

Иқтисодий фойда миқдори даромадга тўғри мутаносибликда харажатга нисбатан эса тескари мутаносибликда бўлади. Даромад ҳисобидан фойда ортиши учун товарлар ва хизматлар юқори нарҳда сотилиши керак бўлади, бошқа ҳолатда даромад ўсмайди. Шунга кўра фойда товарлар, нарҳига ҳам

тўғри муаносиб деб айтиш мумкин бўлади. Фойда ва харажат даромад таркибидаги икки миқдорий қиймат бўлганидан улардан бирининг ортиши иккинчисининг қисқаришини билдиради.

Фирма фойдани кўп олиши учун бозоргир товарларни кўпроқ таклиф этиши лозим. Бир вақтда бу товарлар таннархини пасайтириш лозим. Иқтисодда маълумки, ўртача харажаталар нархдан қанчалик кам бўлса, шунчалик фойда катта бўлади. Харажаталар билан нарх фарқи олинандиган фойда даражасининг шунга кўра ўзгаришини тақозо этади.

Товар ва хизматлар сотилганда уларнинг умумий қиймати пул даромадларига, ундаги кўшимча қиймат эса фойдага айланади. Корхонанинг умумий фойдасидан бюджетга солиқ тўловлари банкка эса олинган ссуда учун фоиз тўловлари ва бошқа мажбуриятлар чиқариб олинса, қолгани корхонанинг соф фойдаси бўлади. Соф фойда фирма фаолиятининг умумлашган, яқуний кўрсаткичидир. Соф фойдага қараб фирма иши, унинг иқтисодий бақувватлигига баҳо берилади.

$$\boxed{\text{Пул тушуми}} - \boxed{\text{Харажатлар}} = \boxed{\text{Иқтисодий соф фойда}}$$

Меҳнат унумдорлиги фойдани кўпайтиришда ишончли воситадир. Меҳнат унумдорлиги харажатларни пасайтириш орқали фойдани оширади. Шунга кўра ҳам унумдорлик иш омади — деб ҳисобланади.

Фойдани яратиш ҳам машақатли ҳол, лекин ундан унумли, баракали, мақсадга мувофиқ фойдаланиш корхонадан янада сергакликни, уқувчиликни талаб қилади. Ялпи фойданинг тақсимланиши кўрғазма учун куйидагича бўлиши мумкин. Ялпи фойдадан ижара ҳақи, кредит учун ҳақ тўлаш, ҳайрия ва бошқа фондларга ажратма, солиқлар тўланиб бўлгач соф фойда қолади. Соф фойдадан жамғариш, экология, кадрлар тайёрлаш, ижтимоий фондларга ажратилиб, қолгани корхона ихтиёрида қолади. Бу қолган қисмидан корхона ободонлиги учун, ишчи ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кўтариш учун ишлатилиши мумкин.

Амалда яратилган умумий даромаддан маҳсулот таннархи даражаси ажратиб олинади. Демак маҳсулотни яратишда сарфланган умумий харажатлар миқдори даромад миқдоридан чегирилиб ташланади. Корхонанинг қанчалик самарали ишлаётганлиги фойда нормаси билан белгиланади. Фойда нормаси бу — фойданинг ишлаб чиқариш харажатларига бўлган ва фоизда ифодаланган нисбатидир. Агар фойда нормасини  $P^1$  ҳарфи билан, фойдани эса  $P$  — ҳарфи билан, ишлаб чиқариш харажатларини  $V$  — ҳарфи билан белгиласак у ҳолда фойда нормаси;  $P^1 = P/\sqrt{x}100$  шаклида ёзилиши мумкин.

Фойда нормасига бир қатор омиллар таъсир қилади. Булардан; фойда массаси, капитал харажатлари таркиби, капитал таркибий тузулишининг ўзгариши, капитал айланиш тезлиги, капиталдан тежаб фойдаланиш, бозор нархининг ўзгариб бориши, ишлаб чиқариш ҳажми ва йўналишининг ўзгариши, ишлаб чиқарилаётган товарлар турининг ўзгариб бориши ва бошқалар.



Корхона фойдасининг кўпайиши, пасайиши каби муҳим иқтисодий кўрсаткичлар оқибат натижада унинг тараққиётини ёки тугаб кетишлигини пайдо қилади. Корхонанинг иқтисодий мукамал бўлишлиги, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлайди.

Ўзбекистонда яратилаётган, чет эл капиталлари иштироикда қурилиб ишга яъни фойдаланишга тушурилатган қўшма корхоналар фаолиятдан икки ёқлама иқтисодий манфаатдорлик бор. Ўз ўрнида, маҳаллий кадрлар иш уқувининг ошиб боришида, иқтисодий таъминотнинг яхшиланишида қўшма корхоналар фаолияти ўзига хос натижалар бермоқда.

### Асосий таянч тушунчалар

**Корхона** — бу ижтимоий меҳнат тақсимотининг бошланғич нуқтаси бўлиб товар ишлаб чиқарувчи сифатида ўз харажатларини қоплаб, такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи хўжаликнинг асосий бўғинидир.

**Ижара корхона** — бу мол—мулкни шартнома асосида маълум тўлов эвазига, маълум муддатга фойдаланиш учун ёллаш орқали такил этилган корхона шаклидир.

**Копнери** — йирик, кўп тармоқли уюшма. Саноат, транспорт, савдо ва ҳоказо.

**Акционерлик корхона** — бу турли ёки айрим<sup>1</sup> корхона, ташкилот, банк, компания ва шахс маблағларини шерикчилик асосида бирлаштирган корхона.

**Қўшма корхона** — бу чет эл капиталлари иштирокида, ўзаро манфаатдорлик асосида қуриб ишга туширилган корхона.

**Фойда** — сотилган маҳсулот ва хизматларнинг қиймати билан таннархи айирмаси.

**Фойда нормаси** — бу фойда массасининг ишлаб чиқариш харажаталирга бўлган нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Фирма** — италянча — фойда учун фаолият кўрсатадиган корхона.

**Харажат** — товар ва хизматларни яратиш, сотиш билан боғлиқ сарфлар.

**Доимий харажат** — ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этмайдиган, у ўзгарганда ҳам миқдорини ўзгартирмайдиган харажат.

**Ўзгарувчи харажат** — бу ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир этадиган харажат.

**Соф фойда** — ялпи пул тушумидан барча харажатлар чиқарилгандан қолгани.

**Тўғри харажат** — маҳсулот таннархига бевосита қўшилиб, унинг таркибига кирадиган харажат.

**Ўргача харажат** — маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажат.

**Билвосита харажат** — маҳсулот таннархига устама бўлиб, нархда акс этадиган харажат.

**Қўшилган харажат** — маҳсулотнинг навбатдаги қўшимча бирлигини ифод этувчи харажат.

## XI. БОБ. ИШ ҲАҚИ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

Мазкур бобда иш ҳақи ва унинг иқтисодий мазмуни ҳақида таҳлиллар ёритилган. Меҳнат муносабатлари ва унинг таркиби. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни. Номинал ва реал иш ҳақи. Реал иш ҳақининг даражаси ва ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар. Иш ҳақининг табақаланиши. Иш ҳақини ташкил қилиш шакллари ва тизимлари. Бозорнинг турли нуқсонлари. Рақобатли, монополистик ва монополия шароитида ишчи кучи, унинг иш ҳақи чегараси.

Меҳнат муносабатлари ва унинг таркиби. Ишчи кучини ёллаш. Меҳнат шароитлари. Касаба уюшмаларининг тадбиркорлар ва давлат билан ўзаро муносабатлари. Жамоа шартномалари ва ижтимоий сугурта тизими. Меҳнатга ҳақ тўлашда камситиш. Меҳнат низолари, унинг сабалари ва бартараф қилиш усуллари. Меҳнат ва капитал ўртасидаги муносабатлар. Ҳозирги замон капитали билан меҳнатнинг бирлашуви, унинг иқтисодий мазмуни.

### 11.1. Иш ҳақи ва унинг аҳоли даромадидаги ўрни.

Иш ҳақи – бу меҳнат миқдори ва сифати ҳамда унумдорлигига қараб миллий маҳсулотдан оладиган улушнинг пуллаг ифодаси. Иш ҳақи аҳоли даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаидир. Иш ҳақи иқтисодий муносабатларнинг мураккаб йиғиндисини ифода этади. Бу жараён, биринчидан айрим олинган ҳодим билан бутун жамият ўртасидаги муносабатлар мажмуидир. Бу муносабатларни амалга оширишда иш ҳақи соҳасида давлатнинг муҳим сийёсати бор. Иш ҳақи иккинчидан меҳнат жамоалари ўртасидаги муносабатлардир. Меҳнатга ҳақ тўлаш корхоналарнинг хўжалик ҳисобига таянган фаолияти натижаларига, уларнинг товар ишлаб чиқарувчилар сифатидаги иш якунларига боғлиқ бўлади. Учинчидан, эса ҳодим билан меҳнат жамоаси ўртасидаги муносабатлардир. Ҳар бир кишининг иш ҳақи корхона, цех иш ҳақи фонди доирасида унинг жамоа иш натижаларига қўшган ҳиссасига мувофиқ ҳолда белгиланади. Иш ҳақининг энг кам даражасини аниқлаш иш ҳақи миқдорини шакллантиришнинг бошланғич нуқтаси бўлиб ҳисобланади. Энг кам иш ҳақи ўзгармас бўлиб қолмайди. У доимо ўсиб боради. Иш ҳақи давлат сийёсати назоратида бўлганлиги учун, давлат энг кам иш ҳақи даражасини қонун билан белгилайди. Иш ҳақи белгиланишида унинг миқдори фақатгина иш ҳажми миқдорига боғлиқ бўлмасдан, балким у бажариладиган ишнинг мураккаблигига ҳам боғлиқ бўлади. Мураккаб меҳнат анча юқори сифатли меҳнатдир. У вақт бирлиги давомида кўпроқ қийматга эга бўлган маҳсулот яратади. Шу сабадан ҳам корхона, фирма, жамият бундай меҳнатга анча юқорироқ ҳақ тўлайди, ва бу билан ҳодимларни ўз малакасини оширишдан ва анча мураккаброқ ишга ўтиб ишлашдан моддий манфаатдор қилади.

Хужалик фаолиятининг якуний натижалари, яъни меҳнат унумдорлигини яратиш, русурслардан тежаб — тергаб фойдаланиш, маҳсулот сифатини ошириш каби фаолиятлар иш ҳақи фондида ёки фойданинг ўсишида ўз аксини топади. Иш ҳақи унинг яратган меҳнат ҳажми ва сифатига мувофиқ тўланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи ходимнинг ўзи учун ва ишлаб чиқариш воситалари эгалари учун янги — янги манфаатдорлик яратади. Бу иш ҳақининг турли хил шакллари ва тизимлари ёрдамида амалга ошади. Корхоналарда иш ҳақининг икки хил шакли мавжуд. Улардан биртаси — бу вақтбай иш ҳақи, иккинчиси ишбай иш ҳақидир. Вақтбай иш ҳақи ишчиларнинг маълум вақт давомида ишлаганига қараб тўланадиган иш ҳақи. Бу унинг қанча соат ишлади, қанча кун ёки қанча ҳафта, ой ишлаганига қараб иш ҳақи тўланади. Иш ҳақи ҳажмига қараб бир соатда, ёки бир кунда, ёки бир ҳафтада, ойда бажарилган меҳнат ҳажмини аниқлайдиган ва бу усулни қўлайдиган иш юритувчилар ҳам бўлади. Вақтбай иш ҳақи автоматлашган корхоналарда кўпроқ қўлланилади. Корхона котибаси, молия, банк ҳодимлари айниқса вақтбай иш ҳақи оладилар. Вақтбай иш ҳақи ходимнинг қанча вақт иш билан банд бўлганлигини ва белгиланган иш учун маъсул эканлигини эътиборга олган ҳолда тўланади. Ходим, шартнома шартларига риоя қилмаса, яъни белгиланган вақтда иш жойида бўлмаса, юкланган ишни бажаришни уддалай олмаса унга тўлиқ иш ҳақи ёзилмайди. Бундай ҳолатлар такорланмаслик тадбири қўлланилади. Вақтбай иш ҳақи меҳнатнинг натижаларини аниқ ҳисоблаб бўлмайдиган иш ҳақидир. Лекин вақтбай иш ҳақи аниқ вазифалар доирасини бажариш билан белгиланади. Масалан, муҳнадис, техник, хизматчи, созловчи, электромонтёр каби ходимларга ҳақ тўлаш киради. Шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараённинг бориши билан белгиланадиган ва бевосита ишчига боғлиқ бўлмаган пайтларда қўлланилади. Масалан, конвейерларда, автомат йўналишида ва ҳоказолар.

Вақтбай иш ҳақи ходимнинг малакаси, менатнинг сифати ва ишлаган вақтига қараб тўланади.

Ишбай иш ҳақи иш ҳақининг миқдори маҳсулот бирлиги учун белигланган тўловга мувофиқ тайёрлаган маҳсулотнинг сонига, миқдорига боғлиқ бўлишини назарда тутди. Ишбай иш ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ белгиланади. Ҳақ тўлаш шакллариининг аниқ меҳнат шароитларини ҳисобга оладиган турлари иш ҳақининг тизимини ташкил этади. Ишчиларнинг бир қисмига тўғри ишбай тизими бўйича ҳақ тўланади. Бунда ишлаб чиқариш меъёри қай даражада бажарилишидан қатъий назар, иш ҳақи ягона маҳсулот бирлиги учун белгиланган ҳажм бўйича тўланади. Ишда ўрнак бўлган ҳодимларга мукофот пули ҳам тўланади. Ишбай мукофот тизими бир қанча кўрсаткичлар учун мукофот берилишини назарда тутди. Ишбай илғор ҳақ тўлашда ишчининг белгилаб қўйилган меъёри доирасида ишлаб чиқарган маҳсулотига унинг бирлиги учун белгиланган баҳо бўйича иш ҳақи берилади. Нормадан оширилган қисми

учун оширилган ҳақ бўйича пул тўланади. Ишбай иш ҳақининг тизимида якка тартибдаги, жамоа ва ижара пудратида қўлланиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фарқланади. Бунда олинган тайёр маҳсулот учун унинг сифати ва ишлаб чиқариш чиқимларини ҳисобга олиб ҳақ тўланади. Ҳақ тўлашнинг жамоа шаклида иш ҳақи бригада цех ва бошқа бўлинманинг пировард меҳнат натижаларига боғлиқ қилиб қўйилади. Бунда ҳар-бир ҳодим ўзига берилган шахсий топшириқларигагина эмас шу билан бирга бўлинманинг бутун иш ҳажмини ҳам бажаришдан манфаатдор бўлади.

Ишчиларнинг иш ҳақини табақалаштириш энг аввало давлат тариф тизими ёрдамида амалга оширилади. Тариф тизими ёрдамида тармоқлар ва мамлакат минтақаси бўйича, улар ичида эса ишлаб чиқариш турлари, турли тоифадаги ходимлар малакаси ва меҳнат шароитларига қараб ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи даражаси тартибга солиб турилади. Иш ҳақида асосий иш ҳақи, мукофотлар, иш вақтидан сўнг бажаришган иш учун бериладиган устама пул тўловидир. Иш ҳақидан солиқлар, ижтимоий сугурта тўловлари, ҳар хил бадал пуллари чегириб олинади. Шундан сўнг қоладиган ва ишловчининг қўлига нақд тегадиган пул соф иш ҳақи бўлади. Меҳнатнинг миқдори ва сифати турлича бўладиган унинг натижаси ҳам бир хил бўлмайди. Шунга кўра иш ҳақи табақалашади. Юқори билим даражаси, касбий малака, маҳорат, катта иш тажрибаси ва маъсулият талаб этадиган, бинобарин, яхши натижа берадиган меҳнат учун катта ҳажмдаги иш ҳақи тўланади. Малакаси паст, оддий меҳнат учун иш ҳақи оз тўланади. Иш ҳақи даражаси бозорга ҳам боғлиқ. Агар фирма яратган товарлар бозорда тез сотилса, иш ҳақи ошади, ёки аксинча бўлиши мумкин. Бунда иш ҳақи меҳнат келтирган нафга боғлиқ бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнатга ҳақ тўлашни, меҳнатни рағбатлантиришнинг камчиликларини, салбий томонларини бартараф қилиш мақсадида 1992 йил 26 декабрда Ўзбекистон халқ ҳужалигининг барча тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф тизими жорий қилиниши ҳақида қарор қабул қилинди. Ягона тариф тизими 0 дан 28 гача бўлган разрядларни ўз ичига олади. Бунда меҳнат эгаларининг касб – корлик, малака даражасига, меҳнатнинг мураккаблилигига қараб разрядлар берилди. Ягона тариф тизимига ўтишдан мақсад ноҳақ даромад беришларини, бебошликни олдини олишни чек қўйиш, адолатли ҳақ тўлаш тизимини йўлга қўйиш эди.

Иш ҳақининг номинал ва реал шакллари мавжуд. Номинал иш ҳақи – бу иш ҳақининг умумий миқдоридир. Масалан, ишчи бир ой ишлагани учун 150 минг сўм иш ҳақи олди. Мана шу 150 минг сўм ишчининг номинал иш ҳақидир. 150 минг сўмдан яшаши учун қанчалик наф ола олади бу номаълум. Чунки бозорда нарх, ҳар хил хизматлар учун тўловлар ва ҳоказолар. Реал иш ҳақи – бу номинал иш ҳақидан солиқлар, ҳар хил тўловлар чиқариб ташлангандан қолган қисми. 150 минг сўмдан 20 минг тўловлар бўлган бўлса, демак ишчига реал иш ҳақи 130 минг сўмни ташкил этади. Реал иш ҳақи – ҳарид қобилиятидир, яъни ишчи реал иш ҳақидан қанчалик наф кўришлиги даражаси.

Иш ҳақи аҳоли даромадлари орасида тирикчилик ўтказиш учун энг ишончли иш ҳақидир. Чунки у узлуксиз ортиб борадиган иш ҳақидир. Аҳоли даромадлари таркибида тармоқдан олинадиган даромад, мукофот пули, совға пули, ижтимоий ёрдам пули, степендия, нафақа ва бошқа кўринишдаги моддий имкониятлар бор. Аждодларимиздан бизгача айтилиб келинаётган “ишласанг - тишлайсан” — деган, ҳаётда ўлчанган, адолатли айтилган гап бор. Бунинг қанчалик тўғрилигини ҳеч ким, ҳеч қачон ўзгартира олмайди.

## 11.2. Меҳнат бозорининг иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни.

Меҳнатнинг бозорда сотилиши нархи келишилган иш ҳақидир. Меҳнат талаб ва таклиф таъсирида бўлади. Иқтисодий фаолият бўлиши учун меҳнат зарур. Меҳнат қилиш инсоннинг ўз иш кучини фойдали сарфлаши, яъни унинг натижасида товарлар ва хизматлар яратишидир. Куч қувватни бефойда сарфлаш меҳнат ҳисобланмайди. Меҳнат — бу кишиларнинг онгли, аниқ мақсадга қаратилган фаолиятдир. Меҳнат иш кучини ифода этувчи вазифани бажаради, иш кучи эса инсоннинг қобилияти бўлиб, унинг жисмидан ажралмайди. Иш кучини олди — сотди қилиш меҳнат бозорида юз беради. Бу бозорда ишга ёлланувчилар ўз меҳнатини таклиф этадилар, ишга олувчилар эса меҳнатга ўз талабини билдирадилар. Улар ўртасидаги битим асосида кишилар ишга жалб этилади. Шу туфайли иш кучини олди — сотди этиси юз беради. Бундай савдоларда меҳнат биржалари воситачилик қилади. Ишга ёлланувчи эркин шахс, у ўзи ҳоҳлаган ерда ишлаши мумкин. Ишлаш ёки ишламаслик унинг ихтиёрида ҳал этилади. У ўз шахсини эмас, балки ўз меҳнатини сотади. Меҳнатни маълум вақтга ва ўзига маъқул нарх билан сотади. Ишга ёлловчи меҳнатдан наф кўрганлиги учун уни сотиб олади.

Ишга ёлланувчи яъни меҳнат таклифчиси билан ишчини ёлловчи, яъни меҳнат талабчиси ўртасида тегишли шаклда ўзаро битимлар тузилади. Бу битимлар уч турда бўлади. Биринчиси — бу яқка тартибда тузилган битим. Бу битимда фақат иккала томон қатнашади ва битимни имзолайди. Битимда ишнинг мазмуни, иш шароити, иш ҳақи миқдори, иш ҳақи тўлаш тартиби, ишловчининг ва иш берувчининг мажбуриятлари аниқ кўрсатилади. Битим икки нусхада тузилиб уларни иккала томон олади. Битимнинг иккинчиси — бу жамоа битимидир. Бу битим фирмалар билан ишчи хизматчилар жамоаси ўртасида тузиладиган шартномадир. Битимга асосан ҳар иккала томоннинг мажбурияти қайд этилади. Битимда асосан қуйидаги талаблар ёзилади. Энг аввало сифатли ва унумли ишлашни таъминлаш, иш вақти, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, малакани ошириш, иш ҳақи миқдори, иш ҳақини индексациялаш, яъни рўйхатдан ўтказиш. Бу жараён нарх кўтарилганини ҳисобга олиб иш ҳақини ошириш каби заруриятлар қайд этилади. Бу битимни бир томондан иш берувчи имзолайди, иккинчи томондан жамоа манфаатини ҳимоя қилувчи жамоа касаба — уюшмаси вакили имзолайди. Битимнинг учинчи тури — бу бош битим деб аталади. Бош битим — бу иш берувчилар ва ишчи хизматчиларнинг касаба юшмаси

вакили ҳамда давлат уртасидаги битим. Бу битимда учала томон қатнашади ва уни маъқуллайди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексига биноан иш берувчилар ва ишловчилар меҳнат муносабатининг субъектлари ҳисобланади. Меҳнат битими ишга қирувчи билан иш берувчи, жамоа битими иш берувчилар билан корхонада ишловчилар, ниҳоят бош битим эса Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациялари кенгаши билан иш берувчилар бирлашмалари уртасида тузилади.

Меҳнат бозоридаги харидорлар — булар фирмалар, давлат идора ташкилотлари, нодавлат жамоа ташкилотларидан иборат бўлади. Шунга қўра булар иш берувчилар дейилади. Меҳнат бозорининг аниқ шакллари бўлади. Булар меҳнат биржалари ва ишга ёлловчи фирмалар бўлиб, улар ёлланиб ишловчилар билан иш берувчиларни бир — бирига боғловчи воситачилар ҳисобланади. Воситачиликни касаба уюшмалари ҳам бажаради. Меҳнат олди — сотдиси билвосита бўлганда иш берувчилар билан, ёлланиб ишловчиларни бир — бирига айтилган воситачилар боғлайди. Меҳнатнинг олди — сотдиси бевосита бўлганда иш берувчилар ёлланиб ишловчиларни ўзлари тўғридан-тўғри ишга оладилар. Меҳнат бозоридаги воситачилар икки турга бўлинади. Улардан биринчиси — бу ошқора ишловчи воситачилар. Булар қонуний йўл билан ишловчи меҳнат биржалари ва ишга ёлловчи фирмалардир. Иккинчиси эса, яширин ғайриқонуний йўл билан ишга ёлловчи фирмалар. Булар яширин равишда корхона ва ташкилотларни арзон иш кучи билан таъминлаб турадилар. Булар одатда қолоқ мамлакатлардан чиққан арзон иш кучини ривожланган мамлакатларга етказиб берадилар. Булар мигрантлар иш кучининг экспорти билан яширин шуғулланидилар. Мигрант сўзи — кўчириш, экспорт эса — четдан оламан мазмунидаги сўзлардир.

Меҳнат бозори Ўзбекистонда меҳнат биржаларидан, мардикор бозоридан, тўғридан — тўғри ишга ёллашдан, иш кучи экспорти билан шуғулланувчи давлат идоралари, ошқора фирмалар ва яширин ишга ёлловчи ғайриқонуний гуруҳлардан иборат. Булар орқали иш кучи таклиф этилади, иш кучига талаб қондирилади.

Меҳнат бозорининг дастлаб қурилишлари капитализм шароитида юзага келган. Бунда бир томондан асосий ишлаб чиқариш воситалари хусусий мулкдор — бизнесменлар қўлида тупланган. Иккинчи томондан эса ходимларнинг кўпчилик қисми бу воситалардан ажратилган бўлади. Барча ёлланиб ишловчилар юридик жиҳатдан озод шахслар ҳисобланади. Аммо улар ишлаб чиқариш воситаларидан ажралган бўлганликлари учун уларнинг асосий ёки ягона яшаш манбалари ўз меҳнатларини сотиш бўлиб қолади. Ҳозирги саноатлашаётган жамиятда меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми ёлланма ходимлардир. Ишлаб чиқаришнинг индустриал босқичи бошларида меҳнат бозорида деярли маълумоти ва малакаси бўлмаган жисмоний меҳнат ходимлари бўлиб, улар машиналарда оддий меҳнат қилишгагина яроқли эдилар. Ҳозир эса бозорда асосан уч категориядаги ходимлар иштирок этмоқдалар. Улар қуйидагилардан иборат.

Биринчиси, бу “Кук ёқалилар”. Булар фақат жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи завод, фабрика ишчиларидан ташкил топган. Иккинчиси “Кулранг ёқалилар”. Булар ёрдамчи хўжаликларда хизмат қилувчи оддий ходимлар. Учинчиси эса “Оқёқалилар”. Булар ақлий меҳнат ходимлари ҳисобланади. Буларга хизматалчилар, инженер — техник ходимлар ва бошқалар кириди.

1950 — йиллардан сўнг фан—техника инқилоби ривожлана бориб меҳнат бозори фаолияти ҳам ўзига хос ўзгариб борди. Ахборот технологияси ривожланиб бозор таркибида миқдор ва сифат ўзгаришлари ўса бошлади. Бунда, биринчидан, “Кук ёқалилар” ҳиссаси, айниқса малакасиз ва кам малакали фабрика — завод ишчиларининг ҳиссаси кескин камайди. Иккинчидан, инженер ва техниклар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимлар ва маданиятчилар ҳиссаси кескин ортди. Учинчидан эса, жисмоний меҳнат ходимлари билан ақлий меҳнат ходимлари ўртасидаги ўтмишдаги жарлик асосан бартарф этилди. Улар ўртасидаги қарама — қаршилик қулдорлик давридаёқ пайдо бўлиб, у гарб мамлакатларида ХХ асргача давом этди. У ҳозир ҳам кўпгина ривожланаётган мамлакатларда сақланиб қолинмоқда. Чунки улардан 40 фоизга яқин катта ёшдаги аҳоли саводсиз бўлиб қолмоқда.

Айниқса ҳозир ХХІ аср талаблари фан — техниканинг, ходимларнинг тубдан янгилари бўлишлигини тақозо этади. Кишиларнинг тор ихтисослашувидан воз кечилиб, улар малакасини кенгайтириш ҳаётий заруриятга айланмоқда. Масалан, ҳар қандай ишчи ҳам ўқув юртларида умум техника билимларини олмоқдалар. Инженер умуммиллий тайёргарликдан ўтмоқда. Улар ана шу асосда янада тор ва мазмунли касб ва ихтисосликни энгилроқ ва тез ўзгартириб олиш имконига эгадирлар. Жуда мураккаб автоматик асбоб ускуналарнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, уларнинг ишидаги камчиликларни бартараф қилиш, таъмирлаш учун ишчиларнинг кенг касбга тайёргарлиги бўлиши лозим. Демак, янги ишлаб чиқариш янада мураккаб меҳнатни талаб қилади. Шу боисдан ҳозир АҚШда ходимларнинг кўпчилигида ўқиш муддати 12,5 йилга белгиланган. Японияда эса 90 фоиз ёшлар 12 йиллик мактабларнинг юқори синфларида ўқишади.

Бозор иқтисодиёти шароитида киши ишлаш тўғрисидаги шартномага мувофиқ куннинг маълум вақти ичида корхонада ишлаши тadbиркор эса унинг меҳнатига маълум миқдорда пул тўлаши шарт. Меҳнатнинг олди — сотди акти шу тариха амалга ошади. Демак иш ҳақи юзаки қараганда товар бўлган меҳнатнинг пулда ифодаланган баҳоси бўлиб қолади.

Иқтисодий муносабатлар тизимида меҳнат бозорининг мавқеи, ўрни ниҳоят эътиборлидир. Ҳар бир ишчи, ходим, хизматчи бу бозорда қатнашиш эркинлигига эга. Меҳнат бозорида меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорига рақобат ёки монополиялар таъсир кўрсатиши мумкин. Бозорда рақобат бўлса, иш ҳақи меҳнатнинг мувозанат баҳосига тенглашади. Демак, рақобат натижасида бир хил маълумот даражасига эга бўлган мутахассислар тенг бир хил иш ҳақи оладилар. Ишлаб чиқариш воситалари эгалари монопол

мавқега бўлсалар, улар ходимларга иш ҳақи тулашда ўз шартларини қўйишади. Меҳнат бозоридagi монополистлар ишсизликдан манфаатдордирлар. Бундай шароитда улар ходимларга кам миқдорда иш ҳақи тулашади.

Меҳнат бозоридa, айниқса бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи ходимнинг ўзи учун ва ишлаб чиқариш воситалари эгалари учун янги — янги манфаатлар яратади.

### 11.3 Меҳнатга талаб ва таклиф.

Меҳнат ҳам товар каби қийматга ва истеъмол қийматга эга. Шунинг учун меҳнат сотилади ва сотиб олинади. Бозорда меҳнатга талаб бор, бир вақтнинг ўзидa меҳнатга таклиф ҳам бор. Ёлланувчи меҳнат бозорда таклифчи, яъни меҳнатнинг сотувчи бўлиб намоён бўлади. Бозорда иш берувчи, яъни меҳнатни сотиб олувчи харидор — бу талабчи бўлади. Меҳнат махсус товар, меҳнат истеъмол товари эмас, балким гоят муҳим ресурс ҳисобланган товардир. У ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Унинг иштирокида истеъмолга тайёр товарлар яратилади. Шу сабабдан меҳнатни сотиб олиш талаби бу ишлаб чиқариш жараёнида юзага келади. Ишлаб чиқариш товарлар бўладими, хизматлар бўладими, барибир меҳнат сарфини талаб этади. Меҳнатга талабнинг миқдори меҳнат билан яратиладиган товар ва хизматларга бўлган талабнинг нечоғлиқ эканлигига боғлиқ бўлади. Агар бозорда товарларга талаб ошиб, улар тез—тез сотилиб турса, меҳнатга ҳам талаб ортади. Чунки ишлаб чиқариш корхоналардан такрор ишлаб чиқариш жараёни буни тақозо қилади. Агар бозорда талаб қисқариб товар бозори пасайиб қолса, меҳнатга талаб ҳам қисқаради. Чунки ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланаётган товарлар тезлиги, яъни айланиши пасайган бўлади. Бу ҳолатда меҳнатга бўлган талаб ҳам пасаяди. Иқтисодий танглик ҳолатлари меҳнатга бўлган талаб даражасига салбий таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт юксалганда меҳнатга талаб ортиб боради.

Меҳнатга талаб унинг нархидан ҳам боғлиқ бўлади. Шунингдек товарга бўлган талабнинг ўзгаришида ҳам нархнинг таъсири бор.

Меҳнатнинг бозор нархи иш ҳақи бўлиб, бу ёдланиб ишловчиларга маълум вақтда бажарилган ишнинг миқдори ва сифатига қараб туланади. Агар меҳнат қимматлашиб, иш ҳақи ошса, бошқа шарт — шароит ўзгармаган ҳолда, меҳнатга талаб қисқаради. Акс ҳолда меҳнатга талаб ошади. Маълумки харажат ошса фойда қисқаради. Иш ҳақи эса харажатларнинг бир қисми. Иш ҳақи ошса, харажат ошади, товар нархи ошмаган ҳолда фойда даражаси камаяди. Мана шу ҳолатда фойда даражаси юқори бўлмагунича меҳнатга талаб ошиб боради. Меҳнат фойдани куп келтирадиган даражада талаб қилинади. Меҳнатнинг қўшимча маҳсулоти, бу қўшимча меҳнат берган қўшимча маҳсулотдир.

Меҳнатга талаб, меҳнат келтирган фойдага боғлиқ ва у доимо ўзгариб туради. Иш ҳақи харажатлар воситасида фойдага таъсир этиш орқали меҳнатга талабни ўзгартиради. Масалан, соатбай иш ҳақи 50 сум бўлганда



ишлаш учун 500 киши талаб қилинган. Меҳнат арзонлашиб, соатбай иш ҳақи 20 сўмга тушганда меҳнатга талаб ортиб, ишчилар 700 кишидан ортган. Иш ҳақининг қисқариши меҳнатга талабни оширган. Бу ҳолат талаб қонуни мазмунида юз берапти.

Меҳнат бозорида меҳнатга таклиф ҳам нархга нисбатан эгилувчан бўлади. Шунга кўра иш ҳақи ошса, меҳнат таклифи кўпаяди, иш ҳақи камайса, меҳнат таклифи ҳам пасаяди. Бу таклиф қонуни мазмунидаги тушунча. Таклиф қонунида ҳам нарх ошса таклиф ҳам ошади, ёки аксинча. Товар билан тирик одамнинг фарқи бор. Шунга кўра, меҳнатни тирик одам таклиф этганидан, таклиф меҳнат аҳлининг нимани афзал кўришига ҳам боғлиқ бўлади. Турмуш даражаси паст бўлиб, моддий муҳтожлик шароитида кўп ишлаб, кўп пул топишга интилиш устунлик қилади. Моддий тўқинчилик ва юқори турмуш даражаси муҳайё шароитларда оз ишлаб яхши яшаш мумкин бўлганидан, қўшимча пул топишга нисбатан дам олиш афзал кўринади. Натижада иш вақти қисқариб, буш вақт кўпайиши мумкин. Нимани афзал кўришга қараб меҳнатнинг таклифи ўзгаради. Масалан, соатбай иш ҳақи 30, 50, 70, 90 сўм бўлиб ўсиб боришга қараб меҳнат таклифи 300, 500, 700, 900 кишидан иборат бўлмоқда. Ана шу кўрсаткич меҳнат таклифининг, меҳнат нархига нисбатан эгилувчанлигини кўрсатади. Меҳнат бозорида талаб ва таклиф тенглашганда меҳнат мувозанати юзага келади. Бундай мувозанатлик маълум иш ҳақи миқдорида белгиланади.

Талаб ва таклиф мувозанатига иш ҳақидан бошқа омиллар ҳам таъсир этади. Масалан, техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини ошириб, иш кучига талабни қисқартиради. Иқтисодий танглик юз берганда иш ўринлари қисқаради, меҳнатга талаб камайди. Янги технологиянинг жорий этилиши, малакали иш кучига талабни оширади. Ишлаб чиқариш таркиби ўзгарса, касбларга бўлган талаб нисбатлари ҳам ўзгаради. Масалан, қишлоқ хўжалиги ишчиларига талаб қисқарган ҳолда, саноатда, қурилишда, хизмат кўрсатишда янги соҳалар бўйича талаб ошди.

Меҳнатга талаб мавсумий равишда ҳам ўзгариб туради. Айрим меҳнат турларига махсус қобилият талаб қилинади. Оғир жисмоний ишни фақат соғлом ва бақувват меҳнатгина бажара олади. Санъатга, адабиётга, фанга алоҳида истеъдод талаб этилади. Шундай касблар борки, улар махсус билим, пухта тайёргарлик, катта тажриба талаб қилади. Масалан, Германияда мустақил ишловчи шифокор бўлиш учун, олий маълумот олгандан сўнг яна 10 – 12 йил тажриба олиши талаб қилинади. Меҳнатнинг таклифи иш ҳақидан ташқари ишнинг қизиқарли бўлишига, ундан обрў топиш қўшимча имтиёз олиш, юқори мансабга эришиш имкони, ишсиз қолиш хавфининг йўқлиги, меҳнат шароитининг соғлом бўлишига, шунингдек ишхонадан арзон кредит олиш имконига ва бошқаларга ҳам боғлиқ бўлади.

Аҳоли тез ўсиб, меҳнат ёшига етган аҳоли қанча кўп бўлса, меҳнат таклифи ҳам шунча кўпаяди. Ўзбекистонда 1995 йилда меҳнат ёшига етганлар жами аҳолидан 49.3 фоизни ташкил этган. Шунга кўра меҳнат таклифи ҳам кўп бўлган. 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистонда аҳоли усиши

даражаси пасайиб борган. Бу ҳолат 2015 йилдан бошлаб меҳнат таклифининг қисқаришига олиб келади. Эҳтимол шу даврга келиб меҳнатга талаб ҳам кескин қисқариши мумкин бўлади. Бунга сабаб, Республикада техникадан фойдаланиш даражаси сезиларли ўсиб бормоқда. Демак, меҳнат таклифи нарх таъсирида эластик, яъни эгилювчан бўлса, бошқа омиллар таъсирида бу ҳолат бузилиб, таклиф ноэгилювчан бўлиши мумкин.

Меҳнат натижаси инсоннинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Ўз навбатда фаоллик меҳнат мотивациясидан, яъни рағбатлантириш жараёни, менатга интилишдан келиб чиқади. Меҳнат мотивацияси инсоннинг ўз манфаати йўлида меҳнат қилишга бўлган ички иштиёқидир. Буни юзага чиқариш меҳнатдан бўлган манфаатдорликдан боғлиқ бўлади. Меҳнат манфаатдорлиги, бу меҳнат билан пул топиш ва ҳаётий эҳтиёжлар учун зарур бўлган ноз-неъматларга эга бўлишга интилишини ифода этади.

Манфаатдорлик амалда меҳнатни рағбатлантириш орқали унга қизиқиш уйғотади. Иқтисодий манфаатдорлик меҳнат натижасига қараб иш ҳақи олинганда, маънавий манфаатдорлик меҳнат туфайли эл ўртасида обрў топганда юзага келади. Меҳнат манфаатдорлиги меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Меҳнатга талаб ва таклиф мувозанатлигини юзага келтиришда миллий иқтисодий барақарорликни пайдо қилиш аҳамиятлидир.

#### **11.4. Меҳнат низолари ва уни бартараф этиш усуллари.**

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатчилар иш берувчилар, умуман меҳнат муносабатларида иштирок этувчилар ўз – ўзини бошқара билиши, ҳимоя қила билиши талаб қилинади. Барча ҳимояни ҳам давлатнинг вазифаси қилиб қўйиб бўлмайди. Давлат мамлакатни ташқи ва ички ёвуз ниятларидан, қонунбузарлардан, иқтисодий қашшоқликдан ҳимоя қилади. Лекин меҳнат муносабатлари бўйича ўз-ўзини ҳимоя қилиш, яъни белгиланган қонун тартиб-қоидаларини билиш, унга риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бозор иқтисодиёти – бу эркин иқтисодий фаолиятни тақозо этади. Бозор шароитида давлат иш ҳақини тартибга солиш мақсадида унинг минимал, яъни энг кам даражасини белгилаб, қонун билан ҳимоя қилади. Ишга ёлланган ҳодим билан иш билан таъминловчи бир ҳолатда эмас. Ёлланувчи яшаш учун доимо меҳнат қилишга мажбур. У хоҳлаган ишини, хоҳлаган вақтида топа олмайди. Шунга кўра бозор шароитида мавжуд бўладиган бу қийинчиликларни бартараф этиш учун имкон яратиш ҳаракатида бўладилар. Уларнинг меҳнат фаолиятларида бирдан – бир ҳимоячиси ўзлари ташкил этган касаба уюшмалари ҳисобланади. Меҳнат бозорига касаба уюшмалари билан иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаси имзоланади. Шартнома тузилаётганда ҳар иккала томоннинг тегишли маъсулиятлари, яъни қайси томон қандай иш учун жавобгарлиги аниқ белгилаб олинади. Меҳнат интизомига риоя қилиш икки томон учун ҳам маъсулият юклайди, унга итоат қилмаслик шартномага хилоф иш деб баҳоланади.

Шартномада касаба уюшмаларининг ҳақи — ҳуқуқлари, иш берувчининг ҳуқуқлари батафсил кўрсатилади. Масалан, касаба уюшмалари иш ҳақиға, маҳсулот тақсимотиға таъсир кўрсата оладими ёки йўқми, иш ҳақи иқтисодий қонунларға мос ҳолда берилаяптими ёки йўқми, ишчилар томонидан иш ҳақининг кўпайтирилиши масаласи тўғри талаб қилинаяптими, бунга қандай асослар бор, каби ижтимоий масалалар ҳам ўранилади.

Бозор шароитида иш берувчи имкони борича паст даражада иш ҳақи тўлашға интилади. Иш берувчи эса бунинг аксини, яъни кўпроқ иш ҳақи олишға интилади. Шундай манфаатлар курашиб қолганда касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилади. Иш ҳақининг кўпайтириш тadbир-чоралари ахтарилади, унинг турли хил усулларидан фойдаланади. Бунда дастлаб меҳнат таклифини камайтириш усулидан фойдаланади. Ишлашға кишилар кам хоҳиш билдирадилар. Бу иш берувчиға ўзига хос қийинчиликни яратади. Қанча ишловчилар кам бўлса, шунча ишлаб чиқаришнинг чўғи пасаяди, фойда олиш камаяди, корхонаға атрофлича иқтисодий зарар келади. Шунини ҳисобға олган иш берувчи ишчиларнинг ишни ташлаб кетиб қолишиға рози бўлмайди, иш ҳақи даражасини қайта кўриб чиқади, икки томонға ҳам манфаат келтирадиган хулосаға келади. Агар таклифчиларни камайтириш зарурияти бўлса, унда дастлаб четдан кўчиб келганлар, касаба уюшмасиға аъзо бўлмаганлар ишға қабул қилинмайди. Шунингдек меҳнат бажарилишида талаб қилинадиган сифат белгиларига ҳам қаттиқ эътибор оширилади.

Касаба уюшмалари томонидан қўлланиладиган усуллардан яна бири бу имкони борича иш ҳақи даражасини кўтаришға қаратилади. Бунда, ҳатто таклифни камайтириш масаласиға жим туриши ҳам фойдали бўлади, чунки аҳолининг иш билан таъминланишида касаба уюшмаларининг ҳимоя қилиш манфаати бор. Касаба уюшмаларининг бу усулиға биноан иш берувчи ишға фақат ишни талаб даражасида бажара оладиган, билимдон, уқувли ишчини ишға олади. Оширилган иш ҳақи даражасини ишчининг меҳнат унумдорлиги эвазига қоплаш чораси кўрилади. Ишчи қанчалик малакали, тadbиркор бўлса, унинг иш натижаси ҳам шунчалик самарали бўлади. Ишнинг самарали ўлишида яна бир тажриба борки, ишчини биладиган таклифчиға унинг иш ҳақини ошириш, меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлайди.

Маҳсулот ҳажмининг кўпайиши, унинг сифатининг ошишида нафли меҳнат фойдалидир. Сифатли товар тез сотилади. Товар қийматини белгиаб турган пул айланмаси тезлашади. Пул қанчалик маҳсулот сотиб олишға харажат қилинса, маҳсулот миқдори ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиради, натижада бозорда товар таклифи ошади. Бу жараён корхона фаолияти учун манфаатлидир. Шунга кўра иш берувчи товарлар рекламасини ҳам кенгайтиради. Иш ҳақини оширади, ишлаб чиқаришда зарурий шароитларни яратиб беради. Янги технологияларни жорий қилади, ишчилар меҳнатини муҳофаза қилиш чораларини кўради. Ишчиларнинг тўлиқ ва соғлом ишлаши корхонаниннг соғломлиги бўлади. Корхона

рахбарияти томонидан ишчи хизматчиларни ишга келиши ва ишдан уйга кетиши учун транспорт ташкил этилса, иш тугагач, ўша ерда ювиниш шароитлари, овқатланиш шароитлари яратилиб берилса, корхонанинг моддий қуввати шунчалик ишончли ва мустаҳкам бўлади. Яхши шароит туфайли ишчининг куч — қуввати тежаллади, ишга бўлган муносабати кучаяди. Бу имконият ишчида пайдо бўладиган қўшимча самарани ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар самарасига кўчиради. Ўз ўрнида яхши шароит таклифчини деярли тарбияга, маданиятга, соғлом турмуш тарзига бошқаради. Бу ҳолатнинг оила ва жамият учун ҳам фойдали томонлари намойён бўлади.

Иш берувчи билан иш бажарувчи ўртасида меҳнат низолари ҳам бўлиб туради. Ҳар қандай норозиликлар, низолар ўзининг сабабларига эгадир. Масалан, таклифчи номаълум сабаблар билан ишга келмади. Ишга келмаганинг сабабини иш берувчига айтмади, ёки ишга келолмаслиги тўғрисида иш берувчини огоҳлантирмади. Ишчи келмаган кунни унинг ҳар кунлик ишлаб чиқараётган маҳсулоти чиқмай қолди. Оқибатда корхонага моддий зарар келтирилди. Корхона раҳбари ишчини жазолади. Ишчи жазодан норози бўлиб касаба уюшмаси бошқарувига шикоят аризаси билан мурожаат қилди. Худди шунингдек иш берувчи белгиланган муддатда ишчиларга иш ҳақи бермади. Ишчилар бундан норози бўлиб корхона раҳбариятидан шикоят қилиб касаба уюшмаларига мурожаат қилишди ва бошқалар. Мана шундай меҳнат низолари пайдо бўлганда буни дастлаб касаба уюшмалари ечимини топиш чораларини белгилайди. Масала жиддий тус олса, яъни ечимини кутаётган низо касаба уюшмаси чегарасида бўлмаса, у ҳолда бунинг ечими суд илоралари орқали кўриб чиқилади.

Меҳнат муносабатларига давлатнинг ижтимоий дастурлари таъсир кўрсатади. Бу дастурлар таркибига кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатилиши, ишсизлик бўйича нафақа тўланиши, ҳар хил ижтимоий тўловлар, пенсия таъминоти ва бошқалар киради. Давлатнинг бундай тадбирлари аҳолининг иқтисодий аҳволини кўтаришда ижтимоий — сиёсий аҳамиятга эга. Бу аҳоли иқтисодининг барқарорлашувиغا ёрдам бўлади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг беш тамойилида, давлатнинг бош ислохотчи бўлишлиги кўрсатилган. Шунга кўра давлат меҳнат бозорига ҳам воситачилик қилиши мумкин. Лекин бу жараён меҳнат муносабатларига таъсир қилиши эҳтимоли бор. Жумладан давлат ўзига қисман ишчи ўринларини қидириш ва тавсия қилиш ҳамда ишга жойлаштириш бўйича умуммиллий дастурни ишлаб чиқариш вазифаларини олади. Ишчиларни ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг давлат тизими, бозорнинг ўзгарувчан талабларига тез мослашишга имкон беради. Амалиётда, айрим ҳолатларда таклифчи ишга қабул қилинаётганда имзолаган шартнома талабларини қисман унитлади ёки унга бефарқ қарайди. Шунга кўра ўзи норози бўлиб шикоят қилаётган давосида ўзининг улуши қанча эканлиги билан қизиқмайди. Шикоятнинг муҳокамаси даврида ўз хатоларини сезгач унинг ўзига бўлган қарашини ўзгаради. Иш берувчиларда

ҳам худди шундай бефарқлик учраб туради. Юзага келадиган меҳнат низолари ва унинг ечими ҳам иш берувчига ҳам иш бажарувчига кейинги фаолияти учун ҳаётий дарс бўлади.

### Асосий таянч тушунчалар

**Иш ҳақи** — бу ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодаси.

**Вақтбай иш ҳақи** — ишчининг ишлаган вақти, масалан куни, хафтаси, ойи ҳисобга олиниб туланидиган иш ҳақи.

**Ишбай иш ҳақи** — бу ишлаб чиқарилган маҳсулоти миқдорига ёки бажарган иши ҳажмига қараб туланидиган иш ҳақи.

**Номинал иш ҳақи** — бу пул шаклида олинган иш ҳақи.

**Реал иш ҳақи** — бу номинал иш ҳақи суммасига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори ёки номинал иш ҳақининг сотиб олиш лаёқати.

**Меҳнат** — бу кишиларнинг онгли, аниқ мақсадга қаратилагн фаолияти.

**Меҳнат воситалари** — бу машина, асбоб — ускуналар ва бошқалар.

**Меҳнат предметлари** — бу ер, сув, хомашё ва бошқалар.

**Меҳнат унумдорлиги** — маълум вақтда ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги билан улчанадиган иқтисодий категория.

**Меҳнат интенсивлиги** — бу вақт бирлигида меҳнатнинг сарфланиш тезлиги.

**Меҳнат тақсимоти** — бу меҳнатни ташкил қилиш усули.

**Меҳнат шартномаси** — бу ишчини ёллаш келишуви.

**Меҳнат муносабатлари** — бу иш берувчи ва ёлланиб ишловчилар ўртасидаги алоқалардир.

**Меҳнат бозори** — бу иш кучини олди — сотди қилиш юзасидан ишга талабгорлар билан иш берувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардир.

## ХII. БОБ. АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА АГРОБИЗНЕС

Мазкур бобда, аграр муносабатлар ва уларнинг бозор тизимидаги хусусиятлари, иқтисодиётнинг аграр сектори, ернинг ресурс сифатидаги ўзига хос хусусиятлари, ер рентаси тушунчаси, рента миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисида илмий – назарий фикрлар таҳлил қилинади. Шунингдек дифференциал рента I ва II, абсолют рента, монопол рента, қазиб олувчи саноат ва қурилиш участкаларидаги рента, рента тўловининг шакллари, Ўзбекистонда ерга солиқ ва уни рўёбга чиқариш амалиёти, ернинг баҳоси ва уни аниқловчи омиллар, агросаноат интеграцияси, агробизнес ва унинг турлари, фермер хўжаликлари ва унинг бирлашмалари, Ўзбекистонда аграр сектор ва фермер, деҳқон хўжалиklarини ривожлантиришнинг давлат дастурлари ҳақида иқтисодий тушунчалар таҳлил қилинади.

### 12.1. Аграр муносабатлар ва унинг иқтисодий моҳияти.

Аграр муносабатлар – бу қишлоқ хўжалик маҳсулоти еттиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш билан шугулланувчи хўжалик тармоқларида бўладиган субъектлар муносабатидир. Мамлакатда мавжуд бўлган тармоқлардан биртаси – бу агросаноат бирлашмасидир. Ўзбекистонда бу тармоқ ҳозир қишлоқ ва сув бошқаруви деб аталади. Қишлоқ хўжалиги – бу бир катта ҳажмдаги тизимдир. Дунёдаги асосий мамлакатлар миллий иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги тармоғи муҳим иқтисодий аҳамиятга эга. Тармоқ маҳсулотлари бошқа кўплаб ёндош тармоқлар учун хом ашё базасидир. Шунга кўра давлат, аграр муносабатларининг узлуксиз, барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашга эътибор беради. Аграр муносабатлар – ер билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлардир. Қишлоқ хўжалигида асосий объект – бу ердир. Унинг субъекти эса бу ер эгалари, ерда хўжалик юритувчилар, ерга меҳнат қилувчи кишилардир. Аграр муносабатлар ўта кўҳна, иқтисодий муносабатларнинг энг қадимий шакли. Чунки инсоннинг иқтисодий фаолияти ерни ишлашдан бошланган.

Бозор тизими аграр муносабатларга янгича мазмун беради. Ернинг товарга айланиши, ерга хилма-хил мулкчиликнинг пайдо бўлиши, ернинг тadbirkorлик объекти бўлиши, ернинг гаровга қўйилиши, ниҳоят ер учун пул шаклида рента ундирилиши, агробизнеснинг махсус фаолият турига айланиши бозор тизими билан боғлиқ. Аграр муносабатларнинг объекти ер махсус ресурс бўлганидан унинг хусусида ҳам ўзигагина хос бўлган иқтисодий алоқалар келиб чиқади. Ер ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг умумий шarti. Ердан ташқарида ишлаб чиқаришнинг бўлиши мумкин эмас. Инсоният ҳали коинот маконида ишлаб чиқаришни ташкил эта олгани йўқ. Ерда барча тармоқлар, жумладан ер, саноат, қурилиш, маданий иншоотлар ва барчаси мавжуд. Шунга кўра ҳар қандай фаолият ер билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги учун ер асосий ишлаб чиқариш омили вазифасини бажаради. Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш икки ёқлама ҳарактерга эга. Биринчиси — бу иқтисодий жараён. Бунда барча яратиладиган қийматлар инсон меҳнати орқали юзага келади. Иккинчи томондан — бу табиий — биологик жараён. Бунда маҳсулот етиштириш табиий омилларга боғлиқ бўлади. Масалан, ўсимлик ва хайвонларда кечадиган биологик ўзгаришларга, иқлим шароитига, об-ҳавонинг қандай келишига, тулроқнинг табиий хоссаларига боғлиқ бўлади. Қишлоқ хўжалиги инсоннинг табиатга бўлган муносабати билан кишиларнинг ўзаро муносабатлари бирлигида боришини талаб қилади. У иқтисодиётнинг аграр тармоғини ташкил этади. Бу соҳада асосий соҳа ер бўлиб, у ҳеч бир тенги йуқ, танҳо ўзига хос ҳусусиятларга эга. Ер каттармайди ва қисқармайди ҳам. Ерга берган олади. Ерга бўлган яхши муносабат ердан ҳам шундай яхшилик билан жавоб келтиради. Ерни меҳнат билан кенгайтириб бўлмайди. Ернинг имкониятлари чекланган. Кўпгина ресурслар бир — бирининг ўрнини боса олади. Масалан, меҳнат ресурсини машина билан алмаштириш мумкин. Ернинг ўрнини эса ҳеч бир ресурс боса олмайди. Шунга кўра ҳам у ўта ноёб ва асосий ресурс ҳисобланади. Унинг ноёблиги шундаки, ер бошқа ресурсларга қўшимча бўлаолмайди. Ерни бошқа ресурс билан алмаштириш имкони йуқ ерга бўлган талаб узлуксиз ошиб боради. Унда ишлаб чиқаришнинг қайси тури, қанча миқдорда ташкил қилиш зарур бўлса, унинг имкони бор. Ерга бўлган муносабат унинг ҳосилдорлиги ҳусусиятига қараб ўзгариши мумкин. Ер чекланган, уни янгидан ишлаб чиқариб бўлмайди. Инсон ердан фойдаланишда, унинг ҳосилдорлиги даражасини ошириш мумкин. Масалан, қуриқ ерларни сугориш ва ботқоқ ва зах ерларни қуриштириш орқали экин экиладиган ҳолатга олиб келиши мумкин. Ер узоқ йиллар ишловсиз ёки сув босган ҳолатда бўлса, ундан бирданга фойдаланиш имкони бўлмайди. Бундай ерларга тегишли ишлов бериш зарур. Ер ресурси чекланганлигидан ернинг таклифи ўзгармайдиган бўлади. Шу билан ҳам ер бошқа ресурслардан фарқланади. Ер бутун инсониятнинг тирикчилиги, бойлиги. Иқтисодий қонунда талаб ошса, таклиф ҳам ошади. Лекин қонунни ерга нисбатан қўллаб бўлмайди. Талаб қанчалик ошмасин, ердан бўладиган таклиф ошмайди. Бир йўли, бунда таклифни фақат қўшимча ишлов бериш орқали яратиш мумкин бўлади. Ер ҳаммабоп ресурс. Шунга кўра ердан фақат қишлоқ хўжалиги эмас, балким унда ундирма саноат юргизиш мумкин, қурилиш қилиш, йўл ўтказиш ва бошқа заруриятларни ҳал қилиш мумкиндир. Ернинг ўзи маҳсулот, у табиат маҳсулотидир.

Деҳқончиликда ерларни ўта яхши, яхши, ўртача, ёмон ва ниҳоят ўта ёмон деган табақаларга ажратиб муносабат билдиришади. Энг ёмон деб баҳоланган ерларни ҳам қўшимча меҳнат туфайли ҳосилдор ерга айлантириш мумкин. Ернинг табақаланиши, унинг ҳар хил даражада ҳосилдорлиги сабабидан келиб чиқади.

Қишлоқ хўжалиги ҳар қандай жамиятда ҳам тирикчилик учун муҳим аҳамиятга эга. Бош масала ерда озиқ-овқат, кийим-кечак етиштирилади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперациясига асосланган. Бир томондан ишлаб чиқаришнинг барча техник шарт-шароитлари учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини қишлоқ хўжалигига етказиб беради, иккинчи томондан эса қишлоқ хўжалик ҳом ашёларини қайта ишлайди, уни озиқ-овқат маҳсулотига айлантиради, истеъмолчиларга етказиб беришга тайёрлайди. Мана шу жараёнлар манбаида, уларнинг бир-бирига таъсири натижасида агросаноат комплекси пайдо бўлади. Демак агросаноат комплекси, бу қишлоқ хўжалиги билан ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир кўрсатувчи ва қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва сотувчи тармоқлар иқтисодиёти билан боғланган кўп тармоқли тизимдан иборатдир.

Агросаноат комплексининг шаклланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг машинали босқичига ўтиши билан боғлиқ бўлиб у қишлоқ хўжалигини миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан алоқасини анча чуқурлаштиради ва кенгайтиради. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари агросаноат комплекси фаолияти билан боғлиқ бўлиб, у тузилиши жиҳатидан тўрт соҳадан иборат. Биринчиси, бу қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш. Иккинчи соҳа қишлоқ хўжалигининг ўзи. Учинчи соҳа – бу қишлоқ хўжалиги ҳом ашёсини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни сотиш билан шугулланиш. Ниҳоят тўртинчидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура, яъни комплекс тузилишидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотини бевосита ишлаб чиқарувчи уни истеъмолга тайёр ҳолда олиб келмайди. Ишлаб чиқаришнинг машинали босқичида қишлоқ хўжалиги фақат узининг ишлаб чиқариш воситалари билан чеклана олмайди. Амалда қишлоқ хўжалигида агросаноат комплекси саноат ва савдо соҳасидаги корпорацияларга қарам муносабатда бўлади. Тармоқлараро кооперация қанча ривожланган бўлса, агросаноат комплексининг пировард маҳсулотида қишлоқ хўжалик ҳиссаси шунча кам бўлади.

Қишлоқ хўжалигини индустриялаш, яъни бақувватлаштириш агросаноат комплексининг сифат жараёнлари ва умуман иқтисодиётга ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бу ҳолат қишлоқ хўжалигида ишловчилар сонининг қисқаришига қишлоқ аҳолиси истеъмол қиладиган озиқ – овқатда товар бўлмаган қисмининг камайишига шаҳар аҳолиси сонининг ортишига, уй хўжалигида овқат тайёрлаш вазифасининг саноат ижтимоий хўжалик соҳасига ўтишига олиб келади.

Ўзбекистонда агросаноат комплекси ҳар тарафлама тенглаштирилган тармоқ тузилмасидан иборат. Агросаноат ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш учун қўшимча ишлаб чиқарувчи кучларнинг сарфланишини тақозо этади.

Бозор тизими аграр муносабатларга янгича мазмун беради. Ернинг товарга айланиши, ерга хилма-хил мулкчиликнинг пайдо бўлиши, ернинг гаровга қўйилиши, ниҳоят ер учун пул шаклида рента ундирилиши, агробизнеснинг маҳсус турига айланиши бозор тизми билан боғлиқ. Аграр



муносабатларнинг иқтисодий моҳияти — бу инсоннинг борлиги у билан тулиқ боғланганлигидадир.

## 12.2. Ижара ҳақи ва рента муносабатлари.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўзининг унумдорлиги ва жойлашиши жиҳатидан турлича бўлган ерлардан фойдаланиш билан боғлиқдир. Шу туфайли хўжаликни юритиш даражаси бир хил бўлгани ҳолда сифат жиҳатидан яхшироқ ерларда ортиқча соф даромад пайдо бўлади. Саноатда ҳам ортиқча соф даромад ҳосил бўлади, лекин қишлоқ хўжалигининг ундан фарқи шундаким бу ерда ортиқча даромад доимий характер касб этади, яъни дифференциал рентага айланади. Дифференциал рента — бу табақалашган даромад мазмунидир. Бу хусусият қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ернинг ўзига хос белгилари билан боғлиқ. Ҳар бир муайян пайтда унумли фойдаланишга жалб қилинган ернинг миқдори чекланган бўлади. Яхши, ўртача сифатли ерларни мустақил товар ишлаб чиқарувчилар сифатида иш олиб борадиган қишлоқ хўжалик корхоналари эгалаб бўлган. Мана шу ҳолат ерда хўжалик юритиш монополиясини юзага келтиради. Бундай шароитларда бозорнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун сифати ёмон бўлган ерларни ҳам ишлашга жалб қилиш талаб этилади. Бунинг учун эса ёмон ерларда маҳсулот етиштириш ва уни сотиш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиши керак. Бу дегани, бу ердан олинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархи такрор ишлаб чиқариш учун нормал шароитларни таъминлаши зарур. Натижада нарх бир хил бўлгани ҳолда ўртача ва яхши ерларда доимий қўшимча соф даромад вужудга келиб, у дифференциал рентага айланади. Демак, дифференциал рента ҳосил бўлишининг табиий шarti, миқдори чекланган ернинг сифатидаги фарқидадир. Унинг ижтимоий — иқтисодий сабаби эса, умумхалқ мулки бўлган ерда иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашган тарзда хўжалик юритишдир.

Дифференциал рента тақсимланади. Масалан, дифференциал рента-I. Бу мазкур хўжаликда иш юритиш сифати юқори бўлганлигидан эмас, балки, бу нисбатан ҳосилдор ерларнинг мавжудлигидандир. Дифференциал рента I — бу ерларнинг табиий унумдорлиги фарқи натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромаддир. Дифференциал рента II эса, ерларнинг иқтисодий унумдорлигини ошириш натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад. Бунда ерларга маҳаллий ва маҳсус тайёрланган ўғитлар ишлатиш ва ерга бир қанча марта юмшатиш ишларини ўтказиш орқали эришилади.

Бозор иқтисодиёти тизимида ерни ишлатишдаги кенг тарқалган усул уни ижарага бериб, рента олишдир. Рентанинг турлари кўп. Жумладан абсолют (мулоқот), дифференциал, монополь, қурилиш участкаларидан ва ундирма саноатда олинadиган ренталардир.

Абсолют рента ер участкаларининг сифатидан қатъий назар ер мулк бўлгани учун унинг эгалари оладиган рента. Абсолют рента ҳамма ерлардан

олинади. Лекин миқдоран ёмон ва ҳатто энг ёмон ерлардан олинган рентага тенг бўлади. Масалан, ҳар бири 10 гектардан келадиган учта ер участкаси бор. Уларни шартли равишда А. В. С. участкалари бор деб белгилаймиз. Булардан энг ҳосили пасти “С” участкаси бўлиб, у ердан 500 минг долларга рента олинади. “А” участкасидан 800 минг доллар олинади. Шундан 300 минг доллар шу ернинг сифати учун, қолган 500 минг доллар умуман ер учун, “В” участкасидан 700 минг доллар рента олинади. Шундан 200 минг доллар ер сифати учун, 500 минг доллар умуман ер учун. Ҳамма участкалардан 500 минг доллардан олинган рента абсолют рента дейилади.

Ер танқис бўлган шароитда унинг мулк бўлиши ва банд этилиши, ердан олинadиган маҳсулотларга талабнинг ортиб бориши абсолют рента олиш имконини яратади. Талаб ошган шароитда ёмон ва ҳатто ута ёмон ерлар ҳам экилади. Сифтасиз ерлар экилиши учун улардан олинган маҳсулот нархи қилинган харажатни қоплаши керак. Унинг таркибида тadbиркорликнинг нормал фойдаси ва рента ҳам бўлади. Маҳсулот бозорда сотилади, унинг таннархи қанча миқдорни ташкил қилганидан қатъий назар. Чунки ушбу маҳсулот эҳтиёжбоб бўлиб ишлаб чиқарилган. Бу маҳсулотнинг одатдагидан юқори нархда сотилиши абсолют рента ҳосил қилади, ер эгаси эса уни ўзлаштиради. Ерда бойлик бўлганидан ер эгаларига рента тулашади. Қазилма бойликни ердан ажратиб бўлмайди, унинг устидаги ва остидаги бойлик ер билан биргаликда мулк бўлади. Мулк эгасига у ердан фойдаланганлиги учун тadbиркор рента тўлайди. Ундирма саноатдаги рента тупроқ ҳосилдорлигига эмас, балки ер қаъридаги қазилма бойликларга, уларнинг сифатига, қазиб олиш харажатларига боғлиқ булади. Қазиб олиш осон ва ҳажми кўп бўлса, ундан рента кўп олинади, ёки аксинча. Демак, бунда рента ҳажми ернинг шароитидан боғлиқ булади. Қурилиш участкалари учун ҳам рента тўланади. Бино — иншоотлар қурилганда, улар ернинг маълум бир ҳажмини эгаллайди, чунки қурилишни очиқ ҳавода қуриш иложи йўқ. Қурилиш банд этган ер 100 йиллаб банд бўлиб туради. Деҳқончиликда ерни банд қилиш мавсумий эмас. Қурилиш учун тўланадиган рента ерни бошқа усулда ишлатишдан келадиган рентадан кўп бўлган тақдирдагина ер қурилиш учун ижарага берилади. Қурилиш участкасидан ундириладиган рента миқдори фақат тупроқ сифатига эмас, балки ернинг жойлашув ўрнига ҳам боғлиқ. Агар, ер қанчалик шаҳар марказида бўлса, унинг экологик шароити яхши бўлса, коммуникациялар билан яхши таъминланган бўлса, рента шунчалик юқори бўлади.

Коммуникация — бу яшаш учун яратилган заруриятлар йиғиндиси. Бунга, транспорт алоқа воситалари, йўллар, сув ва иссиқлик қувурлари ва бошқалар дегани. Шароити яхши ернинг рента ҳажми ҳам баланд бўлади. Ерни олганлар шароит яратиш учун тўланиши мўлжалланган сарфни тежаб қолади. Буни, яъни тежалган пул рента тўловига ишлатилади.

Рента ўз турларидан қатъий назар, уни тўловчилар учун харажат бўлса, ер эгалари учун у даромаддир. Унинг яна бир томони у бир жиҳатдан доимий харажатларни шакллантирса, иккинчи жиҳатдан қатъий белгиланган даромадни ташкил этади. Бозор иқтисодиётига пул шаклида бериладиган

рента хос. Бунда рентани натура маҳсулот тарзида тўлаш ҳам онда — сонда учраб туради.

Бундай ҳолат ҳосилбай ижара қўлланганида юзага келади. Бунда ерни экувчи тadbиркор ер эгасига рентани пул билан эмас, балки ҳосилнинг ўзаро келишилган улуши билан тўлайди. Бундай усул нархлар ўзгаришини ҳисобга олади, ҳосилдорликни оширишга ундайди. Тарихдан мазкур усул XX аср бошларида Ўзбекистонда кенг тарқалган, ўзбек деҳқонларни ерни ҳосилбай ижарага олишган. Ижара шартига қараб, рентани ялпи ҳосилнинг тўртдан бири, учдан бири, ёки тенг ярми миқдорида ер эгаларига тўлашган. Бундай деҳқонларни Фарғона водийсида чорикор, Хоразм воҳасида яримча деб аташган.

Ҳосилбай рента тўлаш Ўзбекистонда ҳозир ҳам қўлланиб келади. Эҳтимол бозор иқтисодиёти мукаммаллашиб борганда бу усулдан воз кечишар.

Ер ренталари турларидан яна бир кўриниши бу монопол рентадир. Монопол рента алоҳида табиий иқлим шароитига эга бўлган, ўта ноёб маҳсулот етиштирадиган ер учун унинг эгасига тўланадиган рентадир. Фақат ана шундай ерларда камёб маҳсулотлар ишлаб чиқилади. Камёб маҳсулотлар таркибига, масалан, кофе, чой, цитрус ўсимликлари меваси, маҳсус қизил ёғоч каби маҳсулотлар кирди. Уларга талаб кўп бўлгани ҳолда таклиф ниҳоят кам бўлади. Чунки бу турдаги маҳсулотларни етиштириш ниҳоят мураккаб. Улар ўзига хос шарт шароитларни талаб қилади. Бу маҳсулотлар ниҳоят катта нархда сотилади. Маҳсулотларнинг монопольлиги, уни етиштиришнинг қийинчилиги ва сотилиш нархининг баландлиги билан ҳарактерлидир. Рента ўз туридан қатъий назар уни тўловчилар учун у харажат ҳисобланади, олувчилар учун у даромаддир. Рента тўлови ижара ҳақи шаклига кирди.

Рента назарий тушунча сифатида мураккаб аграр муносабатларни ифода этади. Унинг турлари ва тузилиш шакллари кўп қиррали алоқаларни англатади. Бу алоқалар ер эгалари билан ерни ижарага олувчилар, яъни ерни ишлатувчи тadbиркорлар ўртасида юзага келади. Рента тўловида, масалан, бир гектар ерга белгиланган ижара ҳақи 1 млн. сўм, фараз қилсак, шундан 0,7 млн сўм рента бўлса, қолганида 0,2 млн сўми ерга солинган 2 млн. сўмлик капиталга тегадиган фоиз бўлади. Шу шарт биланки, агар у йилига 10 фоизли даражада бўлса. Қолган 0,1 млн. сўм амортизациядан иборат бўлади. Ернинг ижара ҳақи асбоб — ускуна, машина механизмларга белгиланган ижара ҳақига боғлиқ бўлмаган рента кирди, лекин рента миқдори ҳар хил бўлади. Ерга талаб унинг таклифидан ҳар доим кўп бўлади. Ерни меҳнат яратмагани сабабли унинг қиймати йўқ. Ернинг нархи бор.

Ер нархи рента миқдорида нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаради. У фоиз даражасига нисбатан эса тескари мутаносибликда ўзгаради. Ер нархи узлуксиз ўсиб боради. Чунки ерга талаб ошгани ҳолда ер таклифи ўзгармайди. Ерни олувчилар сони ортсада, ерни сотувчилар сони ўзгармаса, унда

табий ҳолда ер нархи ўсиб боради. Ер нархи ўсгани ҳолда ернинг умумий миқдори ўзгармайди.

Ҳозирги пайтда ижара ҳақи ривожланаётган мамлакатларда деҳқонларнинг ердан фойдаланишининг асосий шакли ҳисобланади. Масалан, Эронда деҳқон хўжалиларининг 60 фоизи ерни ижарага олади. Ижарага олинган ерлар ҳиссаси барча ерларнинг Аргентинада 40 фоизини, Панамада 75 фоизини ташкил этади.

Иқтисодийнинг эркин шароитида, яъни бозор муносабатлари фаолиятида ижара ҳақи усули ўзига хос такомиллашиб боради.

### 12.3. Агросаноат интеграциясининг иқтисодий мазмуни

Мавжуд бўлган тармоқларнинг бари бир — бири билан боғланган, бир — бири билан иқтисодий муносабатларда бўлгани ҳолда фаолият кўрсатади. Уларнинг биронтасини ҳам алоҳида бутунлай мустақил уз фаолиятини ўзи таъминлайди дейиш хато бўлади. Қишлоқ хўжалиги тармоғига алоқадор бўлган, масалан, саноат, транспорт, чироқ, ёқилги ва бошқа кўплаб соҳалар ўзаро олди-берди жараёнларига қатнашадилар.

Агросаноат интеграцияси — бу қишлоқ хўжалигида хизмат қилувчи соҳалар мажмуи. Агро — бу ер билан фаолият кўрсатув бўлса саноат эса уни қайта ишлаб бериш мазмунидир. Интеграция лотинча сўз бўлиб, бу бутун, бирлаштириш демакдир. Жамиятда барпо этилган агросаноат бирлашмаси марказида авваламбор қишлоқ хўжалигининг ўзи бор. Унинг атрофида унга ёрдам қиладиган, аниқроғи экиш, ўстириш, йигиштириб олиш каби ишлардан ташқари жараёнларни бажарувчи соҳалар мавжуд. Тайёрланган маҳсулотлар то истеъмолга топширилгунича бўладиган хизматлар, қайта ишлаш ва бошқаларни бажариш лозим бўлади.

Агросаноат комплекси юксак даражага чиққанда аҳолини тўла — тўқис қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш юзага келади. Шундай шароитда уларга талабнинг ортиши фақат аҳоли сонининг ўсишига қараб юз беради. Жон бошига маҳсулотлар ҳариди ўсмаганидан талабнинг ортиши аҳоли сонининг ўсишига мос келади. Бундай қонуният ривожланган мамлакатларга хос. Кам ривожланган мамлакатларда озиқ — овқатга талаб тез ўсади, чунки аҳолининг гуқлиги ҳали таъминланганича йўқ. Шу сабабдан аҳоли истеъмолида озиқ—овқат сарфининг ҳиссаси катта бўлади. Масалан, бу ҳолат Японияда 16,1 %, Германияда 19,8 %, Швецияда 17,4 % бўлгани ҳолда, Туркменистонда 31,9 %, Қирғизистонда 24,8 %, Ҳиндистонда 44,4 % ни ташкил этган. Албатта бу кўрсаткичларга анча вақт ўтган бўлсада, улар тасаввур қилиш учун кифоя бўлади.

Маҳсулотга талабнинг ғоят кучсиз бўлиши ривожланган бозор иқтисодиётига хос бўлганидан фермер маҳсулотининг нархи секин ўсади. Лекин бунга нисбатан фермер сотиб оладиган товарлар нархи тез ўсади, чунки уларга талабнинг эгилувчанлиги анча кучли бўлади. Яхши ҳосил кўтариш тўғрисида маҳсулотларнинг кўпайиши улар нархининг пасайишига олиб келади. Бу ўз навбатида фермерлар даромади даражасини камайтиради.

Уларнинг харажати даражаси қисқармаганлиги бунга сабаб бўлади. Харажатлар таркибида доимий (ўзгармайдиган) харажатлар ҳиссаси катта бўлгани ҳолда ўзгарувчан харажатлар ҳиссаси кичик бўлади. Нагижада ресурслар нархининг ўзгариши фермерлар харажатларига кучли таъсир этмайди. Доимий харажатлар илгаригидек қолаверди. Бундан ташқари фермер ўз маҳсулотини рақобатли, яъни нарх эркин шаклландирган бозорда сотади. Керакли ресурсларни эса нарх чекланган бозордан олади. Шу бозорда нархи бир хил фирмалар назорат қилади, шу сабабли ресурслар, масалан, ўғитлар, гербицидлар, ёқилги, техника, қурилиш моллари ва бошқаларнинг нархи нисбатан юқори бўлади.

Агросаноат интеграцияси — бу қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиши жараёнидир. Агросаноат интеграциясининг ҳажми бутун мамлакат кўламида, вилоят доираси ёки корхона даражасидан юз беришига боғлиқ бўлади. Агросаноат мамлакат ва минтақалар кўламида, қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро алоқалари кучайишида, халқ хўжалиги озиқ — овқат ва минтақа агросаноат мажмуалари ташкил бўлиши ва ривожланишида ифодаланади. Агросаноат мажмуаси — бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи халқ хўжалик тармоқларидир. Агросаноат мажмуаси тўртта соҳа ҳисобига фаолият кўрсатади. Улардан биринчиси — бу қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган саноат тармоқлари. Шунингдек қишлоқ хўжалигига техника хизмати кўрсатиш билан банд бўлган тармоқлар ҳисобланади. Иккинчиси — бу қишлоқ хўжалигининг ўзи. Учинчиси эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган соҳа. Бунда улар маҳсулотларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотиш ишларини бажаради. Агросаноат мажмуаси таркибидаги тўртинчи соҳа — бу одамлар ҳаёти ва фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган инфратузилма хизматидан иборат. Инфратузилма — бу латинча сўз бўлиб, унинг мазмуни комплекс тузилишидир. Тўртинчи тузилмага йўл — транспорт хўжалиги, алоқа, моддий техника хизмати, маҳсулотни сақлаш тизими, омбор ва тара хўжалигидир.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган тармоқларни, ижтимоий инфратузилма одамлар турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳаларини ўз ичига олади. Бундай соҳалар уй — жой, маданий — маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш ва бошқалардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Қишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора — тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга” — деган.<sup>8</sup>

<sup>8</sup> Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т. “Ўзбекистон” 1998 йил, 239 бет.

Шунга кўра Республикада қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш давом эттирилмоқда. Рақамга бир мунча вақт ўтган бўлсада, фақат 2000 йил давомида қишлоқда 2019,8 км сув қувурлари тармоғи ишга тутилди. Шунингдек 4002,2 км газ тармоқлари қурилди. Қишлоқда 145 қишлоқ врачлик пунктлари қурилди, 17 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган умум таълим мактаблари ишга туширилди. Бу жараён айниқса 2004 йилдан эътиборан янада кучайтирилди. Жумладан, мактаб ислоҳоти, қишлоқ ислоҳоти, кадрлар тайёрлаш миллий дастур ижроси каби ижтимоий – сиёсий, иқтисодий тадбирлар изма – из тараққий эттирилмоқда.

Демак, агросаноат интеграцияси – бу саноатнинг қишлоқ хўжалиги билан мукамал, ўзаро боғлиқлик жараёнларидан иборат бирлашмадир. Буларнинг иқтисодий боғлиқликларидан икки тушунча мавжуд. Биринчиси – бу дифференциация. Бу саноатни қишлоқ хўжалигидан ажралиб туришини билдиради. Иккинчиси – бу интеграция. Интеграция бу қишлоқ хўжалигининг кенг, машиналашган, қишлоқ хўжалигида техника кенг ёйилган даврлар учун хос бўлади. Шунингдек агросаноат интеграцияси ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимоти, ҳамда ихтисослашувнинг чуқурлашуви натижасидир. Агросаноат интеграцияси хилма – хил шаклда намоён бўлади. Масалан, юқорида ҳам таъкидланган эди, у республика миқёсида, вилоятлар, корхоналар доирасида фаолият юритади.

Агросаноат интеграцияси фаолиятида иш ниҳоят аниқ, сифатли, юқори даражали бўлишига тақозо этилади. Унинг иш натижалари илгарги давр иш натижаларига нисбатан қулай, ихчам, мазмунли бўлиши шарт. Давр ўтиши билан аҳоли эҳтиёжи, диди, сони, маънавияти ўсиб бораётган бир давр шунга мос хизматлар, маҳсулотлар бўлишига талаб қилади. Бу талаб биргина якка шахс ёки оила талаби бўлибгина қолмай, балки бу талаб бутун ижтимоий талабдир.

#### 12.4. Агробизнес ва унинг шакллари.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ – овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг копмлекс ҳарактери агробизнес шаклланиши учун асос бўлади. Агробизнес қишлоқ хўжалигини таъминлаш, фирмаларда ишлаб чиқариш жараёни, қишлоқ хўжалик ҳом ашёси ва истеъмол буюмларини сақлаш, қайта ишлаш, сотиш соҳасидаги фаолиятларни билдиради. Шунингдек маҳсулот билан талабни тобора тўлароқ қондирабориш шароитида яратилган фойдани энг кўп даражага етказиш мақсадида хизматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича барча жараёнларни ижро этади.

Агробизнес – бу қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик шаклидир. Агробизнес – бу бозор иқтисодиёти модели шароитида қишлоқ хўжалигини зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш ва озиқ–овқат ҳамда техника

хомашёсини узлуксиз ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тақсимлаш жараёнларини амалга оширишда уларни мақсадга мувофиқ амалга оширишни бошқариб бориш. Даромадни юқори даражасига етказиш учун курашдир. Демак агробизнеснинг ташкилий тузилмаси — бу корхоналар ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган бўлиб, улар айрим тармоқларда ва соҳалардаги аниқ шароитлар ва ишлаб чиқариш омилларининг ривожланиш даражасидаги ўзгаришларга мувофиқ хўжалик бирликлари тузилмаси ва миқёси жиҳатдан доимо ўзгариб туради.

Бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётган шароитда агробизнеснинг ноқийшлоқ хўжалиги корхоналари, фирмалари, бирлашмалари учун хўжалик фаолиятининг қонуний равишда тобора йирик фирмалар сари аста — секинлик билан тобора йириклашиб ва марказлашиб бориши ҳарактерлидир. Агробизнес — бу бозор тизимининг таркибий қисмини ташкил этади. Бунга қийшлоқ хўжалиги билан боғлиқ бизнес турлари киради. Агробизнеснинг бош мақсади шундаким, у бозорни эҳтиёжбоб, яъни бозоргир маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда юқори фойда олишдир.

Агробизнес ўз фаолиятида тадбиркор фермерлар билан, қийшлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи саноат тадбиркорлари билан, шу маҳсулотларни сотиш билан шуғулланувчи тижоратчилар билан ва банклар, сугурта ҳамда молия компаниялари билан муносабатлар олиб боради. Агробизнес илгарилари фақат қийшлоқ хўжалиги тармоқлари билан шуғулланган бўлса, ҳозир биз юқорида такиллаб ўтган агросаноат интеграцияси натижасида агросаноат комплекси таркиби билан яқин муносабат юритади. Муносабатлар оқибатида, биринчидан қийшлоқ хўжалиги ўзининг маҳсулотини қайта ишловчи ва сотувчи бўлади, иккинчи томондан эса ўзига керакли моддий ресурсларни етказиб берувчи соҳалар билан интеграция муносабатларини йўлга қўяди. Вақт ўзгариши билан қийшлоқ хўжалиги мукамал ишлайдиган янги технологияларга асосланиб боради. Бунинг натижасида барча соҳалар фаолияти яхлитланиб боради. Пировард натижада агробизнес фаолиятида меҳнат унумдорлиги кўтарилади, самарадорлик юқори бўлади ва ниҳоят фойда олиш ошиб боради.

Айтиб ўтилган фаровонликлар ўз — ўзидан юзага келмайди. Бунинг учун катта миқдорда капитал сарфлари зарур бўлади. Техника янгиликларини излаш, шунга хос ишлаб чиқариш кучларини, айниқса мутахассис кадрлар салоҳиятини юксак даражада ўстириш талаб этилади.

Ўзбекистонда агробизнес агросаноат комплекси асосида ривожланмоқда. Масалан, фермер хўжаликлари, агрофирмалар, агросаноат бирлашмалар узвий ҳолатда фаолият олиб борадилар.

Агробизнеснинг дастлабки биринчи бўгини — бу фермер хўжалигидир. Ўзбекистон агросаноатининг иқтисодий кучида фермер хўжаликлари 70 %дан органиқроғини ташкил этади. Фемер хўжаликлари ишлаб чиқариш жараёнида бошқа хўжаликларга нисбатан унумлилиги билан тежамкорлиги билан ўз устунликларини исбот этади. Масалан, Ўзбекистонда мавжуд

бўлган фермер, ширкат, деҳқон хўжалиklarининг умуммиллий иқтисодийдаги улушлари таҳлил қилинганда энг самарали иш натижаси — бу фермер хўжалиklари томонидан яратилаётганлиги исботланди. Бу учала кўринишдаги хўжалиklар, булар фермер, ширкат, деҳқон хўжалиklари барчаси бир хил шароитда фаолият олиб боргани ҳолда иқтисодий натижалар бир — биридан қатга миқдорда фарқ қилади. Шунга кўра 2004 йилдан эътиборан ширкат хўжалиklари тугатилиб, унинг манбаида фермер хўжалиklари пайдо қилинди. Янгидан ташкил этилмаган, илгари ширкат хўжалиги бўлган хўжалик аъзолари фермер хўжалиklарига бириктирилди. Бунинг асосий сабаби мулкка бўлган иқтисодий муносабат ва манфаатдорликдан келиб чиқилди.

Агробизнес фаолиятида деҳқон хўжалиklarининг ҳам муносиб ўрни бор. Бу хўжаликда ҳам бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Деҳқон хўжалиги яққа шахс ёки оилавий меҳнат фаолиятдан иборат. Улар ишлаб чиқариш имкониятларини ўзлари ташкил этадилар, ўзлари бошқаради. Нима экиш, қанча экиш, қачон ва ким учун экишни ҳам ўзлари ҳал қилади. Аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда деҳқон хўжалигининг икки ёқлама фойдали меҳнатлари мавжуд. Булардан, биринчиси улар шу маҳсулотларга бўлган талабни ўзида қондиради, бозордан сотиб олишига зарурит қолдирмайди. Иккинчи томони улар ўз маҳсулотлари билан бозор таклифида фаол қатнашади. Бозорда сотилаётган озиқ-овқат, сабзавот, мева полиз маҳсулотлари деярли барчаси деҳқон хўжалиги меҳнатига мансубдир.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб турган агрофирмалар ҳам агробизнеснинг бир тури ҳисобланади. Улар маълум турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиради, зарур бўлганда ушбу маҳсулотларни қайта ишлайди. Масалан, боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланадиган агрофирмалар. Улар маҳсулотни ишлаб чиқариб ва яна уни қайта ишлаб чиқаради. Турли хил кишмишлар, қуритилган тайёр мевалар етказиб беради. Бу соҳа билан яқиндан туриб иш олиб борадиган корхона бу агросаноат комбинатларидир. Булар асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига технологик қайта ишлов беради, янги кўринишдаги истеъмол неъматларини яратади.

Мамлакатда қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналари, жамоа хўжалиklари ва турли мулкчилик асосида ташкил қилинган қўшма корхоналар ҳам агробизнес турлари сифатида фаолият кўрсатади. Агробизнес ишига фермерлар ассоциацияси ва иттифоқлари ҳам хизмат қилади. Ассоциация сўзи — бу уюшма мазмунидаги тушунчадир. Улар кўнгилли ва пайчилик маблағига асосланган уюшма. Улар ўз аъзоларига хизмат кўрсатади, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Ҳар бир мамлакатнинг шароитига хос равишда агробизнес ташкил топади, ҳар хил даражада ривожланади ва тadbиркорликнинг нозик бир турига айланади. Агробизнес фаолияти меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишлигини ифода этади. Шунга кўра, агар фермерлар сони қисқарсада, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури, ҳажми, сифати ўсиб боради. Агробизнес



жамиятдаги иқтисодий таъминотни такомиллаштириб, унинг янги — янги қулай ва ривожланиб боровчи шаклларига айланади.

### Асосий таянч тушунчалар.

**Аграр муносабатлар** — бу ер билан боғлиқ муносабатлардир.

**Агросаноат** — бу қишлоқ хўжалиги фаолиятида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашдир.

**Агросаноат интеграцияси** — бу қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи тармоқлар бирлиги.

**Агросаноат инфратузилмаси** — бу қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи соҳалар уюшмаси.

**Агробизнес** — бу қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик шакли.

**Ер рентаси** — ер эгаллигини иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш шакли.

**Рента муносабатлари** — ердан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромадни тақсимлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқликда вужудга келадиган муносабатлар.

**Дифференциал рента** — ер участкаларининг унумдорлигидаги ва жойлашган жойдаги фарқлар натижасида олинadиган қўшимча соф даромад.

**Дифференциал рента I** — бу ерларнинг табиий унумдорлиги эвазига олинadиган қўшича соф даромад.

**Дифференциал рента II** — бу ерларга қўшимча озиқ бериб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобида олинadиган қўшимча соф даромад.

**Абсолют рента** — қишлоқ хўжалигида ҳар қандай ердан олинadиган даромад.

**Рента** — мулк эгасининг мулкдан оладиган даромади.

**Монопол рента** — алоҳида табиий шароитга эга бўлган, ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ерлардан олинadиган даромад.

**Ундирма саноатда рента** — бу фойдали қазилма конларининг жойлашиши ва уларнинг бойлигидаги фарқлар натижасида олинadиган даромад.

**Ижара муносабатлари** — бу ердан ҳақ тулаш шarti билан маълум муддатга фойдаланиши юзасидан келиб чиққан иқтисодий алоқалардир.

**Дифференциация** — бу саноатнинг қишлоқ хўжалигидан ажратлиши.

**Агрофирмалар** — муайян қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни саноат усулида қайта ишлашни қўшиб олиб боровчи корхона.

### III. БЎЛИМ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ

#### III. БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ

Мазкур бобда қуйидаги иқтисодий тушунчалар, хулосалар тўғрисида илмий – назарий фикрлар берилади. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва миллий иқтисодиётнинг шаклланиши. “Миллий иқтисодиёт” тушунчасининг мазмуни.

Макроиқтисодиёт ва унинг мақсади ва вазибалари. Асосий макроиқтисодий курсаткичлар. Макроиқтисодиёт тўғрисидаги асосий назариялар. Классик, Кейнча, манетаристик, рационал кутиш ва таклиф иқтисодиёт назариялари. Миллий маҳсулотнинг иқтисодий мазмуни ва унинг ҳаракат шакллари. Ялпи миллий, ички миллий ва ялпи ички маҳсулот, уларнинг таркиби тузилиши. Ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усуллари. Миллий ҳисоблар тизими ва Ўзбекистоннинг унга ўтиши.

Ижтимоий фаровонлик курсаткичлари ва уларни такомиллаштириш. Маҳсулотнинг сифати. Маҳсулотнинг кўпайиши ва буш вақт. Ялпи миллий маҳсулот ва атроф муҳит. Турли мамлакатлар иқтисодий ривожланиши даражасининг қиёсий тавсифи. Хуфёна иқтисодиёт, унинг ўлчамлари ва намоён бўлиши шакллари.

#### 13.1. Миллий иқтисодиёт ва унинг юзага келиши

Миллий ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳисобланган ялпи миллий маҳсулот, унинг ҳаракат шакллари ва таркибий қисмларининг иқтисодий мазмуни бор. Шунга кўра ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблаб, тўғри хулосалар яратмоқ зарур. Иттифоқ даврида Ўзбекистон иқтисодиёти Совет иттифоқи иқтисодиётининг бир таркибий қисми ҳисобланган. Ўзбекистонда яратилаётган бойлик Ўзбекистонники дейиш имкони йўқ эди. Марказдан (Москвадан) қандай топшириқ қилинса Ўзбекистон бойлиги шу тариқа тақсимланиб олинар эди. Мустақиллик Республикасимизнинг фақатгина ўз бойлигини эмас, балким, бутун эркини, ҳуқуқини, чегарасини, халқини, маънавий турмушини ўз ихтиёрига қайтариб берди. Ўзбекистон иттифоқ даврида хомашё базасига айланган эди. Ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳаракатини ўзи бошқариш ҳуқуқи йўқ эди. Ўзбекистон миллий бойлиги ўзгалар ихтиёрида тўп бўлиб ўйнар эди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов “Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга – марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган”- деган берган аниқлик тушунча, ниҳоят Ўзбекистоннинг бутун иқтисодиётининг мавқеини ифода этади. Ушбу асарнинг 9 бетида – 1991 йил сентябридан буён ўтган қисқа давр мобайнида иқтисодий

<sup>9</sup> Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда”. Т.. “Ўзбекистон” – 1999 йил 6 бет.

мустақилликни қўлга киритиб, мамлакатимиз ҳудудидаги барча табиий, минерал хомашё бойликларидан мамлакатимиздаги бутун иқтисодий ресурслар ва қувватлардан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш имкониятига эга бўлдиқ дейилган.

Янги энергетика, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқларининг вужудга келиши, кўплаб йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикалар қурилганлиги, ёнилғи ва ғалла мустақиллигига эришилганлиги иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, изчил ўсиш суръатлари миллий мустақил иқтисодиётни мустақамлаш сари ҳаракат натижаларидир.

Эндиликда Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган, янги мустақил ривожланаётган, ўз халқи, миллати манфаатларига хизмат қиладиган миллий иқтисодиёт юзага тўлиқ келмоқда. Миллий иқтисодиёт Республикада мавжуд бўлган барча тармоқлар ва соҳаларни, микро ва макро иқтисодиётларни ҳамда кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган йирик, яхлит иқтисодиётдир.

Эндиги иқтисодиёт миллий ҳўжаликнинг таркиб топган тузилиши ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожининг натижаси ҳисобланган иқтисодиётдир.

Иқтисодий фаолият ҳар бир мамлакат миқёсида икки даражада юзага келади. Улардан биринчиси бу микродаражада, иккинчиси эса макроиқтисодиёт даражасида бўлади. Микро ва Макро иқтисодиёт тушунчалари иқтисодиётни бошқаришнинг турли даражаларидаги ҳолатини англатади. Микродаражадаги иқтисодиёт бу фирмалар, корхоналар, хонадонлар даражасидаги иқтисодиётдир. Микроиқтисодиёт эса жамият миқёсида, яъни мамлакатларнинг миллий даражасида юз берадиган иқтисодиёт.

Авваламбор миллий иқтисодиётнинг мазмуни нимани ифода этади. Миллий иқтисодиёт мазкур мамлакатнинг ичида юз берадиган иқтисодий фаолиятдир. Бунда фирмалар, хонадонлар ва давлат иштирок этади. Ҳозир дунёда 222 мамлакат (2006 йилга) мавжуд. Шундан қанчаси мустақил бўлса, унинг барчасида миллий иқтисодиёт бор. Миллий иқтисодиёт мамлакат мустақиллигининг таянчи ҳисобланади. Мустақиллик миллий иқтисодиётни, миллий иқтисодиёт эса мустақилликни яратали, уларнинг мавжуд бўлишлигига асос солади. Миллий иқтисодиёт мамлакатда яратилган товар ва хизматлар, тупланган моддий ва номоддий бойлик шу мамлакатга қарашли бўлишини, яъни миллий мулкчилик мавжудлигини билдиради. Миллий мустақиллик мамлакатдаги иқтисодий фаолият, ҳатто хорижликларга қарашли секторнинг фаолияти ҳам миллий манфаатларга зид эмас. Аксинча бунга мосдир. Миллий мулкнинг иқтисодиётдаги устуворлиги хориж мулкдан юз ўгиришни билдирмайди. Миллий мулкда хориж капитали, товари ҳам қатнашиши мумкин бўлади. Чет эл капиталидан фойдаланиш, мамлакат сиёсатиға биноан назоратда бўлади. Чет эл капиталиға эрк берилса мамлакатда ишлаб чиқаришға ва нарх фаолиятиға путур етказилиши мумкин. Иқтисодиётнинг миллийлиги уни бошқалар учун ёпиқлигини билдирмайди, аксинча очиқ бўлади. Очиқ

иқтисодиётда чет эл билан ўзаро иқтисодий манфаатдорлик имкони яратилади. Миллий иқтисодиёт асосан узидаги имкониятларга таяниб иш юритади. Ўз урф – одатларига, миллий анъаналарига ва кўникмаларига амал қилган ҳолда фаолият юритади. Мамлакатларнинг ижтимоий – иқтисодий кучига, табиий шароитига қараб уларда миллий иқтисодиёт турлича тус олади. Айримлари ўта саноатлашган, айримлари аграр соҳага асосланган, айримлари саноат ва аграр кўринишида таркиб топади. Масалан, АҚШ, Англия, Германия мамлакатлари иқтисодиёти саноатлашган бўлса, Ўрта Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ҳам қишлоқ хўжалиги ҳам саноат тармоғига суяниб иш кўради. Дунёда фақат хизмат кўрсатишга асосланган иқтисодиётлар ҳам бор. Масалан, Сингапур, Гонгконг мамлакатларида денгиз сув хизмати кўрсатилади. Миллий иқтисодиёт даражаси турлича бўлади. Улар юксак ривожланган, уртача, ўртачадан пастроқ, кам ривожланган ва ўта қолоқ иқтисодиётлардир. Миллий иқтисодиёт қанчалик фарқланмасин, уларнинг барида инсон, инсоният ташвишлари бор. Шунга кўра барчаси бозор иқтисодиёти қонунарига асосланади.

Мамлакатда макроиқтисодиёт миллий иқтисодиётнинг ҳал қилувчи суянчи ва имкониятидир. Макроиқтисодиёт – бу мамлакат миқёсида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларини бир бутун қилиб бирлаштирган миллий ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир. Макроиқтисодиёт ўз ичига халқ хўжалигининг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини олади. Макроиқтисодиёт меъёрида фаолият қилиш ва барқарор ўсиши учун барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро боғлиқлигини ва мувозанатли ривожланиши талаб қилинади. Макроиқтисодиётда ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш, ҳажми ва уларнинг ўсиши бир қатор кўрсаткичлар тизими орқали микро ва макроиқтисодий даражада аниқланиб таҳлил қилинади. Кўпгина микро кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолиятига баҳо берилиб ва улар иқтисодиётининг ривожланиш тамойиллари аниқланади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали эса бутун иқтисодиётнинг ҳолати унинг ўсиши ёки орқага кетиши таҳлил қилиниб хулоса чиқарилади. Улар ёрдамида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилайди. Макроиқтисодиёт жамиятнинг умум иқтисодий фаолияти бўлганидан бу ердаги ўзгаришлар қайтадан фирмалар ва хонадонлар фаолиятига таъсир этади. Микро ва макроиқтисодиёт узвий боғлиқликда булади. Иқтисодиётнинг асосий иштирокчилари бўлган фирмалар ва хонадонлар макроиқтисодий фаолиятда иштирок этадилар. Улар бир – бирларига ресурслар ва истеъмол товарларини етказиб берадилар. Ресурс етказилганда хонадонлар даромад олади. Хонадонлар истеъмол буюмларини харид қилганда харажат чиқарадилар.

Макроиқтисодий айланма жараёнида иқтисодиёт икки табақага бўлинади. Улардан биртаси реал табақа, иккинчи пул табақаси. Биринчиси – бу яратилган товар ва хизматларнинг иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги ҳаракати. Бунда талабчилар, таклифчилар ва умуман бирга муносабат кўрсатувчилар киради. Булар шахслар, хонадонлар, фирмалар,

ташкитотлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Иккинчиси — бу субъектлар ўртасидаги товар ва хизматлар ҳаркатига қарама — қарши равишда юз берадиган пул оқимининг ҳаракати. Реал сектордаги фирмалар ялпи ички маҳсулот яратишади.

Ялпи ички маҳсулот деганда маълум давр мобайнида мамлакат ичида пировард натижада яратилган товар ва хизматларнинг бозор қиймати тушунилади. Ялпи ички маҳсулот бу оралик, яъни қайта ишланадиган маҳсулот эмас, балки истемолга тайёр булганидан бозорда сотиладиган маҳсулотдир. Унинг бозорда сотилган нархи бозор қиймати бўлади. Бу қиймат товарнинг миқдори ва сифатини акс эттиради.

Тарихда инглиз ва француз классиклари миллий иқтисодиётдаги кичик иқтисодий фаолият, яъни шахс, капитал, оила, хужалик ва бошқалар билан йирик фирмалар яъни мамлакатнинг ялпи капиталини ўзаро биргаликда бир — бирдан ажратилмаган, яхлит ҳолатда ўрганган эдилар. Неоклассиклар эса мамлакатнинг барча хужаликлари фаолиятини хусусий мулкка киритдилар. Улар буну уй — жой, якка тадбиркорликка ҳисобладилар. Улар бу фаолиятда давлат аралашувини инкор қилдилар. Бу қарашлар классик капитализм давридаги қарашларни ифода этади.

Неоклассиклар XIX асрнинг охири XX аср бошларида гарб мамлакатларида хужалик ҳаётида давлатнинг тобора кўпроқ аралашаётганлигига қатъий эътибор бермадилар. XX аср 30 — 50 йилларида макроиқтисодиёт вужудга келади ва давлатнинг хужалик фаолиятини ҳам ўз ичига олган умуммиллий муаммоларни ўргана бошладилар. Макроиқтисодиётнинг асосчиси Ж.М.Кейнс бўлди. У иқтисодиёт соҳасида давлат иштирок этмасдан мамлакат миқёсида ишлаб чиқаришни мунтазам ривожлантириш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тула таъминлаш мумкин эмаслигини кўрсатади.

XX аср 40 — 60 йилларида Самуэльсон, Макконелл ва Брю кабиларнинг иқтисодиёт дарсликларида макро ва микроиқтисодиётни дарсликнинг асосий бўлимлари сифатида ёритилди. Биринчидан, макроиқтисодиёт бу барча хужалик элементларининг ягона бутунлигидан иборат алоқалар йиғиндиси. Иккинчидан, миллий бойлик макроиқтисодиётнинг моддий пойдевори. Учинчидан макроиқтисодиёт ўзининг махсус хужалик базасига асосланади, умуммиллий манфаатларни, эҳтиёжларни, ўз ичига олади. Тўртинчидан, давлат макроиқтисодий алоқаларни ташкил қилади.

### **13.2. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ва унинг ҳаракат шакллари.**

Жамият тараққиёти унинг узлуксиз ўзгариб туришида намоён бўлади. Шунга кўра кишиларнинг талаб, эҳтиёжлари ҳам ишлаб чиқаришнинг янги — янги кўринишлар ҳам. Шу туфайли иқтисодиётда бўладиган ўзгаришлар ўзига хос қонун, қоидаларига, ўз йўналишига асосланади. Ҳар қандай иқтисодиёт доимо янгилашиб, доиравий ҳаракатда бўлади. Бу ҳаракатларнинг манбаида ресурслар, яратилган товарлар ва хизматлар ҳаракати бор. Буни асосан фирмалар, корхоналар, завод — фабрикалар,

фермер хўжаликлари, жамоа хўжалиги ва бошқалар юзага келтиради. Улар ҳаракатларини ресурслар сотиб олиш, ундан ишлаб чиқариш жараёнида янги маҳсулотлар, товарлар, хизматлар яратиб, уни яна бозорда сотиш каби тўхтовсиз бўладиган ҳаракатларни барпо этадилар. Иқтисодийнинг иккинчи томони, яъни ялпи миллий маҳсулот ҳаракатида иштирок этувчилар ҳам бор. Булар уй хўжаликларидир. Яратилган товар ва хизматларни истеъмол қилувчилардир. Маҳсулот, товарлар ва хизматлар ўз итсеъмолида ҳаракатларини яқунлайди. Лекин инсон тирикчилиги учун унга товар ва хизматлар узлуксиз керак бўлади. Шу боисдан товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилиши яна давом этади. Энди, у балки олдинги айланмасига нисбатан кўпроқ ва сифатлироқ бўлишликни талаб қилади. Бу эҳтиёжнинг ўсиб бориш хусусиятидан келиб чиқади.

Уй хўжалиklarининг икки жиҳати бор. Биринчидан, улар итсеъмолчи сифатида товарлар ва хизматлар сотиб оладилар. Иккинчидан улар фирмаларга ресурслар етказиб берадилар. Маҳсулот ва ресурсларнинг фирмалар билан уй-хўжаликлари ўртасидаги ҳаракати узлуксиз давом этади. Бу ҳаракатни тўхтатиб бўлмайди. Истеъмол тўхтасагина бу ҳаракат ҳам тўхтайтиди. Бу ҳаракат жамият ҳаётининг энг муҳим шarti, уни умум иқтисодий доиравий айланиш ёки макроиқтисодий айланиш дейилади. Бу ҳаракат доирасига барча иқтисодий субъектлар тортилади ва у бутун жамият миқёсида юз беради. Бу ҳаракатда ресурс иш кучи, бўлса иш ҳақи капитал бўлса фойда, ер бўлса рента келтиради. Ресурс учун унинг эгалари олган пулнинг бир қисми ўз истеъмолини қондириш учун сарфланади. Бу пулга товар ва хизматлар сотиб олинади, оқибатда бу пул фирмаларнинг даромадига айланади. Ишлаб чиқаришни такрор бошлаганида фирма шу пулга тегишли, яъни зарур ресурслар сотиб олади. Фирмадаги пул энди ресурсга айирбошланади. Макроиқтисодийда истеъмол янгидан бошланади. Пулга иш кучи, ишлаб чиқариш воситалари ва ҳомашёлар сотиб олинади ва ниҳоят сотиб олинган ишлаб чиқариш кучлари яна корхонада ишлаб чиқариш жараёнини янгидан бошлайди. Натижада янгидан яратилган товар ва хизматлар яна бозорга сотиш учун чиқарилади ва ниҳоят бозорга олиб борилган товар ва хизматлар яна пулга айирбошланади. Бу ҳолат узлуксиз давом этади. Жамият иқтисодий ривожланиши давом этиши учун ишлаб чиқариш кучлари характерига ишлаб чиқаришдаги ижтимоий муносабатлар мос келганидагина унга имконият яратилади.

Ресурслар, яъни ишлаб чиқариш омиллари билан товар ва хизматлар омиллари ўзаро мос келишлиги макроиқтисодий жараённинг давом этишига асос бўлади. Бу икки оқим доирасида иқтисодий субъектлар ўз манфаатини кўзлаб иш юритадилар. Улар бозордан товар ва ресурсларни ўз эҳтиёжига мос равишда эркин, ихтиёрий сотиб оладилар. Нимани сотиб олишни қанча миқдорда, қачон сотиб олишни бозордаги вазият белгилайди. Улар таваккалига ҳеч нарса сотиб олишмайди. Сотиб олаётган маҳсулотларидан қандай манфаат кўришини чамалайти ва хулосага келади.

Иқтисодий алоқалар макроиқтисодийда унинг турли томонлари ўртасида мувозанат бўлишини талаб қилади. Макроиқтисодий жараён гоят

мураккаб, у миллионлаб товар ва хизматлар яратилишини ва уларни турли хил ҳаридорлар истеъмол этишини ҳисобга олади.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) — бу бир йил давомида миллий хўжаликда яратилган, тақсимланадиган ва фойдаланадиган натижавий маҳсулотнинг умумий қийматидан иборат бўлади. У ишлаб чиқариш соҳаси ва номоддий хизматлар соҳасидаги барча хўжалик бирликлари иқтисодий фаолиятнинг натижаларини ўз ичига олувчи умумий кўрсаткичдир. Ялпи миллий маҳсулот тақсимланганда, у барча хўжалик бирликлари ва аҳолининг ҳар қандай иқтисодий фаолиятдан келадиган даромадлари шаклланишининг асосига айланади. Тақсимланган ялпи миллий маҳсулот барча ходимларнинг иш ҳақи суммаси, фойда, якка меҳнат фаолиятдан келган даромад ва бошқа даромадлар шунингдек амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси кўринишида бўлади. Умуман, тақсимланган ялпи миллий маҳсулот асосан дастлабки даромадлар суммаси, хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлганлар даромади ва асосий фондларининг йиллик ейилган қисмини қоплайдиган амортизация суммаси шаклида кўринади. Ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичи соф экспорт ҳам киради. Соф экспорт — бу экспорт билан импорт ўртасидаги фарқидир. Масалан, четдан 1 млн. сўмга товар сотиб олингани ҳолда, четга 1,5 млн. сўмлик товар сотилса, ўртада 0,5 млн. сўм соф экспорт бўлади. Лекин ташқи савдо фаолиятининг ҳиссаси ҳар бир мамлакатда ҳар хил миқдорда бўлади. Шунга кўра иқтисодийнинг ривожланган даражасини халқаро миқёсда таққослашда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланади. Ялпи ички маҳсулотда ялпи миллий маҳсулотда экспорт билан импорт қиймати ўртасидаги фарқ чегириб ташланади.

#### Макроиқтисодий кўрсаткичлар нисбатлари

Ялпи миллий маҳсулот		Соф экспорт
Ялпи ички маҳсулот		Амортизация
Соф миллий маҳсулот	Эгри солиқлар	
Миллий даромад		

Ялпи ички маҳсулотдан йиллик амортизация суммасини чегириб ташланса соф миллий маҳсулот келиб чиқади. Соф миллий маҳсулотга давлат томонидан белгиланган эгри солиқлар ҳам киради. Эгри солиқлар фирмалар маҳсулоти баҳосига қўшилган солиқларнинг алоҳида туридир. Соф миллий маҳсулотдан солиқлар чегириб ташланса, қолган қисми миллий даромад кўрсаткичини ташкил қилади. Миллий даромад — бу барча қатнашчиларнинг даромадлари йиғиндисидир. Қатнашчилар — булар моддий ишлаб чиқариш ва номоддий хизматлар соҳаларидаги барча субъектлардир.

Ялпи миллий маҳсулот, миқдорига мамлакат ичкарисида ва мамлакатнинг чет элда фаолият кўрсатаётган корхоналарида ишлаб

чиқилган маҳсулотлар миқдори киради. Шунинг учун ҳам у уз номи билан миллий маҳсулот дейилади. Ялпи ички маҳсулотга эса фақат мамлакат ичкарасида яратилган маҳсулотлар миқдори киради. Бунда мамлакат ичкарасида фаолият кўрсатган чет эл корхоналарида ишлаб чиқарилган қийматлар ҳам ҳисобга олинади. Миллий иқтисодиётнинг ҳолатини ифода этувчи муҳим мароиктисодий кўрсаткичлар куйидагилардан иборат. ЯММ — ялпи миллий маҳсулот, ИММ — ички миллий маҳсулот, СММ — соф миллий маҳсулот, МД — миллий даромад. Бунда аҳоли даромадлари ишчи кучи бандлиги, ишсизлик, инфляция ва бошқа зарурий миқдорлар эътиборга олинади.

Жамиятнинг иқтисодий фаровонлигини улчашда ёрдам берадиган анчагина кўрсаткичлар мавжуд. Бироқ улар ичида энг аҳволни тулик ифода этиб берувчиси — бу ялпи миллий маҳсулот миқдори. Бу миқдор мазкур мамлакат миллий бойлиги, унинг иқтисодий — ижтимоий кучидир.

Макроиктисодий кўрсаткичларнинг таҳлиliga асосланган ҳолда бу тизим нисбатини куйидагича хулосалаш мумкин. Ички миллий маҳсулотдан амортизацияни ажратсак соф миллий маҳсулот қолади. Соф миллий маҳсулотдан эгри солиқлар суммасини ажратсак миллий даромад қолади.

### 13.3. Ялпи миллий маҳсулотни (ЯММ) ҳисоблаш усуллари.

Миллий ҳисоб — китоблар тизимига асос қилинган ялпи миллий маҳсулот иқтисодиётда бир йил ичида ишлаб чиқарилган натижавий товарлар ва хизматлар бутун ҳажмининг ялпи бозор қиймати сифатида аниқланади. Бунда шунга эътибор керакки, ушбу йилда ишлаб чиқарилган товарларнинг ҳаммаси ҳам сотилган бўлиши шарт эмас. Умумий маҳсулотларнинг бир қисми захирала вақтинча сақланиб туриши мумкин. Захиралардаги маҳсулотлар ҳам ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблашда эътиборга олинади. Сабаби шундаким у сотилганми ёки йўқми унинг барчаси ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган. Ҳисоботга маҳсулот қиймати йил ҳисобидан бир марта ҳисобга киритилади. Унинг икки ёқлама ҳисобланишига йўл қўйилмайди. Маҳсулотларнинг бир қисми истеъмолчига этиб боргунича, бир неча ишлаб чиқариш босқидан ўтади. Натижада товарнинг айрим қисмларининг қайта — қайта сотилиши билан боғлиқ ҳағоларга йўл қўймаслик учун ялпи миллий маҳсулот таркибига фақат натижавий маҳсулотларнинг қиймати киритилади. Истеъмол учун ҳарид қилинган товарлар ва хизматлар натижавий маҳсулот деб аталади. Қайта сотиш ёки яна бериш учун ҳарид қилинадиган маҳсулотлар оралик маҳсулотлари дейилади. Ялпи миллий маҳсулотлар таркибига фақат пировард маҳсулотларнинг қиймати киритилади, чунки барча оралик битимлар аллақачон унга киритиб бўлинган. Оралик маҳсулотларни алоҳида ҳисобга олиш эса икки маротаба ҳисоб — китоб ва ялпи миллий маҳсулотнинг оширилган баҳосини англаган бўлар эди.

Икки маротаба ҳисоблашга йўл қўймаслик учун ялпи миллий маҳсулотга ҳар бир корхона томонидан барпо этилган қўшилган қиймат киритилиши



устидан диққат билан назорат зарур бўлади. Қўшилган қиймат — бу корхона томонидан ҳосил қилинган маҳсулотларнинг бозор нархидир. Бунинг таркибидан таъминотчилардан ҳарид қилинган ва истеъмол қилинган хом ашё ҳамда матереаллар қиймати чиқарилиб ташланган. Демак, барча корхоналар томонидан барпо этилган қўшилган қийматларни қўшиш билан ялпи миллий маҳсулот ҳисоби олинади.

Ялпи миллий маҳсулот ҳисобига соф молиявий битимлар критилмайди. Бунинг сабаби шундаки, пул даромади олувчи уни айирбошлаш учун қандайдир товар ёки хизматни таклиф қилмайди. Соф молиявий битимлар учта турга бўлинади. Биринчидан, давлат бюджетидан тўловлар. Булар пенсиялар, ишсизлик нафақалари ва ижтимоий сугурта тўлови, бошқалар. Шунингдек, иккинчидан хусусий транспорт тўловлари, учинчидан қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ битимлар.

Ялпи миллий маҳсулотни ўлчашда икки усулдан фойдаланилади. Биринчидан, истеъмолчи маҳсулотнинг пировард фойдаланувчиси сифатида уни ҳарид қилиш учун қанча сарфлаши ҳисобланади. Иккинчидан ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил этилган бутун иш ҳақи, рента тўловлари, ссуда фоизи ва фойда қўшиб чиқилади. Ялпи миллий маҳсулот ушбу йилда сотилган маҳсулот бутун ҳажмини ҳарид қилиш харажатларини қўшиш йўли билан ёки ушбу йилдаги маҳсулот бутун ҳажмини ишлаб чиқаришдан олинган даромадни қўшиш воситасида аниқланиши мумкин.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган миқдор унга ресурс ажратган ва бу маҳсулотни бозорда сотиш учун ишлаганларга даромад ҳисобланади. Ялпи миллий маҳсулотни харажатлар бўйича ҳисоблаш усули ҳам бор. Бунда иқтисодиётда бир йил ичида ҳосил қилинган пировард маҳсулотлар ва хизматларни барпо этиш харажатларининг барча турларини қўшиш зарур бўлди. Улар биринчидан уй хўжалиқларининг узоқ муддатли ва ҳозир фойдаланадиган предметларга, шунингдек хизматларга сарфланган харажатларни ўз ичига оладиган шахсий истеъмол харажатлари. Иккинчидан, ялпи хусусий ички инвестициялар, яъни тадбиркорлар томонидан машиналар, ускуналар ва дастгоҳлар ҳарид қилиши, қурилиш, захираларнинг ўзгариши билан боғлиқ барча харажатлар. Учунчидан, товар ва хизматларнинг давлат ҳариди, унга марказий ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларининг корхона пировард маҳсулоти ва ишлаб чиқариш омиллари ҳарид қилишга доир барча харажатлари киради. Бунга фақат давлат транспортлари тўловлари кирмайди. Транспортлар жорий ишлаб чиқаришнинг кўпайишини акс эттирмайди. Тўртинчидан товар ва хизматларнинг соф экспорти, яъни ушбу мамлакат товарлари ва хизматлари учун хорижий харажатларнинг ана шу мамлакат фуқаролари ва ташкилотлари чет эл товар ва хизматлари сарфланган харажатларидан ошиб кетган миқдоридир. Мана шу миқдор соф экспортдир. Мана шу тўртала харажатлар тоифасининг йиғиндиси бир йилга ишлаб чиқаришнинг бозор қийматини ташкил этади.

Ялпи миллий маҳсулотни даромадлар бўйича ҳисоблашда ялпи миллий маҳсулот таркибига кирадиган унинг қисмлари мавжуд. Бунда дастлаб шуни

айтиш мумкунки, иқтисодиётда фойда ва ялпи даромаднинг миқдорини аниқ ҳисоблаш учун тадбиркорлик шўъбасининг ялпи даромадларида амортизация чегирмаларини ҳисобга олиш зарур. Тадбиркорлар даромадининг ҳаммасини ресурсларни етказувчилар билан ҳисоб—китоб қилиш учун ишлатиб бўлмаслигида ана шу турдаги харажатларнинг аҳамияти катта эканлигини белгиланган. Бу харажатларнинг бир қисми — айнан маҳсулот қийматининг бир қисми ишлаб чиқаришнинг фойдани камайтирадиган чиқимларидир. Бироқ ишлаб чиқариш чиқимларининг бошқа турларидан фарқ қилиб амортизация бирон—бир даромадга қўшилмайди. Харажатларнинг даромад тўлаш билан боғланмаган яна бир тури давлат оладиган солиқлар билан боғлиқ. Улар эгри солиқлар дейилади. Эгри солиқлар—бу товар нархига, хизмат тарифига белгиланган устама нархдир.

Миллий иқтисодиёт ҳолатини асосан ялпи ички маҳсулот ифодалайди. Унинг миқдорини икки усул билан ҳисоблаш мумкин бўлади. Биринчиси, даромад усули, иккинчиси харажат усули. Бу усуллар тўғрисида юқорида фикрлар баён этилган. Даромад усулида иқтисодиётнинг барча, субъектларининг маълум даврдаги даромади жамланиб яқун қилинади. Харажат усулида эса ҳамма иқтисодиёт субъектларининг харажатлари жамланади. Айтилган икки усул билан ялпи ички маҳсулот ҳажмининг аниқланиши муайян пайтдаги иқтисодий айланмада даромад ва харажатларнинг тенг бўлишидан келиб чиқади. Ялпи миллий маҳсулот у бир пайтнинг ўзида барча хўжалик бирликлари даромади мажмуасини ва барча товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг умумий ҳажмини ўлчайди. Даромад ва харажатларнинг бундай бирлиги фавқулодда эмас. У ялпи миллий маҳсулотнинг барча қисмлари иштирок этадиган цикли оқимда яққол кўринади. Агар уй хўжалиги давлатга солиқ тўлаб харажат қилса, аммо давлат учун бундай солиқлар бюджетга келиб тушадиган даромад бўлади. Бунда даромадлар ва харажатлар миқдори тенг ҳолида маҳсулот олиш учун қилинган барча харажатлар албатта бу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг даромади ҳисобланади. Бундан бутун мамлакат миқёсида ҳамма томони ўз ичига олувчи ҳисобни жорий қилиш имконияти келиб чиқади. Бундай ҳисоб — китоб миллий ҳисоб кўринишида олиб борилади.

Миллий ҳисоб—бу ўзаро бир—бирига боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимидир. У ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромадни ишлаб чиқариш тақсимлаш ва истеъмол қилишни ифода этади. Бундай ҳисоб қилиш тизимининг зарурилиги XX аср 40 — йилларининг иккинчи ярмидан микро ва макро иқтисодиётга ўтилиши атижасида пайдо бўлди. Миллий ҳисобни тузишда икки ёқлама ёзиш усули юзага келди. Миллий ҳисобда хўжалик бирликларининг иқтисодий жараёнлари тўғрисидаги ахборотлар маълум тарзда умумлаштирилади.

Миллий ҳисоб—китоб макроиқтисодиётнинг, унинг эришган даражасини аниқлашга имкон беради. Миллий ҳисоблар натижалари иқтисодий режалаштиришда кенг қўлланилади.

Мамлакатда ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблаш, айниқса ҳозирги бозор шароитида анча аниқ ва енгил шаклларига ўтказилган, чунки ҳозирги техника—технология буни тақозо қилади.

### 13.4. Микроиқтисодиётнинг амал қилиши.

Мамлакатда яратилган макроиқтисодиёт шу мамлакат фаровонлиги учун хизмат қилиши муқаррар. Лекин ундан қандай фойдаланиш, уни қандай тақсимлаш бу мазкур давлатнинг ички иқтисодий фаолиятида ҳал этилади. Қийматни тўғри яъни заруриятлар асосида истеъмол қилиш уни яратишдаги муаммолар ташвишидан кам эмас, балки ниҳоят сергакликни, иқтисод қилиб фойдаланишни тақозо этади. Миллий даромад бозор нархлари ва давлат, яъни бюджет орқали қайта тақсимланади. Давлат бюджетида солиқлар воситасида пул маблағлари тўпланади ва қайта тақсимланади.

Давлат бюджетининг даромад қисми, асосан, корхона, фирмалар ва юридик шахслар даромад ва фойдаларига, ҳаё қўқароларга солинадиган даромад солиқларидан тўпланади. Бунда солиқлар иқтисодиёти икки томонлама вазифани бажаради. Биринчидан улар давлат даромадларини шакллантиради, иккинчидан, истеъмол ва маҳсулот ишлаб чиқарувчига рағбатлантирувчи сифатида таъсир кўрсатади. Юқори солиқлар бозорда умумий талабни ва ялпи миллий маҳсулот ҳажмини камайтирса, паст солиқлар эса, бозорда давлат даромадини тушуриб юборади. Шунга кўра, шундай ҳолатларда солиқларнинг оқилона чегарасини белгилашга тўғри келади. Бу ҳолат ўзига хос муаммолардан ҳоли эмас.

Давлат бюджетининг ҳаржат қисми таркибида халқ хўжалигига ижтимоий соҳани, яъни маориф, фан, соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбияга, ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, мудофаага, давлатни бошқариш харажатлари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий—сиёсий тус олган, у тегишли қонунларга асосланган. Шунга кўра бу давлат назоратига олинган.

Миллий иқтисодиётни бошқариш, макро ва микро иқтисодий сиёсат юритиш давлатнинг жамият фуқаролигини ўстириб боришига қаратилган ижтимоий бошқарувнинг мазмунини ташкил этади. Микро ва макроиқтисодиёт ниҳоят ўзаро боғланган зарурият асосида фаолият кўрсатади. Иқтисодиётнинг қонун қоидаларига амал қилиш иқтисодий сиёсат орқали юз беради. Буларни амалга ошириш мақсадида тегишли талбирлар, қонунлар ишлаб чиқилади, иқтисодий сиёсат юргизилади.

Иқтисодий сиёсат — бу иқтисодий субъектларнинг ўз фаолиятига оид йўл—йўриқлар ва саъй—ҳаракатларининг мажмуасидир. Ҳар бир иқтисодиёт иштирокчисининг ўз манфаатлари бор. Улар хонадонми, фирмами, давлатми бунинг фарқи йўқ. Бу манфаатлар амалиётда аниқ мақсад шаклига киради, иқтисодий сиёсат эса уни амалга оширишга қаратилади. Масалан, хонадоннинг мақсади ўз оиласида истеъмолни юқори кўтаришдан иборат.

Шу мақсадда келажатини таъминлаш ташвиши билан жамғарма ташкил этади. Фирманинг мақсади эса, фойданинг юқори даражасига эришиш ва шу туфайли иқтисодий жиҳатдан ўзининг барқарорлигини юзага келтиришидир. Давлатнинг мақсади миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини ва шу асосида халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат. Демак, уларнинг ҳар бирининг мақсади умумий ва истеъмол жараёнларида ўзига хос йўли, фарқи бор. Давлат мана шу тафовутларни эътиборга олиб иш кўради. Улар турли хил мақомга эга. Бой, ўрта ҳол, камбағал оилалар бор. Кичик ўрта ва йирик фирмалар бор. Вақт ўтган бўлсада тасаввур қилиш учун рақам келтирдик. Ўзбекистонда 2003 йил 4,8 млн. хонадон, 250 мингдан зиёд корхоналар, фирмалар ва 85,5 минг фермер хўжаликлари бўлган, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос мақсади ҳам бўлган. Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг бошқарилишида мана шу фарқлар эътиборга олинган ҳолда сиёсат юритилмоқда.

Иқтисодий сиёсат асосан уч даражада олиб борилади. Биринчиси — бу микросиёсат йўналиши. Микросиёсат, бу хонадон ва фирмалар сиёсатидир. Хонадон истеъмол ва жамғариш билан боғлиқ. Хонадон ўз манфаати йўлида давлат сиёсатини ўзгартиролмайди. Лекин ўз фаолиятини асосан ўзига маъқул кўринишда олиб боради. Бунинг бош мақсади кўпроқ пул топишга ва пулдан оқилона фойдаланишга қаратилган бўлади. Хонадон учун даромадли иш керак ва меҳнатига яраша ўз вақтида иш ҳақи олиши керак. Ҳар бир шахс имкони борича даромадлироқ ишда ишлашга интилади, бу табиий ҳол. Лекин амалиётда даромадли ишгина эмас умуман ишсиз бўлиб қолаётганлар ҳам бор. Ишсиз деб, ишлашни хоҳлаганлар, уни эплайоладиганлар, лекин иш билан таъминланмаганлар ҳисобланади. Даромадни энг зарурий эҳтиёжлар учун сарфлаш ҳам хонадон бурчидан узокдашмайди. Хонадон фақатгина бугунги истеъмол ташвишида эмас, балки у эртанги заруриятлари эътиборида иш кўради. Хонадонда жамғарилалиган даромад хонадоннинг ички ижтимоий ҳолатидан боғлиқ бўлади. Даромад даражаси баланд бўлган, харажатлар миқдори баланд бўлмаган хонадонларда, албатта жамғариш миқдори баланд бўлади, ёки аксинча. Хонадон сиёсатида пулга акция, облигация сотиб олиш, уни банкка қўйиш, қарзга бериш ёки тўғридан — тўғри бизнесга жойлаштиришни олдиндан белиглаб олинади. Бу усул билан хонадон пулни турли хил инфляциядан сақлаб қолади ва ўз ўрнида жамғарма туфайли унинг кўпайиб қўшимча даромад келтиришини кўзлайди. Агар хонадон бадавлат бўлса, улар ёлланиб ишлашни эмас, балки даромади эвазига бизнеслик қилади.

Фирмалар сиёсати ўз мақсадини аниқ белгилаш ва унга эришиш йўллари ва воситаларини танлашдан иборат. Фирма сиёсати турли соҳаларга таалуқли бўлади. Масалан, фирманинг ишлаб чиқариш, тижорат, нарх, молия, рақобат сиёсатлари бор. Фирма ишлаб чиқариш сиёсатида нимани, қанча ва қандай, қачон ишлаб чиқариш кераклигини аниқлайди. Бунда фирмага бозорнинг конюктураси (ҳолати) ёрдам беради. Чунки бозорни ўрганмасдан фаолият кўрсатиш фирманинг вайрон бўлишига сабаб бўлиши

мумкин. Шунга кўра фирма ишлаб чиқаришни янги услубларга, янги технологияларга, истеъмолчиларнинг диди ва даромадига асосланиб ташкил этади. Фирманинг тижоратчилик сиёсати эса, бу товарларнинг қандай миқдорда ва қайси бозорларда сотилишини, уларнинг кредитга берилишини, экспорт миқдори ва таркибини белгилайди. Савдо — сотиқда рақобатчилик ва шерикликда қандай муносабатда бўлишлигини белгилайди.

Фирманинг нарх сиёсатида эса, бозорга қандай нарх билан чиқишни билиши керак. Бозорда нархнинг ўзгариб туришини билган ҳолда унинг аниқ сабабларини ўрганади. Нарх ўзгаришига боғлиқ бўлган даромад ўзгаришини мукаммал билмаган фирма кўплаб миқдордаги фойда олишдан маҳрум бўлади. Фирма солиқларни тулаш тартибини, солиқлардан олинадиган имтиёзни ва давлатдан ёрдам олиш йўлларини, уни қайтариш тартибини аниқ билиши ва унга амал қилиши унинг молиявий фаолиятини ифода этади. Фирма фойдани тақсимлаш, уни самарали ишлатиш, акция чиқариб сотиш, ўзга фирмалар акциясини давлат облигацияларини сотиб олишга алоқадор бўлган тартиб-қоидаларни билиши лозим.

Фирманинг иқтисодий фаолиятини кўтаришда энг қўл келадиган усули, бу рақобат юритабилиш сиёсатидир. Буни эпламаган фирма касолга учрайди. Фирма ўз фаолиятида қайси усулдан, қандай фойдаланишни бирон дақиқа унутса, у иқтисодий зарар кўради. Шунга кўра фирманинг тадбиркорлиги кўплаб ўз қондасига асосланади. Бунда бош йўналиш, мақсад — бу фирмани рентабелли хўжаликка айлантиришдир.

Миллий иқтисодий сиёсат юритилишида микроиқтисодиёт — бу аҳолининг ҳар нафасида, ҳар соатида ижтимоий—иқтисодий ҳаётни таъминлашда ҳамроҳдир. Микроиқтисодиёт базасида макроиқтисодиёт ва мета иқтисодиёт юзага келади. Мета иқтисодиёт сиёсати бу чет эллар билан олиб бориладиган иқтисодий сиёсатдир. Бу иқтисодий сиёсат жамиятнинг халқаро миқёсида ривожланиши учун имкон яратади. Миллий иқтисодиёт тараққиёти уни бошқаришдан боғлиқ

### Асосий таянч тушунчалар

**Макроиқтисодиёт** — бу моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштирган миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётидир.

**Ялми миллий маҳсулот (ЯММ)** — миллий иқтисодиётда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушадиган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги суммаси.

**Ялми ички маҳсулот (ЯИМ)** — бу йил давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги қиймати.

**Соф миллий маҳсулот (СММ)** — йил давомида янгидан яратилган маҳсулот. Ялми ички маҳсулотдан амортизация суммасини чегириб олганда қолгани. Унда миллий даромад ва эгри солиқ суммаси мужассам.

**Миллий даромад** — бу янгидан яратилган қиймат соф миллий маҳсулотдан эгри солиқнинг ажратмаси.

**Номинал ялпи маҳсулот** — бу жорий нархда ҳисобланган ялпи миллий маҳсулот.

**Реал ялпи миллий маҳсулот** — бу нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, доимий нархларда ҳисобланган ялпи миллий маҳсулот.

**Оралиқ маҳсулот** — ишлаб бериш, қайта ишлаш ва қайта сотиш мақсадларида сотиб олинган маҳсулотлар.

**Пировард маҳсулот** — бу ишлаб чиқариш жараёни яқунланган, шахсий ва унумли истеъмол қилишга тайёр булган маҳсулот.

**Хуфёна иқтисодиёт** — ялпи миллий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишнинг расмий ҳисоб — китоблардан яширин қисми.

**Қўшилган қиймат** — ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан сотиб олинган ва унумли истеъмол қилинган хомашё ва матереаллар қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмининг бозор қиймати.

**Икки ёқлама ҳисоб** — ялпи миллий маҳсулот қийматига оралиқ маҳсулот ва хизматнинг қийматини такрор ёки бир мартадан ортиқ киритиш.

## XIV. БОБ. ЖАМИ ТАЛАБ ВА ЖАМИ ТАКЛИФ

Олдинги бобда талаб ва таклиф тушунчалари ва уларга таъсир этувчи омиллар, уларнинг қонунлари ва бу қонунлар мавжудлигида бозор мувозанатларини урганган эдик. Бу бобда эса ялпи талаб тушунчаси, ялпи талабнинг таркиби ва унинг миқдорига таъсир этувчи омиллар, ялпи талаб эгри чизиги тўғрисида таҳлиллар ҳамда илмий – назарий тушунчалар билдирилади. Шунингдек ялпи таклиф тушунчаси, ялпи таклиф таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар ҳақида, ялпи таклиф эгри чизиги ҳақида, ялпи талаб ялпи таклиф нисбати ҳақида фикр юритилади. Ж.Б.Сей қонуни, ялпи талаб ва ялпи таклиф эгри чизиқларининг кесилиши. Бозорнинг тўйинганлик даражаси. Тақчилликнинг иқтисодий табиати ва уни бартараф қилиш йўллари ва ушбу мавзуга тегишли илмий, амалий тушунчалар билдирилади.


### 14.1. Жами талаб ва унга таъсир қилувчи омиллар.

Ҳар қандай бозордаги вазиятлар талаб ва таклифга уларнинг ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат нархларнинг ўзгаришига таъсир қилади. Шунингдек нархларнинг ўзгариши эса талаб ва таклифнинг ўзгаришига таъсири бор. Бу жараён бирон – бир товарнинг сотилишида эмас балки бозор фаолиятида бўладиган иқтисодий таъсирлардир. Хизматларнинг сотилишида ҳам шундай ҳолат мавжуд. Бозордаги нарх, талаб, таклифлар ўзгариши – бу бирон–бир якка харидор талаби ўзгариши эмас, бу бутун бозор талабининг ўзгариши ҳисобланади. Бу умуман бозорга тааллуқлидир. Бу барча харидорлар талабининг ўзгаришидир. Барча харидорларнинг бирлаштирилган талаби сифатида амал қилади ва макро ҳолатидаги истеъмол қобилиятини акс эттиради. Таклиф ва миллий ишлаб чиқариш жами таклифи сифатида бозорга чиқади.

Жами талаб–бу уй ҳужалиги, корхоналар, ҳукумат ҳамда хорижий харидорларнинг товар ва хизматларга талабидир. Жами талаб истеъмолчилар, корхоналарнинг ҳамда давлат ҳар қандай нархда сотиб олиши мумкин бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмидир. Товарларга ва хизматларга талаб – бу тўловга қобил эҳтиёждир. Бу бозорга чиққан жами пул билан, таъминланадиган жами эҳтиёжлар йиғиндисидир. Бозор талаби бозор эҳтиёжидан келиб чиқади. Эҳтиёжларнинг таркиби ва уни қондираолишнинг муайян даврдаги имкониятларига қараб бозор талаби ҳар хил бўлади. Товарлар ва хизматлар дунёсидаги хилма–хилликка мос равишда бозор талаби ҳосил бўлади. Бозордаги умумий таъминот ва бозор вазиятига қараб бозор талаблари турлича бўлади. Масалан, барқарор қондирилган, ўсаётган, қондирилиши кечиктирилган, қондирилмаган, меъёрдаги ва ваҳимали бозор талаблари юзага келади. Бозордаги эҳтиёжлар талабчилар меҳнатларининг ҳусусиятидан, шароитидан, шиддатлигидан боғлиқ бўлади.

Бозордаги нархлар даражаси бозор талабига таъсир қилади. Нархлар даражаси—бу турли хил товар ва хизматларнинг алоҳида нархларини умумлаштирувчи жами нарх тушинилади. Бозор талаблари шароитида айрим жараёнларни бирлаштириб ҳулоса қилиниши мумкин. Масалан, нархларни нархлар даражасига, барча истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятли талабини жами талабга, барча товар ва хизматларни эса миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмига бундай бирлаштириш йириклаштириш дейилади. Жами талаб ва таклиф ҳамда нархлар даражаси барча макроиқтисодий моделлар тузилишининг асоси ҳисобланади. Модел—бу лотинча сўз бўлиб, бу ўлчов, метёр, андоза сўзлари мазмунида ишлатилади. Бу кўрсаткичларнинг узаро бир—бирига боғлиқлигини режа ёрдамида акс эттирилади.

Нархлар даражаси билан жами талаб ўртсаида тескари боғлиқлик мавжуд. Нархлар ўсиши билан талаб қисқариб боради ва аксинча нархлар қанчалик паст бўлса, харидорлар купроқ товар ва хизматларни сотиб оладилар.



Нархлар даражаси ва талаб қилинган миллий маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифода этувчи чизиқ — бу жами талаб эгри чизиғи дейилади. Жами талаб эгри чизигига қуйидаги нарх омиллари таъсир кўрсатади:

1. Фоиш даражаси самараси,
2. Бойлик самараси,
3. Импорт товарларини харид этиш самараси.

Биринчидан фоиш ўлчамида самарасини қандай тушунмоқ лозим. Фоиш самараси — бу мамлакатда пул ҳажми ўзгармаган ҳолда товар ва хизматлар нархи ошса аҳоли ва корхоналарга харид учун қўшимча пул керак бўлади. Демак, бозорда бозор талаби ва таклифи мувозанатлигини сақлаш учун харидорга қўшимча пул керак. Пулга бўлган талаб ошиши, унинг нархи, яъни фоиш ўлчами ошади. Фоиш ўлчами ошганда аҳоли ва тадбиркорлар ўз харажатларини қисқартириб, жамғармаларни банкка қўшишни афзал кўришади. Бунда миллий маҳсулотни реал ҳажмига бўлган жами талабни қисқартиради.

Иккинчидан бойлик самараси. Бу нарх ошганда тўпланган бойликнинг реал қиймати камайдди. Бу акция, облигация, пулларга тегишли жараёндр. Бу бойликларнинг реал харид қобилияти тушиб кетганлиги учун аҳоли уз харид миқдорини камайтиради. Бунинг натижасида жами талаб қисқаради. Учунчидан импорт товарларни харид этиш самараси. Одатда импорт ва экспортнинг қай даражада бўлиши нархларга боғлиқ бўлади. Миллий товар нархи юқори бўлса, хорижий товарларни харид этиш самараси бўлади. Бу миллий маҳсулотга жами талабни камайтиради. Бу ҳолатда импорт



товарларга бўлган талаб усади. Хорижий харидорларни ҳам миллий товарларга бўлган эҳтиёжи, талаби қисқаради. Агар, мамлакатда нарх даражасини пасайиши импортнинг камайишига ва экспортнинг кенгайишига сабаб бўлади, миллий маҳсулотга бўлган талабни қондиради.

Жами талабнинг ўзгаришига нархдан ташқари бир қанча бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Шунга кўра жами талаб томонларга айланиб, яъни эгилиб туради. Нархдан ташқари таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардир. Биринчидан, харидорлар харажатларининг ўзгариши. Бу таъсир икки ёқлама бўлиши мумкин. Истеъмолчилар даромади ҳажми ошганда жами талаб ҳажми ҳам ортади. Ёки аксинча истеъмолчилар даромади ҳажми қисқарса, жами талаб ҳажми ҳам қисқаради. Бу ҳолат нарх даражасининг қандай ўзгаришидан боғлиқ эмас, истеъмолчи турмуш шароити ўзгарганда унинг бозордаги харажат миқдори ўзгаради. Чунки уйда сотиб олишга зарурият бўлгач уни бажариш ижтимоий зарур бўлиб қолади. Истеъмолчилар қўлидаги моддий бойликлар, яъни унинг ҳажми, акцияси, пули, облигацияси, уй-жойлари нархга боғлиқ бўлмаган ҳолда реал қиймати камайиши ёки кўпайиши мумкин бўлади. Масалан, бирданига уй – жойлар нархи кўтарилиб ёки пасайиб кетиши мумкин. Шунда аҳоли моддий бойликларининг реал ошириш учун харажатларни камайтиради. Шунингдек бирданига акция курсининг кўтарилиши истеъмолчи турмуш шароитини яхшилайдди. Бу жами талабга таъсир қилади. Истеъмолчининг кутиши ҳам бор. Агар келажакда реал даромадлари ошади деган тахмин бўлса, шунга кўра истеъмолчи ўз харидини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин. Солиқлар кўп бўлса, жами талаб қисқаради ёки аксинча. Агар инвестицион товарларни ишлаб чиқариш воситаларининг хариди кўпайса, жами талаб кўпаяди ёки аксинча ҳолатда жами талаб пасаяди. Бундай ўзгаришнинг ўзига хос сабаблари бор. Бу сабаблар қуйидагича бўлиши мумкин. Биринчидан бу фоиз ставкаси. Фоиз ставкасини ошириш инвестицион ҳаракатларни камайтиради. Мана шу ҳолат ҳам жами талабларнинг камайишига сабаб бўлади. Фоиз ставкасининг бундай ошиши нарх билан боғлиқ эмас. Шунга кўра ҳам фоиз ставкаси самарасидан фарқ қилади. Фоиз ставкаси нархлар ҳар-хил даражада бўлганда мамлакатдаги пул массасининг ўзгариши билан бевосита боғлиқ бўлиб, муомаладаги пул массасининг кўпайиши билан у ошиб боради, бу инвестиция харажатларини қисқартиради.

Иккинчисидан, инвестицияда қўйилган фойда ҳам мавжуд. Агар фойда кўп бўлади деган кутилиш бўлса инвестицион товарларга талаб кўпаяди, ёки аксинча бўлиши мумкин. Бунда корхоналардан олинган солиқларнинг ҳам таъсири бўлади. Солиқлар кўпайса фойда камаяди. Бу табиий ҳол албатта. Натижада фойдадан ажратилган инвестиция даражасини қисқартиради. Инвестицион талабларга талабнинг қисқариши, ўз ўрнида жами талабнинг қисқаришига олиб келади. Жами талабнинг ўзгаришига ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгариши ҳам таъсир қилади. Янги технология инвестицион харажатларни рағбатлантиради. Натижада жами талаб яна ошади. Жами талабнинг ошишига ҳали ишлатилмаган

қувватлар ҳам таъсир қилади. Агар ҳали ишлатилмаётган қувватлар миқдори, яъни капитал кўпайса инвестицион товарларга бўлган талабни ушлаб туради, бу ҳолат жами талабни қисқартиради.

Учинчидан, давлат харажатларининг ўзгариши ҳам жами талаб ўзгаришига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бунда миллий маҳсулотни давлатнинг харид қилиши кўпайса, харажатлар ошади. Оқибатда жами талаб кўпаяди, аксинча ҳолатда бунинг тескариси бўлиши ҳам мумкин.

Туртинчидан жами талаб ҳажмига соф экспорт харажатлари ҳам таъсир қилади. Бунда импорт учун ҳам харажатлар бор, экспорт учун ҳам харажатлар бор. Ана шу иккала харажатларнинг фарқи соф экспорт фарқи бўлади. Экспорт фарқининг юзага келишида ҳам таъсир қиладиган томонлар бор. Бунда дастлаб хорижий мамлакатлар миллий даромадининг ўзгариши. Бу ўзгариш импорт, экспорт жараёнига иқтисодий таъсир кўрсатади. Бошқа мамлакатлар миллий даромадларининг ўсиб бориши, бу хорижий истеъмолчилар талабининг кўпайишига ва хорижга товар етказиб беришнинг кенгайишига олиб келади. Натижа эса жами талаб ҳажми ўсади. Қолаверса, валюта курсининг ўзгариши экспорт ва импортни тартибга солиб туради. Бунда, биринчидан валюта курсининг пасайиши экспортни рағбатлантиради. Иккинчидан эса импортнинг нафлигини пасайтиради. Унинг кўтарилиши экспорт ва импортга тескари таъсир кўрсатади.

Демак, жами талабнинг ўзгаришига нархнинг ўзгариши, истеъмолчилар сафларидаги ўзгаришлар, истеъмолчиларнинг фаровонлиги, табиатининг ўзгариши, яъни қулай ва ноқулай келишлиги истеъмолчининг бирон—бир иқтисодий ўзгариш бўлишлигини кутиши, шунингдек инфляциянинг кўтарилиши, истеъмолчининг қарздорлик даражаси, солиқларнинг ўзгариши, инвестицион сарфларнинг ўзгариши, фоиз ставкаларининг ўзгариши, инвестициядан қутиладиган фойданинг ўзгариши, ишлаб чиқариш технологияларининг ўзгариши, ортиқча қувватларнинг ўзгариши, давлат сафларининг ўзгариши, соф экспортдаги ўзгаришлар, валюта курсларининг ўзгариши, бозордаги мувозанатликнинг ўзгариши жамият иқтисодиётини бошқаришдаги ўзгаришлар, умуман барчаси озми—кўпми таъсири бор.

Жами талабни таҳлил қилишдан мақсад бу жами таклифни юзага келтириш учун бўладиган заруриятларни аниқлашдир. Жамият миқёсида лозим бўлган тадбирларни амалга ошириш каби ишларни бажариши ойдинлашади.

#### **14.2. Жами таклиф ва унга таъсир қилувчи омиллар.**

Жами таклиф — бу мавжуд нарх даражасида сотиш мумкин бўлган сотишга чиқарилган ва тайёрланган турли—туман товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажмидир. Бу дегани нархларнинг ҳар—хил даражада бўлиши мумкинлигини эътиборга олиб, унинг ўртача даражасида миллий ишлаб чиқаришга нисбати билан ҳулоса қилинади—дегандир. Нарх даражаси қанча юқори бўлса ишлаб чиқариш шунча ривожланиб боради, ёки

аксинча. Шунга кўра ҳам нарх билан миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасида тўғридан— тўғри яъни бевосита боғлиқлик юзага келади. Шундай қилиб миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда ҳам нарх даражаси доимий қолиши мумкин.

Миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайиб бориши, нарх даражасининг ўсиши билан бирга боради. Бу эса ишлаб чиқаришнинг тўлиқ қувват билан ишлаб бошлаганидан дарак беради. Шунингдек бу корхоналарнинг анча эски ва кам самарали ускуналардан фойдалана бошлаганлигидандир. Ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиб бориши билан қўшимча ишчилар ҳам ишга жалб қилинади. Ўзига хос сабаблар орқали маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатлар ортади. Корхоналар эса ишлаб чиқаришнинг рентабелли бўлиши учун товарларга анча юқори нарх белгилайди. Шу сабабдан ҳам миллий маҳсулот реал ҳажмининг кўпайиши нархларнинг ўсиши билан бирга боради. Аниқланган натижаларга кўра, иқтисодиётнинг тўлиқ ёки табиий даражасига эришганлигини аниқлаш мумкин бўлади. Бундай иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятининг жойлашган нуқтаси билан қисқа муддатда ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтиришга эришиш мумкин бўлмайди. Нархнинг тўхтовсиз ўсиб бориши ҳам ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайишига олиб келмайди. Чунки иқтисодиёт тўлиқ қувват билан ишлаб бошлайди. Миллий ишлаб чиқариш ҳажми доимий бўлиб қолиши, нарх даражаси эса ўзгариши мумкин.

Жами таклиф ҳажмига нархдан ташқари таъсир қилувчи омиллар ҳам бор. Бу омиллар жами таклифнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Бу омилларнинг барчаси ҳам битта умумий хусусиятга эгадир. Бу омиллар ўзгарса, маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ўзгаради.

Масалан, ресурслар нархининг ўзгаришидан келиб чиқадиган ўзгариш. Ресурслар нархи тайёр маҳсулот нархидан фарқ қилади. Нарх ўзгариши — бу жами таклиф ўзгаришида муҳимдир. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, ресурслар нархининг ошиши маҳсулот бирлигига, харажатларнинг кўпайишига, ресурс нархларининг пасайиши эса харажатларнинг камайишига олиб келади. Ресурс нархлари ҳам айрим ташқи таъсир асосида юз беради. Ресурслар таклифининг кўпайиши улар нархини пасайтиради ва натижада маҳсулот бирлигига харажатлар камаяди. Ресурслар таклифининг камаяши эса қарама—қарши натижага олиб келади. Ер ресурслари, янги ерлар очилиши, суғориш, янги техник тақомиллашувлар туфайли кўпайиши мумкин. Ер ресурсларининг кўпайиши ерга бўлган сарфларнинг камайишига олиб келади. Натижада маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни пасайтиради. Ирригация қурилмалари шаҳобчаларининг кенгайиши, интенсив деҳқончиликни қўллаш туфайли ер ресурсларининг камайиши қарама—қарши натижага олиб келади.

Шунингдек корхона харажатларининг асосий қисми ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш учун кетадиган харажатлар ҳисобланади. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, иш ҳақининг ўзгариши маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар даражасига сезиларли таъсир

кўрсатади. Мавжуд ишчи кучи ресурсларининг кўпайиши иш ҳақининг пасайишига, уларнинг камайиши эса иш ҳақининг ошишига олиб келади. Жами таклифнинг ўзгаришида капитал ҳаракатининг ҳам таъсири бор. Жамиятда асосий капитал захирасининг ўстириб боришлиги жами таклиф миқдорининг ўсишига сабаб бўлади. Ҳатто асосий капитал сифати яхшиланганда ҳам ишлаб чиқариш харажатлари камаяди ва жами таклиф кўпаяди. Корхона ўзининг эски, сифати паст бўлган қуриламаларни янги анча такомиллашган қурилмалар билан алмаштириши мумкин бўлади. Мамлакатда асосий капиталнинг миқдори камайса ва сифати ёмонлашса, жами таклиф қисқаради. Жами таклифнинг ўзгаришига тadbиркорлик лаёқатининг турличалиги ҳам таъсир қилади. Вақт ўтиши билан мамлакатда тadbиркор кишилар сони кўпайиб боради. Биргина Ўзбекистонда кейинги тўрт—беш йил давомида тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришда кўплаб амалий ишлар бажарилди. Бунинг оқибатида жами таклиф ҳажми ортиб борди.

Жами таклиф ўзгаришига импорт ресурслар нархининг ўзгариши ҳам таъсир қилади. Импорт ресурсларига нархларнинг пасайиши миллий иқтисодиётда жами таклифни оширади. Нархнинг ошиши эса жами таклифни камайтиради. Ҳозирги даврда импорт ресурслари нархининг ўзгариши бу валюта курсларининг ўзгариб туришидан келиб чиқмоқда. Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан нархи ошган миқдорда яъни сўм қадрсизланганда импорт ресурслари нархлари кўтарилади, ёки аксинча. Натижада бу ресурсларнинг импорти камаяди, маҳсулот бирлигига харажатлар ортади.

Жами таклиф ўзгаришига бозордаги вазият ҳам муҳим таъсир қилади. Ресурсларни етказиб берувчиларнинг бозордаги ҳукмронлигининг сусайиши, ёки кўпайиши ҳам ресурс нархларига ва жами таклифга таъсир кўрсатиши мумкин бўлади. Бозордаги ҳукмронлик—бу нархларни рақобат мавжуд бўлган шароитдагидан анча юқори ўрнатиш имкониятидир. Жами таклиф ўзгаришига унумдорликнинг ҳам таъсири бор. Унумдорлик — бу харажат бирлигига ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳажми ёки ишлаб чиқариш реал ҳажми кўрсаткичидир. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда бир ишчи ҳисобига кўпроқ миқдорда машина ва ускуналардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, анча билимли, ва малакали ишчи кучини қўллаш каби омилларнинг ўзаро таъсири унумдорликнинг ўсиши ва жами таклифнинг ошишига олиб келади. Маҳсулот бирлигига харажатлар камайганда унумдорликнинг ошиши жами таклифнинг ошишига, аксинча унумдорликнинг камайиши натижасида маҳсулот бирлигига харажатларнинг кўпайиши жами таклифнинг қисқаришига олиб келади.

Жами таклиф ўзгаришига ҳуқуқий меъёрларнинг ўзгариши ҳам таъсир қилади. Корхоналар ўз фаолиятида амал қиладиган ҳуқуқий нормаларнинг ўзгариши маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни ва жами таклифни ўзгартириши мумкин. Бунда солиқ ва давлат ёрдами даражаси ўзгариши мумкин, ҳамда давлат томонидан тартибга солиш ҳусусияти ва

узуллари ўзгариши мумкин. Солиқларнинг ошиши маҳсулот бирлигига харажатларни кўпайтириши ва жами таклифни қисқартириши мумкин. Корхонага давлат томонидан бериладиган ёрдамларнинг ортиши ёки солиқнинг камайиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва жами таклифни оширади. Давлат томонидан тартибга солиш хусусияти ва узулларининг ўзгариши ҳам кўп ҳолларда маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларини ва шу орқали жами таклифни ўзгартиради.

Демак, харажатлар ўсиши билан фойда камайиб боради ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришга қизиқиш камаёди. Харажатлар тежаб ишлатилса фойда миқдори ўсади, ёки аксинча. Фойда ўсгач ишлаб чиқариш кенгайди, жами таклиф ўсади. Умуман маҳсулот бирлигига сарфланган харажатларнинг кўпайиши жами таклифнинг ўсишига таъсир қилади. Харажатлар иқтисодий ресурслардан унумли ва самарали фойдаланиш эвазига ҳам ўзгаради. Ишлаб чиқаришга янги технологияни жорий этиш ва ҳодимлар малакасини ошириш унумдорликни оширади.

Мамлакатда жами таклифнинг ўзгариши ўз ўрнида ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг мос келишligидан ҳам боғлиқ. Тўғри, эркин, адолатли, билиб бошқарилган ишлаб чиқариш унумли, самарали натижа беради. Шунинг учун ҳам барча фаолиятда ишчилар салоҳияти асосий ҳал қилувчи имкониятдир. Жами таклифнинг ўзгаришида истеъмолчиларнинг маданий, маънавий яшаш турмуш тарзларининг ҳам таъсири бор. Харидорлар диди ҳам, миллий урф-одатлари ҳам муҳимдир.

#### **14.3. Жами талаб ва жами таклиф мувозанатини таъминлаш муаммоси.**

Бозорда талаб билан таклифнинг ҳажми тенглашиши тақозо этилади. Бу харидор ўз эҳтиёжбоб товарларни, хизматларни эркин, яъни талашмасдан, муаммосиз сотиб олиш ҳолатига эга бўлмоғи лозим. Таклифчи эса яъни сотувчи бозор талаби асосида сотишга олиб чиққан товар ва хизматларини ҳеч қандай муаммосиз сота олиш имконига эга бўлмоғи керак. Уларнинг, яъни бозорнинг муносабатига бирор бир ташқи куч таъсир қилмаслиги лозим. Шундай ҳолатда нарх миқдори барча сотувчилар учун ҳам, барча харидорлар учун ҳам зарур ва маъқул бўлади. Бозор мувозанати талаб ҳажми билан таклиф ҳажмининг тенглигини таъминлайдиган нарх даражаси ва миқдори билан аниқланади. Шунга кўра талаб ва таклиф қонуни тартибида бозор мувозанати яратилган бўлса, унинг қатнашчилари товар нархини ёки миқдорини ўзгартиришга зарурият қолмайди. Амалиётда бозор мувозанати даврлар оралигида ҳар неча йилларда бир маротаба намоён бўлиши эҳтимоли бор. Чунки ҳар дақиқада ўзгариб, яъни ўсиб бораётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаб бориш ҳар доим ҳам бўлавермайди. Натижада таъминотда узлуксиз иш юзага келади, яъни бозор мувозанати бузилади. Лекин айрим товар ва хизматлар бўйича мувозанатлик тез-тез содир бўлиб туради. Бу ҳолат якка талаб ва якка таклифга хосдир.

Бозорда тургун барқарор мувозанатлик бор ва бунинг тескариси нобарқарорлик бор. Буларнинг фарқини англаш зарур. Бунда четга оғиш дастлабки ҳолатга қайтиб келиш билан боғлиқ бўлса мувозанат барқарор бўлади. Агар бу ҳолатнинг аксинча кўриниши бўлса бу нобарқарордир. Барқарор мувозанатликнинг сақланиб қолишиги учун хулоса қилишда турли хил қарашлар бўлиши мумкин. Масалан, талаб таклифдан ортиқ бўлса харидорлар харидни кўпайтиришга интиладилар, нарх эса ўсиб боради. Бундай шароитда бозор барқарорлашади. Лекин нарх ўсган сайин ортиқча талаб қисқаради. Агар талаб таклифдан кам бўлса, сотувчилар товар нархини пасайтиришга мажбур бўладилар. Натижада таклифдаги ошиқчаллик йўқолади. Бундай ҳолатда нобарқарорлик юзага келади. Бозор мувозанатини таъминлаш юзасидан иккинчи яна бир қараш эса, агар харидор маълум товар миқдорига тулашга тайёр бўлган нарх, сотувчига маъқул бўлган нархдан юқори бўлса ишлаб чиқариш кенгайди, ёки аксинча бўлиши мумкин.

Бозор фаолиятида вақт ўтиши билан бозор нархининг мувозанат нархдан четланиши камайиб боради. Бозор нархи мувозанат нархдан узоқлашиб боради. Бозор нархи мувозанат нарх атрофида тебраниб туради ва бозор мувозанатига ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Юқориди баён этилган турли хил фикрлар бозор фаолиятида содир бўлиб туради.

Баъзи товарларга бозор нархини давлат томонидан белгилаб қўйилади. Талаб ва таклиф назариясига кўра юқори нархнинг ўрнатилиши маҳсулот танқислигига олиб келади. Чунки нарх ўсгач талаб камаяди. Товарлар сотилиши пасайгач ишлаб чиқариш ҳажми ҳам қисқаради. Шу туфайли товарлар таъминотида узилиш пайдо бўлади. Бундай шароитда давлат ўз захирасидан товарларни бозорга чиқариш тadbирини қўллайди. Давлат айрим товарлар учун энг паст нарх ўрнатади. Паст нархнинг ўрнатилиши бозорда ортиқча маҳсулотнинг вужудга келишига олиб келади. Давлат солиқ орқали ҳам бозорга таъсир кўрсатади. Давлар маъмурий қарорлар, юридик қонунлар, норматив ҳужжатлар орқали ҳам бозорда нарх шакилланишига таъсир кўрсатади.

Агар талаб эҳтиёж бўлса, таклиф ишлаб чиқариш имкониятини билдиради. Бозор учун энг қулай ва зарурий ҳолат бу мувозанатликни таъминлашдир. Мувозанатнинг сақланиши иқтисодийнинг бир маромда ривожланишини таъминлайди. Мувозанатлик эса, талаб билан таклифнинг тенглашиб бир-бирига мос келишлигини билдиради, бунга нарх воситасида эришилади. Бозор мувозанати қотиб қолган ҳолат эмас. Бозор мувозанати доимо ўзгариб туришликни тақозо этади. Бунинг сабаби, кишилар эҳтиёжи ўзгариб борганлигидан, уни қондириш учун ишлаб чиқариш узлуксиз ўзгаради. Демак, бозор мувозанати мана шу ўзгаришлар асосида ўзгариб боради. Мувозанатнинг ўзгариши қайтадан юзага келиши учун биринчидан, нархнинг ўзгариши туфайли талаб юқорига ёки пастга қараб ўзгариши кўтилади. Нормал иқтисодий шароитда динамик мувозанат таклифнинг миқдоран кўпайиши ва таркибан янгиланиши ҳисобидан бўлади. Шундай экан талаб ва таклиф механизми иқтисодий ривожланишни таъминлайди.

Мувозанат даврида харидор излаган товарлар бозорда бўлади. У уни келишилган нархда сотиб олади. Сотувчилар, яъни ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини вақтида сотиб, харажатларини қоплаб, фойда оладилар.

Бунда ҳам харидорга, ҳам сотувчига қулай шароит юзага келади. Масалан, харидор зарурий товарларни ўз вақтида харид қилиб ўз эҳтиёжларини қондирсалар, ишлаб чиқарувчилар эса бу билан фойда топадилар. Ҳар иккала томон манфаатларини юзага чиқара олганда бозор лаёқатли ҳисобланади, яъни эҳтиёжни қондиришга қодир бозор бўлади. Бундай бўлмаганда у лаёқатсиз бозор деб топилади. У механизми яхши иш бермай қолган бозор бўлади. Иқтисодийёт учун бозорнинг ҳар иккала кўриниши ҳам, яъни лаёқатли ёки лаёқатсизлик бозорлар бўлишлиги маъқул эмас. Чунки лаёқатсизлик кўпинча тартибсиз бозорларда учрайди. Масалан, Ўзбекистондаги деҳқон шундан фаолият кўрсатаёпти. Бунда қарам етмай қолса, картошка талабдан ортиқ бўлади, ёки пиёз етмай қолиш каби ҳолатлар узлуксиз содир бўлиб туради. Бозор эса бундай муаммоларни ечишга қодир эмас. Шунинг учун атроф—муҳитни ҳимоя қилиш, муддатини таъминлаш каби ишларни давлат ўз зиммасига бажаради.

Ишлаб чиқарилган ва сотиб олинган маҳсулотнинг реал ҳажми тенг бўлганда иқтисодийётда мувозанатликка эришилади. Ишчи кучи ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилганда жами талаб кенгайиши юз беради. Бу ҳол нарх даражасининг ўсишига таъсир қилади. Миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми эса ўзгармай қолади. Жами талаб камайса миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми камайди, нарх даражаси ўзгармай қолади. Нарх тушганда миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми тўлиқ бандлик даражасида қолади нарх осонлик билан ўсади, лекин у қийинчилик билан пасаяди. Шунга кўра ҳам жами талабнинг ошиши нарх даражасининг ўсишига сабаб бўлади. Талаб камайиши билан қисқа давр ичида нарх пасаймайди. Умуман нарх пасайиш тамойилига эга эмас. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан иш ҳақи даражаси корхона умумий харажатларининг 75 фоизгача даражасини ташкил қилади. Бу харажат бирданга ёки қандайдир давр ичида пасаймайди. Ишчиларнинг асосий қисми шартнома асосида ишлайдилар. Шартнома ўзгаришига касаба уюшмаси ҳам маъсулдир. Шу туфайли бу шартномаларни тўсатдан, яъни шартнома муддати тугагунча у ўзгаритирилмайди, иш ҳақи ҳам шунгача пасайтирилмайди. Иккинчидан тadbirkorлар иш ҳақи даражасини пасайтиришни хоҳамаслиги ҳам мумкин. Бу ерда эътиборли томони шундаким, бир томондан анча паст иш ҳақи ишчиларнинг меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга анча паст иш ҳақи маҳсулот бирлигига меҳнат сарфларини камайтиради, лекин анча паст меҳнат унумдорлиги меҳнат сарфларини оширади. Агар улар иш ҳақини пасайтирса малакали ишчи кучидан ажралиб қолишлари мумкин. Нархнинг пасайиш тамойилига эга эмаслигининг иккинчи сабаби шундаким, бунда жуда кўпчилик корхоналар етарли даражада монополь мавқега эга бўлади. Ва бу уларга талаб камайганда ҳам нархнинг пасайишига қарши туриш имконини беради.

Ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажмига ва нархларнинг мувозанатли даражасига талаб ўзгариши таъсир қилади. Нарх ўзгарувчанлигининг мувозанатга таъсирини қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Масалан, бозорда бир ой давомида бир килоси 300 сўмдан 100 тонна картошка сотилади. Картошка эгаларининг ҳали сотишга картошкаси куп. Деҳқон ўз даромадини кўпайтириш учун картошка таклифларини кўпайтиради. Шу мақсад билан картошканинг бир килоси учун 280 сўм белгилайди, яъни олдинги 300 сўм нархи ўрнида энди 280 сўмдан сотишини эълон қилади. Картошка нархи пасайтирилгач унинг сотилиш ҳажми анча ортади. Натижада деҳқон кейинги ойда 110 тонна картошка сотади. Демак, картошка нархи пасайтирилгач картошкага таклиф ортади. Деҳқон олган даромад олдинги ойда 1-тоннасини 300 минг сўмга сотган бўлса, у кейинги ойда 110 тоннасини 308 минг сўмга сотган.

Талаб ва таклиф ўзгаришининг қуйидагича тартиб-қоидалари мавжуд. Биринчидан, талабнинг ортиши мувозанатлашган нарх ва мувозанатлашган товар миқдорининг ўсишига олиб келади. Иккинчидан, талабнинг камайиши мувозанатлашган нарх ва мувозанатлашган товар миқдорининг пасайишига олиб келади. Учинчидан, таклифнинг кўпайиши мувозанатлашган нархнинг пасайишини ва мувозанатлашган товар миқдорининг ортишини келтириб чиқаради. Тўртинчидан эса таклифнинг қисқариши мувозанатлашган нархнинг ортишини ва мувозанатлашган товар миқдорининг камайишини келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, бозор мувозанати бозордаги талаб ва таклифнинг ҳам миқдор ҳам таркибий жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келишидир. Жамиятнинг ижтимоий бошқарилувида жами талаб билан жами таклиф мувозанатлигини юзага келтиради. Бош мақсадидан ҳисобланади.

### Асосий таянч тушунчалар

**Жами талаб** — бу уй хўжалиги, корхоналар давлат ҳамда хорижий харидорларнинг товар ва хизматларга талабидир. Жами истеъмолчилар, корхоналар ва давлат ҳар қандай нархда сотиб олиши мумкин бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмидир.

**Жами таклиф** — бу ишлаб чиқарилиши ва муайян нарх даражасида бозордан сотиб олиниши мумкин бўлган барча товар ва хизматларнинг реал ҳажмидир.

**Мувозанатлик** - талаб билан таклифнинг тенглашиб, бир — бирига мос келишлигидир.

**Нархлар даражеси** — турли хил товар ва хизматларнинг аҳолида нархларини умумлаштирувчи жами нархдир.

**Умумдорлик** — бу миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг фойдаланилган ресурслар миқдорига ёки харажат бирлигига тўғри келадиган нисбий миқдор.



## **XV. БОБ. МИЛЛИЙ БОЙЛИК. ИСТЕЪМОЛ, ЖАМҒАРМА, ИНВЕСТИЦИЯ**

Мазкур бобда, миллий бойлик тушунчаси ва қуйидаги иқтисодий илмий фикр ва хулосалар туғрисида мулоҳазалар юритилади. Моддий бойлик, буюмлашган бойлик. Миллий бойлик тузилиши. Мамлакатнинг иқтисодий кучи (потенциали). Ўзбекистонда иқтисодий имкониятлардан фойдаланиши. Иқтисодий ўсиш муаммолари. Иқтисодий ўсиш ижтимоий тараққиёт. Иқтисодий ўсишнинг мезонлари ва курсаткичлари. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари. Иқтисодий ўсишнинг мақсади, самарадорлиги ва ижтимоий йўналиши. Ялпи талаб ва ялпи таклиф омилининг иқтисодий ўсишга таъсири.

Истеъмол, жамғарма ва инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни. Соф миллий маҳсулотнинг тақсимланиши. Истеъмол ва жамғарма фондларининг шаклланиши. Аҳоли даромадларининг табақаланиши. Жамғарма манбаи номинал ва реал жамғариш. Инвестициялар ва уларнинг таркиби. Истеъмол ва жамғариш ўртасидаги нисбат. Истеъмол ва жамғарма даражасини белгиловчи омиллар. Инвестицияларнинг вазибалари, инвестициялар даражасини аниқловчи омиллар. Инвестициялар барқарорлиги, инвестициялар фаоллиги. Инвестициялар шарт-шароити, инвестициялар самарадорлиги. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни таъминлаш ва унинг шарт-шароитлари.

### **15.1. Миллий бойлик ва унинг таркибий тузилиши.**

Мамлакатнинг бош миллий бойлиги - бу унинг халқидир. Барча бойликларни яратувчи, истеъмол қилувчи, ундан фойдаланувчи бош имконият бу халқдир. Бойлик деган тушунча иқтисодий назарияда қанг қўлланилади. Бу тушунчани дастлаб А.Смит фанга киритган. К.Маркс ижтимоий бойлик ғоясини асослаган. А.Смит яратилган маҳсулотларнинг жамғаришини бойлик деб атаган ва уни ишлаб чиқарувчилар меҳнати маҳсули деб билган. У «миллат бойлиги» - деган ғояни қўллаб - қувватлаган. К. Маркс -меҳнат орқали яратилган жамият қулида тупланган маҳсулотлар бойликка айланади, унинг ўзлаштирилишида бой, камбағаллар келиб чиқади - деган тушунчада бўлган. Ҳозирги иқтисодий таълимда ҳам-яратилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ресурсига айланиб, бойлик ҳосил этиши тан олинган.

Миллий бойлик ёки ижтимоий бойлик-булар умумиқтисодий категориядир. Ишлаб чиқариш бор жойда миллий бойлик юзага келади. Ҳар қандай жамият ўзининг ички тузумидан қатъий назар маълум даражадаги бойликка таянади. Миллий бойлик-бу миллат ёки элат бойлиги эмас, бу муайян жамиятнинг бойлигидир. Шунга кўра уни ижтимоий бойлик деб аташ мумкин. Миллий бойлик ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулидир, миллий бойлик бу аждодларимиз, авлодларимиз меҳнати билан

яратилган ва жамиятда жамғарилган моддий ва маданий-маънавий неъматлар, авлоддан-авлодга ўтган табиат инъомлари; тўпланган билимлар, малака ва маҳоратлар йиғиндисига айтилади. Миллий бойлик кенг маънодаги тушунча. У моддий ва номоддий, меҳнат яратган ва табиат инъоми неъматларидан иборатдир. Миллий бойликни ўзлаштириш юзасидан ҳар хил иқтисодий муносабатлар, масалан, мулкий муносабатлар келиб чиқади. Миллий бойликнинг ўзига хос, инсониятга хос, инсонга хос белгилари мавжуд. Унинг бош манбаи ва белгиси-бу унинг меҳнат маҳсули эканлиги. У меҳнат натижасида яратилади ва кўпайиб боради. Меҳнат бойликнинг ички мазмунидир. Бойлик меҳнат маҳсули бўлсада, у қайтадан меҳнат жараёнида ишлатилади. Масалан, миллий бойлик бўлган бино-иншоат, ёки машина механизми ўзи меҳнат натижаси була туриб қайтадан меҳнат фаолиятида, унинг моддий воситаси сифатида иштирок этади.

Миллий бойликнинг яна бир хусусияти-бу унинг жамғарилиб боришидир. Жамғарилиш учун меҳнат маҳсули нафақат жорий истеъмолни, балки келажак истеъмолини ҳам қондира билиши зарур. Миллий бойлик жамият ва табиат таъсири остида бўлади. Бойлик ҳаракатини биринчидан жамиятдаги иқтисодий қонунлар белгиласа иккинчидан эса, табиий қонунлар ўз таъсирини кўрсатади. Моддий маҳсулот бўлган бойликнинг юзага чиқиши ва ортиб бориши иқтисодий муносабатларга боғлиқдир. Ўзбекистоннинг тарихий бойлиги иттифоқ даврида, хусусан динга қарши шиори остида паймол этилган эди.

Ҳозирги мустақиллик ва демакратик жамият қуриш даврида тарихий бойликни эъозлаш, уни авайлаб авлодларга қолдириш ҳаракати мавжуд. Бойлик мулк сифатида ўз эгаси ҳўлида бўлса, у мулкнинг сақланишига эътибор чуқурлашади, агар ўша мулкнинг тайин эгаси бўлмаса у ҳолда бу мулк талон-тарож бўлиб тугайди. Табиий бойликларнинг такрорий яратилиши, албатта табиат қонунлари таъсири остида кечади. Тупроқ ҳосилдорлигининг тикланиши ёки ер қаърида қазилмаларнинг ҳосил бўлиши табиий қонунлардан келиб чиқиши аниқ. Аммо бойликнинг ортиб бориши инсон ҳўжалик фаолиятининг табиий қонунларига мос келишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Миллий бойликнинг яна бир хусусияти унинг такроран ҳосил бўлишидир. Миллий бойлик яратилади, ишлатилади ва қайта янгидан яратилади. Бу узлуксиз давом этади. Жамият эҳтиёжини қондириш учун миллий бойлик сарфланади. У тўлдириб борилади, иқтисод ривожланади, кейинги эҳтиёжларнинг қондирилиши учун имкон яратилади. Бу бойлик такроран жамият ва табиат иштирокида ҳосил этишни тақоза этади.

Миллий бойликнинг яна бир хусусияти унинг муайян мулк сифатида кишилар тасаруфида бўлишидир. Миллий бойлик бу ўз ўрнида миллий мулк ҳисобланади. У жамият аъзоларининг, гуруҳининг, уюшмасининг, давлатнинг мулкидир. Мулк бу бойлик.

Миллий бойлик икки кўринишда юзага келади. Биринчиси меҳнат маҳсули билан яратилган бойлик. Иккинчиси табиат иноми бўлган бойлик. Ўз ўрнида меҳнат ҳам табиат маҳсулидир. Буларнинг, яъни меҳнат ва табиатнинг иштирокисиз бойлик яратилмайди. Яратилган бино, иншоат,

машина бу меҳнат орқали бўлган бойлик, лекин бино-иншоат, машина тайёрлаш, қуриш учун манба- хом-ашёлар эса табиат бойлигидир. Шунингдек ер, сув, ер ости бойликлар, барчаси табиат маҳсулидир. Иқтисод ривожланган сари табиатга меҳнат кўпроқ сингиб боради. Табиатдаги ресурслар жамиятнинг кучи ва бойлигидир. Улар меҳнат воситасида ишлатилгач, реал бойликка айланади. Бу жараён талаб ва имкониятлар орқали юзага келади. Ер миллий бойликнинг муҳим манбаидир. Ер минглаб авлодларнинг тирикчилигини таъминлаган, у давом этмоқда. Биргина Ўзбекистонда 4 млн. гектардан ортиқ ердан иқтисод учун фойдаланилади. Бунда кўплаб инсон меҳнати сарфланган, ишлов берган, канал қазиган, янги ерлар фойдаланиш учун очилган. Ер табиат бойлиги, уни миллий бойликка айлантириш учун кўплаб меҳнат сарфланиши талаб этилади.

Миллий бойлик таркиби унинг мазмуни ва шаклига қараб фарқланади. Миллий бойлик моддий ва номоддий бойликлардан иборат. Моддий бойлик-бу жамиятнинг моддий эҳтиёжини қондирувчи ва аниқ моддий ашёвий шаклдаги бойликдир. У моддий маҳсулотлар ва табиат бойликларидан иборат бўлиб, жамланган асбоб — ускуна, бино — иншоат, машина ва механизмлар, ёқилғи, шунингдек истеъмол буюмларидир. Унинг таркибига ер ва ундаги ресурслар ҳам киради. Бундай бойликлардан асосий ва айланма капитал, яъни асосий ва айланма фондлар орқали фойдаланади. Бойлик ўз кўринишига кўра моддий бўлсада номоддий эҳтиёжларни қондиради. Бундай бойлик номоддий асосий фондлар деб аталади. Бунга ижтимоий — маданий ва сиёсий эҳтиёжларни қондирувчи, бино, иншоат, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва ҳар хил анжомлар киради. Улар соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, жисмоний тарбия, спорт, уй-жой ҳўжалиги, давлатни бошқариш тизимига хизмат қилиш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун моддий база вазифасини бажаради. Номоддий бойликка адабиёт, санъат асарлари киради. Улар моддий кўринишга эга бўлсада номоддий эҳтиёжларни бажаради. Масалан, китоб, ҳайкал, расм ва бошқалар. Уларнинг бойлик сифатидаги қадрлари — қиммати моддийлигида эмас, балки ижод маҳсули бўлишида такрорланмайдиган ўзига хос ноёб маҳсулот эканлигидадир. Инсонда шахсий бойлик, иш тажрибаси ва маҳорати мавжуд. Улар инсон қобилиятини мужассамлаштиради ва шахсдан ташқарида бўлмайди. Интеллектуал бойлик ақл-идрок, билим ва ижодий қобилиятдан ташкил топади. Унинг таркибига техникавий ғоялар, илмий ғоялар, ишланмалар, илмий кашфиётлар киради. Буларнинг барчаси жамланган ҳолда тенги йўқ бойликни юзага келтиради. Инсонда гавдаланган қобилият, бу туганмас бойликдир. Бойликнинг яна бир тури — бу ишлаб чиқаришга, айниқса тааллуқли, тарихий тажрибалардир, бу бойлик авлоддан — авлодларга ўтиб сақланиб, бойиб боради. Масалан, меҳнатсеварлик, тиришқоқлик ва ишбилармонликни олиш мумкин. Ўзбекистондаги меҳнатсеварлик тажрибаси ишлаб чиқаришдаги ҳозирги тушкунликнинг енгил кечишини таъминляпти. Тиришқоқлик тажрибаси тарихда Япония, Хитой, Корея каби мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини тез ва мукамал ошириб юборди.

Миллий бойлик — бу муайян даврда мамлакатда тупланган моддий, маданий-маънавий неъматлар ва табиий бойликларнинг мажмуасидир. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида яратилган маҳсулотларнинг бир қисми истеъмол этилади, қолган қисми эса жамғарилиб, миллий бойликка қўшилади. Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари қиймати 3,5 триллион долларга тенг деб баҳоланган. Табиий бойлик қанчалик кўп бўлса шунчалик мамлакат ҳам бой бўлади. Лекин табиий бойликларни ишлатиш зарур. Миллий бойлик қандай даврда ишлатилишига қараб икки қисмга бўлинади. Биринчиси, бу авлоддан-авлодга ўтувчи бойлик. Булар бир неча авлодга хизмат қилувчи тарихий бинолардир, сув омборлари, йирик иншоотлардир. Биргина мисол, Самарқанд шаҳрида қурилган меъморий ёдгорликлардан тарихий обида сифатида деярли 20 авлод фойдаланиб келади. Катта Фарғона каналидан 1939 йилдан буён фойдаланиб келинмоқда ва бошқаларни айтиш мумкин. Иккинчиси эса бир авлодга ва унинг турли гуруҳларига хизмат қилувчи бойлик. Масалан, узоқ вақт хизмат қилувчи буюмлар, «кичик бинолар, қурилмалар, ускуналар киради.

Миллий бойликнинг айланиб туриши тушунчаси ҳам бор, чунки миллий бойлик доимо ҳаракатда бўлади. Бойлик аввал яратилади, кейин ишлатилади. Миллий бойликнинг айланиб туриши, бу унинг сарфланиши, тикланиши ва ўсишдан иборатдир. Миллий бойлик ҳаракати ҳар бир мулкнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда турли хил даврларни ўз ичига олади. Масалан, уй мебелни кўп йиллар сақлангани ҳолда ёқилғи тезгина ўз хизматини утаб бўлади ва бошқалар. Табиий бойликларнинг бир қисми инсон ишгирида вақти - вақти билан тикланиб туради. Масалан, тупроқ ҳосилдорлиги, ўрмон бойлиги ва бошқалар. Миллий бойлик такрор яратилганда у дастлабки ҳажмидан ортиқча бўлиб юзага келади. Масалан, руда тугагач у темир-терсак шаклига киради ва у қайтадан ишлатилади. Жамиятнинг ишлаб чиқариш қобилияти-бу унинг иқтисодий салоҳияти деб аталади. Бу салоҳият миллий бойликнинг миқдори ва унинг сифати ҳамда таркибига боғлиқ бўлади. Бойлик қанчалик катта бўлса ва унинг таркибида ишлаб чиқариш омилларини ташкил этувчи бойлик қанчалик кўп бўлса, шунчалик иқтисодий салоҳият кучли бўлади. Салоҳиятда эришилгани ва бўлгуси салоҳият ўзаро фарқ қилади. Масалан, эришилган салоҳият-бу амалда иш бераётган салоҳиятдир. У маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилишини таъминловчи салоҳиятдир. Бунинг ўлчами жон бошига ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг пулдаги ифодаланган миқдори билан ўлчанади ва у мамлакатлар бўйича фарқланади. Иккинчиси, бу бўлгуси салоҳият. Бу келажакда иш бериши мумкин бўлган салоҳиятдир. Масалан, ишлатилаётган станоклар, иш кучи ва ҳар хил конлар, амалдаги реал салоҳият бўлиб, бу яратилган маҳсулот ва хизматларда ифода этилади. Мавжуд салоҳиятнинг ишлатилиши ва бўлгуси салоҳиятнинг нақадар тез ишга киришига қараб такрор ишлаб чиқариш юз беради. Масалан, Норвегия бундан 50 йил муқаддам Европадаги иқтисодиёти кучсиз мамлакат бўлган. Энг шимолдаги нефт ва газ конларининг жадал ишлатилиши туфайли

Норвегия жон бошига яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми жиҳатидан Европада учинчи ўринга, дунёда бешинчи ўринга чиқиб олди.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ва миқдори миллий бойликдан фойдаланиш хусусиятига боғлиқ бўлади. Миллий бойликнинг бошқа қисми табиий бойликлар ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қилади. Табиий бойликнинг вужудга келиши инсоннинг жамият ривожига боғлиқ эмас. У табиат қонунлари асосида рўй беради. Фойдали қазилма бойликлар, ўрмонлар, сув ва ер ресурслари худди шундай вужудга келиб, ишлаб чиқаришдан ташқарида туради.

Давлат эҳтиёжларига олтин заҳиралари киради. Булардан ташқари бунга суғурта ва мудофаа эҳтиёжлари учун зарур заҳиралар ҳам киради. Масалан, аҳолининг уй, хусусий ва ёрдамчи хўжалигида жамғарилган мол-мулки, бунга уй-жой, автомобил, маданий-маиший буюмлар, кийим-кечаклар ва кабиларнинг қиймати киради.

Моддий буюмлашган бойлик ўсишининг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, меҳнат унумдорлигининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишида ишлаб чиқарувчи кучларнинг бутун таркибий қисмида ўта меҳнатга мувофиқ имкониятлар бўлмоғи зарур. Масалан, ишчи кучининг серқобилияти, восита ва хом-ашёларининг самарали ҳолатлари ва бошқалар. Иккинчидан, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши. Учунчидан, миллий даромадда жамғариш меъёрининг ортиши.

Миллий бойлик таркибининг яна бир жиҳати унинг қайси авлод яратганлигига қараб табақаланишидир. Бойликлар, биринчидан, авлоддан-авлодга ўтув ва иккинчидан бир авлод ҳаёти даврида тугалланадиган бойликдир. Миллий бойликни купайтириш, сақлаш мазкур мамлакат учун зарурий жараён.

## 15.2. Иқтисодий ўсиш турлари ва омиллари.

Жамиятда фан-техниканинг ўсиб бориши ишлаб чиқаришда чуқур ўзгаришларни барпо этади. Бу кишилар ва умуман жамият тараққиёти учун асос яратади. Эски усуллар билан маҳсулотлар миқдорини фақат анъанавий манбалар ҳисобидан оширишга таяниб юксак пировард натижаларга, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини жиддий оширишга эришиб бўлмайди. Ўсишнинг янги сифатига ўтишни тўхтатиб қўйиш тарихий тажриба кўрсатганидек нафақат иқтисодиётда, умуман бутун жамиятда ҳам жуда катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Иқтисодий ўсишнинг янги сифати - бу ўсиш йўналишининг ўзгаришлари билан боғлиқ. Ўсишнинг янги сифати тўғрисида фикр юритганда, аввало иқтисодий тараққиёт ижтимоий йўналишининг кучайишини эътиборга олиш лозим. Фан-техника тараққиёти ва жамият тараққиёти шароитида инсон омили тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланиши ва унинг роли кескин ошиши сабабли ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожидан инсон эҳтиёжларини

тўлароқ қондиришни ҳисобга олган ҳолда иш кўрилади. Шунингдек, бундай шароитда меҳнатдаги хавфсизликни таъминлаш, яшаш муҳитини яхшилашни эътиборга олган ҳолда иш кўриш лозим. Шунга кўра ҳам, жамиятда ижтимоий соҳани ривожлантиришга бўлган сарфлар миқдори ошириб борилиши лозим. Фаровонликнинг ўсиши кишилар турмуш даражасининг ўсишига қаратилади.

Иқтисодий ўсишнинг янги сифатининг бошқа бир характерли белгиси унинг манбалари ва омилларининг тубдан ўзгаришидир. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши халқ хўжалигининг устун даражада интенсив ривожлантириш йўлига ўтиш билан бевосита боғлиқдир. Интенсив омилларнинг салмоғи фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида айниқса кўпаяди. Бу босқичда фан-техника тараққиёти иқтисодий тараққиётнинг асосий манбасига айланади.

Ҳозирги босқичда юксак пировард натижаларга эришиш иқтисодий ўсишнинг асосий йўналишига айланмоқда. Ҳозир биринчи ўринга маҳсулотнинг ҳажми эмас, балки унинг сифати, ишлаб чиқариш ҳажми ва тузилишининг ўзгариб турувчи ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқлиги кўйилмоқда. Техника билан қуролланиш даражасининг жиддий ошиши асосида меҳнат унумдорлиги оширилмоқда. Ресурсларни тежашнинг роли кескин оширилмоқда. Фан-техника тараққиёти фонд самарадорлиги ўсишини ўзгартирмоқда.

Миллий эҳтиёжлар узлуксиз қондирилиши учун иқтисодиёт доимо ўсиб бориши талаб қилинади. Иқтисодий ўсиш — бу иқтисодиётнинг ривожланиши, янги ҳаётий нўматлар бўлган товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилишининг кўпайиб боришидир. Иқтисодий ўсиш мутлоқ ва нисбий бўлади. Мутлоқ иқтисодий ўсиш товар ва хизматлар қандай миқдорда кўпайишини билдиради. Буни аниқлаш учун реал ялпи ички маҳсулотнинг ҳозирги ҳажмидан олдинги ҳажми чегириб ташланади. Масалан, шу йили реал ялпи ички маҳсулот ҳажми 185 млрд. доллар бўлса, 5 йилдан сўнг бу 225 млрд. долларни ташкил этади. Бунда мутлоқ иқтисодий ўсиш ҳажми 40 млрд. долларга ( $225 - 185 = 40$ ) тенг. Мутлоқ ўсиш иқтисодий салоҳиятнинг катта ёки кичиклигини билдиради. Агар мамлакат иқтисодий қудрати катта бўлса, мутлоқ ўсиш ҳажми катта бўлади. Агар унинг иқтисодиёти заиф бўлса, мутлоқ ўсиш ҳажми кичик бўлади. Иккинчиси, нисбий иқтисодий ўсиш унинг жадаллик суръатини билдиради ва фоизда ифода этилади. Уни аниқлаш учун ҳозирги реал ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши дастлабки маҳсулот ҳажми билан таққосланади. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига қараб нисбий ўсишнинг мутлоқ салмоғи турлича бўлади. Масалан, бир ерда бир фоиз иқтисодий ўсиш ялпи ички маҳсулотнинг 5 млрд. долларга кўпайишини билдирса, бошқа ерда буни 60 млрд. долларга ошганлигини билдиради. Бироқ иқтисодий ўсиш қанчалик жадал кечса шунчалик мамлакатнинг салоҳияти ҳам ошиб боради. Буни Хитой мисолида қарасак, кейинги 20 йилдаги бу ердаги ялпи ички маҳсулот йилига 10 фоизгача кўпайган. Агар, 1993 йилгача Хитойнинг иқтисодий қуввати 630,2 млрд. долларлик бўлган бўлса, 2000 йилга келиб

бу кўрсаткич 4000 млрд. долларни ташкил этган. Иқтисодий ўсиш даражаси турли мамлакатларда турлича. Фоиз кўрсаткичида иқтисодий ўсиш Японияда 3, Бразилияда 2,39, Канадада 2,15, Германияда 2,07, АҚШда 1,76, Хитойда 1,71, Мексикада 1,64, Буюк Британияда 1,36, Аргентинада 1,09, Индонезияда 1,01, Покистонда 0,88, Ҳиндистонда 0,65, Бангладешда 0,08 ва бошқалар. Жон бошига ҳисобланган реал ялпи ички маҳсулот бу иқтисодиёт эҳтиёжини қондиришга нақадар қодир эканлигини билдиради. Буни аниқлаш учун ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли сонига бўлинади. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши аҳоли сонининг ўсишига нисбатан юқори бўлса, унда мамлакат иқтисодиётида фаровонлик яхши бўлади.

Иқтисодий ўсиш унга турли омиллар таъсирига қараб ҳар хил кечади. Иқтисодий ўсишнинг уч тури мавжуд, булар ресурсталаб, ресурстежам ва аралаш усуллар. Биринчиси, ресурсталаб ўсиш усули (экстенсив). Бунда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришга қўшимча ресурсларни жалб этиш ҳисобидан кўпаяди. Бу усул кўп сарфлаб, кўп ишлаб чиқаришини билдиради. Бунда иқтисодий ўсиш миқдори омиллари ҳаракатга келади, яъни янги ерлар, конлар очилади, янги завод, фабрика, цех қурилади, ишчи ва хизматчилар сони ортади, бироқ меҳнат унумдорлиги ошмайди. Бу усул ресурс сарфини кўпайтиришни талаб қилинганидан иқтисодий ўсиш охирикўлатда ресурсларнинг камёблигига бориб тақалади. Шу сабабли бу усул табиатдан истиқболи ҳисобланмайди. Бу усул табиат ва унинг бойлигини авайлаб ишлатиш, унинг ресурсларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, экологик муҳитни ҳимоя қилиш талабларига жавоб бермайди. Бу усул устувор бўлганда ишлаб чиқариш узоққа бормади, чунки ресурслар тугалланишига қараб у қисқаради. Ресурсталаб усул эҳтиёжларни тўлароқ қондиришга қодир бўлмайди.

Иқтисодий ўсишнинг иккинчи тури —бу ресустежам усулидир. Ресурстежам усул иқтисодий ўсишни ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш, товар ва хизматлар бирлигига кетадиган сарф-харажатларни камайтириш орқали таъминланишини билдиради. Бу усул биринчидан, товар ва хизматларнинг кўпайишини, иккинчидан, улар сифатини яхшиланиб боришини тақозо этади. Бироқ бундай натижага ресурсларни самарали ишлатиш орқали эришилади, яъни ресурс бирлигини ишлатишдан кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот олинади. Масалан, қишлоқ ҳўжалигида бир гектар ердан олдин 25 центнер ҳосил олинган бўлса, кейинчалик 30 центнерга чиққан. Саноатда 1 тонна металдан 2 та станок ишлаб чиқарилган бўлса, металл тежам технология қўллангандан сўнг 3 та станок яратилади.

Иқтисодий ўсишнинг икки усулидан фақат биттаси амал қилади деб ўйлаш ногўғри бўлади. Бир вақтнинг ўзида ҳар иккала усул ҳам биргаликда амал қилади. Лекин улардан бири устувор бўлади. Мана шунда иқтисодий ўсишнинг учинчи, яъни аралаш усули келиб чиқади. Аралаш усул бўлганда иқтисодий ўсиш ҳам ресурсларнинг кўпайишини, ҳам уларнинг тежалишини, юқорида айтганимиздек ресурслар сарфига нисбатан товар ва хизматлар кўпроқ яратилишини билдиради. Ҳозирги иқтисодиётда айрим усул соф ҳолда учрамайди, шу сабабли икки усул қоришмаси бўлган

аралаш усул амалда бўлади. Шу сабабли қайси усулнинг устиворлигини билиш аҳамиятлидир. Шунга қараб иқтисодий ўсишнинг самарали йўлини белгилаш осон бўлади. У ёки бу усулнинг иқтисодий ўсишга таъсирини билиш учун ишловчилар сонининг ортиши ёки меҳнат унумдорлиги ортиши ҳисобидан ялпи ички маҳсулот ўсимининг қандай қисми олинганлигини билиш керак.

Ресурстежам иқтисодий ўсишнинг асосий шарти. Бу миллий иқтисодиётдаги меҳнат унумдорлигини оширишдир. Миллий иқтисодиётдаги меҳнат унумдорлиги бутун жамиятдаги меҳнатнинг унумдорлиги бўлиб, моддий ва номоддий ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг ҳар бири ўртача қандай суммада ялпи ички маҳсулот яратганлигини билдиради.

Иқтисодий ўсишнинг омиллари мавжуд. Улардан биринчиси - бу ишлаб чиқаришдаги жисмоний капитал саналган машина -ускуналарнинг техникавий даражаси, уларнинг юқори унум бера олиши. Агар машина-ускуналар қанчалик мукамал бўлса, шунчалик товар ва хизматлар кўп яратилади. Иккинчидан, инсон капиталининг сифат даражаси. Инсон капитали жисмоний капиталдан фарқлироқ моддий шаклга эга эмас, уни кўз билан кўриб ёки қўл билан ушлаб бўлмайди, у инсоннинг жисмида мужассамлашган бўлади. Инсон тирик экан унда бу фазилат сақланиб қолади. Бу капитал амалда кишиларнинг меҳнат савиясида ифода этилади.

Иқтисодий ўсишнинг учинчи омили - бу ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари. Бу усул бозор шароитида ҳар қандай усуллар билан товар ва хизматларни яратиб, уларни ўз вақтида бозорга етказишни талаб қилади. Иқтисодий ўсиш омилининг тўртинчиси - бу инвестициялар миқдори ва таркиби билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш инвестицияси - бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун юборилган моддий ва пул маблағларидир. Иқтисодий ўсиш инвестиция миқдорига тўғри мутаносибликда бўлади. Бироқ бу инвестиция янги технологияларга ва керакли соҳаларга юборилганда юз беради. Инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Инвестиция ўз йўналиши бўйича икки турга бўлинади. Биринчидан, моддий капиталга инвестиция. Бу ишлаб чиқаришнинг моддий омилларини кўпайтириш ва такомиллаштиришга юборилади. Иккинчидан, инсон капиталига инвестиция. Бу кишиларнинг билим даражаси ва меҳнат малакасини оширишга, соғлигини таъминлашга юборилади. Инвестиция чексиз опиб бориши мумкин эмас, чунки бунинг ўз чегараси бор ва бу мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига қараб ҳар-хил бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг юзага келишида таълим даражаси иқтисодий эркинлик даражаси иқтисодиётнинг очиқлиги, халқаро бозордаги ҳолат, мамлакатдаги демократик вазият омиллар таъсири катта. Айниқса, ҳозирги шароитда халқаро бозордаги ҳолат иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидандир.



### 15.3. Истеъмол ва жамғарманинг аҳамияти, манбалари.

Жамиятда яратилган миллий даромад-бу шу жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги мақсадида сарф қилинади. Унинг бир қисми, яъни истеъмол қисми шу кунлик тирикчилик ташвишлари эҳтиёжларини қондиришга, яна бир қисми келгуси эҳтиёжларни қондириш мақсадида ишлатилади. Миллий даромаднинг қанча даражасини бугунги истеъмол учун, қанча даражасини кейинги истеъмол учун ажратиш — бу ҳар бир давлатнинг ички иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб ҳал этилади. Йиллик миллий даромад ҳажми, агар мазкур йил истеъмоли учун зарур бўлган ҳажмдан кам ёки тенг бўлганда ҳам жамғарма учун маблағ ажратилади. Балким истеъмол тўлиқ қопланмас, лекин эртанги кун ривожини ва таъминоти учун бугун яратилган даромад аз қотади. Шунга кўра истеъмол — бу товар ва хизматлардан фойдаланиш жараёни. Истеъмол қиймат-бу товар ва маҳсулотнинг нафлиги, фойдалиги. Истеъмол фонди-бу миллий даромаддан ажратилган маблағ. Жамғарма эса келгуси эҳтиёжлар учун миллий даромаддан ажратма.

Жамиятнинг меҳнат балан яратилган ялпи ички маҳсулот, биринчидан, аҳоли истеъмолини қондиришга, иккинчидан келажакда иқтисодиётни ривожлантириш учун сарфланади. Ялпи ички маҳсулот, яъни миллий даромад истеъмол фондига ва ялпи жамғарма фондига тақсимланади. Бу жараён ҳар йили такрорланади. Заруриятга қараб йил давомида у қайта қисман ўзгариши мумкин. Чунки айрим тармоқларга ажратилган маблағ сабабларга кўра тўлиқ фойдаланиш имконияти бўлмаса маблағни ҳаракатсиз сақлаб туришнинг иқтисодий моҳияти йўқлиги эътиборга олиниб бўш турган маблағлар, бошқа қайси тармоқда ишлатиш зарурияти бўлса, ўша тармоққа ўтказиб берилади.

Истеъмол фонди-бу ҳар йилги истеъмолни қондиришга кетадиган қисм бўлиб, бу биринчидан хусусий, иккинчидан давлат истеъмоли учун хизмат қилади. Ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми хусусий истеъмолга юборилади. Юборилган маблағ хонадонлар ва фирмалар истеъмолидан иборат бўлади. Ҳозир дунёда хусусий истеъмол ялпи ички маҳсулотнинг 2/3 қисмини ташкил этади. Хонадон истеъмоли унинг жорий эҳтиёжини қондиришга қаратилади. Бу ишловчиларнинг иш қобилиятини тиклаш, уни ривожлантириш, болаларни боқиб тарбиялаш учун сарфланади. Унинг ҳисобидан хонадонда инсон капиталини инвестициялаш ҳам юз беради. Фирмаларда истеъмол бу ресурслар истеъмоли бўлади. Бу истеъмол ялпи ички маҳсулотнинг машина —ускуналар, хом-ашё, ёқилғи ва турли материаллардан иборат қисми ишлаб чиқаришда ишлатилади. Давлат истеъмоли —бу давлат идора ва ташкилотлари истеъмоли бўлиб, ижтимоий неъматларни, яъни биргаликда истеъмол этиладиган хизматларни яратишга қаратилади. Давлатнинг турли идора, ташкилот ва маҳкамаларида ялпи ички маҳсулотнинг ҳам ресурслардан, ҳам истеъмол буюмларидан, ҳам қурол-аслаҳадан иборат қисми ишлатилади. Турли истеъмолнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ўзгариб туради. Бу ҳар-бир мамлакатнинг

тараққиёт даражасига, давлатнинг ижтимоий сиёсатига боғлиқ бўлади. Қаерда давлат ўз зиммасига катта ижтимоий мажбуриятларни олса, шу ерда давлат истеъмоли кўп бўлади. Масалан, Ўзбекистонда шундай.

Ўзбекистонда давлат аҳолини ижтимоий неъматлар билан қанда қилмай таъминлаб туришни хусусан билим беришни, соғлиқни сақлашни, ободончиликни, экологияни ҳимоя қилишни, ҳуқуқ - тартиботни сақлашни ва бошқа хизматларни ўз зиммасига олган. Шунга кўра, Ўзбекистонда давлат истеъмолининг ялпи ички маҳсулотигаги ҳиссаси биргина 2002 йили 20,7 фоизни ташкил этди. Бироқ аҳоли даромади ошиб, у бир қатор ижтимоий хизматларни ўзи сотиб ола билгани сари мазкур ҳисса камайишга мойил бўлади.

Демак, истеъمول кенг маънода жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш жараёнида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланишни, уни истеъمول қилишни билдиради. Бунда унумли ва шахсий истеъمول фарқланади. Унумли истеъمول бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва инсон ишчи кучининг истеъمول қилинишини, яъни улардан фойдаланиш жараёнини англатади. Шахсий истеъمول ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй беради. Бунда истеъمول буюмлардан бевосита фойдаланилади ёки улар тўлиқ истеъمول қилинади. Индивидуал ёки жамоа бўлиб истеъمول қилиш ҳам фарқланади. Алоҳида оила ёки жамият аъзоларининг ихтиёрида бўлган моддий неъматлари истеъمول қилиш индивидуал истеъمولга, жамият аъзоларининг гуруҳлари моддий неъмат ва хизматлардан фойдаланиши жамоа бўлиб истеъمول қилишга киради. Истеъمول фонди маблағларидан бутун иқтисодиёт доирасида банд бўлган ходимларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини шу жумладан, бошқариш ва мудофаа эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади. У бутун аҳолининг шахсий истеъмолини, аҳолига ижтимоий хизмат қиладиган муассасалардаги, шунингдек, илмий муассасалар ва бошқаришдаги моддий сарфларни ўз ичига олади. Истеъمول фондининг шахсий даромад шаклида ходимлар кўлига келиб тушадиган қисми истеъمولчилик сарфлари мақсадида ишлатилади.

Истеъمول фондлари яқин вақтгача назарияда ва амалиётда кўпроқ хайрия фондлари деб ҳисоблаб келинди. Бу ҳол уларнинг рағбатлантирувчи ўрнининг пасайишига, боқимандалик кайфиятлари пайдо бўлишига олиб келди. Ҳалол ишламайдиган ходим ҳалол ишлайдиган ходимлар билан баб-баровар, ана шу фондлардан фойдаланишга умид қилмаслиги керак. Буларни масалан, пенсиялар, уй - жойларни тақсимлаш, дам олиш уйларига йўлланмалар бериш, меҳнат таътилларини узайтириш каби жараёнларда тушуниш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида эркин иқтисодий сиёсат олиб борилади. Шунга кўра давлатнинг истеъمول жамғарма фондлардан фойдаланиш тартиб қоидалари ўзига хос йўналишда ташкил этилган.

Ялпи ички маҳсулотнинг ишлатилишида тақсимотдаги унинг иккинчи қисми - бу ялпи жамғарма фонди. Ялпи жамғарма фонди - бу иқтисодиётни ўстиришга юборилади. Демак, ялпи жамғармани ялпи ички маҳсулотнинг

бир қисми ҳосил этади. Бу қисмининг ҳиссаси мамлакатнинг иқтисодий қудратига боғлиқ. Ялпи ички маҳсулот қанчалик кўп яратилса, шунчалик у истеъмолдан кўпроқ ортиб қолиб жамғарма ҳосил қилади. Жамғарманинг бир қисми аҳоли ва фирмаларники бўлса, иккинчи қисми эса давлатники бўлади. Аҳоли жамғармаси банклар ва молия бозори орқали инвестицияга юборилади, бундан ортиқ қисми унинг қўлида сақланади. Фирмалар жамғармаси инвестициялаш орқали уларнинг асосий ва айланма капиталини кўпайтиришга сарфланади. Давлат жамғармаси унинг истеъмолидан ортиб қолган маблағи бўлиб, ҳукуматнинг турли резервларини ҳосил этади. Жамғарма таркибида қарз фонди бўлади, бу хонадон, фирма ва давлат ихтиёрида туради. Бу фонднинг пули бир ерда харажат бўлса, бошқа ерда даромад ҳосил этади. Давлат олган қарзини тўлаганда у харажат қилади. Бироқ бу қайтариб берилган чоғда қарз берган хонадон ва фирмалар учун даромад бўлади. Фирмалар ва банклар аҳолига қарз берганда харажат қилсалар бу хонадонлар учун даромад бўлади.

Жамғарма ҳажми давлат, аҳоли ва хўжаликлар даромадидан истеъмол учун кетган сарфларини айириб ташлаш йўли билан аниқланади. Даромад фондида истеъмол сарфлари улуши қанчалик юқори бўлса, жамғарма ҳажми шунчалик кам бўлади. Жамғарманинг ўсиши эса иқтисодий маънода маблағларнинг истеъмол буюмлари харид қилишдан инвестицион товарларга йўналтирилишини билдиради. Шу сабабдан даромадда истеъмол сарфлари ва жамғарма нисбатининг ўзгариши бир қатор, баъзан қарама-қарши оқибатларга олиб келиши мумкин. Биринчидан, даромадларнинг қандайдир қисмини жамғармага қўйиш оқибатида у товарларда бўлган талабда ўз аксини топмайди. Маҳсулотнинг ҳар қандай ҳажмини ишлаб чиқаришдан олинган даромад тўлиқ сарфлангандагина жами талабни таъминлаш учун етарли бўлади.

Жамғарма истеъмолдан маблағларнинг олиб қўйилишини билдириб истеъмолчилик сарфлар барча ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олиш учун етарли бўлмай қолишини билдиради. Агар аҳоли ўз даромадининг қандайдир қисмини жамғарса, ўзининг хусусий талабини вужудга келтирмайди. Бунинг натижасида сотилмай қолган товарларнинг кўпайиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизлик ва даромадларнинг пасайиши рўй бериши мумкин.

Истеъмол ва жамғарма даражасини аниқлаб берувчи асосий омил бу миллий даромад ҳисобланади. Шу сабабли солиқлар тўланганидан кейин аҳоли қўлида қоладиган даромад истеъмолчилик сарфлари ва шахсий жамғарма йиғиндисига тенг бўлади. Истеъмол ва шахсий жамғарманинг даражаси бевосита солиқлар тўлангандан кейинги қолган даромадлар билан аниқланади. Демак, бу даромад истеъмолнинг ҳам, жамғарманинг ҳам умумий омили ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги жамғариш бир - биридан фарқланади. Жамғарилган маблағларнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасининг асосий капиталларини ва айланма маблағларини кенгайтиришга кетадиган қисми ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғариш

фондини ҳосил қилади. Ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғариш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилidir. Ижтимоий-маданий соҳадаги жамғариш, булар уй-жой фондини, шифохоналар, ўқув муассасалари, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт муассасалари, яъни номоддий ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтиришга, янгилашга сарфланади.

Ялпи ички маҳсулот қийматини солиқлар орқали давлат даромадига айланган қисми қарз фондини ҳосил этади. Қарз фонди, ички ва ташқи қарз фондидан иборат бўлади. Ички қарз фонди — бу турли даромадларга давлат кредити шаклида берилади. Ташқи қарз фонди эса — бу бошқа мамлакатларда қарз бериш ва ташқаридан олган қарзнинг ўзини узиш ва унинг фоизларини тўплаш учун сарфланади. Ташқи қарз қанчалик кўп бўлса, бу қисмнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси шунчалик катта бўлади ва аксинча.

#### 15.4. Инвестициялар ва унинг иқтисодий мазмуни, турлари.

Инвестиция сузи лотинча сўз бўлиб унинг мазмуни узоқ муддатга капитал қўйилмадир. Иқтисодий ўсиш юз бериши учун дастлаб сарфланган ресурсларнинг урни қопланиши керак. Шундай бўлганида ялпи миллий маҳсулот олдинги миқдорда яратилиши мумкин. Бундан ортиқроқ яратилиши учун қўшимча маблағ керак. Бу маблағ инвестициядир.

Инвестициялар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун даромад топиш мақсадларида ишлаб чиқаришга қўйилган маблағлардир. Инвестициялар капитал маблағлар деб ҳам юритилади. Инвестициялар даставвал пул шаклида бўлади. Пулга ресурслар сотиб олиниб, улар ишлаб чиқаришнинг моддий омилга айланади, иқтисодий ўсиш юз беради. Инвестиция номинал ва реал инвестицияга бўлинади. Номинал инвестиция пул шаклидаги инвестициялардир. Номинал инвестициянинг ўзгаришлари олдинги ва сўнгги қўйилган пул ўртасидаги миқдорий фарқ билан аниқланади. Агар биринчи йил инвестиция 80 млрд. сўм бўлиб, иккинчи йил бу 100 млрд. сўм бўлса, номинал инвестиция 20 млрд. сўмга ёки 20 фоизга ўсган бўлади. Аммо инфляция инвестициянинг ҳақиқий даражасини туғри кўрсатмайди. Шунга кўра инвестицияни инфляциядан ҳоли этиб ҳисоблаш керак. Реал инвестиция моддий шаклдаги инвестициядир. Номинал инвестиция моддий ресурсларга айланган реал инвестиция вужудга келади. Реал инвестиция ресурслар ўсимидан иборат бўлади. Реал инвестиция қўшимча олинган станок, трактор, самолёт, автомашина, компьютер, бино шаклида бўлганидан унинг ягона моддий ўлчови бўлмайди. Хилма-хил шаклдаги инвестиция ҳажми пул ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади. Бунинг учун номинал инвестиция индекси нарх индексига бўлинади. Шу тариқа реал инвестиция намён бўлади. Агар номинал инвестиция ( $P_t$ ) уч йилда 10 млрд.дан 15 млрд. сўмга етса ва шу вақтда нарх 1,2 марта ўсган бўлса, реал инвестиция қуйидагича бўлади. Бунда  $V_t$  — бу нарх индекси,  $P_t$  — бу реал инвестиция.

$$P_v = \frac{P_1}{V_1} \frac{1:10}{1,2} \frac{1,5}{1,2} = 1,25$$

Демак, номинал инвестиция 1,5 марта ошгани ҳолда нарх 1,2 марта қимматлашгани учун реал инвестиция 1,25 марта кўпайган реал инвестициянинг натижаси эришилган иқтисодий ўсишдир. Масалан, инвестиция ўсими 12 млрд. сўм бўлиб, у 6 млрд. сўмга тенг қўшимча маҳсулот берса, инвестиция самараси 0,5 бўлади. Демак, 1 сўмлик инвестиция 0,5 сўмлик қўшимча маҳсулот берган. Шу мисолда инвестиция 60 тийинга борса, у самарали бўлади. Агар инвестиция 40 тийин бўлса, у самарасиз бўлади. Инвестициянинг самарадорлиги асосан инвестицияни қайси соҳага жойлаштиришга ва инвестицияларни қайси йўналишда ишлатишга боғлиқ. Агар инвестиция бозори чаққон товарларни ишлаб чиқаришга, истиқболли соҳаларга қўйилса, янги, юксак унумли технологияни жорий этишга сарфланса, меҳнат унумдорлиги тез ўсиб, самарадорлик юқори бўлади.

Инвестициялар сарфларнинг иккинчи таркибий қисми ҳисобланади. Инвестициялар даражаси жамият миллий даромади ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади, миллий иқтисодиётдаги кўплаб мутаносибликлар унинг ўсиш суръатига боғлиқ бўлади. Инвестициялар мамлакат миқёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш объектиларни қуриш, станок, ускуна ва шу каби узоқ муддатли фойдаланиладиган асосий капиталларни сотиб олиш, ишга тушуриш билан боғлиқ сарфларни билдиради. Инвестициялар — асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қозғалар кўринишида амалга оширилади.

Инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар-бу инвестицион фаолият деб юритилади. Инвестицияларни амалга оширувчи шахс инвестор дейилади. Инвестиция фаолиятини қуйидаги манбалар асосида амалга ошириш мумкин бўлади. Биринчидан, инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари ҳисобида. Бунга уларнинг олган фойдалари амортизациядан ажратмалари, тўпланган пул жамғармалари ва бошқа имкониятларидан фойдаланилади. Иккинчидан, қарз олган молиявий маблағлар ҳисобида. Бу маблағлар, облигация заёмлари, банк кредитлари бўлиши мумкин. Учинчидан, жалб қилинган молиявий маблағлар, масалан, акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай ва бошқа тўловлари бўлиши мумкин. Тўртинчидан, бюджетдан инвестицияларни молиялаштириш ҳисобидан бўлиши мумкин. Бешинчидан эса, чет эл маблағларидан фойдаланиш мумкин бўлади. Инвестициялар манбаларидан бири, бу аҳоли кенг қатламлари, булар ишчилар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва бошқалар жамғармаси ҳисобида ҳам ташкиллаштирилади. Бу жараёнда ўзига хос муаммо бўлиши мумкин. Гап шундаки, жамғарма ҳўжалик юритувчи бир гуруҳ томонидан амалга оширилади. Инвестициялар эса шахслар ёки ҳўжалик юритувчи

субъектларнинг бутунлай бошқа гуруҳи томонидан амалга оширилиши мумкин. Ўз- ўзидан аниққи, инвестициялар манбаи бўлиб иқтисодий фаолият қилувчи саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналар фойдаси ҳам ҳисобланади. Бу ҳолатда жамғарувчи ва инвестор бир-бирига тўғри келади. Ўзбекистонда капитал қўйилмаларда нодавлат секторнинг улуши нисбатан ортиб бормоқда.

Инвестицияларга сарфлаш даражасини иккита асосий омил билан аниқлаш мумкин. Булардан биринчиси, бу тадбиркорлар инвестицияларга сарфлардан олиш кўзда тутилган, қутилаётган соф фойда нормаси, иккинчиси бу фонд ставкаси. Биринчисидан, инвестицияларга қилинадиган сарфларнинг ҳаракатлантирувчи омили бу фойда бўлади. Тадбиркорлар ишлаб чиқариш воситаларини қачонки улар фойда келтирадиган бўлса, сотиб олади.

Инвестициялар даражасини белгилайдиган иккинчи омил, фойзнинг реал ставкаси ҳисобланади. Фойз ставкаси бу реал асосий капитални сотиб олиш учун зарур бўлган, банд қилинган пул капиталга корхона тўлаш зарур бўлган пул миқдори ҳисобланади. Масалан, агар қутилаётган соф фойда нормаси 10 фоиз бўлса, фойз ставкаси эса 7фоиз бўлса, инвестицияни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Аксинча, фойз ставкаси 12 фоиз бўлсада қутилаётган соф фойда нормаси 10 фоиз бўлгани ҳолда инвестициялаш самарасиз ҳисобланади. Инвестиция даражасига қутилаётган соф фойда нормаси ва фойз ставкасидан ташқари бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, биринчидан машина ва ускуналарни харид қилиш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари. Иккинчидан, тадбиркорлардан олиннадиган солиқлар миқдори ва ниҳоят учинчидан, технологик ўзгаришлар.

Демак, инвестициялар ёки капитал қўйилмалар - бу ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капиталдир. Ўзининг молиявий шаклига кўра улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлар ҳисобланса, иқтисодий моҳиятига кўра инвестициялар яъни корхоналар қуриш, узоқ муддатга хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб - ускуналарни яқуний сотиб олишга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган харажатлардир. Шунингдек инвестициялар таркибига уй-жой қурилишига кетган харажатлар ҳам киритилади. Инвестицияларни турли гуруҳлаш мумкин. Макроиқтисодий таҳлилда энг кўп дуч келинадиган гуруҳлашда инвестициялар инвестициялаш объектига кўра уч турга бўлинади. Биринчиси, ишлаб чиқариш инвестициялари, иккинчиси товар моддий захиралари инвестицияси, учинчиси уй-жой қурилиши инвестицияси.

Макроиқтисодий таҳлилда инвестициялар динамикасини белгилувчи омил сифатида реал фойз ставкаси қаралади. Реал фойз ставкаси ортиши билан инвестициялар ҳажми камаяди. Инвестициялар миқдори мамлакатдаги жамғармалар миқдорига боғлиқ бўлади. Бу икки кўрсаткич ўртасидаги тенгликка эришиш макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим шартидир. Агарда, миллий иқтисодий ташқи дунё

билан ҳеч қандай алоқага эга эмас ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви нолга тенг деб фараз қилинса, унда ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичи орқали ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажми ихтиёридаги даромадга тенг бўлади.

Уй ҳужалиklarининг жамғаришга булган истаклари талбиркорликнинг қанча миқдорда инвестициялаш хоҳишларига мос тушса, унда даромадлар ҳажми ва ялпи харажатлар ҳажмига тенглигига ёки ишлаб чиқаришнинг мувозанат даражасига эришиш мумкин. Масалан, мамлакат иқтисодиёти очик, яъни экспорт-импорт алоқалари йўлга қўйилган, солиқ солиш ва трансферт туловлари кўринишида давлат аралашуви мавжуд бўлади. Бундай ҳолатда жамғариш тушунчаси мураккаблашиб боради. Агар давлат жамғармалари нолга тенг бўлса, давлат бюджети мувозанатлашган, жамғаришнинг манфий миқдори бюджет тақчиллигини билдиради. Бошқа мамлакатларнинг жамғармалари ташқи дунёнинг бизнинг импортимиз ҳисобига олган даромадларидан уларнинг бизнинг экспортимизга сарфланган харажатларини айириб топилади. Агар мамлакат экспортига нисбатан кўпроқ импорт қилса, унда даромадларнинг бир қисми хорижда қолади ва кейинчалик ундан хорижий шериклар томонидан мамлакатимизда кўчмас мулк ва моливий актив сотиб олишда фойдаланилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам барча турдаги жамғармаларнинг умумий йиғиндиси инвестицияларга тенг бўлади. Демак, иқтисодиётдаги инвестиция харажатлари нафақат ички жамғармалар ҳисобига, балки ташқи дунё жамғармалари ҳисобида амалга оширилиши мумкин бўлади. Мамлакатда инвесторлар кафолатланган юқори фойда олиш учун яратилган шарт-шароитлар хорижий инвесторлар оқимининг ўсишига олиб келувчи муҳим шароитлардан биридир.

### Асосий таянч тушунчалар

**Миллий бойлик** - инсоният жамияти тарақиётида ажлодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат бойликлари.

**Миллий буюмлашган бойлик** - миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган ашёвий - буюм кўринишига эга булган қисми.

**Табиий бойлик** - миллий бойликнинг табиат инъомларидан иборат булган, фойдаланишга жалб қилинган, ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қиладиган қисми.

**Маънавий бойлик** - ашёвий буюм кўринишига эга булмаган номоддий қимматликлардан ва инсониятнинг интеллектуал салоҳияти натижаларидан иборат.

**Миллий даромад**-бир йилда янгидан яратилган қиймат.

**Иқтисодий ўсиш**-товар ва хизматларнинг жон бошига нисбатан ўсиб бориши, фаровонликнинг юксалиши.

**Иқтисодий ривожланиш**-бу жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида ўз ифодасини топади.

**Ресурсталаб иқтисодий ўсиш** -ишлаб чиқаришга қўшимча иқтисодий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши.

**Ресурстежам иқтисодий ўсиш**-ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йули билан ишлаб чиқариш ҳажмининг оширилиши.

**Истеъмол**-товар ва хизматлардан фойдаланиш жараёни.

**Шахсий истеъмол**-истеъмолга мўлжалланган неъматларни индивидуал истеъмол қилиш.

**Унумли истеъмол**-ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан фойдаланиш.

**Истеъмолчилик сарфлари**-аҳоли даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.

**Истеъмолга ўртача мойиллик** -шахсий даромаднинг истеъмолга кетадиган улуши.

**Истеъмолга қўшилган мойиллик**-шахсий даромад ўсган қисмининг жамғармага кетадиган ҳиссаси.

**Жамғарма**-келгуси эҳтиёжлар учун миллий даромаддан ажратма.

**Жамғармага ўртача мойиллик**-шахсий даромаднинг жамғармага кетадиган улуши.

**Жамғармага қўшилган мойиллик**-шахсий даромад ўсган қисмининг жамғармага кетадиган ҳиссаси.

**Иқтисодий жамғариш**-миллий даромаднинг жамғарилган қисмидан асосий ва айланма капиталларни, эҳтиёж ва заҳираларни кўпайтириш учун сарфланиши.

**Жамғариш нормаси**-жамғариш фондининг миллий даромадга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Инвестиция**-лот.узоқ муддатга капитал қўйилма.

**Инвестор**-инвестицияларни амалга оширувчи шахс.



## XVI. БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА МУВОЗАНАТЛИК ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ БЕҚАРОРЛИК

Мазкур бобда миллий иқтисодиётда мувозанатлик ва макроиқтисодий беқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг циклли ривожланиши тушунчалари атрофида фикр ва хулосалар юритилади. Макроиқтисодий мувозанатлик, турғун ва ривожланиб борувчи мувозанатлик. Хусусий ва умумий мувозанатлик, миллий иқтисодиётни такрор ишлаб чиқариш ва тармоқ тузилиши. Иқтисодиёт тузилишининг шаклланиш омиллари иқтисодий муносабилликлар ва уларнинг турлари. Иқтисодиётдаги таркибий ва такрор ишлаб чиқариш. Тармоқлар баланси усули ва унинг мазмуни. Макроиқтисодий мувозанатликка эришишнинг бозор механизми. Иқтисодиётнинг мувозанатли ўсишидаги берқарорлик ва давлат томонидан тартибга олишнинг зарурлиги. Ишлаб чиқариш мувозанати ҳажмини аниқлашнинг Кейнс икки усули, ялпи сарфлар ишлаб чиқариш ҳажмини таққослаш, жамгарма ва инвестицияларни таққослаш. Иқтисодиётда мультипликатор самараси. Рecession ва инфляциянинг фарқи. Соф миллий маҳсулотнинг мувозанатли ҳажмига эришишда давлат сиёсатининг ўрни. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини қайта қуриш жараёнида иқтисодий барқарорликни таъминлаш муаммолари.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш зиддиятлари ва уларни бартараф қилиш. Цикллик иқтисодий тараққиётнинг умумий шакли эканлиги. Иқтисодий циклнинг фазалари. Циклнинг тебранишлар механизми. Миллий даромад инвестициялар ва бозор конъюктурасидаги тебранишлар. Иқтисодий инқирозларнинг моддий асоси. Таркибий инқирозлар ва иқтисодиётдаги ташкилий силжишлар. Конъюктурдаги катта цикллар. Кам ва ортиқча ишлаб чиқариш иқтисодий инқирозлар. Инновацион - инвестицион цикллар. Миллий ва жаҳон ҳужалигидаги цикллар. Аграр инқирозлар ва унинг хусусиятлари. Давлат иқтисодий сиёсатидаги циклга қарши тадбирлар. Мувозанатли ишончли цикл. Ўзбекистонда инқирозли жараёнларнинг намоён бўлиши хусусиятлари ва уни бартараф этиш йўллари.

### 16.1. Иқтисодий мувозанатлик ва уни аниқлаш усуллари.

Иқтисодий мувозанатликда, мувозанат — бу мултасил ўзгариб турувчи ҳодиса ва тушунчанинг нисбатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидир. Халқ хўжалигида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, мақсадга мувофиқ ривожланишини таъминлашдаги зарурий нисбатлар. Хал хўжалиги соҳалари, моддий, тармоқлараро, тўлов, қиймат, меҳнат ресурслари, ёқилги-энергетика, фойда асосий фондлар қиймати баланслари, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси. Ҳисобчилик баланси, тўлов баланси ва бошқа баланслар мавжуд.

Иқтисодий тараққиёт-бу мураккаб ва кўп қиррали жараёнدير. Уни баҳолаш учун қандайдир битта мезон (арабча — ўлчов, тарози ) кифоя эмас. Бунн тўлиқ аниқлаш учун бундай ўлчовлар тизими зарур бўлади. Бундай мезонлардан энг асосийси —бу ишлаб чиқарувчи кучлар даражасидир. Бу мезон —ўз йўналишида иқтисодий тараққиётнинг, мантиқан ўзаро боғланган мезонлари тизимига айланади. Бу тизимда меҳнат тақсимооти даражаси, вақтни тежаш, қўшимча маҳсулот, унинг ҳажми ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар бор. Бу тизим ривожланиш жараёнида инсоннинг ўзи камол топади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади. Энг аввало худди мана шу мезон бўйича ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига, табиат кучлари қанчалик бўйсундириб олинганлигига, шунингдек фан-техника тараққиётининг ҳозирги даврдаги инсониятнинг мавжуд имкониятларига баҳо берилади. Бундай бўйсундириш ўз ўрнида табиатга тежамкорлик билан қарашни истисно қилмаслиги, балки тақозо этишлиги лозимдир.

Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг энг умумий мезонидир. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожн аслида жамиятнинг олға ҳаракатини, бир ишлаб чиқариш усулидан бошқасига ўтишни, бу ишлаб чиқариш усуллариининг ҳар бири ичидаги етуклик даражасини олдиндан белгилаб беради. У ёки бу ижтимоий тизим ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига қай даражада ёрдам бериши ёки тўсиқлик қилишига қараб, бу тизимнинг юксалиш даражасига ёки аксинча вайроналик даражасига баҳо берилади. Агар иқтисодий, ижтимоий таянчлик бошланса, у муайян ижтимоий тизимнинг бошқаси билан алмаштириш зарурлигидан дарак беради. Иқтисодиётнинг бу энг умумий жаҳоншумул мезони. Бунн билиш жуда қатта аҳамиятга эгадир. Ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиш даражасини, энг умумий тарзда олганда, уларнинг унумдорлиги, яъни ходимнинг муайян вақт бирлиги ичида у ёки бу миқдорда маҳсулот яратиш, маҳсулотнинг у ёки бу сифатини таъминлаш имкони белгилаб беради. Ходимнинг малакаси, унинг махсус ёки умумий тайёргарлиги билан белгиланадиган ёш кучи даражаси ходимнинг мавжуд ишлаб чиқариш воситаларини ўзгартириб олиш ва улар самарадорлигини ошириш лаёқатини кўрсатади.

Ҳар қандай иқтисодиёт доимо янгилашиб, доиравий ҳаракатда бўлади. Бу ресурслар ва яратилган товарлар ҳамда хизматларнинг ҳаракати тарзида юз беради. Иқтисодиёт бу фирмалар яъни корхоналар ҳамда уй-жой хўжаликлари фаолиятдан ташкил топади. Булардан биринчи томон, яъни фирмалар, корхоналар, завод, фабрикалар, комбинатлар, фермер, деҳқон хўжаликлари, булар барчаси товарлар ва хизматлар яратади. Шунинг учун ҳам бу ишлаб чиқарувчилар, албатта ресурсларни сарфлайдилар. Шу тариқа ишлаб чиқариш жараёни бошланади. Иқтисодиётнинг иккинчи томонида уй-жой хўжаликлари турадилар. Улар оилаларга бирлашган истеъмолчилардан ташкил топади. Яратилган товар ва хизматлар оилаларда истеъмол этилгач, уларнинг ҳаракати тугалланиб яна янгидан бошланади.

Ҳар сафар янги бошлангани ўзидан олдинги ўтганига нисбатан ҳам ҳажми ва ҳам сифати билан ориқ бўлади.

Иқтисодий алоқалар макроиқтисодиётда унинг турли томонлари ўртасида мувозанат бўлишини талаб қилади. Макроиқтисодий жараён гоят мураккаб, у миллионлаб товар ва хизматлар яратилишини, уларнинг миллионлаб эҳтиёжи ҳар хил кишилар истеъмол этишини билдиради. Иқтисодий фаолиятга экспорт ва импорт таъсир этади. Дароматлар дарҳол ишлатилмай, уларнинг бир қисми жамғарилади ва инвестицияга хизмат қилади, бойлик тўплаш юз беради. Маҳсулотларни шартли равишда ишлаб чиқариш воситаларига ва истеъмол буюмларига ажратиш мумкин. Биринчи турдаги маҳсулотни яратган соҳалар ишлаб чиқаришнинг биринчи бўлинмаси деб аталади. Бу ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш дейилади. Истеъмол маҳсулотларини яратувчи соҳаларни эса, иккинчи бўлинма, яъни истеъмол буюмларини ишлаб чиқарувчи бўлинма дейилади. Иқтисодиёт бир маромла муттасил ривожланиб бориши учун биринчи бўлинма маҳсулоти ресурс бозоридаги талабга иккинчи бўлинма маҳсулоти эса товар бозоридаги талабга мос бўлиши керак. Ҳар иккала бўлинма биргаликда жами ижтимоий ишлаб чиқариш бўлгандан, уларнинг ялпи маҳсулоти, яъни жами маҳсулот, барча бозорлардаги умумий талабга мувофиқ бўлиши керак. Мана шундай умумий мувозанат бўлиши учун хусусий мувозанатлар таъминланиши шарт. Бу тақрор ишлаб чиқаришда юз беради.

Макроиқтисодиётда тўрт томонлар ўртасида мувофиқлик бўлишини улар ўртасидаги узвий алоқаларнинг мавжудлиги тақозо этади. Мувофиқлик мувозанат деб юритилади. Унинг сифатли ва миқдорий жиҳатлари бор. Сифат жиҳатидан мувозанат иқтисодиёт турли жиҳатларининг ҳамоҳанг, бир бирига мос бўлишини билдиради. Миқдорий жиҳатдан қаралганда мувозанатнинг маълум ҳисоб-китоби бор. Унинг кўрсаткичлари мавжуд. Шуларга қараб иқтисодиётда мувозанат ҳолат сақланган ёки бузилган деб айтиш мумкин бўлади. Мувозанатлар икки даражали бўлади. Булардан биринчиси, бу қуйи ёки микро даража. Яъни фирмалар ва хонадонлар фаолиятига хос мувозанатлардир. Иккинчиси эса, юқори ёки макро даражадаги мувозанатлардир. Бу миллий иқтисодиётга хос бўлади. Мана шу икки томон йиғиндиси умумиқтисодий мувозанатликни ташкил этади. Фирма фаолияти турли жабҳаларини ўзаро боғлайди. Мувозанатликда асосан жами талаб ва жами тақлиф мувозанатлиги юқоридир, яъни иқтисодиётда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Якка шахслар талаби бирлашиб бозор талабини юзага келтиради. Турли бозорлардаги талаблар йиғиндиси жами талабни яратади. Бу талаб бутун жамият аъзоларининг талаби. Шунга қўра мазкур талаб эҳтиёжларини эътиборга олиш ва шунга мос иқтисодий фаолият олиб бориш жамият учун буюк бурч вазифаси бўлиб қолади. Буни эътиборга олмаган жамиятда иқтисодий танглик юзага келади. Жами талабга хос жами тақлиф, яъни барча товар ишлаб чиқарувчиларнинг барча бозорларга чиқарган товар

ва хизматларининг суммасидир. Унинг таркибига ташқаридан импорт этилган товарлар ҳам киради.

Талаб ва таклифнинг ҳажми товарлар миқдори ва уларнинг нархига боғлиқ. Уларнинг ҳажмини пул-қиймат шаклида ифодаланганда бу товарлар миқдорининг улардан ҳар-бири нархининг кўпайтмасига тенг бўлади. Масалан, барча истеъмолчилар уч гуруҳ товарга талаб билдиради. Булар озиқ-овқат, кийим-кечак ва турли хизматлардан иборат. Озиқ-овқат 10 млрд. бирлик талаб қилинади, улардан бир-бирининг нархи 5 доллар, кийим-кечак 1 млрд. дон талаб қилинади, унинг ҳар бирининг нархи 12 доллар, ҳаммаси бўлиб 2 млрд. бирликка тенг хизмат керак, унинг биттасининг нархи 3 доллар. Айтилганларни жамласак, (10 млрд.5дол) + (1 млрд 12 доллар)+ (2 млрд 3 долл), жами талаб 68 млрд. долларга тенглигини кўрамыз.  $(50 + 12 + 6 = 68)$ .

Мувозанат ҳосил бўлганда барча фирмалар ва якка тадбиркорлар 68 млрд. долларлик товар ва хизматларни бозорга таклиф этадилар. Бунда мувозанатлик юзага келиши учун товарлар нархи ҳам ишлаб чиқарувчиларга, ҳам истеъмолчиларга маъқул бўлиши зарур. Демак, жами талаб ва таклиф мувозанати муайян нарх бўлгандагина юзага келади. Жами талаб ва таклиф мувозанати ҳам ўзгариб турувчи ҳолатдир. Улар шундай ҳаракатда мувозанатлашади. Лекин ҳар хил иқтисодий даражада турлича мувозанатлик юзага келади.

Мувозанатликнинг даромадлар ва харажатлар кўриниши, истеъмол ва жамғарма кўриниши ҳамда товар ва пул кўринишлари мавжуд. Даромадлар ва харажатлар кўринишида муайян вақтда, масалан, бир йилда ишлаб топилган даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқ бўлишини билдиради. Жамиятнинг даромади-бу ялпи ички маҳсулотнинг қиймати бўлиб у пулда ифодаланади. Бу даромадлар тула сарфланиб, уларга керакли товарлар айрибошланади. Натижада иқтисодиёт барча иштирокчиларнинг эҳтиёжини қондиради. Даромадлар-харажатлар мувозанати ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги мувозанатни билдиради. Ишлаб чиқариш натижасида даромадлар олинса улар харажат қилинган истеъмол қондирилади. Кўрсатилган мувозанатларнинг боғлиқлиги макроиқтисодий оборотда реал ва пул секторининг мавжудлигидан келиб чиқади. Ишлаб чиқариш ва истеъмол мувофиқлиги реал секторга хос бўлса, шунга биноан пул секторида даромадлар ва харажатлар тенглиги келиб чиқади.

Мувозанатликнинг истеъмол ва жамғаришдаги кўриниши. Бу жамиятнинг истеъмоли у қанча ишлаб чиқарилганлиги билан белгиланади. Бироқ, ялпи ички маҳсулотнинг ҳаммаси истеъмол этилиши мумкин эмас, албатта унинг бир қисми жамғарилиши керак, акс ҳолда иқтисодиёт ривожланмайди. Иқтисодий ўсишнинг муҳим омил бу инвестиция. Унинг асосий манбаи эса жамғаришдир. Истеъмол ва жамғариш мувозанати уларнинг миқдори тенглиги эмас, балки уларнинг оптимал нисбатда бўлишини билдиради. Оптималлик шундан иборатки, у бир вақтнинг ўзида иқтисодий ўсиш ва фаровонликни таъминлаши керак.

Мувозанатликнинг товар пул кўриниши. Бу иқтисодийда жами товарлар нархининг миқдори ва пул миқдори ўртасида мувофиқлик бўлганда товар-пул мувозанати ҳосил бўлади. Бу мувозанат ишлаб чиқариш даражасига мос равишдаги пул муомалада бўлишини билдиради. Иқтисодий пул билан тўйинган бўлишлиги зарур. Тўйинган дегани, бу пулнинг зарур миқдоридан кам ёки ортиқча бўлмаслигини билдиради. Пул кўпайиб кетса, у қадрсизланади, пул камайиб кетса, олди-сотди ишлари ўз вақтида амалга ошмай қолади. Товар - пул мувозанати шуни билдирадики, муомаладаги пул миқдорини пулнинг айланиш тезлигига кўпайтириб ҳар-бир товар нархининг унинг миқдорига кўпайтмасига тенг бўлиши талаб қилинади. Шундай бўлганда пул қадрининг барқарорлиги таъминланади.

Макроиқтисодийда яна қатор мувозанатликлар мавжуд. Масалан, хусусий мувозанатлик — бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий миқдорлар ёки иқтисодий томонларининг миқдоран тенг келиши. Хусусий мувозанатлик ишлаб чиқариш ва истеъмол, аҳолининг сотиб олиш лаёқати ва товарлар таклифи, бюджет даромадлари ва харажатлари, аҳолида товарларга талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатликлар кўринишида чиқади.

Умум иқтисодий мувозанатлик жамият барча эҳтиёжлари ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро тенг келишини билдиради. Умумиқтисодий мувозанатлик, бу ижтимоий мақсадлар ва иқтисодий имкониятларнинг мос келишидир. Иккинчидан, бу мамлакатдаги барча иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланадиган ҳўжалик механизмини тақозо қилади. Учинчидан, мувозанатли ишлаб чиқаришнинг умумий таркибий тузилиши истеъмолнинг таркибий тузилишига мос келиши лозимлигини билдиради. Макродаражадаги умумий иқтисодий мувозанатлик — бу мамлакат бутун иқтисодийнинг муноосиблигидир. Бу барча соҳалар, тармоқлар, ҳўжаликларнинг меъёрида ривожланишини таъминлайдиган иқтисодий фаолиятнинг барча қатнашчилари ҳамда барча бозордаги ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қиладиган мувозанатликлар тизимини ўз ичига олади. Иқтисодий мувозанатликни аниқлашда харажат ва натижаларни таққослаш усулидан ҳам фойдаланади.

## 16.2. Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодий инқирозлар.

Ўз-ўзини бошқарадиган бозор тизимининг синфларга бўйсунадиган усули амалда ўзини оқламади. 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқироzi натижасида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 46 фоизга қисқарди. Ишсизлик 26 млн. кишидан ортди. Аҳолининг реал даромади 60 фоизга қисқаради. Бу ҳолат бир ёқлама манфаатга эга булган бозор иқтисодиёти ялпи талаб билан ялпи таклифнинг мустаҳкам мувозанатини таъминлашга қодир эмаслигини кўрсатди. XX асрнинг ўттизинчи йилларида ғарбда ҳўкмрон бўлган ижтимоий-иқтисодий тизимни ҳалокатли инқироздан қутқаришга қаратилган миллий иқтисодий тартибга солувчи туб янги усулга тезлик билан ўтилди. Инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнс макроиқтисодий

вазифаларни ҳал қиладиган муаммонинг янги назариясини яратди. Унинг фикрича, классик бозор иқтисодиётида давлат аралашмаслиги тамойилига қарама-қарши миллий иқтисодий тартибга солишда давлат асосий рол ўйнаши тан олинди. Кейнс фикрига кўра, давлатнинг бош вазифаси-бу даромадларнинг кўпайишига олиб келувчи самарали талабнинг юқори ҳажмини таъминлашдан иборатдир. Бунда талабнинг икки турини ривожлантириш кўзда тутилади. Бу биринчидан, аҳолининг истеъмол буюмларига бўлган талаби бўлса, иккинчидан бу тadbиркорларнинг инвестицион товарларга, яъни ишлаб чиқариши воситаларига бўлган талаби. Талабнинг самарадорлиги натижаси иш билан бандликнинг кўпайиши, аҳоли фаровонлигининг ўсиши, шунингдек фирмалар фойдасининг кўпайишида кўринади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш натижасида 1946 йиллардан сўнг давлатнинг таъсир фаолияти ўзгарди. Давлат, давлатни ҳуқуқий ва демократик давлатга айлантиришда қашшоқликка қарши кураш, умумий фаровонликка эришиш каби ижтимоий масалалар билан шуғулланишни ўз вазифасига олди. Унда давлат биринчидан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида ҳар хил мулкчилик шакллари мавжудлигини тан олади. Иккинчидан, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётда барча фуқароларга қонун билан асосий ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар бериши зарур деб билади. Учинчидан, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётда давлат барча аҳолининг тобора кўпроқ эҳтиёжларини қондириш зарурлигини тан олади. Тўртинчидан, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётда солиқлар ёрдамида фуқаролар шахсий даромадини қайта тақсимлайди. Ниҳоят бешинчидан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида фуқаролик жамиятнинг даромад олиш бўйича ижтимоий таянчи пайдо бўлади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда фуқаролар асосан уч асосий синфга бўлинади. Булардан, биричиси-бойлар синфи - бу 10-15 фоизни ташкил этади. Иккинчиси - ўртача синф, булар 70-80 фоизни ташкил этади, учинчиси эса, қашшоқлар синфи-булар 15-20 фоизни ташкил этади. Бундай ҳолатда жамиятнинг нисбатан ижтимоий барқарорлиги таъминланади.

Мамлакатда тулиқ бандликка эришиш, нархларнинг барқарор даражаси бўлишлиги иқтисодий ўсишнинг юзага келишида имкон яратади. Иқтисодий барқарорлик ўзидан-ўзи барпо этилмайди. Бундай фаровонликка эришишда қатор йиллар, кўплаб муаммолар ечими, иқтисодиётнинг беқарор ривожланишлари каби мукамал қийинчиликларни енгмоқ зарур. Иқтисодий ўсиш кетидан доимо қандайдир инқирозий ҳолатлар ҳам содир бўлиб туради. Вақт-вақти билан объектив қонунларнинг ўзгартириб бўлмайдиган таъсири остида такрор ишлаб чиқариш ҳаракатида узилишлар пайдо бўлади. Мана шундай узилишлар иқтисодиёт номутаносибликларининг кескин шаклда намоён бўлишидир.

Иқтисодий инқироз деб ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетишидир. Инқирознинг келиб чиқиши сабаби, жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар ҳажми тўловга қабул талабга мос келмай қолади.

Туловга қабул талабдан ортиб кетиши ёки аксинча унга етмай қолиши, мана шундай ҳолатларга олиб келади. Натижада ишлаб чиқаришнинг бир қисми тўхтаб қолади. Товарлар ишлаб чиқариш ҳажми камаяди. Оқибатда ишлаб чиқаришнинг ўсиш даври унинг тушгунлиги билан алмашади.

Иқтисодиётнинг тез ўсиш давлари кўпинча инфляция, яъни нарх даражасининг кўтарилиши билан орқага кетади. Шундай давлар ҳам бўладики, бунда иқтисодий ўсиш, бандлик ва ишлаб чиқаришнинг паст даражасига ўрин беради. Айрим ҳолларда нарх даражасининг кўтарилиши билан бирга ишсизлик ҳам кескин ўсади. Иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли тамойиллари ҳам, ишсизлик ҳам инфляция оқибатида узилиб қолади ва мураккаблашади. Инқирозларнинг асосий сабаби, бу такрор ишлаб чиқаришдаги беқарорлик ва номутаносибликдир. Бу аввало ишлаб чиқариш ва унинг натижаларини ўзлаштириш ўртасидаги номутаносиблик бўлиб, у турли ишлаб чиқариш усуллари ва иқтисодий тизимнинг ҳар хил нусхаларида турли шаклларида намоён бўлади. Ишлаб чиқариш билан истеъмол, талаб ва таклиф ўртасидаги вақти-вақти билан юзага келиб турадиган номутаносибликлар ҳам, иқтисодий инқирозларнинг юзага чиқиш имкониятларини сақлайди. Йирик машиналашган даврга ўтилгандан кейин, вақти-вақти билан иқтисодиётни ларзага солиб турувчи иқтисодий инқирозлар ижтимоий такрор ишлаб чиқаришга циклик хусусияти касб этади. Кўпчилик иқтисодий билимлар иқтисодий цикллarning объектив хусусиятини тан олиб, бу ҳодисани унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали ўрганишни тавсия қилади. Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади. Бундай омиллардан санаб ўтиш мумкин. Биринчидан, урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий таъсирлар. Иккинчидан, олтин, уран, нефт ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларнинг очилиши. Учинчидан, янги ҳудудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равишда аҳолининг кўчиши (миграция), ер шари аҳоли сонининг ўзгариб туриши. Тўртинчидан, ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.

Иқтисодиётдаги инқирозлардан бир кўриниши, ёки унинг бир тури, бу таркибий инқирозлардир. Бу инқирозларни ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари билан тармоқлар ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликлар келтириб чиқаради. Таркибий инқирозлар билан иқтисодий тебранишлар шу жумладан, иқтисодий фаолликнинг мавсумий тебранишлари ҳам мавжуд бўлади. Масалан, байрамлар арафасида харид қилиш ҳистеъмолчилик товарларининг фаоллик суръатида, асосан чакана савдода сезиларли, ҳар йиллик тебранишларга олиб келади. Қишлоқ хўжалиги, автомобил саноати, қурилиш ҳам қандайдир даражада мавсумий тебранишларга дучор бўлади. Иқтисодий фаоллик иқтисодиётидаги узоқ муддатли тамойилларга, яъни узоқ муддатли давр, масалан, 25,50 ёки 100 йил давомида иқтисодий фаолликнинг ортиши ёки пасайишига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий инқирозлар, аграр инқирозлар деб аталади. Аграр инқирозларнинг намоён бўлиш шакллари бор. Булар, биринчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нисбий ортиқча ишлаб чиқарилиши, унинг сотилмай қолган жуда катта захираларининг тўпланиши. Иккинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нархларнинг пасайиши, даромадлар ва фойда даражасининг камайиши. Учинчидан, фермерларнинг оммавий равишда хонавайрон бўлиши, улар қарзларининг ортиши. Тўртинчидан эса қишлоқ аҳолиси ўртасида ишсизларнинг кўпайиши. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли аграр инқирозлар ҳам шунга хосдир. Аграр инқирозлар саноат инқирозларига нисбатан узоқ муддатга чўзилади. Масалан, ўтган асрнинг 70-90 йиллари даврида шундай инқироз содир бўлган. Биринчи жаҳон урушидан кейин, аҳолининг харид қобилияти кескин пасайган даврда, яъни 1920 йил баҳорида кескин аграр инқироз бошланиб, у то 1939 йилга қадар давом этган. Учинчи аграр инқироз эса 1948 йилдан бошланиб то 1980 йилларгача давом этган.

Инқирозларнинг чўзилиши сабаблари бор. Булар, биринчидан ерга хусусий мулк монополияси шароитида у қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланишида саноатга нисбатан орқада қолишини тақозо этади. Иккинчидан ер рентасининг мавжуд бўлиши ва унинг узлуксиз суръатда ўсиб бориши. Аграр инқирозлар циклик хусусиятга эга бўлмайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиқча ишлаб чиқариш абсолют хусусиятга эмас, балки нисбий хусусиятга эга. Чунки инқироз рўй берган мамлакатларда, миллион-миллион кишилар доимий суратда очликда яшайдилар. Ўзбекистонда аграр иқтисодиётнинг юритилиши ниҳоят ўлчам, хусусиятли, эътиборли шароитга эга. Ҳар бир қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган субъектлар, ўзига хос билим ва тушунчага эга. Чунки улар ўз мулкидан унумли фойдаланиш манфаатларига таянади. Фақат табиий турли хил офатлар, бу йўналишда кўплаб моддий зарарлар келтириши мумкин.

### **16.3. Иқтисодий мутоносиблик ва унинг турлари.**


Иқтисодий мутоносибликлар ишлаб чиқаришнинг турли томонлари ўртасидаги нисбатлардир. Уларни таъминлаш иқтисодий ўсишнинг талаби ҳисобланади. Миллий маҳсулот таркибан турли қисмлардан иборат бўлиб, улардан ҳар бирининг ўз вазифаси бор. Улар маълум мақсад йўлида ишлатилади. Миллий маҳсулот қиймат жиҳатидан амортизация ажратмаси, иш ҳақи ва фойдалан иборат. Ишлаб чиқариш соҳасида мана шу қисмларга тўғри келадиган маҳсулотлар яратилади. Амортизацияни ифодаловчи маҳсулот сарфланган ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини қоплашга ишлатилади. Иш ҳақи ифодаси бўлган маҳсулот иш кучини тиклашга, уни кўпайтиришга сарфланади. Фойдани билдирувчи маҳсулот асосан ишлаб чиқаришни ўстириш учун қўшимча ресурсларга айланади. Бундан қисмани истеъмолга кетади. Ҳар иккала бўлинмада ҳам маҳсулот мана шундай тартибга эга бўлади. Яратилган маҳсулот таркибида ишлаб чиқариш



воситаси ҳамда истеъмол буюми бўла оладиган товарлар ва хизматлар мавжуд. Шу боисдан уларнинг истеъмол этилиши натижасида ишлаб чиқариш омиллари тикланади. Ҳатто уларнинг ўсиши ҳам юз беради. Маҳсулот унинг қайси мақсадлар учун ишлатилишига қараб қоплаш фондига, истеъмол фондига, жамғариш фондига ва бошқа зарурий турли фондларга тақсимланади. Булардан биринчиси, бу қоплаш фонди. Бу фонд моддий жиҳатдан илгари сарфланиб кетган воситалар ўрнини қоплашга ярайдиган товарлар ва хизматлардан иборат. Масалан, маҳсулот таркибига кирувчи машина ишлатиш туфайли эскириб тамом бўлган машина ўрнини қоплай олади, янги бино эскисининг ўрнида тикланади. Мана шу ҳаракатлар учун қоплаш фондидан фойдаланилади.

Иккинчи фонд - бу истеъмол фонди. Бу фондни ташкил этувчи маҳсулотлар кишиларнинг тирикчилик эҳтиёжини қондира олади, чунки улар биринчи навбатда иш мақсад учун яратилган. Шу сабабдан ҳам бу фонд ишлаб чиқариш воситаси бўла олмайди. Масалан, истеъмол фондига кирувчи озиқ - овқат моллари кишиларнинг овқатланиш эҳтиёжини қондиради.

Учинчи яна бир фонд — бу жамғариш фонди. Бу фондга кирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш воситаларидан, ресурслардан иборат. Улар қўшимча ресурс сифатида ишлаб чиқаришни ўстириш учун ишлатилиши мумкин. Айтилган фондларни ташкил этувчи маҳсулотлар ресурслар ва товарлар бозорида пул маблағларига айир бошлангандан сўнг, ишлаб чиқариш йўлида ёки шахсий эҳтиёжларни қондириш учун ишлатилади. Маҳсулотнинг турли фондларга ажратилиши ҳар иккала бўлинмага ҳам ҳосилдир.

1. Қоплаш фонди, истеъмол фонди, жамғарма фонди
  2. Қоплаш фонди, истеъмол фонди, жамғарма фонди
- 
- ЯММ

Чизмада кўринганидек, бунда биринчи ва иккинчи бўлинмалар ифода этилган. Тақсимланган фондлар йиғиндиси ялпи миллий маҳсулот умумий ҳажмига тенгдир. Бу маҳсулотнинг натурал — буюм сифатидаги таркибий қисмларидир. Уларга пул шаклида ҳисобланган маҳсулотнинг турли қисмлари мос келиши зарур. Маҳсулотнинг турли қисмлари биргаликда ресурслар ва товарлар бозорига чиқарилган товарлар таклифини билдиради. Бу бозордаги талаб қандайлигини билиш учун пул шаклидаги турли даромадларни кўриб чиқиш зарур бўлади.

Миллий иқтисодиётдаги мувозанатлик унинг тури, томонлари ва соҳалари ўртасида мутаносиблик бўлишини тақозо қилади. Иқтисодий мутаносиблик — иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат жиҳатдан маълум мослик бўлишидир. Бунда тенглик бўлиши шарт эмас. Улар мос келувчи нисбатларда бўлиши мумкин. Макроиқтисодий жараён гоят мураккаб ва кўп қиррали бўлиши сабабли мутаносиблик турлари ҳам кўп ва хилма-хил. Уларнинг барчасини

умумлаштириб, мутаносибликнинг қуйидаги гуруҳлари таркибига киритиш мумкин. Иқтисодий мутаносибликлардан биринчиси бу умумиқтисодий хусусиятдаги мутаносибликлар. Бунга миллий даромаддаги таркибий қисмлар кирadi. Бу қисмларга истеъмол фонди, жамғариш фонди, ўртасидаги мутаносибликлар, иқтисодиётдаги товар ва хизматлар массаси билан пул массаси ўртасидаги мутаносибликлар, аҳолининг даромадлари билан ҳаражатлар ўртасидаги мутаносибликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Иқтисодий мутаносибликлардан иккинчиси — бу тармоқ ичидаги мутаносибликлар. Тармоқлараро мутаносиблик ва миллий ишлаб чиқариш даражасидаги мувозанатлик тармоқлар ичидаги мутаносиблик орқали таъминланади. Тармоқлар ичидаги мутаносиблик алоҳида олинган тармоқ таркибидаги соҳа ва ишлаб чиқаришлар ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Масалан, саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган соҳалари, қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари ўртасидаги мутаносибликлар ва бошқалар. Шу билан бирга таъкидлаб утилган соҳаларнинг ичидаги таркибий бўлинмалар ўртасида ҳам боғлиқлик бўлиши зарур. Масалан, саноатнинг қазиб олиш ва қайта ишлаш тармоқлари, чорвачиликнинг сут ва гўшт ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ва бошқалар.

Иқтисодий мутаносибликнинг учинчиси — бу тармоқлараро мутаносибликлар. Миллий иқтисодиётнинг мувозанатини таъминлашда тармоқлараро мутаносибликлар алоҳида ўрин тутadi. Мамлакат халқ хўжалиги жуда кўп тармоқ ва соҳалардан иборатдир. Уларнинг ривожланиши бир-бирини тақозо қилади. Бир тармоқда яратилган маҳсулот бошқа тармоқда истеъмол қилинади ёки бу пировард маҳсулотга айлантирилиб ўз истеъмолчисини топади. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпчилик қисми айниқса, пахта, галла, пийда, сут ва бошқалари саноатнинг тегишли тармоқларида қайта ишланиб, пировард маҳсулотга айлантирилади ва истеъмолчилик товарлари бозорига чиқарилади. Ўз навбатида саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари яратадиган соҳаларининг маҳсулотлари халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, масалан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва бошқаларда унумли истеъмол қилинади.

Иқтисодий мутаносибликларнинг тўртинчиси — бу ҳудудий мутаносибликлар. Бу кўринишда иқтисодий ривожланиш мамлакат айрим ҳудудлари ўртасидаги боғлиқликни ҳам тақозо қилади. Юзаки қараганда ҳудудлар ўртасидаги мутаносибликларнинг мамлакат иқтисодий ривожидagi роли тўлиқ намoён бўлмайди. Лекин алоҳида ҳудудий бўлинмалар, яъни вилоят, туман, шаҳар ва бошқа ҳудудий бирликлар бир-бирига иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан боғлиқлиги, иқтисослашиш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва коммуникация нуқтаи назаридан қаралса, бу боғлиқнинг аҳамияти яққол кўринади.

Иқтисодий мутаносибликнинг бешинчиси — бу давлатлараро мутаносибликлардир. Бу мутаносибликни икки ҳолат тақозо қилади.

Булардан биринчиси, дунёнинг кўпчилик мамлакатлари халқаро меҳнат тақсироти орқали бир-бири билан боғланган, иккинчидан эса, иш боғлиқлик орқали миллий ишлаб чиқаришнинг бир қисми чет элликлар томонидан ҳарид қилинади, ёки миллий ишлаб чиқарувчилар ўз истеъмолининг бир қисмини четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобига қондиради. Бу боғлиқлик қанчалик катта бўлса, соф экспорт ҳажми орқали макроиқтисодий мувозанатликка шунчалик кучли таъсир кўрсатади. Қараб чиқилган мутаносибликларга эришиш орқали миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ривожини таъминлаб беришдан қуйидагилар кўзда тутилади. Булар биринчидан, мамлакатда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда жамиятнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириб бориш, иккинчидан эса тўла бандликка эришиш, яъни меҳнат қилишга лаёқатли бўлган ва ишлашни хоҳлаганларни иш билан таъминлаш.

Бу муаммонинг учинчи томони шундаким, нарх-навонинг нисбий барқарорлигига эришиш ва уни инфляция таъсиридан ҳоли қилиш. Туртинчидан, иқтисодиётнинг бир маромда ўсиб боришини етарли даражада инвестиция билан таъминлаш ва муомаладаги пул массасига боғлаб бориш. Бешинчидан, экспорт ва импортни мувофиқлаштириш асосида ташқи савдо балансининг фаоллигига эришиш. Бу мақсадлар фақатгина уларга интилиш бўлиб, унга эришиш муқаррар эканлигини билдирмайди. Чунки мутлоқ мувозанатга эришиш мумкин эмас, у бузилиб ва қайтадан тикланиб туриши орқали иқтисодий ўсиш нотекис боради.

Иқтисодиётни бутунлай янги таркиблар асосида ислоҳ қилиш унинг ривожидан номуаносибликлар бўлиши ва танглик ҳолатларининг келиб чиқишини муқаррар қилиб қўяди. Шу сабабли иқтисодиётни барқарорлаштириш бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида уни жонлантириш ва бир текис ривожлантириш йўлидаги қонуний босқичдир. У иқтисодий ривожланишда бутунлай инқирозга учрашга чап бериш учун ишлаб чиқариш ва чиқарилаётган маҳсулот таркибини ўзгартиришга, яъни танглик ҳолатларига барҳам беришга йўналтирилади. Республикада иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишнинг дастлабки даврида барқарорлаштириш сиёсатидан кўзда тутилган мақсад энг аввало, макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш. Ишлаб чиқаришни кескин даражада пасайишининг олдини олиш ва оммавий ишсизликнинг келиб чиқишига йўл қўймасликдан иборат бўлади.

#### **16.4. Иқтисодий цикл, унинг иқтисодиёт тармоқларига таъсири.**

Иқтисодий цикл - бу иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб бирин-кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган даврдир. Иқтисодиётнинг ривожланишдаги ҳаракати бир цикл билан тўхтаб қолмайди. Цикл - бу давр, давра мазмунинидаги тушунча. Цикл - бу тўхтовсиз тўлқинсимон ҳаракатдир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам цикл 4-фазадан иборат. Фаза - бу янги шаклга кириш пайти ҳолати. Булар биринчидан инқироз, иккинчидан - бу

турғунлик, учинчидан жонланиш, туртинчидан юксалиш. Ана шу фазанинг ҳар бири ривожланиши жараёнида навбатдаги фазага ўтиш учун шароит юзага келади. Шулардан инқироз ишлаб чиқаришнинг пасайишида ифодаланади ва циклнинг қайд этувчи ифодасидир. У бир циклни ниҳоясига етказиб, яна муқаррар равишда инқироз билан тугайдиган янгисининг бошланишига асос солади, инқироз вазиятда асосий капиталнинг ортиқча жамғарилиши унинг барча вазифавий шаклларида намоён бўлади. Инқироздан сўнг турғунлик келади. Унинг давомида иқтисодий фаоллик жонланиши учун шароитлар вужудга келиши ниҳоясига етади. Жонланиш фазасининг бошланиши озми-кўпми даражада ишлаб чиқаришнинг барқарор кенгайишига ўтишини билдиради. Иш билан таъминланиш даражасининг ортиши ва фойдаларнинг тез ўсиши жонланишнинг юксалиш босқичига ўсиб ўтишига кўмаклашади. Янги цикл юксалишнинг бошланғич нўқтаси ҳисобланади. Юксалиш фазасида иш кучига бўлган талабнинг кенгайиши ишсизликнинг бир мунча камайишига ҳамда иш ҳақининг ўсишига олиб келади, бунинг оқибатида истеъмол товарларига тўловга қодир талаб кенгайди. Натижада талабнинг ошиши, ўз навбатида истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга, бозорни кенгайтиришга жадал туртки беради. Рақобат ва фойда кетидан қувиш оқибатида номуаносибликларнинг туپланиб боришидан иборат занжирли реакция тезлашади. Бу билан янги инқироз муқаррар бўлиб қолади.

Алоҳида иқтисодий цикллار бир-бирдан давомийлиги ва интенсивлиги, яъни ресурстежамлиги бўйича кескин фарқланади. Шу билан бирга уларнинг барчаси бир хил фазаларга эга бўлади. Ҳар хил тадқиқотчилар томонидан турлича номланади. Иқтисодий инқироз –бу ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетишидир.

Иқтисодий цикллар келиб чиқиш сабаблари, асл белгилари, оқибатлари ва давомийлигига қараб уч турга бўлинади. Булар, биринчидан катта цикллار, иккинчидан ўрта цикллар ва учинчидан кичик цикллар. Катта цикллар – булар иқтисодиёт тараққиётида узоқ давом этадиган давр. Улар 50-60 йилга чўзилиши мумкин. Иқтисодиётдаги туб бурилишнинг юз бериши билан ифодаланадиган циклдир. Катта цикл фан – техникадаги буюк кашфиётларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида янги технологияларнинг киритилиши билан ажралиб туради. Ишлаб чиқаришнинг янги истиқболли соҳалари юзага келади, улар технологик янгиланади, бу эса меҳнат унумдорлигини янги босқичга олиб чиқади. Масалан, XX аср иккита катта цикл гувоҳи бўлди. Биринчи цикл XIX аср охиридан XX асрнинг ўрталарига қадар давр, бу ички ёнув дивигателларини, электр энергиясини, электр дивигателларини, янги юксак унумли машиналарнинг пайдо бўлиши билан ажралиб туради. Иккинчи цикл XX аср ўрталарида бошланган бўлиб, унинг 2010 - 2015 йилларга қадар давом этиши кўтилади. Бу давр атом энергетикаси, компьютерлар, сунъий кимёвий материаллар, автоматлашган машиналар тизими, космик саноат пайдо бўлиши билан тавсифланади. Буларнинг барчаси иқтисодиётдаги янги бурилиш даврини очган, чунки меҳнат

унумдорлигини мислсиз даражага олиб чиққан, ишлаб чиқаришни тубдан янгилаб юборган. Ҳозир қутилаётган яна бир катта цикл 2010-2015 йиллар оралигида бошланиши тахмин қилинади. Бу секин бошқариладиган термоядро энергетикаси, кичик электроника ютуқларининг ишлаб чиқаришга кириб бориши билан белгиланади. Ишлаб чиқариш таркибининг тубдан янгиланиши, меҳнат унумдорлигининг жадал ошиб бориши кутилади. Янги цикл робот-техникасининг ҳамма соҳаларида, ҳатто уй ҳўжалигида кенг қўлланиши билан ажралиб туради.

Иқтисодий циклнинг иккинчи тури – бу ўрта цикллардир. Бу цикл катта цикллар даврида бир неча бор такрорланиб турувчи цикллардир. Бунда ўртача вақт давомида бўлади. Бу вақт илгари 8-12 йил бўлган бўлса, ҳозир у 6-8 йил давомида содир бўлади. Катта цикл даврига хос бўлган технология такомиллашиб турганидан у ишлаб чиқаришда оммавий тарзда янгиланди, уларни эски кам унумлиси, янги унуми юқориси билан алмаштирилади. Натижада ишлаб чиқариш кенгайиб, бозорда товарлар таклифи ортиб боради. Таклиф талабга нисбатан ортиб кетса, бозор мувозанати бузилади. Оқибатда инқироз ҳолати юзага келади.

Иқтисодий циклнинг учинчи тури – бу кичик конъюктура циклларидир. Бу цикл қисқа вақтда, яъни ҳар 3-4 йил давомида такрорланувчи цикл. Конъюктура – бу ҳолат деган тушунчадир. Бу цикл бозор ҳолатининг жузъий ўзгариши билан изоҳланади. Талаб эгилувчан бўлганидан у тез ўзгариб туради. Чиқарилган товарларнинг таркиби, нархи ва сифати талабга жавоб бермай қолган кезларда уларнинг сотилиши қисқаради. Натижада ортиқча таклиф юзага келиб, бозор мувозанати бузилади. Бу қисқа муддатли иқтисодий тўлқинларни ҳосил этади. Иқтисод аввал кўтарилса, кейин пасаяди, сўнгра яна кўтарилади. Шунга кўра иқтисодий беқарорлик муқаррардир. У ўз ўрнида даврийдир, яъни у бир юзага келса, бир йўқолиб туради.

Иқтисодий инқирознинг биринчидан ортиқча ишлаб чиқариш ва иккинчидан кам ишлаб чиқариш турлари мавжуд. Ортиқча ишлаб чиқариш – бу бозорга хос жараён. Бу жараён XIX асрнинг бошлариданоқ кўзга ташлана бошлаган. Биринчи ортиқча ишлаб чиқариш инқирози Англияда 1825 йилда бошланган. Шундан буён ҳар 10-11 йилда бу ҳолат намоён бўлиб туради. 1857 йилдаги инқироз биринчи жаҳон циклик инқирозига айланди. Инқироз иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши, ишлаб чиқариш миқёсларининг қисқариши, сотилмаган маҳсулот заҳираларининг кўпайиши, омбор ва дўконларнинг молга тўлиб кетиши, буюртмалар миқдорининг камайиши, ускуналар, қурилишга талабнинг озайиши билан ифодаланади. Жамғарилган товарларни ўз таннархидан паст нархда сота олмайдиган корхоналар оммавий равишда синади. Ишсизлик ўсади, молиянинг кредит алоқалари узилади, қимматбаҳо қоғозлар бозори қасод бўлади, банк фоизининг меъёри ошади. Ортиқча ишлаб чиқариш тангликларнинг асосий сабабига айланади. У иқтисодиётнинг товар турига, унинг рақобатли бозор механизмларига хос бўлган зиддиятларнинг бутун бир йиғиндисига айланади. Рақобат ва энг кўп фойда олишга сабаб бўладиган

ишлаб чиқаришни доимий тарзда кенгайтириш ишлаб чиқарилган товарлар ва уларни таклиф қилиш истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятидан анча ошиб кетишига олиб келади. Оқибатда сотилмаган товарлар, усқуналар, чала қурилиш объектлари юзага келади. Уларнинг ҳажми ортиб боради. Корхоналар мўлжалдаги фойдани ололмайдилар, ходимларга иш ҳақини муддатида тўлай олмайдилар, ишлаб чиқариш вайронага айланади. Ишсизлик сони тобора ўсиб боради, бозордаги ялпи талаб пасайиб боради. Ортиқча ишлаб чиқарилган даврда бозорга давлатнинг аралашуви зарурлиги бор. Давлат бу тангликдан чиқишда амалий иқтисодий чоралар белгилаши мумкин бўлади. Бу ғояни дастлаб Ж.Кейнс яратган эди. Давлат ишсизларни вақтинча бўлсада ижтимоий ҳимоялайди, сотилмай қолган маҳсулотларни сотиб олади ва лозим бўлганда инвесторлик қилади.

Иқтисодий цикл турларидан яна бири — бу кам ишлаб чиқариш ҳолати. Кам ишлаб чиқариш инқирозида ижтимоий, такрор ишлаб чиқариш тизимида ишлаб чиқариш билан аҳоли эҳтиёжларининг номувофиқлиги юзага келтирган нисбатлар бузилади. Масалан, тўловга қодир талаб бозордаги товарлар таклифи ҳажмидан ошиб кетади. Инқирознинг бундай тури бозор юксак даражада монополашган, рақобат механизмлари мавжуд бўлмаган, маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёти учун хосдир. Яқка ҳоким корхоналар учун истеъмолчилар эҳтиёжини ва тўловга қодир талабни қондирадиган товарларни кўп миқдорда ишлаб чиқариш фойдали эмас.

### Асосий таянч тушунчалар

**Иқтисодий мувозанат** — иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига тенг келиш ҳолати.

**Хусусий мувозанатлик** — бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий миқдорлар миқдоран тенг келиши.

**Умумиқтисодий мувозанатлик** — бу жамият эҳтиёжлари билан мавжуд иқтисодий ресурслар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро мос келиши.

**Инфляцион фарқ** - ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан ортиқча бўлган миқдори.

**Рецессион фарқ** - бу инқироз ва тургун ҳолат мазмунида бўлиб, ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан кам бўлган миқдори.

**Мультипликатор самараси** — соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришнинг инвестицион сарфлардаги ўзгаришига нисбати.

**Иқтисодий мутаносиблик** — бу иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ҳамда сифат ўлчамларининг мос келишлик даражаси.

**Иқтисодий инқироз** — ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетиши.

**Иқтисодий цикл** — иқтисодий ривожланишнинг бир ҳолатидан бошланиб бирин кетин, тўрт фазани босиб ўтиб, ўзининг олдинги ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган даврни ўз ичига олади.

**Турғунлик** — ишлаб чиқаришнинг бир жойда депсиниб туришини билдиради ва бу фазада иқтисодий фаолилик жонланиши учун шарт-шароит вужудга келиш ниҳоясига етади.

**Жонланиш** — иқтисодий циклнинг ишлаб чиқаришнинг барқарор кенгайиб боришига ўтиши.

**Юксалиш чўққиси** — иқтисодий циклнинг иқтисодиётда тўлиқ бандликка эришилиши, ишлаб чиқаришнинг инқироздан олдинги даражадан ҳам ортиб кетиши ва тўловга лаёқатли талабнинг кенгайиб бориши.

**Таркибий инқирозлар** — иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳалари ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликлар вужудга келиши натижасида аввало айрим тармоқларда кейин бутун иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмининг тушиб кетиши.

**Аграр инқирозлар** - қишлоқ хўжалигида рўй берадиган иқтисодий инқирозлар бўлиб, у саноат циклига қараганда узоқ давом этади.

**Ортиқча ишлаб чиқариш иқтисодий инқирози** — бу талаб қуввати пасайиши натижасида нархнинг пасайиши, ишлаб чиқаришнинг қисқарилиши, ишсизликнинг кўпайиши, корхоналар фаолиятнинг тўхташи.

**Кам ишлаб чиқариш иқтисодий инқирози** — бу ишлаб чиқариш билан эҳтиёжлар нисбатининг бузилиши, талаб таклифдан ошиб кетиши, рақобат фаолият кўрсатмай қолиши ҳолатидир.

## **XVII. БОБ. ЖАМИ ИШЧИ КУЧИ, БАНДЛИК, ИШСИЗЛИК**

Ушбу бобда жами ишчи кучи, шундан иш билан таъминланганлар ва ишсизлар, шуларнинг сабаблари тўғрисидаги тушунчалар берилган. Ишчи кучининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш. Жами ишчи кучининг сифат ва миқдор жиҳатдан аниқланиши, ижтимоий демократик жараёнларнинг хусусиятлари. Жами ишчи кучининг сифат жиҳатдан такомиллашувига таъсирлар. Ишчи кучига талаб. Тулиқ ва самарали бандлик муаммоси. Ишсизлик ва унинг иқтисодий оқибати. Ишчи кучининг бандлиги ва унинг даражаси. Ишсизлик ва унинг даражаси, турлари. Ишсизликнинг иқтисодий ва ноиқтисодий харажатлари. Оукен қонуни. Ишсизлик инфляцияси. Ишсизлик тўғрисида турли хил назариялар. Тулиқ ва самарали бандлик муаммоси. Ўзбекистонда ишчи бозорини шакллантириш ва тартибга солиш. Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш.

### **17.1. Ишчи кучи ва уни такрорий яратиш.**

Такрорий ишлаб чиқариш мазмунида кўп ҳолатларда моддий қийматларнинг, яъни меҳнат воситаларининг, меҳнат предметларининг янгидан, узлуксиз ишлаб чиқарилиши назарга олинади. Лекин ишлаб чиқарувчи кучларнинг асосий таркибий қисми бўлган ишчи кучининг янгидан, узлуксиз яратилиб борилиши эътибордан биров бўлсада узоқлашади. Балки шахсий омил ишчи кучи ҳам такрорий ҳосил этилади. Ишчи кучи такрорий яратилганида унинг олдинги сифати ва нафлилиги анча унумли даражада юзага келади. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш инсоннинг жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаб ва таъминлаб туриш, янги ишчи авлодини тайёрлаш уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражасининг ўсишини таъминлаш демакдир. Демак, ишчи кучини такрор яратиш ходимларни ишлаб чиқаришга жалб этишни, тармоқлар, корхоналар, ҳудудлар ўртасида меҳнат ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашни, уларнинг ходимларга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини ва айни пайтда ишчи кучининг иш билан тўла ва самарали банд бўлишини таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий механизмни яратишни ҳам ўз ичига олади. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, айниқса янги ишчи кучи авлодини тайёрлаш нисбатан мустақил иқтисодий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат аҳолининг табиий ўсиши билан боғлиқ ҳаракатлар шаклида номоён бўлади. Шунга кўра ҳам, ишчи кучини такрор ҳосил қилишнинг асосида аҳолининг табиий кўпайиши бор.

Меҳнат ресурсларининг ўсиши, яъни ишчи кучининг кўпайиши аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик таркибига, таъминотиغا боғлиқ бўлади. Аҳоли таркибида ёшлар кўп бўлса, меҳнат ресурслари даражаси нисбатан тез ўсади. Агар ёши катта ёш бўлса, улар аҳоли сонининг салмоқли қисмини ташкил қилса, меҳнат ресурслари секин ўсади. Ёши



кексалар кўп бўлган сайин нисбатан меҳнат ресурслари умуман ўсмай қолиши, аксинча камайиб кетиши мумкин. Қайси жамиятда аҳоли ўсиши тез борса, шунга кўра ишчи кучи ҳам тез ўсади. Масалан, Ўзбекистонда ҳар йили ўртача 330 минг нафардан ортиқроқ янги фарзандлар туғилади. Бу йилига 2-2.5 фоиз ўсганлигини ифода этади. Шундай ҳудудлар борки, масалан Фарбий Европа мамлакатларида аҳоли туғилиш даражаси камайганлиги сабабидан ишчи кучи ҳам камайиб бормоқда. Уларнинг ўрнини бошқа мамлакатлардан келиб ишлаётганлар тўлдириб турмоқда. Ишчи кучи ресурсларининг сони ва сифати мамлакат аҳолисининг сони билан эмас, балки шу билан бирга ёши, жинси жиҳатидан ҳам белгиланади. Булар аҳолининг табиий ўсишига боғлиқ бўлади. Ўзбекистонда ишчи кучи ресурслари сони ўртача 12-13 млн. кишини ташкил этади. Шундан 70 фоиздан ортиги иқтисодиётда банд бўлган ишчилардир.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, уларнинг тўла ва самарали иш билан банд бўлиш муаммосини ҳам ўз ичига олади. Иш билан тўлиқ банд бўлишлик доимо ҳам бўлавермайди. Чунки ишсизликнинг маълум даражаси иқтисодиёт учун меъёрадаги ҳол ҳисобланади. Иккинчидан иш билан тўла банд бўлиш меҳнатга лаёқатли барча кишилар ишлаб чиқаришга жалб этилиши зарурлигини билдирмайди. Уларнинг бир қисми ўз оиласида хизмат кўрсатишга, болалар тарбияси билан шугулланишга, шунингдек хусусий корхоналар ва шахсий ёрдамчи ҳўжаликда меҳнат қилишга, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланишга йўналириши мумкин. Яна бир томони, иш билан тўла банд бўлиш унинг самарадорлиги билан, меҳнат ресурсларидан фоят оқилона фойдаланиш билан қўшиб олиб борилади. Иш билан самарали банд бўлиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ресурс тежам турига суянмоқ лозим. Бу муҳимдир. Буни ҳал қилиш иш жойлари миқдори ва сифати жиҳатдан мавжуд меҳнат ресурслари билан мувозанатлашган бўлишини таъминлашни, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириб боришнинг таъсирчан чораларини ярағишни, иш билан банд бўлиш шароитлари ва шаклларини хилма-хил қилишни тақозо этади.

Меҳнат ресурсларининг сифатли ўлчамлари ҳам мавжуд. Бу кишиларнинг билим даражаси, меҳнат малакаси ва иш тажрибасидан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш ўсган сари, унинг технологик даражаси ошиб боради. Бу меҳнат ресурслари сифатининг ортишига олиб келади. Эски меҳнат касблари ўрнига янги, жамият эҳтиёжлари билан боғланган меҳнат касблари пайдо бўлади. Биргина Ўзбекистон мисолида олсак, илгари кет мон чопиғи, ҳозир механизатор фаолияти билан алмашган. Касбий маҳоратга талаб ортиши билан касб турлари кўпаяди. Ўзбекистонда биргина кейинги 10 йил давомида минглаб касб-хунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди. Уларда юзлаб янги касблар ўрганилмоқда.

XXI-аср бошларида келиб ер юзида 20 мингга яқин касб бўлган. Касбларнинг янгилианиши билан меҳнатнинг унумдорлиги ўсиши таъминланади. Фан-техника тараққиётининг жадаллашуви ва ишлаб чиқаришнинг ресурсларидан тежам фойдаланишга суяниши, ишлаб турган корхоналардан иш кучини бўшатиб олиш ва уни қайта тақсимлаш

механизмига, ишчи кучини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касб танлаши тизимига таъсир кўрсатади. Мулкчиликнинг турли шакллари ривожланган бозор иқтисодиёти ишчи кучи ресурсларида янада самаралироқ фойдаланишга шароит яратади, уларни кам самарали соҳалардан бўшатиб кадрларга эҳтиёж бўлган юқори самарали тармоқлар ва бандоналарга қайта тақсимлайди.

Мамлакатларда ишчи кучи сонини қупайтириш биринчидан аҳоли сонининг тез ўсиб боришидан, иккинчидан мамлакатда мавжуд аҳолининг кўпчиллик миқдорини ёшлар ташкил этишидан, учинчидан меҳнатга яроқли бўлган ва доимий яшаш учун ёки вақтинчалик (2-3 йилга) яшаш учун келган чет эл фуқаролари ҳисобидан юзага келиши мумкин. Ишчи кучи миграцияси (кўчириш) бу бутун мамлакатлар фаолиятида мавжуд бўлиши мумкин. Ишчи кучи миграцияси-бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир мамлакат доирасида бир жойдан иккинчи жойга кўчишидир, яъни бир мамлакатдан иккинчи чет мамлакатга бориши демакдир. Бундай жараёнларнинг содир бўлиши ишлаб чиқаришнинг жойлашишидаги ўзгаришлар ва кишилар яшаш шароитлари туфайли юзага келади. Иш кучи миграцияси аҳоли миграциясининг энг муҳим таркибий қисмидир. Аҳоли миграцияси бу кишиларнинг ўз доимий яшаш жойларини ўзгартириш мақсадида бир мамлакат ҳудудидан иккинчи-бу мамлакат ҳудудига кўчиб ўтиш ёки яна аввалги жойига қайтиб келишидир. Аҳолининг кўчиши тарихида энг йирик ҳолатлар булар XIX-XX асрларда европаликларнинг оммавий равишда океан ортига кўчиб ўтиши бўлди. XX- аср бошларида Европа бўйича кўчиб ўтиш миқдори 19млн.га етди. Биргина 20 йил ичида, яъни 1918-1938 йилларда 9 млн. киши кўчиб ўтган. Ҳозирги пайтда эмиграция (кўчиб келиш) айниқса АҚШ, Канада, Австралия, Бразилия, Аргентина, Венесуэла, Исроил, Германия, Франция мамлакатларида содир бўлмоқда. Кўчиб кетиш Италия, Испания, Россия мамлакатларида айниқса сезиларли ҳолатда. Аҳолининг кўчиб кетиши ёки кўчиб келишида ўзига хос сабаблари бор. Булар биринчидан иқтисодий танглик деса, бу тўғри бўлади. Аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши асосан иш топиш, ҳамда ўзи ишлаб турган жойдагига нисбатан юқори даромад излаб кўчишадилар. Иккинчи сабаби шундаким, бу ижтимоий танглик. Иқтисодий-ижтимоий ривожланган мамлакатларда ижтимоий ҳаёт, яшаш тарзи фаровонлиги билан анча устунликка эга. Бундай мамлакатга кўчиб ўтган шахс албатта тўлиқ таъминотга эга бўлади, фаровон ҳаёт кечиради. Учунчидан, сиёсий аҳвол ҳам таъсир қилиши мумкин. Бунда турли хил камситишлар таъсири бор. Сиёсий таъқиблардан қочиш, ирқий, диний ва миллий камситишлар сабабли кўчишга мажбур бўлишади. Ниҳоят тўртинчидан ҳарбий вазиятдаги таъсир бўлиши мумкин. Бунда аҳолини бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчириш ва қайтариб олиб келишлар кўзда тутилади.

Аҳолининг кўчиб кетиши ёки кўчиб келишининг турли хил оқибатлари бор. Улар биринчидан кўчиш жараёни бошқариб борилиши аҳамиятлидир. Акс холда айрим шаҳарларда яшаш тиқислиги юзага келиши мумкин. Бу салбий оқибатлар билан яқунланади. Иккинчидан қишлоқда аҳолининг

камайиб қолиши юз беради. У ердаги ҳаёт издан чиқади. Учинчидан кучиб келган кишиларнинг янги иқтисодий, ижтимоий, маданий томонлардан муаммолар мавжуд бўлади. Баъзи ҳолларда иқлим шарт-шароитларига мослашиш билан боғлиқ мураккаб муаммоларни туғдириши мумкин. Санаб ўтилган муаммоларни бутунлай бартараф этиш имкони йўқ. Лекин кучиб келганлар учун нормал шароитлар яратиб бериши зарур бўлади. Бунинг имконини топиш мумкин. Шунга кўра давлат кучиб келувчилар ва кучиб кетувчилар учун қонун доирасида тегишли тадбирлар олиб боради. Шунга мос сиёсат юритади. Бу сиёсатлар қуйидагича изоҳланади. Биринчидан бу илгари чет мамлакатлардан кучиб келган аҳолини қайтариб юборишни рағбатлантириш. Иккинчидан, ривожланаётган мамлакатларга аҳолининг кучиб келишини рағбатлантириш. Учинчидан, йирик шаҳарларга аҳоли кучиб келишини чеклаш ҳам зарур бўлади. Тўртинчидан иш кучи бозордаги аҳволга боғлиқ ҳолда кучиб келишни чеклаш ёки аксинча уларни рағбатлантириш. Бешинчидан, кучиб келувчилар квотасини белгилаш ҳал этилади. Квота —бу лотин сўзидан олинган бўлиб у ҳисса, яъни иқтисодий фаолият соҳаларида келишув асосида ҳар бир иштрокчи улушини белгилаб олишдир.

Иш кучини халқаро миқёсида кучиб ўтиши ўзига хос ижтимоий, иқтисодий моҳиятга эга. Булар биринчидан кучиб ўтувчилар фаол армиясини тўлдирари, бақувват қилади. Кучиб келганлар макроиқтисодиёт тармоқларида ўз иш кучини қўллаш имконига эга бўлади. Иккинчидан кучиб келувчилар ривожланган мамлакатларда саноат ишчиси резерв армияси сафини тўлдирари. Учинчидан, кучиб келувчилар монопол фойдани таъминлаш воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади, чунки кучиб келувчилар монополиялар учун арзон ишчи кучи етиштириб беради. Тўртинчидан эса, ривожланган мамлакатларда кучиб келганлар иш ҳақи даражасининг камайишига таъсир кўрсатади. Ўзбекистондан Россия, Қозоқистон, Корея давлатларига бориб ишловчилар, булар маълум қисқа муддат билан кетишган. Улар борган мамлакатларининг фуқароси бўлиб қолаолмайди. Бунга давлатлараро шартномалар йўқ.

## 17.2. Ишсизлик, унинг турлари, сабаблари.

Ишсизлик бу бозорда меҳнат таклифининг унга бўлган талабдан, ортиб кетиши натижасида ишлашга қобилияти ва иштиёқи бор кишиларнинг бир қисмининг иш топа олмай бекор қолишидир.

Меҳнатга талаб билан унинг таклифи мутаносиб бўлмаганда ишсизлик юзага келади. Ишсизлик-бу умуман ишламаслик дегани эмас, балки ишлашга истаги бўла туриб, иш топа олмаслик. Ишсизлик бу меҳнатга қобилиятли кишиларга тегишли тушунча. Чунки ёш болалар, кексалар, ногиронлар ишламаслиги аниқ ҳолат. Шунингдек, меҳнатга қобилиятли бўла туриб ишлашга зарурият бўлмаганидан ишламай юриши ҳам ишсизлик эмас. Ишсизлик ишлашга бўлган талабнинг қондирилмай қолишидир. Меҳнатга яроқли ёш бу 16-59 ёшлар деб белгиланган. Бунини белгилашда

албатта асоси бор. Бунда киши организмнинг меҳнат қила олишига кучи, хаваси етарли. Ишсизлик меҳнатга бўлган бозор талабининг ўзгариб туришидир. Бу хол товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг ўзгаришидан келиб чиқади. Техника тараққиёти, машиналарни кўплаб ишлатиш иш кучига бўлган талабни қисқартиради. Бу меҳнат унумдорлигини оширади, озчилик меҳнати билан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Иқтисодиёт бир текисда ўсмайди. Иқтисодий турғунлик ва тушқунлик даврида меҳнатга талаб камайди. Чунки бундай вазият ишлаб чиқаришнинг қисқариши натижасида юзага келади. Иш ҳақининг оширилиши бу вазиятни ўзгартрмайди. Меҳнатга талабнинг мавсумий ўзгариши иш билан банд бўлганларнинг ишсиз қолишини билдиради. Масалан, қурувчилар учун ёзги фаслда иш кўпаяди, қишда эса уларга иш камайди. Иш ҳақи-бу меҳнат нархидир. Унинг ошиб кетиши меҳнатга талабни қисқартиради. Ишлаб чиқариш таркиби ўзгарганда айрим тармоқлар қисқариб, янгилари ўсиб боради.

Нормал даражадаги ишсизлик иқтисодиёт учун табиий ҳолатдир. Бунда ишламай турганлар меҳнат заҳираси ҳисобланади. Меҳнатга талаб ошганда бу эҳтиёж ишсизлар ҳисобидан қондирилади. Шунингдек, янги ерлар очганда ҳам ишсизлар иш билан таъминланади. Ишсизлик даражасининг ошиши натижасида иқтисодиёт ялпи миллий маҳсулот ҳажмини ололмайди. Шу сабабли мамлакат миқёсида ишсизликни унинг табиий даражасида сақлаш ва тартибга солиш иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан қанчалик юқори бўлса, ялпи миллий маҳсулот узулиши шунча кўп бўлади. Ишсизлик даражаси ва ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги миқдорий нисбатни инглиз иқтисодчиси Артур Оукен математик ҳолда исботлаб берган. Қонуннинг моҳияти, агар ҳақиқий ишсизлик ишсизликнинг табиий даражасидан бир фоизга ошиб кетса, миллий иқтисодиёт ялпи миллий маҳсулотни икки ярим фоизга кам яратади. Ушбу нисбат ишсизликнинг турли даражаларидаги маҳсулот йўқотишлари ҳажмини аниқлаш имконини беради. Ҳозир уларнинг коэффициенти 25 фоиздан 35 фоиз оралиғида деб ҳисоб қилинади. Ишсизликнинг табиий даражаси ўрта ҳисобда 6 фоиз атрофида ҳисобга олинади. Демак, 100 нафар ишга яроқли кишидан 6 таси ишсиз бўлиши бу нормал хол деб ҳисобланади.

Ишсизлик ўрта ҳисобдан АҚШда 7.1 фоиз, Канадада 7.5 фоиз, Японияда 2.2 фоиз, Германияда 5.5 фоиз, Францияда 9.5 фоиз, Италияда 11.3 фоиз, Бельгияда 9.0 фоизни таш қил эган. Ўзбекистонда ишга яроқли кишилардан миллиондан ортиғи ишсиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишсизлар даражасининг ортиб бориши табиий ҳолдир. Уларни иш билан таъминлаш масаласи асосан давлат зиммасига тушади.

Ишсизлик оқибатларини бир йўналишда баҳолаб бўлмайди. Унинг ҳам ижобий ва ҳам салбий томонлари бор. Ишсизлик хавфи кишиларни яхши ишлашга, меҳнат интизомини бузмасликка, меҳнат унумдорлигини оширишга, иш сифатини яхшилашга, ўз иш жойи қадрига етишликка бошқаради. Ишсизлик ишсиз юрганларни билим ва малакасини оширишга,

Ўз устида ишлашга, янги касбларни мукамал ўрганишга бошқаради. Иш кучидаги бундай сифатлар унинг иш билан банд бўлишига асос бўлади. Ишсизликнинг салбий томонлари ҳам бор. Масалан, меҳнат ресурсларининг бир қисми бекор қолиб, маҳсулот ва хизматларни яратишда қатнашмайди. Иккинчидан узоқ вақт мобайнида ишсиз юриш касбий малака ва тажрибани йўқотишга олиб келади. Ишсизларни боқиб ишлаётганлар зиммасига тушади. Уларга нафақа тулаш учун ишловчилар даромадидан кўпроқ солиқ олишга тўғри келади. Ишсизлар оилаларининг даромади пасайиб кетади. Уларга тегадиган нафақа унинг тирикчилигига етмай қолади. Улар ўзларини камситилган ҳис этиб, ўз келажагига ишончини йўқотади. Ишсизлик бозор иқтисодиёти учун бўлиши шарт бўлсада, у жамият учун иқтисодий, ижтимоий йўқотишдир. Шу сабабдан ҳам ишсизликни қисқартириш, ишсизларга ёрдам бериш масалаларида давлат фаол қатнашади.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов - «Барқарорлаштириш сиёсати, энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир» - деган эди.<sup>10</sup> Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиёт таркибий тизимнинг ўзгариши, йирик корхоналарнинг тўхтаб қолиши, хўжалик алоқаларининг узилиб қолиши, зарар кўриб ишловчи корхоналарнинг ёпилиши, ортиқча ишчи кучининг қисқаришига ва ишсизликнинг кўпайишига олиб келади. Шунингдек аҳолининг меҳнатга бандлиги даражаси пасаяди, оқибатда иқтисодиёт инқирозга юз тутаяди, ишлаб чиқариш кўлами ва даражаси тушиб кетади. Ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда иқтисодий беқарорликнинг кучайиши ишлаб чиқариш тушқунлигини кескинлаштиради. Бу ҳолатлар ишсизлик миқдорининг ошишига сабаб бўлади. Меҳнат бозори тушунчаси Ўзбекистонга мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ кириб келди. Шунга кўра ишсизлик яққол номоён бўлди ва у тан олинди.

Меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаганлар ишсизлар деб ҳисобланади. Ишсизликнинг бир қанча турлари бор. Улар биринчидан фриксион ишсизлик. Бу иш жойининг ўзгариши зарурияти туфайли, янги яшаш жойига кўчиб ўтиш натижасида ишдан бўшаб иш қидираётганлар ва вақтинчалик мавсумий ишини йўқотган ишсизлар киради. Эски ишдан кетиб янгисига жойлашиб олгунича бўлган даврда киши-лар вақтинча ишсиз қолади. Бу вақтнинг қисқа ёки узунлиги янги ишнинг топилишига боғлиқ бўлади. Фриксион ишсизлик таркибий ишсизлик деб номланувчи кўринишга ўтиши ҳам мумкин. Демак, ишсизликнинг иккинчи тури-бу таркибий ишсизлик. Бу ишсизлик ишлаб чиқаришда таркибий силжишлар туфайли пайдо бўладиган ишсизлик. Эҳтиёж юксалиб бориши билан айрим тармоқлар бунга жавоб бермай қўяди. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқариш қисқаради, меҳнатга бўлган талаб ҳам қисқаради. Айти пайтда янги тармоқлар ҳам пайдо бўлади. Натижада

<sup>10</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т. «Ўзбекистон»-1995, 197 бет

иш кучининг эски тармоқдан янгисига ўтиши юз беради. Ўртада пайдо буладиган ишсизлик — бу таркибий ишсизлик дейилади.

Ишсизликнинг учинчи яна бир тури, мавсумий ишсизлик. Бунда иш мавсуми тугагач олдин ишлаб турганларнинг бекор бўлиб қолишидир. Бу мавсумий ишлаб чиқаришга, масалан қишлоқ хўжалиги, қурилиш, туризм, ёзги ёки қишки дам олиш соҳаларига хос бўлади. Ишсизликнинг яна бир кўриниши, бу тўртинчидан яширин ишсизлик, бунда, расман иш билан банд бўла туриб қисман ишлайдиганлар, яъни қисқартирилган иш куни ёки иш ҳафтасида банд бўлганлар. Ўз ихтиёридан қаятий назар кам ҳақ тўланадиган ёки умуман ҳақ берилмайдиган маълум муҳлатдаги меҳнат таътилига чиқарилганлардан иборат бўлади. Ишсизликнинг яна бир кўриниши — бу бешинчидан циклик ишсизлик. Бу ишсизлик ишлаб чиқариш инқирозга йўлиққан кезларда меҳнатга умумий талабнинг қисқариши натижасида ишсиз қолишни билдиради. Бу ишсизлик бошқа ишсизликлар туридан фарқ қилади. Фарқи шундаким, бунда ишсизлик умумий ва оммавий бўлади. Бунда ишсизлар кўпчиликини ташкил қилади. Лекин бу ҳолат доимий эмас балки ўткинчидир. Чунки ишлаб чиқариш тангликдан чиқиб юксалиб кетгач, бу ишсизлик йўқолади, яъни ишсизлар иш билан таъминланадилар.

Ишсизликнинг ихтиёрий, муассасавий, технологик ва ҳудудий, тургун кўринишлари ҳам мавжуд. Булардан ихтиёрий ишсизлик — бу табиий ишсизлик тури бўлиб, бунда меҳнатга лаёқатли кишиларнинг меҳнат фаолиятдан ўз хоҳиши бўйича четлашган, яъни ишлашни хоҳламайдиган қисми тушунилади. Муассасавий ишсизлик ҳам табиий ишсизликнинг яна бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Бу ишсизликни ишчи кучи бозори инфратузилмаси амал қилиши ҳамда бу бозорда талаб ва таклифни ўзгартирувчи омиллар келтириб чиқаради. Технологик ва ҳудудий ишсизликлар мажбурий ишсизликлар ҳисобланади. Масалан, технологик ишсизлик — бу ишлаб чиқаришнинг амал қилишида технологик усуллар бир-бирининг ўрнига кириб келиши билан бирга боради. Ишлаб чиқаришга механизациянинг, автоматлаштиришнинг, роботлаштиришнинг, ахборот технологиясининг жорий этилиши —бу ишсизликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳудудий ишсизлик эса, тарихий, демографик, маданий, миллий ва ижтимоий-психологик хусусиятлардаги бир қатор омиллар билан боғлиқдир. Ниҳоят тургун ишсизлик —бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш жойини йўқотган, ишсизлик бўйича нафақа олишдан маҳрум бўлган ва фаол меҳнат фаолиятига ҳеч қандай қизиқиши бўлмаган кишилардир. Ишсизлар даражаси ишсизлар сонининг ишчи кучи умумий сонига фоиздаги нисбатиدير. Ишсизлик даражаси -бу ишсизликнинг миқдорий ўлчамидир. Фрикцион ва таркибий ишсизлик доимо бўлиб туради ва шунга қараб ишсизлик қандайлиги аниқланади. Ишсизликнинг меъёрий чегараси бор. Ишсизликнинг оқибати жиддийдир. Ишсизликдан киши изтироб кўриши мумкин. Чунки унинг тирикчилиги топган даромадидан юзага келади. Ишламаган кишининг тайин, яъни ишончли даромади бўлмайди. Аждодларимиздан, авлодларимиздан бир тарихий тушунча бизгача сақланиб келган. Бу «ишламаган - тишламайди». Бунда ҳам ҳаётий ҳақиқат бор.

### 17.3. Бандлик, уни ўстириш муаммолари, ечимлари.

Мамлакатда яшаб турган барча инсонлар тирикчилигини таъминлашга старли миқдорда янги қиймат яратилмоғи лозим. Акс ҳолда очарчилик, иқтисодиётда номувозанатлилик, жамиятда носоғлом муносабатлар юзага келади. Мавжуд булган кишиларнинг барчаси истеъмол қилади. Уларнинг ёши, миллати, элатидан қатъий назар. Шунга қўра жамият олдида энг йирик ва муҳим масала жами талаб асосида ишлаб чиқаришни яратиш ва ундан самарали фойдаланиш зарур. Бундай катта муаммолар ечимида меҳнатга яроқли барча кишиларнинг унумли меҳнатга тортилиши лозим. Меҳнатга яроқли ҳолда бирон-бир иш билан шугулланмаслик бошқалар ҳисобида яшамоқ бўлади. Аждод-авлодларимиздан бизгача етиб келган халқ мақоли бор. «Меҳнатга яроқли бўлиб, ишлашга имкони-шароити бўлиб ишламаган фарзандни боқиш, ота-она учун ўғрини боқишдир» - дейилган. Ҳар бир халқ мақоли – бу кишилар яшаш тарзидан олинган хулосавий фикрлардир. Иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ўсиши аҳолининг меҳнатда тўла бандлигига ишсизлик ва унинг даражасига, нархларнинг ўсишига, яъни инфляциянинг ва бошқа жараёнларга узвий боғлиқ бўлади, уларнинг турли хил таъсирлари сабабидан ўзгариб туради. Шунга қўра энг аввало аҳолининг меҳнатда тўла ва самарали банд бўлишлигини таъминлаш зарур. Ўзбекистонда мустақиллик галабаси ишчиларнинг, яъни умуман меҳнат қилувчиларнинг қанчалик даражада бандлиги масаласига жиддий эътибор билан уни таҳлил қилиш, муаммоларининг ечимини топиш каби заруриятларга, имкониятларга қаратилди. У ҳозир ҳам мукамал давом этмоқда. Мустақилликнинг ўтган даврларида бандлик муаммолари билан ва унинг ечими билан тарихий ишлар қилинди. Юзлаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатиш тармоқлари барпо этилди. Кўплаб чет эл давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди, минглаб қўшма корхоналар, нодавлат корхона-ташкилотлар юзага келтирилди. Ер ости бойликларни қазиб олиш ишлари йўлга қўйилди. Бандликни таъминлашда Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш ва уни тасарруф этиш иқтисодий-сиёсий тadbир амалга оширилди. Масалан, 1994 йилда жами корхоналарнинг 57.7 фоизи давлатга тегишли корхона бўлмаган бўлса, 2001 йилга келиб 87.7 фоизи давлатга тегишли бўлмади. Мулк ўз эгалари, яъни аҳоли қўлига хусусийлаштирилиб берилди. Шунга қўра, 2001 йилда банд бўлганларнинг 76.6 фоизидан ортиғи иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган соҳаларида меҳнат қилдилар. Ўша йили 76.0 фоиз банд бўлганлардан, меҳнат қилганлар нодавлат корхоналарга тегишли булган. Ўзбекистонда нодавлат секторидида ишлаганлар халқ ҳўжалигида банд булганлардан 1993 йилда 48 фоизини, 1995 йилда 70 фоизини, 2001 йилда эса аввал айтганимиздек 76 фоизини ташкил этди. Аҳолининг меҳнатга самарали бандлиги –бу мамлакат имконияти ва иқтисодий фаравонлиги калитидир. Аҳолининг меҳнатга бандлиги, ишсизликнинг муаммолари унинг олдини олиш, бартараф қилиш каби иқтисодий йўналишдаги фикрлар, мулоҳазалар ўтган иқтисодчи олимлар эътиборида ҳам кўриб

чиқилган. Улардан Адам Смит, Сей, Маршалл, Кейнс, Самуэлсон, Оукен ва бошқаларнинг хулосалари бор. Шулар асосида фанда бандлик назарияси яратилган. Буларнинг фикрича, яъни классик тарафдорлари эркин бозор иқтисодиётида ҳаракат қилувчи куч бандликнинг асосини ташкил этади.

Кейнс — соф капитализм учун ишсизлик бўлиши муқаррар деб тушунди. У ва унинг тарафдорлари аҳолининг тўла бандлигини таъминлаш учун бозор иқтисодиёти шароитида давлат сармоялар сарфлаши зарур деб ҳисоблайдилар. Масалан, 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозидан чиқиш учун кўп мамлакатларда, жумладан АҚШда давлат салмоқли сармоялар сарфлаган. Кейнс назарияси иқтисодий турғунлик даврларидан бошлаб АҚШ макроиқтисодиётининг асосий назариясига айланган. Ҳозирги даврдаги макроиқтисодиёт ҳам худди шу назариянинг такомиллаштирилиши асосида яратилган. Бу назария макроиқтисодиётнинг барча соҳалари билан боғлиқ. Ишчи кучи макроиқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида ишлатилиши назарга олинган. Тарихда XIX аср ва XX аср бошлари «буюк турғунлик» йиллари деб тан олинган.

Ж.Кейнс 1936 йилда иқтисодиётда янги назария, яъни иш билан бандлик назариясини яратди. У ўзининг «Пул, фоиз ва иш билан бандликнинг умумий назарияси» асарида классик назариядаги айрим хато фикрларни танқид қилди. Ўзининг мукаммал илмий гоёларини илгари сурди. Унинг хулосалари ҳозирги замон иш билан бандлик иқтисодий назария учун биринчи илмий пойдевор бўлди. Унинг фикрича жами талаб ва жами таклифнинг макроиқтисодий даражада мос келмаслиги уларнинг ўзаро узилишига олиб келади, оқибатда инфляция ва ишсизлик пайдо бўлади. Демак, Кейнс таълимотлари иш билан тўла бандлик, иқтисодий усиш учун асосий масала бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов - «... кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳли фаравонлиги ва даромадлари ортишида ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим» - деб кўрсатиб ўтди.<sup>11</sup> Бугун иш билан бандлик масаласи Республикада энг долзарб иқтисодий муаммо ҳисобланади. Бунинг ечими учун қатор тадбирлар белгиланган. Булардан биринчиси, яқка тадбиркорликни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш. Бунда айниқса қишлоқ хўжалик хом - ашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмол молларини, маҳаллий хом - ашёдан қурилиш материаллари тайёрловчи хусусий кичик қорхоналарни фаол ривожлантиришни рағбатлантириш аз қотади. Ўзбекистонда қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги масалалари долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Қурилган тадбирлар натижасида тадбиркорлар сони 4 млн. га яқин борди. Иш билан банд бўлганларнинг ярмидан ортиғи тадбиркорлардир. Тадбиркорлик фаолиятлари такомиллаштирилиб борилмоқда.

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасининг турлари ва ҳажмини кенгайтириш ҳам зарур ҳисобланади. Шунингдек қурилиш, ижтимоий

<sup>11</sup> Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт- пировард мақсадимиз» Т. «Ўзбекистон» - 2000 й. 17 бет.



соҳалар бўйича ҳам иш ҳажми ва сифатини ўстириш белгиланилди. Бунда айниқса қишлоқ шароитида яшаётганларга эътибор кучайтирилади.

Учинчидан, қишлоқда ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги ишлаб чиқариш корхоналарини, хизматларни кўпайтириш ҳисобида янги иш ўринларини очиш кенг авж олдирилади. Бу тадбирларнинг амалда бажарилиши давом этмоқда. Айниқса ёшлар учун иш шароитларини кенгайтириш қурилиш тармоғини кун талабига мослаб олиб бориш, касб-хунар, академик лицейларнинг кенг қўламда барпо этилаётганлиги бу тадбирлар ижросидир. Тўртинчидан эса, ишдан бўшаган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни ташкил этишни тубдан янгилаш белгиланган. Бунда ишдан бўшаётган ва ихтисоси бўлмаган шахсларга қисқа даврда, бозор иқтисодиётига ҳамда иқтисодиётнинг ўзгариб бораётган тузилишига мувофиқ келувчи касб-корни ўргатишга эътибор берилган. Бунинг ижросини таъминлаш учун махсус маслаҳат ва ўқув марказлари, бизнес мактабларнинг кенг тармоғини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Бешинчидан, вақтинча ишга жойлаштириш имкони бўлмаган меҳнатга яроқли аҳолини давлат томонидан ишончли равишда ижтимоий ҳимоялаш белгиланган. Аҳолининг иш билан бандлиги кўплаб муаммоларни ечишни тақоза этади. Бунда дастлаб меҳнатга яроқли кишилар ўз қобилиятларини ишга солиш, ўз эҳтиёжларини қондириш учун дастлабки тенг имкониятларни таъминловчи давлат ва бозор механизмини вужудга келтириш, ишчи кучини унумли ва самарали иш билан банд қилиш, зарур ҳолларда ишчи кучини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш каби масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Бандлик, миқдорий жиҳатдан тўла бўлмаган, сифат жиҳатидан оқилона ва нооқилона кўринишда бўлади. Банд бўлиш товар ва хизматлар яратиш орқали даромад топиш воситасидир. Тўла бандлик, бу белгиланган иш соатининг тўла бандлигидир. Масалан, иш куни етти соат, иш ҳафтаси беш кун бўлса, бир ойда йигирма икки иш куни бўлса, жами бир юз эллик тўрт соат ишланганда ва шунга тегишли ҳақ олганда тўла бандлик мавжуд бўлади. Агар кунига беш соат, ҳафтасига тўрт кун, бир ойда саксон соат ишланса бу тўла бўлмаган иш куни ҳисобланади.

Оқилона бандлик бу юксак меҳнат унумдорлиги ва шунга биноан юқори даромад келтирадиган ва ишловчининг меҳнатдан қониққилини таъминловчи бандлик бўлади. Нооқилона бандлик юксак технологияга таянган иш жойида бўлади. Нооқилона бандлик меҳнатга унумдорлиги паст, иш ҳақи кам ва ишловчи ўз меҳнатида қониқмайдиган иш жойидаги бандликдир. Бундай бандлик бор жойда технология юқори бўлмайди. Бундай шароитда малакаси ва иш тажрибаси кам кишиларнинг ишлаши талаб қилинади. Бандлик унинг меҳнат қилувчи учун аҳамиятига қараб бирламчи ва иккиламчи бандликка бўлинади. Бирламчи бандлик бу асосан иш билан, яъни даромаднинг асосий қисмини берувчи иш билан банд бўлишдир. Иккиламчи бандлик эса бу қўшимча иш билан, яъни қўшимча даромад берувчи иш билан банд бўлишдир.

Бандликнинг табиий даражаси ҳам мавжуд. Бундай бандлик даражаси бу меҳнатнинг қандай қисмини иш билан таъминланишини билдиради. Бу

мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига ва иқтисодий аҳолига боғлиқ бўлади, иқтисодий ривожланаётган мамлакатларнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 94 фоизи банд бўлса, бу ҳолат бандликнинг табиий чегараси деб англанади. Иқтисоди заиф мамлакатларда эса, бандлик даражаси паст бўлади. Бундай мамлакатларда бандлик даражасини кўтариш учун уларда етарли миқдорда пул етишмайди. Бандлик масаласи, масалан Ўзбекистон Республикасида ҳам жиддий муаммога айланган. Ўзбекистонда мавжуд бўлган ер ости, ер усти бойликлардан фойдаланишни ишга солиш масаласида, шунга ҳос технология, малака каби зарурий имкониятлар тўлиқ эмас. Сабаби шундаким, Ўзбекистонда меҳнат ресурслари тез ўсгани ҳолда меҳнат таклифи ҳам ўсади. Бу муаммо Ўзбекистонда арзон иш ўринларини ўрта ва кичик корхоналарда фермер ва деҳқон хўжаликларда яратиш, ўзини-ўзи яқка тартибда иш билан таъминлашни рағбатлантириш орқали ҳал қилинади. Яқин ўн йилликлар даврида Ўзбекистонда бандлик даражаси ниҳоят ўсиб боради. Бунга иқтисодий, эҳтиёжий асослар бор.

### Асосий таянч тушунчалар.

**Меҳнат бозори** — бу иш кучини олди-сотди қилиш юзасидан ишга талабгорлар билан иш берувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардир.

**Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш** — бу инсоннинг жисмоний, ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаш ва таъминлаб бериш, меҳнат малакасини янгилаб, ошириб боришдир.

**Бандлик** — бу иш билан таъминланганларнинг умумий ишчи кучи сонига улуши. Бандлик меҳнат қобилиятига эга бўлган ва меҳнат қилишга иштиёқли бор кишиларнинг ишга жойлашиб фойдали меҳнат билан машғул бўлишларидир.

**Бандликнинг табиий даражаси** — бу меҳнатнинг қандай қисмининг иш билан таъминланганлиги.

**Бирламчи бандлик** — бу асосий иш билан тўлиқ таъминланганлиги.

**Иккиламчи бандлик** — қўшимча иш билан банд бўлиш.

**Ишсизлик** — бу меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаган ишчи кучи.

**Фрикцион ишсизлик** — бу ишдан бўшаб қолиб, малакасига мос иш қидираётган ва иш ўринларини бўшагини кутаётган ишсиз.

**Таркибий ишсизлик** — бу ишлаб чиқариш ва ялпи талаб таркибидаги ўзгаришлар натижасида вужудга келадиган ишсизлик.

**Циклик ишсизлик** — иқтисодий циклниң инқироз фазаси билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ишсизлик.

**Ишсизлар даражаси** — ишсизлар сонини ишчи кучи умумий сонига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Оукен қонуни** — бу ишсизлик даражаси ва ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг орқанда қолиши ўртасидаги нисбатнинг математик ифодасидир.

**Мавсумий ишсизлик** — мавсумий ишда банд бўлганларнинг мавсум тугагач ишсиз қолиши.

## **ХVIII. БОБ. МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ**

Ушбу бобда молия тизими ва унинг иш фаолияти туғрисида илмий, амалий, назорат фикрлар, тушунчалар баён этилади. Молия нима, унинг вазифаси, моҳияти, молия тизими. Миллий иқтисодиётда молиянинг ўрни. Молиявий муносабатларнинг объекти ва субъекти. Миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда молия. Давлат бюджети. Унинг кирим ва чиқим томонлари. Бюджет тақчиллиги ва унинг иқтисодиётга таъсири. Солиқлар ва солиқ тизими. Солиқ тизимининг вазифалари, турлари. Бозор иқтисодиёти шароитида молия сиёсати. Иқтисодиётнинг реал ва молия сектори. Молия бозори. Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштириш. Давлат даромадлари ва харажатлари. Микромолия, макромолия, метамолия. Молия тизимида маҳаллий молиянинг роли. Молия лизинги.

### **18.1. Молия ва унинг зарурлиги.**

Молия, кредит ва пул муомаласи хужалик механизмнинг, иқтисодий жараёнларининг муҳим қуроли ва мамлакат иқтисодиёти фаолиятида самарадорликни ошириш воситаларидир. Улар ўзаро иқтисодий алоқаларнинг анча қисмига ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларига воситачилик қилади. Давлат мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётини тезлаштиришга, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга, корхоналарнинг хужалик мустақиллигини кенгайтиришга ва иқтисодий маъсулиятини оширишга молиявий механизмнинг таъсирини кучайтириш учун фаол молиявий сиёсат юритади. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида барча фаолият курсатадиган корхоналарда пул маблағлари аралашуви содир бўлади. Шу муносабат билан уларнинг яратилиши ва сарфланиши жараёнини тартибга олиш зарур бўлади. Демак, пул ресурсларини ҳосил этиш, уларни жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар молия дейилади.

Молия бу асосан пул муносабатларидир. Лекин унинг ривожланиши ишлаб чиқариш жараёнидан боғлиқ бўлади. Пул маблағларини топиш, унинг тақсимланиши ва қайси мақсадларда ҳамда қандай усуллар билан ишлатилиши молия тизимини ташкил этади. Молиянинг объекти пул маблағлари бўлса, унинг субъекти фирма, жамоат ташкилотлари, давлат идоралари, ҳар хил муассасалар, турли оилалар ва айрим шахслар бўлади. Булар пул муомалалари билан муносабат билдирадилар, молиявий ҳаракатларга аралашадилар. Ишлаб чиқариш қаерда бўлмасин, барибир молияни юзага келтиради. Дастлаб маҳсулотлар ва хизматлар тақсимланади, кейин истеъмолга ўтади. Улар қиймат шаклида тақсимланганда дастлаб турли мақсадларни мўлжаллаган пул ресурслари ҳосил бўлади. Кейин улар товарларга айрибошланади ва истеъмол қилинади.

Масалан, қиймат шаклидаги маҳсулот тақсимланганда уни яратиш учун сарфланган меҳнат қуроллари қийматини ифодаловчи қисм амортизация фонди шаклига киради. Бу эса молиявий ресурсга айланади ва йиғилиб боради. Ушбу йиғилган жамғармага янгидан машиналар сотиб олиниб эскирганлари ўрнига тикланади. Умумжамият эҳтиёжлари давлат йўли билан кондирилади. Булар жумласига атроф муҳитни ҳимоя қилиш, мудофаа ижтимоий тартибни сақлаш, бир қатор номоддий соҳаларни пул билан таъминлаш, аҳолининг ночор қатламларини боқиш ва бошқалар киради.

Молия тушунчасининг кўпинча пул билан бир хил тушунишади. Бу унчалик тўғри билмдонлик эмас. Молиянинг юзага келиши XV-XVIII асрларда Италия шаҳрида савдо фаолияти йўналишида пайдо бўлган. Масалан, «Finis» сўзи лотинча бўлиб, унинг ўзбекча маъноси бу охириги, якуний, финиш деган мазмундадир. Кейинчалик бу сўз «Finansta» сўзи яъни финанси – хазина тушунчалари ишлатила бошланди. Вақт ўтиши билан бу сўз давлат пул маблағлари фондини ташкил этиш борасида аҳоли билан давлат ўртасидаги пул муносабатлари тизими билан боғлиқ тушунча сифатида фойдаланила бошланди. Бу сўз биринчидан икки субъект ўртасидаги пул муносабатларини ақс эттиради. Иккинчидан, бу муносабатлар жараёнида субъектлар ҳар хил ҳуқуққа эга бўлганлар. Улардан давлат алоҳида ҳуқуққа эга. Учинчидан, бу муносабатлар жараёнида пул маблағларидан умумдавлат фонди, яъни бюджет – инглизча давлатнинг ҳалтаси шакланган. Бундай муносабатлар фонд мазмунини англатади. Тўртинчидан маблағларнинг бюджетга узлуксиз келиб туришини солиқлар, тўловлар ва давлатнинг бошқа мажбурий тўловларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Хулоса қилганда молиянинг давлат томонидан юзага келтирилганлиги англанади. Давлат бу молиявий имкониятлари орқали иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий эҳтиёжларининг таъминланишини бошқаради.

Молиянинг юзага келишида ўзига хос талаблар, шароитлар зарур бўлади. Биринчидан, марказий Европада пул маблағларидан умумдавлат фонди юзага келган. Бу бюджет тушунчасида давлат бошқарувида фаолият кўрсатган. Бунда давлат бошлиги ўзи бюджетни хоҳлаганича тақсимлай олмайди. Иккинчи шарт- бюджетнинг шаклланиши ва ишлатилиши доимийликни олади. Бу дегани унинг маълум таркиби, қонун билан мустақамланган давлат даромадлари ва харажатлари тизими вужудга келади. Учинчи шарт шундан иборатким, бунда пул шаклидаги солиқлар асосий тушунчани белгилайди. Бу илгариги тартибдан фарқ қилади. Илгари давлат даромадлари асосан натурал тўловларига ва меҳнатни бўйсундириш шаклида бўлган. Шу тариқа давлатнинг ривожланиши ва пул муносабатларининг бу босқичларида яратилган маҳсулотини қиймат шаклида тақсимлаш мумкин бўлган. Тақсимлаш муносабатлари жамият иқтисодий муносабатларининг бир қисми ва молия бу иқтисодий муносабатларнинг соҳаси сифатида иқтисодий категориядир. Молия ривожланишининг икки асосий босқичи бор. Булардан биринчи босқич,

Бу молиянинг ривожланмаган босқичи. Бу босқич унумсиз босқичдир. Бунда пул маблағларининг асосий қисми, яъни учдан икки қисми ҳаражат мақсадларга сарфланган ва амалда иқтисодиётга деярли таъсир курсатмайдиган қисми. Шунга қура бунда битта бугин фаолияти намоеъндир. Иккинчи босқичда эса молиявий бугинларнинг куплиги мавжуд. Бу босқичда молия ижтимоий такрор ишлаб чиқаришга, яъни моддий неъматлар, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш муносабатларига бевосита таъсир курсатишни муҳим қуролига айланади.

Хўжаликни юритиш асосан пул воситасида юзага келиши эътиборга олиниб иқтисодий ривожланиш жараёндари вужудга келтирилади. Улар пул воситасида турли хил узаро боғлиқ ҳолатларни ҳал этадилар. Масалан, такрор ишлаб чиқаришнинг бир босқичидан бошқасига ўтилишида ҳам маълум бир мақсадга қаратилган ижтимоий фондлар барпо этилади. Бундай фондлар ўз навбатида иқтисодий ривожланишнинг узлуксиз давом этишини ва унинг кенгайтирилшини таъминлайди. Ялпи миллий маҳсулотни яратиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида пул мустақил ҳаракат қилиб, турли хўжалик юритувчи бугинлар, уй-хўжаликлари ва давлатнинг пул маблағлари фондини ташкил қилади. Пул фондлари ҳосил бўлиш манбалари ва амал қилиш хусусияти мақсадлари ва фойдаланиш усулларига қараб молия ва кредит шакллари тусини олади. Молиявий муносабатлар куп қиррали бўлиб, улар иқтисодий муносабатларнинг муҳим соҳасини ташкил қилади. Демак, молия иқтисодий категория сифатида пул маблағларидан фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизимидир. Унинг воситасида турли даражада пул маблағлари фондлари вужудга келтирилади. Улар такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида тақсимланади. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида Ўзбекистонда умумиқтисодий барқарорликка эришиш, молиявий барқарорликни таъминлаш зарурий эҳтиёждир. Ўзбекистонда молиявий барқарорликлар табиий ресурсларни қайта тиклаш имкониятини яратишга боғланган. Ер ости бойликлари, сув ва қайта тикланмайдиган бошқа ресурсларга тўлов ўрнатиш ҳам молиявий бақувватликни юзага келтиради.

Ҳар бир давлат жамиятни бошқаришда ўзининг ижтимоий ҳаётдан келиб чиққан ҳолда ўз молиясини бошқариш сиёсатига эга бўлади. Молиявий сиёсат — бу мамлакатдаги иқтисодий сиёсатнинг маблағлардан фойдаланиш бўйича давлат тadbирларини бирлаштирувчи соҳадир. Давлатнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга ва жамият ҳаётининг турли томонларига молиявий таъсир этиш характери ва қўлами. Унинг ижтимоий — иқтисодий тузуми ва фаолиятнинг тарихий шароитига боғлиқ. Мамлакатда молия фаолияти давлат назорати тартибида бошқарилади. Давлат молиявий имкониятларини ҳам яратишда, ҳам тақсимлашда, ҳам ундан фойдаланишда сергаклик билан назорат олиб боради. Энг асосий ва муаммо бўлган томони молиявий ресурсларни яратишдир. Мамлакат молиянинг барқарорлиги меҳнатнинг унумдор, самарали ташкил этилишидан, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувидан, кадрлар яъни ишчи ходимлар ўқувидан,


малакавий билимдонлигидан, импорт, экспорт жараёнларида соф экспортнинг ошиб боришидан, умуман бошқарув сифатидан боғлиқ бўлади. Молиявий барқарорлик - бу яратилган пул маблағларидан тўғри фойдаланишдангина боғлиқ булмасдан, балки шу пуллар манбаини яратишни тўғри ташкил этишдан ҳам боғлиқдир.

Мамлакат молияси ва унинг маҳаллий тармоқлари ўртасидаги тўғри боғланишларни ташкил этилиши ҳам молиявий маблағлар самарасини яратиб беради. Бу жараёнларни тулиқ ва тўғри бошқариш молия истеъмолини оширади. Молиявий фаолиятда олиб бориладиган ҳисоб ишлари, унинг тўғри юритилиши мамлакат молиясининг рентабеллигини яъни фойдали ҳолатини бақувватлашга хизмат қилади. Молия бу давлатнинг барча йўналишлардаги бошқариш қуролидир, бу халқ фаровонлигидир.

## 18.2. Иқтисодиётда маҳсулотлар, хизматлар ва пулнинг айланма ҳаракатлари

Макроиқтисодиёт таркибида маҳсулотлар ва хизматлар ҳаракати таркиб топган. Шунингдек уларнинг ҳисобларини ойдинлаштиришда, ҳаракатларининг юзага келишига имкон яратувчи пул ҳаракатлари ҳам улар билан бирга макроиқтисодий жараённи ифода этади. Иқтисодиётдаги моддий шакллардаги товарлар ва номоддий шаклдаги хизматларнинг яратилишидан бошлаб, то улар истеъмол этилишига қадар булган жараён иқтисодиётнинг реал секторидан юз беради. Реал сектор хилма-хил маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш бўлганидан у иқтисодиётнинг асосий сектори таянч нуқтаси ҳисобланади. Бу ерда яратилган барча неъматлар айрибошланади, шунингдек у тақсимланади ва истеъмол этилади. Бундай ҳаракат узлуксиз юз беради. Демак, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш давом этаверади.

Бозор иқтисодиёти шароитида реал айланмага пул хизмат қилади. Пулнинг айланиши реал айланманинг борлиги учун мавжуддир. Пул сектори кенг маънода молия алоқаларидир. Шу сабабли бу сектор таркибан молия ва кредитни ўз ичига олади. Агар реал секторда маҳсулот ва хизматларнинг айланма ҳаракати юз берса, молия секторидан шунга мувофиқ равишда пулнинг айланма ҳаракати ҳосил бўлади. Пул айланмаси унинг бир иқтисодий субъектдан бошқа иқтисодий субъектга ўтиб туришини билдиради. Бу дегани пул хонадонлар, фирмалар ва давлат идоралари ўртасида айланиб туради — демакдир. Иқтисодий субъектлар ўртасида алоқа юз берганда пулнинг олди — бердиси ташкил топади. Реал ва молия секторидан айланмасининг яхлитли макроиқтисодий жараённинг давом этишлигини ифода этади.



Давлат, хонадон, фирма  
— реал айланма — пул айланмаси

Давлат, хонадон, фирма ўртасида реал айланма билан пул айланмаси қарама – қарши ҳаракат қилади.

Демак, ҳам реал, ҳам пул айланмасида иқтисодиёт иштирокчиларининг барчаси қатнашади, ўзаро иқтисодий алоқаларда бўлади. Улар бир – бирига ресурслар ёки товарлар бериб, уларнинг пулини олади ва уни қайтадан айланмага киритади.

Молия сектори реал секторга боғлиқ бўлгани ҳолда у нисбий мустақилликга эга. Шунга кўра у автономдир. Молия секторидagi пул ресурслари талабдан ортиқча бўлиб захира ҳосил этиши ва вақтинча айланмага кирмай туриши ҳам мумкин. Пулга қўшимча талаб пайдо бўлганда у захирадан чиқиб айланмага киради ва реал секторга хизмат қилади. Пулга талабнинг кондирилиши реал сектордаги ишлаб чиқаришни кенгайтиради. Шунингдек бу ердаги айланмани тезлаштиради. Чунки қўшимча пул туфайли ишлаб чиқариш ўсади. Реал ва молия секторлари ўртасида номувофиқлик бўлганда инфляция, молиявий инқироз сингари кўнгилсиз ҳодисалар юз беради.

Молиявий ресурслар иттифоқ шароитида давлат монополиясида бўлган, унинг қаттиқ назоратида ишлатилган. Улар давлат корхоналари ва ташкилотлари қўлида ва асосан давлат бюджетида тўпланган ва тақсимланган. Шунга кўра молиявий алоқалар чекланган. Уни давлат ўз қолипида ишлатган. Барқарор иқтисодий тараққиёт учун молия маблағларининг эркин ҳаракати зарур. Бундай эркинлик фақат молия бозори шароитида бўлиши мумкин бўлади. Молия бозори халқаро ва миллий хўжалик доирасида пул маблағлари эркин ҳаракатининг махсус шаклидир. Унинг таркибида қимматбаҳо қоғозлар бозори ва қарзга бериладиган пул бозоридан иборат ўлади. Қарз пули ҳам турлича бўлади. У биринчидан пулни ишлатиб даромад топишни кўзлайди. Бунда пул капитал шаклида ҳаракат қилади. Иккинчидан эса, пул шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилади. У оддий тўлов ёки харид воситаси ўрнида намоён бўлади.

Молия бозорида субъектлар икки гуруҳда, пул билан муносабатлар олиб борадилар. Бунда, биринчиси, булар пул эгалари ёки уни сақлаб турувчилар. Бу гуруҳга аҳоли, фирма, уюшмалар ва давлат муассасалари киради. Иккинчи гуруҳга пулга муҳтож бўлган субъектлар киради. Буларнинг таркиби ҳам пул эгалари каби бўлади. Ҳар иккала субъектлар орасидаги эркин пул муомаласи, яъни унинг олди – берди этилиши молиявий бозорни билдиради. Бу бозордаги субъектлар ўртасидаги муносабатлар ҳар икки томон учун манфаатли бўлгандагина бу юзага келади. Мана шу муносабатларнинг объекти бу пул маблағларидир. Улар ўз эгалари қўлида вақтинча бўш тургани ҳолда, улар бошқалар учун зарур бўлади. Шундай бўлиши аниқ, чунки жамиятдаги пул оқимлари, яъни пулнинг келиб тушиши ва сарфланиши бир вақтда юз бермайди. Масалан, фуқаронинг келажакда, яъни кексайганида ишлатиши учун 10 минг доллар пули бор. Пулни у банкда сақлайди. Айни вақтда фермер хўжалигига 10 минг доллар пул зарур. Фуқаро банкга қўйган, вақтинча бўш турган мана шу 10 минг доллар пул фермер учун молия ресурсини ташкил этади. Лекин фермер

ушбу пулни вақтинча олиб фойдаланиши учун, у молия бозорида қатнашиши лозим.

Молия бозори иштирокчилари мулк эгаси сифатида ўз бойлигига билганича ўзлари эгаллик қила оладилар. Шу сабабли улар пул юзасидан эркин битимга келадилар. Молия бозорида пулга қимматбаҳо қоғозлар, яъни облигациялар ва акциялар сотиб олинади. Молия бозорида вексел ва сертификат каби ҳужжатлар ҳам пул сингари муомалала бўлади. Улар ҳам олди – сотди қилинади. Молия бозори амалиётда тижорат банклари, суғурта инвестиция, молия компаниялари, фонд биржалари, аукционлар орқали фаолият кўрсатади. Молия бозоридаги жараёнлар махсус воситачилар ўзига хос долларлар ва брокерлар фирмалари орқали амалга оширилади, яъни ҳужжатлаштирилади. Молия бозори муассасалари орқасида фонд биржалари асосий ўринда туради. Қимматбаҳо қоғозлар асосан фонд биржалари орқали сотилади.

Молия бозори бўш пул маблағларини сафарбар қилиб, уларни молиявий ресурсларга айлантиради. У капиталга айланаётган пулни ҳўжаликнинг турли соҳалари ўртасида эркин кўчиб юришини ҳамда молия ресурсларидан эркин ва оқилона фойдаланишни таъминлайди. Айниқса бу ишлаб чиқариш таркибини янгилашда, қайта кўришда иш беради. Унинг муҳимлиги шундаким, аҳоли қўлида ишлатилмай турган ўлик пулни, ҳаракатга келтиради, пул даромад келтирувчи пулга айланади. Молия бозори орқали молиявий муносабатлар халқчил бўлади. Бу пул ҳўжалик молиялаштиришда халқ пули сифатида қатнашади. Халқ ўз пулидан даромад кўради. Пулнинг капитал сифатида ишлаб чиқаришга сафарбар этилиши иқтисодий имкониятларни оширади. Бу фан – техника тараққиётини жадаллаштиради. Шу асосда халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Молия бозори молия ресурсларини ишлаб чиқаришнинг талабига қараб турли корхоналар, соҳалар ва тармоқлар ўртасида тақсим қилади. Улар керакли жойга оқиб бориб, иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Давлат ўз қўлидаги молия ресурсларидан фойдаланиб, бюджетдан молиялаштириш, дотация бериш, солиқлардан озод қилиш, солиқларни енгиллаштириш орқали иқтисодий тараққиётга таъсир кўрсатади. Молиянинг иқтисодиётга таъсири бир қатор воситалар ёрдамида боради. Мана шулар биргалликда молия механизмини ташкил қилади. Молия механизми, молиявий муносабатларни амалда уюштиришнинг шакли, услубидир. Мана шу механизм орқали молияни бошқариш амалга оширилади. Бу механизм молиянинг микро ёки макро даражада бўлишига қараб ҳар – хил амал қилади. Масалан, дотация ёки субсидия, макромолия механизми воситаси бўлса амортизация фонди, мукофотлаш фонди микромолияда қўлланилади. Аммо қандай даражада бўлишидан фарқсиз молия механизми иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга хизмат қилиши зарур. Демак, молия бозори бу молия тизимининг ажралмас қисмидир. Бу маблағлар бозоридир. Чунки бу бозор орқали пул, пулга тенглаштирилган қоғозлар, капитал ва матолар ҳаракати бирлашади. Пул бозори қисқа муддатли кредит бозори эканлиги билан ажралиб туради. Бу бозорда



пулдорлар ва пулга муҳтожлар қатнашади. Сотилган пул нархи фоизни ташкил этади. Қимматли қоғозларнинг дастлабки сотилиши бирламчи фонд бозорига ўтказилади, чиқарилган қимматли қоғозлар обуна шаклида ёки рўйхат билан харидорларга сотилади. Уларнинг қайта сотилиши иккиламчи фонд бозорига юз беради. Уни фонд биржаси деб юритилади. Фонд биржасида брокерлар, биржачилар ва чайқовчилар иш юритадилар. Брокерлар номидан қимматли қоғозларни сотадилар ёки сотиб оладилар. Шунингдек улар ўз хизмати учун олинган ёки сотилган акциялар суммасига фоиз тариқасида белгиланадиган комиссиян ҳақ оладилар. Чайқовчилар қимматли қоғозларни олиб дарҳол сотиш билан шуғуланадилар. Улар қимматли қоғозларнинг курси, яъни нархидаги ўзгаришларни тез англайдилар, шунга улар сотганда ҳам, сотиб олганда ҳам буни ёдидан чиқармайди, унга амал қиладилар. Қимматбаҳоли қоғозлар курси тушганда улар бундан кўпроқ сотиб оладилар. Унинг курси ошганда буни сотишга киришадилар, ҳуллас мақсад даромад топишга қаратилади.

Акция дивиденди, яъни акция эгаси оладиган даромад келтирувчи қимматли қоғозлар акциядорлик жамияти олган фойданинг акция эгасига улуш бўлиб тегадиган қисмидир. Тадбиркорлик ишига қўйилган капитал миқдорига қараб акция чиқарилади. Агар фирманинг мол — мулки 100 млн. сўмлик бўлса, шунча суммада акция чиқарилиб сотилади. Фирма мол — мулки қийматидан ортиқча акция чиқарса, ортиқча пул фирма капиталига қўшилиши шарт. Акция эгаси ишга аралаштирадиган капиталдан ўз ҳиссасига эга бўлиши шарт. Шунга қараб у фойладан шерик бўлади. Акция ҳар — хил қимматли қоғозда чиқарилади. Масалан, 500 сўмлик, 1000 сўмлик, 5000 сўмлик, 10000 сўмлик ва ҳатто 100000 сўмлик акциялар бўлади. Акциянинг ўзида кўрсатиб қўйилган сўм унинг номинал қиймати дейилади. Акция сотилганда талаб ва таклифга қараб унинг амалдаги нархи номинал қийматидан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Акциянинг сотилиш нархи бу бозор курсидир.

Фирмалар ўзи чиқарган акцияни сотиш билан чекланмай, ўзгалар акциясини сотиб оладилар. Шунга кўра улар бозорда ҳам сотувчи ҳам харидор сифатида фаолият кўрсатадилар. Ўзгалар акцияларини сотиб олишдан мақсад шундаким, ўзгалар ишлаб чиқаришида балким юқори даражада даромадлар олинишидан умид қилади. Фирманинг даромад миқдорининг ошиши акция эгасига қўшимча, яъни юқори улуш келтиради. Демак, фирманинг мавқеи мустаҳкам, молияси бақувват бўлса у ҳолда у яхши, яъни нисбатан юқори фойда олади. Шу сабабдан акцияга дивидент кўп тўланади. Бундай фирмалар акциясини сотиб олувчилар сони ортиб боради. Акция кўпроқ даромад бера бошласа, шунга кўра унинг нархи ҳам ошиб боради. Акциянинг нархи унинг турига ҳам боғлиқ. Акциялар оддий ва имтиёзли бўлади. Оддий акцияга тегадиган дивидент миқдори кафолатланмайди. Чунки, фойда зарарга қараб, у оз — кўп бўлиши, тегиши ёки тегмаслиги ҳам мумкин. Лекин, оддий акция акциядорлик жамияти мажлисида овоз бериш ҳуқуқи билан таъминланади. Имтиёзли акция эса бериладиган дивидентни олдиндан аниқ белгилайди. Белгиланган улушни

олиш кафолатланади. Имтиёзли акцияда акциядорлар мажлисида овоз бериш ҳуқуқини таъминламайди.

Акция курси иқтисодий аҳволга қараб ўзгаради. Агар иқтисодиёт ўсиб бораётган бўлса, пулни инвестициялашда фаоллик юз беради. Унда акцияларга талаб ошади, нархи янада кўтарилади. Жамиятда иқтисодий танглик юзага келса, акция нархи пасайиб боради. Акцияларни сотиш орқали олинган пул керакли соҳаларга жойлаштирилади, бекор турган пуллар ҳўжалик айланмасига тушади.

Молиявий фаолиятда облигациялар қарз мажбурияти ҳисобланади. Облигацияни давлат чиқаради, лекин уни фирмалар ва аҳоли сотиб олади. Оқибатда давлат фирма ва аҳолидан қарздор бўлади. Бозорда акция ёки облигация танлашда харидорлар улардан келадиган даромалга эътибор беришади. Заёмларга тегадиган даромад олдиндан унинг қийматига нисбатан фоиз шаклида белгиланади ва шу фоиз қанда қилмай тўлаб борилади. Заём берадиган даромад кафолатли бўлганидан уни афзал куриб сотиб олишади. Аммо кафолатсиз бўлсада омал келганда катта дивидент берувчи акцияларнинг ҳам ўз харидори топилади. Молия бозори туфайли бекор, бўш турган пуллар ҳаракатга келиб, муомалада ишгирик этади. Улар тегишли даромад келтиради. Қимматли қоғозлар сотиб олиш орқали кичик пул эгаси ҳам капитал соҳибига айланади. Капитал орқали кўпчилик фойда топишдан баҳраманд бўлади.

Молия ўз ўрнида турланиб туради. Бу реал сектордаги фаолиятнинг пул шаклидаги натижасини билдиради. Иқтисодиёт микро,макро, мета даражада бўлишига мувофиқ ҳолда молия ҳам турланади. Масалан, мажбури молия тури бу иқтисодиётнинг қўйи даражасидаги молиядир. Бу молия фирмалар, хонадонлар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари молиясидан таркиб топган. Мазкур молияни ташкил этувчилари, булар корхоналар, ташкилотлар икки хил бўлади. Биринчиси, бу коммерция асосида ишловчилар. Булар ўз фаолиятдан пул топадиган, ўз харажатларини ўзи қоплайдиганлардир. Буларнинг молия ресурслари ўз даромади ва ўзи кўтарган қарз ҳисобидан юзага келади. Иккинчиси эса нокоммерция фаолиятини юргизадиганлар. Булар бепул ёки имтиёзли хизмат кўрсатадиганлардир. Улар ўз харажатиини ўзи қопламайди ёки қисман қоплаши ҳам мумкин. Уларнинг молия ресурслари хизмат ҳақи шаклида ўзгалар берган пул ҳисобига юзага келади. Корхона ёки фирма молияси бу корпоратив молия дейилади. Бу молия ресурслари яратилган товар ва хизматларни, ўз мол — мулкни ва акциясини сотишдан, олдин сотиб олинган облигацияларни қайтадан сотишдан келган пул, шу облигацияларга тегадиган фоиз пули, давлат берган субсидия, қарзга олинган пул, суғурта компаниялари кўрадиган талофатни қоплаш учун ажратилган пул ва бошқа маблағлар ҳисобидан шаклланади. Булар фирма учун даромад бўлиб, уни булар ўз манфаати учун ишлатади. Фирма молия ресурслари ҳисобидан давлатга солиқ тўлайди. Банк қарзини узади, қарз учун фоиз тўлайди. Шунингдек ушбу даромад ҳисобидан иш ҳақи ва мукофотлар беради. Фирма фойдаси юзасидан амортизация фондига пул

ажратади. Ажратилган пул таъмирлаш, воситаларни тиклаш, янгисини сотиб олишга ишлатилади. Фирма пулини инвестиция қилади. Ҳомийликда қатнашади. Микромолия тизимида сугуртага алоҳида эътибор берилади. Сугурта молияси у коммерция асосида юзага келади. Бунда ўзининг ва сугурталанувчи фирмалар, фуқаролар, ташкилотлар берган пуллар қатнашади. Купчилик мамлакатларда 60-65 фоиз даромад хонадон молиясидан иборат. Хонадон молияси таркибида иш ҳақи, тадбиркорлик даромади, мулкдан келган даромад, қарз олинган пул, томорқадан олинган даромад, пенсия, стипендия, нафақа ва совғалар киради.

Макромолия молияси микромолиядан фарқ қилади. Бу молия умумжамиат молияси ҳисобланади. Бу молия давлат назорати ва фаолиятида пайдо бўлади.

Молиянинг яна бир тури бу метамолиядир. Бу молия чет мамлакатлар билан олиб бориладиган иқтисодий муносабатлар орқали пайдо бўлади.

### 18.3. Молия муносабатлари ва вазифалари

Молия жамият иқтисодиётни бошқаришда амалда барча йўналишларга воситачилик қилади. Айниқса корхона билан давлат ўртасидаги молиявий муносабатлар алоҳида аҳамиятлидир. Бу муносабатлар давлат бюджетига тушадиган туловлар тизимини шунингдек, тармоқ ва маҳаллий корхоналарга берадиган молиявий маблағларни, турли фондларга ажратиладиган пулларни ифода этади. Давлат билан корхоналар ўртасидаги молиявий муносабатлар жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини ривожланиш даражасига аниқ тарихий вазиятга, ҳўжалик қурилишининг мақсад ва вазифаларига қараб анча ўзгаради. Бундай жараён молиявий-сиёсатда ўз аксини топади. Давлат билан корхоналар, хонадонлар, фирмалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шаклларини танлаш эркин ва зарурий хусусиятлардан боғлиқ бўлади. Корхоналар ўртасидаги молиявий муносабатлар ўзаро иқтисодий алоқалар тизимида муҳим аҳамиятга эга. Улар ўртасида тузиладиган ҳўжалик шартномалари маҳсулот етказиб берувчилар билан харидорларнинг молиявий интизомга итоат қилишлигини тақозо этади. Корхоналар билан банклар ўртасидаги молиявий муносабатлар ҳам молиянинг ажралмас қисмидир. Корхоналарнинг ҳўжалик фаолияти жараёнида пул маблағлари доимо гоҳ ортиқча, гоҳ кам бўлиб туриши мумкин. Корхоналарнинг бир маромда ишлаши учун унинг молиявий имконияти ҳам бир маромда етарли бўлиши зарур. Лекин корхона молияси доимо ҳам шундай ишончли ҳолатда бўлмайди. Шунинг учун ҳам корхона банкдан кредит олади. Молиявий муносабатлар турли хил бўлади. Шунга кўра корхоналараро, корхона ичида, тармоқлараро, тармоқ ичида ҳам узлуксиз молиявий муносабатлар давом этади. Молиявий муносабатлар турли бошқарув даражаларидаги давлат органлари ўртасида ҳам вужудга келади. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларида маблағ ажратади. Шунингдек бошқа жараёнлар учун ҳам молиявий ҳаракат юзага келади.

Давлат билан аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатларнинг бир қанча қурилишлари бор. Бундай муносабатлар аввало ижтимоий истеъмол фондларидан турли туловлар масалан, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқалар ҳамда энгилликлар олиш муносабати билан юзга келади. Шунингдек таълимга, давлатга, аҳолига бугунлай, ёки қисман текин бериладиган бошқа неъматларга қилинадиган чиқимларни қоплашга ажратиладиган маблағлар ижтимоий истеъмол фондларига киради.

Молиявий муносабатлар аҳоли тўлайдиган солиқларни ҳамда меҳнаткашларнинг давлатга берадиган турли хил кредитларини, хусусий заёмлар, лотореялар, вақтинча буш турган пул маблағларидан омонат қўйилган қисмини ҳам ўз ичига олади. Давлат ўз навбатида уй—жой қуриш, қимматбаҳо товарларни сотиб олиш ва ҳоказолар учун аҳолига кредит беради. Якка тартибдаги меҳнат фаолиятини тартибга солишни молиявий усуллари ҳам шунга киради. Молиявий муносабатлар жамият ишлаб чиқариш муносабатларининг моҳиятига қанчалик мувофиқ келиши қўпинча мамлакат пул тизимининг аҳволи билан белгиланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида молия пул муносабатларининг мустақил соҳасига айланади. Пул муомала воситасини бажариши билан бирга капиталга айланади, яъни ўз-ўзидан ўсадиган қийматга айланади. Молия бошқа иқтисодий категориялар билан алоқада бўлади. Молия бу пул эмас, албатта. Балки у иқтисодий муносабатдир. Молия давлат ўзига бириктирилган вазибаларни бажаришга фойдаланадиган фондлар ва ундан фойдаланишдаги муносабатлардан иборат.

Жамиятда товар — пул муносабатлари кенгайиши ва мустақамланиши билан давлатнинг вазибалари ҳам кенгайди, мураккаблашиб борди. Буни биринчидан ягона иқтисодий тизим доирасида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ягона тузилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган давлатнинг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш заруриятидан келиб чиқади. Бундай шароитда давлатнинг пул туловларини шакллантириши аҳамияти кескин ортади. Шунга мувофиқ натурал туловларнинг моҳияти пасаяди. Ҳозир бюджет даромадлари сифатида ижтимоий маҳсулотдан натурал туловлар қўлланилмайди. Шунга кура молия иқтисодий тизимлар доирасидаги ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг турли субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлардир. Шундай бўлсада пул такрор ишлаб чиқариш жараёнида хизмат қилувчи барча иқтисодий категориялар учун бегона эмас, аксинча. Моддий ишлаб чиқариш базаси бўлгани ҳолда, давлат усткурма ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнининг эса узлуксиз, доимо сарф қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг қийматини, ходимга иш ҳақи тўлаш ва фойла олишсиз амалга ошириб бўлмади. Иқтисодиёт иштирокчилари пул муносабатларига киришганда молия пайдо бўлади. Молия иқтисодиёт субъектларининг даромад ва ҳаражат борасидаги иқтисодий муносабатлардир. Жамиятнинг даромади — бу ялпи миллий маҳсулотнинг пулда ҳисобланган қийматидир. Бу даромаднинг иқтисодиёт иштирокчилари ўз ишининг самарасига қараб бўлишиб олади.

Иқтисодий жараёнларда иштирок этаётган ҳар бир шахс ўз ресурсларини қанчалик яхши ишлатса, шунчалик кўп даромад олади. Даромад иқтисодий субъектнинг ихтиёрида яратилган тушумдир. Бу тушумни ҳар бир шахс ўз ихтиёрида сарфлайди. Иқтисодиётдаги даромад-харажат алоқаларини хонадонлар ва фирмалар фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Иқтисодиётда бир субъектнинг даромад топиш бошқа субъектнинг харажати билдиради. Масалан, хонадонлар ўз ресурсларини фирмаларга сотганида даромад оладилар. Фирмалар бу ҳолатда харажат қиладилар. Фирмалар хонадонларга товар ва хизматлар сотганида даромад олади. Хонадон эса харажат қилади. Давлат ҳам даромад ва харажат жараёнида иштирок этади. Давлат ижтимоий хизматларни кўрсатгани учун фирмалар ва хонадонлардан солиқ шаклида пул олади. Бу фирмалардан товар ва хизматлар хонадонлардан ресурслар сотиб олган чоғда, уни харажат қилади. Даромад — харажат муносабатлари илгари яратилган ва тупланиб бойликка айланган мол-мулкни сотиш, сотиб олиш чоғида ҳам пайдо бўлади. Хонадон ёки фирма ўзига керак бўлмаган мол-мулкни сарфлаб бошқа нарса олади ёки пулни жамғаради. Бундай мулкни масалан бинони сотиб даромад топса, уни сарфлаб бошқа нарсага ишлатади. Худди шунингдек давлат ҳам ўз мол-мулкни сотиб даромад олади ва уни сарфлайди. Топилган даромад сарфланишидан олдин маълум мақсадни кўзловчи пул фондларига ажралади. Мақсадли пул фондлари молия ресурсини ташкил этади. Жамиятнинг молияси маълум тизимдан иборат бўлади. Бу тизим таркибига молия объекти, молия субъекти, молия муносабатлари, молия механизми, молия сиёсати, молия институтлари киради. Молия объекти бу молия ресурслари. Молия субъекти эса молия муносабатларининг иштирокчиларидир. Молия муносабатлари — бу иқтисодиёт субъектларининг молия ресурслари хусусидаги ўзаро алоқалари. Молия механизми — бу турли молия воситалари. Булар солиқ, субсидия, жарима, датация, санация, молиявий меъёрлар ва бошқалар. Молия сиёсати-бу молиявий ресурсларни топиш, тақсимлаш, назорат қилишдир. Молия институтлари-бу молия алоқаларини амалга оширувчи ва молия инфратузилмасини ташкил этувчи компаниялар, фирмалар, банклар, давлат идора ва ташкилотларидан иборатдир.

Молиянинг мазмуни унинг бажарадиган вазифаларида ифода этилган. Улардан биринчиси —бу тақсимлашдир. Мамлакатда яратилган миллий маҳсулот ҳар йили жамғарилган миллий бойлик пул шаклида тақсимланади. Миллий бойлик деганда жамият ихтиёридаги жамғарилган моддий, маданий неъматлар, пул ва пулга тенглаштирилган маблағлар йиғиндисидир. Тақсимлаш икки даражада амалга оширилади. Тақсимлашнинг дастлабки даражасида, микроиқтисодий даражада, яъни фирмалар, ташкилотлар ва муассасалар ичида юз беради. Тақсимлашнинг иккинчи даражасида эса, фирма ва ташкилотлар билан давлат ўртасида юз беради. Бунда давлат солиқлар ва солиқдан ташқари мажбурий тўловлар, ҳар хил заёмлар воситасида корхона маблағининг бир қисмини ўз ихтиёрига олиб, уни қайта тақсимлайди. Фирмалар ишлаб чиқариш фаолияти туфайли яратилган

даромад 3 қисмга ажралади. Биринчиси фирма ихтиёрида қолади. Иккинчиси фирмада ишловчи хонадон вакилларига тегади. Учинчисини солиқ шаклида давлат олади. Иккинчи тақсимлаш давлат молияси орқали юз беради. Учинчи тақсимлаш эса фирмалар, хонадонлар ва давлат ўз даромадининг бир қисмини нодавлат ва жамоат ташкилотларига ажратади. Тўртинчи тақсимлашда даромаднинг бир қисми хайрия фондларидан муҳтожларга ёрдам сифатида берилади. Масалан, Ўзбекистондаги «Нуроний» жамғармасига тушган пулнинг бир қисми муҳтож пенсионерларга ёрдам сифатида берилади. Бешинчи тақсимлаш охириги тақсимлашдир. Бу тақсимлаш хонадон молиясида юз беради. Хонадон ўз пулини истъомолга ишлатади ва бир қисмини жамғариб қўяди.

Молиянинг иккинчи вазифаси — бу рағбатлантиришдир. Бунда иқтисодий фаоллик куллаб-қувватланади. Бунда солиқ даражаси пасайтирилади. Фирма ҳаражати қисқариб, унинг фойдаси кўпаяди. Бу эса фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун фойдаланиш даражасини оширади. Давлат томонидан корхона ва ташкилотларга молиявий кўмак бериш улар ишини рағбатлантиради. Ёмон ишлаганларга жарима солинади. Ўз мажбуриятини вақтида бажармаганлиги учун субъектлар жарима ва пеня, яъни устама тўлов берадилар. Бу ҳам рағбатлантиришга хизмат қилади.

Молиянинг учинчи вазифаси — бу иқтисодий ахборотларни таъминлаш молияда иқтисодий фаолиятнинг якуни жамланади ва бу молиявий кўрсаткичлар шаклини олади. Бу кўрсаткичларга фойда миқдори, рентабеллик, корхона пул маблағлари, корхона қарзининг миқдори ва бошқалар киради. Шуларга қараб фирма фаолиятига баҳо берилади. Молиявий аҳвол ҳақидаги ахборотнинг икки манбаи бор. Улардан биринчиси, бу фирманинг ўзи эълон қиладиган молиявий кўрсаткичлар. Иккинчиси эса, аудиторлик хизмати. Фирманинг молиявий аҳвали туғрисида берган ҳолисона ахбороти. Бозор тизимида пул муносабатлари устувор бўлганидан молиявий кўрсаткичлар бирламчи ҳисобланади. Уларга қараб ҳар бир субъектнинг аҳволдан хабар топиб, у билан қандай муомалада бўлишлик аниқланади. Фирманинг тугатилиши ҳақидаги ахборот фирмага нисбатан бошқаларнинг қандай муносабат олиб боришлигини режалаштириш учун зарурдир. Шунингдек давлатнинг молиявий аҳвали қандай бўлишлигини билиш ҳам зарур бўлади. Молиявий ахборот ҳақиқий бўлиши керак. Бунга аниқлаш икки йўл билан аниқланади. Биринчидан аҳволни иқтисодиёт субъектининг ўзи эълон қилади. Иккинчидан эса ташқи тафтишчилар ўз таҳлили асосида берадиган ҳолисона ахборотдир.

Молиянинг тўртинчи вазифаси — бу ижтимоий вазифадир. Бунда молия молиявий ресурсларни ижтимоий эҳтиёжларга тақсимлайди. Бу вазифанинг бажарилишида икки йўналиш бор. Улардан биринчиси — бу аҳолига бепул ва имтиёзли хизмат кўрсатувчи соҳаларни молиялашга берилади. Бу соҳаларга таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, жисмоний тарбия ва спорт тармоқлари киради. Иккинчиси эса, аҳолининг ночор, ёрдамга муҳтож қатламларига пул билан кўмак бериш киради. Бу ишлар давлат, фирмалар, хайрия ташкилотлари ва айрим кишилар томонидан бажарилади. Молия

уз вазифаларини молиявий воситалар орқали амалга оширади. Унинг воситалари бўлиб, солиқлар, ҳар хил тўловлар, субсидиялар яъни ёрдамлар (лотин сўзидан олинган) ҳам пул фондлари орқали амалга оширади. Молияни бошқариш ниҳоят мукаммал ҳал этилиши лозим. Ижтимоий вазифани бажаришда молиянинг назорат вазифаси ҳам ниҳоят зарурдир. Бунда молиявий ресурсларнинг тўлиқ тулланишини назорат қилади. Давлат қонунига мувофиқ хонадонлар, фирмалар, корхона-ташкилотлар солиқларни ва бошқа давлат тўловларини қандай амалга ошираётганликларини текширади ва хулоса қилади. Назоратчилик вазифасида давлат бюджети томонидан ажратилган пул қийматларидан қандай фойдаланилаётганлигини назорат қилади. Давлат мактаб қурилиши учун пул ажратгани ҳолда, ажратилган пул бошқа мақсадларга сарфланган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар молиявий қонунбузарлик деб баҳоланади. Агар мактаб қурилиши учун ажратилган пулни айрим сабабларга кўра шу мақсадга ишлатиш имкони бўлмаса, у ҳолда ушбу ажратмадан бошқа бир зарурий мақсадга ишлатилишига рухсат берилиши яъни қонунлаштирилиши зарур. Демак, назорат ишининг асосий вазифаси молия ресурсининг самарали ишлатилишини таъминлаш ҳисобланади.

#### 18.4. Молияда бюджет ва солиқ тизими

Давлат бюджети — бу молиявий сиёсатнинг асосий қуролидир. Шунга кўра давлат бюджети давлат пул маблағларинининг марказлаштирилган жамғармасидир. Давлат бюджети молиявий воситалар ёрдамида иқтисодийни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдир. Такрор ишлаб чиқаришни ресурс тежам усулида ривожлантиришга, бошқаришнинг иқтисодий усулларига ўтиш молиявий сиёсатга бўлган талабни анча ўзгартиради. Давлат бюджетининг ўрнини янгича қуяди. Мамлакатда ҳўжалик юритишнинг янги шароитида даромад қисмининг барқарорлигини кучайтириш зарурлиги бор. Бюджет маблағларини ҳосил қилишда давлат билан корхоналарнинг ўзаро муносабатлари тартиб асосида белгиланади. Бундай ҳолат бюджет даромадларининг манбаларини ҳўжалик юритиш натижаларига, ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсишига қаттиқроқ боғлиқ қилиб қўйишга имкон беради. Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш бюджетнинг чиқимлар қисмига муҳим тузатишлар киритишни такоза қилади. Бу аввало халқ ҳўжалигини молиялаш манбалари нисбатидаги ўзгаришларга тааллуқлидир.

Қониқарсиз ишлаётган давлат корхоналарини ва самара бермайдиган ҳўжалик ечимларини бюджет ёрдамида кўллаб — қувватлаш тажрибаси кескин камаймоқда. Айниқса ҳозир давлат бюджетининг ижтимоий масалаларга улуши анча кучаймоқда. Жумладан уй-жой, маданий-маиший қурилиш, халқ учун товарлар ишлаб чиқаришни амалга оширишга, илм-фанга маблағ ажратиш кучаймоқда.

Бюджет — бу инглиз сўздан олинган бўлиб, ўзбекча мазмуни халта демакдир. Бу давлатнинг маълум муддатга мўлжаллаб тузилган ва қонун билан тасдиқланган даромадлари ҳамда ҳаражатлари ҳисоби банклар бўйича тақсимланган ҳужжат. Аксарият ҳолларда давлат, шаҳар, корхона, муассаса ёки бир оиланинг муайян муддатда кутиладиган даромадлари ва ҳаражатларининг тахминий ҳисоби ҳам бюджет деб ҳисобланади. Ҳаражат қисми даромад қисмидан ортиқ бўлса, бюджетнинг тақчиллигини билдиради. Бюджет даромадининг ҳаражатдан устунлиги бюджетнинг тақчиллигини билдиради. Демак, давлат бюджети — бу марказлашган давлат пул фондини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг асосий молиявий режасидир. Давлат бюджети ҳажми унга келиб тушадиган даромадларга боғлиқ.

Давлат молияси даромадлар ва ҳаражатларнинг бирлигидан иборат. Давлат даромадлари бу — миллий даромадни ва бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида ундан давлатга теккан қисмидир. У бевосита давлат ихтиёридаги ва давлат корхоналари қўлидаги даромаддан иборатдир. Давлат даромадлари ички ва ташқи манбалардан тушади. Бунда ички манбанинг ҳиссаси ташқисига нисбатан каттадир. Ички манбанинг уч шакли бор. Улар биринчидан, солиқлар, иккинчидан заёмлар, учинчидан эса, эмиссиядир. Солиқлар — бу миллий даромаддан тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солиқ бюджет ва бюджетдан ташқари пул фондларини ташкил этишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Солиқлар биринчидан давлат бюджетига узлуксиз равишда пул тушуриб туради ва хўжалик фаолиятини рағбалантиради, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилади. Солиқ субъектлари — булар солиқ инспекцияси, корхона, фирма, ташкилот, фуқоралардан иборат. Солиқ объекти — бу солиқ солинадиган даромад, мол — мулк ёки иқтисодий фаолият бўлади. Молия солиқ имтиёзларини ҳам ўз ичига олади. Унга солиқдан озод этиш, солиқ миқдорини камайтириш, солиқ тулаш шартини енгиллаштириш қабиляр киради.

Ички манбанинг иккинчи шакли — бу давлат заёмларидир. Давлат заёми — бу давлатнинг аҳоли, фирма, корхона ва ташкилотлардан қарз олиш ҳисобига ўз молия ресурсларини ҳосил этиш воситасидир. Давлат ҳаражатлари даромаддан ошиб кетганда орадаги қиймат заём билан тўлдирилади. Заёмлар муддати келгач давлат уни қайта сотиб олади ёки янги заёмларга алмаштиради.

Ички манбанинг учинчи шакли — бу эмиссиядир. Эмиссия — бу лотинча сўз бўлиб, у чиқармок мазмунини англатади. Эмиссия давлат томонидан қўшимча қоғоз пулларни чиқариш ва қўшимча кредитни уюштиришдир. Шунга кўра пул ва кредит эмиссияси бор. Булардан ташқари давлат сотиб олган акциядан келган дивидент давлат мулкни банка қўйишдан келган фоиз, давлат мол — мулкдан келган ижара ҳақи, давлат мол — мулкни сотишдан келган пул ва бошқалари, барчаси молия ресурсига киради. Даромадлар давлат ҳаражатларини қоплаш манбаи ҳисобланади. Давлатнинг ҳаражатлари давлат ихтиёридаги молия ресурсларини давлат фаолияти



билан боғлиқ эҳтиёжларни қондириш учун сарфланади. Умумдават харажатлари бюджет орқали молиялаштирилади. Давлат бюджети, бу умумжамият микёсида марказлашган ва давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурсларни англатади.

Давлат бюджетининг таркибида даромадлар қисми ва харажатлар қисми мавжуд. Дароматлари асосан тўғридан — тўғри солиқлардан, яъни даромад солигидан, аҳолидан олинадиган давлат солигидан, билвосита, яъни эгри солиқлардан, қўшимча қиймат солигидан, акция, божхона бож туловидан ва захира туловларидан иборат. Харажатлар қисми эса халқ хўжалигига, давлат капитал маблағларига, ижтимоий — маданий тadbирларга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора — тadbирлари харажатларига, давлат ҳоқимияти ва бошқарув органларини сақлаб туришга сарфланадиган харажатлардир. Давлат бюджетининг даромад қисми билан харажат қисми тенг бўлишлигини таъминлашга интилади. Лекин амалда шундай бўлавермайди. Кўп ҳолатларда харажат даромаддан ортиқ бўлади. Бу бюджет тақчиллигини юзага келтиради. Бюджет тақчиллигининг пайдо бўлишида сабаблар мавжуд. Улар биринчидан ишлаб чиқаришнинг пасайишидан, иккинчидан ижтимоий дастурларда мўлжалланган харажатларнинг ортиб кетишидан, учинчидан мудофаа харажатларининг кўпайиб кетишидан, тўртинчидан иқтисодий жараёнларнинг пинҳоний ўсишидандир. Буларнинг энг хатарлиси ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан пинҳоний харажатнинг ортиб боришидир. Чунки бундай ҳолат давлат бюджетига солиқ тушиши ҳажмини кескин камайтиради. Лекин тақчиллик ҳажми ялпи ички маҳсулот қийматининг 3-5 фоизига тенг бўлса, бу иқтисодиёт учун нормал ҳол ҳисобланади. Харажатлар иқтисодиётдаги устувор йўналишларнинг ривожини учун сарфланган бўлса, у ҳолда бу харажатлар фойдаси билан қайтали. Аксинча ҳолатда бюджет тақчиллигининг ошишига олиб келади. Давлат бюджет тақчиллигидан чиқиш учун тегишли, юқорида айтиб ўтилган тadbирларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов — «Бюджет мутаносиблигини кучайтириш мақсадида солиқ сиёсатини тақомиллаштириш билан бир қаторда корхоналарнинг молия интизомини мустаҳкамлаш, тулов оборотини бир меъёрга келтириш, туламасликнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг салбий оқибатларини тугатиш катта аҳамиятга эга» - деб ёзган.<sup>12</sup>

Мамлакат бюджети тизимида маҳаллий бюджет ўзига хос моҳиятга эга. Маҳаллий молия негизини маҳаллий бюджет ташкил этади. У маҳаллий ҳоқимият тасарруфида бўлган хўжалик субъектларининг даромад ва харажатларини ўз ичига олади. Маҳаллий бюджет давлат бюджети таркибида бўлсада, у ўз фаолияти бўйича мустақилдир. Маҳаллий бюджетнинг умумий салмоғи умумжамият бюджетига нисбатан 30-60 фоизларни ташкил қилиши мумкин. Масалан, АҚШ, Германия, Японияда 50-60 фоизни, Англия, Францияда 30 фоизни ташкил қилади. Кўп мамлакатларда маҳаллий

<sup>12</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» Т., «Ўзбекистон» 1995й.

транспорт, сув ва газ таъминоти, мактаб, шифохона, милиция ва бошқалар маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминланади. Маҳаллий бюджет — туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар бюджетлари даромадларининг манбалари қуйидаги имкониятлардан иборат бўлади. Биринчидан, маҳаллий ҳоқимият тасарруфидаги корхоналар фойдасидан ажратилган маблағлардан, иккинчиси эса асосан солиқлардан.

Маҳаллий бюджетнинг даромад қисми одатда маҳаллий эҳтиёжни тула қондиришга қодир эмас. Чунки уларнинг фаолияти нафақат маҳаллий аҳамиятга молик бўлган ишлар, шу билан бирга, умумдавлат дастурларини бажариш билан ҳам боғлиқ.

Давлат ўз харажатларини қоплаш учун пул топиш мақсадида қарз пул олади. Булар ички ва ташқи қарзлардир. Ички қарз — бу аҳолидан, фирмалардан облигациялар сотиш йўли билан олинадиган қарз пуллар. Ташқи қарз эса — бу давлатнинг халқаро молия ташкилотларидан, хориждаги йирик банклардан ва чет давлатлар ҳукуматидан олинадиган қарзлардир. Бу қарз маълум муддатга олиниб даромадга қўйилади. Уни тулаш вақти келганда у давлатга харажат келтиради. Давлат даромадлари фақат бюджет даромадлари эмас, балки бюджетдан ташқари фондларга келган пул тушумлари шаклида ҳам бўлади. Бундай фондлар аниқ мақсадга қаратилиб шаклланади. Ўзбекистонда йўл, ижтимоий суғурталаш, мактаб таълими, бандлик ва пенсия фондлари мавжуд. Бу фондлар илгари бюджетдан ташқарида шаклланган. Кейинчалик улар бюджет таркибига олинган, мақсадли фондларга айлантирилган.

Давлат харажатлари мақсадга мувофиқ йўналишларга юборилади. Биринчидан, ижтимоий соҳага. Бу таълим — тарбия, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт, маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий ёрдам беришга. Иккинчидан, инвестиция харажатлари — бу ижтимоий-маданий

объектларни, ишлаб чиқариш инфратузилмасини, коммуникация тизимини яратиш харажатлари. Учинчидан — миллий хавфсизликни ва ички тартибни сақлаш-бунга милиция, хавфсизлик идоралари, суд, прокуратура харажатлари киради. Тўртинчидан, бошқариш харажатлари. Бунга марказий ва маҳаллий ҳоқимият органлари ишларини таъминлаш харажатлари киради. Бешинчидан эса ташқи қарзни узиш харажатлари. Давлат даромадлари ва харажатлари икки даражада боради. Булардан, юқори даражаси-бу марказий бюджет, қуйи даражаси эса-бу ҳудудий ва маҳаллий бюджетлар даражаси.

### Асосий таянч тушунчалар

**Молия** — пул маблағларининг ҳаракати билан боғлиқ муносабатлар.

**Молия тизими** — молиявий муассасалар.

**Давлат бюджети** — давлат харажатлари ва уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси.

**Бюджет тақчиллиги** – харажатларнинг даромадлардан ортиқча булишлиги.

**Давлат қарзлари** – давлатнинг ташқи ва ички қарзлари. Чет давлатлардан ва аҳоли, фирма, ташкилотлардан олинган қарзлар.

**Маҳаллий бюджет** – маҳаллий ҳоқимиятлар, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар молиясининг даромадлари ва харажатлари муносабатларидир.

**Солиқлар** – жисмоний ва юридик шахслар мулкидан, даромадидан мажбурий ундириладиган тўловлар.

**Солиқ ставкаси** – солиқ суммасининг солиқ олинadиган суммага nisбатининг foиздаги ifodasi.

**Дотация** – бюджет орқали, қайтариб бермаслик шarti билан маблаг ёрдами кўрсатилиши.

**Субсидия** – бу умумий дотация бўлиб, у маҳаллий бюджетларга давлат бюджетидан ажратилган маблаг.

**Солиқ имтиёзлари** – солиқдан озод этиш, солиқ миқдорини камайтириш, солиқ тўлаш шартини енгилаштиришлардир.

**Давлат заёмлари** – давлатнинг аҳоли, корхона, фирма ва ташкилотлардан қарз олиши ҳисобига ўз молия ресурсини ҳосил этиш воситасидир.

**Эмиссия** – давлат томонидан қўшимча коғоз пулларни чиқариш ва қўшимча кредитни уюштиришдир.

## **ХИХ. БОБ. БАНКЛАР ВА ПУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЎРНИ.**

Мазкур бобда, банк ва банк тизими, пул ва пул муомаласи, унинг амал қилиш қонуниятлари пулга бўлган талаб ва таклифи. Инфляция, унинг моҳияти ва турлари, кредит ва унинг моҳияти, манбалари, вазифалари ҳақида марказий ва тижорат банклар ҳамда уларнинг вазифалари. Ўзбекистонда миллий валютани барқарорлаштириш вазифалари ҳақида фикрлар, хулосалар айтилади. Шунингдек, пулнинг қадр-қиймати, пул турлари, инфляция, оқибатлари, кредит институтлари, давлатнинг инфляцияга қарши тадбирлари, сўми барқарорлаштириш, қимматли қоғозлар, уларнинг турлари. Ўзбекистонда пул-кредит ислохотлари каби иқтисодий заруриятлар ҳақида айтилади.

### **19.1. Банк ва банк тизими.**

Банк-бу француз сўзидан олинган бўлиб, ўзбекча мазмуни кредит-молия муассасаси демакдир. Кредит сўзи эса латинча бўлиб — қарз мазмунидир. Банк бўш пул воситаларини бир жойга тўплаш, корхоналарга ва умуман пулга муҳтожаларга кредит, ссуда асосида бериш, пул — ҳисоб — китобларини амалга ошириш, пул ва турли қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, олтин ва чет эл валюталари билан боғлиқ муаммоларни бажариш ва бошқалардан ташкил топади. Валюта сўзи италянча қадиранмоқ, латинча - қиймат мазмунидадир. Валюта-бу биринчидан мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг олтин, кумуш, қимматбаҳоли қоғозлари. Иккинчидан чет давлатларнинг пул белгилари ва чет мамлакат пул бирликларида ифода этилган ҳамда халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган муомала ва тўлов, кредит воситалари. Ссуда-бу моддий бойликлар гарови ҳисобига фоиз олиш шарти билан муайян муддатга бериладиган қарз. Ссуда жуда кўҳна ҳодиса. Натурал ишлаб чиқариш ҳукмрон жамиятида асосан моддий маҳсулот тарзида берилган. Пул пайдо бўлгач унинг асосан пул шакли кенг қўлланилади. Аксарият банклар корхонанинг мақсадлари бўйича, яъни муайян мақсадларни молиялаш учун мақсадли ссуда берилди. Ссудалар бир йилга, кўп йилга, улар турли муддатларга берилди.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида товар ресурсларининг ва пул маблағларининг доиравий айланиш қонуниятлари кредит муносабатларининг мавжуд бўлишлигини тақозо этади. Доиравий айланиш жараёнида муқаррар суратда вақтинча бўш турадиган маблағлар ҳосил бўлади. Жамғарилган пул маблағлари уларнинг эгалари томонидан сарфлангунча вақтинча бўш туради. Ана шу ҳол кредит муносабатларнинг вузудга келиши учун реал негиз яратади. Чунки бир хил корхоналарда ҳозирги пайтда тассарув қилиб турган суммалари устига қўшимча маблағларни жалб қилиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Пул муносабатларининг ривожланиши банкларни юзага келтиради. Банк иқтисодиёт

иштирокчиларининг пул юзасидан булган алоқаларига хизмат килувчи муассасадир. Пул билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи корхона-ташкилотлар анчагина. Буларнинг молиявий муносабатлари банк орқали юзага келади. Банк иши билан шуғулланувчиларни банкирлар деб аташади. Ўзбекистондаги банк тизимини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, акциядорлик тижорат банклари ва хусусий банклардан иборат. Банклар пул оламини ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб-бу пул билан бўладиган жами ҳисобларни бажаради. Барча пул тўловлари банклар орқали бўлади. Банклар, биринчидан пул ва қимматбаҳо бյумларни омонатга олиб унинг сақланишини таъминлайди. Аҳоли қўйган омонатлар учун тегишли тартибда фоиз пули тўлайди. Иккинчидан, пул билан бўладиган ҳисоб-китоб жараёнларини, хусусан пул тўлаш ишларини бажаради. Учинчидан чет эл валютасини сотиб олади ва сотади. Тўртинчидан ўз қўлидаги пулни қайтаришлик, фоизлик ва муддатлик шартлари билан пулни муҳтожларга қарз беради, яъни кредит билан шуғулланади. Бешинчидан ўз пулига акция сотиб олиб, уни бошқа соҳага жойлаштиради. Олтинчидан эса бизнес юзасидан маслаҳат беради. Банк-бу юридик шахсдир. Банк-бу тижорат ташкилоти, у бизнесдир. Банк билан алоқадор бўладиган пуллар нақд ва нақд бўлмаган пуллардан иборат. Нақд пул банкка берилиб нақд бўлмаган пулга айланади ва аксинча банк ҳисобига нақд бўлмаган пул нақд пулга айлантирилиши мумкин. Нақд бўлмаган пул банк депозити дейилади. Депозит сўзи, лотинча бўлиб, унинг ўзбекча мазмуни-бу омонат банкларга қўйилган пул демакдир. Амалда фирмалар, жамоат ташкилотлари давлат муассасалари, айрим фуқаролар ўз пулини банкдаги депозит ҳисобварақасида сақлайдилар. Депозит икки хил бўлади. Биринчиси жорий депозит. Бунда банкка қўйилган пул учун унинг эгаси банкдан фоиз олмайди, банк эса қўйилган омонатни эгасининг талабига биноан дарҳол қайтариб бериш мажбуриятини олади. Бу жараёнда пулни қайтариш мухлати белгиланмайди. Иккинчиси мухлатли депозитдир. Бунда қўйилган пул учун банк унинг эгасига фоиз тўловлари тўлайди. Бунда пул эгаси ўз пулини банкдан ўзи хоҳлаган вақтда эмас, балки банк билан тузилган шартномада сотилган вақтда олади.

Депозитдаги пулни нақд пулга айлантириб олиш мумкин, лекин бунга ҳар доим ҳам зарурият бўлавермайди. Бунинг сабаби депозитдаги маблаг ҳисобидан чек бериш ва чекка керакли нарсани харид қилиш мумкин бўлади. Чек - бу махсус пул ҳужжати, шунга кўра у тўлов воситаси сифатида қабул қилинади. Масалан, А.Отаев халқ банкидан 100минг сўм пулидан радио олиш учун 50 минг сўмга чек олиб радио сотадиган дүконга топширади ва радиони олади. Дүкон эса чек асосида халқ банкида А.Отаев ҳисобварағида турган 100минг сўмдан 50 минг сўмини ўзининг "Савдогарбанк"даги ҳисобварағига ўтказиб олади. Демак, депозит нақд пулга айланмагани ҳолда пул тўлаш заруриятини банк амалга оширади. Омонатга сақлашга мослашган банклар сейф-банклар деб юритилади. Сейф бўлимида олмос, гавҳар, ёқут, олтиндан ясалган буюмлар, қимматбаҳо тошлар, тақинчоклар сақланиб туради. Унинг калити омонат эгасига

берилади. Банк хизматидан фойдаланиб, ўз ишини битирувчилар банк мижозлари деб юритилади. Банк ўз мижозининг топширигига кўра унинг пулини керакли жойларга тўлаб туради. Банк бир тўловни иккинчи тўлов билан қоплаш ишини ҳам адо этади. Бундай ишни клиринг операцияси деб аташади. Клиринг-бу инглизча сўз бўлиб, узаро савдода нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш жараёни. Чеклар билан бўладиган узаро пул тўлаш ҳисоб-китобини банклар қошидаги клиринг палатаси деган ташкилот бажарали. Банклар ўз мижозларига кредит карточкалари беради. Шу карточка нақд пул ёки чек ўрнига ўтади. Товар харид этилганда унинг ҳақи кредит карточкасида кўрсатилган пулдан чегириб олинади. Олинган пул мижознинг ҳисобварағи турган банкдан савдо фирмасининг ҳисобварағи бор банкка ўтказилади. Кредит карточкаси маълум суммага берилади. Мижоз шу сумма доирасида товарларни карточка орқали харид қилади.

Банклар ўз мижозларига қулайлик яратиш учун нақд пул берадиган автоматлар орқали хизмат кўрсатади. Банк пул эгасига код номери кўрсатилган карточка беради. Карточка автоматга қўйилиб код номери айтилгач автомат дарҳол айтилган нақд пулни чиқариб беради. Бу усул мижоз учун ўта қулай бўлиб, пулни ёзин – қишин, кечаю – кундуз исталган вақтда олиши мумкин. Банкларнинг валюта айирбошлаш идоралари ҳам бор. Улар бир валютани бошқасига белгиланган нархда сотали. Банклар валюта ким онди савдосида қатнашиб якка миқдорда валюта сотиб оладилар. Банкларда махсус валюта ҳисобварақлари ҳам бўлади. Бу ҳисобварақдаги пулни бошқа мамлакатларга ўтказиш мумкин. Шу пул ҳисобидан кишиларга “виза карта” деган карточка берилади. Ушбу карточкани тақдим этиб бошқа мамлакатдаги банкдан ҳам валюта олиш мумкин. Дастлаб банклар тўловларда даллолнинг вазифасини бажарган. Улар тадбиркорларнинг пул маблағларини узоқларида сақлаб уларнинг кўрсатмаси асосида сотувчи ва харидорлар билан ҳисобни олиб борганлар. Давлат хазинасига тўловларни ўтказганлар фирмаларга касса хизмати олиб борганлар. Банклар аҳолининг пул даромадлари ва жамғармаларини давлат, жамоа ва бошқа ташкилотлар маблағларини ҳам жамғарадилар. Бу маблағлар харид ёки тўлов воситалари сифатида ҳаракат қилиши учун мўлжалланган. Банклар ўз фаолиятида бир-бирига боғлиқ икки жараёни бажаради. Булар биринчидан пасив - бу банк ресурсларини шакллантириш жараёнлари бўлса, иккинчидан - бу актив, яъни-бу ресурсларни жойлаштиришни ва фойдаланиш жараёнларидир. Банкларнинг актив жараёнларига турли хил суддалар, векселлар, фондлар, товарлар ва бошқалар киради. Банклар фонд операцияларини ҳам олиб борадилар. Бунда қимматли қоғозлар – булар акция, облигация кабилар бадалига сўуда берадилар. Шунингдек қимматли қоғозларни сотиб ҳам оладилар. Банклар пасив – актив операциялар билан бир қаторда савдо комиссия фаолияти билан ҳам шуғулланадилар. Масалан, олтин сотали ва сотиб олади. Банклар ўзларининг бажарган операциялари ва функцияларига қараб уч асосий турга бўлинади. Булардан, биринчиси, марказий банклар. Иккинчиси – бу тижорат банклари. Учинчиси – бу махсус молия – кредит муассасалари.

Махсус молия – кредит муассасаларига инвестиция банклари, ипотека банклари, экспорт – импорт банклари, омонат муассасалари, пенсия фондлари ва инвестиция компаниялари киради.

Давлат банки бу марказий банк ҳисобланади. Бу банк биринчидан, кўпчилик мамлакатларда давлат банки ягона Марказий банкдан иборат бўлиб, у ўтказадиган сиёсат тартиблари юқори давлат органлари томонидан ўрнатилади. Иккинчидан марказий банк тижорат банклари ва жамғарма муассасаларидан маблағларни қабул қилиб уларга кредит беради. Шунга кўра марказий банк – “банклар-банки” деб ҳам юритилади. Учунчидан марказий банк фақат фойда олишга интилиб фаолият кўрсатади, балки давлатнинг бутун иқтисодий ҳолатини яхшилаш сиёсатини амалга оширади, ижтимоий сиёсатни амалга оширишга кўмаклашади. Марказий банкнинг ўзига хос вазифалари аниқ белгилаб берилган. Биринчидан, бу бошқа банк муассасаларининг мажбурий эҳтиёжларини сақлайди. Бу эҳтиёжлар пул таклифини бошқариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Марказий банк мамлакатнинг олтин-валюта эҳтиёжларини сақлашни ҳам бажаради. Иккинчидан-чекларни қайд қилиш механизминини таъминлайди, банклараро ҳисоб – китобларни амалга оширади, уларга кредит беради. Учунчидан, давлатнинг монетар сиёсатини амалга оширади. Тўртинчидан, барча банклар фаолиятини уйғунлаштиради ва улар устидан назоратни амалга оширади. Бешинчидан, халқаро валюта бозорида миллий валюталарни айирбошлайди. Олтинчидан, пул таклифи устидан назорат қилиш маъсулятини олади, муаммога миллий валютани чиқаради. Иқтисодийнинг эҳтиёжларига мос равишда пул муаммосини тартибга солади. Банклар ўз тасарруфидаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги учун моддий жиҳатдан маъсул ҳисобланади. Шунга кўра ҳам кредит-пул операциялари кўпроқ уларнинг иқтисодий фойдалилиги ва самарадорлигига қараб берилади. Банкларнинг учинчи тури-бу тижорат банклари. Тижорат банклари ҳўжалик мавқеига кўра акционерлик туридаги муассасалар ҳисобланади. Ҳуқуқий мавқеига кўра, фаолиятнинг бирон-бир турига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган ёки миллий банк бўлиши мумкин. Тижорат банклар булар саноат, савдо ва корхоналарни омонат тарзида жалб этилган пул маблағлари ҳисобидан кредитлайди. Корхоналар ўртасида ҳисоб-китобни амалга оширади. Воситачилик ва валюта операциялари билан шуғулланади. Тижорат банклари фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир. Тижорат банклари даромадининг манбаи мижозларнинг банк хизмати учун тўлов ва активлардан иборатдир. Активлар- булар, заём, кредит, қимматли қоғозлардан олинadиган фоиз ҳисобланади.

Ихтисослашган тижорат банклар-булар иқтисодийнинг турли соҳаларида тижорат томоийларида кредит-пул операцияларининг муайян турларини амалга оширади. Ўзбекистонда, масалан, саноат қурилиш банки-бунга саноат, транспорт, алоқа ва моддий техника таъминоти соҳаларида хизмат қиладиган банклар киради. Булардан ташқари Замин, Ғалла, Пахта банклар. Агросаноат комплекси тармоқлари ва соҳаларига хизмат қиладиган банклардир. Булардан бошқа майда ва ўрта бизнес, кооператив ҳамда якка

тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасида кредит-пул операцияларини амалга оширувчи талбиркор банклар ҳам мавжуд.

Халқ банки-бу мамлакатда омонат ишларини ташкил этишни, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишни ва аҳоли учун касса вазифасини амалга оширишни, аҳолига шахсий эҳтиёжларга кредит беришни ва шу каби операцияларни бажаради. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки экспорт-импорт операцияларини бевосита оширувчи корхона ва муассасаларга кредит беради. Қушма корхоналарга кредит беришда қатнашади, йигма валюта режасининг ижросини, валюта ресурсларидан тежаб фойдаланишини назорат қилади. Ташқи иқтисодий операцияларга оид ҳисоб-китобларни ташкил қилади ва амалга оширади. Тижорат банклари тизимида инвестицион ва ипотека банклари мавжуд. Бу банклар тор ихтисослашган банклар ҳисобланади. Инвестицион банклар-бу махсус кредит муассасаларидир. Бу банклар облигация ҳамда қарз мажбуриятларининг бошқа турларини чиқариш йўли билан узоқ муддатли ссуда капиталини жалб қилади ва уларни мижозларга тақдим этади.

Ипотека банклари эса – бу кучмас мулк ҳисобига узоқ муддатли ссуда беришга ихтисослашган кредит муассасаларидир. Ипотека банклари ресурслари ўзларининг ипотека облигациялари ҳисобида шаклланади. Олинган ссудадан уй-жой ва бошқа иншоотлар қуриш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун фойдаланилади. Асака банки, ташқи иқтисодиёт фаолият миллий банки, халқ банки давлат тасарруфидаги банклар ҳисобланади.

Барча буюк ва мураккаб нарсалар гоёта оддий нарсадан пайдо бўлади. Ҳозирги банкларнинг тарихи заргарлик дўконлари, пулни майдаловчи саррофлар – судхўрлардан бошланади. XV – XVII асрларда типик заргарлик дўкони савдогарлардан пул, олтин, кумуш қабул қилар, уларни маълум муддатга сақлар ва аввалги эгаларига қайтариб берарди. Сақлагани учун заргарлик мулк эгаларидан ҳақ олишган. Бу эса ўша вақтда энг кўп тарқалган банк операцияси бўлган. Кейинроқ ана шундай операцияларга ихтисослашган ва “Банк” деб аталган муассасалар пайдо бўлган.

## 19.2. Пул-кредит тизими. Инфляция, унинг иқтисодиётдаги таъсири.

Пул-бу барча товар ва хизматларга айирбошланадиган умумий эквивалент. Пул-бу махсус товар, бозор иқтисодиётининг энг асосий воситаси. Пул биринчидан, ҳамма нарсага айирбошланади. Иккинчидан бу бойлик тимсоли, учинчидан, меҳнатни қиймат шаклида ўлчаб берадиган воситадир. Пулда меҳнатни гавдалантирадиган товарлар қиймати микдори ўлчанади, пул ёрдамида товарлар олди-сотди жараёнларидан ўтади, пул тўлов учун ҳам хизмат қилади. Пул ўз хизмати мазмуни ва миқёсига қараб турли тоифали бўлади. Масалан, оддий муомалада ишлатиладиган пул. Бундай пул банк билетлари дейилади. Банкнот-кредит пуллари ҳам мавжуд. Бундай пуллар қарз олиш ва бериш жараёнларида қўлланилади. Пул агрегати-бу пул массаси, ҳажми ва таркибини кўрсатади. Пул ислоҳати –



бу тизимни таркибга солиш ва мустақкамлашга қаратилган давлат чоратadbирларининг амалга оширилиши. Пул массаси-бу муомаллага чиқарилган металл тангалар ва қоғоз пуллар. Хўжалик муомаласидаги пул воситасининг умумий ҳажмига нақд пуллардан ташқари банкларнинг жорий ҳисобидаги пул воситалари ҳам киради. Пул муомаласи — бу пулнинг товар ва хизматлар олди — сотдиси жараёнидаги узлуксиз ҳаракати. Пул муомаласи ҳар-бир мамлакат пул тизими доирасида юз беради. Пул ҳаракати банкдан бошланади. Пул муомаласи нақд пул ва нақд пул бўлмаган муомаллага бўлинади. Нақд пул банкдан чиқгач, корхона, ташкилотлар, кассасига ва аҳоли қўлига ўтади. Олди-сотди ва тўлов ҳаракатлари бажарилгач, пул яна банкга қайтади. Нақд бўлмаган пул эса, муомаласига фирма, корхона ташкилотларнинг банкдаги ҳисобида турган пулнинг ҳаракатига киради. Бундай муомала чек, кредит карточкаси, вексель, облигация, сертификат ва бошқа воситалар ҳаракати шаклида олиб борилади. Пулнинг товар ва хизматларини харид қилиш, чет эл валюталарига алмаша олиш қобилияти-бу пул қадри дейилади. Пул қадри мамлакат ичида ва чет элда шу мамлакатнинг товарлари ва хизматлари билан таъминланади. У мамлакатнинг ўз қарзини тўлашга қодирлиги, олтин ва бошқа қимматбаҳо буюмлари ғамламасига ҳам боғлиқ. Олтин ва қимматбаҳо буюмлар пул қадрини бевосита эмас, балки билвосита таъминлайди. Уларни четдан товарлар келтириш билан мамлакат ичида пул қадри мустақкамланади. Пул қадри мамлакат иқтисодий ахволининг умумийлашган кўрсаткичидир. Пулнинг қадирсизланиши эса-бу инфляциянинг юзага келишидан боғлиқ бўлади. Инфляция —бу лотинча сўз. Унинг мазмуни — буртиш, шишини англаатади.

Пул узоқ вақтлардан буён мавжуд. Товарнинг қиймати у бошқа товарга айирбошланганда маълум бўлади. Биринчи қарашда айирбошлаш вақтида товарлар бир хил рол ўйнайдигандек кўринади. Амалда эса, бу турли хилдир. Бир товар ўз қийматини бошқа товарга нисбатан ифодалайди. Иккинчи товар эса эквивалент сифатидан чиқади. Қийматнинг эквивалент формасини ташкил этади. Худди мана шу ерда пулнинг куртаги мавжуд. Агар товар ишлаб чиқарувчи ўз товари учун эквивалент олган, демак муайян товар жамиятга зарур, унда ижтимоий меҳнат мужассамлашганлигидир. Айни вақтда эквивалент қийматнинг яратилишини тасдиқлайди, унинг ифадоси бўлиб хизмат қилади. Ўтмишида турли махсулотлар эквивалентлик родини ўйнаган.

Меҳнат тақсимоти чуқурлашиб, кўпроқ барқарор бўлиб бориши ва аниқ меҳнатнинг кўпдан-кўп турларини қамраб олиши билан тобора кўп миқдордаги махсулотлар айирбошлашга жалб этила бошлайди. Бу шакл қийматининг тўла ёки ривожланган шакли бўлиб ҳисобланади.

Ҳар — бир мамлакатнинг ўзида қонуний ташкил этилган турли хил пул муомаласи тизими мавжуд. Ҳозирги бозор иқтисодиётида пул воситаларининг турли-туманлиги пул массасани ўлчаш муаммосини келтириб чиқаради. Пул массаси -бу халқ хўжалигида товарлар ва хизматлар муомаласини таъминловчи субъектлар қўлидаги нақд ва нақд бўлмаган

барча пул воситалари йигиндисидир. Пул массаси таркибида унинг актив ва пасив қисмини бир-бирдан фарк қилмоқ керак. Пул массасининг актив қисми-бу ҳужалик маблағи айланмасида реал хизмат қилувчи воситадир. Пассив қисми эса — бу зарур бўлган пайтда ҳисоб — китоб воситалари булиб, хизмат қила оладиган счедаги пул жамғармалари ва қолдиқларидир. Пул муомаласи ўзига хос қонунларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Унинг қонунларидан энг муҳими муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ва шунга мувофиқ муомалага пул чиқаришдир. Зарур бўлган пул миқдори бир қанча омилларга боғлиқ бўлади. Бу биринчидан, муаян даврда сотилиши ва сотиб олиниши лозим бўлган товарлар суммасига боғлиқ. Бу давр, масалан, бир йил деб олиниши ҳам мумкин. Товарлар ва хизматлар қанча кўп бўлса, уларнинг нархи қанча баланд бўлса, уларни сотиш ва сотиб олиш учун шунча кўп пул миқдори талаб қилинади. Иккинчидан пулнинг айланиш тезлигига ҳам боғлиқ. Пул қанча тез айланса муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунча кам бўлади. Учинчидан, муомала учун зарур бўлган пул миқдори кредитнинг ривожланишига ҳамда пулда тўлов воситаси вазифасидан фойдаланишга ҳам боғлиқ. Кўпинча товарлар қарзга сотилади ва уларнинг ҳақи келишувга мувофиқ кейинги даврларда тўланади.

Пул иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларига ҳаракат бағишлайди. Шунга кўра пул миқдори заруриятдан ортиқча ёки кам бўлмаслиги лозим. Пуллар соғлом бўлиши керак. Соғлом пулнинг қадри барқарор бўлади. Агар пул керагидан ортиқ бўлса, иқтисодиётнинг мароми бузилади. У беморга айланади. Ана шундай ҳолат-инфляция дейилади.

Инфляция пулнинг керагидан ортиқ чиқарилиши натижасида нархларнинг тўхтовсиз ўсиши, пул бирлиги қадрнинг пасайиб боришидир.

Инфляция юз борганда пул миқдори сотиладиган товарлар ва хизматларга нисбатан ортиб кетади. Масалан, бир йилда 50 миллиард сўмлик товар ва хизматлар бўлсин. Пулнинг айланиши эса йилига 10 марта ҳисобидан 5 миллиард сўм керакбўлади.  $(50: 10 = 5)$ . Шундай ҳисоб олинган ҳолда ҳам, амалда пул миқдори 7 миллиард сўм. Демак  $(7-5 = 2)$  икки миллиард сўм зарурий пул миқдоридан ортиқча. Бунинг таъсирида талаб ошади, оқибатда нарх даражаси ортади. Инфляциянинг юз беришида бир қанча сабаблар бор. Масалан, харажатларнинг иқтисодий имкониятлар доирасида бўлмаслиги ҳам мумкин. Аждодларимиздан “қўрпангга қараб оёқ узат”-деган ривоят бор. Шунга кўра давлатми, фирмами ёки айрим оилами, барибир, топганига қараб сарф қилиш керак. Яратилган товарлар ва хизматлар субъектларнинг топгани ҳисобланади. Амалда эса харажатлар ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар даражасидан ортади. Нарх кўтарилди. Давлат эмиссия қилишга мажбур бўлади. Эмиссия - бу лотин сўзи булиб, у давлатнинг муомалага қўшимча пул чиқарилишини англатади. Оқибатда пул қадри пасаяди. Бу биринидан. Иккинчидан эса ишлаб чиқаришнинг қисқариши ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш пасайганда пул миқдори кўпаймайди, лекин унга нисбатан товарлар миқдори камаяди, нарх ошади, пул қадри пасаяди. Учинчидан, импорт товарлар нархи кўтарилди. Бу ҳолат

мамлакатнинг иқтисодиёти қандай бўлишидан боғлиқ бўлмайди. Импорт товарлари нархининг кўтарилиши ўз ўрнида мамлакат ичидаги ўхшаш ва уринбосар товарлар нарhini оширади. Масалан, импорт қилинган автомобил нархи ошса, мамлакатда ишлаб чиқарилган автомобиллир нархи ҳам ошади. Шунингдек ушбу машиналар учун запас қисмлар нархи ҳам ошади. Импорт қилинган ресурслар нархи ошса, уларни ишлатиш орқали яратиладиган товарлар нархи ҳам ошади.

Тўртинчидан, инфляция пул орқали кириб келиши мумкин. Бир мамлакат миллий пули бошқа мамлакатда тўпланиб, инфляцияга дучор бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда инфляция экспорт қилинади. Масалан, 70 - йилларда АҚШ доллари кучли инфляцияга йулиқди. Натижада чет элдан долларларга олинган товарлар қимматлашди. Доллари бор мамлакатлар бу пулга товарларни тобора кам олади. Оқибатда мамлакат ичида товарлар камайиб, миллий пул қадрсизланади, инфляция шамоли эса бошлайди. Умуман инфляция икки кўринишда юзага келади. Биринчиси талаб инфляцияси. Бу ўз ўрнида пулнинг кўпайиб кетишидан келиб чиқади. Бунда пул бор, лекин шунга мувофиқ товар етишмай қолади. Ривоятларда айтилганидек “бозорда туя бир танга, лекин қани бир танга?” ҳолати бўлади. Инфляциянинг иккинчи кўриниши бу таклиф инфляцияси. Буни ўз ўрнида харажатлар инфляцияси деб ҳам айтилади. Бундай инфляция ресурслар қимматлашганда юз беради. Харажатлар ошади, фойда камаяди, товарларни кўпайтириш интилиш сусаяди. Натижада товарлар таклифи камаяди, шунга кўра нарх ўсади. Ривоятларда айтилганидек “бозорда туя минг танга қани туя?” ҳолати юз беради.

Иқтисодиётда инфляция ҳолати ва дефляция ҳолати юз беради. Дефляция сузи лотинча бўлиб — бу пуфламоқ. Яъни инфляция даврида давлат томонидан чиқариладиган ортиқча қоғоз пулларни камайитириш мазмунини англатади. Дефляция - ўз мазмунида пул қадрининг ошишини ифода этади. Дефляция шароити бир лаҳзали, яъни мавсумий эмас, балки у узоқ вақтда кузатиладиган инфляция ёки дефляция бор деб айтилиб турилади. Масалан, пишиқчилик даврида нарх пасаяди, қишда эса унинг нархи даражаси ортади. Инфляцияда биринчидан олдиндан нималиги маълум бўлган нарсани кўриш. Бунда инфляция тахминлаштирилган бўлади. Нархларнинг қанчага ортиши олдиндан тахмин этилади. Бу ҳолатдан аҳоли хабардор бўлади. Иккинчидан, нима бериши олдиндан маълум бўлмаган инфляция. Бундай инфляциянинг оқибатлари аниқ бўлмайди. Биринчи ҳолатдаги инфляцияда хонадонлар, фирмалар бунга мослашиш чораларини белгилаб олади. Улар турли ресурсларни, товарларни олдиндан сотиб олиб, уларнинг захирасини ҳосил этадилар. Иккинчи ҳолатда эса, нархларнинг ортиши номаълум бўлганидан унга хонадонлар ва фирмалар олдиндан тайёрланиб бормайдилар, захира ҳосил этмайдилар. Инфляциянинг меъёрдаги, ўрмалаб борувчи, гипер турлари бор. Инфляциянинг ўрмалаб бориши даврида унинг даражаси йилига нархларнинг 10 фоизгача, иккинчисида эса 20дан 200фоизгача, учинчисида жуда катта миқдорда ўсиши кузатилади.

Инфляция шароитида давлат томонидан зарурий тадбир - чоралар белгиланади. Биринчидан, инфляцияни ҳисобга олиб марказий банк тижорат банкларига берадиган қарз учун туланадиган фоизлар даражасини кўтарди.

Иккинчидан, давлат даромадларнинг индексациясини утказди. Индексация - бу лотинча сўз бўлиб пул даромадларини кўпайтириб бориш, даромадни рўйхатга олиш мазмунидир. Бунда даромадлар нархларнинг ўсишига қараб оширилади. Индексация икки хил бўлади. Биринчиси тула индексация. Бунда истеъмол товарлари нархи қанча ошса, аҳоли даромадлари ҳам шунчага оширилади. Тула индексацияда аҳоли зарар кўрмайди. Иккинчиси эса, қисман индексация. Бунда даромадлар нархларнинг ортисига нисбат камроқ даражада оширилади. Масалан, нархлар 8 фоизга ошса, даромадлар 6 фоизга ошади. Бундай ҳолатларда белгиланган иш ҳақи нафақа ва стипендия олувчилар зарар кўради. Инфляция сураъти паст бўлганда масалан, ойига у бир фоиз атрофида бўлса, давлат адаптация чораларини қўлайди. Адаптация -бу мослашиш, кўникиш демакдир. Инфляция сураъти юқори бўлганда, масалан, ойига 2 - 3фоиз атрофида, шунингдек гиперинфляция бўлганда давлат фаол антиинфляцион сиёсат утказди. Бу дегани, муомаладаги ортиқча пулни олишдан, пул эмиссиясини тўхтатишдан иборатдир. Антиинфляция сиёсатнинг бошқа бир йўналиши иқтисодиёт реал секторини рағбатлантиришдан иборатдир. Бу йўл қўлланганда товар - пул мувозанати пул массасини қисқартириш ҳисобидан эмас, балки товар массасини кўпайтириш ҳисобидан бўлади. Бунда пулнинг товарлар билан таъминланиш даражаси оширилади. Оқибатда аввал пулнинг қадрсизланиши сўниб боради, сўнгра у тамомила тўхтади.

### **19.3. Кредит, унинг манбалари, вазифалари, иқтисодий моҳияти.**

Жамғарилган пул маблағлари уларнинг эгалари томонидан сарфлангунча бўш туради. Кредит муносабатларининг юзага келишида ана шу имконият манба бўлади. Айрим корхоналарда пул фондлари вақтинча бекор туриши билан бир қаторда бошқа корхоналарда пул қўшимча эҳтиёж юзага келади. Кредит-бу пулнинг эгаси билан уни ҳақ тулаш шарти эътиборида қарзга олиб ишлатувчи ва улар ўртасида турган воситачиликнинг иқтисодий муносабатларидир.

Ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёнида товар ресурсларининг ва пул маблағларининг доиравий айланиш қонуниятлари бозор иқтисодиёти шароитида айниқса кредит муносабатларининг мавжуд бўлишлигини тақозо этади. Доиравий айланиш жараёнида бўш пуллар бўлишлиги муқаррардир. Тарихий тараққиётнинг ўтмиш даврларида кредитдан икки шаклда фойдаланиб келинган. Улар биринчидан, пул шакли, иккинчидан товар шаклидир. Ҳозирги шароитда унинг пул шаклидан кўпроқ фойдаланилмоқда.

Кредит муносабатларининг объекти ва субъекти бўлади. Унинг объекти бу қарзга берилиши мумкин булган пул. Буни кредит ресурслари ҳам дейиш мумкин. Уни молиявий ресурс таркибида тушунмоқ лозим. Кредитнинг субъекти эса —бу кредит алоқаларининг иштирокчиларидир. Булар пулнинг эгаларидир. Воситачилар ва қарз олувчилардан иборат. Пулни қарзга берувчи кредитор дейилади. Қарз олувчилар эса ссуда олувчилар ёки қарз кутарувчилар дейилади. Демак, кредит муносабатларида кредит берувчи, олувчи ва ўртадаги воситачилар иштирокида ўтади. Кредит бевосита бўлганда эса фақат қарз берувчи билан қарз олувчилар ўртасида ҳал бўлади. Бундай муносабатлар камдан-кам бўлади. Кредит билвосита бўлганида қарз берувчи билан қарз олувчини воситачилар бир-бири билан боғлайди. Бу ҳолат кредит муносабатларининг асосий шакли ҳисобланади. Пули борлар ва пулга муҳтожлар ниҳоят кўплигидан улар бир-бирини мустақил топишга қийналади. Шундай вазиятларда воситачилар иштироки масалани енгилаштиради. Воситачилар - булар банклар, майда кредит ташкилотлари, пул топиб берувчилар, яъни фирмалардир. Кредит пул муносабати бўлганидан бозор иқтисодиёти учун зарур ҳисобланади. Пулсиз ҳеч бир иш амалга ошмайди. Воситачилар меҳнат фаолияти пул бизнеси дейилади.

Кредит муносабатлари иқтисодий жараёнларга ҳаракат ва баракат бағишлайди. Пулнинг айланиш ҳажми ва тезлигини ривожлантиради. Ишлаб чиқариш самарадорлигини юзага келтиради. Банк тизими фақат хўжалик ташкилотларининг вақтинча бекор турган пул маблағларини тушлаш билан чегараланмайди. Балки, аҳолида ҳам бекор турувчи пуллар пайдо бўлади.

Кредит-бу лотинча сўз бўлиб, у қарз мазмунини англатади. Товар ва хизматларни келишилган устама фоиз тўлаб қайтариш шарти билан маълум муддатга тузиладиган ҳужжат. Пулнинг ҳаракатсиз сақланиши, имкониятини йўқотишдир. Шунга кўра пул тўхтовсиз айланиб туриши хусусиятига эга, у иқтисодиётга хизмат қилиши керак. Иқтисодиётда даромад ва харажатлар доимо ҳам тенг келавермайди, чунки иқтисодиёт иштирокчилари тарқоқ ҳолда ва ўз билганича иш тутидилар.

Даромадларнинг келиши ва харажатларнинг юз бериши бир вақтда кечмаганидан, бир ерда сарфланмай турган пул ёки бунинг аксинча иккинчи яна бир жойда қўшимча пулга эҳтиёж мавжуд бўлади. Мана шу шароит пулни олди-берди қилишга зарурат пайдо қилади Пул пуллигича турганда эмас, балки пул бозорда иштирок этганда, қарзга берилганда кредит ҳолатига муяссар бўлади. Кредит олувчининг мақсади даромад топишдир. Пул эгаси ўз пулини қарзга бериб ундан даромад яъни фоиз ҳисобида манфаатдордир. Кредит муносабатларидан учинчи шахс — воситачилар ҳам манфаатдордирлар. Улар фақат савоб учунгина эмас, даромад учун иштирок этадилар.

Кредитнинг манбалари мавжуд. Биринчидан, амортизация пулининг унинг муддати тугагунча тулланиб бориши имконияти. Амортизация пули ҳар йили ажратилади. Лекин ушбу тулланган пул кўп йиллаб бўш туради. Ана шу пул ҳам кредит кўринишида ҳаракатга келади. Масалан,

тракторнинг амортизация пули йилига 3000 доллар. Трактор ун йилда ишдан чиққан ҳолатга келиши мумкин. Шундан кейин янгиisini сотиб олиш учун пул керак бўлади. Демак, ун йилгача ҳар йили ажратиб борилаётган пуллар бўш туради.

Кредитнинг иккинчи манбаи-бу ишлаб чиқаришни ўстириш учун фойдали инвестиция пули узлуксиз ажратиб борилади. Лекин бу пул маълум давр утгандан сўнг, яъни йиғилаётган пул миқдори бир оз бўлсада кўпайгандан сўнг, у инвестицияга юборилади. Ўртада ўтган даврда пул бўш туриб қолади. Масалан, корхона янги цех қуриши учун 100млн. сўм зарур бўлади. Агар ҳар йили фойдадан 20млн. сўмдан ажратиб борилса, то у меъёрига боргунича ажратилган пуллар бекор туриб қолади. Бундан кредит бериш имкони юзага келади. Учинчидан, хом — ашё, ёқилғи ва материаллар учун олдин сарфланган пул-товар сотилиши билан эгасига яна пул бўлиб қайтади. Қўлида турган пулга яна тез вақт ичида бошқа хом - ашё ва ресурслар сотиб олиш юзага келавермайди. Оқибатда пул эгаси ихтиёрида маълум вақт оралигида бўш пул қолади. Мана шу имконият ҳам кредит берилишига ўзига хос даражада имкон яратади. Кредитнинг туртинчи манбаи —бу фойдадан ажратилган ижтимоий фондлар пулининг келиб тушиш вақти билан ишлатилиш вақти тўғри келмайди. Натижанда пул бўш қолади. Бешинчи манбаи — бу иш ҳақи пулининг келиб тушиши ва сарфланиши бир вақтда юз бермайди. Масалан, товар сотилиши билан пул тушади. Лекин иш ҳақи ҳар кун эмас ҳар ун беш кунда ёки ой охирида берилади. Шу туфайли иш ҳақи фонди ҳам вақтинча бўш туриб қолади. Олтинчидан, фуқороларнинг истемолчи сифатида қарилликни таъминлаш, қимматбаҳо товар олиш, уй қуриш, саёҳат қилиш, катта маросим ўтказиш учун жамланган пули бўлади. Бу пул етарли миқдорга боргунича, ёки ишлатиш фурсати келгунича бўш туради. Еттинчидан, давлат бюджетига пул даромадларининг келиб туриши ва уларнинг сарфланиши ҳам бир вақтда юз бермайди. Бунда ҳам бўш пул имкони юзага келади. Саккизинчидан, турли хил хайр - эҳсон ва сугурта пулларининг ҳосил бўлиш ва ишлатилиши бир вақтда юз бермайди. Бунда ҳам пул вақтинча бўш туриб қолади. Демак, жамиятдаги пул ресурслари ҳаракатининг нотекс бўлиши, бир қисм пулнинг бўш бўлиб қолишига ва натижада ўша бўш қолган пулининг кредит фондига айланишига имкон беради. Пул ўзича майдонга чиқиб кредит пулига айланмайди. Балки пулнинг кредитга айланиши учун пулга қўшимча талаб бўлиши лозим. Бундай талаблар иқтисодиётнинг ўзида юзага келади. Бозор иқтисодиёти шароитида қарзга пул олиш оддий ва муҳим заруриятга айланган. Фирмалар машина, асбоб - ускуна, уруглик, ўғит сотиб олиши узлуксиз. Давлат ўз сарфларини қоплаш учун, аҳоли уй қуриш, автомобил сотиб олиш ва бошқа маҳсулотлар учун тўхтовсиз равишда қўшимча пулга муҳтож бўладилар.

Кредитнинг ўзига хос вазифалари бор. Биринчидан, кредит пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини юзага чиқариб, улардан хўжаликни юритишда фойдаланади. Масалан, вексел, чек, сертификат кўринишида фаоллашади. Бунда вексел қарзнинг мажбуриятномаси сифатида, чек эса

банкдаги пулни беришни талаб қилувчи ҳужжат, сертификат-пул туланганлигини, қарз берилганлигини исботловчи ҳужжат бўлади.

Кредитнинг иккинчи воситаси-бу буш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишлаги капиталга айлантириб яна пул топиш учун мақсадли вазифадир. Кредитнинг яна бир вазифаси —бу қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан, ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчи туришини таъминлашдир. Кредитнинг тўртинчи вазифаси-бу қарз бериш, ундириш воситалари орқали иқтисодий усишни рағбанлантиришдир.

Бозор иқтисодиёти шароитидага кредитлар икки турдаги муносабатларнинг яхлитлигини билдиради. Қарзга олинган пул биринчидан, капитал сифатида ишлатилади, бунда фойда олиш, пулни кўпайтириш назарда тутилади. Шу сабабли ссуда капитали туғрисидаги муносабатлар пайдо бўлади. Бунда пулнинг мулк сифатидаги ҳолати унинг ўзгалар қўлида капитал бўлиш ҳолатидан ажралади, ўз мулки ўзгалар қўлида капиталга айланади. Иккинчидан, қарзга олинган пул шахсий ёки умумий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Бунда пул оддий харид вазифасини бажаради.

Пул эгаси учун қарз олувчи пулни қандай ишлатишининг ҳеч бир аҳамияти йўқ. Пул эгаси учун қарз ҳақини олса бўлгани. Қарз олган шахс пулни албатда катта даромад олишга мўлжаллайди. Қарзга бериладиган пул ссуда дейилади. Ссуда- бу моддий бойликлар гарови ҳисобига, фоиз олиш шарти билан қарз беришдир. Қарзга берилган пул ишга солиниб, янгидан пул топиш, даромад олиш учун ишлатилса, у ссуда капитали шаклини олади. Агар ссуда шахсий истеъмолни қондиришга хизмат қилса, одатдаги пул қарзи шаклини олади холос. У ссуда капитали бўлмайди. Кредитнинг асосий шакли бу қарз учун ҳақ тулаш. Бу ҳақ қарз қилинган суммага нисбатан фоиз ҳисобида олинадиган қарз фоизи деб юритилади. Банклар давлатга ҳам қарз беради, ҳам давлатдан қарз олади. Бу ҳолатда давлат кредити пайдо бўлади. Қарз суммасини ва унинг фоиз суммасини давлат банкка бюджет ҳисобидан қайтаради. Давлат кўпинча аҳоли, фирма, корхона ва ташкилотлардан қарз олади. Банкдан энг кам холларда қарздор бўлади. Давлатнинг корхона, фирма, аҳоли, ташкилотлардан қарздор бўлишида заём орқали бўлади. Заём-бу русча сўз бўлиб, у қарз деган мазмундир.

Аҳоли омонатларини қарзга айлантириш ҳам мумкин. Бунда банкларда йиғилган аҳоли пули туғридан-туғри давлат бюджетига қарз сифатида ўтказиб берилади. Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини утамай, қарз берувчи вазифасини ҳам бажаради.

Кредитнинг бир қатор воситалари бор. Бу воситалар кредит механизмини ташкил этади. Кредитнинг моҳияти ҳам мана шунда ифодаланган. Биринчидан кредит маълум мақсадга берилиши лозим. Бу мақсад чуқур асосланиши керак. Қарз берувчи ўз пулини оқилона ишлатилиши ва вақтида ортиги билан келишига ишонч ҳосил этиши лозим. Иккинчидан, кредит аниқ бир муддатга берилади. Шунга кўра у узоқ, ўрта ва қисқа муддатли

кредит деб аталади. Ҳатто бир кунлик кредит ҳам бор. Кредит муддатини белгилаш пулнинг қанча вақтда қайтарилиши мумкинлигидан келиб чиқади. Учинчидан, кредит учун ҳақ тўланади, бу фоиз деб аталади. Чунки бозор шароитида ҳеч нарса текинга берилмайди. Туртинчидан, кредит пули албатта қайтариб берилади. Шунга кўра, кредит қарз олувчининг маъсулятини оширади, қарзни тўлаш имкониятлари аниқланади. Бешинчидан, кредитнинг ўз вақтида қайтарилиши кафолатланади.

#### **19.4. Ўзбекистонда миллий валюта қадрини янада ошириш масалалари.**

Валюта сўзи-бу лотинча сўз бўлиб, пул бирлиги мазмунидир. Ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий пули бор. Шунга кўра, масалан, Ўзбекистонда – сўм, Россияда-рубль, дунёнинг 29 мамлакатада доллар ва ҳоказолар. Бир қанча мамлакатларда пул бирлиги бир хил ном билан аталгани ҳолда уларнинг ҳар бирининг пулида ўз рамзи, белгилари, қадр-қиймат бор. Ҳар бир мамлакат ўз пулининг қадр-қийматини, харид қувватини ошириш учун имкони борича чора- тадбирларни амалга оширади. Масалан, Ўзбекистонда ҳам шундай тадбирлар мавжуд. Бунинг учун бозор рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдирилади. Зарур эҳтиётлар ҳосил қилинади. Бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришда миллий ишлаб чиқаришни имкон борича кенгайтириб бориш ҳал қилувчи ўриндир. Чунки шу орқали истеъмол моллари сотилишида миллий маҳсулотлар ҳиссаси ошириб боради. Бунда миллий ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш орқали сўмнинг барқарорлигини таъминлашга эришиш мумкин. Аҳолини сифатли чет эл моллари билан таъминлаш мақсадида импортга эътибор оширилиб, у рағбантлантириб борилади. Ҳозир ўзбек валютасининг барқарор бўлиши ниҳоят муҳим ва зарурдир. Сўм ҳар қандай валютага эркин алмаштирилиши лозим. Бу эса унинг етарли захираси бўлишидан боғлиқ бўлади. Унга эришишда корхоналар, фирмалар ва умуман барча субъектлар, жаҳон бозорига рақобатта бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариши учун зарур бўлган рағбантлантирувчи омилларни вужудга келтириши олоҳид ааҳамиятлидир. Бунинг учун ҳар томонлама сергаклик керак бўлади.

Сўмнинг барқарорлигини таъминлашда ундан эҳтиёткорона ва тежаб - тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришга сарфланган маблағларнинг энг кўп самара беришига, олинган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришиш лозим. Инфляцияга қарши сиёсат ўтказиш ҳам давлат тадбири ҳисобланади. Бу тадбир ҳам ўз ўрнида миллий валютанинг барқарор бўлишига ёрдам бўлади. Буни ҳал этмоқ учун аввалам бор инфляция даражасини кескин камайтиришга эришмоқ керак. Бу эса пулнинг қадрсизланиши даражаси устидан мукаммал назорат урнатилишини, қўшимча самарали тадбирлар олиб боришни талаб этилади. Инфляцияга қарши сиёсат негизини жамиятдаги товар ва хизматлар миқдорининг ўсишидан келиб чиқиб уни пул миқдорининг ўсиши билан боғлаб олиб бориш лозим. Бунинг сабаби шундаки, харид қилиш учун моллар етарли бўлмаган ҳолда, аҳоли кўлида пулнинг ортиқча кўпайиши инфляциянинг



усишини яратади. Шу тариқа нархнинг ҳам ўсиши юзага келади. Бундай ҳолатларнинг олди олинмаса узоқ давом этадиган гиперинфляцияни келтириб чиқаради. Гиперинфляция - бу инфляциянинг ҳаддан ташқари даражасидир. Оқибатда биринчидан, ишлаб чиқаришнинг издан чиқишига, иккинчидан, аҳоли кенг табақаларининг қашшоқланиб боришига, учинчидан эса, бутун ижтимоий тизимнинг барбод бўлишига сабаб бўлади. Миллий валюта барқарорлигини, аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлаш учун ички бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, муомалага ўринсиз, ортикча пул чиқаришга йўл қўймаслик керак. Бундан ташқари аҳоли кўлидаги пул ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик зарур. Шунингдек нақд пул эмиссиясининг ўсишига қарши чоралар белгилаш лозим. Муомалага чиқарилган пулнинг тез-тез айланишини таъминлаш ҳам валюта қадрининг барқарорлигини юзага келтиради. Ишлаб чиқаришда маҳсулот хажмининг кўпайиб боришини таъминламаётган корхоналарга кредит берилишини тўхтатиш мақсадга тўғри келади. Инфляцияни пасайтириш учун миллий валюта алмашув курсининг барқарорлашувига эришишдир. Бу ўз ўрнида импорт нархларининг ички бозор нархларининг ўзгаришига олиб келади. Валюта биржаларида валюта ҳаракатларининг барча турлари учун талаб ва таклиф натижасида шакилланидиган ягона алмашув курсини белгилаш, валюта курси барқарорлигига эришишнинг шартларидан биридир.

Таслабки босқичда валютани нақд пулсиз алмаштириш ҳажмини кўпайтиришга эътиборни қаратмоқ - бу миллий валюта курси барқарорлигини таъминлашнинг имкониятларидан биридир.

Президентимиз И.А. Каримов - "...миллий валютаимизнинг жорий операциялар буйича эркин алмашувини, яъни конвертациясини таъминлаш учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш".<sup>13</sup>

Иқтисодий алоқалар бутун давлатлараро тараққий этиб, яъни байналмилаллашиб бормоқда. Қайси бир давлатда нима ишлаб чиқиладиганлиги, ўша давлат нимани экспорт ва импорт қилиш мумкинлиги йилдан-йилга ойдинлашиб бормоқда. Ҳар бир давлат ўз миллий иқтисодиётини бошқаришда бу ҳолатлар билан ҳисоб қилмасдан иложи йўқ. Чунки ҳар бир давлат экспортини кўпайтириш, унинг нархини баланд қўйиш, аксинча импортни камайтириш, унинг нархларда сотиб олиш режаси билан иш кўради. Шу тариқа ўз пулини халқаро иқтисодий муносабатлар воситасига айлантиради. Демак, бир пул иккинчи пулга айланиши юзага келади. Шу асосида жаҳон пулининг бўлишига эҳтиёж қолмайди. Масалан, сўм долларга, доллар маркага, марка рублга ва ҳоказо тартибда алмашилиб пулнинг ҳаракати давом этаверади. Илгари айтганимиздек миллий доирада амал қилувчи, қадр-қиймати шу мамлакат бойлиги билан таъминланган пул валюта бўлади. Ана шу валюталар ўзаро айирбошланганда валюта муносабати юзага келади. Бу муносабат давлатлар, фирмалар, корхона-ташкilotлар ва фуқаролар ўртасида содир

<sup>13</sup>Каримов И.А. "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз" Т... "Ўзбекистон"-2000 й, 18 бет.

булади. Пулнинг пулга сотилиши нархи валюта курси дейилади. Шу нархга кўра валюталар бирлиги ўртасидаги нисбат валюта паритети дейилади. Паритет - бу лотинча сўз бўлиб, у тенглик, тенг ҳуқуқлилиқ деган мазмундадир. Масалан, бир АҚШ долларининг бир минг уч юз сўмга тенглашиши-бу паритет булади.

Валюта курсини белгиловчи омил турли давлатлардаги нархлар нисбати, яъни ҳар бир валютанинг харид қурби, қадр-қиймати дидир. Бу ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ булади. Юксак ривожланган мамлакатлар валютасининг курси юқори булади. Масалан, кейинги ўн йилликларда Япония ва Германиянинг иқтисодиёти тез ривожланиб борганлигида марка ва иенанинг харид қобилияти ортиб борди ва шунга кўра уларнинг долларга нисбатан курси юқорилашди. Пулга нимани ва қанча харид этиш имкони ёки мамлакат ичида ва ташқарисидаги нархлар нисбати валюта курси учун объектив асос булади. Лекин валюта бозордаги реал курсга бундан ташқари муайян валютага бўлган талаб ва таклиф нисбати ҳам таъсир этади. Агар нархлар нисбатига қараб ташкил топган валюта курсини унинг дастлабки нархи десак, талаб-таклиф шакллантирган пировард бозор нархи ундан юқори ёки паст булади. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бозорга ўтиш даврида валюта бозорига хос нарса ҳар иккала нархнинг бир-биридан тез фарқ қилишидадир. Шунинг эътиборга олиш лозимки, агар иқтисодий қийинчилик юзага келса, қимматчилик, тақчиллик булади. Бундай шароитда пул ўзига жой топа олмай қолади. Иқтисодий барқарорликда пулни ишлаб чиқаришга қўйиш ута хатарли булади. Истеъмолчилар даромадларини жойлаштириш учун пули бўлсада, лекин шу пулларга нисбатан товарлар етишмайди. Пул товар бозордан чиқиб, валюта бозорга келади. Бу ерга илгари экспортда юрган пуллар ҳам кириб келади. Оддий валютага қизиқмаганлар ҳам пулни сақлаб қолиш учун валюта бозорига бориб, уни шошилиш сотиб ола бошлайди. Чунки пулни ишончли асрашнинг бошқача йўли қолмайди. Бу ҳолат, биринчидан, пул массасининг ошиши сабабидан бўлса, иккинчидан эса валютанинг бойлик тўплаш воситасига айланиши унга талабни оширади. Чунки хориж валюта курси ошади, қадрсизланган пул курси янада пасаяди. Вақт ўтган сайин чет эл валютасига талаб ортиб боради. Бунинг сабаби-валютага талаб давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг кенгайишидан ҳам келиб чиқади. Чет эл товарларини сотиб олиш, чет элдаги транспорт ва алоқа хизматларидан фойдаланиш, четга капитал ва иш кучини чиқариш, бошқа давлатлар ва халқаро ташқилотлардан қарз олиш, хорижий туризм каби кўплаб янгидан ривожланаётган жараёнлар ҳаммаси бошқа давлатлар валютасига талабни ошириб боради. Шунга кўра валюта курси пул қадр-қийматига боғлиқ бўлсада, амалда ундан анчагина фарқ қилади. Иқтисодий барқарор мамлакатлар пулининг валюта курси ҳам барқарор булади. Улар тез ўзгармайди. Валюта курсининг пасайиши товарлар экспортини қулайлаштиради. Валюта курсининг кўтарилиши импортни қулайлаштиради. Товарни ташқарига чиқариб, мамлакатдаги нархга нисбатан бир неча баробар арзон сотиш ҳам маъқул булади.

Давлат валюта курсининг ўзгаришида, биринчидан миллий иқтисодиётни ҳимоя қилади, иккинчидан унинг ривожига шароит ҳозирлаш учун фойдаланади. Давлат томонидан расмий равишда валюта курсининг пасайтириш девальвация жараёни дейилади. Бу-муомаладаги қадрсизланган қоғоз пулларни бекор қилиш ёки қийматини тушуришдир. Аксинча валюта курсининг расмий оширилиши ревальвация дейилади. Масалан, 1доллар 120 иен бўлса, иен революциясидан сўнг бир доллар 105 иен бўлиши мумкин.

Валюта курсининг икки тури мавжуд. Булар, биринчидан қатъий ўзгармайдиган курс. Бундай шароитда валюталар нархи барқарор бўлади. Иккинчидан эса сузиб юрвчи курс. Бундай шароитда валюталар курси ўзгариб туради, унинг ўзгариб туришида чегара бор. Курс чексиз ошиб ёки чексиз камайиб кетмайди. Валюта курси таъсирида экспорт ёки импорт устиворлиги таъминланади. Бозор ўзгаради ва оқибатда ресурслар оқими ҳам ўзгаради. Валюта курсининг ўзгаришлари бевосита иқтисодиётга таъсир этганидан уни ўзгартириш билан иқтисодиётга тартиб берилади. Валюта курси пул қадрини ифодалайди. Халқаро миқёсдага ўз қадрига ва обрў-эътиборига қараб, валюталар икки гуруҳга бўлинади. Биринчидан, конвертирланган валюта-бу бошқа валюталарга эркин алмаша оладиган пул. Иккинчиси эса, конвертирланмаган валюта-бу бошқа валюталарга алмаштариш учун қабул этилмайдиган пул. Валютанинг қайси гуруҳга кириши унинг барқарорлигига боғлиқ. Масалан, АҚШ доллари конвертирланган валюта, у барча валюталарга эркин алмаштирилади. Россия рубили эса аксинча, конвертирилмаган пул. Рубл барча пулларга алмаштирилмайди.

Рубл фақат мустақил давлатлар ҳамдўслиги мамлакатларининг ички бозорида алмаштирилади холос. Масалан, рубль, ўзбек, украин, беларус, тожик, армян ва бошқа пуллар билан алмаштирилади. Бу ҳам чекланган миқдорда. Валюта аввал мамлакатнинг ўзида алмашилади. Бу ҳолат ички конвертирланиш бўлади. Кейин эса бу умуман конвертирланган пулга айланиб бориши мумкин.

Конвертирланган валютанинг ўзи ҳам икки хил бўлади. Бунда биринчиси, бу- эркин конвертирланган валюта. Бу чекланмаган миқдорда ва ҳамма пул жараёнларини бажариш учун ҳамма валюталарга эркин алмашадиган пул. Бундай хусусият қадр-қиймати барқарор ишончли равишда бойликлар билан таъминланган пуллардир. Масалан, АҚШ доллари, фунт стерлинг, марка, иен, франк ва бошқалар. Иккинчиси эса-одатдаги конвертирланган валюта. Бу фақат маълум пул жараёнларини ўтказиш учун чекланган миқдорда, бошқа валютага алмашадиган пул. Бу пул ўз-ўзидан жаҳон пули эмас, лекин унинг амал қилиш чегараси бор. Масалан, Швецария франки эркин конвертирланади, лекин француз франки бундай эмас. У чекланган ҳолда конвертирланади.

Бозор иқтисодиётга ўтаётган мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда конвертирланган валютанинг бўлмаслигининг сабаби бор. Бундай ҳолат Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига эркин чиқишига тўсқинлик

қилади. Капитал бозорига чиқа олмайди. Шунинг учун ҳам конвертирланган валютаси йўқ давлатларга хориж капитали ошиқмайди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шарти энг аввало пулнинг ички конвертабиллигини таъминлаш зарур бўлади. Бу дегани шуки, миллий пулни хорижий валютага мамлакат ички бозорида эркин айирбошланишни таъминлашдан иборат. Сўнгра эса пулни ташқи валюта бозорида конвертирлаш лозим бўлади. Ҳар-бир мамлакатда, жумладан Ўзбекистонда ҳам шундай имкониятнинг юзага келиши жаҳон иқтисодиётига кўшилишининг муҳим шарти ҳисобланади. Конвертирланган валюта ишончли ҳолда экспорт-импорт жараёнларини олиб бориш учун тўлиқ имкон яратади. Бундай имкониятлар товарлар ва пул оқимини мослаштиради. Бозор мувозанатининг пайдо бўлишига асос бўлади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг ҳам турини, ҳам сифатини ошириш вазифаси белгиланган. Шунга кўра тегишли амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Бу тадбир пул айланишини тезлаштиради.

Пул айланишининг нисбатан тезлашуви инфляция ҳавфидан сақлайди. Пулнинг қадр-қийматининг ошишига имкон яратади. Бу тадбирнинг тўлиқ амалга ошишида ишлаб чиқариш кучларининг сифат кўрсаткичлари юқори эмас. Шунга кўра, Республикада инновацион жараён, яъни янги технологиялардан унумли фойдаланишини таъминлаш, ишчи кучи салоҳиятини ошириш ҳаракатлари йўналишида иш олиб борилмоқда.

### **Асосий таянч тушнчалари.**

**Пул** - барча товарлар ва хизматларга айирбошланадиган умумий эквивалент, махсус товар.

**Банк** – французча сўз бўлиб, пул ҳаракатлари билан шуғулланадиган соҳа.

**Кредит** - лотинча, қарз. Устама тўлаб қайтариб бориш шарти билан маълум муддатга қарз олиш.

**Пул-тизими** - тарихан таркиб топган, миллий қонунчилик билан мустаҳкамланган, мамлакатда пул муомаласини ташкил қилишга хизмат қилувчи нақд ва кредит пуллардир.

**Пул муомаласи** - пулнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнларидаги узлуксиз ҳаракати.

**Инфляция** - қоғоз пул бирлигининг қадрсизланиши

**Фоиз нормаси** - даромаднинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Банк операцияси** – маблағларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган жараёнлардир.

**Банк фойдаси (маржа)** - бу олинган ва тўланган фоиз суммалари ўртасидаги фарқ.

**Банк фойда нормаси** - банк соф фойдасининг унинг ўз капиталига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Кредит объекти** – вақтинча бўш турган, берилиши мумкин бўлган пуллар ва товарлардир.

**Ссуда капитали** - маълум муддат мобайнида фойдаланганлиги учун ҳақ фоиз тулаб қайтариш шarti билан қарзга берилган пул маблағи.

**Тижорат кредити** – бу сотувчиларнинг харидорларга товар шаклида берадиган кредитдир. Бунда товарлар маълум муддатга пулини тўлаш шarti билан насияга берилади.

**Истеъмолчи кредити** - тижорат банклари тадбиркорлик учун фирмаларга қарз берса, истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун қарз беришидир.

**Халқаро кредит** - ссуда капиталининг халқаро миқёсидаги ҳаракати. Бу товар ва валюта кўринишидаги маблағларни қайтариб бериш шarti билан, муддатли, ҳақ тўлашлик асосидаги кредит.

**Фирмавий кредит** - бир мамлакат фирмасининг иккинчи мамлакат фирмасига берадиган кредити.

**Акцептли кредит** - (лотинча бўлиб, розилик берилган мазмунидир). Экспорт қилувчининг вексели учинчи мамлакат банки томонидан акцепланади, банкка утказиб берилиши ҳал этилади.

**Кредит эмиссияси** – қарз бериш учун мўлжалланган ва нақд булмаган пулни қўшимча равишда муомалага чиқаришидир.

## XX. БОБ. ДАВЛАТ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШДА БОШ ИСЛОҲОТЧИ

Мазкур бобда бозор иқтисодиёти муносабатларини яратишда давлатнинг ўрни, таъсири, усуллари, имконияtlари тўғрисида тушунча ва хулосалар берилади. Давлатнинг иқтисодиётдаги роли, бошқаришнинг асосий йўналишлари, ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг мақсади борлиги. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир усуллари ва воситалари. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш. Ишлаб чиқаришни тақсимлаш, қайта тақсимлаш жараёнларида давлат бошқаруви. Самарадорликни оширишда янги ижтимоий-иқтисодий, демократик давлатнинг барпо этилишида давлатнинг ўрни. Давлатнинг макроиқтисодиётни тартибга олишда давлатнинг мақсадли инвестициялари. Давлат ва чет эл инвестициялари, унинг иқтисодий усишдаги ўрни. Бозор иқтисодиётини ўрнатишда мулк ва мулкчилик муносабатлари. Ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда давлатнинг турли хил ёрдамлари. Санация ва унинг иқтисодий тараққиётдаги ўрни.

### 20.1. Давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни, вазифалари.

Давлат иқтисодий жиҳатдан жамиятнинг бошқарилишида, асосий, яъни бош бошқарувчидир. Давлат мамлакатни ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий куриқлайди. Унинг тинч, фаравон бўлишлиги учун курашади, тегишли тadbирлар қабул қилади ва бажарилишини таъминлайди. Давлатнинг ўз чегараси, рамзлари, ҳарбий кучлари, бош қомуси-қонунлари, ҳуқуқлари, миллий бойлиги булади. Давлатнинг барча фаолияти унинг халқи учун, халқнинг фаолияти эса ўз давлати, Ватани, она юрти учун қаратилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида яшаб турган мамлакатларда иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиб турилишининг тарихий сабаблари мавжуд. XIX аср охирларида юзага келган эркин рақобатчилик ишлаб чиқаришда йирик корхоналарнинг пайдо бўлишини тақоза этди. Йирик фирмаларнинг кўпайиб бориши ҳам иқтисодий рақобатчиликнинг ривожланишига сабаб бўлди, мулкдорлар сони ошборди. Бозорда монополия ҳукмрончилигининг юзага келиш хавфи тугила бошлади. Бу эса монополиянинг бошқа фирмалар, корхоналар ривожланишига тўсқинлик қилишларигача олиб келди. Шунингдек аҳолининг тadbирлари ва истеъмолчиларнинг иқтисодий қизиқишларини ҳимоя қилиш зарурияти вужудга келди. Бундай вазиятда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ҳаётий заруриятга айланди. Фақатгина монополиялар эмас, балки аҳолининг эркин рақобат натижасида юзага келган бой ва қашшоқлик даражасининг ўсиб кетиши ҳам иқтисодиётнинг давлат томонидан назорат қилинишини тақоза қилади.

Ҳар бир мамлакатда давлатнинг иқтисодиётга таъсир кўрсатиши турлича бўлади. Масалан, АҚШ ва Ғарбий Европа Давлатларида ўтган асрнинг

охиригача давлат иқтисодиёт жараёнларига таъсир ўтказмаган. Оқибатда иқтисодиёт эркин рақобатга асосланган. Кейинчалик давлат турли хил сабабларга кўра иқтисодиётга ҳар хил усуллар билан таъсир кўрсата бошлаган. Шунга кўра иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш хулосаси келиб чиққан. Давлат бошқарувида унинг буюртмаси, бюджети, заёмлари, мулки, корхонаси, ташкилоти, солиқ инспекциялари, ҳамда бошқа куплаб имкониятлар бор.

Мамлакатда ижтимоий ва хусусий неъматлар бор. Ижтимоий неъматлар — бу мамлакатда яшаб турган барча аҳоли томонидан, жамоалар томонидан истеъмол қилинадиган неъматлардир. Бундай истеъмолда ҳар бир аҳоли алоҳида ушбу неъмат учун пул тўлаши ёки тўламаслигига боғлиқ эмас. Соф ижтимоий маҳсулот икки хил хусусиятга эга. Биринчиси истеъмол қилишда танланмаслик ва истеъмолдан ажратилмаслик. Масалан, ҳарбий хизматлар, ички ишлар хизматлари мана шунга мисол бўла олади. Бундаги хусусият шундаки, соф ижтимоий неъматни бир киши томонидан истеъмол қилиниши бошқа бир кишининг ушбу неъматлардаги истеъмолини камайтирмайди. Бундай истеъмоллар рақобатдан ҳоли. Истеъмолдан ажратмаслик шундаки, бунда ҳеч бир кишига истеъмол қилиш ман қилинмайди. Иккинчидан, соф хусусий неъматлар. Бу неъматлар сотиб олиш жараёнидан ўтади. Хусусий неъмат булакларга бўлинмайди. Соф ижтимоий маҳсулотнинг булакларига нарх белгилаш ҳам мумкин эмас. Истеъмолчилар сони қанча бўлишидан қатъий назар, улар барча соф ижтимоий неъматни истеъмол қилади. Лекин, ҳар бир шахс соф ижтимоий неъматни истеъмол қилишдан ҳар хил наф олади.

Бозор ўзини зарурий ресурслар билан таъминлашга ожизлик қилади. Шунга кўра ҳам иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг аралашуви зарур бўлади. Бунда давлат, биринчидан монополияга қарши сиёсат олиб боради. Иккинчидан ижтимоий суғурғалашни ташқил этади. Учинчидан эса салбий ташқи самарага эга бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарилишини чеклайди. Тўртинчидан, ижобий ташқи самарага эга бўлган ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётга эътибори мукамаллашиб боради. Бундай вазифаларга масалан, инфратузилмани ривожлантириш, маорифни яъни халқ таълимини мукамаллаштириш, ишсизларга нафақа ажратиш, ҳар хил нафақалар ва кам таъминланган оилаларга ижтимоий ғимоя сиёсатини олиб бориш каби фаолиятлардир. Ривожланган мамлакатларда жами маҳсулотлар таркибида давлатнинг харажатлар улуши ортиб боради. Демак, давлат аввалам бор бозорнинг нормал ишлашини таъминлаш, қолаверса яна бир муҳим вазифа — бу мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш йўлларини ҳал этиш зарур бўлади.

Давлатнинг, бозор механизмига асосланган иқтисодиётга аралашуви ўзининг чегарасига эга. Биринчи навбатда, давлатнинг бозор механизмига аралашуви бозор механизмнинг бузилишига олиб келмаслиги зарур. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бозор механизмларини маъмурий бошқарув билан алмаштирмаслиги эътиборда бўлади. Аксинча, давлатнинг

иқтисодиётга аралашуви кўпроқ бозор механизмини кучайтиришга олиб келиши лозим.

Иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг кўп қиррали вазифалари бор. Булардан, рақобатни ҳимоя қилиш. Чунки бозор иқтисодиётида рақобат асосий тартибга солувчи механизм ҳисобланади. Бу ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчиларни ўзига бўйсундирадиган ягона кучдир. Бозор тизимига бўйсунадиган ишлаб чиқарувчилар рақобат натижасида фойда олишни режалаштиради. Бу қонунни бузган шахс, корхона, фирма зарар кўради, инқирозга дуч келади. Рақобат шароитида истеъмолчи — ҳўжайин, бозор унинг хизматчиси, бозор хизматни корона, фирмалар фаолиятида амалга оширади.

Давлат даромад ва бойликларни қайта тақсимлайди. Бозор тизими ривожланиши билан аҳоли оладиган даромадлар ва харажатлар ўртасида нисбатан тенгсизликлар пайдо бўлади. Бундай муаммоларни давлат ҳал этади. Давлат жамиятдаги даромадлар номутаносиблигини камайтириш вазифасини бажаради. Бу вазифалар қатор сиёсий тадбирлар ва дастурларда ўз ечимини топади. Бунда ёрдамга муҳтож, боқиманда, ногирон ва ишсизларни моддий ҳимоялайди. Иккинчидан эса давлат бозорга аралашуви орқали даромадлар тақсимланишини ўзгартиради.

Давлат, миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солади. Шунингдек, давлат иқтисодиётни бошқаришда ишсизлик ва инфляция даражаларини назорат қилади, иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Давлатнинг Фақат сиёсат билан машғул бўлиши асов бозор иқтисодиётига хос бўлса, давлатнинг иқтисодиётда фаол қатнашуви маданийлашган бозор иқтисодиётнинг муҳим белгисидир. Давлатнинг ўзи иқтисодиёт билан шуғулланади ҳамда умуммиллий, яъни мамлакатнинг умумий манфаатини таъминлайди. Давлат бозор алоқаларига киришганда, бир томондан фирмалар билан, иккинчи томондан, уй ҳўжаликлари билан муносабатда бўлади. Давлат билан уларнинг ўртасида алоқалар ҳам бозор қоидаларига биноан амалга ошади. Давлат фирмалардан товар ва хизматлар сотиб олиб, уларга ўз товарлари ва хизматларини сотади. Давлат фирмалардан солиқ тариқасида пул олса, ёрдам тариқасида уларга бюджетдан пул ҳам бериб туради. Давлат уй ҳўжаликлари билан муносабатда бўлганда, улардан ресурс сотиб олади ва давлат ўз хизматларини сотади, улардан солиқ ундирса, ижтимоий ёрдам сифатида уларга пул ҳам беради. Давлат иқтисодий субъект бўлсада, унинг иқтисодиётдаги ўрни алоҳида, уни истеъмолчининг ёки фирманинг ўрни билан тенглаштириб бўлмайди.

Биринчидан, давлат иқтисодиётнинг бир иштирокчиси эмас, балки уни тартиблаб турувчи субъект ҳисобланади. Давлат ўзининг сиёсати билан иқтисодиётга таъсир этади. Бу сиёсат тадбиркорлик фаолиятига зид эмас, аксинча иқтисодий ташаббусга йўл очиб бериш мақсадларини кўзлайди. Демак, давлатнинг иқтисодиёт учун аҳамияти унинг тартиблаб турувчи куч бўлиши билан белгиланади. Давлат иқтисодиётни тартиблаганда умумжамят манфаатларини кўзлайди, умумиқтисодий аҳамиятга молик



чора-тадбирларни қўллаб - қувватлайди. Иқтисодий тартибдашда хилма-хил иқтисодий воситалар йиғиндисидан фойдаланади. Давлат рақобат курашининг бевосита иштирокчиси эмас, балки унинг олий ҳаками вазифасини бажаради. Давлат сиёсати мамлакатда ижтимоий барқарорлик, хотиржамлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш орқали иқтисодий ўсиш ва оммавий фаравонликни таъминлашга қаратилиши керак.

Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишда тараққий этган мамлакатлар тажрибасига суянган кўпгина ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий юксалиш йўлига ўтиб олдilar. Улардан баъзи бирлари, масалан, Жанубий Корея, Сингапур, Тайван, Гонконг, Малайзия, Тайланд мамлакатлари янги индустриал мамлакатлар деб тан олинди.


Бозор муносабатлари шаклланаётган Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида иқтисодий ислохотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда давлат асосий вазифаларни бажариб, иқтисодиётни тартибдаш тамойилларини таркиб топирмоқда. Ўзбекистонда ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Иқтисодий субъектлар ўзаро рақобатда бўлгани ва ўзларининг шахсий ёки жамоавий манфаатлари юзасидан фаолият кўрсатиш учун уларнинг манфаатлари, умумдавлат, жамият манфаатларига зид келиб қолишлари ҳам мумкин. Шунинг учун давлат иқтисодиёт субъектлари манфаатлари ва фаолиятларининг жамият давлат манфаатларига зид келиб қолмаслигини, унга зид эмаслигини назорат қилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун давлат иқтисодий субъектларининг макроиқтисодий миқёсидаги алоқа ва боғланишларни тартибга солади. Давлат фан-техника тараққиётини жадаллашувини ва иқтисодиётнинг илгор тармоқларини ривожлантиришни рағбатлантиради. Давлат атроф - муҳитни асрашни таъминлаш чораларини белгилайди. Дунё бозорида миллий манфаатларни ҳимоя қилади. Ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини таъминлаш тадбирларини ўтказди. Миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурсларни қайтадан тақсимлайди. Давлат бажариши лозим бўлган вазифалар буйича иқтисодий-сиёсий режалар белгилайди, амалга оширади. Бунда энг асосий йўналиш иш билан бандлик, ижтимоий, фан-техника ташқи иқтисодий сиёсатлар ва бошқалар ҳисобланади. Ўтиш даври иқтисодиётида давлатнинг ўрни таркиб топган бозор ҳўжалигига қараганда кўпроқ аҳамият касб этади. Давлат бош ислохотчи сифатида у барча ислохотларнинг бажарилиб боришини назорат қилади, ҳўжаликларнинг бир маромда фаолият кўрсатишларига амалий ёрдам кўрсатади, шароит яратади.

Давлат аҳолини бозор шароитлари, иқтисодиётнинг ҳолати туғрисида ахборотлардан хабардор қилади. Давлат иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги мунозара, баҳс, зиддиятларни ҳал қилишда ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини кўради. Жамият тараққиёти учун зарур бўлган аҳолининг кўпчилиги фойдаланадиган ижтимоий товарлар ва хизматлар хусусий

тадбиркорлик доирасида ишлаб чиқарилиши мумкин эмас. Масалан, мактаблар, йуллар, ёнгиндан ҳимоялаш воситалари, миллий мудофаа ва бошқалар. Шунга кўра буларни яратиш, ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш, барчасини давлатнинг ўзи ташқил қилади, тартибга олади. Давлат вазифасида иқтисодий тартиблашнинг давлат механизмини тақоза этувчи сабаблардан бири бозор тизимидан ташқарида сарф бўлувчи инсон фаолиятининг ва табиатининг салбий, зарарли Оқибатлардан аҳолини ҳимоя қилиш заруратидир. Бундай зарарли Оқибатлар, булар инсон саломатлигига, табиатга зиён етказувчи омиллар киради. Бу имкониятлар давлат ихтиёрида мавжуд, у бозор тизимида мавжуд эмас. Шунга кўра давлат томонидан иқтисодий тартиблаш механизмида аҳҳлини зарарли қўшимча Оқибатлардан ҳимоялаш чоралари ҳам муҳим аҳамиятлидир. Қўшимча зарарли Оқибатлар инсон ҳаётига зиён етказибгина қолмай, иқтисодийнинг ривожланишига ҳам салбий таъсир қилади. Бунда, бу заҳарлардан аҳолини ҳимоялаш иқтисодийнинг ривожланиши учун имкон яратади. Бу тadbirlar тугайли аҳоли саломатлиги яхшиланса, уларнинг меҳнат қобилиятлари ҳам ортади. Оқибатда иқтисодий ривожланишда ўзига хос ўеиш юзага келади.

Давлатнинг иқтисодийга аралашуви, биринчидан, иқтисодийнинг давлат секторини ҳосил этувчи корхона, ташкилотлар миллий иқтисодийнинг бир бўғини сифатида товар ва хизматлар яратиб бозор муносабатларида иштирок этади. Иккинчидан, давлат умумий манфаатларни ифодаловчи куч сифатида миллий иқтисодий тартиблашда иштирок этади.

Давлат фирмалари бозорга ўз товар ва хизматларини таклиф этади ва ўз ўрнида бозордаги ресурсларга талаб билдиради. Ана шу ҳар иккала ҳолатда ҳам давлат иқтисодийнинг эл қатори субъекти вазифасини бажаради. Лекин давлат бозорга нисбатан ташқи куч сифатида ҳам майдонга чиқиб бутун иқтисодий тартиблашда иштирок этади.



Ушбу шаклда бозор алоқалари ва бунда давлатнинг таъсири ўзаро боғланган ҳолда олиб борилади.

Давлат хонадонлар билан фирмалар ўртасида туриб уларнинг алоқаларини тартибга солади. Давлатнинг истеъмоли унинг буюртмалари орқали талабни ошириб, фирмалар учун бозор яратиб беради.

Давлат кўрсатадиган ижтимоий хизматлар бепул бўлганидан улардан ҳамма баҳраманд бўлади. Давлат ҳам иқтисодий субъект, лекин бу оддий субъект эмас, балки бутун иқтисодий тартиблаш турувчи субъектдир.

Миллий иқтисодиётни тартиблаб туришда Фақат бозор кучлари эмас, балки давлат ҳам қатнашади. Бошқа субъектлар, масалан, корхона, фирмалар ўз фаолиятини тор доирада, яъни корхона доирасида тартиблай оладилар.

Хозирги бозор иқтисодиётини давлатнинг тартиблаб туришини Фақат бозорнинг лаёқатсиз бўлиб қолиши билангина изоҳлаш нотўғри бўлади. Чунки иқтисодий алоқалар ғоят кенг миқёсли ва мураккаб бўлиб, бозор кучлари ҳатто мукаммал ишлаган тақдирда ҳам уларни тўла-тўқис тартибга сола билмайди. Иқтисодий тараққиёт давомида корхоналарнинг ташқи иқтисодий алоқалари аҳамияти ғоят ошади. Бу алоқаларни ўрнатишда давлатнинг иштироки талаб қилинади. Шунга кўра иқтисодий алоқаларнинг глобализация (яъли, умумий тараққиёт) даражасига чиқиши давлатнинг иқтисодиётдаги ўрнини оширса, корхоналарда бозорга қараб ўз фаолиятини ўзи тартиблашга интилиши бу давлат ўрнини чеклайди. Фан-техника тараққиётида корхоналарни микродаражада бошқаришнинг энг мукаммал воситаларини яратади. Хуллас, давлатнинг ўрнини жиддий омиллар белгилаб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни тартиблашнинг бозор механизми билан давлат механизми биргаликда амал қилайди. Давлатнинг тартибловчи ролини иқтисодиётнинг умумий ҳолати ҳам белгилайди. Иқтисодиёт ўсаётган даврларда бозор кучлари ишлаб турганидан давлат иқтисодиётга камроқ аралашади. Давлатнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш масаласи М. Кейнснинг “Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назариялари” номи китобида ўз аксини топди (1936). Бунда давлат ҳазинавий ва кредитли тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб, жамиятнинг яъли талабини рағбатлантиришни ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминланиши зарурлигини исботлайди.

Бозор тизими кишиларнинг табиий қобилияти, ортирган билими ва малакаси ҳамда мулкка эгаллигини ҳисобга олиб, уларнинг юқори даромад олишини таъминлайди. Шу билан бирга жамиятнинг моддий воситаларга эга бўлмаган, билим ва малака даражаси паст, лаёқати ҳам юқори бўлмаган, аъзолари, қариялар, ногиронлар, ишсизлар, ёлғиз ва қарамоғида болалари бўлган аёллар жуда кам даромад олади ёки бозор тизими доирасида ишсизлар каби умуман даромадга эга бўлмайди. Шу сабабли давлат ўз зиммасига даромадлар тенгсизлигини камайтириш вазифасини олади. Бу вазифа бир қатор талбир ва дастурларда ўз ифодасини топади.

## 20.2. Давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари.

Мамлакат аҳолисининг тинч, тўқ, фаравон ҳаёт кечиришини таъминлашда давлат назорати, амалий ёрдами, ижтимоий ҳимояси ҳал қилувчи омилдир. Шунга кўра давлат бир бутун ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боради. Меҳнатга ярайдиган, ишлашни хоҳлайдиган аҳоли меҳнатда банд бўлишligи, унумли ва самарали фаолият кўрсатишligи зарур бўлади.

Меҳнат жараёнларига мамлакатдаги бутун ижтимоий фаравонликка ҳам ички, ҳам ташқи салбий таъсирлар бўлмаслиги лозим. Бундай шароитларни яратмоқ учун давлат аввалам бор иқтисодий сиёсат юритади. Масалан, монетар сиёсат. Бу сиёсат негизида, йўналишида бирдан-бир мақсад – бу ҳимоялаш сиёсати бор. Бу сиёсатни давлат биринчидан пул муомаласини тартиблаш билан, иккинчидан, товар ва пул массаси ўртасидаги мувозанатни таъминлаш орқали, учинчидан иқтисодиётдаги пул оқимларини бошқариб бориш билан амалга оширади. Давлат бундай сиёсат юритиши билан нархларни шунга кўра миллий пул бирлиги харид қурбини оширишдан иборат. Шунингдек валюта курсини барқарорлаштиришдан, пулга талаб билан унинг тақлифини мувозанатлаштиришдан иборат.

Монетар сиёсат давлатнинг энг зарур иқтисодий сиёсатларидандир. Унинг турли хил кўринишлари мавжуд. Масалан, биринчидан қайта молиялаштириш. Бу ҳолатда давлат марказий банк орқали мавжуд бўлган ҳисоб ўлчамларини қайта кўриб чиқади. Уни иқтисодий заруриятга ҳос равишда ўзгартиради. Ўлчам ошганда пул қийматлашиб, унга талаб қисқаради. Агар ўлчам камайса пул арзонлашиб, унга талаб ошади. Бунинг таъсирида қарз (кредит) учун белгиланган фоизлар даражаси юқори ёки паст бўлиши мумкин. Ана шу жараён фойдаланишга мўлжалланган кредит пули, миқдоридан юбориладиган инвестицияларни ўзгартиради, унинг ўсишига таъсир қилади.

Монетар сиёсатнинг яна бир кўриниши – бу очик бозорда операциялар ўтказиш билан ифолаланади. Бунда давлатга қўшимча пул зарур бўлганида у аҳоли, фирма, корхона ва ташкилотлардан облигациялар орқали амалга оширади, давлат маълум белгиланган муддатга улардан қарздор бўлади. Муддати ёки имкони яратилганда давлат ўзи сотган облигацияларни ўзи яна қайтариб сотиб олади. Чунки ушбу жараённинг йўналиши шунга қаратилгандир. Давлат облигациялари сотилганда пул уларга боғланиб қолади, Оқибатда муомаладаги пул миқдори қисқаради. Улар қайтадан сотиб олганда пул улардан бўшаб, муомалага келади, у ердаги пул миқдори кўпаяди, пул миқдори тартибга олинади.

Монетар сиёсатнинг яна бир кўриниши – бу мажбурий резерв сиёсати. Бунинг мазмуни шундаким, бунда марказий банк тижорат банклари учун кредит ресурсларининг мажбурий резервини киритади. Бу тартибга кўра банклар кредитга бериладиган пулнинг бир қисmini марказий банклар ихтиёрига беради. Бу резерв ошса, кредит пули қисқаради, агар у камайса, бу пул кўпаяди. Монетар сиёсат олиб борилганда, давлат вазиятга қараб иш кўради. Масалан, қаттиқ ва юмшоқ сиёсат олиб борилиши мумкин. Қаттиқ сиёсат олиб борганда пул массаси қисқартирилади. Пулнинг ўсиши эмиссия ҳисобидан бўлгани қисқаради. Агар пул массаси қисқариб борилса, у товар массасига тенглаштирилади. Пул камайган сайин талаб ҳам шунга кўра қисқариб боради. Талаб камайса, нархлар кўтарилмайди. Пулнинг қадри ортиб боради. Пул топишга интилиш иқтисодиётнинг ўсиб боришига олиб келади. Давлат бундай тadbирни инфляцияни бостириш учун ўтказиши мумкин бўлади. Монетар сиёсатнинг яна бир хили – бу юмшоқ сиёсат. Бу

сиёсатнинг мазмунида, давлат пул эмиссиясининг ортиб боришига тўсқинлик қилмайди. Пул эмиссиясини узлуксиз чекламайди. Оқибатда пул ҳажми кўпайиб, арзончилик юзага келади. Юмшоқ сиёсат иқтисодийёт ўсиш палласида бўлганида кўпроқ қўлланилади. Чунки пул массасининг ўсишига қараб товарлар массаси ҳам ўсади. Бундай ҳолатда товар-пул мувозанати пулни қисқартириш ҳисобидан эмас, балки товарларнинг кўпайиши туфайли юз беради.

Монетар сиёсатда фискал сиёсати ҳам бор. Фискал сиёсати –бу давлатнинг солиқ – бюджет сиёсатидир. Бу сиёсат орқали давлат солиқлари белгиланади, бюджет харажатлари ижро этилади. Солиқ сиёсати- солиқлар орқали бюджетга пул тўплайди. Солиқ турлари аниқланади, солиқ солинадиган объектлар, солиқ имтиёзлари, солиқ ундириш тартиби аниқланади. Солиқ – бу давлатнинг иқтисодийётга таъсир этадиган воситасидир. Ўзбекистон Президенти И. Каримов – “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир” – деган.<sup>14</sup>

Солиқлардан имтиёзлар берилганда ҳаракатдаги солиқлар даражаси камайтиради. Солиқларни ундириш муҳлати чўзилади ёки умуман солиқ тўлашдан озод қилинади. Туланмаган солиқ суммаси миқдорида солиқ тўловчининг фойдаси ортади. Ортирилган фойда ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар миқдорини оширади. Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистонда фойдалан туланадиган солиқ ўлчами биргина 2004 йилда 24 фоиздан 20 фоизгача туширилди. Фискал сиёсатда иқтисодийётни барқарорлаштириш ва ўстириш учун икки хил йўлдан борилади. Биринчидан, бу илгари киритилган ва ҳозир амалда бўлган иқтисодий услубларни қўллашни давом эттириш, давлат белгиллаган қонунлар асосида турли хил молиявий нормативлар юзага келади. Масалан, ишсизлик нафақаси миқдори, даромадларнинг инфляцияга қараб индексация қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бошқалардир. Иккинчидан, шароитига қараб янги нормативлар белгилаш. Бунга кўра солиқнинг янги турлари жорий этилди. Фискал сиёсати бюджет орқали ҳам иқтисодийётга таъсир қилади. Ишлаб чиқаришга инвестициялар юборади, зарурий корхоналарга ёрдам кўрсатилади. Бундай ёрдамлар қайтариб олинмайди.

Давлатнинг бюджет сиёсати, фаол сиёсати, нофаол сиёсати, инвестиция сиёсати, аграр сиёсати, ташқи иқтисодий сиёсати мавжуд. Бу сиёсатларнинг барчаси молиявий фаолиятларни такомиллаштириш, фаолиятларда самарадорликни яратиш, жамиятнинг тўб миллий бойлигини бойитиб боришга қаратилган. Бу сиёсатлар мамлакатнинг саноатлашган жамиятга айланишида адолат, ижтимоий ҳимоя барҳам топишига йўналтирилган сиёсатлардир. Давлатнинг ўзаро фойдали алоқаларини ривожлантириш учун ташқи иқтисодий сиёсат олиб борилади. Бу орқали давлат миллий иқтисодийётнинг жаҳон ҳўжалигидаги мавқесини

<sup>14</sup> Каримов И.А. “Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим ” Т. “ Ўзбекистон ” ,2005 й. 89 бет.

мустаҳкамлайди. Бунда ҳар-бир муносабат ўз чегарасига эга. Экспортнинг импорт даражасидан ортиб боришига эришмоқ ҳам муҳимдир. Давлат сиёсати капитал киритиш ва капитал чиқариш меъёрини ҳам белгилайди. Иқтисодий сиёсатлар доирасида давлатнинг зарурий дастурлари тайёрланади ва улар амалиётга тадбиқ этилади. Дастурларнинг мақсад-негизида мамлакат ҳаёти учун ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳал этилади.

Давлатнинг фаол фискал сиёсатида солиқларнинг камайтирилиши, ёрдамлар бериш каби фаолият ифода этилган. Фирмалар харажати қисқариб фойдаси ортиб боради. Қийинчиликлардан чиқиш йўллари эътиборга олинган. Нофаол фискал сиёсатида эса бозор механизмининг яхши ишлаб туришлигини таъминлашга қаратилган. Шу тариқа бу сиёсат иқтисодий ўсиш тўхтовсиз давом этишига қаратилган.

Давлатнинг инвестиция сиёсати ресурсларни шакллантиришга, улардан тўғри фойдаланишга йўналтирилган. Бунда ишлаб чиқаришнинг эски соҳаларини чеклаб янги, масалан экспортга мўлжалланган соҳаларини ўстиришга қаратилган. Масалан, буни ҳал қилиш учун янги соҳалардаги мол-мулкдан солиқ олинмагани холда эски соҳалардаги мол-мулкдан солиқ нисбатан кўпроқ олинishi жорий қилинади. Шу йўл билан янги соҳаларнинг ривожланиши моддий рағбатлантирилади. Янги технологиялар олиш билан фаолият кўрсатаётган фирмаларга деярли кўпроқ инвестициялар ажратилади.

Айниқса Ўзбекистон шароитида давлатнинг аграр сиёсатининг зарурилиги нўҳоят кучлидир. Шунга кўра Республикада “қишлоқ ислоҳоти” сиёсати энг ижтимоий сиёсат сифатида тан олинган. Қишлоқда унумли иш мазмунини яратмоқ учун қишлоқга унумли шароит, ёрдам зарур. Бу заруриятда давлатнинг аграр сиёсати бор. Қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиши Республика миллий иқтисодиётининг ўсишини таъминлайди. Шу ўринда Республикада саноатлашган иқтисодиётнинг барҳам топишига имкон яратади. Давлат қишлоқдаги сув хўжалиги, йўл қурилиши, газ, электро - энергия таъминотларида харажатнинг бир қисмини ўз зиммасига олади. Давлат ернинг ижарага олиб ишлатилишини ерни гаровга қўйиб кредит олишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди. Деҳқонларни қўллаб туриш учун ер солиғи енгил ҳажмда белгиланади.

Қишлоқ хўжалигида рентабеллик паст бўлганидан капиталнинг бу ердан чиқиб кетишига йўл қўймаслик учун давлат фермерларга ёрдам кўрсатиб туради. Давлат ёрдами ҳисобидан фермерлар меъёридаги даромадга эга бўлишади. Шунга кўра ҳам фермер ўз фаолиятини тарк этмайди. Фермерларни рағбатлантириш учун давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини уларга маъқул нархларда сотиб олади. Давлат нархлари бозор нархларига деярли яқиндир. Шунинг учун фермерлар ўз маҳсулотларини давлатга сотишга интиладилар. Чунки давлатнинг сотиб олиши маҳсулотларнинг сотилишини ва узлуксиз давлат ҳаридор бўлишлигини таъминлайди, уни кафолатлайди. Давлат тадбиркорлиги бир томондан, у маълум шароитда иқтисодий ўсиш учун зарур бўлса, иккинчи томондан у вақт ўтиши билан

самарасиз бўлади. Чунки давлат молияси билан ишлайдиган корхоналар зарарсиз ишлашга интилмайди.

### 20.3. Ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги.

Мамлакатнинг бошқарилувида ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам бандлик, ҳам даромадлар, ҳам ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа йўналишларда унинг мазмунига, мақсадига қараб сиёсатлар мавжуд. Ижтимоий сиёсат иқтисодиётни тартиблашга бевосита таъсир этмайди. Ижтимоий сиёсат жамиятда инсоний тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаб, иқтисодий ўсиш учун қулай ижтимоий шароит яратиб беради. Фермерлар билан меҳнат аҳли ўртасидаги низо иқтисодиётни издан чиқаради, аксинча уларнинг ижтимоий ҳамжиҳатликда ишлаши иқтисодий ўсиш шарти ҳисобланади. Давлат меҳнат муносабатларига аралашганда иш берувчилар билан боғланиб ишловчилар ўртасида зиддият чиқмаслик чораларни кўради. Зиддият чиққан тақдирда ҳам қонунлар асосида тинч йўл билан ҳал этилиши таъминланади. Давлат иш қуни ва иш ҳафтасининг давомийлигини қонун йўли билан белгилаб қўяди. Давлат энг кам иш ҳақи миқдорини белгилайди. Шунга белгиланган кам иш ҳақидан ҳам кам иш ҳақи тўлаш мумкин эмас бўлади. Масалан, АҚШда иш ҳафтаси 40 соат қилиб белгиланган. Энг кам иш ҳақи 5.15 доллар соатига тўланади. Давлат ишсизларни янги касбларга ўргатиш учун маблағ ажратади. Давлат иш кунини қисқартириш ҳисобидан қўшимча ишчи ва хизматчиларни ишга олган, янги иш ўринлари яратган фирмаларга солиқдан энгиллик беради. Давлат ўз ҳисобидан меҳнат биржалари орқали ишсизларга ишсизлик нафақаси тўлайди, уларнинг хорижга чиқиб ишлашига имконият яратиб беради. Давлат иш кучини тайёрлашда ҳам қатнашади. Давлат бойлар пулини адолатли воситалар орқали олиб, уни ночор кишилар ўртасида тақсимлайди. Шу орқали бойлар билан камбағаллар ўртасидаги мувозанатлик текисланиб боради. Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида Давлатнинг ижтимоий сиёсати жамиятнинг ўта бой ва ўта камбағал тоифаларига ажралишига йўл бермайди. Бозор иқтисодиётининг ижтимоийлиги иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий сиёсат билан узвий алоқада бўлишини талаб қилади. Иқтисодиёт ижтимоий тараққиёт учун зарур бўлган товар ва хизматларни яратиб берса, ўз навбатида ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши инсон капиталининг ривож орали иқтисодий ўсишга хизмат қилади. Мана шундай боғланишнинг реал ҳаётда бўлиши иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг уйғунлашувини талаб қилади.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати — бу инсоннинг ҳаётий манфаатларини юзага чиқариш, инсонни ҳимоя қилиш ва камол топишига қаратилган сиёсатдир. Унинг мақсади оммавий фаровонликка ёрдам кўрсатишдир. Бу сиёсатнинг зиммасида қатор вазифалар бор. Булар биринчидан, иш билан бандлик даражасини белгилаш, иккинчидан, кам иш ҳақини белгилаш, учинчидан, камбағаллик чегараларини аниқлаш, тўртинчидан, тирикчилик минимумини белгилаш, бешинчидан, ижтимоий ёрдам

меъёрларини аниқлашдан иборат. Демак сиёсатнинг хулосавий мақсади, бу бандлик, даромад ва ижтимоий ёрдам сиёсатини амалга оширишдир.

Давлатнинг бандлик сиёсати, бу-биринчидан, ишлашга имкони бор, ишлашни хоҳловчи ҳар бир шахс ўз лаёқатига ҳос иш билан таъминланмоғи зарур. Бундай сиёсатни давлатнинг бандлик сиёсати дейилади. Иш билан банд бўлган шахс ўз эҳтиёжларини ўзи қондиришга жамият эҳтиёжлари талабига ёрдам беришга қодир бўлади. Давлат имкони бўлса меҳнатга яроқли инсонларнинг барчасининг фойдали фаолият кўрсатмоғини истайди. Лекин амалиётда ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Бу йуналишда давлат янги иш ўринлари ташкил қилган фирма, корхона ва муассасаларга турли хил моддий ёрдамлар кўрсатилади, ёки солиқдан озод қилади. Ҳатто бир иш урнида икки смена ишлашни уюштириб икки кишини банд қилганларга ҳам давлат молиявий ёрдам кўрсатади. Умуман янги иш ўринлари яратган, янги технологиялар билан таъминлаган, иш унумдорлигини оширган, маҳсулот ишлаб чиқаришда унинг турларини кўпайтирган фирмаларни ҳам давлат турли хил кўринишларда рағбатлантиради. Ишсизлар кўпайиб борган сайин иш билан таъминланишда ишнинг паст-баланди танланмайди. Иш бўлса бас-усулига ўтилади. Бунда мутахассислик ҳам, иш тажрибаси ҳам эътибордан четлашади. Мамлакатнинг иқтисоди ривожланган бўлса, у ҳолда меҳнатни банд қилувчи унуми юқори иш ўринларини, гарчи улар қиммат турсада, яратишга эътибор катта бўлади. Масалан, Ўзбекистонда ҳам бандлик сиёсатида ҳам арзон иш ўринларини яратишда устуворлик берилади. Дехқон ва фермер хўжалигида, кичик бизнесда иш ўринларини яратишни давлат кредитлар бериш йули билан рағбатлантиради. Ўзбекистон бюджетига ажратилган махсус фонд мавжуд. Ана шу фонд эвазида иш ўринлари яратилади, ишсизларга нафақа берилади, ишсизлар янги касбларга ўргатилади. Бу маблағлар ҳам янги иш жойини яратишга сарфланади. Давлатнинг бандлик сиёсатига асосланган ҳолда, ишсизликни камайтириш учун иш кучини четга чиқаришгача тадбир белгилаши мумкин. Бунинг учун давлатларaro шартнома имзоланади. Давлат мана шу миграцияга хизмат қилувчи фирмаларни ташкил этиб уларни молиялаштиради. Тула бандликка эришиш имкони йўқ. Энг ривожланган мамлакатларда ҳам 94-95 фоизгача бандликка эришиш мумкин.

Давлатнинг даромадлар бўйича ҳам сиёсати бор. Бу сиёсатда давлатнинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсатларининг ўзаро боғлиқлиги янада намоён бўлади. Даромадлар сиёсатининг тартибга олиниши ушбу сиёсатнинг хулосавий мазмуни ҳисобланади. Бунда, биринчидан, бандликни таъминлаш керак, иккинчидан, пенсия билан таъминланиши керак, учинчидан, меҳнатнинг ижтимоий суғурталаниши керак бўлади. Бу харажатларни давлат фирмалардан улар ажратган меҳнат ҳақи суммасидан ижтимоий солиқлар олиш билан ҳал этади. Ундирилган солиқ суммаларнинг бир қисми давлат томонидан ишсизлик нафақаси учун, иш қобилиятини вақтинча йўқотганлар учун сарфланади.



Даромад сиёсатида солиқларнинг белгиланиши даромад миқдорига қараб ҳал этилади. Шунга кўра даромад кўп бўлса, кўп солиқ тўлайди. Кексалар пенсияси ҳам даромад солиқлари ҳисобидан бўлади. Пенсия тўланиши ҳам икки манба ҳисобида бўлади. Биринчиси, бу ҳамжиҳатлик-деб аталади. Бунга кўра ишлаётганлар даромадининг бир қисми олиниб, кексаларга давлат пенсия сифатида берилади. Иккинчи қисми эса жамғарилган пенсия кўринишида бўлиб, у ҳар бир ходим ишлаган пайтидаги даромадларнинг бир қисмини пенсия жамғармасига ўтказиш орқали ҳал этади. Жамғармадаги пуллар ишловчилар ва фирмалар томонидан берилади. Жамғарилган пулдан кўра, олинадиган пенсия миқдори кўп бўлади. Чунки тўпланган пул ишга солиниб вақт сайин ўсиб беради.

Давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати эса, бу аҳолининг ночор кишиларига ёрдам беришга қаратилган. Ўзи ишлаб пул топишга қодир бўлмаган кишиларга давлат бюджетидан ёрдам кўрсатилади. Сиёсатга кўра даромади кам кишилар солиқ тўловидан озод қилинади, аксинча уларга турли хил нафақалар берилиб борилади. Уларга лозим бўлганда бир йўла ёрдам ҳам кўрсатилади. Озиқ-овқат, кийим-кечак тарқатилиб берилади. Ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг миқдори давлат бюджетининг имкониятидан боғлиқ. Ижтимоий ёрдам аҳолининг муҳтож бўлмаган қатламларига ҳам кўрсатилади. Фарб мамлакатларида уй-жой сотиб олиш учун банкдан олинган кредит фоизларнинг бир қисмини давлат тўлайди. Шунингдек давлат даволаниш учун олинган кредит фоизини ҳам ўзи тўлаб беради.

Ўзбекистонда давлат коммунал хизматларни аҳолига арзон нархда етказиб бериш учун уларни аҳолидан оладиган нархи билан ҳақиқий бозор нархи ўртасидаги фарқни бюджет ҳисобидан қоплайди. Бу жараёнда аҳолининг маълум тоифаларига, коммунал хизматлар нархи ошиши муносабати билан компенсациялар тўланади. Давлат ёрдам бериш йўналишида турли хил дастурлар, фармонлар, қонунлар қабул қилади. Айниқса камбағалларга ёрдам бериш бўйича алоҳида эътибор қаратилади. Давлатнинг кўрсатаётган моддий ёрдамлари камбағалликни тубдан тугата олмайди, лекин уларнинг моддий эҳтиёжларини қоплашда бу ёрдамларнинг ҳам ўрни бор. Ижтимоий сиёсат мамлакатда муҳтожларнинг ҳаддан ташқари жиддийлашиб кетишигача олиб бормасликнинг олдини олади. Даромадларни бойлар билан камбағаллар ўртасида қайта тақсимлаш орқали иқтисодий тенгсизлик даражаси қисқартирилади. Демак даромадларнинг бойлар қўлида бўлиши даражаси ҳам маълум меъёрда бўлиши таъминланади. Даромадларнинг фарқланиш чегараси ҳам белгиланади. Шунга кўра бойлар ва камбағаллар даромади ўзаро 13-15 мартадан ортиқ фарқланмаслиги лозим. Давлатнинг ижтимоий сиёсати мана шунга қаратилган.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати даромадларни тартиблаш ва ижтимоий ёрдам уюштириш орқали жамиятдаги турли гуруҳларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Кўрилган тadbирий сиёсатлар аҳоли ўртасида ижтимоий

низолар келиб чиқишининг олдини олади. Мамлакатда ижтимоий тинчлик-хотиржамлик бўлса иқтисодий ўсиш учун шароит ҳозирлайди.

Давлат бир қатор йўллар билан ресурсларнинг номуносиб тақсимланиши келтириб чиқарадиган Оқибатларни юмшатишга ҳам ҳаракат қилади. Бу ҳолат, биринчидан, истеъмолчиларнинг товар ва хизматларнинг ҳарид қилиш қобилиятини ошириш йўли билан уларнинг талаби кенгайтирилади. Иккинчидан, давлат таклифни ошириш мақсадида ишлаб чиқаришга давлат ёрдами кўрсатиши мумкин. Давлат ёрдами ишлаб чиқарувчиларнинг зарарларини қисқартиради. Шунингдек маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ресурсларнинг етишмаслигини бартараф қилади. Учинчидан эса айрим товар ва ижтимоий неъматларни ишлаб чиқарувчиси сифатида намоён бўлади. Бундай тармоқлар давлат мулкчилигига асосланади, давлат томонидан бевосита бошқарилади. Уларни молиялаштиришни давлат ўз зиммасига олади. Масалан, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, миллий муҳофаза, фавқулодда рўй берадиган табиий ҳодисаларга қарши кураш, ички тартибни сақлаш ва бошқалар, давлат бюджет маблағлари ҳисобига ресурсларни хусусий соҳада қўлланишдан озод қилади.

#### **20.4. Давлатнинг иқтисодийга таъсир қилиш усуллари ва воситалари**

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида мамлакат иқтисодиётига давлат бевосита аралашади. Бундай ҳолат макроиқтисодий сиёсат орқали амалга оширилади. Бу сиёсатнинг бажарилишида бюджет, пул-кредит, дотация (инглизча бўлиб, эҳсон, ҳада, давлатнинг ёрдами мазмунидадир), субсидия (лотинча бўлиб, ёрдам, нафақа мазмунидаги тушунча), солиқ механизми, чегараланган нархлар каби воситалар иштирок этади. Иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солинганда қўллаб-қўлланувчи фаолиятлар соғломлашади. Масалан, биринчидан, бюджет сиёсати орқали товар ва хизматларнинг давлат ҳариди назоратда бўлади. Иккинчидан ялли миллий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш. Учинчидан, ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни бошқаришни таъминлаш. Тўртинчидан, давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмидаги мутаносибликни таъминлаш. Бешинчидан, ишлаб чиқарувчиларга ёрдам шакллари кўрсатиш. Олтинчидан, нархлар устидан назорат ўрнатишни таъминлаш. Еттинчидан, экспорт ва импорт қилинадиган товарларга квоталар ўрнатиш зарур бўлади. Квота — бу лотинча сўз бўлиб, ҳисса, ёки ҳар бир иштирокчи улуши демакдир. Шунингдек мамлакат аҳолисини ҳимоя қилиш мақсадида олиб бориладиган чора — тадбирлар йиғиндисидан иборатдир. Шунингдек давлат қонун чиқариш, бож тўловларини ўрнатиш, экспорт лицензиялар ( экспорт — бу инглизча бўлиб, четга чиқараман мазмунида, лицензия эса, бу лотинча бўлиб эркинлик олиш, ҳуқуқ олиш демакдир ) бериш, анти инфляцион чора — тадбирлар, ижтимоий сиёсат олиб бориш. Давлат иқтисодиётини тартиблашда маъмурий- ҳуқуқий ва иқтисодий воситалардан фойдаланади. Маъмурий — ҳуқуқий воситалар

туғридан-туғри мажбурий. Масалан, Республика ҳукумати маълум бир маҳсулотларни четга чиқаришга рухсат бермайди ёки ички бозорда халқ истеъмол молларини хорижий валютага сотилишини тақиқлайди. Давлат қонунчилик орқали иқтисодиётни тартибга солади. Парламент томонидан қонунлар тайёрланиб, амалиётда фойдаланилади. Қонунларда иқтисодиётга тегишли тартиб — қоидалар кўрсатилган. Шунга кўра иқтисодий ҳаракатлар иқтисодий қонунлар асосида фаолият кўрсатади. Давлат қонунларнинг бажарилишини назорат қилади. Қонунга зид ҳаракатлар жазоланади.

Ўзбекистонда Олий Мажлис томонидан бозор иқтисодиётини шакллантириш, бозорга хос иқтисодий механизмни яратишга оид кўплаб қонунлар қабул қилинади. Ўзбекистонда қонунлар устувор, ҳамма унга баб-баровар риоя этиши шарт деган қоида мавжуд. Қонунчилик иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Давлат қонунларини ишлаб чиқиш билан чекланмай уларнинг жорий этилишини таъминлайди. Иқтисодиётни тартибга солишнинг энг муҳим воситаси, бу ўз мулки бўлган тармоқ ва корхоналарни бошқариш яъни бевосита тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишидир. Давлат, мамлакатда ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмини мулк эгаси сифатида бевосита ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишга сарфлайди.

давлат тадбиркорлик фаолияти орқали фан-техника инқилоби талабларига кўра халқ ҳўжалиги тузилишини шакллантиришга ҳамда бозор нархларидан бир мунча паст нархларда товар сотиш ва хизматлар кўрсатиш орқали ишлаб чиқаришнинг ривожига кўмаклашади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат мулки ва унинг сохибкорлиги кўлами чекланган бўлади. Иқтисодиётни тартибга солишнинг энг муҳим давлат шаклларида бири, дастурлаш ва режалаштиришдир. Бунинг туб мазмуни, биринчидан, ишлаб чиқариш кучлар ривожланишидан, иккинчидан, меҳнат тақсимооти ва кооперациялашувининг, чқурлашувидан, давлат мулкининг мавжудлигидан, учинчидан, иқтисодиётга йўлланадиган капитал маблағлар ҳаракати ва оқибатларининг узоқ муддатлигидан ҳамда бозор конюктурасини ўрганишдан боғлиқдир. Шунга кўра, мамлакатларда иқтисодиётнинг ривожланиши режалаштирилади. Шу асосида иқтисодий ривожланиш тастурлари ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқариш билан талаб ўртасидаги нисбатлар ўрганилади. Бунда асосан турли ишлаб чиқариш билан импорт ўртасидаги боғлиқлик, ишлаб чиқариш билан истеъмол, ишлаб чиқариш билан экспорт, экспорт билан импорт ўртасидаги боғлиқликлар аниқланади. Буни аниқлашда тармоқлар аъро балансни тузиш, аҳоли рўйхатини утказиш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатнинг яна бир воситаси бу — рақобат механизмнинг тулик ишлаши учун ҳамда аҳолини маълум даражада ижтимоий ҳимоялаш мақсадида иқтисодий монополизмга қарши чора-тадбирларни амалга ошириб боради. Ўзбекистонда иқтисодиётда рақобатчилик муҳитини яратмоқ учун, 1992 йил август ойида “Монопол фаолиятини чеклаш туғрисида”ги қонун кучга киритилди. Шу асосда иқтисодиётда рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор норматив

ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, улар амалга оширила бошланди. Иқтисодийни давлат томонидан тартибга солиш механизмида макроиқтисодий барқарорлаштириш чора-тадбирлари ҳам муҳимдир. Бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонлик фаоллиги ўзгариб туради. Унинг Оқибатида фирмаларнинг синиши ва ишсизларнинг кўпайиши ортиб боради. Аҳоли турмуш даражаси пасаяди, кўплаб қийинчиликлар юзага келади. Давлатнинг иқтисодиётни тартибга олишида бюджет ва пул – кредит сиёсати воситаларидан фойдаланиши муҳим ҳал қилувчи имкониятдир.

Мамлакат иқтисодиётини тартибга солишда давлат бир қатор усуллардан ҳам фойдаланади. Булар асосан қуйидагилардан иборатдир. Биринчидан, бу бевосита таъсир қилиш усуллари. Бу усулда маъмурий воситалардан фойдаланади. Маъмурий воситалар давлат ҳоқимияти кучига таянади ва таққидлаш, руҳсат бериш ва мажбур қилиш каби усуллардан фойдаланади. Давлат маъмурий усуллардан фойдаланганда яхлит таққор ишлаб чиқариш жараёни ёки унинг алоҳида томонларини тўғридан-тўғри тартибга солиш кўзда тутилади. Айниқса ишлаб чиқариш таназзулига учраган даврда иқтисодиётга билвосита таъсир қилиш тадбирлари кам самарали бўлиб, маъмурий воситалардан фойдаланишга устунлик берилади. Масалан, иқтисодиётнинг айрим бўгинлари бўлган алоқа, транспорт, электроэнергетика, коммунал хизматларини бевосита бошқариш маъқул бўлади. Бунда давлат фаол қатнашади. Давлат тадбиркорлиги бир томондан, маълум шароитларда иқтисодий ўсиш учун зарур бўлса, иккинчи томондан, вақт ўтиши билан самарасиз бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда улар ҳусусий тадбиркорлик объектига айлантирилади. Шунингдек давлат нархлар ва иш ҳақини назорат қилиш сиёсатини амалга ошириши мумкин. Бундай аралашув давлат инфляцияга қарши зарурият бўлганда юзага чиқади. Бу сиёсатни юритишда нархлар ва иш ҳақини ошириш қонун билан таққидланади. Давлат иш билан бандликни хизмати фаолиятини яъни меҳнат биржаларини ташқил қилади, ишсизликни қисқартириш чораларини белгилайди. Иқтисодий соҳани тартибга солишни ифода этувчи қонунларни ишлаб чиқади. Масалан, банк соҳаларига тегишли, монополияга қарши тадбиркорлик тўғрисида, қимматли қозғалар бозорининг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида каби қонунларни қабул қилади. Ана шу тадбирлар орқали бозор муносабатларининг ривожланиши қонун йўли билан кафолатланади. Шунингдек турли мулк шакллариининг дахлсизлиги таъминланади. Бозорда монополия ҳаракати чекланади, эркин рақобатга шароит яратилади.

Иккинчи усули-бу билвосита таъсир қилишдир. Бу усулда давлат пул-кредит ва бюджет орқали таъсир кўрсатади. Бунда давлат ҳисоб ўлчамини тартибга олади, молия-кредит муассасаларининг марказий банкдаги захираларини ўзгартиради, қимматли қозғалар операциялари тартибга олинади. Давлат ушбу тадбирлари билан молия бозориди талаб ва таққид нисбатини кутилган йўналишда ўзгартиришга ҳаракат қилади. Масалан, ссудага бериладиган пул миқдорини ўзгартириш учун фоиз ставкаси воситасидан фойдаланади. Давлат марказий банк эҳтиёжлари орқали

банклар маблагларининг қарзга бериладиган ва захирада турадиган қисмлари улушини ўзгартиради. Фоизнинг камайиши кредит олишга интилишни кучайтиради. Оқибатда инвестиция фаоллиги орқали иқтисодий ўсиш рағбатлантирилади. Марказий банк бошқа банкларга паст фоиз ставкасида қарз бериб, уларнинг кредитлаш ишида фаол қатнашади. Давлат марказий банк орқали хазина мажбуриятларини тарқатади, ўз облигацияларини сотади ёки қимматли қоғозларини сотиб олади. Оқибатда таклиф этилган пул миқдори ўзгариб, бу фоизга таъсир этади.

Иқтисодиётни тартибга солишда капитал қўйилмалари ҳам муҳимдир. Бозорда аҳвол ёмонлашган, тургунлик ёки инқироз шароитида хусусий капитал қўйилмалар қисқаради, давлат инвестицияси ўсади.

Иқтисодиётни тартибга солишда учинчидан, ташқи иқтисодий усуллар ҳам мавжуд. Бу усул ёрдамида махсус восита ва дастаклар орқали мамлакатнинг ташқи дунё билан амалга ошириладиган ҳужалик алоқаларига бевосита таъсир кўрсатилади. Товарлар, хизматлар, капитал ва фан-техника ютуқлари экспортини рағбатлантириш тадбирлари, экспортни кредитлаш, чет эллардан инвестициялар ва экспорт кредитларини кафолатлаш, ташқи иқтисодий алоқаларга чеклашлар киритиш ёки бекор қилиш, ташқи савдода бож тўловларини ўзгартириш, мамлакат иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиш ёки чеклаш бўйича тадбирлар қабул қилинади. Бу тадбирлар, биринчидан мамлакатга четдан ишчи кучини жалб қилиш, иккинчидан, халқаро иқтисодий ташкилотларда ва давлатлараро уюшмаларда қатнашиш мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солишнинг воситалари ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатнинг сиёсати-бу макроиқтисодий сиёсат бўлиб, унинг муайян мамлакатнинг миллий иқтисодига таалуқли йўл-йўриқлари ва улардан келиб чиқадиган савб-ҳаракатларидан иборатдир. Давлатнинг сиёсати миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда маълум мақсадларни кўзлайди. Булардан қўйидагилари асосий ҳисобланади. Биринчидан, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш. Бу ялпи ички маҳсулотнинг бир маромда ва етарли даражада ўсишига шароит тайёрлайди. Иккинчидан, миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини таъминлаш, бу чет элга қарам бўлишига йўл қўймаслик. Иқтисодиёт қанчалик мустақил бўлса, шунчалик миллий манфаатларга кўпроқ хизмат қилади. Учунчидан, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, бу такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этишини ва иқтисодий ночорликка йўл қўймасликни билдиради. Туртинчидан, миллий пул қадр-қийматининг барқарорлигини таъминлаш. Бунда мамлакатдаги пул муомаласининг меъёрида боришига эришиш, пулни иқтисодий алоқаларнинг мунтазам ишлаб турувчи воситасига айлантиришдан иборат. Бешинчидан, аҳоли турмуш фаровонлигини муттасил ошириб бориш ва иқтисодиётнинг ижтимоийлигини тўлароқ юзага чиқаришга ёрдам кўрсатиш. Олтинчидан, миллий иқтисодиётни халқаро интеграцион жараёнлар ва глобализацияда фаол иштирок этиб, халқаро иқтисодиётда ўз ўрнини топиши, байналминал иқтисодий муносабатларнинг тенг ҳуқуқий иштирокчисига

айланишига эришишни таъминлаш. Глобал сўзи-бу, умум, ялпи сўзи мазмунида ифодаланadi. Ниҳоят еттинчидан, миллий иқтисодиётнинг истиқболини таъминлаш. Миллий иқтисодиётнинг узоқ келажакда усиб боришига шароит ҳозирлаш.

Демак, давлат олий сиёсий имконият ҳисобланади. Унинг қарорлари, буйруқ-қонунлари мамлакат фуқаролари учун бажарилиши мажбурийдир. Маъмурий усул ёрдамчи усул ҳисобланади. Бу усул бозор тизимида яхши натижа бермаганидан, у чекланган ҳолда амал қилади.

### **Асосий таянч тушунчалар.**

**Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш мақсади** — бу иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тизимни мустаҳкамлаш ва уни ўзгариб турувчи шароитга мослаштирувчи йўналиш.

**Давлатнинг иқтисодий вазифалари** — бу иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт-шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда иқтисодий усишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлардан иборат бўлади.

**Иқтисодиётни тартибга солиш усуллари** — бу тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситалари бирлигидир.

**Бевосита усуллар** — бу иқтисодиётни тартибга солишнинг таъқиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш хусусиятидаги маъмурий воситадир.

**Билвосита усуллар** — бу иқтисодиётни тартибга солишнинг иқтисодий восита ва дастаклари.

## XXI. БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИЖТИМОЙЛИГИ.

Ушбу бобда ижтимоий — иқтисодий фаровонлик, аҳоли даромадлари ва унинг манбалари, даромадлар тенгсизлиги, унинг ижтимоий - иқтисодий сабаблари. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя сиёсати ва унинг инсонпарварлик моҳиятлари ҳақида батафсил тушунчалар берилади. Ижтимоий адолат қарашлар, тузумлар (концепция— лотинча — қараш демакдир). Ижтимоий йўналтирилган бозор тизими шароитида ижтимоий адолат тамойилларининг ривожланиши, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши, жамият аъзоларининг даромадлари, мол-мулкка эгаллиги ва ижтимоий аҳоли бўйича фарқлари.

Шунингдек, аҳоли даромадлари, унинг турлари ва шаклланиш манбалари. Номинал ва реал даромад. Даромадларнинг табақаланиши сабаблари ва омиллари. Турмуш даражаси ва сифати. Оила бюджети, унинг даромадлари ва харажатлари таркиби. Даромадларнинг давлат томонидан қайта тақсимланиш гоёси, мақсади ва дасткалари. Ижтимоий фондлар (маблаглар), уларнинг зарурлиги, ўрни, манбалари ва тузилиши. Ижтимоий тенглик ва иқтисодий самарадорлик. Меҳнатнинг рағбатлантирилиши. Ўзбекистон бозор Иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг ижтимоий сиёсати аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими. Табақалаштирилган солиқ солиш, тоvon тўлаш сиёсати, ишсизлик бўйича нафақалар, хайр-эҳсон дастурлари.

### 21.1. Ижтимоий-иқтисодий фаровонлик.

Ҳар қандай жамиятда, ҳар қандай мамлакатда инсон қаерда ва қандай шароитда бўлмасин у албатта фаровон яшашга интилади. Айниқса бозор иқтисодиёти шароитида эркин фаолият юритади ва ҳар бир бажарган меҳнати билан манфаатдор бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ҳам бош мақсади шахсий манфаатдорлик асосида жамият, яъни ижтимоий манфаатдорликни оширишни таъминлашга қаратилган бўлади. Шунга мувофиқ шароитлар яратиш вазифа бўлиб қолади. Жамиятда эҳтиёжларни қондириш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишдан олинadиган фойда миқдорини нисбатан ўстириб боришдан иборат бўлади. Бу категориялар ўзаро боғлангандир, яъни улар бири иккинчисидан боғлиқ бўлади. Кишилар бозор орқали бир-бирларига керакли товарларни етказиб бериш билан ўз фаровонлиги йўлида муносиб имкониятларга эга бўладилар. Фаровонлик тезгина юзага келмайди. У вақт ва имкониятнинг шунга мувофиқ етилишидadir. Аҳоли гуруҳларга бўлинади. Улар бой ва камбағаллардир. Маданийлашган бозор иқтисодиёти шароитида фаровонлик тўсатдан келиб чиқмайди, балким у мақсадлардан бири сифатида пайдо бўлади. Бунда биринчидан, бозор механизми иқтисодий тараққиётни юксак даражага кўтарганда, бундай шароитда товарлар ва хизматлар ўзининг миқдори ва сифати билан барчанинг фаровон яшаши учун етарли бўлади.

Иккинчидан, аҳолининг аксарият қисми мулк эгасига айланади. Меҳнат аҳолининг мулкдорларга айланиши иқтисодиётни инсонийлик тамойилига бўйсиндиради, унга аниқ ижтимоий йўналиш бахш этади. Меҳнат аҳли ҳам ўз кучидан, ҳам ўз мулкидан даромад топиб фаровон яшаш имконига эга бўлади. Бой жамиятда давлат бойлар даромадининг бир қисмини солиқ орқали олиб камбағалларга бера олади. Бундай ҳаракат кўпчилик ҳаётини фаровонлаштиради. Бойлик катта бўлганидан уни қисман камбағаллар фойдасига тақсимлаб, бойларга путр етказмайди. Уларнинг иқтисодга бўлган умид ва интилишларини сўндирмайди. Бозор иқтисодиёти бақувват мамлакатлардаги фаровонлик иш кучининг сифатини тубдан яхшилайти. Бундай шароитда меҳнат унумдорлиги ортиб боради. Оқибатда кишилар даромади ўсади, улар бой-бадавлат бўлади. Жамиятда яратилган юксак иқтисодиёт умумий фаровонликни кафолатлайди.

Ижтимоийлик иқтисодий фаол, кўпчиликни ташкил этувчи аҳолининг фаровонлигини таъминлаш зарурлигини ва у яратган даромад ҳисобидан муҳтожларга ёрдам берилишини билдиради.

Кишилар эҳтиёжи чексиз, лекин шу чексиз эҳтиёжга етарли, яъни мос имкониятлар, ресурслар, кучлар йўқ. Шунга кўра ҳам ишлаб чиқариш кучларининг самарали бўлишларини таъминлаш энг зарурий ишлардан ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг тараққиёти, умумнатижалари, унинг узлуксиз ўсиб боришлиги муаммонинг ечимида қўл келади. Барча иқтисодий тизимларда ҳам ишлаб чиқариш истеъмолга хизмат қилади. Лекин уларнинг ҳар бирида ҳар хил даражада амалга ошади. Аниқ ижтимоий йўналишга эга бўлиш бозор иқтисодиётининг муҳим белгисидир. Ижтимоийлик ўз манбасига, ўз пойдеворига эгалир. Бундай илдиз давлат борлигидан эмас, балки бозор иқтисодиётининг ички механизмларида жойлашган бозор қонунларининг мавжудлигидадир. Давлат эса иқтисодиёт ижтимоийлигини кучайтиради. Давлат иқтисодиёт ижтимоийлигини яратмайди. Бозор тизими ишлаб чиқариш имкониятларини кўпайтиради. Унинг истеъмол билан боғланишини ўстиради. Тадбиркорликни ривожлантиради. Бозор шароити бозорни ўрганишни, унга қараб иш кўришни тақоза этади. Зарур бўлган товар ва хизматларни яратиб беради. Буларни ҳал этиш талаб ва тақлифни мунтазам ўрганиб боришдан юзага чиқади. Бозор мувозанатлигининг барпо этилишида бу тартиб муҳим ўринга эга.

Иқтисодиётнинг ижтимоийлиги — бу мамлакатда фаровонликни юзага келтиришга қаратилган фаолиятдир. Фаровонлик — бу кишилар истеъмол этадиган ҳаётини неъматларнинг миқдори ва сифатини, ҳаёт кечиришнинг умумий шарт-шароитининг қандайлигини билдиради. Фаровонликнинг юқори бўлиши иқтисодиётда ижтимоийликнинг кучли бўлишларини англатади. Аксинча фаровонликнинг паст бўлишларини иқтисодиётда ижтимоийликнинг заифлигидир. Фаровонлик иқтисодий ва ижтимоий кўринишда бўлади. Биринчидан, иқтисодий фаровонлик — бу ҳаётини неъматларнинг жон бошига истеъмоли даражаси билан белгиланади. Иккинчиси — бу ижтимоий фаровонлик. Бунда ҳаёт кечиришнинг умумий шарт-шароити қандайлиги билан белгиланади.



Иқтисодий фаровонлик бўлганда жон бошига яратилган қиймат кўрсаткичлари билан баҳоланади. Масалан, жон бошига шунча сўм, доллар, рубль ва бошқалар. 2002 йили дунёдаги даромади юқори мамлакатларда жон бошига истеъмол 17657.6 долларни, камбағал мамлакатларда эса 1428 долларни ташкил этган. Иқтисодий фаровонлик мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот миқдорига ва унинг қандай тақсимланишига ҳам боғлиқ бўлади.

Жамиятда ишлаб чиқарилган қийматларнинг барчасини бирданига истеъмол учун тақсимлаб бўлмайди. Жами ички маҳсулотнинг фақат бир қисминигина истеъмолга ажратиш, қолган қисмини эса жамғармага ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар яратилган маҳсулотларни бирданига истеъмолга тарқатса, унда иқтисодий ўсиш, келажак харажатларини таъминлаш заруриятлари бажарилмай қолади. Жамғармага ажратиладиган қийматлар мамлакатнинг эртаси учун, унинг кейинги тараққиёти учун зарурдир. Бу зарурият барча мамлакатларда эътиборга олинади. Яратилган миллий даромаднинг камида 18 фоизини жамғармага ажратиш иқтисодий эҳтиёткорлик бўлади. Шундай усул хонадонларда ҳам бўлади. Тирикчиликнинг фаровонлиги, унинг сақланиб қолишига барча-барчаси даромадсиз ҳал этилмайди.

Иқтисодий фаровонликни аниқлашда, камида бир йилдаги истеъмол кўрсаткичларига асосланиш талаб этилади. Бунда қисқа вақтдаги тахлилларни асос қилиб олинмайди. Фаровонлик кўрсаткичини аниқлашда жамғаришни ҳам ҳисобга олиш лозим. Жамғаришни фаровонликда билвосита кўрсаткич сифатида қараш лозим. Жамғарманинг кўплиги топилган пулнинг жорий истеъмолдан ортиб қолганини билдиради. Шунга кўра ҳам жамғарма фаровонликка хизмат қилади. Жорий истеъмол ва жорий жамғариш, булар жорий йилда миллий даромаддан ажратилган қийматлардир. Фаровонликни қўлга теккан даромаднинг фақат ўзгинаси эмас, балки унинг харид қобилияти, яъни унга бозорда нима бериши ҳамдир.

Фаровонлик фақат истеъмол билан, яъни кўп еб, кўп кийиб юриш билангина ифодаланмайди. Фаровонлик ҳаёт кечиришнинг барча томонларида тўқчилик, озодалик, тинчлик, маънавий ўсиш каби фазилатлар билан сифатлидир. Дастлаб, ҳаёт фаровонлиги унинг тинч шароитда яшаётганлиги билан ўринлидир. Ҳамма нарса етарли бўлгани холда, юртда ички ва ташқи халоват бузилган бўлса, турмушнинг тотуви бўлмайди. Инсонлар кўрқиб, яшириниб, алағда бўлиб фаровон яшай олмайди. Давлат сиёсатида мана шу ижтимоий масала кўндаланг бўлиб туради. Мамлакатлар, халқлар ҳамдўстлиги, ҳамкорлиги буюк имкониятдир.

Тинч ҳаёт инсон фаровонлиги учун асосий манба ва имкониятдир. Тинч ҳаётда, биринчидан инсон учун яшаш, келажакка умид боғлаш кўрқинчли эмас. Иккинчидан, ишлаб даромад топиш имкони давом этади. Учинчидан, ишсиз қолиш ва қашшоқлашув хавфининг бўлмаслиги ёки озлигининг юзага келиши. Тўртинчидан, ижтимоий ва экологик шароитнинг қониқарли бўлишини таъминлайди. Тинч ҳаёт бу кишилар ўртасидаги тотувликни

мустаҳкамлайди, низоларни камайтиради. Шу тариқа ҳам тинчлик бу фаровонликка ҳисса қўшади. Мамлакатлараро урушлар бўлмаса-да, лекин XX-асрдан юзага келган уюшган жиноятчилар, терроризм ва экстримизм каби тинч фаровон ҳаёт душманлари ҳам кишилар тинчлигини бузиб туради. Шулар туфайли кўплаб халқаро сўзлар, тушунчалар кунлик муносабатларимизда мавжуд. Масалан, улардан айримларини билдириш лозим. Валютаризм – лотинча бўлиб ирода мазмунидадир. Ақида – бу бузгунчилик мақсадидаги қараш. Терроризм – бу лотинча бўлиб, қўрқитув тушунчасидир. Шовинизм – ўзга миллатни менсимаслик. Экстримизм – лотинча сўз, у ўта, фавқулотдаги қараш. Фонатизм – бу лотинча бўлиб, зўравонлик демакдир. Фундаментализм – лотинча сўз, асос, негиз деганидир. Халифалик – динга асосланган давлат ва бошқа тушунчалар. Кишилар халоватини мана шундай қарашлар, ҳаракатлар бетинч қилиб кўяди.

Фаровонликнинг мавжуд бўлишида аҳоли сиҳат-саломатлигини таъминлаш ҳам муҳимдир. “Соғ танда, соғлом ақл” – дейишган. Айниқса XXI –аср вабоси ОИТС-нинг тарқалиши кишилар улимига сабаб бўлмоқда. Қайси жамиятда турли хил беморликлар кўп бўлса, ўша мамлакат одамлари узоқ кексалик даврларини кўра олмайди. Кишилар саломатлиги ота-она саломатлигидан, яъни хомиланинг соғломлигидан бошланади. Бунга барча аҳоли итоат қилса, жамиятда соғлом фарзанд, соғлом ҳаёт, фаровон турмуш таъминланади. Саломатликни ҳимоя қилишда миллий бойликлардан кўпроқ сарфлаш ҳам тўғри бўлади.

Фаровонликнинг ижтимоий ҳолатини мустаҳкамлашда, уни ишонч билан ўстиришда аҳолининг ялпи саводхонлиги даражасини ошириш асосий омиллардан ҳисобланади. Саводхонлик даражаси, биринчидан – бу ўқиш ёшдагиларнинг қанча қисми амалда ўқиётганлигидан, иккинчидан, ҳар бир кишининг ўртача неча йил таълим олганлигидан, учинчидан, ишлайдиганларнинг қанчаси саводхон эканлигидан боғлиқ бўлади. Шунга кўра фаровонликни таҳлил қилганда, аҳоли жон бошига таълим-тарбия харажатлари ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси эътиборга олинади. Бу кўрсаткич ҳар бир мамлакатнинг ўз ҳолатига қараб турлича даражада бўлади.

Ижтимоий фаровонлик коммунал хизматлари даражаси билан ҳам ўзгаради. Масалан, тоза ичимлик суви кишилар саломатлиги учун қанчалик соғлом ҳаёт бағишлайди, ёки газ, электроэнергия, уй-жой, канализациядан фойдаланиш ҳам киради. Фаровонликнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий томонларини биргаликда олинганда, бунда инсон камолати индексида ифода этилади. Индексда – бу лотинча бўлиб, пул даромадларини кўпайтириб бориш, даромадни рўйхатга олиш демакдир.

Индексда ифода этилганда, биринчидан, жон бошига ялпи ички маҳсулот миқдори эътиборга олинади. Иккинчидан, ўртача неча йил умр кўриши, учинчидан, саводхонлик даражаси каби кўрсаткичлар индекс ҳолига келтирилади ва шунга қараб улардаги фаровонликка баҳо берилади.

Фаровонликнинг юқори бўлиши кишилар ўртасидаги тенгсизлик сақланган ҳолда ҳамманинг тўқ, тинч ва хотиржам яшашини ифода этади. Фаровонлик юқори бўлган жойда у паст бўлган ерга нисбатан ижтимоий аҳллик қарор топади, ижтимоий низолар минимал даражага келтирилади. Шундай вазиятда ижтимоий тўқнашувларга ўрин қолмайди. Шу туфайли иқтисодий ўсиш учун қулай, ижтимоий шароит ҳосил бўлади.


Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини рақобат ҳал қилади. Бу қонун тусидаги фаолиятдир. Рақобатнинг мавжудлиги ишлаб чиқарувчиларга тинчлик бермайди. Рақобатда энгилмаслик ва бозорда жон сақлаш учун улар бозорга товарларни кўплаб ва истеъмолчига маъқул нархда тақлиф этадилар. Иқтисодиётнинг ижтимоийлигига шу тариқа ҳам эришилади. Кўпчилик мамлакатларда истеъмол даражаси Иқтисодиёт даражасига, бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлиги даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бозор тизимининг ижтимоийлиги бу ўта гоёт мукамал, мутлақо нуқсонсиз тизим дегани эмас. Бу тизимда ҳам ўзига хос нуқсонлар ва зиддиятлар бор. Ҳар бир меҳнатга лаёқатли киши ўзи ва оиласи фаровонлигини ишлаб топгани даражасида таъминлайди.

## 21.2. Аҳоли даромадлари ва унинг манбалари.

Аҳоли даромадлари — бу аҳолининг маълум вақт оралигида пул ва натурал шаклда оладиган даромадлари миқдоридир. Аҳоли пул даромадлари асосан иш ҳақи ҳисобидан, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад ҳисобидан, нафақа, пенсия, стипендиядан, капитал фойздан, рента шаклида олинадиган даромадлардан, кучмас мулк, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан, ҳар хил хизматлар кўрсатишдан ва бошқа зарурий фаолиятлардан келиб чиқади.

Даромадлар икки гуруҳ манбасидан иборат бўлади. Булар, биринчидан, меҳнат билан олинадиган даромадлар. Иккинчидан, мулкдан келган даромадлар. Биринчисига иш ҳақи, бошқарувчиликдан келадиган даромадлар, бизнесда қатнашиб топиладиган даромадлар, тадбиркорликдан, томорқадан келадиган даромадлардир. Иккинчисига эса фойда, рента, фойз ва дивидендлар киради. Дивиденд — бу акция эгаси оладиган даромаддир. Тақсимотнинг бозор усули ҳар бир кишининг даромади унинг товарлар ва хизматлар яратишга қўшган ҳиссасига тенг бўлади. Бозор даромади деб ана шундай даромадга айтилади. Бозор даромади билан бирга нобозор даромади ҳам мавжуд. Бу кўринишдаги даромад ҳам мамлакатда яратилган умумий миллий маҳсулотдан келиб чиқади. Бу тақсимотда инсонпарварлик мақсадлари учун ажратилган даромадлардир. Ушбу даромадни олувчилар уни ишлаб топишмайди, балки у иқтисодий, яъни моддий ёрдам сифатида берилади. Бундай ёрдамлар ночор, ногирон, муҳтожларга берилади. Даромад турларидан иш ҳақини олсак, бу кўпчилик аҳолининг асосий даромадидир. Ривожланган мамлакатларда жами даромадлар миқдорининг 70-80 фоизини иш ҳақи ташкил этади. Ўзбекистонда иш ҳақи оила даромадининг 60 фоизигача даражада. Иш ҳақи

ёлланиб ишловчиларнинг ишлаб топган даромади ишловчилар ва уларнинг оиласини боқиш учун кетадиган тирикчилик воситаларини харид этиш ва пул жамғармасини ташкил этиш учун ишлатилади. Иш ҳақининг ўзи уч кўринишда бўлади. Булардан, биринчиси, бу асосий иш ҳақи, иккинчиси мукофот тарзидаги иш ҳақи, учинчиси, белгиланган иш вақтидан ортиқча ишлаганлик учун бериладиган пул туловидан ташкил этади. Ишловчининг қўлига тегишига қараб умумий иш ҳақи ва соф иш ҳақи деб айтилади. Умумий иш ҳақи ялпи, ишловчи ҳисобига ёзилган иш ҳақидир. Соф иш ҳақи эса ялпи иш ҳақидан ҳар хил туловлардан ортиб қоладиган қисмидир.



Бажарилган ишни улчаш мезонига қараб иш ҳақи вақтбай ва ишбай иш ҳақига бўлинади. Вақтбай иш ҳақи маълум малака ва иш тажрибасига эга бўлган ходимнинг ишлаган вақтига, яъни неча кун ёки соат ишлаганига, вақт сарфига қараб туланади. Ишбай иш ҳақи эса, муайян малакали ишчи яратган сифатли товар миқдори ёки бажарган иш ҳажми учун оладиган ҳақидир. Унинг миқдори меҳнат унумдорлигига нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаради.

Иш ҳақининг миқдори ўзгарувчан бўлади. Бу асосан қуйидагича, биринчидан, иш кучига талаб ва тақлифдан боғлиқ. Иш кучининг ҳам қиймат ва истеъмол қиймати бор. Меҳнатга талаб ошганда, иш ҳақи кўпаяди, аксинча меҳнат тақлифи ошса иш ҳақи камаяди. Товарлар кўп бўлса, яъни тақлиф кўпайса нарх тўшади, товарларга талаб ошиб борса унинг нархи ортиб боради. Демак, иш кучи ҳам товарлардек қийматларга эга. Мувозанат иш ҳақи ҳам бўлади. Бу бозорда меҳнатга талаб ва тақлиф тенглашганда юзага келади.

Иш ҳақининг миқдор ўзгаришида меҳнат унумдорлигининг таъсири бор. Бундай ўзгаришда меҳнат бозоридаги талаб ва тақлифнинг ҳолати таъсир кўрсатмайди. Иш билан бандлик шароитида меҳнат унумдорлиги ошганда, иш ҳақи ошади ёки аксинча.

Иш ҳақининг миқдор ўзгариши, учинчидан бозор учун ишлай билишдан ҳам боғлиқ бўлади. Бундай кўринишда иш ҳақи умуман ишлаганлик учун эмас, балки бозор талабига мос равишда бажарилган меҳнат учун берилади. Товарлар бозорбоп бўлиб тез ва кўп миқдорда сотилса, иш ҳақи кўпаяди. Уларнинг сотилиш даражаси тушиб кетса, иш ҳақи камаяди. Масалан, фирмалар товарларини сота олмаслиги оқибатида ишчиларга иш ҳақини вақтида тўлай олмайди ёки уни кам тўлайди. Фойда эса, тадбиркорларнинг пул сарфлаб таваккалга иш қилиб, хавф-хатарни зиммасига олгани учун уларга тегадиган пул даромади ҳисобланади.

Аҳоли даромадлари манбаида иш ҳақидан ташқари дивиденд қисмлари ҳам бор. Дивиденд фойданинг акцияларга улуш сифатида тегадиган қисмидир. Даромаднинг келишида дивиденднинг юқори, паст бўлиши, акция чиқарган корхонанинг рентабел ишлашига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам барча

корхоналарда дивиденд миқдори бир хил бўлмайди. Оддий акцияга дивиденд кафолатланмайди. Чунки корхона фойда кўрагина дивиденд олади. Акс холда дивиденд йўқ. Имтиёзли акцияларга бериладиган дивиденд кафолатланади. Унинг миқдори олдиндан белгиланади. Бу корхонанинг иш натижасига боғлиқ бўлмайди. Имтиёзли акциялар нисбатан кам миқдорда чиқарилади. Бозор иқтисодиёти ривожланган сари дивиденднинг даромаддаги улуши ортиб боради. Аҳолининг кўпроқ қисми акциядорларга айланади.

Аҳоли даромадларининг ўсиб боришида олинadиган фоиз миқдорининг ҳам таъсири бор. Бундай даромад ўз пулини бошқаларга фоиз олиш шarti билан маълум муддатга қарз беришидан келади. Фоиз даражаси қарзга бўлган талабга ва унинг тақлифига боғлиқ бўлади. Талаб ошса фоиз ошади, ёки аксинча, талаб тушса, фоиз ҳам тушади. Фоиз қарзга берилган сўм даражасига нисбатан белгиланади. Фоизнинг ялпи миқдори, биринчидан, унинг даражасига, иккинчидан, қарзга берилган пул миқдорига боғлиқ бўлади.

Аҳоли даромадлари таркибида рента даромади ҳам бор. Рента- бу мулк эгасининг мулкдан оладиган даромадидир. Рента кўчмас мулк эгаларининг ўз мулкни ижарага беришдан олинadиган даромад. Масалан, ер, иморат, уй ва бошқа мулклар ижарага берилиб, ундan даромад олинади. Рента даромади ҳам ўзгариб туради. Уйни ҳар ойда 50 минг сўм тулаш шarti билан ижарага берилган ҳолда, вақт ўтиши билан ижара ҳақи 60 минг сўмга чиқиши ҳам мумкин. Даромадлар таркибида пенсия ва нафақалар ҳам бор. Пенсия даромаднинг махсус тури. У кексалик учун берилади. Шунингдек у ишга ярамай қолган шахсларга, алоҳида давлат хизмати туфайли ишлай олмай қолганларга берилади. Нафақа эса, ижтимоий ёрдамга муҳтожларга, одатда камбағалларга берилади. Нафақа пуллари давлат, фирма, корхоналар томонидан берилиши мумкин. Степендия ҳам даромад туридир. Степендиялар бу талабаларга берилadиган ёрдам пули ҳисобланади. Степендиялар талабаларнинг келгусида берадиган нафлини мутахассислигига қараб, таълим олишдаги ўзлаштиришларига қараб берилади.

Даромадларнинг таркибий тузилиши турли даромадлар салмоғи билан белгиланади. Даромадлар салмоғи мамлакат иқтисодий тараққиёт даражаси билан боғлиқ равишда юзага келади. Шунингдек унинг миқдори аҳолининг таркибидан, мулкчиликнинг ривожидан, давлатнинг даромадлар борасидаги сиёсатидан боғлиқдир. Мамлакатда тадбиркорлар сони ортиб борса, фойданинг даромаддаги ҳиссаси шунчалик ортади. Ўзбекистонда ерга хусусий мулк йўқлиги сабабли аҳоли ер ренташи шаклдаги даромадга эга эмас. Аҳоли таркибида кексалар кўп бўлган мамлакатларда пенсиянинг даромаддаги салмоғи катта бўлади. Шунингдек агар талабалар сони нисбатан кўп бўлса, ўша ерда даромадда степендиянинг салмоғи кўп бўлади. Даромадлар бўйича аҳоли оладиган қисмлари ўзарo тенгсиздир. Улар камбағал, ўта камбағал, ўрта холлар, бойлар, ўта бойлар каби табақаларга бўлинади.

Аҳоли даромадлари пул, натура, натура-хизмат шаклларида бўлади. Пулдан ташқари натура даромади ва имтиёз шаклидаги даромадлар мавжуд. Масалан, деҳқон ҳўжалигида маҳсулотнинг бир қисми бозорга тушмагани ҳолда, шу ернинг ўзида истеъмол этилади. Натурал даромад айниқса томорқа ҳўжалигига хосдир. Бепул тиббий хизматдан фойдаланиш, бепул билим олиш ёки касб ўрганиш ҳам натура-пул шаклидаги даромаддир. Маълум тоифа аҳоли квартира ҳақи, коммунал хизмат ва транспорт ҳақи бўйича имтиёзга эга. Булар ҳам даромаддир. Саналган имкониятларда бутунлай бепул ёки қисман арзонлаштирилган бўлиши мумкин.

Аҳолининг молия-кредит тизими орқали олинadиган пул даромадлари ҳам бор. Булар биринчидан, давлат сугуртаси бўйича тўловлар, иккинчидан, шахсий уй қурилишига ва мағлубот жамияти аъзоларига банк ссудалари. Учинчидан, жамғарма банкига қўйилмалар бўйича фоизлар. Тўртинчидан облигация баҳосининг кўпайишидан олинadиган даромад ва заём бўйича тўловлар. Бешинчидан, лоторея бўйича ютуқлар. Олтинчидан, товарларни кредитга сотиб олиш натижасида ташкил топадиган, вақтинча бўш пуллар, маблағлар ва ниҳоят еттинчидан ҳар хил турдаги компенсация тўловлари кирadi.

Аҳоли даромадларининг соғлом, бақувват бўлиши учун меҳнат шaroитлари, таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби кўп қиррали эҳтиёжларни хал қилинишидан боғлиқлиги ҳаётда ўз ифодасини топади. “Ишласанг-тишлайсан”, “ Ишнинг ўзини ҳам, кўзини ҳам билган хор бўлмайди”.

### 21.3. Даромадлар тенгсизлигининг ижтимоий-иқтисодий сабаблари.

Даромадларнинг ортиб боришида рақобатлашув ҳаракатлари муҳимдир. Қанчалик кураш ранг-баранг бўлса ва асосли бўлса даромадлар натижаси ҳам шунчалик ўсиб боради. Ижтимоий-иқтисодий таъминот ҳам шунга кўра тараққий этади. Бунда бош масала иқтисодий танловни тўғри ташкил қилабилишида. Шундай умумий йўналишларда энг тадбиркор, энг ишбилармон, яхши ишлаб чиқарувчи ва яхши хизмат кўрсатувчи рақобатда ютиб чиқади. Иқтисодий танловнинг ўзи иш натижасига қараб, олинган даромадларнинг турлича бўлишини белгилайди. Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар бир текисда тақсимланмайди, кишиларни иқтисодий жиҳатдан бароварлаштиришга интилиши ҳам бўлмайди. Шунингдек бой бўлиш ҳам тақиқланмайди. Даромадлар маълум миқдор билан чекланмайди. Шунинг учун ҳам бундай бозор шароитида ғайри қонуний йўл билан даромад топишга ҳар ким интилмайди. Ишлаб чиқаришни ўстирувчи кучли рағбат ва воситалар иқтисодда тўкинчиликни юзага келтиради. Истеъмол неъматлари халқни тўла-тўқис таъминлайди. Бозор иқтисодиёти шароитида энг юқори ва энг паст даромад ўртасидаги фарқ юзага келади. Бу фарқлар давлат назоратида бўлади. Давлат бундай фарқларнинг катталашиб кетмаслик чораларини кўради. Давлат тақсимот меъерини белгилайди, корхона, ҳўжалик ва ташкилотлар доирасида ҳам даромад белгилаш давлат

урнатган меъёрдан чиқиб кетмайди. Кишиларнинг минимал даражада, яъни энг кам иш ҳақи даражасида таъминланиши, уларни иқтисодий фаолликка, даромад топишга ундайди.

Бозор иқтисодиётида тақсимот муносабати иқтисодий тенгсизликни келтириб чиқаради. Бу ҳол иқтисодиётнинг ўсиб боришига қўл келади. Даромадлардаги тенгсизлик кишилар ишлаб топган пул миқдорига катта фарқлар бўлишини билдиради. Турт омилда тенгсизлик пайдо бўлади. Биринчидан, бу кишиларнинг туғма қобилиятлари, куч-қуввати, ақл-идроки, салоҳият ва заковати, ҳуқуқ иш қобилияти бир хил эмаслигидан. Шунга қўра ҳам иқтисодиётда улар ҳар хил даражада даромадли бўладилар. Иккинчидан, даромаддаги тенгсизлик кишилар ўз салоҳиятини ишга солиш имкониятидан боғлиқ бўлади. Билим олиш, касб эгаллаш, малакани ошириш имкониятлари бўлган жойда, иш топиладиган шароитда даромад кўп бўлади. Аксинча шароит ва имкониятларда даромад оз бўлади. Ишлаб турган киши билан ишсизнинг қобилияти бир хил бўлсада, даромади турлича бўлади. Учинчидан, тенгсизликни оила таркибининг ҳар хил бўлиши ҳам юзага келтиради. Оилада пул топарлар кўп бўлиб, боқимандалар оз бўлса, жон бошига даромади юқори бўлади. Акс ҳолда даромад кам бўлади. Тўртинчидан, даромадлардаги фарқни иқтисодий хатар ҳам юзага келтиради. Бозор шароитида ҳам турли хавф-хатарлар бўлади. Улар даромадларга таъсир этади. Бозорда қутилмаганда нарх ошиб кетса, албатта катта даромад келади. Нарх пасайиб кетса, даромад миқдори ҳам пасаяди. Даромадлардаги фарқ бозор ҳолатининг ўзгариши билан ҳам ўзгаради.

Даромадлар тенгсизлиги адолатли ва адолатсиз бўлади. Адолатли даромадлар, билимдан, иш қобилиятидан, малакадан, маҳоратдан, яхши интилиб унумли ишлашдан, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан, тажрибадан келадиган даромадлардир. Шунингдек, мулкдан, рентадан, фоиздан, дивидентдан, иш ҳақидан, сотиб олинган акция ва облигациялардан келадиган даромадлар ҳам адолатли даромад ҳисобланади. Иқтисотда адолатсиз даромадлар ҳам бор. Булар товар ёки фонд биржаларида биржа чайқовчилиги юз берганда адолатсиз даромадлар келади. Шунингдек катта миқдордаги пулдорлар пулларини банкка қўйиб катта миқдорда фоиз пули оладилар. Бу ҳам адолатсиз даромаддир.

Бозор иқтисодиёти ривожланиб борган сайин адолатли даромад миқдори ҳам ортиб боради. Бу ҳолат иқтисодиётнинг инсонийлашувини билдиради. Даромадларнинг тенгсизлиги, уларга таъсир этувчи омилар кучининг ҳар хиллиги билан изоҳланади. Тенгсизликнинг биологик ва ижтимоий жиҳатлари бор. Биологик жиҳатдан олганда, табиат кишиларга турли даражада куч-қувват берган, ақл-идрок берган, салоҳият-заковат берган. Мана шу ҳар хил имкониятлар уларнинг даромадларининг ҳар хил бўлишлигига сабаб бўлади. Бозор иқтисодиётида тасодифлар ҳам оз эмас. Бунга тадбиркорлик фаолиятидаги хатарлар ва омадлар қиради. Тадбиркорликда қутилмаган ҳодисаларга нархнинг бирданига ўзгариб кетиши, бозорнинг касодга учраши, экспортнинг чекланиб қолиши,

солиқларнинг ошиб кетиши, сиёсий вазиятнинг ўзгариши каби ҳолатлар тасодиф ҳисобланади. Бундай қонуниятларни тадбиркор бекор қила олмайди. Тадбиркор ўзидан боғлиқ бўлмаган бундай ҳолатларга мослашишга интиломоғи лозим.

Даромадларни четдан туриб тенглаштиришга интилиш иқтисодий ўсишга ёмон таъсир кўрсатади. Шунга кўра ҳам жамият тенгсизликни тан олади. Тенгсизлик бу - биров бой, биров ўрта хол, биров камбағал деганидир. Демак, тенгсизлик бор жойда камбағаллик албатта мавжуд. Бозор иқтисодиёти шароитида умуман тўқчилик ҳукм сурмоғи лозим. Лекин шундай шароитда ҳам аҳолининг бир қатлами нисбат камбағалдир. Кимни камбағал дейиш мумкин? Агар кимнингки даромади унинг энг зарур, тирикчилиги учун энг кам иш ҳақиға, эҳтиёжига ҳам етмаса, шундай аҳволни камбағал деб тан олиш лозим. Камбағалларга давлат ва ҳар хил хайр-эҳсон фондлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш инсонийлик фазилатларига тўғри келади.

Бозор иқтисодиёти камбағаллар сони ва салмоғининг қисқариб боришига мойилдир. Бунда ишлаб чиқариш ўсиши билан кам даромадли оила ўртача ва кўп даромадлилар қаторидан ўрин олади. Бу эса ўз ўрнида меҳнатдан топилган даромаднинг ўсиб боришидир. Кишилар ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиш меъёри уларнинг турмуш даражасини белгилаб беради. Даромаддаги тенгсизлик 5 гуруҳда ифода этилади. Булар, биринчидан, ўта камбағаллар, иккинчидан камбағаллар, учинчидан ўрта ҳоллар, тўртинчидан бойлар ва ниҳоят бешинчидан ўта бойлар.

Тенгсизлик таҳлил этилганда, турли хонадонларнинг умумий хонадонлар сонидаги ҳиссаси фоиз ҳисобида, уларнинг жами даромаддаги ҳиссаси билан таққосланади. Натижада хонадонларнинг қандай қисми даромадларнинг қандай қисмини олганлиги аниқланади. Масалан, 10 фоиз хонадон 6 фоиз даромадни олади дейлик. Аксинча, юқори гуруҳдаги хонадонлар сони кам бўлатуриб, улар даромаднинг катта қисминч оладилар. Тенгсизликнинг ҳаддан ошиб кетишига йўл бермаслик учун унинг яъни фарқнинг меъёри киритилган. Бунга кўра бойлар қўлида жами даромаднинг 25-35 фоизи тўпланиши мумкин. Бошқа бир меъёрга кўра, 10 фоиз бойлар ва 10 фоиз камбағаллар даромади ўртасидаги фарқлар 10-15 мартадан ошмаслиги талаб қилинади. Ўзбекистонда бундай фарқ турли йилларда 7.9-11.5 марта бўлган. Бу тартибга амал қилинишини давлатнинг фаол ижтимоий сиёсати таъминлаб беради.

Ўрта ҳол гуруҳларга даромади энг кам иш ҳақи даражасидан юқори бўлган, яъни ўртача даромадлардан кўп ҳам ошиб кетмаганлар киралди. Бойлар ҳам оддий бойлар ва ўта бойлардан иборат бўлади. Бозор тизимида бойликнинг юқори чегараси бўлмайди. Шунинг учун ҳам кишиларни ўта бой деб ҳисоблаш учун даромаднинг энг юқори даражаси билан дулоса қилинади. Аҳолининг даромадлари бўйича табақаланиши, ушбу мамлакатнинг иқтисодий даражасига ва давлатнинг ижтимоий сиёсатига боғлиқ бўлади. Бу даража паст мамлакатларда табақаланиши кучли бўлса, у юқори мамлакатларда бу нисбатан кучсиз бўлади. Иқтисодиёти заиф



мамлакатларда даромаднинг ўзи оз бўлганлигидан, уни камбагаллар манфаатини кўзлаб қайта тақсимлаш қийин бўлади. Бойлар даромадининг бир қисмини олиб камбагалларга бериш бойларнинг фаоллигини сўндиради. Иқтисодиёти бақувват ерда бойлар даромадининг бир қисмини камбагалларга бериш иқтисодий фаолликка путр етказмайди. Бунинг сабаби шундаким даромаднинг миқдори катта бўлганидан уни бойлардан чегириб олиш кўп сезилмайди. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволига қараб аҳоли тоифаларининг нисбати турлича бўлади. Иқтисоди ривожланган мамлакатларда ўрта ҳол қатлам кўпчилликни ташкил этади. Улар бойлар билан камбагаллар оралигида бўлади.

Даромадлар шу жумладан, иш ҳақи даражасида катта фарқлар мавжуд бўлишининг асосий сабаби - бу бозор тизимига асосланган Иқтисодиётнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқади. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даромадлар тенгсизлиги муаммосини кучайтиради. Бунда мол-мулкка эга бўлиш асосий омилдир. Даромадларнинг табақаланиш жараёни етарли даражада тез боради. Энг паст даражадаги даромадга нисбатан ўн бароварлаб кўп даромадга эга қатламлар шаклланади. Даромаднинг табақаланиши мулкий табақаланишни келтириб чиқаради. Вақт ўтиши билан оилаларнинг мол-мулки мерос қолдириши сабабли даромадлар табақаланишининг кучайиши рўй беради. Ҳар хил оилалар учун турлича истеъмол муҳити яратилади. Ижтимоий тенглик ва даромадлар тақсимотида адолатликни таъминлаб беришнинг муҳим муаммолари келиб чиқади. Унинг ечимида давлатнинг ижтимоий сиёсати хизмат қилади.

#### **21.4. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя, унинг иқтисодий моҳияти.**

Давлатнинг ижтимоий сиёсати мамлакатда тинчлик, фаровонлик бўлишлигига қаратилган. Бунда айниқса аҳолининг яшаш ҳаёт тинчлиги, туқлиги эътиборга олинган. Аҳолининг турмуш даражаси-бу муайян жамятда кишиларнинг жисмоний, ижтимоий, интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда эришилган турмуш, меҳнат, маиший шароитлар мажмуи. Унинг асосий мезони аҳолининг истеъмол неъматлари билан таъминланиш даражаси ҳисобланади. Турмуш даражаси аҳоли жон бошига моддий неъматлар истеъмол қилиш ва маиший хизматнинг даражаларига боғлиқ баҳоланади. Бунда, айниқса, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларини истеъмол қилиш даражаси аҳамиятлидир. Маҳсулотлар сифати, реал даромадлар иш ҳақи миқдори, ижтимоий истеъмол фондларидан тўшадиган даромадлар ҳиссаси, меҳнат шароити, иш ва бўш вақтларнинг давомийлиги ва мазмуни каби кўрсаткичлар аҳоли турмуш шароитининг даражасига таъсир қилади. Шунингдек уй-жой шароитлари ҳам, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ҳамда бошқа сифат ва миқдор кўрсаткичлари тизимида ифодаланади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида ишсизликнинг кўпайиши, нарх-навонинг талаб ва таклиф асосида кескин кўтарилиши натижасида аҳолининг турмуш даражаси сезиларли пасайиши мумкин бўлади. Бундай шароитда аҳолини ҳимоялаш, аҳоли даромадларини

руйхатдан ўтказиш каби зарурий тадбирлар кўрилади. Бунинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун пойдеворий мазмуни буюқдир.

Истеъмол буюмлари ва хизматларини кўпайтириб бориш ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш учун ҳам керак. Шунга кўра, истеъмол бюджети ҳам мавжуд. Истеъмол бюджети-бу бир шахсни тақрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлари йиғиндисини бозор баҳосидаги кўринишидан иборатдир. Истеъмол бюджетининг учта кўриниши мавжуд. Улардан биринчиси, бу минимал истеъмол бюджети, иккинчиси реал ҳақиқий истеъмол бюджети, учинчиси эса илмий асосланган истеъмол бюджетидир. Минимал истеъмол бюджетига кишининг зўрга кунни ўтиши учун керак бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлари йиғиндисининг пулдаги кўринишидир. Реал, ҳақиқий истеъмол бюджети эса- мазкур кунда шаклланган истеъмол буюмлари ва хизматлари йиғиндисининг пулдаги кўринишидир. Ниҳоят, илмий асосланган истеъмол бюджети - бу Иқтисодчилар, тиббиёт ходимлари, ижтимоий тармоқлар мутахассислари томонидан аниқланган, ишчи кучини нормал тақрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлари йиғиндисининг пулдаги кўринишидир. Мамлакатда энг кам иш ҳақи миқдори давлат томонидан аниқ белгилаб берилади. Иш ҳақи ошса, у холда энг кам иш ҳақи ҳам шунга кўра янгидан белгиланади. Бу турмуш шароитига нисбатан аниқланади. У энг кам бюджетга асосланган бўлади. Бундай миқдор камбағаллик чегараси ҳам дейилади. Чегарани аниқлашда нормадаги усуддан фойдаланилади. Ўзбекистонда, масалан, камбағаллик даражаси ўзининг таркибига энг зарур бўлган озиқ-овқатлар, истеъмол буюмлари ва хизматлар тўпламидан иборат бўлган энг кам истеъмол бюджети асосида аниқланади.

Демак, энг кам истеъмол бюджетига ёки унинг маълум қисмига мос келувчи даромад камбағаллик чегараси ҳисобланади. Камбағаллик чегарасидан паст даражада яшовчи аҳолига давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатилади. Ёрдам эса пулли ва маҳсулот кўринишида ташкиллаштирилади. Шунда давлат энг кам истеъмол бюджети асосида иш ҳақи, пенсия нафақа, стипендияларнинг энг кам миқдори белгиланади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг туртинчи тамойилида, кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати ўтказилиши ҳақида қонун, тартиб-қоида қабул қилинган. Бунга биноан ижтимоий-иқтисодий тадбирлар белгиланган.

Давлатнинг ижтимоий сиёсатининг олиб боришлилиги унинг ўз белгилари билан мувофиқлаштирилади. Марказлашган даромадларни табақалашган солиқ солиш орқали шақллантирилади. Йиғилган даромадлар бюджет орқали аҳоли турли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимланади. Бу жараён бажарилаётганда ижтимоий тўловлар билан бирга бозор нархларини ўзгартириш ва иш ҳақининг энг кам даражасини белгилаш усулларидан фойдаланилади. Ижтимоий тўловлар пул ёки натурал ёрдам кўрсатишга қаратилган тизимли тадбирлардан иборат бўлади. Кимга қанча ёрдам кўрсатилиши уларнинг иқтисодиётда қандай иштирок

этаётганлигидан боғлиқ бўлмайди. Бундай туловларнинг мақсади жамиятдаги муносабатларни инсонпарварлаштириш ҳамда ички талабни ушлаб туришдан иборат. Даромадлар давлат томонидан тартибга олинади. Шахсий даромадни ҳимоя қилишда ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши аҳоли камбағал қатламини қўллаб-қувватлашдир.

Яшаш учун қаттиқлик даражаси энг оғир кунлардир. Бундай ҳолат ҳаёт кечириш минимумида аниқланади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қисмини аниқлашда турли хил мезонлар асос қилиб олинади. Улар жумласига даромад даражаси, шахсий мол-мулки миқдори, оилавий аҳоли ва шу қабила киритилади. Ижтимоий сиёсат — бу давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни юмшатишга ва бозор иқтисодиёти қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсатдир. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий сиёсат аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг асосий йўналиш-бу нархларнинг эркинлаштирилганлиги бўлади. Шунингдек, пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабатлари билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориши ҳисобланади. Бундай ҳолатларда ҳар бир Республиканинг ўзига хос тутган йўли бор. Бу йўл орқали даромадлар нисбатини ўзгартириш мумкин. Бунга қўшимча иш ҳақи, пенсия, стипендияларнинг жамғарма банклардаги аҳоли омонатлари (ставка) ўлчамларининг энг оз миқдорини бир вақтнинг ўзиде қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади. Таъриф орқали барча тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорларини таъриф коэффицентлари орқали, энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини беради.

Мамлакатда ички истеъмол бозорни ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат молларининг асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш талаб этилади. Бундай ҳал этмоқ учун маҳсулотлар экспортини божхона тизими орқали назорат қилиш ва уларга юқори бож туловлари жорий этиш эътиборли ҳолдир. Кундалик зарур товарларни меъёрланган тарзда сотишни ташкил қилиш тадбирлари катта аҳамиятга эга бўлади. Миллий валюта жорий этилиши билан озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан воз кечиш қулайдир. Бундай ҳолатларда эркин нархларга ўтиш имкони юзага келади. Мустақиллик шароитида ҳаёт кечиришнинг дастлабки даврларидаёқ ижтимоий сиёсатни амалга ошириш фаолиятлари бошланган эди. Аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилди. Бунда ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлар, масалан, пенсионерлар, ногиронлар, кўп фарзандли оилалар, кам даромадли кишилар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар, энг кам иш ҳақи даражасида даромад олувчилар давлат томонидан турли усуллар орқали ижтимоий ҳимоя қилинмоқда.

Ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун, ижтимоий ҳимоя воситасини сифат жиҳатилан кучайтириш учун, янги босқичга олиб чиқиш учун унга асос бўладиган воситаларни яратмоқ зарур. Бунинг учун ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатланган ижтимоий тизимга ўтиш зарур бўлади. Янгиланган ижтимоий сиёсат адолат тамойилларига изчиллик билан риоя қилишга асосланиб, ижтимоий кўмаклашишнинг мавжуд усулларини ва пул билан таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Бу сиёсат ижтимоий ҳимоя аниқ мақсади ва аҳолининг аниқ табақаларининг қамраб олишни эътиборга олади. Ёрдам тизими фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатан қўлланиб, шу мақсад учун давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, турли ташкилот ҳамда жамғармаларнинг маблағларидан ҳам фойдаланилади. Ижтимоий ёрдам беришнинг янги тизимида болалар ва кам даромадли оилалар ёрдамдан баҳраманд бўлувчи кишилар ҳисобланиб, улар учун ҳамма нафақа ва моддий ёрдамлар фақат маҳалла орқали таъминланади. Янги тизимда кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам маҳалла орқали етказилади. Шунинг учун ҳам маҳаллаларда бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотлар, талбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил қилинди. Ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими меҳнатни рағбатлантирадиган омилар ва воситаларнинг янги тузилмаси пайдо бўлишига сабаб бўлади. Давлат ҳар қандай ҳолатда ҳам аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб – қувватлаш билан бирга, ўз меҳнат фаолияти орқали оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи кишилар учун тенг шароит ва қўлай имконият яратиш чорасини кўради. Давлатнинг ижтимоий - иқтисодий сиёсати узро боғланган ҳолда бир мақсад йўлида фолият кўрсатади. Мамлакатда миллий бойлик, иқтисодий имкониятлар юқори бўлса, ижтимоий сиёсат ҳам кишилар эътиёжларининг кўп томонларини қамраб олади, уни бақувватлиги шунча мустаҳкам бўлади. Бу сиёсатларда даромадга алоқадор сиёсат ҳам мавжуд. Даромад сиёсати даромадларнинг тартибланишини таъминлаб беради. Ишсизлик нафақаси ўрнатилади. Минимал иш ҳақи, минимал пенсия миқдори белгилаб қўйилади.

Демак иқтисодий сиёсат иқтисодиёт иштирокчиларининг туган йўл – йўриқлари ва қўллаган чора-тадбирлари сифатида микро, макро ва мета (ҳалқаро) даражада бўлади. Ижтимоий сиёсат аҳолининг табақалашувини гоят чуқурлаштиради. Уни қарама – қарши томонларга ажралиб кетишига йўл бермасликни кўзлаган ҳолда уни бир инсоф билан бўлишлигини кўзлаган ҳолда кўриб чиқади. Шундай талбирлар орқали низоларга йўл берилмайди. Аксинча ижтимоий ҳамжиҳатлик ва тотувлик таъминланади.

## Асосий таянч тушунчалар.

**Аҳоли даромадлари** — бу аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натурал шаклда олган даромадлари миқдори.

**Номинал даромад** — бу аҳоли томонидан пул шаклида олинган даромадлари суммаси.

**Реал даромад** — бу аҳолининг номинал даромадлари суммасининг товар ва хизматларни сотиб олиш лаёқати.

**Ижтимоий тўловлар** — бу кам таъминланганларга пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлар тизими.

**Ижтимоий сиёсат** — бу давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни иқтисодиёт қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсат.

**Турмуш даражаси** — бу кишилар ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиши меъёри.

**Истеъмол миқдори** — бу турмуш даражасининг муҳим жиҳати.

**Истеъмол бюджети** — бу бир кишини такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлари йиғиндисини бозор баҳосидаги кўринишидан иборат.

**Минимал истеъмол бюджети** — бу кишини очликдан ўлмаслиги учун зарур бўлган кундалик эҳтиёжлари учун керак бўлган истеъмол буюмлари йиғиндиси.

**Реал ҳақиқий истеъмол бюджети** — бу шу кунда шаклланган истеъмол буюмлари ва хизматларининг пулдаги кўриниши.

**Илмий асосланган истеъмол бюджет** — бу мутахассислар томонидан инсонни нормал такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматларининг пул кўриниши.

**Камбағаллик** — бу инсон узининг асосий эҳтиёжларини қондириш имконига эга бўлмаслиги.

**Камбағаллик чегараси** — бу баъзи мамлакатлар буйича ўртача даромаддан икки ҳисса кам бўлган даромад. Бу бошқа мамлакатларда у ўртача даромадни 3 дан 2 қисмига тенг келиши эҳтимоли ҳақида фикр айтишади.

## IV. БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ОЧИҚЛИГИ

### XXII. БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ, УНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Мазкур бобда жаҳон хўжалиги фаолиятига алоқадор тушунча ва хулосалар баён этилган. Ишлаб чиқаришнинг халқаро заруриятга айланиши халқаро иқтисодий интеграция, унинг томонлар учун иқтисодий моҳияти. Жаҳон хўжалигида Ўзбекистон ўрни. Экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари. Халқаро меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви. Жаҳон хўжалигининг ташкил топиш босқичлари ва асосий белгилари. Иқтисодий ўзаро боғлиқликнинг ўсиши. Халқаро ишлаб чиқаришнинг шаклланиши. Интеграцион жараёнлар. Иқтисодиётнинг байналмилаллашувида фан-техника тараққиёти. Халқаро иқтисодий интеграциянинг турлари. Европа иқтисодий ҳамкорлиги ва унинг вазифалари. Марказий Осиё региони. Мустақил давлатлар ҳамдўслиги, ягона иқтисодий мақони ва бутун жаҳон хўжалиги доирасида интеграцион тамоиллар. Душманмаклатларининг иқтисодий ривожланиши ва табақаланишуви. Ривожланган, ўртача ривожланган ҳамда қолоқ мамлакатлар. Янги халқаро иқтисодий тартиб, халқаро иқтисодий хавфсизлик тизимининг яратилиши. Мамлакатлар ривожига миллий байналмилал тамойиллари нисбати. Ўзбекистонда очiq типдаги иқтисодиётнинг яратилиши. Республикага чет эл капиталларини жалб қилиш. Ташқи иқтисодий алоқалар ривожининг устувор йўналишлари.

#### 22.1. Ишлаб чиқаришнинг халқаро муносабатлар даражасига айланиши.

Дунёда мавжуд бўлган 222 (2006 йил) мамлакатларнинг йигиндиси жаҳон хўжалигини ифода этади. Ҳар бир давлат мана шу хўжаликка аъзо бўлиши ва унинг таркибида бўлиши мумкин. Тарихга бир назар ташласангиз бозор иқтисодиётининг кўп асрлик тараққиёти кўринади. XIX аср охири XX аср бошларида капиталистик хўжалик кўринишида бўлган жаҳон хўжалиги юзга келади.

Жаҳон хўжалиги халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва уларнинг амалга ошириш воситаларининг бир бутун яхлитлигидан иборат. Халқаро меҳнат тақсимоти бу хўжаликнинг моддий асосини ташкил этади. Жаҳон хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг асрлар давомидаги ривожланиши миллий, ҳудудий ва умумжаҳон миқёсида меҳнат тақсимотининг узлуксиз чуқурлашиб боришининг оқибатидир. Шунингдек у турли мамлакатлар миллий ишлаб чиқаришнинг яққаланган ҳолатдан чиқиши ва уларнинг аста-секин давлатлараро хўжалик тизимига кириб боришининг натижасидир. Меҳнат тақсимоти эса товар ишлаб чиқаришнинг умумий асоси сифатида бозор муносабатларига олиб келади. Уларнинг

ривожни миллий доирисидаги ҳўжаликларни ва алоҳидалашган ишлаб чиқарувчиларни дастлаб ягона ички бозорга, кейинчалик эса умумжаҳон бозори доирасига тортади. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши мамлакатлар ўртасидаги фан-техника, ишлаб чиқариш, савдо иқтисодий алоқаларнинг объектив асоси ҳисобланади. Шу юзасидан ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви, умумжаҳон жараёнига айланади. Халқаро меҳнат тақсимоти - бу бутун ҳўжаликнинг ташкил топиши ва ривожланишининг ҳал қилувчи омилidir.

Жаҳон ҳўжалигининг ташкил топиши- бу турли мамлакатлар ўртасида узлуксиз алоқаларнинг ўрнатилишини ифода этади. Унинг натижасида Иқтисодиётнинг алоҳидалашувидан ижтимоийлашувига айлантиради. Дунёда саноатлашган ишлаб чиқариш, энг аввал йирик саноат алоҳида мамлакатлар ҳўжалигини бир-бирига боғлаб қўяди. Ҳўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви жаҳоншумул иқтисодий муносабатларни бутун инсониятга тотувли кучга айлантиради. Жаҳон ҳўжалиги гоёт мураккаб иқтисодий алоқаларни англатади. Унинг бир томони-бу соф бозор муносабатларидир. Бу бозорда ташкил топган нарх асосида ўзаро рақобат, пул билан муомала қилиш, фойда топишга интилиш ва бошқалардир. Шундай муносабатлар давлатлар ўртасида бўладиган алоқаларга, фирмаларнинг халқаро фаолиятига мос келади. Бундай алоқалар тизимида етакчилик қилади.

Иккинчидан, мунтазам ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш муносабатлари ҳақида. Бунда рақобат ўрнига ҳамкорлик, доимий шериклик алоқалари ҳукумронлик қилади. Бундай муносабатлар нобозор алоқалари ҳисобланади. Халқаро муносабатларда улар иккиламчидир. Улар ҳали етакчи мавқега эга бўлмайди. Халқаро мамлакатлар муносабатларини унда иштирок этувчилар белгилайди. Шунга қўра ҳам бозор иқтисодиёти аралаш иқтисодиётдир.

Жаҳон ҳўжалиги ўз объекти ва субъектига эга. Жаҳон ҳўжалигининг объекти бу турли кўринишдаги фаолиятлардан иборатдир. Булар, халқаро миқёсда ресурсларнинг тақсимланишидан, ишлатилишидан ташкил топган. Бу шунингдек ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувидан, унинг кооперациялашувидан, иқтисодий интеграция, савдо-сотик илмий техникавий ҳамкорликдан ташкил топади. Қолоқлик ва қашоқликка чек қўйиш ҳам, экологияга путур етказмайдиган иқтисодий фаолият юритиш ҳам, буларнинг барчаси жаҳон ҳўжалиги объектидир. Жаҳон ҳўжалигининг субъекти эса бу турли давлатлар, халқаро ва миллий фирмалар, ташкилотлар йигиндисида иборат.

Ҳозирги даврда дунё иқтисодиётида мамлакатлар ва ҳўжаликлар ўртасида ўзаро боғланишлик боғлиқлик кучайиб бориши турмуш эҳтиёжларига айланмоқда. Жаҳон ҳўжалигида ҳар бир ўзгаришлар дунёдаги барча мамлакатлар манфаатини эътиборда ҳисоблайди. Мамлакатнинг савдо, ишлаб чиқариш, валюта-молия соҳаларидаги жаҳон тамойилларига боғлиқлик юзага келмоқда. Эндиги давр ривожланган даврдир. Барча мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни бутун дунё халқи билиб,

қуриб, эшитиб туради. Мамлакат иқтисодий жиҳатидан қанчалик бой бўлмасин, у мамлакат жаҳон ҳўжалиги фаолиятидан манфаатдордир.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов - "Мамлакатнинг жаҳон ҳўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир" — деган.<sup>15</sup>

Дунёда мақсадлари турлича, амал қилиш механизми бошқа-бошқа бўлган ижтимоий-иқтисодий тузумлар, халқаро гуруҳларга бўлинган. Ишлаб чиқариш жараёнининг ўсиб бориши унинг халқаро заруриятга айланишини юзага келтиради. Мамлакатлар ҳўжалик тизимларининг хусусиятларига мос равишда давлатнинг учта хусусиятларини кўрсатиш мумкин. Улар биринчидан ривожланган, иккинчидан бозор иқтисодиётида ривожланаётган ва учинчидан эса бозор иқтисодиёти мавжуд бўлмаган мамлакатлар. Ривожланишининг ўзини таҳлил қилинса, улар кам даражада ривожланган, ўртача даражада ривожланган ва юқори даражада ривожланган мамлакатларга ажратиш мумкин. Ўзгаришларнинг мавжудлигида ишлаб чиқаришнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб бошқа мамлакат заруриятларига айланиб бораётганлигидадир. Бунда айниқса, фан-техника инқилобининг, янги ахборотлар технологиясининг ўсиб бораётганидадир. Чунки миллий иқтисодиёт, яъни ҳеч бир давлат ўз-ўзини тўлиқ таъминлай олмайди. Эҳтиёжларга мос равишда пул маблағлари етарли бўлгани ҳолда, бу пулни айирбошлаш учун зарурий микдорда маҳсулотлар бўлиши талаб этилади. Шундай ҳолат импорт, экспорт жараёнларини ўтказишни тақозо қилади.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракати тезлашиш хусусиятига эга. Шу сабабдан ҳам ҳўжалик алоқаларининг тез ўсиши таъминланмоқда. Бир мамлакатнинг капитали иккинчи мамлакат ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этмоқда. Ишчи кучининг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтиш жараёни кучаймоқда. Оқибатда халқаро меҳнат тақсимоти тезлашмоқда, ишлаб чиқариш байналмилаллашиб бормоқда, у заруриятга айланмоқда.

Ишлаб чиқариш муносабатлари тизими-бу фақат айрим мамлакатларнинг ўзидагина юзага келадиган муносабатлар бўлмасдан, балки у бир вақтнинг ўзида жаҳон миқёсда юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Шунга кўра жаҳон ҳўжалигининг пайдо бўлишида миллий ҳўжаликларнинг бир-бирлари билан иқтисодий муносабатлари ва халқаро меҳнат тақсимоти тизимидир. Бу тизим таркибида халқаро савдо-иқтисодий, молиявий ва фан-техника алоқаларининг барчаси ифода этади. Жаҳон ҳўжалиги ўзининг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг объектив қонун-қоидалари асосида фаолият кўрсатади.

Ишлаб чиқаришнинг йирик машиналашган ижтимоий кўриниши, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг шаклланган даражаси, ҳамда халқаро меҳнат тақсимоти жаҳон бозорининг, ишлаб чиқаришнинг халқаро заруриятга айланишини тақозо этади.

<sup>15</sup> Каримов И.А. "Ўзбекистон буюк келажак сари". Т... "Ўзбекистон". 1998 й., 267 бет.



Ишлаб чиқаришнинг халқаро заруриятига айланишида ривожланган мамлакатлар саноати учун жуда кўп хом - ашёга эҳтиёж туғулади. Бундай шароитларда бу йирик имкониятли мамлакатлар бу муаммони ҳал қиладиган мамлакатлар орқали ечимини топади. Зарурияти бўлса улар ўзга мамлакатлар хом- ашёларини қазиб олишга, ишлаб беришга қадар чораларни кўради. Бундай ҳаракатлар икки томоннинг ўзаро келишуви асосида бўлади. Яна бир ҳолат юзага келиши мумкин, бу озиқ-овқатга эҳтиёжнинг ўсиб боргани сари саноати ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги тармоғи шаҳарларнинг тобора ўсиб бараётган эҳтиёжларини қондира олмай қолади. Оқибатда қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг анча қисмини ўзига жалб этади. Саноат маҳсулотларининг кескин кўпайиши юзага келади. Шу тариқа хом- ашёларнинг айр бошлаш жараёнлари юзага келади. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоийлашуви, халқаро заруриятга айланиб боришига таъсир этадиган жараёнлар пайдо бўлади. Масалан, ишлаб чиқарувчи кучларининг янада ривожланишига, жаҳон иқтисодийётида меҳнат унумдорлигининг ўсишига ишлаб чиқаришда ихтисослашувнинг юзага келишига ва ривожланишига, бир мамлакат капиталининг иккинчи мамлакат капиталига таъсир кўрсата олишига олиб келади. Мамлакатлараро ижтимоий-иқтисодий ўсиш йўналиши бўйича рақобатчилик юзага келади. Ишлаб чиқариш бўйича мамлакатлар бир-бирларини синдиришга уринадилар. Бу уринишларининг асосида миллий ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва уни ташкил этиш ҳолати, мамлакатдаги иш кучининг малакаси, илмий тадқиқот ишлари даражаси, экспортни молиялаштириш бўйича давлат қўллаётган чора — тадбирлар, четдан келадиган рақобатбардош товарлардан ички бозорларни ҳимоя қилишдаги давлат сиёсати бор. Бундай сиёсат олиб боролмаган мамлакатлар миллий ишлаб чиқариш рақобатига бардош бераолмайди. Натижада хонавайрон бўлади ва ривожланган мамлакатларнинг аграр хом-ашё қўшимчасига айланади. Демак, умумжаҳон хўжалигидаги барча тармоқлар ўзаро боғлиқлигининг чуқурлашуви — бу ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиб бораётган байналмилал хусусиятга таянади. Кейинги йилларда уларнинг байналминалашуви бутун жараёнга янги сифат хусусиятларини бахш этувчи фан - техника инқилоби таъсирида анча тезлашади. Айниқса ҳозирги давр техникаси ривожланиши кенг меҳнат тақсиротини тақазо қилади. Бундай тақсирот ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг хиллари ниҳоятда кўпайиб кетганлиги, айрим ишлаб чиқаришлар жуда ҳам чуқур ихтисослашганлиги сабабли ҳар қандай-ҳатто энг йирик ва иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг эҳтиёжларини барча гурдаги маҳсулот билан фақат ўз кучи орқали таъминлашни норентабел қилади. Ҳатто фаолиятини тўхтатиб қўйишига олиб боради. Ихтисослашув оралиқ саноат маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, айниқса катта қўламга етади. Масалан, “Боинг 747” самолётини ишлаб чиқаришда 4,5 миллионга яқин турли қисмлар ва узеллардан фойдаланилади. Бу қисмлар 1500 компания томонидан етказиб берилади.

Халқаро миқёсда ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва уюшмаларга бирлашувини кучайтиришга энг кам ва энг мувофиқ ўлчовдаги корхоналарнинг купайиши, ҳамда оммавий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги қулай имкониятлар яратиб беради. Шунингдек бу жараёнга маънавий эскиришнинг тезлашуви, илмий-тадқиқотлар, тажриба хулосалари асос бўлади. Ички бозор доиралари миллий чегаралардан ташқарига чиқаётган йирик куламдаги ихтисослашган ишлаб чиқариш учун тобора қисқариб боради.

Авж билан тараққий этиб бораётган фан-техника инқилоби шароитида ишлаб чиқарувчи кучларнинг байналмилаллашуви. Амалда бирон мамлакатда “ҳамма нарса ўзиники бўлиши” фойдасиз бўлиб қолмоқда. Миллий саноат комплексларини фақат бутун жаҳон меҳнат тақсимотини устунликларидан фаол фойдаланиш йўли билан самарали ривожлантириш мумкин бўлмоқда. Кадрлар таёрлаш ҳам байналмилаллашиб бормоқда. Таълимда марказлашган ўқув муассасалари юзага келмоқда. Ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш учун ишчидан тортиб олимгача бўлган мутахассисларни таёрлаш ва бу ишда мамлакатлар ўртасида айирбошлаш услуги эндиликда оддий иш бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий айирбошлашда иштирок этиш мамлакат иқтисодига қўшимча самара беради. Ҳар бир мамлакат ўз эҳтиёжларини камроқ сарфлар эвазига ҳал этишга интилади. Мана шу йўналишда халқаро меҳнат тақсимотида қатнашувчиларнинг ҳаммасида ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун интилиш юзага келади. Мана шу зарурият мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик бўлишлигини, ишлаб чиқаришнинг халқаро заруриятга айланиб боришлигини тақазо этади. Демак, жаҳондаги барча мамлакатлар халқаро меҳнат тақсимотига кўп ёки кам даражада қўшилгандир. Бу меҳнат тақсимоти ишлаб чиқарувчи кучлар ривож жараёнида чуқурлашиб бориши юзага келади. Бундай ҳолат мамлакатлар ўз ижтимоий тузумларидан фарқлироқ ўзаро иқтисодий алоқа қилиб туришларини тақазо этади. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик томонлар олиб борилаётган давлат сиёсатига моддий пойдевор бўлади. Буларнинг барчаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг объектив хусусиятга эга эканлигидадир. Мамлакатлараро қисқа муносабатлар жаҳоншумул ҳужалик алоқаларига тўсиқ бўлади.

## **22.2. Халқаро иқтисодий интеграция, унинг томонлар учун иқтисодий моҳияти.**

Интеграция-бу латинча сўз бўлиб у бутун, бирлаштириш мазмунида халқаро муносабатларда ишлатилади. Иқтисодий томонидан мамлакатлар ўртасида мамлакатларнинг ички фаолиятида интеграция жараёни мавжуд. Бундан унумли фойдаланиш иқтисодий ўсишнинг таъминланишига олиб келади. Энг асосий омилларидан бири-бу ишлаб чиқаришнинг халқаро заруриятига айланганлиги. Бу имконият давлатлар чегараларида мавжуд бўлган тўсиқларни олади, янгича ҳамкорлик шакллари юзага келади. Ана

шу шакиллардан бири — бу миллий хўжаликнинг интиграциялашувидадир. Иқтисодий интеграция махсус битимларни, муассасаларни байналмилаллаштиришнинг ҳозирги босқичдаги олий шаклидир. Интеграция-бу халқаро меҳнат тақсимотини кенгайтиради, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлайди. Натижада товарлар, хизматлар, капиталлар ва иш кучини айирбошлаш ривожланади. Ишлаб чиқаришнинг умумийлашув даражаси ортади. Бунинг ҳулосасасида давлатлар ўртасидаги бирлашмалар миқёсида иқтисодий жараёнларни маълум мақсадли, режали тартибга солиш ва уни бошқариш зарурлиги номоён бўлади.

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида интеграцияли бирлашмаларнинг ўзига хос кўринишлари бор. Улардан, биринчидан бу эркин савдо. Бунда қатнашувчи давлатлар ўзаро савдо —сотиқда божхона тўсиқларни бекор қилиш билан чегараланади. Иккинчидан, божхона иттифоқида гуруҳга кирувчи давлатлар ичида товарлар ва хизматлар эркин томонларга ўтиш билан бирга учинчи мамлакатга нисбатан ягона божхона турлари жорий қилинади. Учунчидан эса умумий бозор. Бунда мамлакатлар ўртасида ўзаро савдодаги эмас, иш билан капитал ва иш кучининг томонларга ўтишдаги тўсиқлар ҳам барҳам топади. Тўртинчидан, иқтисодий иттифоқчилик. Бунда умумий бозор ва ягона иқтисодий сиёсат ўтказиш ҳамда турли харажатларни давлатлараро тартибга солиш тизимини яратиш имкони юзага келади. Бешинчидан валюта иттифоқида яна банк тизими, шунингдек ягона валютага асосланган иқтисодий иттифоқ фаолият кўрсатади. Олтинчидан эса, сиёсий иттифоқчиликда ҳам мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши учун унинг иқтисодий ривожини учун муҳим асос бўлади. Ҳозир шундай иттифоқчилар бор. Уларда қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда ташкилий ишлар, миллий хўжаликлар ва аҳоли учун бир-биридан фарқ қилади. Масалан Фарбий Европа бирлашмаси ташкил топган. Бу Европа иқтисодий ҳамкорлиги ёки “Умумий бозор” ва Европа эркин савдо ассоциацияси деб юритилади. Бу 1958 йилда ташкил топган Европа иқтисодий ҳамкорлик 1960 йилда ташкил топган, бу Европанинг энг янги тарихи билан бевосита алоқададир.

1958 йилда Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург мамлакатлари иштирокида Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкил этилди. Европа иқтисодий ҳамкорлиги таркиби кенгайиб борди. У савдо ҳамкорлигидан хўжаликнинг бошқа соҳаларини, шу жумладан, фан — техника ҳамкорлигини интеграциялаш амалга оширилмоқда. Бу ҳамкорликнинг фаолияти ҳозир янги босқичга кадам кўйди. Европа ички бозорини ташкил этишда давлатларни бир-биридан ажратиб турадиган кўп сонли чегара ва божхона тўсиқлари тугатилмоқда. Унинг самараси амалда исботланмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг интеграцион бирлашмаларидаги ҳамкорлик эса уларга ишлаб чиқариш иқтисослашуви афзалликларидан фойдаланишга имкон беради. Шунингдек ўзларининг табиий бойлаклари ҳамда бошқа иқтисодий ресурсларини ривожлантириш учун зарур имкониятлар очиб беради. Бундай имкониятлар иқтисодий интеграция

умумжаҳон ҳўжалигида озод бўлган мамлакатлар мавқеини мустаҳкамлайди. Бундай мамлакатларнинг биронтаси ҳам якка ҳолда бас келолмайдиган кучли давлатлар билан бўладиган муносабатларда уларнинг манфаатини ҳимоя қилишга мажбур бўлишади. Шунга кура ҳам Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги мамлакатлар кўпчилик бўлиш, бирлашиш йўли билан ҳамкорликни кенгайтирмоқдалар.

Ер юзида янгидан—янги мустақил давлатлар пайдо бўлаверади. Уларнинг иқтисодиёти мустақил ривожланаверади. Иқтисодий интеграция шароити умумийлашиб борган сайин, мамлакатлар иқтисодиётининг бир-бирига мослашуви натижасида юзага келган мунтазам иқтисодий алоқалар интеграцион алоқалар мазмунида фаолият кўрсатади. Ҳозирги халқаро иқтисодиётда хос бўлган, бу иложи борица иқтисодий ресурсларнинг дунё бўйича эркин таъқсимланишини таъминлашдир. Табиий ресурсларни эса бир мамлакатдан бошқасига кўчириб бўлмайди. Капитал ва иш кучи ресурсларни кўчириш мумкин. Жаҳон миқёсида капиталнинг тақсимланиб, мамлакатлараро, инвестицияланиб бориши капиталнинг халқаро ҳаракатини ташкил этида. Капиталнинг халқаро миқёсидаги ҳаракати унинг экспорти ва импорт шаклида юз беради. Бир мамлакат капитал чиқарса бошқа мамлакат уни қабул қилади. Лекин мамлакатлараро бир-бирига капитал чиқариш ҳам бўлиши мумкин. Масалан, АҚШ, Францияга, Франция АҚШга. Четга чиқариладигин капиталнинг икки шакли бор. Улардан бири хусусий капитални чиқариш, иккинчиси эса давлат капиталини чиқариш. Кейинги йилда хусусий капитални чиқариш даражаси етакчилик қилиб боришлиги устувор бўлмоқда. Трансмиллий корпорация бу-дунёнинг турли мамлакатларида фаолият юритувчи уюшмалардир. Бундай компаниялар турли миллий капитални ўзида бирлаштиради ёки уларнинг капитали бир мамлакатга карашли бўлсада, халқаро миқёсида иш юритади. Ўзбекистонга кириб келган хориж капитали қўшма корхоналарга қўйилган. Мамлакатлараро капитал чиқариш бир-бирига қарз бўлиш ёки тадбиркорлик йўлида капитал қўйиш демакдир. Капитал қўйилганда чет элда завод, фабрика умуман ишлаб чиқариш объектлари, кўчмас мулклар юзага келади. Халқаро миқёсда капитал ортидан иш кучи ҳам ҳаракатга келади. Иш кучининг дунё бўйича кўчиб юриши иш кучининг халқаро миграцияси бўлади.

Миграция оқими иш кучи ортиқча бўлган мамлакатлардан унга талаб бор мамлакатлар томон йўналган бўлади. У кишиларни ўз мамлакатидан бошқа малакатларга бориб ишлаб келиш учун ёки тамомила ўша ерда қолиш учун кўчиб боришини билдиради. Миграция мунтазам тус олиб бориб, жаҳон иш кучи бозорини шакллантиради. Бу ҳолат 90-йилларга келиб АҚШ, Ғарбий Европа, Лотин Америкаси ва Яқин Шарқдаги миграция марказлари юзага келади. Иш кучи миграциясининг афзалликлари бор. Бу меҳнат ресурсидан умумли фойдаланиш имкониятини беради. Шунингдек иш ҳақини оширади, валюта тонишга шароит яратилади, ишловчилар малакасини оширади. Бунинг оқибатида иш кучини четга

чиқарган мамлакатларда малакали иш кучи, ўқимишли мутахассислар етишмай қолиши ҳам мумкин.

Интеграция жараёни узлуксиздир. Чунки иқтисодиётнинг ўзи бор ерда тўхтаб қола олмайди. У самарали ишлаб чиқаришнинг таъминланганидан доимий равишда юз беради. Аммо унинг кўлами, шакллари ва усуллари ўзгариб туради. Интеграция корхонанинг тор доирасидан давлатлараро миқёсида юз беради. Бир неча давлат иқтисодиётини қамраб олади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов- "... ҳозирги кунда ҳам мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида ҳал этилмаган кўпдан-кўп муаммолар бор, бизнинг республикаимиз учун бу ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат"- деган.<sup>16</sup> Интеграция иқтисодий яқинлашувидан бошланиб, иқтисодий бирлашув билан якунланади. Оқибатда турли иқтисодий иттифоқлар пайдо бўлади. Интеграция турли мамлакатлар иқтисодий чегараларининг бири-бири учун очилиб, ягона иқтисодий макон ҳосил бўлишини билдиради. Интеграцияга тегишли белгилар турли даражада амал қилади. Масалан, умумий пул фақат Европа иттифоқида бўлиб, бошқа иқтисодий уюшмаларда у амал қилмайди.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг олий шакли бу жаҳон ҳўжалигидаги интеграция алоқаларидир. Иқтисодий интеграция ғоят мураккаб жараён бўлганлигидан унга хос ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда уни баҳолаш мумкин.

Жаҳон ҳўжалигидаги иқтисодий интеграция миллий бозорлар ва мамлакатлар миллий ҳўжаликлари ўртасидаги узвий боғлиқлик. Ҳамда ҳамжиҳат ривожланишини таъминлашдир. Шунингдек, бу турли мамлакатлар доирасида ресурсларнинг эркин ҳаракат қилиши ҳамда ягона умумий бозор ташкил қилиш мақсадларида уларнинг бирлашувдир. Дунёда иқтисодий алоқалар доимо мавжуд, лекин улар ҳамиша ҳам интеграцияни билдирмайди. Ғоят юксак поғонага чиққан алоқалар интеграциясини заруриятга айлантиради. Халқаро интеграция бўлиши учун айрим белгилар бўлишлиги талаб этилади. Булар биринчидан, машиналашган ишлаб чиқариш чуқур иқтисослашади ва у ташқи алоқаларсиз ривожлана олмайди. Иккинчидан, турли мамлакатлар иқтисодий даражасида ғоят катта тафовут бўлмайди, уларнинг даражаси бир-бирига яқин туради. Учинчидан эса турли мамлакатлар ҳудудий умумликка эга бўлиб уларнинг тарихий ривожланган алоқалари мавжуд бўлади. Шуларга кўра, Ғарбий Европадаги иқтисодий интеграция амалда 60-йилларда бошланиб, ҳозир ҳам давом этмоқда. Ёки Шимолий Америкада ҳудудий умумийлик бўлган бир шароитда мамлакатлар иқтисодий даражаси кескин фарқланганидан интеграция кечикиб бошланган. АҚШ, Канада ва Мексика интеграцияси 90 йилларга тўғри келади. Санаб утилган шароитлар интеграциянинг мавжуд бўлишлигини таъминлайди. Жаҳонда ривожланаётган ёш мамлакатларга хос, лекин барқарор бўлмаган бошқа интеграция уюшмалари ҳам бўлиши

<sup>16</sup> Каримов И.А. Каримов И. А. Исдоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маърузаси " - "Халқ сўзи" газетаси. 2000 йил, 2 бет

мумкин. Уларнинг иштирокчилари ўтмишдаги мустамлака бўлиб, иқтисодийни бир ёқлама, яъни хом – ашё етказишга ихтисослашган. Шунга кўра ҳам улар бир-бирини тўлдириб ягона бирлашувни юзага келтира олмайди. Интеграцион алоқаларнинг пайдо бўлиши жаҳон ҳужалигига хос воқелик, лекин улар умумий тус олиши учун ҳамма мамлакатларда шароит муҳайё бўлиши зарур.

### 22.3. Жаҳон ҳужалигида Ўзбекистоннинг ўрни.

Ўзбекистон иттифоқ даврида, умуман тарихида мустақил бир давлат сифатида жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий – ижтимоий ҳамкорлик алоқалари ўтказиши имкониятига эга бўлмаган. Ўзбекистон мустақиллик даври давомида, айниқса ҳозир жаҳондаги барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатлик алоқалари ўрнатиш имкониятига эга. 90 дан ортиқ чет давлатлар Ўзбекистон билан иқтисодий-сиёсий ҳамкорлик алоқалари ўтказмоқда. Ўзбекистон бугун жаҳон ҳужалиги тизимида кириб борди. Ўзбекистон биринчидан, ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга олиш, иккинчидан, унинг интеграциясини белгилаш миллий иқтисодий сиёсатнинг муҳим бўғинига айланди.

Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларнинг даслабки босқичидаёқ жаҳон иқтисодийига қўшилди, иқтисодий фаолият анча ўса бошлади. Ташқи мамлакатлар билан бўладиган иқтисодий ҳамкорликлар бўйича зарурий режалар белгиланиб олинган, унинг амалда бажарилиши ҳам жадал ҳал қилинмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари ўзаро тенглик, ҳурмат, ички ишларга аралашмаслик тартибида имзоланган. Республика ташқи иқтисодий йўналишда бирон-бир мамлакатлар таъсир доирасига тушиб қолмаслик халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш, турли мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни мустақил ва гоъвий курашлардан ҳоли ўрнатиш тамойилларига асосланган. Ўзбекистон ўз тақдирини ўзи ҳал этувчи давлат сифатида очиқ иқтисодийни вужудга келтириш ва ташқи иқтисодий фаолиятларни эркинлаштириш юзасидан тadbирлар белгилаган. Шунга кўра Республика мамлакатларнинг жаҳон ҳужалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишни ташкил қилади. Яратилган бундай имкониятлар Ўзбекистоннинг халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлишига имкон берди. Шунга кўра, Ўзбекистон БМТнинг иқтисодий бўғинларида, Халқаро валюта фондида, Халқаро молиявий корпорациясида, Халқаро меҳнат ташкилотларида ва бошқа халқаро уюшмаларга аъзодир. Ўзбекистон мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Туркия, Эрон ва Тожикистон томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига ҳам аъзо. Ўзбекистон қўллаб-қўлловчи ва узоқ чет мамлакатлар билан ташқи савдо алоқаларини ўрнатган. Республикада 2000дан ортиқ ҳужаликлар, корхоналар ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ташқи иқтисодий ҳамкорлик шакилларидан бири хорижий капитал

иштирокидаги қўшма корхоналарни вужудга келтиришдир. Ҳозир қўшма корхоналар янада кўпайган.

Ўзбекистон миллий банки ҳозир юзлаб ташқи банклар билан ҳамкорлик алоқаларин ўрнатган. Вақт ўтиши билан чет эл инвестицияларини жаҳон ҳужалигида асосий имкониятлар бўлиб боради. Шунга кўра унда мустақкам мавқени эгаллаш учун халқ ҳужалиги таркибий тузилиши тубдан ўзгариши лозим бўлади. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни кўпроқ фойдаланишга жалб қилиш ижтимоий-иқтисодий сиёсат мазмунига айланмоқда. Шу мақсадда Навоий, Самарқанд, Андижон, Хоразм каби вилоятларда чет эл инвестицияси ҳаракатда бўлиб, улар икки ёклама манфаат келтирмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг “Ўзбекистон буюк келажак сари” асарида мукамал мазмун ифода этилган. Унда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишларининг шарт-шароитлари ва ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш имкониятлари Республика давлат мустақилчилигини қўлга киритиши билан вужудга кела бошлади. Бундай вазиятда ташқи иқтисодий мажмуани бошқаришнинг ўзига хос тизimini шакллантириш, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида қоида ва тамойилларнинг ишлаб чиқиши, Республиканинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиши йўллари белгилашни тақозо этади. Республика ташқи сиёсатни амалга оширишнинг асосий тамойиллари тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик негатида қурилса, унинг қоидалари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш халқро иқтисодий иттифоқликлар доирасидаги ҳолисорликни чуқурлаштиришга асосланади. (Т...“Ўзбекистон” 266-267 бетлар).

Ўзбекистон Республикаси халқро меҳнат тақсимои ва жаҳон ҳужалиги алоқаларда иштирок этиш учун имкон яратмоқда. Шу мақсад билан очик турдаги иқтисодиётни юзага келтириш ва уни ўстириш тарафида иш кўрмоқда.

Шунга кўра Ўзбекистон дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан дипломатик муносабатларни ўрнатади, кўплаб мамлакатларда Ўзбекистон элчихоналари ва Ўзбекистонда чет эл элчихоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон бугун БМТ нинг иқтисодий муассасаларида аъзо сифатида иш юритмоқда. Ўзбекистон жаҳон банкига, халқро банкга, халқро валюта фондига, халқро молия корпорациясига ҳам аъзодир. Ўзбекистон иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилотда фаол аъзо бўлиб халқро эътибордаги ишларда ўз ўрнини топмоқда. Ўзбекистон 1991 йилда (МДХ) Мустақил Давлатлар Ҳамдўслигида ўзига хос ҳурматга эга. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш талабларидан келиб чиқиб ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган барча муассасалар амалда янгидан ташкил этилган. Масалан, ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, божхоналар хизмати каби янги ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат қиладиган ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасидан тортиб, бошқарувнинг маҳаллий даражаси ва корхоналаригача бўлган ҳужалик субъектларида тегишли ташқи иқтисодий бўлимлар, бошқармалар ташкил этилди. Қўлаб ташқи давлатларда савдо уйлари очилди, савдо-саноат палаталари барпо этилди. Ўзбекистонда ҳамкорликнинг янги-янги шакллари юзага келмоқда.

Ўзбекистон мустақиллик шароитида ўз истиқлол йўлини танлашда адашмади. Янги йўлнинг қонун— қоидаларини, тартибини тўғри белгилаб олди. Бу йўл Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида”, “Юксак маънавият—енгилмас куч “ каби ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий мазмунлар билан ёзилган кўплаб асарларда баён этилган.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида (лотинча қарашлар, тизимлар) миллий мустақиллик назарияси тўлиқ сугорилган. Бунинг мазмуни шундаким, иқтисодиётни ривожлантирмасдан миллий мустақилликни таъминлаш мумкин эмас. Ўзбекистон учун бош йўл ва мақсад, биринчидан иқтисодиётни ривожлантириш, иккинчидан, халқнинг фаровонлигини таъминлаш, учинчидан, инсон ҳақ— ҳуқуқлари тўла танлана қилишлигини барпо этиш ва ниҳоят тўртинчидан чинаккам эркин демократик жамият барпо қилишдан иборатдир. Шундай жамият сари боришнинг шарти бозор иқтисодиётига ўтиш ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришни барқарор ўстириш воситаларини юзага келтиради. Ўзбекистоннинг ривожланиши тарихида социалистик иқтисодий тизим шароитида унинг мавжуд бўлганлигини, иккинчидан эса Ўзбекистон давлат режалаштириш тизимида бўлганликларининг таъсири бўлган. Ана шу шароитлар Ўзбекистоннинг иқтисодий қолоқлигининг юзага келиши учун асос бўлади. Ўзбекистон миллий бойлиги билан кўплаб мамлакатлардан устун бўлсада, лекин унинг ижтимоий—иқтисодий тараққиёти деярли ўсмади. Чунки бошқарув тизими ҳозирги бозор тизимидан тубдан фарқ қилар эди. Мустақил Ўзбекистон иқтисодий янгилашишга ўз—ўзлигини юзага чиқаришга муҳтож эди. Шунга кўра ҳам Ўзбекистон бозор иқтисодиёти йўлини танлади. Жаҳон мамлакатларининг амалдаги ҳаётий тажрибалари бозор шароити эркин иқтисодий фаолият юритиш учун энг қулай синовдан ўтган имконият эканлиги исботланди.

И.А.Каримов—“Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги йўллари ишлаб чиқди, тартибга солинган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган”-деган.<sup>17</sup>

Бу йўл бозор иқтисодиётини Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларни ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан шакллантириб боришни, унга секин — аста, босқичма-босқич, халқни ҳимоя қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш орқали ўтишни ифода этади. Ўзбекистон танлаган йўлидан боратуриб бир қанча муаммоларнинг ечимини топа олади

<sup>17</sup> Каримов И.А. “Ўзбекистон—бозор муносабатларга ўтишнинг ўзига хос йўли”. Т... “Ўзбекистон” - 1993 йил. 22 бет.



ва уни ҳал этади. Ўзбекистон мустақил ҳаётининг қисқа бир даврида жаҳон ҳўжалигида муносиб, мукамал ўз обрўсига, ўрнига эга. Ўзбекистоннинг экспортига кўплаб мамлакатлар харидор. Экспорт ҳажми ортган сайин соф экспорт ҳажми ҳам ортиб боради. Ўзбекистон жаҳон ҳўжалигида энг муносиб ўринга эга.

#### 22.4. Экологик муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари.

Инсон ва инсоният мавжуд экан унинг ўзига хос муаммолари бўлади. Жамият тараққий этиб бораверади. Шунга кўра янги-янги муаммолар, мавжуд бўлган муаммоларнинг кенгайиб, ўсиб бориши ҳам давом этади. Бу ҳолат тирикчиликка хос мавжудликдир. Муаммо дегани— бу ечилиши шарт бўлган жараёнларнинг ечимида қийинчиликларнинг мавжудлигидир. Ҳаётда муаммолар ниҳоят кўп. Уларни бир вақтда ҳал этиш имкони ҳам бўлмайди. Муаммо ечилгач яна янгиси юзага келади. Чунки инсон эҳтиёжи узликсиз ўсиб кенгайиб боради. Масалан, жаҳонда тинчликни таъминлаш —бу бутун халқнинг, яъни дунёда мавжуд бўлган 222 давлатларнинг сиёсий бошқарувидан боғлиқ. Тинчлик йўқ жойда ҳузур — ҳаловат ҳам бўлмайди. Негинч ҳаёт — бу парокандаликка олиб келади. Муаммолардан яна бири—бу мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликда, ўзаро дўстликда, иттифоқ бўлиб яшай олишидир. Бунда иқтисодий —сиёсий манфаатдорлик асос бўлади. Уни яратмоқ учун дипломатик алоқалар тузилган бўлишлиги керак. Дипломатик алоқалар бўлиши учун томонлар ушбу алоқалар зарурлигига эга бўлмоғи лозим. Биронта элат, миллат,

ҳудуд бошқалардан ўзини устун деб ҳисобламаслиги керак. Уларнинг ҳар бири ўзгалар ҳуқуқини ҳурмат қилиши, ички ишларга аралашмаслиги шарт. Лекин ҳар доим ҳам шундай эмас. Айрим ўзини устун санайдиган мамлакатлар бошқалар рисқи — рўзидан манфаатдорлик истаб, турли хил баҳоналар билан ўзаро ҳамкорликни, ҳамдўстликни бузади. Оқибатда мамлакатлар ҳаётида вайронагарчилик юзага келади.

Жаҳон аҳолиси учун турли хил кўринишдаги ялпи юқумли беморликлар ҳам ниҳоят катта муаммолардир. Масалан, ОИТС, саратон, гиёҳвандлик офатлари бир мамлакатда юзага келиб, у бошқа мамлакатлар аҳолиси орасида пайдо бўлади. Бунинг сабаби томонларнинг эҳтиётсизлигидандир. Айрим малакатлар учун бундай офатларнинг олдини олиш янада муаммога айланади. Айрим мамлакатлар бу жараёнлардан манфаатдор бўлишади. Жаҳонда кўплаб муаммолар ҳавонинг, сувнинг, атроф-муҳитнинг тоза сақланмаганлигидан келиб чиқади. Беморчилик, иқтисодий таҳчиллик, ижтимоий бетинчликлар-барчаси экологик муаммоларнинг мавжудлигидандир. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Орол кўлининг суви кам бўлиб бораётганлиги оқибатида унинг атрофида кўрғоқчилик юзага келиб, нормал об-ҳаво таркиби бузулганлиги иқтисодий

ўлчамда бар қанча миллионлаб қийматга баравар бўлмоқда. Табиий қонунлар одамзод рамзи билан мавжуд бўлмайди, аксинча одамзоднинг мавжудлиги, унинг ҳаёти ана шу табиий қонунлар туфайли тирик ва давом этади.

Орол қўлига тарихан бориб тушиб турган Амударё ва Сирдарё сувининг умумий ҳажми қисқарганлигидан қўлдаги сақланиб турган вазият бузилиб, оқибатда ҳам инсонларга, ҳам табиат мавжудотларига зарар келтирилди. Амударё ва Сирдарё сувларидан бир қанча вилоятлар, айниқса Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва бошқа вилоятларнинг деҳқончилик фаолиятлари учун сув каналлари ўтказилди. Натижада Оролга тушаётган сув ҳажми қисқарди. Табиат қонунларидаги “тарозига” ҳалақит қилиш бир томони, яъни деҳқончиликни ривожлантиришга ҳисса қўшди, иккинчи томондан эса бу жараён табиатни муҳофаза қилишга путур етказди. Келтирилган қўшимча даромадлар кишиларни атроф муҳитни соғломлаштиришга ҳаражат қилинмоқда. Демак, инсон ва инсоният учун об-ҳаво тозалиги биринчи эҳтиёждир. Буни унутиш зарар билан яқун топади.

Орол фожиаси фақатгина Ўзбекистон учун эмас балки, унга чегарадош бўлган бошқа давлатлар учун ҳам зарарлидир. Табиатни муҳофаза қилишда ишлаб чиқариш жараёнида ҳам, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмол қилишда ҳам эътибор зарур. Уларнинг исроф қилинишига йўл қўйилмаслиги керак. Эрамининг VII асридаёқ исломда “енглар, ичинглар, ҳадя қилинлар, лекин исроф қилманглар” – дейилган.

Кўплаб мамлакатларда ҳамон меҳнат тўлиқ техникалашгани йўқ. Уларда меҳнат унумдорлиги юқори эмас. Маҳсулот таннархи баланд. Эҳтиёжларнинг чексизлиги билан, ресурсларнинг чекланганлиги ўртасидаги нисбатлар иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш даражаси эҳтиёжларнинг ўсиш даражасидан анча паст. Ўзбекистонда сўмнинг қийматини кўтариш, бунинг учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини, харидорбоплигини ошириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш зарурлиги бор.

Кишилар олаётган нафас, истеъмол қилаётган озиқ – овқатлар қанчалик соғлом бўлишлиги бу инсонларнинг ижтимоий яшаш тарзини белгилаб беради.

Экологик муаммо энг муҳим муаммодир. Чунки у инсоният мавжудлигининг асосини ташкил этади. Атроф – муҳитни ифлослаштирмаслик ўтмишдан буён инсон учун зарурий масала бўлган. Лекин унинг қийинлашиб бораётганлиги – бу ҳозирги замон фан-техникасининг тараққиёти билан юзага келмоқда. У айниқса XXI асрда ниҳоят чуқурлашиб бормоқда. Биргина ёқилги сарфланиши натижасида ҳар йили 20 млрд. тонна углерод газ атмосферага кўтарилаётганда, оқар сувларга йилида 160 куб. км саноат чиқиндилари қўшилмоқда. Шунингдек

тупроққа йилида 500 млн. тонна менерал ўғит ва 3 млн. тонна захарли химикат солинмоқда. Яна бир томони саноат чиқиндилари ҳажми ҳар йили 4млрд.тоннадан кўпроқни ташкил этиб, у йилдан— йилга кўпайиб бормоқда. Қўбатда фан тараққиёти ривожланган шароитда инсоннинг табиий жараёнларга аралашув ҳажми ва интенсивлиги (зўр бериб) тобора ўсиб бормоқда. Бу ҳолат табиатни асраш тадбирлари етарли бўлмаган ҳолда атроф —муҳитнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Ҳозир жаҳондаги барча мамлакатларнинг ўзаро бир — бирига боғлиқ бўлган экологик даражаси ўсиб бормоқда. Бир мамлакатдаги кишиларнинг йирик масштабдаги фаолияти табиий муҳитнинг ўзгаришига, у жаҳоннинг бошқа мамлакатлари ва регионларига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, Тожикистон республикасида ишлаб турган, алюмин метали ишлаб чиқарадиган комбинатдан экологияга чиқарилаётган тутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган кишиларга, ҳайвон ва ўсимликларга зарар келтирмоқда.

Атроф — муҳитни ҳимоя қилиш муаммоси ҳозир жаҳон мамлакатлари эътиборида. Бунинг ечими мамлакатлараро ҳамкорликни, ҳамжиҳатликни талаб этади. Бундай ҳамкорлик, биринчидан, ҳукуматлараро ҳал этилмоғи зарур. Иккинчидан, у нодавлат кўринишида, ниҳоят учинчидан эса аралаш ҳамкорлик кўринишида бўлиши мумкин.

Ҳукуматлараро ташкилотлардан энг йирик ташкилот бу ЮНЕСКОдир. Шунингдек Жаҳон Соғликни Сақлаш Ташкилоти, жаҳон метеорологик ташкилотлардир. Бу ташкилот атроф-муҳит ҳолатини баҳолайди. Табиатини асраш фаолиятини назорат қилади, бу йўналишда амалий ёрдам кўрсатади. Аҳолини табиатни асраш масалалари бўйича маълумотли қилиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам кўрсатиш каби ишларни бажаради.

Иккинчи йўналишдаги нодавлат ташкилотлари фаолиятида эса, халқаро илмий иттифоқлар кенгаши, жаҳон ёввойи ҳайвонлари фонди киради. Бу ташкилотлар ишида дунёнинг турли мамлакатларидан юзлаб олимлар ва мутахассислар иштирок этади.

Учинчи йўналишдаги аралаш ҳамкорлик асосида табиатнинг табиий ресурсларини ва табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи фаолият кўрсатмоқда. Умумжаҳон тараққиёти атроф-муҳит комиссияси 1983-йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарори билан юзга келди. Бу комиссиянинг фаолияти бутун дунё мамлакатларида экологик муносабатларнинг ҳолати билан аралашуш ҳуқуқига эга. Бу мустақил иш кўради. Шунга кўра комиссия таркибида барча ҳудудлардан вакиллар бор.

XX асрнинг 80-йиллари ўртасида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш юзасидан халқаро ҳамкорлик соҳасида иккита муҳим битим имзоланди. Улардан биринчиси — бу озон қатламини сақлаб қолиш бўйича халқаро уюшма. Бунга 37 мамлакат розилигини ифода этиб имзо чекди. Иккинчиси, катта

майдонларда ҳавони ифлослантиришнинг транс чегараси тўғрисида. Қабул қилинган ҳужжатларнинг таъсири деярли ҳаётда билинмади, қўплаб мамлакатлар бунга амал қилишмади. Шунга кўра, инсоният олдида экологик соф янги технологияни шакллантириш зарурияти бор. Экологик соф янги технологиялар эса қуйидагича ифода этилади. Бунда биринчидан, чиқиндисиз технологияни ривожлантириш, унинг ёрдами билан инсон билан табиат ўртасидаги зиддиятни пасайтириш ва имкони борича уни тугатиш, иқтисодий ўсиш чекланишини бартараф этиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишдан иборатдир. Иккинчидан, биологик технология ва ген инженериясини ривожлантиришдир. Бунда алмашлаб экиш, заҳарли химикатлар ўрнига ҳашоратларга қарши курашнинг биологик усуллари қўллаш каби ҳаракатлардир.

Учинчидан, энг илғор технологияларни кенг жорий қилиш масаласи. У миллий даромаддаги материал сарфи ва энергия сарфининг камайишига олиб келади. Тўртинчидан, илғор технологияни жорий қилиш, қўшимча харажатларни тақозо этади. Бундай харажатлар ўзини оқлайди. Фақат сарфлар мақсадга мувофиқ ақл-идрок билан бўлиши керак. Шу билан илмий асосланган харажатларни такрор ишлаб чиқариш таркибига таъсир қилувчи омил эканлигини билмоқ зарур.

Жаҳон мамлакатлари ўз тараққиётини таъминлашда экология хавфини ан сақланишни таъминламаса, қилинган яъни сарфланган меҳнатлари эвазига қутулган яхшиликларни ола олмайди. Шунга кўра ҳар бир мамлакатда экология сиёсати, ҳаракати бор.

## **22.5. Халқаро меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви.**

Халқаро меҳнат тақсимоти орқали байналмилаллашуви жараёни ривожланади ва тараққий этиб боради. Ишлаб чиқариш муносабатларининг ва сиёсий тузум табиатининг яқинлашуви, ҳамда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўзаро ҳамжиҳат ҳаракат қилиш эҳтиёжи, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт мақсадининг ўхшашлиги халқаро меҳнат тақсимотининг пайдо бўлишига имкон яратади. Меҳнат тақсимотининг бу янги сифати тенглик ва ўзаро манфаатдорлик усулларига асосланади. Халқаро меҳнат тақсимоти шароитида ҳар бир мамлакат халқ хўжалигининг мувозанати бўлишлугига эришмоқ учун ҳар бир мамлакат ва ўзаро ҳамкорлик қилувчи мамлакатлар иқтисодий тараққиётнинг объектив зарур нисбатларини эътиборга олади. Меҳнат тақсимотининг юксак иқтисодий самарадорлигини таъминлаш асосий кўрсаткичлардан бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра самарадорлиқнинг ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ўстиришда ва ҳар бир мамлакат аҳолисининг

эҳтиёжларини энг кам ижтимоий меҳнат сарф қилиб энг тўла қондиришда ифодаланади.

Халқаро меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришнинг табиий ва иқтисодий шарт-шароитларидан энг тўла мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ишлаб чиқаришни халқаро миқёсда ихтисослаштириш билан айрим мамлакатлар ҳўжалигини комплекс ривожлантиришни юзага келтириш талаб этилади. Иқтисодиёт тараққиёт даражаларида тарихан вужудга келган тафовутларни аста-секин йўқота бориш. Ҳозир ҳатто тармоқлараро ва тармоқ ичидаги меҳнат тақсимотини йўлга қўймоқ зарур. Тармоқлараро меҳнат тақсимотининг ресурслари кўп жиҳатдан тугаб қолди. Технология инқилоби ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг чуқур шаклларини ўзгартиришни талаб қилади.

Халқаро меҳнат тақсимоти, мамлакатлараро иқтисодий ҳамкорликни талаб қилади. Чунки бирон мамлакат ўз имкониятлари эвазига ўзининг эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмайди. Бунинг асосида халқаро меҳнат тақсимоти турли мамлакатлар ҳужалик фаолиятининг ихтисослашувини ва уларнинг ўзаро товарлар ва хизматлар етказиб бериш заруриятини билдиради. Шунга кўра айрим мамлакатлар маълум турдаги товарларни, бутловчи қисмларни ва деталларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва уларни бошқаларга етказиб беради. Жаҳон бозоридан ўзига керакли товар ва хом-ашёни сотиб олади. Бундай ихтисослашув мамлакатларнинг табиий шароити, ишлаб чиқариш тажрибаси ва тараққиёт даражаси билан белгиланади. Қайси бир мамлакатда қайси бир товарни сифати ва кам харажат билан яратиш учун имкон бўлса, шу соҳа ривож топади. Бундай ривожланиш мамлакатларнинг ресурсларига ҳам боғлиқ бўлади. Халқаро меҳнат тақсимоти иқтисодий нафлик қондасидан келиб чиқади. Қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш қулай бўлса, шу маҳсулот бошқаларга етказиб берилади. Қандай товарни, мамлакатлар ичида ишлаб чиқариш ўрнига уни ташқаридан сотиб олиш арзонга тушса, шу товар импорт қилинади. Ихтисослашув меҳнат унумдорлигини оширади. Ихтисослашган ишлаб чиқариш универсал ишлаб чиқаришга нисбатан харажатларни камайтиради ва маҳсулот сифатини оширади, уларнинг сони тез ортб кетмайди. Агар улар ишлаб чиқаришга энг кам вақт сарфланадиган ерда кўплаб тайёрланса, уларга бўлган талаб тўла қондирилади. Ихтисослашув ички бозори катта бўлган АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Россия каби йирик давлатларни ҳам экспорт-импорт ўз гирдобига тортади. Бирон мамлакат ўз-ўзини ҳеч қачон таъминлай олмайди. Халқаро иқтисодиётда мамлакатлар ҳар хил даражада қатнашади. Иқтисодий заиф мамлакатлар бошқаларга хом-ашё етказиб берса, иқтисодий бақувват мамлакатлар тайёр sanoat маҳсулотларни етказиб беради.

Хар бир мамлакатнинг халқаро ихтисослашувда қатнашиш даражасини унинг экспорт ва импортнинг ялпи маҳсулот таркибидаги ҳиссаси белгилайди. Халқаро иқтисодиётда ўз ўрнини топиш учун ҳар бир мамлакат мустақил бўлиши керак. Шундай бўлгандагина ихтисослашувда қатнашиш мамлакатларнинг миллий манфаатига хизмат қилади. Қарамлик шароитида бунга эришиб бўлмайди. Халқаро меҳнат тақсимоти тобора чуқурлашиб боради. Дастлаб у айрим тор соҳада юз берса, кейинчалик у саноатнинг янги соҳаларини қамраб олади. Аста-секин хизмат кўрсатиш соҳасига ўтади ва ниҳоят маҳсулот тайёрлаш учун зарур бўлган бутловчи қисмлар ва майда деталларни тайёрлашни ҳам ўз ичига олади. Халқаро миқёсда алоқалар қанчалик чуқурлашса, мамлакатларнинг бир-бирига боғлиқлиги шунчалик кучаяди, уларнинг ҳамкорлик доираси кенгайди.

Дастлабки вақтда халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши асосан табиий шароитлардаги тафовутларга асосланган эди. Бу ҳолат фақат саноат тўнтарилишидан кейин, яъни ишлаб чиқарувчи кучлар байналминал хусусият касб этиб миллий ҳўжаликлар доирасидан ташқарига ўсиб чиқа бошлагач, уларнинг негизидан барқарор меҳнат мақсулоти ва жаҳон бозори таркиб топади. Ҳозирги вақтда халқаро меҳнат тақсимоти турли ижтимоий тизимларни ўз ичига олувчи умумжаҳон ҳўжалиги доирасида ривожланмоқда. Халқаро меҳнат тақсимоти ва айрибошланишда қатнашаётган мамлакатлар бир хил шароитда эмас. Бу ҳол уларнинг турли жўғрофия аҳволи, табиий ресурсларнинг таркиби ва миқдори, ривожланиш кўлами, даражаси ва иқтисодиётнинг тузилиши, ички бозорнинг ҳажми билан белгиланади. Шундай фарқлар бўлганлигидан айрим мамлакатларда бир хил товарларни ишлаб чиқаришдаги харажатлар даражаси ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳар бир мамлакатнинг ўз-ўзига нисбатан қулайроқ харажат билан ишлаб чиқарадиган товарлар бошқа мамлакатларга сотишга ва аксинча, жаҳон бозоридан ўзидан ишлаб чиқариш учун харажат кўпроқ бўладиган ёки табиий, ёхуд бошқа шароитларга кўра умуман ишлаб чиқариб бўлмайдиган товарларни сотиб олишга интилади. Товарлар мамлакатлар ўртасида жаҳон нархлари асосида айрибошланади. Улар байналминал қийматига асосланади. Шу туфайли, ижтимоий – зарурий байналминал меҳнат сарфлари жаҳон бозорида эътироф қилинади.

Жаҳон нархларининг ташкил топиши одатда, соф холида амалга ошмайди. Байналминал қийматнинг ҳосил бўлишига тўсқинлик қилувчи махсус омиллар жаҳон нархларига таъсир кўрсатади. Ташқи савдо ва валюта чеклашлари, валюталар қийматларининг ўзгариб туриши, халқаро монополиялар сиёсати, биржадаги чайқовчилар шулар жумласидандир. Шунга кўра ҳам айрим мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги рақобатлашув қобилиятидаги фарқлар, пировард натижада меҳнат унумдорлигининг миллий даражасидаги фарқларини акс эттиради.

Халқаро меҳнат тақсимоти қатор тамоиллардан иборат бўлади. Биринчидан, бутун жаҳон миқёсида ва айрим малакатлар иқтисодини ривожлантириши тенглигини тўғри ҳисоб қилиш. Иккинчидан ҳар бир мамлакатда энг кам харажат қилган ҳолда ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ўстиришда ифодаланган меҳнат тақсимотининг юқори самарадорлигини таъминлаш. Учинчидан, иқтисодий, меҳнат ва табиий ресурслардан тўла фойдаланган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг барча жабхаларини тараққий эттиришни ва халқаро ихтисослаштиришни ўзаро бир-бирига боғлаб олиб бориш. Ниҳоят тўртинчидан, айрим мамлакатлар иқтисодий тараққиёт даражасидаги тарихий шакллаган қолоқликни бартараф этишдан иборат. Ўзбекистонда ҳам мана шу санаб ўтилган тамоиллар ишлаб турибди.

Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши турли малакатларни иқтисодий бир-бирига боғлаб, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашувига олиб келади. Бу ҳолат турли мамлакат корхоналари ўртасида доимий ишлаб чиқариш алоқаларининг ўрнатилишини юзага келтиради. Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви - бу объектив жараён бўлиб, у халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослаштиришни чуқурлаштиради. Оқибатда ишлаб чиқариш умумлашувининг янада юқори даражаси пайдо бўлади. Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви -бу ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатлари ва иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари байналмилаллашуви жараёнидир. Шунга кўра у халқаро иқтисодий муносабатларнинг барча шакллари тараққиётининг объектив асоси ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий алоқалар овозида иш кучи миграцияси (кўчиб ўтиши) бутун дунё мамлакатлари орасида ўсиб бормоқда. Айниқса XIX–XX асрлар давомида бундай тажрибалар кучайиб борди. XX аср бошларида Европа бўйича, у 19 млн. кишига етди. Биргина 1918 – 1938 йиллар арафасида бу рақам 9 млн. кишига етди.

Кўчиб келиш XXI асрда ҳам давом этмоқда. Ҳозир кўчиб келиш жараёни бўйича АҚШ, Канада, Австралия мамлакатлари олдинда. Бундай ҳолат Бразилия, Аргентина, Венесула, Исроил, Германия, Франция, мамлакатларида ҳам мавжуд. Ўзбекистон, Козогистон, Россия, Корея, Туркменистон давлатлари аро иш кучи вақтинча муддат билан бир-бирига бориб меҳнат сарфламоқдалар.

Бошқа юртга бориб муддат билан ишлаб келишнинг ўзига хос сабаблари юзага келган. Улар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам ҳарбий масалаларга алоқалордирлар.

Кўчиб келиш сиёсатида кўра илгари чет мамлакатларидан кўчиб келган аҳолини қайтариб юборишни рағбатлантириш, ривожланаётган мамлакатларга аҳолининг кўчиб келишини рағбатлантириш. Иш кучи

бозоридаги аҳволга боғлиқлик ҳолда кўчиб келишни чеклаш ёки рағбантлантириш. Ҳамда, кўчиб келувчиларни ҳимоя қилишни таъминлаш ишлари эътиборга олинади.

Кўчиб келиш жараёни томонлар розилиги билан амалга оширилади. Халқаро меҳнат тақсимоти жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши бўйича табақаланишга ҳам таъсир кўрсатади. Бунда барча мамлакатлар ўзининг тарихий-географик, миллий-диний ва ижтимоий-сиёсий хусусиятларига эга бўлиб, ушбу мамлакатлар ижтимоий— иқтисодий тараққиёти турли шаклларида бўлишига олиб келади. Чунки ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий тизими ва яшаш тарзи, урф-одати бор. Мамлакатлар ҳар тарафлама ўрганилганда уларнинг хусусиятлари турлича эканлиги ва шунга кўра уларнинг ҳар бирига бўладиган муносабатлар олиб боришлиги зарур бўлади. Давлатлар бор, иқтисодий-ижтимоий жиҳатидан ўта ривожланган, давлатлар бор ўрта ҳол, давлатлар ривожланаётган. Иқтисодиёти бозорга асосланган давлатларда ишлаб чиқариш асосан хом— ашёларини экспорт қилишга йўналтирилган. Ҳозир жаҳон ҳўжалигида очик иқтисодиётга таққосий афзаллик қонуни хос. Шунга кўра ҳар бир мамлакат нимани ишлаб чиқариш ва нимани ишлаб чиқара олмайди ёки нимани ишлаб чиқариш мамлакат иқтисодиёти учун қулай каби йўналишлар бўйича иш кўради. Шундай фаолият юритгандагина у халқаро меҳнат тақсимотидан унумли фойдаланади. Мамлакатда экспорт салоҳияти қанчалик ошиб борса, яъни экспорт даражаси импортдан ошса, унинг фарқи соф экспортни ташкил этади. Бу мамлакат миллий бойлиги даражасини оширади.

### **Асосий таянч тушунчалар**

**Жаҳон ҳўжалиги** - бу дунёнинг барча мамлакатлари миллий ҳўжаликларининг ўзаро мажмуидир.

**Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви** - товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга мослаштирилган халқаро меҳнат тақсимотининг шакли.

**Халқаро меҳнат тақсимоти** - алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви.

**Халқаро иқтисодий интеграция** — бу жаҳон мамлакатлари ўзаро иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш ва барқарор ривожлантириши ҳамда миллий ҳўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар ҳўжалик алоқаларининг бирлашиб бориш жараёни.

**Ишчи кучининг халқаро миграцияси**-бу меҳнат ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминланиш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтиш.



**Халқаро иқтисодий хафсизлик** — бу жаҳон ҳўжалиги ва айрим мамлакатлар миллий иқтисодиётининг узлуксиз ҳаракат қилишини таъминловчи шароитлардир.

**Ривожланаётган мамлакатлар** - бу иқтисодиёти юксак мамлакатларга қараганда аҳоли жон бошига амалдаги даромади анча кам бўлган мамлакатлар.

**Иқтисодиётнинг байналмилаллашуви** - бу халқаро меҳнат тақсимоти натижасида айрим малакатлар ўртасида барқарор ишлаб чиқариш иқтисодий алоқаларининг юзага келиши ва уларнинг жаҳон ҳўжалигида чамбарчас боғланиб кетиши.

**Эркин иқтисодий ҳудуд** - бу бир мамлакатда ҳориж капиталининг эркин ҳаракат қилиши учун ажратилган ҳудуд.

## XXIII. БОБ. ЖАҲОН БОЗОРИ

Мазкур бобда жаҳон бозори, халқаро валюта тизими, халқаро кредит, капиталининг халқаро ҳаракати йўналишидаги билим ва мулоҳазалар билан ифода этилган фикрлар берилган. Жаҳон бозори ва халқаро савдо, киёсий устунлик назарияси. Ташқи савдо ва унинг макроиқтисодий мувозанатга таъсири. Савдо баланси. Жаҳон бозорида мавжуд бўладиган нархлар. Миллий ва халқаро бозорни ўзаро боғлиқлиги. Эркин савдо. Божхона сиёсати. Жаҳон бозорини халқаро тартибга солиш. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига фаол кириб бориши. Халқаро валюта тизими. Европа валюта иттифоқи. Халқаро валюта фонди. Минтақа валюта тизимлари. Валюта бозори ва валюта курслари. Валюталарни канвертация қилиш. Халқаро ҳисоблар. Тулов баланси. Ташқи карз муаммолари. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистоннинг валюта муаммолари. Суда капиталининг жаҳон бозори. Халқаро кредит. Таъмирлаш ва тараққиёт халқаро банки. Банклар билан Ўзбекистон муносабатлари.

### 23.1. Халқаро савдо-сотик. Унинг тузилиши, хусусиятлари.

Халқаро миқёсда турли фирма, корхоналарнинг буюртмаларни бажариш юзасидан рақобат асосида савдолашув жараёни бу халқаро савдолашувдир. Буюртмачи, яъни харидор товарлар сотиб олиш билан ишни бажариш, хизмат кўрсатиш юзасидан савдолашади. Халқаро савдолашув икки кўринишда бўлади. Биринчидан очиқ ва иккинчидан ёпиқ. Очиқ савдолашувда иштирок этишни истаганлар чекланмаган ҳолда иштирок этиши мумкин. Улар рақобат асосида танловдан ўтказилади. Очиқ савдолашув ошқора равишда барчага эълон қилинади. Савдолашувнинг иккинчи тури-бу ёпиқ савдолашув. Бу турдаги савдолашувда чекланган миқдорда иштирокчилар қатнашади. Булар кўпга танилган, обрў-эътибори баланд фирмалар шахсан таклиф қилинади. Тортишув шаклига кўра халқаро савдолашув ошқор ва пинҳона ўтказилади. Ошқора савдолашувда буюртма ҳажми, турли, бажариш шарти очиқ эълон қилинади. Битим имзолангандан сўнг ким қанча буюртма олганлиги ҳам ошқор қилинади. Пинҳона савдолашувда — буюртмачи ўз таклифни эълон қилмайди. Буюртмани бажарувчилар ўз таклифини беришади. Савдолашув тугагач, ким қанча ва қандай шарт билан буюртма олгани ҳам сир тутилади. Бозор иқтисодиёти шароитига ҳам очиқ ва ҳам ёпиқ савдолашув мосдир. Мамлакатлар савдо низолари бўлса, бу низони халқаро савдо палатаси ҳал этади. Халқаро савдо палатаси турли мамлакатлар савдо палаталарини, савдо ҳамда банк уюшмаларини бирлаштиради. Халқаро савдо

палатаси Франция давлати пойтахти Париж шаҳрида жойлашган. Унда турли хил савдо низоларининг ечимини қўрайдиган ҳамкорлик суди фаолият кўрсатади.

Ҳозирга давр иқтисодиётининг очиқлиги мамлакатлар ўртасида савдо - сотиқнинг ривожланиб боришига имкон беради. Мамлакатлар ўз иқтисодиётини ривожлантириш, иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш борасида тартиблар ишлаб чиқариш ва уларни амалга оширишда бу ҳолатларни эътиборга олиши шарт. Жаҳон савдо ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклидир. Унинг кенгайиши ва чуқурлашуви натижасида капитални четга чиқариш имкониятлари юзага келади. Шунга кўра ҳам халқаро молия-валюта, кредит муносабатлари ривожланди. Ташқи савдонинг юзага келиши, биринчидан, табиий ва ҳом - ашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланганидан. Энг катта ҳудудга эга бўлган ва ривожланган давлатлар ҳам барча ресурслар билан ўзини -ўзи таъминлай ололмайди. Улар ортиқча ресурсларни экспорт қилишга мажбурдирлар. Шунингдек улар мамлакатда тақчил бўлган ресурсларни сотиб олишга муҳтож бўлади. Иккинчидан, халқаро савдо ривожланишининг зарурлигини белгиловчи шундаки, ҳамма мамлакатлар ҳам барча турдаги маҳсулотларни бир хил самарадорлик билан ишлаб чиқара олмайди. Бир хил товар икки мамлакатда икки хил даражадаги таннарх билан ишлаб чиқариллади. Бир хил товар бу мамлакатларда арзон бўлса, иккинчи хил товар бошқа мамлакатда нисбатан банд нархда ҳам бўлиши мумкин. Мана шу ҳолатлар мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ жараёни бўлишligининг заруриятини англатади. Жаҳонда меҳнат тақсимоти юзага келади.

90-йилларнинг бошларида халқаро савдо ҳажми АҚШда ялпи миллий маҳсулотнинг 16-18 фоизини, Германияда 30-39 фоизини ташкил этди. Шу даврда Ўзбекистон, ялпи миллий маҳсулотда ташқи савдонинг улуши 10-12 фоиз бўлган. Ташқи савдо халқаро айрибошланишнинг анъанавий шакли сифатида турли хил кўринишларга эга бўлади. Булар биринчидан, маҳсулотни айрибошлаш яъни ёқилги, ҳом-ашё ва қишлоқ хўжалиги ҳам саноат моллари маҳсулотларидан иборат. Иккинчидан хизматларни айирбошлаш, бунда айниқса муҳандислик, маслаҳат бериш хизматлари.

Учунчидан, транспорт хизматлари-бунда саёҳлик ва бошқа хизматлар. Тўртинчидан, янги илмий техник хизматларни айрибошлаш. Бунда лицензиялар, бундай хизматлар халқаро савдонинг 10 фоизига яқинини ташкил этади. Демак, халқаро савдо маҳсулотлари, хизматлари ва фан-техника маълумотларини айирбошланишнинг барча кўринишлари ташқи савдо жараёнлари ёрдамида амалга оширилади. Бу ҳаракатлар экспорт, импорт, реэкспорт, реимпорт операцияларига бўлинади. Экспорт-бу четга

чиқариш, яъни сотиш. Импорт эса унинг акси, товарларни четдан сотиб олиш. Реэкспорт жараёни-бу аввал импорт қилинган ва қайта ишлов берилган маҳсулотни чет элга экспорт қилишдир. Реимпорт жараёни-бу аввал экспорт қилинган ва у ерда қайта ишлов берилган маҳсулотни чет элдан сотиб олиш ва мамлакатга олиб келиши.

Мавжуд бўлган халқаро савдо назарияларида халқаро савдони эркинлаштириш мамлакатлар учун фойда келтиради деган фикрдалар. Эркин ташқи савдонинг зарурлиги ва фойдалилиги тўғрисида дастлабки назариялардан бири А.Смитнинг мутлоқ устунлик назариясидир. Бу назарияга кўра ҳар бир мамлакат ундаги мавжуд шароитлар, ресурслар ўзига хослилигига таянган ҳолда маълум бир товарни энг кам харажатлар ҳисобига ишлаб чиқариш имкониятига эга. Шунга кўра мамлакат мутлоқ устунликка эга бўлган товар ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва ушбу товарларни ўз истеъмолдан ортиқча қисмини сотади. Ҳамда бошқа товарларни сотиб олади. Бунинг сабаби бу товарлар уларни ишлаб чиқаришда мутлоқ устунликка эга бўлган давлатларда анча арзон таннархга ишлаб чиқарилган бўлади. Оқибатда ҳар икки давлат ҳам кам ресурс сарфлаб кўпроқ маҳсулотга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистон асосан пахта етиштирилишга ихтисослашгани учун кўпроқ эътибор шунга қаратилади. Ўзбекистонда пахта ишлаб чиқариш учун барча шароитлар бор. Булар ҳам табиий, ҳам халқ тажрибаси шунга имкон беради. Грузияда чой, Озарбайжонда нефт ва бошқалар. Шу йўл билан дунё аҳолисининг талабларини қондиришга эришилади.

Жаҳон бозори тарихдан ташқи савдо шаклида юзага келиб, бунда товар ва хизматларни олиб келиш, сотиш, сотиб олиш каби жараёнлар манбайида ташкил топган. Шунга кўра унда халқаро иқтисодий муносабатлар шаклланган. Шу тариқа бу муносабатлар кенгайиб борган. Унинг тараққиётида мамлакатлар ўртасида капитални олиб келиш, олиб чиқиш ҳамда у билан боғлиқ бўлган халқаро молия валюта ва кредит муносабатлари таркиб топган. Демак, халқаро савдо-сотиқнинг пайдо бўлишида муҳим икки шароит сабаб бўлган. Булардан биринчиси, бу мамлакатлараро табиий, хом-ашё ресурсларининг нотекис тақсимланганлиги. Масалан, Яқин Шарқ мамлакатлари ҳиссасига жаҳон нефт захираларининг 66 фоизи тўғри келади. Шунингдек ривожланган мамлакатларда табиий газ максимал ва бошқа нодир ресурсларнинг 70-80 фоизи жойлашган. Фарб мамлакатларининг кўпчиликлари бу ресурсларга муҳтожлик сезади. Ташқи савдонинг зарурлигини белгиловчи иккинчи белги, бу турли мамлакатларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг нотекис ривожланганлиги. Мамлакатларда товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда унинг таннархида фарқ бор. Бу фарқ уларнинг бозордаги нархида ҳам фарқ

бўлишига сабаб бўлади. Ташқи савдо фаолиятини таҳлил қилганда экспорт ва импортнинг ҳажми таққосланади. Соф экспорт аниқланади. Айрим вақтларда импортнинг ҳажми экспорт ҳажмидан ортиқ бўлиши мумкин. Мамлакатда экспорт ҳажми қанчалик ортиқ бўлса, у ерда фойданинг ҳажми ҳам шунга кўра ўсиб боради. Таҳлил қилинганда ташқи савдонинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши, товарлар таркиби, ҳажми каби асосий кўрсаткичларга эътибор берилади.

Ҳозирги давр халқаро савдонинг ҳажми АҚШ ялпи ички маҳсулотининг 16-18 фоизини, Германияда 36-40 фоизини, Ўзбекистонда 10-12 фоизини ташкил этади.

Жаҳон бозори-бу мамлакатлар ўртасида уларнинг ижтимоий маҳсулотларининг бир қисмини сотиш бўйича ўзаро муносабатлар тизимидир. Жаҳон бозори муносабатлари жараёнида ўзига хос йўналишлар ва ҳаракатлар мавжуд. Масалан, халқаро савдо, ишлаб чиқариш кооперацияси, капитал чиқариш, ишчи кучининг кучиб ўтиши, ўзаро тўлов баланслари, валюта-кредит жараёнлари ва бошқалар. Ташқи иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим шакли-бу халқаро савдодир. Бу алоҳида мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар билан айирбошлаш ҳисобланади. Масалан, товар билан айирбошлаш, фан-техника ютуқлари билан айирбошлаш. Бунда лицензиялар ва бошқа илмий ютуқлар. Асбоб-ускуналар етказиб бериш, капитал қурилиш объектлари билан савдо қилиш, лойиҳа ва қурилиш ишларини бажариш, хизматлар йўналишлари.

Халқаро савдо-сотикда кейинги даврларда капитал чиқариш асосий муносабатларга айланмоқда. Унинг ўз эгасига келтириладиган фойда даражаси ортиб бораёпти. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон бозорида тутган ўрни, унинг табиий географик шароитлари, фан-техника ва ижтимоий – иқтисодий тараққиёти даражаси ва халқаро меҳнат тақсимотида ўрнатилган роли билан аниқланади. Жаҳондаги энг иқтисодий бой давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам мавжуд. Жон бошига ҳисоб қилинган Ўзбекистондаги миллий ресурслар кўплаб мамлакатларга нисбатан юқоридир. Миллий бойликларимиз ниҳоят хилма-хил ва аҳоли ҳисобида бақувватдир. Мустақиллик имконияти бу бойликларни жаҳонга номоён қилиш, халқимизнинг фаровон яшаши учун манбалар борлигини англата билишни тақазо этади. Ўзбекистон бой табиий ресурслар захирасига эга. Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги инфратузулмаси ривожланган тармоқлар мавжуд. Ўзбекистонда қобилиятли ишчи кучлари бор. Булар жаҳон бозорида ўзига хос ўриндадир. Жаҳонда меҳнат тақсимоти қанчалик чуқурлашса, турли мамлакатлар ишлаб чиқариш кўлами қанчалик ошса, жаҳон бозори шунчалик кенгаяди, сотиладиган товар ва хизматлар ҳажми ортиб боради, бозор иштирокчилари кўпаяди. Жаҳон бозорининг фаолият кўрсатишида

халқаро товар биржалари, фонд биржалари, банклар, аукционлар, молия-суғуртаси, савдо-саноат уюшмалари, ишга ёлловчи фирмалар мавжудлиги унга асос бўлади. Миллий бозордан жаҳон бозори фарқ қилади. Жаҳон бозорида ишлаб чиқаришнинг мамлакатлараро айирбошлаши зарур бўлган меҳнат маҳсулотлари сотилади. Шунга кўра ҳам жаҳон бозорида чекланган турдаги товарлар сотилади. Уларга асбоб – ускуналар, нефт, кўмир, газ, металл, пахта, дон, чой, кофе, жун, ёғоч, самолёт, автомобиль каби товарлар кирати.

Жаҳон бозорида товарларнинг кейинги экспорти учун қулай шарт-шароит яратилади ва чет эл валютасида фоиз ёки дивиденд шаклида барқарор даромад олиш юзага келади. Импорт экспортдан фарқ қилиб, чет эллик мижозлардан товарлар ва хизматлар сотиб олиб, уларни мамлакатга келтиришни билдиради. Товарлар экспорти ва импорти суммаси ташқи савдо айланмаси ёки товар айланмасини билдиради.

Халқаро савдо бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Масалан, биринчидан иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатчанлиги мамлакатлар ўртасида, мамлакат ичидагига қараганда анча паст бўлади. Мамлакатлар ичида ишчилар вилоятдан-вилоятга, тумандан – туманга эркин ўтиши мумкин. Мамлакатлар ўртасида эса чегара бор. Шу туфайли кишилар биридан иккинчисига эркин ўта олмайди. Улар назорат ва рухсат орқалигина ўтадилар. Иккинчидан, ҳар бир мамлакатнинг ўзининг пул бирлиги (Валютаси) бор. Бу халқаро савдонинг боришида айрим қийинчиликларни юзага келтиради. Учинчидан эса, халқаро савдо сиёсий аралашув ва назоратга маҳқум бўлиб, бу ички савдога нисбатан қўлланиладиган тadbирлардан хусусиятига ва даражаси бўйича сезиларли фарқ қилади. Қиёсий харажатлар назариясига кўра эркин савдо туфайли, жаҳон хўжалиги ресурсларни самарали жойлаштиришга ва моддий фаровонликнинг юқори даражасига эришиш мумкин бўлади.

Эркин савдо йўлида кўплаб тўсиқлар бор. Бу халқаро ихтисослашувдан олинадиган фойдани камайтиради ёки йўққа чиқаради. Масалан, бож тўловлари, импорт квоталари, (квота - лотинча сўз бўлиб – бу ҳисса, улуш мазмунидадир) таърифсиз тўсиқлар, экспортини ихтиёрий чеклашлар.

Бож тўловлари – бу импорт товарларига акциз (француз сўзи бўлиб, кенг истемол товарларга билвосита солинадиган солиқ тури демакдир) солиқлари ҳисобланади. У даромад олиш мақсадида ёки ҳимоя учун киритилиши мумкин. Импорт квоталари эса, маълум бир вақт оралиғида импорт қилиниши мумкин бўлган товарларнинг максимал ҳажмининг ўрнатилишидир. Таърифсиз тўсиқлар дейилганда лицензиялаш (бу лотинча сўз бўлиб эркинлик олиш, ҳуқуқ, олиш демакдир) тизими, маҳсулотлар сифатига оддий маъмурий таъқиқлашлардир. Экспортни ихтиёрий

чеклашлар эса – бу савдо тўсиқларининг нисбатан янги шакли ҳисобланади. Бу ҳолда чет эл фирмалари ўзларининг маълум мамлакатга экспортини ихтиёрый чеклайди. Экспорт ва импорт нархининг нисбатига бир қатор омиллар таъсир этади. Биринчидан, муайян товарларга ташқи бозордаги талаб ва шу товарларнинг таклиф этилиши. Иккинчидан, товарларга мамлакат ичкарасидаги ва ташқарисидаги нархларнинг даражаси. Учинчидан, товарларни ташқи бозорларга етказишдаги йўл харажатлари. Тўртинчидан, миллий валюта курсларидаги ўзгаришлар. Бешинчидан, давлатнинг ташқи савдога оид сиёсатининг қандайлиги. Шунга кўра ҳам, экспорт ва импортнинг ҳажми ва ташқаридан келаётган валюта тушуми ўзгариб туради. Биргина 2003 йилда Ўзбекистон экспорти 3.725 млрд. долларни, импорти эса 2.964 млрд. долларни ташкил этди.

Очиқ иқтисодиёт ривожланиш шароитида халқаро савдо-сотиқдаги товарлар таркиби ўзгариб туради. XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан халқаро савдодаги хом-ашё, озиқ-овқат, енгил саноат маҳсулотлари, илмий – техникавий янгиликлари, технологик мураккаб ва серилм маҳсулотлар, ахборот технологиялари, ахборотнинг ўзи сотилади. Соҳибқирон Амир Темур ҳам мамлакатлараро савдо-сотиқни ривожлантиришга ўз вақтида катта эътибор берган. “Жаҳон тижорат аҳли билан ободир”-деб фикр қолдирган, савдогарларга молиявий ёрдамлар кўрсатган.

Мамлакатлар экспор ва импорт фаолиятлари олиб боришганда ўзаро тўлов ҳисоблари ҳам юритади. Буни тўлов баланси деб атайди. Тўлов баланси-бу маълум вақт оралиғида, масалан бир йилда амалга оширилган барча иқтисодий келишувлар натижасининг тартибга солинишидир. Тўлов балансидаги барча келишувлар ўзига жорий ва капитал жараёнларини ифода этади. Унинг таркибий қисми, биринчидан, жорий операциялар ҳисобидан, иккинчидан, капитал ҳаракати ҳисобидан, учунчидан эса, расмий захираларнинг ўзгариши ҳисобидан иборат бўлади.

### **23.2. Капиталнинг халқаро ҳаракати.**

Жаҳон бозори миллий иқтисодий ривожига кучли таъсир этади. Ҳатто энг тараққий этган мамлакатлар ҳам кўп жиҳатдан жаҳон бозорига боғланиб қолади. Турли мамлакатларнинг жаҳон бозоридан тутган ўрни, биринчидан, уларнинг иқтисодий қувватига, иккинчидан улардаги ишлаб чиқаришнинг чуқур иқтисослашувига, яъни нақадар экспортбоп бўлишга боғлиқ. Шу боисдан турли мамлакатларнинг жаҳон ишлаб чиқаришидаги мавқеи билан уларнинг жаҳон савдо- сотиқ айланмасидаги ҳиссаси фарқланади. Жаҳон бозори орқали пул капитали, иш кучи ва технологиялар мамлакатлар

ўртасида тақсимланади. Бозор муносабатлари яккагина эмас. Бундан булак ўзаро ёрдам ва ҳамкорликдан иборат нобозор алоқалари ҳам бор. Булар орасида илм- маърифат, техника ҳамкорлиги аҳамиятлидир. Ривожланган мамлакатларда давлат бюджети йирик компаниялар ҳисобидан ҳар йили пул фондлар ташкил этилади. Бу фондлардан турли ёрдамлар кўрсатилади. Масалан, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишда кўмаклашув учун Европа тиклаш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, Европа иттифоқи ҳисобидан кадрларни бепул ўқитиш, хорижда уларнинг малакасини оширишни уюштириш, турли анжуманлар ўтказиш, давлатлараро битимларга биноан талабалар ва аспирантларни бепул ўқитиш каби тадбирлар амалга оширилади. 1993 йилда АҚШдаги йирик молия капитали соҳиби Р.Сорос фонди ҳисобидан Ўзбекистондаги ҳар бир энг иқтисодчи ёш олимга 500 доллардан, жами 100 минг доллар степендия ажратилди. Халқаро муносабатларда технология янгиликларини баҳам кўриш, имтиёзли шартлар билан уларни айирбошлаш, бир-бирига арзон кредит бериш, иқтисодий алоқалар учун қулайликлар яратиш каби кўплаб ҳамкорликлар ўтказилиб борилади.

Дунё алоқаларида давлатлараро капитални тақсимлаш иқтисодий ўсишнинг фаол омили бўлиб хизмат қилади. Иқтисод байналмилаллашган сари капитал фаолияти миллий доирадан чиқиб халқаро мазмун касб этади. Мамлакатлараро капитал экспорти юз беради. Жаҳон хўжалиги ривожининг дастлабки пайтларида капитал саноати ривожланган мамлакатлардан чиқиб, қолоқ мамлакатлар томон йўлланган. Халқаро алоқалар ривожланган сари капитал ҳаракати умумжаҳон доирасида юз бериб, ҳар тарафлама фаолият кўрсатади. Ривожланган мамлакатлар ўртасида ҳам капитал экспорти мавжуд. Ҳаётда шундайи ҳам бўладики кам ривожланган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга капитал чиқади. Пул жамғармаларининг инвестицияларга айланиши капиталнинг халқаро миқёсда кўчиб юришини билдиради.

Байналмилал ишлаб чиқаришнинг ўзи капитал ҳаракатни умумжаҳон миқёсида ва чекланмаган бўлишини талаб қилади. Натижада, капиталнинг жаҳон узра тақсимлашини таъминлайдиган, тараққиётнинг муҳим омилига айлантирадиган трансмиллий корпорациялар юзага келади. Бундай йирик уюшма биринчидан ўз капиталининг келиб чиқиши жиҳатидан, иккинчидан, фаолият доираси жиҳатидан халқаро характерга эга бўлади.

Трансмиллий корпорация бир қанча мамлакат миллий капиталининг бирикишидан ташкил топади. Бу уюшма бир мамлакат капиталига таянган ҳолда ҳам иш юритади. Уюшманинг ихтиёрида катта миқдорда капитал тўпланади. Жаҳон миқёсидаги капиталнинг учдан бир қисми назорат қилинади. Уларнинг фаолияти туфайли дунё миқёсида инвестициялар



шиддат билан ўсади. Айниқса ривожланаётган мамлакатларга инвестиция киритишда уларнинг ёрдами катта. Корпорация иқтисодиётни хусусийлаштиришда қатнашиб, бозор иқтисодиёти ривожига кўмаклашадилар.

Иқтисодиётнинг очиқлиги шароитида мамлакатлар ўртасида бўладиган иқтисодий муносабатларнинг негизида капитал ҳаракати бор. Мамлакатларнинг барчасида ҳам бир даражада старлича капитал бўлмайди. Ҳаётнинг ўзгариб туриши сабабли мамлакатлар ҳам зарурий капитал ҳажмини олдиндан аниқлайди. Шунга кўра капиталнинг бир мамлакатдан иккинчисига кўчиб юриши юзага келади. Капиталнинг ҳаракатида фойда олиш нияти бор. Ташқарига давлат капитали чиқарилганда бир давлат бошқасига қарз беради. Хусусий капитални фирмалар, турли малявий корпорациялар ва банклар чиқаради. Хусусий капитални четга чиқариб уни мамлакатлар бўйича тақсимлаш белгиланган тартибга биноан бажарилади. Капитални чет элга бевосита, яъни тўғридан -тўғри инвестициялаш мумкин. Бундай бўлганда капитал чиқарган мамлакат капитални киритган мамлакатда корхоналар қурилиши, мамлакатдаги фирмаларнинг бўлимларини очиши, чет элдаги корхоналарни сотиб олиши, у ерда ўз банк бўлимларини ташкил этиши мумкин бўлади. Масалан, Ўзбекистонга четдан капиталнинг кириб келиши асосан қўшма корхоналарни ташкил этишдан иборат. Бу корхоналар Ўзбекистонда 2003 йилда 1441,3 млрд. сўмлик товар ва хизматлар яратган. Уларнинг экспорти 564,4 млн. долларга тенг бўлган. Германиядаги “Фольксваген” автомобил корпорацияси Лотин Америкаси мамлакатларида заводларини очган, Япониядаги “Тайотта” автомобил компаниясининг АҚШда заводлари бор. АҚШ даги “Форд” компаниясининг эса Ғарбий Европада заводлари бор. Капитал чиқариш турли мамлакатлар фирмаларининг қўшилиб кетиши, миллий ва хорижий капитали иштирокидаги қўшма, яъни шерикчилик корхоналарини очиш шаклида ҳам бўлади.

Четга капитал чиқаришнинг яна бир усули - бу портфел инвестицияларни жойлаштиришдир. Бунда чет эл компанияларининг акция ва облигацияларини қисман сотиб олиш тарзида юз беради. Бунда чет эл молия активлари бир қўлдан бошқа қўлга ўтади. Буларни олганлар чет элдаги фирмаларнинг шерикларига айланади. Шундай йўл билан банклар, молия компанияларининг қимматли қўғозлари ҳам қўлга олинади. Кўрсатиб ўтилган восита усулларида тadbиркорлик капитали четга чиқади. Четга қарз (ссуда) капиталини чиқариш биринчидан, чет элга тўғридан - тўғри қарз бериш орқали бўлади. Бундай қарзни ҳукуматлар ва банклар тамонидан берилади. Қарз берувчиларни донорлар, яъни қон берувчилар деб аташади. Қарзни қабул қилганларни қарздорлар деб аташади.

Иккинчидан эса, чет элдаги фирмалар ва ҳукуматлар облигацияларни сотиб олиш орқали уларга қарз бериш, чет элга тадбиркорлик капитали чиқарилганда уни қандай мақсадга ишлатишни қарздорларнинг ўзи ҳал қилади. Капиталнинг чиқарилиши иқтисодий ўсишга хизмат қилади, пул топиш муаммоси ечилади. Капитал орқали илгор технология ва бошқарув тажрибаси кириб келади. Капитал қабул қилинган мамлакатларда ишлаб чиқариш таркибининг янгилиниши юз беради. Бу жаҳон бозори билан боғланади. Бундан ташқари мамлакатда бандлик ошади, маҳаллий аҳолининг даромади ортиб боради. Капитал чиқариш ва қабул қилишда шундай тартиб ҳам борки, бунда четдан кириб келган капитал уни қабул қилувчи мамлакатларнинг миллий манфаатларига зид иш қилмаслиги талаб қилинади. Шунга кўра капитални олган давлат хориж капитали ҳаракатини назорат қилади. Кириб келган капитал келган мамлакати қонун-қоидаларига бўйсунган ҳолда фаолият юритади.

Вақт ўтиши билан шароит, ҳолат ўзгариши мумкин. Шундай бўлганда капиталнинг мамлакатлараро ҳаракати ҳам ўзгаради. XXасрнинг 70 йилларига қадар капитал иқтисоди ривожланган мамлакатлардан чиқиб, қоқоқ ва ҳатто мустамлакага равона бўлган. Кейинги пайтда капиталнинг ривожланган мамлакатлар ўртасида тақсимланиши юз берди.

Капиталнинг четга чиқиш тажрибаси, ҳатто XXI асрда ҳам давом этмоқда. Бундай ҳолат иқтисоди заиф мамлакатлардан ички инвестиция имкониятларини қидириб топишни, хориж капиталини киритиш учун кучли рақобат қилишларини талаб қилади. Мамлакатлараро савдо – сотиқ ва капиталнинг ҳаракати тўлов балансида акс этади. Тўлов баланси – бу мамлакатнинг ташқаридан оладиган ва ташқарига тўлайдиган пулларнинг нисбатидир. Пулнинг ташқаридан келиши ва ташқарига чиқиб кетишида ўзига хос йўналиш ва йўл-йўриқлари бўлади. Улар асосан қуйдагилардан боғлиқдир. Биринчидан, экспорт ва импорт миқдорига. Иккинчидан, чет элга қарз бериш ёки у ердан қарз олишдан. Учинчидан, чет элга капитал чиқариш ёки чет элдан капитал киритиш, тўртинчидан, четдан молиявий ёрдам олинса, пул кириб келади, чет элга ёрдам берилса пул чиқиб кетади. Ниҳоят бешинчидан, мамлакатдан ишчилар чиқиб кетса, улар хорижда топган пулнинг бир қисми юртига қайтиб келади. Мамлакатга ишчилар кириб келса, уларга берилган пулдан бир қисми ташқарига чиқиб кетади.

Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар мамлакатларда турлича бўлиши мумкин. Шунга кўра уларнинг тўлов баланслари ёки актив ёки пассив бўлиши мумкин. Бу қандай аниқланади. Бунда ташқаридан келадиган пул ташқарига бериладиган пулдан кўп бўлса, тўлов баланси актив бўлади. Аксинча, ташқаридан келадиган пул ташқарига кетадиган пулдан кам бўлса, тўлов баланси пассив бўлади. Актив баланс мусбат бўлса, пассив баланс манфий

деб ҳисоб юритилади. Масалан, биринчи мамлакатда ташқарига тўланган пул 60 млрд. доллар. Ташқаридан олинган пул эса 50 млрд. доллар бўлса, баланс пассив бўлади. Аксинча, ҳолатда тўлов баланси актив бўлади. Тўлов балансининг актив бўлиши миллий иқтисодиёт учун муҳимдир. Мамлакат четдан импорт товарларни сотиб олгани ҳажмидан четга товарлар сотганининг ҳажми кўп. Бу мамлакат иқтисодиёти учун яхши ҳолатдир. Шунга кўра Ўзбекистон иқтисодиётида экспортни ошириш давлат назоратидаги сиёсий жараёндир. Ўзбекистоннинг капитали жон бошига олганда энг юқори тақсимотга эгадир.

### 23.3. Халқаро валюта –кредит муносабатлари.

Валюта – бу лотинча сўз, унинг маъноси қиймат, пул бирлиги мазмуниладир. Кредит эса лотинча сўз бўлиб, унинг мазмуни қарз демакдир. Устама тўлов қайтариб бериш шarti билан маълум муддатга қарз олиш.

Мамлакатларнинг ташқи савдо муносабатлари халқаро валюта муносабатларисиз ўтмайди. Ҳар бир мамлакатнинг ўзининг миллий пул бирлиги, яъни валютаси бор. Давлат пулида ўша давлатнинг рамзлари ифода этилган бўлади. Шунга кўра товар ва хизматларни сотаётган мамлакат ўзининг валютаси қийматидан келиб чиқиб товарлар экспортини ташкил этади. Мамлакатлар товарлар ва хизматларни сотиб олишда мана шу товар ва хизматларни сотаётган мамлакатнинг валютасига эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун савдо-сотиқ қилаётган ҳар иккала томон бир-бирининг валюталарини мавжуд бўлган курс даражасига асосан алмаштириб турмоғи лозим.

Барча мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган нархи валюта курси деб юритилади. Бу курсни айирбошлаш курси деб ҳам атайди. Валюта курси узлуксиз ўзгариб туради. Валюта курсининг ўзгариши иқтисодиётнинг турли соҳаларига ҳар хил таъсир қилади. Масалан, экспортга ишловчиларга валюта курсининг пасайиши қулай бўлади. Унинг ортиши эса зарар келтиради. Шунга кўра, миллий валютанинг курси ошганда импорт қулай, курс пасайганда эса экспорт қулай бўлади. Валюта курси ошса, четдан товар сотиб олиш арзонга тушади, курси миқдори пасайса четга сотиладиган товарлар нархини оширади.

Экспорт – импорт кўламининг кенгайиб боришига қараб иқтисодиётнинг валюта курсига боғлиқлиги кучайиб боради. Валюта курсини барқарорлаштиришда давлат ҳам қатнашади. Буни бажаришда, биринчидан давлат ўз пулини кредит бозорига ташлаб ёки кредит бозоридан чиқариб фойз ставкасига таъсир этади. Агар фойз ошса кредит кам олинади, кредит

пулига камроқ валюта харид этилади. Натижада хориж валютаси нархи пасайиб, миллий валюта курси ошади. Агар фойз ставкаси камайса, бунинг акси юз беради. Иккинчидан эса, давлат ўз валютаси курсини барқарор сақлаш ёки оширишни кўзласа, ўз ихтиёридаги чет эл валютасини бозорга ташлайди. Натижада хориж валютаси курси пасаяди, миллий валюта курси ошади. Валюта кўпайса унинг нархи арзонлашади.

Валюта курсларининг барқарор бўлиши халқаро алоқалар учун ўта муҳимдир. Шунга кўра ҳам валюта курси тартибланади, ривожланган мамлакатларда унинг кескин ўзгаришига йўл берилмайди.

Валюталарнинг қадр-қиймати ҳар хил бўлганидан улар турлича конвертацияланади. Конвертацияланадиган сўм – бу сўмнинг бошқа валюталарга эркин алмаштиридаги обрў – эътиборидир. Валюталар алмаштириладиган (конвертирланган) ва алмаштирилмайдиган (конвертирланмайдиган) бўлади. Тула алмаштириладиган валюталар, булар мамлакат ичида ҳам ва ташқарисида ҳам бошқа валютага эркин алмашади. Булар АҚШ доллари, Германия маркаси, Швейцария франки, Япония иенаси, инглиз фунт стерлинги, Канада доллари дур. Қисман алмаштириладиган валюталар маълум мақсадлар учун ёки чекланган ҳолда бошқа валютага алмашади. Валютаси алмаштирилмайдиган мамлакатлар иқтисодиёти ниҳоят паст даражада бўлади.

Жамият тараққиёти ва давр ўтиши билан жаҳон пули ва халқаро ҳисоб-китоб шакллари ўзгарди. Шунга кўра ҳам валюта муносабатларининг аҳамияти, унинг зарурлиги ўсиб борди. Товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучи ҳаракати мамлакатлараро кўчадиган пул массалари оқими ёрдамида амалга оша борди. Мана шу ҳаракатларни тартибга солиш учун халқаро валюта тизими ва жаҳон валюта тизимларининг шаклланишига олиб келди. Миллий валюта тизими базасида жаҳон бозори ривожланиши натижасида таркиб топадиган ва давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган халқаро валюта муносабатларини ташкил қилиш шакли бўлган жаҳон валюта тизими амал қилади. Мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар оқими кўпайган сари пул воситаларини айирбошлаш ҳам тобора ошиб боради, ўзаро ҳисобдаги номутаносибликлардаги муаммолар юзга келади. Буларнинг барчаси жаҳон валюта тизимининг барпо этилишига объектив шарт-шароитлар яратиб беради. Жаҳон валюта тизимининг юзага келиши мамлакатлар ўртасидаги барча турдаги битимларни амалга оширишни тартибга солишдан ва бу ишларни тезлаштиришдан иборат бўлади.

Халқаро кредит умумжаҳон иқтисодий муносабатларнинг махсус шаклини ташкил этади. У дунё миқёсидаги қарз бериш ва уни олиш муносабатидир. Унда турли давлатлар, ташкилотлар, йирик корпорациялар

иштирок этади. Халқаро ссуда фонди вақтинча бўш пул маблағлари сифатида йирик банклар ва корпорациялар, молия компаниялари ихтиёрида тулланади. Мана шу фонддан харажатларни қоплаш ва капитал қўйиш учун фойдаланилади. Жаҳон бозорининг кенгайиб бориши, капитал экспорти ва импортининг кучайиши, давлатлараро ишлаб чиқариш, кооперация ва интеграцион алоқалар халқаро кредитга талабни оширади, унга умумжаҳон тус бахш этади. Умумжаҳон кредит икки йўналишда боради. Улардан, биринчиси олатдаги кредит. Бунда халқаро пул бозоридаги талаб-таклиф таъсири орасида бўлади. Бунга бозорда ташкил топган фоиз асосида берилади. Бу кредитни молия уюшмалари, банклар беради. Кредитнинг иккинчи қўриниши, бу имтиёзли ва текин кредит. Бу қўринишдаги кредитда физ туланмайди ёки ўта паст фоиз туланади. Бу турдаги кредитни бой давлатлар, ўрта йирик компаниялар томонидан берилади. Бундай кредитларни халқаро ташкилотлар махсус халқаро дастурларни амалга ошириш учун беради. Масалан, 1993йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб туриш учун 60млн. доллар кредит берди.

Имтиёзли кредитнинг икки йўналиши мавжуд. Улардан биринчиси, бу пул бозорининг маҳсули, бозор муносабатига алоқаси бор. Иккинчидан эса, бепул ёки имтиёзли бўлганидан унда нобозор муносабати ҳам мавжуд. Бу кредитни беришдан мақсад пулдан-пул чиқариб олиш эмас. У бозор механизми орқали юз беради. Лекин бу кредит мазмунида инсонийлик ёрдам кўрсатиш гоёси ҳам бор.

Бутун жаҳон мамлакатлари миқёсида бериладиган кредит, бу ўз хусусиятига биноан қарздорлик муаммосини юзага келтиради. Муаммо бу фақат унинг қарз миқдори эмас, балки уни узиш имконини белгилайди. Ривожланган мамлакатлар ҳам қарздор бўлиб қолади. Лекин бу қарзни тўлаш улар учун муаммо бўлмайди. Бой давлатларнинг олган қарздан қўра, берган қарзи кўп. Бундай иқтисодиёти баркамол давлатлардан АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада ва бошқа давлатлардир. Қарзни тўлай олмаслик иқтисодиёти заиф ривожланаётган мамлакатлар қарзининг бир қисмини ёки барча қисмини кечиб юбориши мумкин. Халқаро кредит миллий иқтисодиётни жаҳон ҳужалиги билан боғлаш ва синаш ҳам ҳисобланади ва умумжаҳон миқёсидаги иқтисодий фаолиятнинг яхлитлигини таъминлайди.

Халқаро кредитнинг ўзига хос хусусиятлари, белги-вазифалари мавжуд. Биринчиси, қуйдаги йўналишларнинг ўсишига амалий ёрдам кўрсатади. Улар ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг байналмилаллашувига, жаҳон бозори ва халқаро савдонинг ташкил топишига, нисбатан ривожланган мамлакатлар товарларининг рақобат бардошлигини оширишга, улушларни

молиялаштиришнинг турли — туман шаклларининг яратилишига, иқтисодий қолоқ мамлакатларнинг қарздорлиги даражасининг ўсишига.

Иккинчидан, халқаро кредит қуйдаги вазифаларни бажаради. Улар товар ва хизматлар экспортини рағбатлантиради, хусусий чет эл инвестициялари учун қулай шарт-шароитлар яратади, қарздор мамлакатлардан фоиз тариқасида фойда келтириш учун хизмат қилади. Шунингдек қарздор мамлакатларда чет эл монополиялари учун иқтисодий ва сиёсий режимлар ўрнатилишига имкон беради.

Учинчидан, халқаро кредитнинг айрим шакллари мавжуд. Булар, экспортда шуғулланувчилар томонидан харидорларга товарни қарзга бериши мумкин. Банк -заёмлар орқали молиявий кредитларни юритиши мумкин.

Тўртинчидан, халқаро кредит ўз иқтисодий мазмунига кўра ташқи савдо жараёнлари билан боғланган тижорат кредити, ҳар қандай мақсадлар, масалан, қарзни тўлаш, қимматбоҳо қоғозларни инвестиция қилиш, бевосита капитал маблағ қўйиш каби молиявий кредитлар.

Бешинчидан, халқаро кредитлар сифатига кўра ҳам ўз шаклларига эга. Улар, хусусий кредитлар. Бу кредитлар фирмалар, банклар ва даллоллар томонидан берилади. Шунингдек давлат кредити. Бу кредит ҳукуматлар томонидан ҳар хил мамлакатларга берилади. Ниҳоят халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ҳам кредит берилади.

Халқаро кредит турли муддатларга берилади. Масалан, қисқа муддатга, ўрта муддатга ва узоқ муддатга. Қисқа муддатга берилган кредит-бу бир йилгачадир. Ўрта муддатли кредит эса бир йилдан беш йилгача. Узоқ муддатли кредит беш йилдан ортиқдир.

Халқаро кредит жараёнлари кредит олувчи ва кредит берувчи мамлакатларнинг иқтисодий — ижтимоий тараққиёти манфаатларига ҳос ва мос равишда ташкил қилинади. Бундай кредитлар узлуксиз тараққий этиб боради.

### Асосий таянч тушунчалар.

**Валюта** - мамлакатларнинг пул бирлиги.

**Валюта курси** - бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган нархи.

**Жаҳон валюта тизими** - бу халқаро айирбошлашнинг барча шаклларига хизмат қилишга ва уларнинг самарали ривожланишини таъминлашга қаратилган мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатларининг йигиндиси.

**Валюта конвертирлашуви** - бу миллий валютани бошқа хорижий валюталарга айлантириш қобилияти.

**Эркин конвертирланадиган валюта** - бу амалдаги курс бўйича ҳар қандай хорижий валютага эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валюта.

**Қисман конвертирланадиган валюта** - бу баъзи - бир хорижий валюталарга алмаштириладиган валютадир.

**Жаҳон бозори** - халқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бирига боғланган турли мамлакатлар ўртасидаги барқарор олди - сотди муносабатлардир .

**Халқаро иқтисодий интеграция** - миллий бозор ва мамлакатлар ўртасидаги узвий боғлиқлик.

**Ҳақаро меҳнат тақсимоти** - бу мамлакатлар ўртасида айирбошлаш орқали ўзаро боғланган, маълум миқдорий ва сифат нисбатларидаги меҳнат тақсимотидир.

**Чет эл инвестициялари** - хорижий мамлакатларнинг миллий иқтисодиётга валюта пул маблағлари, капитал қуйилмалари ифодасидир.

**Тўлов баланси** - мамлакатлар ўртасида бир йил давомида амалга оширилган барча иқтисодий фаолиятларнинг якуний натижаларини ифода этувчи ҳужжат. Халқаро кредит- бу пул, товар шаклидаги муддатли қайтариб берилиши ва фоиз тўлаши шартлари асосида бир мамлакатдан қарз олувчи иккинчи мамлакатга бериладиган ссудадир.

**Кредит**- лотинча сўз. Қарз. Устама тўлаб қайтариб бериш шarti билан маълум муддатга қарз олиш.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И. А.** “Ўзбекистон — ўз истиқдол ва тараққиёт йули”. Т... “Ўзбекистон”, 1992.
2. **Каримов И. А.** “Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули”. Т... “Ўзбекистон”, 1993.
3. **Каримов И. А.** “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида” Т... “Ўзбекистон”, 1995.
4. **Каримов И. А.** “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари”. Т... “Ўзбекистон”, 1998.
5. **Каримов И. А.** “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т... “Ўзбекистон”, 1998.
6. **Каримов И. А.** “Миллий истиқдол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар”. Т... “Ўзбекистон”, 2001.
7. **Каримов И. А.** “Юксак маънавият — енгилмас куч”. Т... “Ўзбекистон”, 2008.
8. “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. — Тошкент, 2003.
9. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. — Тошкент, 2003.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2003 — 2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлатириш дастури тўғрисида”ги қарори, 2003 йил 17 апрел.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларини хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора — тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2003 йил 26 август.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора — тадбирлари тўғрисида” ги Фармони, 1997 йил 27 апрел. Т... “Ўзбекистон” 2003.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора — тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Т... 2005 йил 14 июнь. “Халқ сузи” газетаси 115 сон 16.06.2005 йил.
14. **Кейнс Ж. М.** Общая теория занятости, процента и денег. — М.: Экономика, 1993 — 306 с.
15. **Смит А.** Исследование о природе и причинах богатства народов. — М.: Соц. Экон., 1962 — 224 с.
16. **Ўлмасов А., Шарифхўжаев М.** “Иқтисодиёт назарияси “ дарслик Т... “Меҳнат”- 1995.
17. **Ўлмасов А., Вахобов А.** “Иқтисодиёт назарияси “ дарслик Т... “ Шарқ “- 2006.
18. **Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т.** “Иқтисодиёт назарияси”. Т... “Молия” 2002.

19. Шодмонов Ш., Гофуров У. В. “ Иқтисодиёт назарияси “ дарслик Т... “Фан ва технология”. 2005.

20. Бекназов Н. “ Иқтисодиёт назарияси “ дарслик. Тошкент-2005.

21. Фишер С. ва бошқалар. “ Экономика “. “ Дело “. Москва-1993.

22. Макконнелл Р., Брю Л. “ Экономикс “. Таллин-1993.

23. Жумаев Ч. “Ўзбекистон иқтисодиётининг моҳияти ва ривожланиш шартлари”. Термиз давлат университети. Илмий – назарий конференция. 2004 й., май.

24. Жумаев Ч. “Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий устувор йўналишлари”. Термиз давлат университети., Илмий – назарий конференция. 2005 й., апрел.

25. Жумаев Ч. “Иқтисодий билимлар тизимида иқтисодиёт назарияси фанининг тугган ўрни”. Тошкент Молия институти. Республика илмий – назарий конференцияси. 2007 й., 27 май.



## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I. Бўлим. Иқтисодий ривожланишнинг умумий асослари.....	6
I. БОБ. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва билиш уни услуби.....	6
1-1. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши.....	6
1-2. Фаннинг предмети, моҳияти, вазифалари.....	10
1-3. Иқтисодий қонунлар, категориялар.....	14
1-4. Иқтисодий жараёнларни билишнинг илмий услублари.....	16
Асосий таянч тушунчалар.....	19
II. БОБ. Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар. Ишлаб чиқариш иқтисодиётда бош бўлин.....	21
2-1. Эҳтиёжлар ва уни қондириш воситалари.....	21
2-2. Иқтисодий фаолият ва унинг турлари.....	24
2-3. Ишлаб чиқариш, унумдорлик ва самарадорлик.....	27
2-4. Такрор ишлаб чиқариш ва унинг иқтисодий моҳияти.....	32
Асосий таянч тушунчалар.....	36
III. БОБ. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари.....	38
3-1. Ижтимоий-иқтисодий тизим белгилари ва турлари.....	38
3-2. Ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ўрин алмашуви.....	42
3-3. Мулкчилик, унинг иқтисодий мазмуни.....	46
3-4. Давлат мулкчини хусусийлаштириш ва тасарруфдан чиқариш.....	49
Асосий таянч тушунчалар.....	53
II. Бўлим. Бозор иқтисодиётининг қонунлари ва қонуниятлари.....	54
IV. БОБ. Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва амал қилиши.....	54
4-1. Товар ҳужалигининг вужудга келиш сабаблари. Пул, унинг келиб чиқиши, вазифалари.....	54
4-2. Товар ва унинг хусусиятлари.....	58
4-3. Қиймат тўғрисидаги турли назариялар таҳлили.....	62
Асосий таянч тушунчалар.....	65
V. БОБ. Бозор ва унинг тузилиши, мазмуни, белгилари, амал қилиши.....	66
5-1. Бозор ва унинг пайдо бўлиш сабаблари. Бозор иқтисодиётининг устун ва заиф жиҳатлари.....	66
5-2. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари.....	70
5-3. Бозор турлари ва унинг таркибий тузилиши.....	75
5-4. Бозор қўлами.....	80
Асосий таянч тушунчалар.....	82

<b>VI. БОБ. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.....</b>	<b>84</b>
6-1. Хўжалик юритиш тизимида бозор иқтисодиётининг аҳамияти.....	84
6-2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари.....	88
6-3. Бозор иқтисодиётига ўтишдаги ислохотлар.....	91
6-4. Бозор иқтисодиётига ўтиш бошқичлари ва вазифалари.....	94
Асосий таянч тушунчалар.....	96
<b>VII. БОБ. Талаб ва таклиф. Бозор мувозанати.....</b>	<b>98</b>
7-1. Талаб ва талаб қонуни.....	98
7-2. Таклиф ва таклиф қонуни.....	102
7-3. Талаб ва таклиф ўзгариши, уларга таъсир этувчи омиллар.....	105
7-4. Бозор мувозанати.....	109
Асосий таянч тушунчалар.....	112
<b>VIII. БОБ. Рақобат ва нарх, уларнинг вужудга келиш сабаблари.....</b>	<b>114</b>
8-1. Рақобат механизми ва унинг моҳияти.....	114
8-2. Рақобат шакллари, турлари ва усуллари.....	118
8-3. Бозор иқтисодиёти шароитида монополия ва антимонопол сиёсат.....	121
8-4. Нарх, унинг мазмуни, турлари ва вазифалари.....	124
Асосий таянч тушунчалар.....	127
<b>IX. БОБ. Тадбиркорлик фаолияти.....</b>	<b>128</b>
9-1. Тадбиркорлик ва унинг иқтисодий мазмуни.....	128
9-2. Тадбиркорликда мақсадга эришиш йўли.....	132
9-3. Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракат шакллари.....	135
9-4. Тадбиркорлик даромади ва рентабиллик.....	139
Асосий таянч тушунчалар.....	142
<b>X. БОБ. Корхона ва унинг иқтисодий фаолияти.....</b>	<b>143</b>
10-1. Корхона харажатлари ва уни тежаш йўллари.....	143
10-2. Корхона харажатлари ҳажмига таъсир этувчи омиллар.....	146
10-3. Корхона фаолияти ва уни бошқаришни такомиллаштириш.....	149
10-4. Корхона фойдаси ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.....	151
Асосий таянч тушунчалар.....	154
<b>XI. БОБ. Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари.....</b>	<b>155</b>
11-1. Иш ҳақи ва унинг аҳоли даромадидаги ўрни.....	155
11-2. Меҳнат бозорининг иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни.....	158
11-3. Меҳнатга талаб ва таклиф.....	161
11-4. Меҳнат низолари ва уни бартараф этиш усуллари.....	163
Асосий таянч тушунчалар.....	166
<b>XII. БОБ. Аграр муносабатлар ва агробизнес.....</b>	<b>167</b>
12-1. Аграр муносабатлар ва унинг иқтисодий моҳияти.....	167

12-2. Ижара ҳақи ва рента муносабатлари.....	170
12-3. Агросаноат интеграциясининг иқтисодий мазмуни.....	173
12-4. Агробизнес ва унинг шакллари.....	175
Асосий таянч тушунчалар.....	178
<b>III. Бўлим. Миллий иқтисодиёт.....</b>	<b>179</b>
<b>XIII. БОБ. Миллий иқтисодиёт ва унинг фаолияти.....</b>	<b>179</b>
13-1. Миллий иқтисодиёт ва унинг юзага келиши.....	179
13-2. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ва унинг ҳаракат шакллари.....	182
13-3. Ялпи миллий маҳсулотни (ЯММ) ҳисоблаш усуллари.....	185
13-4. Микроиқтисодиётнинг амал қилиши.....	188
Асосий таянч тушунчалар.....	190
<b>XIV. БОБ. Жами талаб ва жами таклиф.....</b>	<b>192</b>
14-1. Жами талаб ва унга таъсир қилувчи омиллар.....	192
14-2. Жами таклиф ва унга таъсир қилувчи омиллар.....	195
14-3. Жами талаб ва жами таклиф мувозанатини таъминлаш муаммоси.....	198
Асосий таянч тушунчалар.....	201
<b>XV. БОБ. Миллий бойлик. Истеъмол, жамғарма, инвестиция.....</b>	<b>202</b>
15-1. Миллий бойлик ва унинг таркибий тузилиши.....	202
15-2. Иқтисодий ўсиш турлари ва омиллари.....	206
15-3. Истеъмол ва жамғарманинг аҳамияти, манбалари.....	210
15-4. Инвестициялар ва унинг иқтисодий мазмуни, турлари.....	213
Асосий таянч тушунчалар.....	216
<b>XVI. БОБ. Миллий иқтисодиётда мувозанатлик ва макроиқтисодий беқарорлик.....</b>	<b>218</b>
16-1. Иқтисодий мувозанатлик ва уни аниқлаш усуллари.....	218
16-2. Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодий инқирозлар.....	222
16-3. Иқтисодий мутаносиблик ва унинг турлари.....	225
16-4. Иқтисодий цикл, унинг иқтисодиёт тармоқларига таъсири.....	228
Асосий таянч тушунчалар.....	231
<b>XVII. БОБ. Жами ишчи кучи, бандлик, ишсизлик.....</b>	<b>233</b>
17-1. Ишчи кучи ва уни тақрорий яратиш.....	233
17-2. Ишсизлик, унинг турлари, сабаблари.....	236
17-3. Бандлик, уни ўстириш муаммолари, ечимлари.....	240
Асосий таянч тушунчалар.....	243
<b>XVIII. БОБ. Молия тизими ва унинг иш фаолияти.....</b>	<b>244</b>
18-1. Молия ва унинг зарурлиги.....	244
18-2. Иқтисодиётда маҳсулотлар, хизматлар ва пулнинг айланма ҳаракатлари.....	247
18-3. Молия муносабатлари ва вазифалари.....	252

18-4. Молияда бюджет ва солиқ тизими.....	256
Асосий таянч тушунчалар.....	259
<b>XIX. БОБ. Банклар ва пул-кредит тизимининг бозор иқтисодиёти шароитидаги иқтисодий ўрни.....</b>	<b>261</b>
19-1. Банк ва банк тизими.....	261
19-2. Пул-кредит тизими. Инфляция унинг иқтисодиётдаги таъсири.....	265
19-3. Кредит, унинг манбалари, вазифалари, иқтисодий моҳияти.....	269
19-4. Ўзбекистонда миллий валюта қадрини янада ошириш масалалари.....	273
Асосий таянч тушунчалар.....	277
<b>XX. БОБ. Давлат - бозор иқтисодиётга ўтишда бош ислохотчи.....</b>	<b>279</b>
20-1. Давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни, вазифалари.....	279
20-2. Давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари.....	284
20-3. Ижтимоий – иқтисодий сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги.....	288
20-4. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари ва воситалари.....	291
Асосий таянч тушунчалар.....	295
<b>XXI. БОБ. Иқтисодиётнинг ижтимоийлиги.....</b>	<b>296</b>
21-1. Ижтимоий –иқтисодий фаровонлик.....	296
21-2. Аҳоли даромадлари ва унинг манбалари.....	300
21-3. Даромадлар тенгсизлигининг ижтимоий-иқтисодий сабаблари.....	303
21-4. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя ва унинг иқтисодий моҳияти.....	306
Асосий таянч тушунчалар.....	310
<b>IV. Бўлим. Иқтисодиётнинг очиқлиги.....</b>	<b>311</b>
<b>XXII. БОБ. Жаҳон ҳўжалиги, унинг барпо этилишига таъсир этувчи омиллар.....</b>	<b>311</b>
22-1. Ишлаб чиқаришнинг халқаро муносабатлар даражасига айланиши.....	311
22-2. Халқаро иқтисодий интеграция, унинг томонлар учун иқтисодий моҳияти.....	315
22-3. Жаҳон ҳўжалигида Ўзбекистоннинг ўрни.....	319
22-4. Экологик муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари.....	322
22-5. Халқаро меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг байналмилалашуви.....	325
Асосий таянч тушунчалар.....	329
<b>XXIII. БОБ. Жаҳон бозори.....</b>	<b>331</b>
23-1. Халқаро савдо-сотиқ, тузилиши, хусусиятлари.....	331
23-2. Капиталнинг халқаро ҳаракати.....	336
23-3. Халқаро валюта- кредит муносабатлари.....	340
Асосий таянч тушунчалар.....	343
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	345

**«ТАФАККУР» НАШРИЁТИ**  
**қуйидаги матбаа хизматларини**  
**амалга оширади:**

**Босмахона хизматлари:**

- Журналлар, газеталар, китоблар, брошюралар ва бошқа босма маҳсулотларининг оригинал макетини тайёрлаш ҳамда чоп этиш;
- Ташқи ва ички рекламалар;
- Таклифномалар, визиткалар, конвертлар, плакатлар, этикеткалар, календарлар, буклетлар;
- Канцелярия маҳсулотлари (дафтарлар, бланкалар, иш қоғозлари).

**Матбаа хизматлари:**

- Муҳаррирлик, матн териш, таржимонлик ва мусахҳихлик ишлари.

**Мултимедиа хизматлари:**

- Компютерда саҳифалаш ва дизайн ишлари;
- Қўлёзма ва китобларнинг электрон вариантларини тайёрлаш.

**Маълумот учун телефонлар:**

(+99871) 235-75-84

(+99897) 440-37-16

**E-mail:** [maktub@tafakkur.uz](mailto:maktub@tafakkur.uz)

**Веб-сайт:** [www.tafakkur.uz](http://www.tafakkur.uz)

**Чори ЖУМАЕВ, Нормурод САФАРОВ**

**“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ”  
ФАНИДАН  
ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА**

**Муҳаррир** Луқмон БЎРИХОН  
**Техник муҳаррир** Диана ГАБДРАХМАНОВА  
**Мусахҳиҳ** Хусан НИШОНОВ  
**Саҳифаловчи** ОЛМОС МУХТОРОВ

Босишга 03.04.2009 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 22 б.т. Алади 1000.  
Буюртма № 008.  
Нархи келишилган ҳолда.

«Tafakkur» нашриёти.

[www.tafakkur.uz](http://www.tafakkur.uz)

E-mail: [maktub@tafakkur.uz](mailto:maktub@tafakkur.uz)

«Tafakkur Plus» МЧЖ босмахонаси.  
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,  
Ғ.Мавлонов кўчаси, 1а-уй.



**Чори ЖУМАЕВ** — 1938 йилда Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Туғиз қишлоғида таваллуд топган.

1967 йилда Самарқанд Кооператив институти иқтисодчи-ҳисобчи мутахассислиги бўйича тамомлаган. 1983 йилда иқтисод фанлари номзодлиги учун Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузиридаги «Иқтисод» институтида «Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда моддий рағбатлантиришнинг урни» мавзусида диссертация ёклаган. 1993 йилда доцентлик илмий унвонига сазовор бўлган. 2001 йилдан Ўзбекистонда хизмат курсатган ёшлар мурабийси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги эсталик нишони, меҳнат faxрийси медали ва ҳукумат, вазирлик ҳамда вилоят ҳокимлигининг қатор фахрий ёрликлари билан тақдирланган. Вилоят ва шаҳар кенгашлари депутатлигига сайланган. Унинг қатор илмий мақолалари, услубий ишлари Республика ва халқаро илмий-назарий конференцияларда чоп этилган.

У айни пайтда Термиз Давлат Университети «Иқтисодиёт назарияси ва Макроиқтисодиёт» кафедрасида фаолият олиб бормоқда.



**Нормурод САФАРОВ** — 1963 йили Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги Хурватан қишлоғида таваллуд топган.

1987 йилда Самарқанд кооператив институти «Бухгалтери ҳисоби, хужалик фаолиятини таҳлил қилиш» мутахассислиги бўйича тамомлаган.

У Самарқанд кооператив институтида аспирант сифатида сиртдан ўқишни давом эттирмоқда. Унинг қатор илмий-назарий мақолалари Республика ва вилоят нашрларида чоп этилган. У Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги эсталик ҳамда кооперация аълочили нишонлари билан тақдирланган.

Айни пайтда Термиз Иқтисодиёт коллежи директори вазифасида ишлаб келмоқда